

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадиий, илмий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 2(129)

2008 йил, феврал

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАВОИЙХОНЛИК

- Алишер НАВОИЙ. **Ғазаллар.** «Девони Фоний»дан .....3  
Е.Э.БЕРТЕЛЬС. **Навоий асарларининг Овруподаги илк таржималари**.....81  
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ **Навоийни жаҳон билади**..... 86  
Фаррухбек ОЛИМ. **Улуғ зот наздидаги улуғлик**.....93

### НАСР

- Валентин РАСПУТИН. **Марияга пул керак. Қисса**.....7  
Анри ТРУАЙЯ. **Ҳикоялар**.....114

### БОБУРХОНЛИК

- Заҳириддин Муҳаммад БОБУР. **Ғазаллар**.....96  
Тўлқин САЙДАЛИЕВ. **Таржима ва шеърий санъатлар**.....99  
Камола ШАРАФИДДИНОВА. **Аждодлар руҳи бизга мадакдор**.....103

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- Ассам наволари. **Севинчлар гуллади – эрка чечаклар**.....104

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

- Хосе ОРТЕГА-и-ГАССЕТ. **Севги сеҳри**.....135

---

ТОШКЕНТ  
ФЕВРАЛ

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Ҳақимжон КАРИМОВ. Адабий жараённинг холис талқини.....153

## САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

СОМДЕВ. Достонлар уммони.....156  
Ансориiddин ИБРОҲИМОВ. Тарих билан бўйлашган асар.....202

## ЖАҲОН КУЛАДИ

Ярослав ГАШЕК. Ҳажвий ҳикоялар.....203

Бош муҳаррир  
ўринбосари:  
**Мирпўлат МИРЗО**

Таҳрир ҳайъати:

**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**  
**Азиз САИД**  
**Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Бобур АЛИМОВ**  
**Эркин ВОҲИДОВ**  
**Одил ЁҚУБОВ**  
**Туробжон ЖЎРАЕВ**  
**Минҳожиддин МИРЗО**  
**Абдурахим МАННОНОВ**  
**Абдулла ОРИПОВ**  
**Азимжон ПАРПИЕВ**  
**Ғайрат ШОУМАРОВ**  
**Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Рустам ҚУРБОНОВ**

Навбатчи муҳаррир Г.МУҲАММАДЖОН  
Рассом А.БОБРОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 2. 2008.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Босишга рухсат этилди 10.03.2008 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1800 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2008 й.**

Алишер НАВОИЙ

## Ғазаллар

“Девони Фоний”дан

\* \* \*

**Э**й, гулбаҳор, хуснинг сабаб чеҳрам бу кун гулзорлар,  
Бул навбаҳор гулзордин сийнамга тўлган хорлар.

Ҳажринг нишидин ҳар фасл, қирқилди жоним мутгасил,  
Бу игнаю иплар-ла дил чокин тикиш душворлар.

Кел, ғам уйига кўй қадам, бўлди фано саркаш танам,  
Бас, хорлик тупроғи ҳам боштин сочар деворлар.

Чеҳрам қизил қондин, бироқ майдин қизил унда яноқ,  
Ҳамранг бўлолмас, эй, шу чоқ менга гули рухсорлар.

Ошуфта дил маҳбуб сабаб, қиблам томон кўймам қараб,  
Ул моҳ зулфидин ўраб бўйнимга ман зуннорлар.

Аввал эдим аҳли фунун, мажнун бўлибман ушбу кун,  
Атфол сира бермайди кун, бошга солиб озорлар.

Назмим эрур янги ва шан, ҳайратдадур чархи кўҳан,  
Фоний агар сўзга чечан, устои Жомий борлар.

\* \* \*

Нигорим турку тожикдур, қилур юз хона вайрона,  
Аё, киприклари тожиквашу ҳам чашми туркона.

Муродим доимо сурмак нигорим сочига кўзни,  
Фақат киприklarим қодир тароқ бўлмоққа шоёна.

---

Низомиддин Мир Алишер Навоий – Фоний ҳазратларининг бадиий мероси дуру жавоҳирларга тўла уммондир. Бизлар эса (баъзи биримиз чаққон, баъзи биримиз сустроқ) ғаввосларга ўхшаб Навоийнинг бадиият уммонидан дуру жавоҳирларни олиб чиқаверамиз. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, то қиёмат қадар бу уммоннинг дуру жавоҳирлари кўпайса кўпаядики, аммо асло камаймайди!

Мен ҳам, кўпчилик қатори, ҳазрат Алишер Навоийнинг беқиёс гўзал ва сермаъно ғазалларига ихлосманд бўлиб, уларга имкон даражасида мухаммаслар боғлаганман.

Навоийнинг форс тилида битган ғазалларининг гўзаллиги ва пурмаънолигини ҳазрат Жомийдан ўтказиб таърифлаш мушкулдир.

Мен кўп йиллар мобайнида Навоийнинг форсча шеърларини ўзбекчага ўғирришни орзу қилиб келдим. Бу, албатта, юмшоқ қилиб айтганда, мен томондан ўта густоҳлик эди. Шунга қарамай, баъзи бир сабабу ишораларга кўра, мен аста-секин “Девони Фоний”даги ғазалларни ўзбек тилига ўгира бошладим. Бу машаққатли ва лекин шарафли меҳнат эди. Мен қобилиятимга яраша, аммо ҳалол тар-

Қаноту қуйриғи ҳам дил қушининг кечалар куйгай,  
Ахир, шам теграсида тунлари парвона-парвона.

Дилимнинг ишқ биносига эшикдир дарзи кўксимнинг,  
Алифдирким эшик ёни, текис хатларки — дандона.

Фақир девор тагига борди истаб соя-салқинлар,  
Қулаб тушмиш бу оҳимнинг наmidин сақфи кошона.

Муғон дайрига бор, эй шайх, агар хилват қоронгудир,  
Шароби арғувон бирла чароғон кунжи майхона.

Санам зуннор ила боғлар белимни хўб, гуноҳқормен,  
Гуноҳимдин агар кечса динимдир совға — шукрона.

Агар риндга узатсанг бир пиёла май, менга жом тут,  
Кўнгулни овламоқ бўлдинг, дуруст, бер жоми паймона.

Насиҳат қилма Фонийга, ақлдан бўлмагай бу иш,  
Ки девона ишига ким кўшилди — бўлди девона.

\* \* \*

Бир жом тўла май истаб майхонага боргайман,  
Ҳеч ташқари чиқмасдан паймонага боргайман.

Шайхлар муножотда, риндлар хароботда,  
Истаб сени байтуллоҳ, бутхонага боргайман.

Майхонада сархуш, маст, тондим-ку ўзимдин, бас,  
Мардона фиғон тортиб мастонага боргайман.

Май жоми манга қотил, мақсуди бўлар ҳосил,  
Гар ёр қадаҳ тутса остонага боргайман.

Минбарга чиқиб воиз, мақтанди беҳишт боис,  
Афсонани тинглаб мен хобхонага боргайман.

---

жима қилишга ҳаракат қилдим. Биз таржима асарларга кўникиб қолганмиз ва таржима асарларга аксарият: “Ҳа энди, таржима-да”, — деб қўя қоламиз.

Шахсан менинг фикрим — таржима асар ўқиладиганда унинг таржималиги китобхоннинг ёдига асло келмаслиги керак. Дейлик, форс тилидаги ғазал форсийзабон ўқувчига қандоқ завқу шавқ берса, унинг ўзбекча таржимаси ўзбек ўқувчисига ҳам худди шундоқ шавқу завқ бермоғи лозим. Бу кўлимдан келгани ё келмагани, албатта, сизларга ҳавола.

1917 йилдаги давлат тўнтаришига қадар туркийзабон халқлар, жумладан, ўзбеклар кўп тилларни яхши билганлар. Айниқса, форсчани мутлақ билмайдиган хонадон кам топилган. Маҳаллаларда, гапу гаштакларда навоийхонлик, фузулийхонлик билан бирга жомийхонлик, бедилхонликлар ҳам мунтазам бўлиб турган.

Демак, XX аср бошида ҳазратнинг форс тилида битилган ғазалларини ўзбекчага ўгиришга кўпам эҳтиёж бўлмаган. 70-йил шўролар тузуми остида яшаган халқимиз ўзининг қадимий анъаналаридан бири, форс тилини билишни ёдидан чиқара бошлади.

Оллоҳга шукрлар бўлсинким, истиқлолдан сўнг биз яна аслиятимизга қайта бошладик. Бироқ, форс тилини билишдан мосуво бўлганга ўхшаймиз. Шу боис Навоийнинг форс тилида битилган ғазалларини ўзбек тилига ўгириш ва уни англаш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Ҳазрат Навоийнинг форс тилидаги ғазалларидан қилган бир тутам таржималаримни нўноқлик билан бу йўлда қилинган уриниш деб қарашингизни сўрайман.

Ҳабибулло САИД ҒАНИ

Ёрим гулу бўстоним, ҳам шами шабистоним,  
Парвона-ю булбулман, ўтхонага боргайман.

Фоний, тила хорлиқни, ундан-да хароблиқни,  
Маъмур киши мендурмен, вайронага боргайман.

\* \* \*

Ҳамон бошимга сочилғай бу мушкин зулфидин савдо,  
Ажабким, мушк сўзига лом қўшилса мушкилот пайдо.

Ниқобинг оч, раҳм қилгил, назар ташла, забун ҳолим,  
Ахир, кўз пардаси бизни кўрарга ғов эмас асло.

Ажал ташриф этар бўлса ҳаёт елдек ўтар, ҳайҳот!  
Рақибим келса чун ёрим кетарман деб қилур ғавго.

Кўнгил ўғрисидир чашминг, дилим қонин ичар доим,  
Яна исботки, бедилмен, ахир мен ошиғу шайдо.

Кўнгил билгил, санам пойида жон берсам ажаб эрмас,  
Лаби-ку жон ато қилғай, магарким, ғамзаси яғмо.

Ки бўлса хонақоҳ аҳлига ҳушёрлиғ йўли мақбул,  
Харобот аҳли чун ҳам масту беҳуш ринд эрур аъло.

Агар ошиқ ўзин ўйларки маҳбубдин эрур маҳрум,  
Дили дўстга етишгайдир ўзини айласа ифно.

Гадолиқ тушмади бошингга, эй шаҳ, сен шукрлар де,  
Сочиб неъмат гадо кўнглида қил ҳиммат уйин барпо.

Агар Фонийга мақсаддир висолинг каъбасин топмак,  
Бу карвонга фано даштидин ўзга излама маъво.

\* \* \*

Ҳар чамандин изладим, сарви хиромон йўқ экан,  
Йиғладим шиддат билан, гулбарги хандон йўқ экан.

Боғ аро боқдим ҳавасманд абри найсон сингари,  
Нолаю афғон чекардин ўзга имкон йўқ экан.

Сабру тоқат ҳаддига чорлаб кўнгилни қистадим,  
Лек ҳижрон ғамларидин яхшироқ шон йўқ экан.

Нотавонлиқ теграсига дилни тортар изтироб,  
Сабру тоқатга манимдек эпсиз инсон йўқ экан.

Масканимга дамба-дам қайтмоққа чора изладим.  
Беқарор, дилгир дилимда қатъият, жон йўқ экан.

Бул ниҳон ишқим сиридин топди айғоқчи хабар,  
Асрамак жонимни мушкул, фурсату он йўқ экан.

Ул парининг ҳажрида Фонийга маъзур рашк ҳам,  
Ман каби девонага бўлгувчи ҳайрон йўқ экан.

\* \* \*

Сен томон дил борадур, жисмим нишоне қоладур,  
Куш учуб кетса магарким, ошиёне қоладур.

Ишқидин овораман, мулки ватандин холиман,  
Хонумоним кетадур, бехонумоне қоладур.

Ҳажрида бўлдим адолар, мақсади қатлим ҳануз,  
Кетди жоним, лек жонондин гумоне қоладур.

Ташладим ўзни итингга, бир емиш бўлсам эди.  
Гар аёқ остида қақшаб устихоне қоладур.

Хаста ҳолим кўргали боқсанг агарким йўл тараф,  
Остона узра ўлган нотаवоне қоладур.

Сарви қомат хотири долдек танамга бир асо,  
Хотиримда шўхнинг ишқи ниҳоне қоладур.

Эмди Фоний қолди дўстсиз бул адам саҳросида,  
Хаста-ю ношуд итисиз карвоне қоладур.

\* \* \*

Абри найсон соясида кечалар ёнмиш шарор,  
Ё баҳор лошкарлари ёққан оловдир лолазор.

Ёки лола шуъласидин кўкка ўрларми булут,  
Ё магар эргаштириб абрин келурми навбаҳор.

Лоланинг ҳавончасида янчди мушкин бул ҳаво,  
Эҳтимол саҳро тарафнинг лоласида мушк бор.

Лола Парвез тожидурким чарх барбод айламиш,  
Бундин ортиқ топмас ибрат ҳеч жаҳонда тождор.

Жоми Жамшид қолди бўм-бўш бўлса ҳам ишратфизой,  
Жому Жамдин йўқ нишон, соқий, шукрким бода ёр.

Лоларанг май хуштурурким лоларў дилбар ила  
Базми май айёми бўлса, атроф лолазор.

Лоларўнинг ҳажридин кўнглимда қолди бир сиёҳ,  
Лолалар доғи каби кўнглим бу кунким доғдор.

Бу замон аҳлида ҳам йўқ лоладек бўйи вафо,  
Қора кўнгул бул улусдин чекиниб бўлгил канор.

Фониё, гун лолазор умри шитоб бўлди фано,  
Узма лабни лоларанг бул жомдин беихтиёр.

Валентин РАСПУТИН

**Марияга пул керак**

Қисса

**Я**рим тунда Кузьма чўчиб уйғонди. Уй ичи ёп-ёруғ. Бу муюлишга етган юк машинасининг олд чироғидан таралаётган нур эди.

Ёруғлик тўлқинланиб хона шифтига ёйилди, кейин девор бўйлаб пастга инди-да, ўнг томонга ўтиб сўнди. Дам ўтмай машина овози ҳам эшитилмай қолди. Яна борлиққа сукунат, зулмат чўкди ва ярим кечаси бу ҳол гўё сирли бир ҳодисадан дарак бераётгандек туюлар эди.

Кузьманинг уйқуси қочди, дераза ёнидаги курсига келиб ўтирди. Деразага қараганча тортиб-тортиб чекди, гўё ўзи ҳам кимгадир ишора қилаётгандек. Дераза ойнасида сўнги кунларда қаттиқ толиққан, салқиган юзи бир зум акс этиб турди-ю, ғойиб бўлди — ўрнини яна чексиз зулмат эгаллади, сас-садосиз. Йилт этган шуъла кўринмасди. Кузьмани хаёл элитди: эрталабларга бориб қор ёғса керак, ҳа, ёғиши аниқ — Худонинг бир иноятидек.

У ўрнига келиб ётди. Бир вақт кўзи илинибди. Туш кўрибди: Кузьма ўша — ҳали ўзини уйғотиб юборган машинада кетаётган эмиш. Унинг чироқлари ўчиқ бўлса-да, қоронғиликда бемалол юрармиш. Кейин бирдан чироқлар порлаб ёнибдию машина келиб тўхтаган жойдаги уйни ёритиб юборибди. Кузьма машинадан тушиб, уйнинг деразасини чертибди.

— Нима дейсиз? — деган овоз келибди ичкаридан.

— Марияга пул керак бўлиб қолди, — дебди Кузьма.

Пул олиб чиқиб беришибди ва машина яна зулмат аро шўнғиб кетибди. Бу машинанинг шундай бир қурилмаси бормишки, йўлда кимдан пул олиш мумкин бўлса, ўшанинг уйига яқинлашганда у ўз-ўзидан ишлаб кетар ва чироқлар ҳам ёнар эмиш. Кузьма боз дераза тақиллатар, боз ўша савол-жавоб такрорланар эмиш:

— Нима дейсиз?

— Марияга пул керак бўлиб қолди.

*Русчадан  
ШОҲСАНАМ  
таржимаси*

Валентин Распутин 1937 йили Россиянинг Иркутск вилоятида туғилган. Ўтган аср рус адабиётида “қишлоқ прозаси” деб ном таратган йўналишнинг пешқадам намояндаларидан. Илк ҳикоялар тўплами — “Лёшкадан сўрашни унутибман” деб номланади. Шунингдек, “Нариги дунёнинг одами”, “Айиқ териси сотилади”, “Осмонга яқин ўлка”, “Янги шаҳарлардаги гулханлар”, “Василий ва Василиса” каби ҳикоя ва очерклар тўпламлари ҳам ижодининг дастлабки даврига мансуб. Рус миллий руҳини тараннум этувчи, даврнинг дардли муаммолари қаламга олинган “Паймона”, “Матёра билан видолашув”, “Умрбод ёдинда тут”, “Ёнғин”, “Француз тили сабоқлари”, “Марияга пул керак”, “Отаси Иван, боласи ҳам Иван” сингари асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Кузьма тагин уйғониб кетди.

Атроф қоп-қоронғи, тонг отишига ҳали анча бор. Шундай бир зулмат, сукунат ҳукмронки, одамни беихтиёр хавотир босади, гўё нохуш бир воқеа содир бўлиб, қуёш ҳам ўз вақти-соатида чиқмайди — олам ёришмайди.

Кузьма хаёл суриб ётибди, қани энди уйқу келса! Қаерлардадир олисда баногоҳ реактив самолёт чийиллаб ўтади-ю, яна борлиқ жимжит бўлиб қолади. Аммо энди бу сукунат омонатдек, гўё мана ҳозироқ мудҳиш бир ҳодиса рўй берадигандек туюлади. Кўнгилда тушуниксиз хавотир уйғонади ва бу ҳис одамни тарк эта қолмайди.

Кузьма ҳамон шаҳарга борсамми-йўқми, дея иккиланарди. Буни кеча ҳам, ўтган кун ҳам ўйлаган, аммо аниқ бир қарорга келолмаган. Назарида, ўйлаб олишига ҳали вақт бордек эди. Энди эса бош қотириб ўтиришга фурсат қолмаган, агар эрталаб йўлга чиқмаса, кейин кеч бўлиши мумкин. Тезроқ бир тўхташга келиши керак. Борди — тамом-вассалом. Қишлоқда пул сўраш мумкин бўлган одамнинг ўзи қолмади. Хуллас, эрта тонгда турасолиб автобус бекатига чопади. У кўзларини юмди — энди ухласа бўлар. Ухлаш керак, ухлаш... Айни дамда миясида айланавериб ҳол-жонига қўймаётган ўй-хаёлларни қувиб, Кузьма қотиб-қотиб ухламоқни хоҳлар эди. Аммо бунинг уддасидан чиқолмаяпти. Худди гулхан ёнида ётган одамга ўхшайди: бир ёнини босиб ётса, бошқа томонидан совуқ уради. Кузьма ухлаб-ухлаёлмайди, хаёли яна бояги машинага кетади. Ҳозир кўзларини очса, уйқуси бутунлай ўчиб кетишини билади. Бошқа ёнига ўгирилиб ётади, ҳали тонг ёришишини анча-мунча кутишга тўғри келади, шекилли.

Гира-шира тонг отди. Кузьма деразадан қаради: қордан дарак йўқ, аммо ҳавонинг авзойи бузуқ, ҳадемай ёғиб кетиши ҳеч гап эмас. Қуёш ҳам алланечук хира, худди машаққат билан, базўр нур тараптаётгандек. Дераза тагидан бир ит бошини солинтириб ўтиб, муюлишдаги кўчага кириб кетди. Одам зоти кўринмайди. Шимол томондан кўтарилган шамол куч билан келиб уй деворларига урилади. Бу ҳол дам-бадам такрорланади.

Кузьма ошхонага кириб, ўчоқбошида куйманаётган Марияга:

- Кетяпман, йўлга ул-бул берасанми, — деди.
- Шаҳаргами? — дея бирдан хушёр тортди Мария.
- Шаҳарга.

Мария қўлини пешбандига артиб, печ ёнидаги курсига ўтирди, юзига урилаётган олов тафтидан кўзлари қисилиб:

- Акангдан пул чиқмас-ов, — деди.
- Андрейнинг уй манзили керак менга, хати бор эди, қаердалиги эсингда йўқми? — деб сўради Кузьма унинг гапига эътибор қилмай.

— Меҳмонхонадами, бирон ерда ётгандир, агар йўқолиб кетмаган бўлса.

Болалар ҳали уйқуда эди. Кузьма хатжилдни топгач, ошхонага қайтиб кирди.

- Топдингми?
- Топдим.
- Бермайди у, — деди Мария яна.



Кузьма ўтириб, индамайгина нонушта қила бошлади. Акаси пул берадими, йўқми, ўзи ҳам билмайди — буниси номаълум. Ошхона жуда иссиқ эди. Кузьма оёғига суйкалаётган мушукни тепиб юборди.

— Қайтиб келасанми, ишқилиб? — сўради негадир Мария бир оздан сўнг.

Кузьма олдидаги ликобни нари суриб қўйди, яна хаёлга толди. Мушук бурчакда ҳурпайганча тирноқларини “тозалаб” ўтирарди, кейин келиб яна Кузьманинг оёғига ёпишди. Кузьма кетар олдидан нима дейишни билмай, эшик томон юрди.

Даҳлизда туриб кийинаркан, Мариянинг пиқиллаётганини эшитди. Автобус барвақт кетади — улгуриши керак. Мария эса, майли, йиғлайверсин, кўнгли сал-пал ёзилади.

Шамол борган сари авжига чиқарди — теварак-атрофни тўзғитиб гувиллайди.

Автобуснинг олд томонидан урилаётган шамол ойна тирқишларидан ичкарига кирарди. Машина бурилгач, шамол ён томондан эса бошлади. У, ердан кўтарилган чанг аралаш хас-чўп, хазонни ойнага олиб келиб урарди. Ҳаво жуда совуқ. Бу шамол қор-бўронни олиб келадиганга ўхшайди, қиш ҳам яқин — октябр ойининг адоғи бўлса.

Кузьма энг охирги ўриндиқнинг дераза томонидан жой олган. Автобусда одам кам, олдинроқда ҳам бўш жойлар кўп, аммо энди у туриб бошқа ёққа ўтиб ўтиришга эринади. Бошини ичига тортиб, қовоқларини уйганча деразадан ташқарига тикилиб кетаётир: ойна ортидан олис-олислар кўзга ташланади, бир хил манзара — ўрмонларда ҳам, далалар, қишлоқларда ҳам шамол, тўс-тўполон.

Автобус ичи жимжит — афтидан, об-ҳаво одамларга ҳам таъсир этган, улар қандайдир ҳорғин кўринади. Гаплашишса ҳам сўзларига тушуниб бўлмайди — аллақандай узуқ-юлуқ эшитилади. Бундай вақтда ҳатто хаёл суриш ҳам малол келади. Ҳамма олдидаги ўриндиқнинг суйанчигини чангаллаганча мум тишлаб ўтирибди. Автобус ҳар силкинганда йўловчилар ўриндиққа янада маҳкамроқ ўрнашиб олади, гўёки шундай кетаётганининг ўзига шукур қилаётгандек.

Гувиллаётган товуш шамолданми ёки мотор овозими, ажратиб бўлмасди. Автобус дўнгликка кўтарилганда Кузьма буни аниқлашга уриниб кўрди, аммо фарқлай олмади, яккаш бир хил гувиллаш эшитилар эди. Баландликдан энгач, қишлоқ бошланди. Автобус колхоз идораси ёнига келиб тўхтади, бу ердан бирорта ҳам йўловчи чиқмади. Кузьма атрофга аланглади — тирик жон йўқ, узун бўм-бўш кўча узра фақат шамол увиллайди, холос.

Автобус яна йўлга тушди. Ҳайдовчи йигит елкаси оша йўловчиларга бир қараб қўйиб, чўнтагини кавлаштирди. Кузьманинг кўнгли ёришиб кетди: шу пайтгача тамаки чекиш хаёлига ҳам келмабди-я. Бир оздан кейин автобус ичи кўкиш тутунга тўлди.

Навбатдаги қишлоққа етгач, машина ошхона ёнида тўхтади.

— Бир оз дам олволайлик энди, — деди ҳайдовчи. — Нонушта қилмаганлар бўлса, юринлар, ҳали йўл узоқ.

Кузьманинг қорни оч эмас эди, оёғининг чигилини ёзиш учунгина автобусдан тушди. Ошхона ёнида худди ўзларининг қишлоғидаги каби дўкон бор экан. Кузьма зинадан чиқиб эшикни очди, айнан Мариянинг дўконига ўхшаш: бир томонда — озиқ-овқат, бошқа ёқда — саноат моллари. Пештахта ёнида турган уч аёл бир нималарни гапиряпти, сотувчи хотин эса қўлларини қовуштириб эринибгина

уларнинг суҳбатига қулоқ тутган. У Мариядан анча ёш, ҳеч бир ташвиши йўқ шекилли, хотиржам кўринади.

Кузьма печка ёнига бориб, қўлларини иссиққа тутди. Ҳайдовчи ошхонадан чиқса, бу ердан бемалол кўринар экан. Шамол дераза қанотларини тарақлатиб очиб-ёпди, аёллар ўгирилиб Кузьмага қаради. У сотувчи хотиннинг олдига бориб, бизнинг қишлоқда ҳам мана шундай дўкон бор, унда бир ярим йилдан буён менинг Мариям савдо қилади дегиси келарди негадир. Аммо жойидан жилмади. Шамол яна деразага келиб урилади, аёллар яна ўгирилиб Кузьмага қарайди.

Шамол бугун эрталабдан бошланганини Кузьма биларди, негаки, кечаси уйфонганида атроф сув қуйгандек сокин эди. Шунга қарамай, назарида, бу тўс-тўполон неча кунлардан буён тинмаётгандек эди.

Беш кунлар аввал қирқ-қирқдан ошган бир одам келган эди. Кўринишидан на қишлоқи дейсиз, на шаҳарлик — эгнида оқиш плаш, оёғида кирза этик, бошида кепка. Уша куни Мария уйда эмас эди. У одам тафтишчи экан, ҳисоб-китоб қилгани келибди. Эртага дўкон очилмасин, деб тайинлаб кетди.

Шундай қилиб, эртаси кундан дўконда ҳисоб-китоб ишлари бошланди. Кузьма тушлик чоғи дўконга келса — ҳаммаёқ остин-устин бўлиб ётибди. Бор шиша идишлар, қутилар ва боғламлар пештахта устига чиқарилган, Мария билан тафтишчи уларни қайта-қайта санамоқда. Омбордан катта тарозини ҳам олиб чиқишибди, шакар, туз, ёрма маҳсулотлари солинган қопларни ҳам тортиб кўришмоқда. Ёғ ўралган қоғозлардаги қолдиқларни сидиришди, шиша идишларни у бурчакдан бунисига ташишди, қутилар тагига ёпишган конфетларни ҳам кўчириб олишди. Тафтишчининг қулоғига қалам қистирилган, у шиша идиш ва қутилар уюми орасида чаққон ҳаракат қилар, қараб-қарамай овоз чиқариб уларни санар, тез-тез чўт қоқар, қандайдир рақамларни айтиб, ёзиб қўйиш учун абжирлик билан қаламини қўлига олар эди. Унинг ўз ишининг устаси экани шундоққина кўриниб турарди.

Биринчи куни Мария уйга жуда кеч — чарчаб, ҳолдан тойиб кириб келди.

— Хўш, ишлар қалай? — дея секингина сўради Кузьма.

— Ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Эртага саноат молларини текширади. Шундан кейингина бирон нима маълум бўлади.

Унинг кўнглига ҳозир қил ҳам сиғмасди, тўполон қилаётган болаларига бир бақирдию, кейин хонасига кириб ўринга чўзилди. Кузьма ташқарига чиқди, кимдир чўчқа гўшти қовуряпти чоғи, иштаҳани қитиқловчи ёқимли ҳид атрофни тутиб кетибди. Ҳосил йиғиб-териби олинган, картошка қавланган, энди ҳамма байрамни кутяпти, қишга ҳозирлик кўряпти. Хуллас, ишлар қизғин палла ортада қолган, ҳозир икки мавсум ўртаси, айна меҳнаткашлар дам оладиган, у ёқ-бу ёғини кўрадиган, режалар тузадиган давр. Ҳозирча ҳеч гап йўғ-у, бирон ҳафталарда ўйин-кулгига ҳам гал келади. Ана ўшанда одамлар эскию янги, ҳамма байрамларни нишонлайди, бир-бириникига меҳмонга боради, дастурхон атрофида ўтириб кечаги хафагарчиликларни унутади, уруш воқеаларини эслашади, бақир-чақир, куй-қўшиқ авжига чиқади.

Кузьма қайтиб уйга кирди. Болаларга бўлди, энди ухланглар, деб, ўзи ҳам ўрнига ётди. Мария ухларди, унинг ҳатто нафас олаётгани ҳам сезилмасди. Кузьманинг ҳам энди кўзи илинган экан, болалар

хонасидан эшитилган шовқиндан уйғониб кетди. Туриб уларни тинчлантирди. Атроф яна сув қуйгандек жимжит, ташқарида итлар кимгадир акиллади-ю, тинчиб қолди.

Эрталаб Кузьма уйғонганида Мария аллақачон дўконга кетган экан. Нонушта қилиб, иккинчи бригадага борди, куни билан шу ерда бўлди — раис унга сабзавот омборини кўздан кечиришни, таъмир учун нималар кераклигини аниқлашни топширган эди. Иш билан овора бўлиб тафтишни ҳам унутибди, уйига яқинлашгандагина эсига тушди. Катта ўғли Витька эшик тагида ўтирган экан, отасини кўрибоқ ичкарига қараб чопди. “Нима бўлди экан?” деган хавотир Кузьмани ҳам шошилтириб қўйди.

Уни кутишаётган экан. Мариянинг кўзлари йиғидан қизариб кетган. Эшик ёнидаги курсида ўтирган тафтишчи паришонлик билан Кузьмага кўл узатди. Тўртала бола узун-қисқа бўлиб печ ёнида тизилишиб турарди. Тушунарли. Кузьма бир оғиз гапирмай лойга ботган этигини ечди. Шиппагини кийиб чиқиш учун оёқяланг ичкари хонага ўтди, тополмади, чиқиб эшик олдидан қидирди — бу ерда ҳам йўқ.

— Шиппагим қани? — деб сўради болалардан.

Мария ортиқ тоқат қилолмади, хўнграганча югуриб ичкарига кириб кетди. Кузьма уни совуқ бир нигоҳ билан кузатиб қоларкан, кейин бирдан болаларига ўшқирди:

— Шиппак топиладими ўзи бугун?

Болалар худди боғлаб қўйилгандек бир-бирига қапишиб хона бурчаклари, каравот тағларига аланглар, хонама-хона пилдираб юрар эди. Буни кўрган Кузьма баттар каловланар, нима қилиш, нима дейишга ҳайрон эди.

Ниҳоят, шиппак топилди. Кузьма уни оёғига илиб, Мариянинг ёнига кирди. У кафтлари билан юзини тўсиб олиб, ҳиқиллаб ётарди. Уни кўлидан тортиб ўзига қаратди:

— Қанча? — деб сўради.

— Минг.

— Нима — янги пулдами?

Мария индамади. Девор томон ўгирилиб олди, юзини чангаллаб яна хўнграшга тушди. Унинг силкинаётган елкаларига боқаркан, Кузьма бир муддат нима бўлаётганини — бу қанчалик кутилмаган, даҳшатли ҳодиса эканини англаёлмай туриб қолди. Бирдан уйқудан уйғонгандек, тафтишчи эсига тушди. Унинг ёнига чиқди, столга таклиф қилди. Тафтишчи ҳам итоат билан келиб ўтирди. Кузьма тамакисини олиб, шоша-пиша чека бошлади. Қандай бўлмасин, ўзини кўлга олиши керак. У тамакини худди сув ичаётгандек ютоқиб-ютоқиб тортарди. Болалар хонасидаги радио бирдан шанғиллаб кетди. Кузьма чўчиб тушди:

— Ўчир овозини! — деб бақирди.

Болалар паст-баланд бўлиб, сафини бузмай ўша хона томон юришди, салдан кейин радио овози тинди. Кузьма бошини кўтарганида улар яна печка ёнида тизилишиб, ҳар қандай буйруғингизни бажаришга шаймиз дегандек, унга боқиб турар эди. Бирдан жаҳл ўрнини раҳм-шафқат эгаллади. Кузьма уларга ачиниб кетди. Ахир, болаларда нима айб? У тафтишчига қаради:

— Сенга очигини айтиб қўя қолай — биз у ердан ушоқдек ҳам нарса олганимиз йўқ. Атай болаларимнинг олдида айтяпман, бор гап шу. Кўриб турибсан, рўзгоримиз бир нави, аммо шунга қаноат қиламиз, ортиғи керак эмас бизга.

Тафтишчи унинг гапларини жимгина ўтириб эшитди.

— Айт-чи менга, қандай қилиб шунча камомад чиқади, ахир? Минг дейсанми?

— Ҳа, минг,— дея тасдиқлади тафтишчи.

— Янги пулдами?

— Эски пул қоптими ҳозир?

— Ахир, бунга ақл бовар қилмайди-ку, — деди Кузьма ўйчан бир қиёфада. — Умрим бино бўлиб шунча пулни қўлим билан ушлаб ҳам кўрмаганман. Иморат солаётганимизда колхоздан етти юз сўм қарз олган эдик. Шу ҳам алламбало кўринган бизга — ҳалигача узолмай-миз. Энди бўлса минг сўм! Тўғри, одам адашиши мумкин, ўттиз, қирқ, хўп ана, дейлик, юз сўмга ҳам, аммо қандай қилиб минг бўлади? Менга қара, сен бу соҳада эски одамсан шекилли, нега бундай бўлди экан-а, нима дейсан?

— Билмасам, — дея бош чайқаб қўйди тафтишчи.

— Балки сельподагилар панд бергандир?

— Билмадим. Бўлиши мумкин. Хотинингнинг маълумоти ҳам ҳалигидай экан.

— Э, маълумот қайда — хат-саводи бор, холос! Бундайлар маошини санаёлса ҳам катта гап, давлатникини ҳисоб-китоб қилмоққа йўл бўлсин! Мен унга неча марта айтдим, билмаган ишинга бурнингни тикма деб. Бошқа одам топилмагач — бир бало қилиб кўндиришди-да уни. Ҳаммаси маромида кетаётгандек эди-я...

— Мол олиб келгани доим ўзи борармиди? — деб сўради тафтишчи.

— Йўқ. Туманга кетаётган бирортасидан буюртма берворарди.

— Чатоқ, чатоқ. Бундай қилиб бўлмайди.

— Ҳа, ана шу-да...

— Бунинг устига денг, бир йил мобайнида дўкон бирон марта ҳам тафтиш қилинмаган.

Иккаласи ҳам жим бўлиб қолди. Ётоқ бўлмадан Мариянинг йиғиси эшитиларди. Қаердандир кўшиқ, шовқин саси бир келди-ю, яна тинчиди-қолди. Сукунатни Мариянинг ҳиқиллашигина бузиб турар, бу товуш гўё бутун дунёни ларзага солаётгандек баланд эшитилар эди.

— Энди нима бўлади? — деди Кузьма. Унинг гап оҳангидан буни тафтишчидан сўраяптими ёки ўзига ўзи айтаяптими, билиб бўлмасди.

Тафтишчи болаларга қараб қўйди.

— Хоналарингизга киринглар, тез! — деди дўқ уриб Кузьма. Болалар пилдираганча ичкарига кириб кетишди.

— Мен эртага кетаман, — дея гап бошлади тафтишчи секин Кузьма томон сурилиб. — Яна иккита дўконни текширишим керак. Бу тахминан беш кунлик иш. Беш кундан кейин... — У чайна-либ қолди. — Хуллас, шу вақт ичида пулни тўласангиз... Гапимни тушуняпсиз-а?

— Нимасини тушунмайман, — деди Кузьма.

— Кўриб турибман, болаларингиз ҳали ёш экан, — деди тафтишчи. — Ҳаракатингизни қилмасангиз, хотинингиз қамалиб кетади-да...

Кузьма унга қараб асабий, аянчли бир кўйда жилмайди.

— Айтиб қўяй, ҳеч ким билмасин. Аслида бунга ҳаққим йўқ. Ўзимни таҳликага қўйиб қиялман бу ишни.

— Билиб турибман, билиб турибман.

— Пул топинг, ишни бости-бости қилишга уриниб кўрамиз.

— Минг сўмни-да, — деди Кузьма.

— Ҳа.

— Тушунарли, минг сўм, бир минг. Пулни топамиз. Мария қамалса бўлмайди. Неча йилдан буён турмуш қилиб келамиз — болаларимиз бор, ахир.

Тафтишчи ўрнидан турди.

— Раҳмат сенга, — деди Кузьма ва унинг қўлини сиқиб қўйди. Тафтишчи уйдан чиқди, кўча эшиги гичирлади, қадам товушлари узоқлашди.

Кузьма ёлғиз қолди. Ошхонага ўтди, кечадан буён ёқилмаган печка ёнига келиб чўккалади. Бошини қуйи солиб узоқ ўтирди. У ҳеч нарсани ўйламас, бунга ҳоли ҳам қолмаган эди. Ўтиравериш боши пастга эгилиб кетди. Шу тариқа бир соатми-икки соатми ўтди — ярим кеча бўлди.

— Дада!

Кузьма секин бошини кўтарди. Қаршисида оёқяланг, майкачан Витька турарди.

— Нима дейсан?

— Дада, бизга ҳеч нарса бўлмайдимми?

Кузьма бош ирғади. Витька жойидан жилмади, у отаси ҳаммаси яхши бўлади, деб айтишини кутарди.

— Бўлмасам-чи! — деди Кузьма. — Дунёни ост-уст қилсақ-қиламизки, онамизни бировга бу ҳолга ташлаб қўймаймиз. Ахир, биз беш эркакмиз — кўп иш келади қўлимиздан.

— Укаларимга шундай деб айтсам бўладими?

— Худди шундай деб айт.

Витька бу гапга чиппа-чин ишониб, хонасига қараб чопди.

Эргалаб Мария ўрнидан турмади. Кузьма катта ўғилларини уйғотди, нонуштага кечаги сутдан қуйиб бериб, мактабга кузатди. Мария шифтга тикилганча қимирламай ётарди. У ҳатто ечинмабди ҳам, эгнида кеча дўконга кийиб борган қўйлаги. Юзлари шишиб кетган. Кетишидан олдин Кузьма унинг ёнига келиб:

— Тура қол энди, сал бўлсаям чалғийсан. Кўп сиқилаверма, бирор йўли топилар, одамлар қараб турмас, ахир. Ҳалитдан аза очишнинг ҳожати йўқ, ўзингни қийнама, — деди.

Кузьма бугун ишга чиқолмайман, деб айтиш учун идорага борди.

Раис хонасида ёлғиз экан. Кузьма билан қўл бериб кўришди, унга тикилиб туриб хўрсиниб қўйди.

— Ҳа, нима гап? — деди Кузьма ҳайрон бўлиб.

— Мариянинг бошига тушган савдодан хабарим бор. Бутун қишлоқ билади деявер энди буни.

— Майли, эртами-кечми барибир ҳамма эшитарди, — деди Кузьма қўл силтаб.

— Хўш, нима қилмоқчисан? — деб сўради раис.

— Билмайман. Бошим қотиб қолди: қаерга борай, кимдан пул сўрай?

— Бир иложини қилиш керак.

— Ҳа, шундай.

— Ҳозир сенга қарз ҳам беролмайман, — деди раис. — Олдимизда йиллик ҳисобот турибди. Кейин балки маслаҳатлашиб, бирор чорасини топармиз. Берамиз — албатта! Ҳозирча шу ҳисобдан қарз кўтариб турчи, ҳар ҳолда колхоз кейин беради деб айтсанг, ишончлироқ бўладими дейман-да.

— Раҳмат сенга.

— Раҳматингни қўй, Мариянинг аҳволи қалай?

— Қандай бўларди!

— Бориб шу гапларни айтиб овутгин уни.

— Ҳа, айтиш керак, айтаман. — Эшикка етгандагина Кузьма нима учун келганини эслади: — Бугун ишга чиқолмайман, шунни айтгани кирган эдим ўзи.

— Боравер. Бу аҳволда ишлаб нимани қойил қилардинг энди! Гапни қаранг!

Мария ҳали ҳам ўрнидан турмаган экан. Кузьма каравот четига келиб ўтирди, уни елкасидан кучди. Мария ҳеч нарсани сезмагандек қимирламай ётаверди.

— Раис ҳисобот мажлисидан кейин қарз бераман, деди.

Мария сал қимирлагандек бўлди.

— Эшитяпсанми?

Шунда бу хотинга бир бало бўлди, ўрнидан сапчиб турдию, Кузьманинг бўйнига осилди, уни тўшакка йиқитиб:

— Кузьма! — деди нафаси ичига тиқилиб. — Кузьма, мени қутқар, нима қилсанг қил, қутқар!

Кузьма қимирлаёлмай қолди. Мария уни бутун гавдаси билан босиб, бўйнидан бўғиб олган, юзи юзига тегиб турар эди.

— Азизим! — дея ҳаяжон билан шивирларди у. — Мени қутқар, мени уларнинг қўлига бериб қўйма!

Кузьма бир амаллаб ўрнидан туриб олди.

— Аҳмоқ хотин, — деди у хириллаб. — Нима бало, ақлдан озганмисан?

— Кузьма! — деди Мария энди синиқ овозда.

— Ўзингча нима балолар деяпсан? Раис қарз бераман деяпти, ахир. Кўрасан, ҳаммаси изига тушиб кетади ҳали. Сен бўлсанг, қаердаги гапларни гапирасан-а!

— Кузьма!

— Нима дейсан?

— Кузьма! — унинг овози янаям паст чиқди.

— Ёнингдаман.

Кузьма этигини ечиб, келиб Марианинг ёнига ётди. Унинг аъзои бадани титрар, елкалари қалқиб-қалқиб тушарди. Кузьма уни қучоқлаб, катта кафти билан елкаларини сийпалай бошлади. Мария унга янаям яқинроқ ётиб олди. То ухлаб қолмагунича Кузьма унинг кифтини сийпаб ётди. Мария ухлагачгина ўрнидан турди.

Кузьма ўйлаб ўйига етолмасди: сигирни, ем-ҳашакни сотсам бўларди-ю, лекин болалар сутсиз қолади-да. Рўзғорда бошқа сотишга арзигулик нарсанинг ўзи йўқ. Бошқа ҳеч иложи қолмагандагина сигирни сотиш мумкин. Йиғиб қўйган бир чақасиям йўқ, хуллас, қарз олишдан бошқа чора қолмади. Аммо қандай қилиб шунча пулни бировдан қарз олиш мумкин? Буни ўйлаган сайин Кузьманинг боши қотар, минг сўм унга жуда катта маблағ бўлиб туюлардики, нуқул эски пул билан чалғитиб юборар, ўзига келгач эса аъзои баданини совуқ тер босар эди. Миллион, миллиард каби катта пуллар ҳам бўлишини у биларди. Лекин минг сўмнинг биргина одамга, тўғрироғи, ўзига керак эканига ҳеч тушуна олмас, буни у қандайдир чалкашлик, тузатиб бўлмас бир хато деб билар эди. У анча вақтгача гўё бир мўъжиза рўй беришини кутаётгандек қимирламай ўтираверди. Кимдир келиб буларнинг ҳаммаси ҳазил, бўлаётган бу савдоларнинг, камомаднинг на сенга, на Марияга дахли бор деб айтади. Бу дунёда беғам, ташвиш нималигини билмайдиган қанчадан-қанча одам бор, ахир!

Эрта саҳарда бошланган шамол ҳалиям тинмаган, яхшиямки ҳайдовчи вокзалгача боргани, йўқса, бу ҳавода пиёда юришнинг ўзи бўлармиди? Вокзал биносининг тахта-тунукалари тақирлар, кўча бўйлаб хас-чўп, қоғоз парчалари учар эди. Одамлар у ёқ-бу ёққа шошилар — об-ҳаво таъсириданми ёки уларнинг ўзи бу тўс-тўполонга эътибор ҳам қилмай, кундалик ташвишлар билан елиб-югуриб юрибдими — билиб бўлмас эди. Поездларнинг келиб-кетишини эълон қилиб турадиган дикторнинг овози ҳам узук-юлуқ, тушунарсиз эшитиларди. Паровозлар, электровозларнинг қулоқни тешиб юборгудек чийиллаган овози худди ҳозирнинг ўзида рўй берадиган бир фожиадан огоҳлантираётгандек туюларди.

Поезди жўнашига бир соатлар қолганда Кузьма чипта олгани навбатга турди. Ғазна ҳали очилмаган бўлса-да, одамлар тизилишиб туриб олган. Улар олдинга ўтган ҳар кимга шубҳа билан қарайди. Ғазна дарчаси тепасидаги юмалоқ электр соат стрелкаси чиқиллаб дақиқадан-дақиқага ҳар сакраганида, одамларнинг асаби баттар таранглашади.

Ниҳоят ғазна очилди. Навбат бир зичлашди-ю, кейин гўё яна ҳамма жой-жойида қотди-қолди. Энг олдинда турган аёл дарчадан бошини тиқиб олган. Икки, уч, тўрт дақиқа ўтди ҳамки, навбат жойидан жилмади.

— Нима бало, савдолашишяптими булар? — дея бақирди орқадан кимдир.

Аёл дарчадан бошини тортиб орқасига ўгирилди:

— Чипта йўқ эмиш.

— Гражданлар, умумий ва плацкарт вагонларга чипта йўқ! — деди баланд овозда ғазначи аёл.

Оломон бир қалқиди-ю, аммо тарқалиб кетмади.

— Қай йўл билан бўлмасин, пул шилмоқчи бўлади булар, — деди қизил юзли, қизил рўмол ўраган семиз хотин жаҳл билан. — Ҳамма вагонларни юмшоқ ўриндиқли қилиб қўйишнинг нима кераги бор эди? Ҳатто самолётда ҳам чипта нархи бир хил-ку.

— Самолётда уча қолинг, бўлмаса, — деди ғазначи хотин бамайлихотир.

— Учамиз ҳам! — баттар тутақди ҳалиги хотин. — Шунга ўхшаш яна бир-икки найранг кўрсатсангиз, поездингизга ҳеч ким чиқмай қўяди. Виждон дегани йўқ экан ўзи сизларда.

— Учаверинг, бемалол — бизга бунинг иссиқ-совуғи йўқ!

— Жуда бор-да, азизим, бўлганда қандоқ, нақд ишсиз қолиб кетарсан.

Кузьма нари кетди. Кейинги поездни оз эмас, кўп эмас нақд беш соат кутиш керак. Юмшоқ вагонга чипта олса-чи? Жин урсин барини! Ҳали кутган поездда ҳам ҳаммаси юмшоқ ўриндиқли вагон бўлса, унда нима қилади? Бекордан-бекор кутиб ўтирмасин яна. Негадир шу тоба “Калласи кетган, сочига қайғурмайди”, деган нақл эсига келди Кузьманинг. Беш сўм кетса кетар — об-ҳавони ўзгартириш қўлимдан келмайди, ахир! Мингнинг олдида беш сўм нима деган гап ўзи?

Кузьма ғазна дарчасига келди. Оломон тарқалган, ғазначи аёл китоб ўқиб ўтирарди.

— Шаҳарга чипта беринг, — деди Кузьма.

— Фақат юмшоқ вагонга бор, — худди берилиб ўқиётгандек одамдек китобдан кўз узмай жавоб қайтарди у.

— Беравер, қанақаси бўлсаям.

Аёл ўқиётган жойини белгилаб, қаердандир, ён томонидан чипта олиб компостер тагига қўйди.

Энди Кузьма фақат поездининг жўнаш вақти эълон қилинишини кутади. Поезд келгач, ҳамма қулайликлари бўлган юмшоқ вагонга чиқиб оладию кетади. Шаҳарга эрта тонгда етади. Акасиникига боради-да, етмаётган пулни ундан олади. Ҳойнаҳой, акаси Кузьмага омонат дафтарчасидаги пулдан олиб беради. Қишлоққа қайтар чоғи улар ўтириб бир шишани бўшатишади, сўнг Кузьма йўлга отланади — тафтишчи келгунича улгуриши керак-да, ахир. Кейин қарабсизки, яна ҳаётлари ўз изига тушиб кетади. Шу ташвишлардан қутулгач, Мария ҳам ўзига келиб қолади. Кейин эса Кузьма оиласи, болалари учунгина яшайди. Уларни кинога олиб тушади, ҳеч бўлмаганда, қишлоқ клубига. Ҳали уларнинг яхши кунлари олдинда. Кечалари эса ухлагани ётган чоқда Кузьма Мария билан худди аввалгидек ҳазиллашади — у ер-бу ерига шапатилайди. У эса, аслида бу ўзига ёқса ҳам, худди жаҳли чиққандек Кузьмани уришган бўлади. Уларнинг бахтли ҳаёт кечириши учун кўп нарса керакми аслида? Бирдан Кузьманинг хаёли жойига келди. Э-ҳе, анча-мунча пул керак — минг сўм. Ҳозирча бир амаллаб ярмидан кўпини йиғиб кўйди. Уйма-уй юриб кимларга бош эгмади, ялинмади, колхоз қарз бериши билан қайтараман, деб қайта-қайта айтди, ваъда қилди, кейин эса ўша — барибир ҳам керак бўлган маблағга етмайдиган қўлни куйдиргудек қоғозларни минг бир истиҳола билан олди.

Қишлоқда Кузманинг ўрнида бошқаси бўлганда ҳам энг олдин Евгений Николаевичникига борар эди.

— Ҳа, Кузьма, кел, киравер, — дея қарши олди уни Евгений Николаевич. — Қани ўтир. Мендан хафамисан деб қолдим — ҳеч келмайсан бизникига.

— Сиздан нега хафа бўламан, Евгений Николаевич?

— Қайдам. Хафагарчилик ҳақида ҳаммаям очиқ гапиравермайди. Ўтирсанг-чи. Аҳволлар қалай?

— Бир нави.

— Кўйсанг-чи. Янги уйларга кўчволдинг, яна бир нави деганинг нимаси?

— Янги уйда яшаётганимизга ҳам бир йил бўлди, нимасини мақтанай?

— Ким билсин. Бизникига ҳеч келмасанг, гаплашмасак.

Евгений Николаевич стол устида очиқ ётган китобни ёпмасдан жавонга олиб кўйди. У Кузьмадан анча ёш эди. Лекин қишлоқда ҳамма, ҳатто чоллар ҳам уни ҳурмат қиларди. Негаки, ўн беш йилдан буён у директор — олдин етти, ҳозир эса саккиз йиллик мактабга. Евгений Николаевич шу қишлоқда туғилиб ўсган. Институтда ўқиб келган, зиёли бўлса-да, деҳқончиликни унутмаган: ўт ҳам ўради, дурадгорлик ҳам қилади. Каттагина рўзғори бор, вақт топса, ҳамқишлоқлари билан овга, балиқ овига чиқиб туради. Евгений Николаевичнинг доим пули бўлишини билгани учун ҳам Кузьма, аввало, уникига келган эди. Улар эр-хотин ёлғиз яшайди. Хотини ҳам ўқитувчи, иккалови яхшигина маош олади. Қишлоқ жойда пулни нимагаям сарфлаш мумкин — гўшт, сут, меваю сабзавот ўз рўзгорингдан чиқса.

Евгений Николаевич китобларини тахлаётганини кўриб Кузьма ўрнидан кўзгалди:

— Бевақт келдим, шекилли?

— Э йўқ, қанақасига бевақт бўлсин! — деди унинг гапини бўлиб Евгений Николаевич. — Вақтимиз бемалол. Уйда эканмиз — вақт ўзимизники, уни қандай ўтказиш ҳам ўз ишимиз-да, тўғрими?



— Шундай шекилли.

— Шекилли эмас, айнан шундай, десанг-чи. Вақт бемалол, чой ичсак ҳам бўлади.

— Чойни кўйинг, — деди Кузьма. — Ҳалигина ичган эдим.

— Майли, ўзинг биласан. Айтишади-ку, қорни тўқ одамни меҳмон қилиш ҳам осон, деб. Шундайми?

— Шундай.

Бир қимирлаб олди-да, Кузьма ниҳоят, мақсадга ўтди:

— Мен, Евгений Николаевич, бир иш билан келган эдим.

— Иш билан дейсанми? — Евгений Николаевич хушёр тортиб, унинг рўпарасига келиб ўтирди. — Хўш, нима иш экан, гапир-чи. Қўлдан келса, ёрдам қилайлик. Темирни қизигида бос, дейишади-ку.

— Гапни нимадан бошлашга ҳам ҳайронман, — дея чайналди Кузьма.

— Айт, торгинма.

— Нима десам экан, хуллас, пул сўраб келувдим.

— Қанча керак? — деди эснаб Евгений Николаевич.

— Жуда кўп керак. Қанча беролсангиз ҳам майли.

— Хўп, айтавер — ўн, йигирма, ўттиз сўмми?

— Йўқ, — деди Кузьма бошини чайқаб. — Менга кўп пул керак.

Нимага эканини ҳам айтай сизга: Мариянинг дўконидан катта камомад чиқди — эшитгандирсиз?

— Хабарим йўқ.

— Текширув кеча тугаган — жуда катта камомад чиқса, денг.

Евгений Николаевич бармоқлари билан столни чертиб қўйди.

— Ёмон бўпти, — деди у.

— Нима?

— Ёмон бўпти, дейман. Нимага шунча камомад чиқди экан-а?

— Ким билсин.

Улар жим бўлиб қолишди. Қаердандир соатнинг чиқиллаган товуши эшитилар, овоз қандайдир бўғиқ чиқар эди. Кузьма у ёқ-бу ёққа қаради-ю, соатни тополмади. Евгений Николаевич яна столни чертиб қўйди. Кузьма унга қараб пешонаси сал тиришганини кўрди.

— Қамалиб кетиши мумкин бунинг учун, — деди Евгений Николаевич.

— Шу сабабдан ҳам пул қидириб юрибман-да.

— Ҳарибир ҳам қамашлари мумкин, камомад чиққан ахир.

— Йўғ-ей, қамашмас. Ахир Мария пулни еб қўймаган, мен биламан-ку.

— Буни нега менга айтяпсан? — жаҳли чиқиб кетди Евгений Николаевичнинг. — Нима мен судьямидим? Уларга айтасан бу гапларни. Мен эҳтиёткорроқ бўл деган маънода гапиряпман сенга: пулни олиб ҳам қамаб қўйишмасин яна.

— Йўқ, — деди Кузьма жон ҳолатда. Бирдан ўзи ҳам айнан шундан кўрқаётганини ҳис этди. Унинг жавоби Евгений Николаевичга эмас, кўпроқ ўзига таскин тарзида айтилган эди. — Ҳозир бекордан-бекорга қамаб юборишмайди. Пулни ўзимизга сарфламаганмиз-ку! Мариянинг саводи йўқлигидан чиқди, ахир, бу камомад.

— Улар бунга эътибор берармиди, — дея қўл силтади Евгений Николаевич.

Бирдан колхоз берадиган қарз Кузьманинг эсига тушди ва ҳаяжони босилмай туриб, яланганнамо, аянч бир оҳангда:

— Евгений Николаевич, сиздан икки-уч ойгагина сўраяпман. Ҳисобот мажлиси ўтиши билан раис қарз пули бераман деган, — дедию, гап оҳангидан ўзи ижирғаниб кетди.

— Ҳозир берса бўлмас эканми?

— Беролмайди. Уй қурганимда олган қарздан ҳали қутулмаганман. Раиснинг ўрнида бошқаси бўлса умуман бермасди.

Соатнинг чиқиллаган овози яна баралла эшитила бошлади. Кузьма барибир ҳам унинг қаерда эканини билолмади. Соат парда ортида, токча ёки жавонда турган бўлса керак. Лекин овоз қаердан дир тепадан келарди. Кузьма шифтга қаради, кейин аҳмоқона бу ҳаракати ўзига нашъа қилиб кетди.

— Ҳали бирортадан пул сўрадингми ўзи? — деди Евгений Николаевич.

— Йўқ, энг олдин сизга келдим.

— У ҳолда, беришга тўғри келади! — деди бирдан жонланиб Евгений Николаевич. — Бермасам, сен, Евгений Николаевич қизганди, дейсан. Ана кейин кўрасан одамларнинг гап-сўзини.

— Менинг орқадан гапириб юриш одатим йўқ, Евгений Николаевич.

— Билмасам. Айнан сени эмас, умуман айтяпман-да. Ҳар хил одам бор. Ҳа айтганча, пулни тумандаги омонат дафтарчасида сақлайман, беҳудага сарфлаб қўймай дейман-да. Бориб келишга тўғри келади энди. Ҳозир бунга имконим йўқ. — Унинг пешонаси яна тиришиб кетди. — Бориб келарман. Юз сўмча пулим бор — шунини оларман. Шундай вақтда бир-биримизга ёрдам қилишимиз керак, ахир, тўғрими?

Кузьма бирдан танасидан қувват кетгандек ҳолсизланиб, нима дейишни билмай қолди.

— Биз, одамлар шу билан ҳам бошқа жонзодлардан фарқ қиламиз-да — ёмон кунда бир-биримизга тиргак бўламиз, — деди Евгений Николаевич. — Биладан, қишлоқда мен ҳақимда ҳар хил гап юради. Аммо ҳали ҳеч кимдан ёрдамимни аямаганман. Беш сўм, ўн сўм сўраб кўп келишади олдимга. Охириги чақам бўлсаям бераман. Кейин қайтариб беришлариниям хоҳлайман албатта, ишлаб топган пулим ахир.

— Мен қайтараман, — деди Кузьма.

— Сени айтаётганим йўқ. Биладан, сен қайтарасан. Умуман айтаман-да. Сен инсофли одамсан. Айримларда виждон деганидан асар ҳам йўқ. Айтмасам ҳам ўзинг яхши биласан. Ҳар хил одам бор.

Евгений Николаевич тўхтамай гапирарди. Кузьманинг бошига оғриқ кирди, у жуда қаттиқ чарчаган эди. Ниҳоят, кўчага чиқди, тушликкача атрофни босиб турган туман тарқаб, қуёш чарақлаб кетган экан. Кеч куз ҳавоси — тиниқ, ўзгарувчан. Қишлоқ ортидаги ўрмон жуда яқин кўринади, аммо энди зич девордек туюлмайди, барглари тўккан яланғоч дарахтлар оқариб кўзга яққол ташланади.

Очиқ ҳавога чиқиб Кузьма анча енгил тортди. Юрган сари кайфияти кўтарила бошлади. Бироқ юрагининг тубидаги аламли оғриқ симиллаб унга тинчлик бермасди. Кузьма бу дарддан ҳали-вери қутулолмастлигини яхши биларди.

Ҳартугул Мария ўрнидан турибди. Комариха келган экан. Кузьма нима гаплигини дарров фаҳмлади.

— Ҳа, етиб кепсан-да, — деди у Комарихани ҳайдаб чиқаргудек бир вазоҳат билан. — Ис олган қарғага ўхшаб.

— Ҳайдама мени, сенинг олдингга келмадим, — шанғиллай кетди Комариха. — Марияда ишим бор эди.

— Биладан, нима ишинг борлигини.

— Ишим бўлгани учун келдим, сенга нима.

— Буни қаранг-а.

Қимирламай ўтирган Мария Кузьмага ўгирилиб:

— Сенинг Кузьма, биз билан ишинг бўлмасин. Ёқмаса — чиқиб кет. Кўрқма Комариха, давом этавер, — деди.

— Нега кўрқарканман? — Комариха яширган қарталарини стол устига чиқариб терар экан, Кузьмага кўз қирини ташлади. — Ўғрилиқ қилмаётган бўлсам — нимадан кўрқаман. Ҳар нарсага эътибор қилаверса, асаблари чидармиди одамнинг.

— Ҳозир тақдирингни айтиб беради бу! — деди истехзо билан Кузьма.

— Қартада нима кўринса, шуни айтаман, ёлғони йўқ бунинг.

— Қаёқда — ҳаммаси бекор гап!

Мария унга қараб алам билан:

— Чиқиб кет, Кузьма! — деди.

Кузьма аранг ўзини босди, индамади. Ошхонага ўтди, у ердан ҳам гап-сўзлар бемалол эшитилиб турарди. Комариха қўлларига туфлаб, Марияга қарталардан бирини тортирди ва:

— Худого шукурки, қамоқхона чиқмади, рост айтяпман. Мана қартага қара — узоқ йўл, пулли ишлар кўриняпти, холос, — деди.

— Ҳа-я, Москвага, мукофот-пукофот бергани чақиршади сени, — деди Кузьма ортиқ чидаб туролмай.

— Лекин олдинда катта қийинчилик, ташвишлар ҳам турибди, мана қара. Аслида, уч қайта кўриш керак ўзи. — Афтидан, Комариха қарталарни йиғиб олди. — Қани, торт-чи, биттасини. Э-э тўхта, энди бошқа биров тортсин. Ўғилларингдан бирортаси уйдадир?

— Улар уйда эмас.

— Э, жин урсин!

— Ке майли, ўзим торта қолай, — деди Мария.

— Йўқ бўлмайди, янглиш кетиши мумкин. Ҳой, Кузьма! — деди бирдан Комариха овози майинлашиб. — Бу ёққа қараб юбор. Биз гуноҳкор бандалардан жаҳлинг чиқмасин. Сени ўз эътиқодинг бор, бизнинг ҳам. Қарталардан энг тепадагисини олиб бер-чи, бизга.

— Ҳе тилинг курсин сени! — Кузьма уларнинг олдига келиб, энг устида турган қартани итариб қўйди.

— Хўп яхши. Кўёвим ҳам авваллари ишонмасди — ахир партия аъзоси эди-да. Қирқ саккизинчи йили иши судга оширилганда олдимга югуриб келди. Ибодат қиладиган бўлиб қолди.

У қарталарни расмларини ерга қаратиб тера бошлади ва гапида давом этди:

— Ҳаёти тинч-осуда эканида ишонмайди-да, одам. Бошига оғир ташвиш тушса борми — худониям эслаб қолади дарров.

— Сайра, Комариха, сайрайвер, — деди Кузьма лоқайдлик билан.

— Сайраётганим йўқ. Бор гапни гапиряпман. Сен ўзингча фолга ишонмайман, демоқчимисан? Шундай деб ўйлайсан, холос. Дейлик, мабодо эртага уруш бошлангудек бўлса, сен тирик қолиш-қолмаслигингни билишга қизиқмайсанми?

— Қарталарни очсанг-чи, — дея уни шоширди Мария.

Комариха Кузьмани ўз ҳолига қўйиб, яна қандайдир пулли ишлар ва қийинчиликлар ҳақида гапира кетди. Кузьма эътибор билан эшитди, бу сафар ҳам қамоқхона ҳақида гап бўлмади.

Комариха кетгач, уйда эр-хотин ёлғиз қолди. Мария ўша-ўша — Кузьмага орқасини ўгириб кўчага қараб ўтирар эди. Кузьма эса тамаки чекарди.

Мария бир нуқтага тикилганча гүё қотиб қолган эди. Кузьма туриб унинг елкаси оша ўша томонга қаради-ю, ҳеч нарса ни кўрмади. У Мария билан гаплашишга ҳам чўчирди, бирон нима деса, гүё тузатиб бўлмас хато қилиб қўядигандек. Жим ўтиравериш ҳам ноқулай. Яна бошига оғриқ кирди, икки чаккаси чидаб бўлмас даражада лўқиллата бошлади.

Мария чурқ этмасди. Кузьма уни зимдан кузатарди. У атай кузатмаса-да, хона ичидаги сукунатда ҳар қандай товуш аниқ эшитилар эди. Кузьма Мариянинг ўзи бирон нима дейишини кутарди.

Ниҳоят Мария қимирлагандек бўлди, Кузьма сапчиб тушди.

— Кузьма, — деди у ойнадан тикилган кўйи.

Кузьма Мария ўша-ўша ҳолатда ўтирганини кўриб ерга қараб қолди.

Мария бирданига кулиб юборди. Кузьма ҳалиям ерга қараб ўтираркан, наҳотки, кулаётган Мария бўлса, деб ўйлади.

Яна Мариянинг кулгани эшитилди, аммо овоз энди узоқлардан келаётгандек эди. Кузьма бошини кўтарди — хонада ёлғиз ўзи. Бирдан уни ваҳима босди. У ёқ-бу ёққа аланглаб ётоқ бўлмага ўтди, хотини ётган экан.

— Кел, — деди Мария унга қарамай.

Кузьма каравотга яқинлашди.

— Бир оз ёнимда ёт, Кузьма.

Кузьма эҳтиёткорлик билан Мариянинг ёнига ётди, унинг бутун танаси титрар эди.

Орадан ярим соатлар ўтиб Мария гап бошлади:

— Мени ақдан озибди, деб ўйлаётгандирсан-а? Ростдан ҳам шунақага ўхшайди. Бир йиғлайман, бир куламан. Кимдандир эшитган эдим, қамоқхоналарда аёллар бир-бири билан... ҳалиги, нимаиди, ёмон ишлар қилар экан-да. Қандай шармандалик. Шу гапларни эслаб ғалати бўлиб кетдим. Ҳали у ерда эмас, ўз уйимданман-ку, деб ўйладим кейин.

У Кузьманинг пинжигга тикилиб, йиғлаб юборди.

— Мана, яна йиғлаяпман, — деди ҳиқиллаб Мария. — Жоним, айт, мени уларга топшириб қўймайсан-а, кўрқаман...

Поезднинг юриши секинлашиб гижирлаган овоз чиқариб тўхтади. Танасидан совуқ ўтиб кетса ҳам Кузьма поездга дарров чиқиб олмайди. Атрофни кузатиб туради. Поезддан тушган бир неча йўловчи ул-бул нарса харид қилгани перрон бўйлаб югуриб юради — четдан кузатаётган одамга уларни худди шамол учираётганга ўхшайди. Аллақердан — булутлар орасидан қовжираган баргдек заифгина кўёш шуъласи пайдо бўлади. Бир муддат вагон узра титраган шуълани шамол яна тезда булутлар остига яширади.

Одатда, Кузьма кўп ҳам сафарга чиқавермайди. Унда-бунда узоқ йўлга чиққанида ҳам бора-боргунча беҳаловат бўлади — худди ҳаётда бор нарсасидан айрилгану, янгисини (топадими-йўқми, билмай ҳам туриб) излаб кетаётган одамга ўхшайди. Бу сафар бориши шарт эканини билади, билади-ю, аммо барибир ўша ҳадик уни тарк этмайди. Аксига олиб шамол ҳам тинмаяпти. Албатта, шамолнинг Мариянинг бошига тушган савдоларга ҳам, Кузьманинг шаҳарга боришига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. У ўз ҳолича эсаверади, ҳар доимгидек — авваллари, Мария билан Кузьма бахтли, тинч-осуда ҳаёт кечирган чоғларида қандай эсан бўлса, ана шундай. Аммо булар ҳаммаси бежиз эмас, деган ўй ҳам Кузьмани тинч қўймайди. Улар бир-бирига

боғлиқдек туюлаверади, умумий вагонга чипта йўқлиги ҳам, ақлинг бўлса ўзинг тушуниб оласан, ҳеч қаерга бормайсан, деган огоҳлантириш эмасмиди, ахир?

Радиодан поезд жўнашига икки дақиқа қолгани эълон қилинди. Кузьма шошилиб ўз вағони томон юра бошлади, поездга чиқиш олдидан орқасига ўгирилиб вокзални кўздан кечираркан, куруқ қўл билан қайтмасмиканман, дея хаёлидан ўтказди. Ажабо, поездга чиққач у гўё ибодат қилиб тақдирини кимгадир ишониб топширган, энди ўзи ҳеч нарса қилмаса ҳам бўладигандек хотиржам бўлиб қолди. Вагон ойнасидан ташқарини кузатиб кетди, поезд ортидан бинолар бир-бирига улашиб қолаверди. Тавба, эрталаб уйда эди, ҳозир эса чиқиб кетганига жуда кўп вақт бўлгандек. Чуқур хўрсинди. Тез орада пул билан боғлиқ бу ғалвалардан қутулади — яхшими-ёмонми ҳаммаси тугайди. Икки кундан кейин тафтишчи келгач, бу маълум бўлади. Икки кун — унчалик катта муҳлат эмас. Кузьма жуда қаттиқ чарчаганини ҳис қилди, ёмон томони, бу — ўзи кўниккан жисмоний ҳорғинлик эмас эди.

— Чиптангизни кўрсатиб юборсангиз! — деган овоз келди орқа томондан.

Кузьма ўгирилиб қаради — орқада ўрта яшарлар аёл — вагон хизматчиси турар эди. Аёл чиптанинг у ёқ-бу ёғини ўгириб кўрди: гўё Кузьма уни ясаб ёки ўғирлаб олгандек бир чиптага, бир унинг ўзига қаради. Афтидан, у чипталарга йўловчиларнинг расмлари ҳам ёпиштириб қўйилмаслигидан қаттиқ афсусланиб кетди; ахир, расмсиз ҳеч нимани исбот қилиб бўлмаса.

Аёл оёғига тикилавергач, беихтиёр Кузьма ҳам ўз пойабзалига қаради — 42-ўлчовли эски, чанг босган кирза этиги топ-тоза, чиройли гилам устида худди гулзорни пайҳон этиб юрган тракторга ўхшаб кетарди. Кузьма ўзини оқламоқчи бўлгандек айбдор бир оҳангда:

— Бошқа вагонларга чипта йўқ экан-да, — деди.

— Хурсанд бўп кетдингизми бундан, — деди аёл зарда билан худди уни поезддан тушириб юборолмаслиги алам қилгандек. Ортиқ гаплашишни ҳам лозим топмай, орқамдан юр дея ишора қилди.

Аёл энсизгина кўк эшикни тақиллатди, кейин секин ён томонга итариб очди. Остонада турган Кузьма бор бўйи бастича: этиги, пахталиги, аскарликдан қолган сумкаси билан аниқ кўринсин дегандек, ўзини четроққа олди. Ҳалигина Кузьма гапиргандек айбдор оҳангда:

— Кечирасизлар, мана бу йўловчи... — у бир оз тин олгач, ўзини оқлагандек қўшиб қўйди: — Қўлида чиптаси бор.

— Чиптаси бор эканми? — ҳайрон бўлгандек бир кўзини қисиб унга тикилди ҳарбий кийимли киши; кейин Кузьма яхшилаб разм солиб унинг полковник эканини билди.

— Бўлиши мумкин эмас! — полковникнинг ёнида ўтирган оқ майкали қориндор одам қути ўчиб яна қайтарди: — Бўлиши мумкин эмас!

Аёл зўрма-зўраки илжайди:

— Чиптаси бор экан-да...

— Бирор чиптасиз одамни қўйсангиз бўлмасмиди, а?! — Полковник норози бўлиб бош чайқади. — Илтимос қилган эдик-ку сиздан.

Оқ майкали киши ортиқ ўзини тутиб туrolмади — кулиб юборди. Унинг самимий кулгуси худди ўртача тезликда юрадиган мотоцикл овозидек тариллаб чиқарди. Полковник ҳам унга қўшилиб кула бошлади.

— Доим ҳазил қиласизлар-а, — деди бирдан енгил тортиб аёл. У ҳамон эшик олдида турарди. — Тўғриси, уни бошқа қаергаям жойлаштирардим, ҳамма жой банд бўлса. — Кета туриб аёл ҳам ҳазиллашиб қўйди. — Аммо чиптаси бор уни...

— Кир, киравер, — дея чақирди полковник Кузьмани.

Кузьма ичкарига кирди-ю, тўхтаб қолди.

— Сенинг жойинг ана, — полковник иккинчи қаватни кўрсатди. — Хоҳласанг чиқиб дамингни ол. Тортинма, бегоналар йўқ бу ерда.

— Тортинмаяпман.

— Урушда бўлганмисан?

— Бўлганман.

— Дуруст, у ҳолда кўрқадиган нарсанинг ўзи йўқ.

— Боя анави аёлнинг бўш жойимиз йўқ, дегани бўлмаган гап, — деди бирдан пастки ўринда ётган одам. — Ёнимизда — тўққизинчида ҳам уч киши кетяпти, хўш, нега у ерга кирмади?

— Ҳа-а, — деди унинг гапини тасдиқлагандек оқ майкали. — Уларнинг олдига шунчаки кириб бўпти.

— Нима, бундан чиқди бизга бемалол киравериш мумкин экан-да?

— У, Геннадий Иванович, одамни фарқлашни, кимнинг нимага лойиқ эканини жуда яхши билиб қолган, мен сизга айтсам. Унга шахсий гувоҳномани кўрсатишнинг ҳам ҳожати йўқ. Сизга бир қарабоқ, бор-йўғи қандайдир радиостанциянинг раҳбари эканингизга фаҳми етган, бор гап шу, — деди оқ майкали полковникка кўз қисиб.

— Радиостанция раҳбари эмас, вилоят радиоэшиттиришлар ва телевидение қўмитаси раисиман, — дея унинг гапини тузатди Геннадий Иванович.

— Хўп деяверсангиз-чи, унга бунинг деярли фарқи йўқ.

— Тушунмаяпман... — деди Геннадий Иванович лабини тишлаб. Бироқ нимага тушунмаганини айтмади. У тунги кийимда бўлиб, шалворининг почасини пайпоғига қистириб олган эди. Паст бўйли бу одамнинг аёлларни кига ўхшаган чиройли юзидаги катта-катта, аммо совуқ нигоҳ-ла боқувчи кўзлари одамни бирдан ўзига жалб этарди. Геннадий Иванович узун сочлари силлиқ қилиб таралган бошини мағрур тарзда секин ён томонга ўгирди, кейин гўё уни тўғрилаётгандек бир силкитиб ҳам қўйди.

Кузьма ҳануз кирган жойида тик турар эди. Пахталигини ечмоқчи бўлди-ю, қараса, ўзи томондаги иккала илгич ҳам банд экан, уни қимматбаҳо жигарранг пальто устига илишга эса ботинмади — кир қилиб қўйса-чи. Пахталиги кир эмаску-я, лекин нима деб бўлади — кийиб юрган кийими ахир. Сумкасини эшик олдида бир амаллаб жойлаштирди.

Тепадаги ўриндиқни туширса пахталигига ҳам жой топиларди. Аммо Кузьма уни қандай туширишни билмайди. Шундай бўлса-да, пастга тортиб кўрди, бундан бир иш чиқмади. Орқасига ўгирилганида эса Геннадий Иванович унга масхараомуз тикилиб турганини кўрди.

— Шошма, — полковник келиб, ўриндиқни ушлаб турган лўкидонни сурди. — Мана бундай. Техника бу, оғайни. Қарасам, кучли эркаксан, нима деб бўлади, вагонни ағдариб юборишинг ҳам ҳеч гапмас.

— Қишлоқликмисан? — сўради оқ майкали Кузьмадан.

— Ҳа.

— Ўша ерда кўрпа-тўшак бор, — деб эшик олдидаги қишлоқ уйларида бўладиган сўрига ўхшаш тоқчани кўрсатди полковник. Кузьма ўша тоқчага пахталигини тиқиб қўйди. Ўринга ёйилган оппоқ

чойшаб устига кўйиб бўлмас буни ҳар ҳолда. Ҳа мана, ҳар тугул жой топилди. У сал бўлса-да енгил тортди, энди ўзи ҳам бир жойлашиб олса, бас.

— Геннадий Иванович, нима дейсиз, мен бу ўртоқнинг қишлоқлик эканини қаердан билдим? — деди оқ майкали.

— Шарпасидан.

— Йўқ, юзидан. Эътибор қилгин-а: барча қишлоқликларнинг юзи қорайган бўлади. Чунки улар доим очиқ ҳавода юришади-да.

— Мен бўлсам, шарпасидан билгансан деб ўйлабман, — истехзо билан қайтарди Геннадий Иванович.

Полковник сурилиб жой бўшатди, Кузьма келиб чеккароққа ўтирди. Геннадий Ивановичнинг тикилиб турганини сезиб, қулайроқ ўрнашиб олди. У эшик ёнида, оқ майкали эса дераза томонда, уларнинг ўртасида полковник ўтирар эди. Рўпарадаги ўринда Геннадий Иванович тиззаларини букиб чалқанча ётарди. Кузьма унга қарадию, дарров кўзларини олиб қочди. Чунки у Кузьмани эътибор билан кузатмоқда эди. Кейин ҳам у ўзига кўз узмай тикилаётгандек туюлаверди. Киприк қоқмай қараб туролмайди-ку ахир, менга шундай туюляпти шекилли, кўзлари ўзи галати экан, деб ўйлади Кузьма. Бир умр катта лавозимда ишлаган бўлса керак. Инсон сифатида унчалик яхши ҳам деб бўлмайди уни ҳар ҳолда. Овози ҳам ўктам эмас, шунинг учун ҳам одамларни кўзи билан қўрқитиб ўрганган экан-да, деган фикрга келди у охир-оқибат.

— Хўш, азиз дўстим, қишлоқда аҳвол қандай? Йиғим-теримни тугатдингизми? — сўради оқ майкали ўзи кўп ҳам қўлламайдиган сўзларга унчалик тили келишмай.

— Тугатдик, — деди Кузьма.

— Ҳосил қандай бўлди?

— Бу йил ёмон эмас. Биз томонларда, одатда, ҳосил унча яхши бўлмайди. Лекин бу йил ўрта ҳисобда ўн икки центнердан галла олдик.

— Ҳосил бу йил ўзи ҳамма жойда яхши бўлди, — дея гапга қўшилди полковник. — Шундай экан, қишлоқда тўқчилик, дегин.

— Қишлоқ ҳеч вақт оч қолмайди, — деди сўзларига ургу бериб Геннадий Иванович. — Ўзида бўлмаса, давлатдан қарз олади, тўлаш муддати келганда эса яна қарз олади. Қачонки, давлатнинг ўзи бу қарзлардан воз кечмагунча шу тарзда давом этаверади.

— Бу — у ерда ҳаёт яхши эканидан эмас ҳар ҳолда, — ойнадан ташқарига тикилган кўйи эътироз билдирди оқ майкали. — Ўзингиз ҳам яхши биласиз.

— Ҳм-м, — деди Геннадий Иванович киноя билан. — Айтинг-чи, ҳар йили қишлоқда йиғим-терим бошланган чоғи заводингиз қанча ишчи кучини йўқотади, хўш?

— Нима ҳам қила олардик? Бошқа йўли бўлмаса. Ёрдам бермасак қийналиб қолади улар.

— Э-э, кўйсангиз-чи. Ҳа майли, шундай ҳам дейлик. Унда нега йил охирида — сизда иш қайнаган маҳал, қишлоқ одамлари бу вақтда фирт бекорчи бўлади, уларни ёрдамга юборишмайди? Сизлар доим ёрдамчи юборасиз-ку. Ахир тенг ҳуқуқлик асосида бир-бирини қўллаб туриш керак эмасми, худди яхши қўшнилари каби?

— Заводда шунчаки ишлаб бўлмайди. Бунинг учун малака керак.

— Мутахассис бўлмаганларга ҳам қанча иш топилади-ку заводингизда.

— Заводни худди мендан яхши биладигандек гапирасиз-а, Геннадий Иванович.

— Тўғри, заводни-ку сизчалик билмасман, аммо менимча, қишлоқда аҳвол у даражада ёмон эмас, — деди Геннадий Иванович. — Умуман олганда, гап бунда ҳам эмас. Бир бемор одам менга қизиқ гап айтиб қолган эди. Ўзим хоҳласам аллақачон соғайиб кетардим, аммо бундан менга ҳеч наф йўқ, деган эди у. Тушунмадингизми? Аввалига мен ҳам тушунмаганман, шунда унинг ўзи яхшилаб тушунтириб берган. Хуллас, у беш-олти ойлаб бутунлай давлат қарамоғида, яъни касалхонада ётаркан. Ёки дам олиш уйида, балиқ овлаб, дарахтзорларни кезиб ҳордиқ олар экан. Давлат эса бу вақтда ҳам унга юз фоиз маошини тўлайверади. Бепул даволанади, энг яхши емак берилади, уй олишига ҳам навбатга биринчилардан бўлиб туради — касал одам сифатида ҳамма имтиёзлардан тўлиқ фойдаланади. Дам олишдан қайтгач эса, у ақли ҳуши жойида бўла туриб, айниқса, тузала бошлаганини сезса, чекади, ичди. Давлат берадиган имтиёзлардан қуруқ қолмайин, дейди-да. Бунга у обдон ўрганган, бошқача яшолмайди ҳам энди.

— Нима қипти? — деди оқ майкали.

— Ҳеч нима, — деди Геннадий Иванович унга илтифот қилгандай жилмайиб. — Аммо қишлоқларда ҳам анча-мунча имтиёзли шарт-шароитлар мавжуд эканини инкор этмасиз. Дейлик, машинани уларга арзонлаштирилган нархда сотамизу, нонини қимматига оламиз, тўғрими? Қишлоқликлар ҳам ўзининг айёрлиги, эҳтиёткорлиги билан ўз муаммоларини ўзи ҳал этишга қурби келса-да, бунинг фойдаси йўқлигини аллақачон тушуниб етган. Йиғим-терим вақти шаҳардан машиналар, ёрдамчилар юборилишини, керак бўлса, давлат яна пул ҳам беришини улар жуда яхши билади.

“Ҳа, сендан бошқаси аҳмоқ экан-да”, деб ўйлайди Кузьма.

— Нон емайдиган одамнинг ўзи йўқ ахир, — деди оқ майкали.

— Завадингиздан чиқадиган машиналар ҳам ўша ернинг ўзида қолиб кетмайди-ку, — дея жавоб берди Геннадий Иванович ва оқ майкали истамайгина унга маъқул ишорасини қилди. — Тўғри айтдингиз, нонни ҳамма ейди. Лекин ҳар кимдан ўз иши учун масъулият, жавобгарликни қатъий талаб этиш ҳам керакми — керак. Биздан талаб қилинади-ку. Аммо негадир қишлоққа келганда, имтиёзлар бериб қўйганмиз, бизни лақиллатишсаям индамаймиз, гўё у бошқа давлатда жойлашгандек. Улар билан ҳатто савдолашиб ҳам ўтираемиз.

— Бугун намунча қишлоққа ёпишиб олдингиз? — сўради вазмин оҳангда полковник. Унинг гапидан илтифот билан, аммо қатъий тарзда бу зерикарли баҳсни бас қилайлик, деган маъно англашилди.

— Ҳеч ҳам-да. Қишлоққа, қишлоқ аҳлига ҳеч қандай адоватим йўқ. Кўриб турганингиздек, унинг қолоқлиги сабабини аниқлашга уринмоқдаман, холос, — деди дарҳол таслим бўлишни истамай Геннадий Иванович. — Назаримда, айб ўзимизда бўлган. Вазиятни мана энди тушунаяпмиз чоғи. Охирги вақтда ҳатто айримлар қишлоққа ёрдамчи юбормаймиз, дея рад ҳам этди. Ана ўшандагина уларнинг ўз кучи билан ҳамма ишни эплай олиши маълум бўлиб қолди.

— Рост гап, Геннадий Иванович, бизсиз ҳам ҳал қилинади бу масала — бекорга бош қотиргандан нима фойда? — деди хушфезлик билан кўз қисиб полковник, аммо аввалгидек қатъий оҳангда давом этди. — Келинг, яхшиси қўлимиздан келадиган ишни қилайлик. Хўш, “преферанс” ўйнасак-чи (“преферанс” — қарта ўйинининг бир тури).

Оқ майкали бирдан жонланиб кетди:

— Тўғри айтасиз. Аллақачон бошлаш керак эди ўйинни, биз бўлсак нима балолардан баҳслашиб ўтирибмиз. Йўловчимизми ёки Министрлар Советининг аъзоларими? — У Кузьмани ҳам чақирди:



— Ҳой, хурматли ўртоқ, сен-чи, бу ўйинни биласанми?

— “Преферанс”ними? — Кузьма бу қандай ўйин эканини билмас эди.

— У “дурак”ни билади, — Кузьманинг ўрнига жавоб берди Геннадий Иванович.

— “Дурак”ними, ҳа биламан, — дея соддалик билан тасдиқлади Кузьма.

Бирдан кулги кўтарилди — полковник ҳам, оқ майкали ҳам яйраб-яйраб хохолар, Геннадий Ивановичнинг ҳам юзи мамнунлигидан ёришиб кетган эди. Оқ майкалининг худди мотоцикл моторидек гуриллаган баланд овози бутун вагон бўйлаб таралди. Полковник кулгидан тўхтаб Кузьманинг елкасига қоқиб қўйди:

— “Дурак” ҳам яхши ўйин, бироқ биз ҳозир “преферанс” ўйнамоқчимиз. “Дурак”ни кейинги сафар ўйнармиз... Дўстингизни чақириб қаласиз яна, — деди у оқ майкалига қараб. У сакраб туриб кўлини ҳарбийчасига боши узра кўтариб:

— Хўп бўлади! — деди.

Уларнинг шовқинидан, бақир-чақирдан Кузьманинг юраги сиқилиб кетди. Геннадий Ивановичгина жойида бамайлихотир ётарди. Оқ майкали камзулини кийиб, фақат ўрта тугмасини тақди, майнавозчилик қилиб бурнини қашиб қўйди ва Геннадий Ивановичга қараб:

— Геннадий Иванович, кеча сизга қанча қарз ёзган эдик? — деб сўради.

— Кўп эмас.

— Кам дейсизми, етмайдими?

— Етишга-ку етади-я, — деди у соатига қараб. — Аммо ҳозир у ер ёпиқ.

— Йўлини қилса бўлади.

Оқ майкали қувноқ бир оҳангни хиргойи қилиб чиқиб кетди, йўлақдан унинг овози эшитилди:

— Яхши қиз, илтимос, купемизга бир кириб кетсангиз.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас эшикда проводник аёл пайдо бўлди. Ҳорғин кўзларини полковникка тикди. Полковник эса Геннадий Ивановичга имо қилди. Геннадий Иванович илтимос эмас, аксинча қатъий оҳангда:

— Биздан ҳам бир хизмат бор, яхши қиз, чиптали йўловчингизга жой бердик. Энди сиз ҳам бир илтифот кўрсатасиз, — деди аёлга пул узатиб. — Битта коньяк олиб келиб берсангиз, малол келмаса албатта. Ўзлариникисиз, сизга беришади.

— Майли, — дея одатдагидек рози бўлди аёл.

Кузьма нима қилишни билмасди — жойига чиқиб ётсинми ёки йўлакка чиқиб кетсинми? Бир қарорга келолмай боши қотди. Яна юмшоқ вагонга чипта олгани учун ўзини-ўзи койишдан бошқа чораси қолмади.

Йўлакка чиқай деса, этигини ечиши керакмиқан, ҳалиги аёл кўриб қолса борми, яна дийдиёсини бошлайди. Ўзини худди бой хотиндек тутишини-чи! Асли насли суриштирилса, Кузьмадан ортиқ жойи йўқ, фақат амали демаса. Эҳ, одамни не кўйларга солмайди бу амал дегани.

Кузьма этигини ечиб, пайтавасини ёзаётганида яна Геннадий Иванович ўзини кузатаётганини сизди. У ноқулай аҳволга тушди, уни жаҳлми, торгинишми — аллақандай бир ҳис чулғаб олди. “Нима бало бу менга хира пашшадек ёпишиб олди”, дея хаёлидан ўтказди. Кузьма полковникнинг ялтилаган хром этиги ёнгинасида турган

этигини тезда ўриндиқ тагига итариб киргизиб юборди ва пайпоқчан йўлакка чиқди. “Қани, энди ҳам бир нима деб кўрсин-чи, ўша хотин”.

Кузьма ойнадан ташқарини кузатиб тураркан, коньяк олиб келган проводник хотиннинг овозини эшитди. Бирдан ғала-говур кўпайди — афтидан оқ майкали “преферанс”чини бошлаб келди. Улар кулишар, аллақандай рақамларни айтиб бақришар эди. Бирдан жим бўлиб қолишди, кейин Кузьмага таниш бўлган култиллаган товуш эшитилди, сўнг кимдир бор овозича томоқ қирди.

Ташқарида эса шамол баттар авжига чиқарди. Баҳор тошқинида дарё суви бор ахлатни оқизиб кетганидек, ердаги хас-чўп, чанг-тўзоннинг ҳаммаси ҳавога кўтарилган — осмон кулранг тусга кирган эди. Йўл юзида жойлашган беш-олти уйдангина иборат қишлоқчалар ораси елиб кетаётган поезд ортидан жуда яқин туюлар, гўё кучли шамол таъсирида катта бир қишлоқ ҳар ёққа сочилиб кетган, деб ўйлаш мумкин эди. Шамолда симёғочлар ҳам қаттиқ чайқалар — у ёқдан-бу ёққа бориб келар, бу ҳатто вагондан ҳам яққол кўзга ташланар эди. Симларнинг таранглашиб, гувиллаши эшитилар ва ана-мана дегунча гўё узилиб кетадигандек эди.

— Ҳой, ўртоқ! — деган овозни эшитиб Кузьма ортига ўгирилди. — Менга қара, мана шу ўртоқ билан жой алмашишни таклиф қилсак, нима дейсан? — деди оқ майкали “преферанс”чига ишора қилиб. — Унинг жойи ёнимиздаги вагонда. Биласанми, анча тил топишиб қолдиқ, биз билан бирга кетса деган эдик.

— Ўтсангиз кўрасиз, у ер сизга кўпроқ маъқул бўлади, — деди “преферанс”чи ҳам.

— Менга барибир, — бефарқлик билан жавоб қилди Кузьма.

Полковник унга синовчан тикилиб қолди:

— Хоҳламасанг, бунга ҳожат йўқ. Шу, бир аҳмоқона фикр келиб қолди-да миямизга, яна биз кўпроқ ўтириб қолсагу сен дам олмоқчи бўлсанг, халақит бермайлик деган эдик-да, — деди.

— Менга барибир, — дея такрорлади Кузьма.

— Мана бу бошқа гап, — деди хурсанд бўлиб оқ майкали. — Айтувдим-ку сизларга у йўқ демайди, деб. Энди фақат қизлар билан келишиб олсак бас. Хоҳлаган пайтингда бизга меҳмонга келавер, — деди у Кузьмага қараб. — Ёнма-ёнмиз — қўшни вагон. Мана ҳозирнинг ўзида ҳал қиламиз бу ишни.

Кузьма тик турганича пайтавасини ўраб этигини кийди. Сакраб пахталигининг энгидан тутиб уни тортиб туширди. Сумкасини қўлига олди. Мана — у кетишга шай. Алмашиш бўлса алмашиш-да, нима фарқи бор. Шаҳарга етиб борса бўлди эмасми? Умумий вагонга алмашишганида-ку, унданам яхши бўларди. Ким билади, балки у ерда яна кимдир буни ҳам таклиф қилиб қолар.

“Преферанс”чи уни кутиб турган эди.

— Хайр, — деди Кузьма орқасига ўгирилиб.

— Омон бўл, — деди полковник.

Дўкон ёпилди, деразалари ҳам миҳлаб тамбаланди. Дўконнинг ҳисоб-китоб қилиш учун ёпилгани ҳақидаги эълонгина эшикдан олиб ташланмаган; узоқдан бу қоғозни кўрган одам атай келиб уни ўқиб кўрар эди. Бу бир парча қоғозни аллақачон олиб ташлаш мумкин эди, албатта. Аммо одамлар Марияга зарар етказиб қўядигандек бундан чўчирди: майли-да, Кузьма пул топгунча, ҳалиям тафтиш давом этяпти, деб ўйлай қолайлик. Зора, бу билан Мариянинг тақдири ҳам чалғитиб турилармиди?

Дўкон худди қарғиш текканга ўхшарди — қанча одамнинг шўри қуримади ахир бу ерда ишлаб! Илья Иннокентьевич деган одам бўларди. У урушгача ўн йилдан ортиқ дўконда ишлаган ва худога шукур қилмоқ керакки, ўша вақтда ҳеч қачон камомад чиқмаган. Илья Иннокентьевичга қандай савдо қилишни ўргатишнинг ҳожати ҳам йўқ эди, негаки отаси ўзи дўкондор ўтган. Кейинчалик ўша дўкон унга қолган. Хуллас, болалигидан савдо-сотик билан суяги қотган эди унинг.

Илья Иннокентьевич ўлди-ю, дўконда ишлаб биров барака топмади. Айниқса, урушдан кейин савдо қилган Маруся исмли келгинди аёл ёмон куйган эди. Унинг “хохол”ча шевасидан қишлоқликлар кулиб юрарди. Маруся ҳақиқий урушни кўрган, ўлим чангалидан икки боласи билан бир амаллаб омон чиққан эди. Бунинг устига жуда қашшоқ яшарди. Шунинг учун ҳам одамлар уни аяр, яхши кўрар эди. Маруся қишлоқликларга нисбатан анча саводли бўлса ҳам эҳтиёткорлик қилмаган экан. Ушанда дўкондан қанча камомад чиққани ҳозир бировнинг эсидаям қолмаган. У беш йилга кесилиб кетган, болалари эса етимхонага топширилган эди. Кейин уларнинг тақдири қандай кечди, нима бўлди, буни ҳеч ким билмайди ҳам.

Дўконда бир қўл Федор ишлаган вақтда эса тафтиш қилинганда ортиқча пул чиққан эди. Бошқалардан кўра унинг омади чопганроқ экан, йўлини қилиб вазиятдан чиқиб кетди. Тафтишчиларга ўз пулимни ҳам дўконда сақлардим, деб айтди. Аввалига гапига ишонмай уни туманга олиб кетишди. Сўзида қатъий туриб олгач қўйиб юборилди-ю, дўконда ишлашига изн берилмади. Унинг ўзи ҳам тилла беришса-да энди дўконга қайтмас эди. Шу-шу фурсат келди дегунча у бу ҳақда гапириб юради.

Мариядан олдин дўконда Роза исмли ёшгина қиз савдо қилган. Қандайдир сабаб билан у тумандаги дўкондан ҳайдалиб, шу ёқларга келиб қолган эди. Роза дўконни вақти билан эмас, хоҳишига қараб очарди. Дам олиш кунлари, байрамларда туманга кетганича уч кунлаб қорасини кўрсатмас, кейин арзимаган майда-чуйда кўтариб келиб, молга боргандим дерди — қани энди биров унинг ўйин-кулги қилиб юрганини исботлаб беролса! Қишлоқ аҳли уни ёқтирмасди. Роза ҳам на қишлоқ, на дўконнинг ўзи учун сариқ чақалик аҳамияти йўқлигини яширмасди. Неча марта қишлоқдан кетмоқчи бўлди. Сотувчи йўқлиги учун уни ишдан бўшатишмади. Александровск қишлоғидаги механика билим юртининг йигитлари Розанинг олдига тез-тез келиб турар, ана шу кунларда у ўйин-кулгидан ортмай қолар эди. Розанинг камомад сабаб уч йилга кесилиб кетишида ўша йигитларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлганига шубҳа йўқ эди.

Розадан кейин тўрт ойгача дўкон ёпиқ турди — бу ерда ишлашга ҳеч кимнинг юраги дов бермай қўйди. Одамлар арзимаган гугурт ёки туз учун ҳам йигирма чақирим узоқдаги Александровск қишлоғига борар, бу ҳам камдек у ердаги дўкон гоҳ очиқ бўлса, гоҳ ёпиқ турар эди. Нима ҳам дейиш мумкин — қишлоқликлар ниҳоятда ҳолдан тойди: ўз дўкони ишлаб турганида, бориб-келишга ўн дақиқа ҳам етарли эди. Мана, энди бир-икки кун овора бўлиб югуришга тўғри келади.

Қишлоқ кенгашидан туман иш таъминотига айнан шу масалада қўнғироқ қилишган эди, улар сотувчини ўзингиздан топинг, дейишди. Одамлар эса бас-етар — қамоқхоналарни тўлдирганимиз, дерди. Дўконда ишлашнинг оқибатини ўз кўзи билан кўргандан кейин ким ҳам била туриб бўйнини сиртмоққа тутиб берарди? Бунинг устига тўланадиган маош ҳам ҳавас қилгулик эмас.

Хушхаво баҳор кунларининг бирида эса яхши хабардан гўё олам ёришиб кетди: учинчи фарзандига ҳомиладор бўлган Надя Воронцова чақалоқ дунёга келгач дўконда ишлашга розиман, деб қолди. Ой-кунига ҳали икки ой бор эди. Бунинг устига, бола туғилиши билан уни дарров пештахтага турғизиб қўйиб бўлмаса. Чақалоқ кам эмас, жилла қурса, икки ойлик бўлиши керак эди. Хуллас, ана шу тўрт ой мобайнида дўконда ишлаб турадиган одам топиш лозим эди. Мўлжал қилинган одамларни қишлоқ кенгашига бир-бир чақириб кўндиришга ҳаракат қилишди. Шулар орасида Мария ҳам бор эди.

Аксига олиб дўконда ишлашга унинг шарт-шароити тўғри келарди. Кенжа ўғли касалманд, заифроқ бўлгани учун яхши парваришга муҳтож эди. Бунинг устига, Мариянинг ўзиям даволаниб чиққанига кўп бўлмаган, шифокорлар унга оғир иш қилишни тақиқлаган, иложи борица ўзингизни эҳтиётлаб-асранг, деб тайинлаган эди. Айтишга осон, аммо колхозда енгил ишнинг ўзи бор эканми? Бу ҳақда оғиз очишга ям хижолат бўласан киши. Хуллас, Мария ўзини ҳеч аямади, уйни ҳам, дўконни ҳам эплаштирди. Бошида иш силлиқ кетаётгандек бўлса-да, Мариянинг кўнглида болаларим ҳали ёш, менга бир нарса бўлиб қолса-чи, ишқилиб тинч-омонликда уларни катта қилаб олай, деган ҳадик ҳам йўқ эмас эди.

Ўша вақтлар улар дўкон ёнидаги эски уйида яшарди — қулайгина, болалар ҳам кўз ўнгида, сал бўш қолса томорқада ишлаши мумкин эди. Битта-яримта ул-бул нарса харид қилгани келса, чақиради — дарров югуриб боради. Бундан қулайи бўларканми? Яна денг, оз бўлса-да Кузьмага ҳам кўмаклашади: янги уй қуришга қарз олгандан кейин пулга анча-мунча эҳтиёжманд бўлиб қолишган эди ўзи.

Шундай бўлса-да, Марияни қишлоқ кенгашига чақириб иш ҳақида айтишган заҳотиёқ у рад жавобни бериб чиққан эди:

— Мен-ку-мен, илгари бу дўконда ишлаган не-не каллалар учиб кетган ахир.

Эртаси куни Кузьма уйдалигида қишлоқ кенгаши раисининг ўзи уларникига келган эди. Раис Марияни қандай кўндиришни биларди. Шу сабабдан у гапни аввало, дўкон ишламаётгани қишлоқ аҳлига қанчалик қимматга тушаётганидан бошлади. Кейин Надя Воронцова ишга чиққунча кимдир одамларнинг жонига оро кириб, дўконда савдо қилиб туриши кераклигини айтди. Охирида Мариянинг бу жойга энг муносиб номзод эканини ҳам қўшиб қўйди.

Шунда Кузьма:

— Ўзинг биласан Мария, — деган ва гапни ҳазилга бурган эди: — Агар бир гап бўлса, ана — сигирни сотамиз, шундоғам ҳар ёзда ўт ўриб келиш жонга тегди.

Кимдир бу ишни зиммасига олиши лозимлигини Мария яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам у энди суҳбат аввалидаги каби бош чайқамас, қўлларини тиззасига қўйганча индамай, ғамгин бир қиёфада раиснинг гапларига кулоқ солиб ўтирар эди. Энди бу ишни рад қилолмаслиги ҳақида ўйлар, аммо розилик беришга ҳам чўчир, хуллас, аниқ бир қарорга келолмай қийналар эди.

— Нима дейишга ям ҳайронман, — дерди Мария қайта ва қайта.

Охир-оқибат раис уни кўндирди. Бир ҳафталар ўтиб Мария дўконни очди. Тўрт ой — келишилган муддат якунига етгач эса Надя Воронцова фикридан қайтиб қолса бўладими?! Бу гапни эшитиб Мариянинг юраги нақд ёрилаёзди. Дарҳол дўконни ёпиб, ҳисоб-китоб қилинсин, деб туриб олди. Пешонангдагини кўрасан деганлари бекор гап эмас: ҳаммаси жойида экан — арзимаган уч-тўрт сўм фарқ чиқди, холос.

Шундан кейингина Мария хотиржам бўлиб ишини давом эттира бошлаган.

Хуллас, шу тарзда у дўкон сотувчиси бўлиб қолган эди.

Колхознинг оғир меҳнати олдида савдо иши нима деган гап? Албатта бир оз жавобгарлиги бор-у, аммо қийин иш деб бўлмайди буни. Омбордан оғирроқ юк олиб чиқишга Кузьманинг ўзи қарашар, умуман олганда, ёрдам сўраса ҳеч бир эркак йўқ демас эди. Мария дўконни эрталаб соат саккизда очарди ва ўн иккигача савдо қиларди. Соат тўртгача дам олиши, кейин яна саккизгача ишлаши лозим эди. Бироқ Мариянинг бу тартибга риоя қилиши унчалик шарт эмасди, ўз вақтида дўконни очар, харидор йўқлигида эса уйда бемалол ишини қилаверар эди. Бу вақтда болаларни эшик олдида қоровулликка қўйиб кетарди. Кимдир келиб қолса улар чоғиб бориб Марияни чақирарди. У бирон мартаям ҳеч кимни узоқ куттириб қўймаган. Қишлоқ аёлларининг кўпи вақт-соатни билмайди, билганлариям тушлик чоғи экани эсида турармиди, қоли бўшаши билан келаверади-да. Мария уйда бўлса келиб дўконни очади. Бу унга ҳеч ҳам малол келмайди. Ахир ўзи зўрға юрган кампирнинг оёғини судраб қишлоқнинг у бошидан бу бошига бориб келишининг ўзи бўладими? Эркаклар эса, бунинг акси, кечқурунлари вақт деганини ўйлаб ҳам ўтирмай, соат тўққизми-ўнми арақ сўраб келаверади. Дўкон аллақачон ёпилган, арақ ҳам йўқ деб қанча гапирма, тушунишнйям хоҳлашмайди. Бири олиб бири қўйиб такрорлайверади: нима қизғанияпсанми, берақол энди. Бу ҳол кўп такрорланавергани учун Мария арақни уйига ҳам олиб келиб қўйди: каравот тагида бир қутиси турар, ёз кунлари деразадан ҳам сотаверишар эди. Мария уйда йўқ бўлса, эркаклар Кузьмани қидириб келишарди, ҳатто бир марта уч шишача арақни Витька ҳам сотган эди.

Мария қарзга арақ бермасди. Эркакларга қўйиб берсанг, жуда ўзидан кетади, қарзни тўлаш эса яна хотинининг бўйнига тушади. Эркакка нима — маст чоғида пули йўқ бўлиб қолади унинг, эртасига-чи, яна ҳаммадан бой — кайф-сафонинг кетидан қувади. Уйдагилар бир тийинга зор ўтиргани хаёлигаям келмайди. Пулинг бўлмаса — нима қиласан ичиб. Бир вақти Мария Михаил Кравцовнинг хотини Дарья билан ўзаро келишиб олиб, унга ҳатто пули бўлсаям арақ бермай қўйган эди. Негаки, эрининг арақхўрлигидан йиғлайвериб эзилиб кетган Дарьяга жуда раҳми келган эди. Михаил устингдан арз қиламан деб дўқ урсаям Мария гапида туриб олганди ўшанда. Шунда Михаил қишлоқ кенгаши раисини бошлаб келиб унинг олдида дўқ ура кетган:

— Мана сен — Совет ҳукуматисан, — гапини тасдиқламоқчи бўлиб раисга юзланган у, — хўш, менга айт-чи, одам ўз пулигаям хоҳлаган нарсасини сотиб ололмаса, бу нима деган гап? Ўзини ким деб ўйлайди бу хотин — қонунлар чиқариб оладими-ей? Бу ҳуқуқни ким берибди унга? Қани, сен унга бир тушунтириб қўй-чи буни.

— Бир шиша берақолсанг-чи шунга, — деган эди раис ҳам тезроқ бу машададан қутулиш учунгина.

Мария ҳам бир боғламасамми сени деган:

— Ишончнома олиб келсин — берганим бўлсин.

— Яна қанақа ишончнома? — ҳайрон бўлган Михаил.

— Дарьядан арақ олишингга рухсат бергани ҳақида ишончнома ёздириб келсанг, майли.

Раис қўл силтаб чиқиб кетган, Михаил бақириб, шовқин-сурон кўтарганча қолаверган. Эшикни тарақлатиб ёпаркан дўконингга ўт қўяман, деб Марияга хўб дағдаға қилган. Дарьянинг айтишича, уйга

бориб ишончнома ёзиб бер, деб мушт ўқталиб уни роса қувлаганмиш, аранг қочиб қутилибди. Ўша кунни кечқурун Михаилни яна маст ҳолда кўришган — орага одам қўйиб олган бўлса керак-да. Бундай ҳолларда эса Мариянинг қўлидан ҳеч иш келмасди.

Мария ишлаган вақтда дўкондан одам аримасди. Айниқса, аёллар ҳеч нарса сотиб олмасаям унинг олдига келаверишарди. Улар пештахта олдида навбатда тургандек тизилишиб олиб, ўз муаммоларини муҳокама этар ёки кимнингдир ғийбатини қилар эди. Кампирлар бўш қутиларга ўтириб оларди. Бўшаган уч-тўрт ёғоч қутини Мария ўтириш учун атай қолдирган эди. Қиш кунлари эркаклар ҳам ишга кетиш олдидан чекиб олиш учун дўконга кирар ва Мария уларга печкани ёқтирар эди. Эски янги йил байрамларида агар дўкон очиқлигини кўриб қолса, тўп-тўп бўлиб юрган дўст-улфатлар бостириб кирар ва шу ерда ўйин-кулги қилар эди. Мария пештахта устига бир амаллаб қотиб олиб, уларни томоща қилиб ўтирарди. Улар Марияни ҳам даврага тортар, кейин дўконни ёпишга мажбур қилар, ўзлари билан ҳам судраб кетар эди. Мария йўлда улардан аранг қутулиб, қочиб қоларди.

Қишлоқда Марияга иши тушмайдиган одам деярли йўқ эди. Мария буни билар ва бу нарса унга ёқарди. Негаки, қишлоқда бундай одам кам эди — бармоқ билан санаса бўларди уларни: қишлоқ кенгаши раиси, колхоз раиси, шифокор, ўқитувчилар ва мутахассислар. Уларнинг орасида Мария ҳам бор. Агар агроном бир ойга қаергадир кетса, буни ҳеч ким сезмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо Мария-чи, бир марта тоби қочиб уч кун дўконни очолмаганида — одамлар югуриб қолишган, қачон ишга чиқасан, деб ҳоли-жонига қўйишмаган эди. Кўпчилик энди у билан яқин бўлишга интиларди. Бироқ Мария барчага бирдек муносабатда бўлишга ҳаракат қиларди. Мариянинг эсида: янги иш бошлаган кезлари дўконга кўпдан бери сотилмаган елим дастурхон келиб қолди. Буни эшитган хотинлар таниш-билишчилик юзасидан ҳеч бўлмаганда биттадан дастурхон олиб қўйишини илтимос қилиб бирин-кетин унинг уйига келаверди. Шунда Мария ҳеч кимнинг дилини огритмаслик учун ҳазил тариқасида, аммо қатъий оҳангда уларга вазиятни шундай тушунтирган эди:

— Бу нимаси ахир, дугоналар? Шаҳарда таниш-билишчилик қилиб нарса олинади, бизда эмас. Чунки у ерда сотувчиларга таниш ҳам, нотаниш ҳам одам бор. Мен эса сизларнинг ҳаммангизни танийман, айтганингиздек қилсам, бошқаларнинг кўзига қандай қарайман, ахир? Эртага барвақтроқ келсангиз — ўзингиз шундоғам олаверасиз.

Эртаси кун Кузьма тонг саҳарлаб ҳовлига чиққанида дўкон эшиги гавжум эди. Мария турасолиб рўзғор ишларига ҳам қарамай (шунча одам кутиб турганда бунинг мавриди эмас, ахир) дўконга чопган. Дўконнинг очилиш вақти, яъни соат саккиз ҳам бўлмай елим дастурхонни сотиб бўлган эди.

Деярли иш бошлаганининг даслабки кунлариданоқ Мария қарз дафтери очган. Охир-оқибат бу дафтар рақамларга тўлиб кетди, баъзиларининг устидан чизиқ тортилиб янгилари ёзилди. Нима ҳам қила оларди? Болалиқдан бирга ўсган дугонаси, икки болани ёлғиз катта қилаётган Клава келиб, қизи Катъкани мактаб кийимисиз дарсга қўйишмаётгани, олиб беришга эса ҳозир имкони йўқ эканини айтиб турса, қарзга бермай иложи ҳам йўқ-да! Мария қимматроқ нарсаларни камдан-кам ҳолларда, асосан майда-чуйдани насияга берарди. Кимнингдир қарзи кўпайиб кетса, Мария олдин уни узишни талаб қилар, тўлаганидан кейингина яна бера бошларди. Дўкон тафтиш қилинишидан хабар топиши билан у деярли ҳамма қарзларни йиғиб

чиқди. Фақат Чижовлар тўрт сўм саксон тийин бериши керак эди, холос.

Ёз бошиданоқ Мария дўконнинг тафтиш қилинишини сўраган эди. Ва ҳар сафар туманга мол олгани борганида идорага кириб бу ҳақда суриштирарди. У қатъий туриб талаб қилиб ўрганмаган, ваъда беришса — ишониб индамай кетаверар эди. Бироқ олдинда ўзини нималар кутаётганини билмай, кўр-кўрона ишлайверишга ҳам ортиқ тоқати етмасди. Тафтишчи келгач эса, қўрқмаса ҳам бутун танаси аллақандай музлаб кетди. Доим нима бўларкан деган ўй кўнглини ғаш этар, шунинг учунми тафтишчи бир нимани сўраса, сесканиб кетар ва дарров жавоб беролмай қолар эди. Мария қанчалик ҳадиксираган бўлмасин, ишнинг бу тарзда тугашини кутмаган эди. Тафтишчи ҳисоб-китобини тугатиб, натижани кўрсатганида унинг томоғига бир нима тиқилди-қолди. Ўша куни кечаси билан, ҳатто эртаси куни ҳам ҳаво етишмай, нафас ололмаётгандек қийналиб юрди.

Мария гоҳ ўзига раҳми келса, гоҳ ўзини қарғаб йиғлар эди. Дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди. Шу тобда ўлсаму ҳаммасидан бир йўла қутулсам, деб ўйларди. Бу ўйдан енгил тортгандек ҳам бўлар, ўзини гўё ўзга бир оламга тушиб қолгандек ҳис этар эди. Ўша ердан болаларини, Кузьмани кузатарди. Ўзидан кейин уларнинг қандай яшашини тасаввур этиб кўрди-ю, яна ўз ҳолига ачиниб хаёлга чўмди. Аммо бу камомад дегани худди жаллод каби уни тинч қўймас, хаёлларини тўзғитиб юборар эди. Бир оз нафас ростлашигагина фурсат бериб, ўз ажали билан ўлишни истаса ҳам қўймай, қаердан бўлмасин топиб олар ва яна азоб бера бошлар эди. Мария қаттиқ эзилар, нимани ўйламасин, қаёққа ўгирилмасин, баттар сиқилар, кўрқар эди — шу боис қимирламай ётарди.

Бир вақт Кузьма келиб, раис қарз бераман деб ваъда қилганини айтди. Мария аввалига унинг нима деганини англаб етмади ҳам. Кейин бирданига бу нажот эканини, унинг нақадар яқин турганини ҳис этди. Кузьма уни қўлдан чиқариб юбормасмикан, дея хавотирга тушдию, унинг бўйнига осилиб олди. Уни йиқитиб, худди тутқаноқ тутган одамдек мени қутқар дея ялина кетди. Кузьма унга ўшқириб берди, кейин ёнига ётиб силаб-сийпаб юпатган бўлди. Кечаси билан ташвишдан кўз юммай ҳолдан тойган бечора Мария ухлаб қолди — ухлаб-ухламади ҳам, уни мудроқ босди, ҳеч нимани ўйламай, анча енгил тортди, қалби бўм-бўш бўлиб қолди гўё.

Марияни Комариха уйғотди. Уни кўриб хурсанд бўлган Мария фол очиб қўйишини илтимос қилди. Қарталар яхшилиқни кўрсатди: худо хоҳласа Кузьма пул топса, ҳаммаси ўз йўлига тушиб кетади, деб ўйлади Мария... Кўнглида умид уйғонди, ўзи ҳам кўчага чиқиб пул суриштиришига қарор қилди.

Бир вақт Витька мактабдан ҳовлиқиб келди, қўлида тўрт сўм саксон тийин — Чижовлар йўлда уни пойлаб турган экан, онанга бер дея пулни тутқазишибди.

Тушдан кейин Мария дугонаси Клаваникига борди. Клава индамай Мариянинг ёнига — каравотга келиб ўтирди. Уни маҳкам бағрига босиб худди азадагидек тиниқ, баралла овозда бақириб йиғлай бошлади. Марияни яна ваҳима босди, у ҳам йиғлаб юборди. Бундан Клава баттар авжига чиқарди. Мария йиғидан фойда йўқлигини биларди. Тезда эсини йиғиб олди, кўз ёшларини артиб, Клава хафа бўладиям демай ўрнидан турдию чиқиб кетди.

Дарёга олиб борадиган орқа кўчада Марияга Надя Воронцова дуч келди. Надя, дўконни олиб аҳмоқлик қилдинг, ҳеч ким эмас, ўзингни

ўзинг қамоққа тутиб бердинг, ахир бу ишнинг яхшиликка олиб бормаслиги аввал-бошданоқ маълум эди-ку, дея жаврай кетди.

Мария унинг гапларини охиригача эшитиб ўтирмай уйига қараб жўнади. Шу-шу қадам босиб кўчага чиқмади.

Кузьманинг пул топа олишига ҳам ортиқ ишончи қолмади.

Кузьма “преферанс”чи билан алмашиб ўтган купеда сочлари қордек оқарган, кенг юзлари ҳам сочларидек оқ бўлган чол билан кампир кетаётган экан. Иккинчи қаватдаги жойларнинг бирида ҳам чойшаб гижимланган, афтидан, учинчи йўловчи ҳам бору қаергадир чиққан бўлса керак.

Кузьма этигини ечиб энди юқорига чиқаман деб турганида купега бир йигит бостириб кириб келди. У бир муддат Кузьмага анграйиб қолди. Ундан кўзини узмай кампирнинг ёнига бориб ўтирдию, дарров турди, бирдан чеҳраси ёришиб Кузьмага қўл узатди:

— Танишиб кўйайлик.

Кузьма ўзини таништурди. Йигит мамнун жилмайди, лекин шу заҳотиёқ юзига жиддий тус бериб:

— Тушунарли, — деди. — Кузьма де, яхши. Бу — бизнинг бобомиз, — бир қўлини чап томонига узатди у. — Буниси — бувимиз, — иккинчи қўлини ўнг ёнига узатди. — Бу эса мен. — Йигит қўлларини кўкраги устида қовуштириб шарақлаб кулиб юборди.

— Қойил-э! Гап йўқ сенга! — деди кампир бошини сарак-сарак қилиб. — Кўрмаган, билмаган одамнинг олдида ўзингни тутишингни қара. Унга эътибор берманг, жойлашаверинг, — деди кейин Кузьмага қараб. — Ресторандан ортмай қолди бу ўзи.

— Нима, мен ёмон гап айтдимми? — деди шанғиллаб йигит. — Уни хафа қилдимми? Кузьма, ўзинг айт, сени ранжитдимми?

— Ҳозирча ҳеч қандай хафагарчилик йўқ, — деди секингина Кузьма.

— Ана! Эшитдингизми, бувижон, Кузьма мендан хафа эмас. Эҳ бувижоним-ей, мени айблавераркансиз-да.

Йигит кампирга яқинроқ ўтирди, Кузьмага кўз қисиб кўйиб, уни кучоқлаб олди.

— Қоч-э! — деди кампир жаҳл билан. — Тезроқ етиб олсак эди. Роса жонга тегиб кетдинг, рост айтяпман.

— Нима? Наҳотки жонингизга теккан бўлсам? Бир умр бирга яшаб, чолингиз жонингизга тегмаган-у, бир марта кучоқлаб мен жонингизга тегибман-да! Бобой! — деди бор овози билан йигит. — Кампирингизни тортиб олсам, нима қиласиз?

— Кўлингдан келармикаң бу, — шошилмай жавоб қайтарди чол.

Йигит жим бўлиб қолди. Ўйланганча чолга тикилиб турди-да, кейин кампирга қараб ҳорғин овозда ифодали тарзда ўқий бошлади:

— “Чолу кампир бўлган экан, сутли бўтқа еган экан...”

— Э, масхарабоз!

— “Чол кампирдан жаҳли чиқиб, қорнига мушт солган экан.”

Йигит ўз-ўзидан руҳланиб кетди:

— Бобой, ёшроқ вақтингизда кампирингизни ҳеч урганмисиз?

— Умрим бино бўлиб уни ҳатто чертмаганман ҳам, — деди чол гурур билан.

— Ҳеч ҳамми? Бирон мартаям-а?

— Бирон мартаям.

— Ҳозир менинг чолимдек эркакни қидириб ҳам топиб бўлмайди, — деди кампир.



— Ҳа, қаёқда дейсиз!

Йигит чол билан кампирнинг эътироз билдиришини кутган эди, аммо улар ҳеч нима демади. У ҳаммага бирма-бир қараб чиққач, гап йўғида гап учун шунчаки Кузьмадан сўради:

— Шундай қилиб, Кузьма, биз билан кетасанми?

— Ҳа, шунақа.

— Яхши-да.

Йигит оёқлари остига тикилиб ўтирарди. Вагон бир текисда чайқалиб кетарди. У бошини қуйи солганча кўзларини юмди. Рўпарадан келаётган поезд физиллаб ўтиб кетди, йигит буни сезмади ҳам.

Кузьма иккинчи қаватга — жойига чиқиб олди. Кампир йигитни туртиб уйғотди:

— Ўрнингга ётсанг-чи, ўзингни қийнамай. Ҳеч бўлмаса менинг жойимга чўзила қол.

— Нима, ўзимнинг жойим йўқми?

У ўрнидан туриб, қийналиб юқорига чиқди, бир оздан сўнг нималардир деб гўлдирагани эшитилди.

Кузьма кўзларини юмгани билан уйқуси келмасди. Поезд гилдиракларининг тарақлаши гоҳ узоқлашса, гоҳ унга яқинлашиб келар — шунда Кузьма чўчиб кўзларини очар ва кулоқ солиб ётар эди. Ойнага қарайди — ташқарида ҳалиям шамол тинмаган. Қулайроқ ўрнашиб ётади, яна ухлашга уринади, ниҳоят уни уйқу элитади.

Кузьма ғалати туш кўрибди: колхознинг умумий мажлиси бўлаётган эмиш, унда Марияга керак бўлган пул масаласи муҳокамага қўйилган экан. Ҳисобот мажлисларида йиғиладиганчалик кўп одам келганмиш. Бунинг устига, ўтиргани жой етишмас, кўпчилик ўзи билан курси олиб келган эмиш. Йўлакларда ҳам одамлар турар, яна денг, қелувчиларнинг кети узилмас эмиш.

— Ўртоқ колхозчилар! — дея ўрнидан турибди раис. — Энди эшикни ёпсак ҳам бўлади. Бирибир келаётганларнинг ҳаммаси сифмайди бу ерга.

Эшиклар ёпилибди.

— Аввало мажлисни бошқарадиган ишчи президиумни сайлаб олишимиз керак, — дебди раис. — Идора қуйидаги ўртоқлар, яъни Мария билан Кузьманинг номзодини таклиф этади. Уларнинг болаларини вояга етмагани сабабли президиумга қўёлмаймиз. Марҳамат, розиман деганлар қўл кўтарсин.

Таклиф бир овоздан тасдиқланибди. Мария билан Кузьма ўтирганларнинг қарсаги остида саҳнага кўтарилиб, президиум столдан жой олибди. Кузьма залдагиларни кузатиб битта ҳам таниш чеҳрани кўрмабди. “Мария, — дея пичирлабди у чўчибгина, — қара: булар бизнинг одамлар эмас, бегона-ку”. — “Нима деяпсан? — ҳайрон бўлибди Мария. — Сенга нима бўлди, Кузьма? Ҳаммаси ўзимизнинг одамлар, ахир”. Шовқин-сурон тингач, Кузьма эътибор билан қараса, ростдан ҳам залда ўтирганларнинг ҳаммаси қишлоқдошлари экан.

— Ўртоқ колхозчилар! — деб гап бошлабди раис. — Бизда Марияга ёрдам қилайлик, деган таклиф бор.

Яна гулдурос қарсак эшитилибди.

— Бу масалани биз ўзаро муҳокама қилдик, — гапида давом этибди раис, — ва шундай қарорга келдик: энг олдин шу ерда ўтирганлар сонини билиш керак бўлади. Марияга қанча пул кераклиги ва бу ерда нечта одам борлигини аниқ билган ҳолда, ҳар биримиз неча сўмдан ташлашимиз лозимлигини аниқлаб оламиз. Бошқа бирор таклифингиз бўлса, ҳозир айтинг.

— Йўқ, — деб жавоб берибди пастдагилар бир овоздан.

— Ундай бўлса, қатор бўйича санаб чиқишингизни сўрайман. Огоҳлантириб қўяй, бир одамни икки киши ўрнига ҳисоблашга уринганлар залдан чиқариб юборилади.

Саноқ давом этаётган вақтда Кузьма ўтирган жойида хурсандлигидан Марияни биқинига бир туртиб қўйибди. У сапчиб тушибдию кулиб юборибди. “Уятсиз, — пичирлабди Мария. — Ахир минбарда ўтирибсан, бу нима қилиқ? Ўзингни тутиб ўтирсанг-чи”. Кузьма жим бўлиб қолибди.

— Икки юз йигирма бешта одам экан, — деб бақирибди пастдан одамлар.

— Минг сўмни икки юз йигирма беш одамга бўлсак, — дея ҳисоблай бошлабди раис минбарда туриб, — ҳар биримизга тўрт сўм қирқ тийиндан тўғри келар экан.

— Э, нима бўпти — оғайнимиз учун керак бўлса беш сўмдан берамиз, — дебди бирданига бир неча одам.

Шунда минбардаги стол бирданига қутига айланиб қолибди ва ҳар томондан чўзилган қўллар унга пул ташлайверибди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас қути пулга тўлиб кетибди. Мария йиглаб юборибди, унинг нўхат доналаридек кўзёшлари овоз чиқариб қути ичига юмалар эмиш.

— Ҳамма бердими? — деб сўрабди раис. — Демак, ҳисоб комиссиясининг ишга киришишини сўраймиз.

Пастдан уч-тўрт киши чиқиб пулни санай бошлабди. Пулни уч, беш, бир сўмдан алоҳида-алоҳида боғлам қилиб, худди банклардагидек устига миқдорини ёзиб қўйишибди. Кейин боғламларни устма-уст тахлаб чиқишибди.

— Жами — бир минг бир юз йигирма беш сўм, — дебди улар ниҳоят.

Раис норози бўлиб бош чайқабди.

— Бир юз йигирма беш сўм ортиқча экан. Энди нима қиламиз?

— Ҳаммасини олаверишсин, — дея маслаҳат берибди одамлар яна.

— Йўқ, бўлмайди, — раисга бу гап маъқул келмабди. — Бир юз йигирма беш сўм ҳам кам пул эмас, ахир. Менда бир таклиф бор: келинлар, пулни мусиқа хонасига олиб чиқамиз ва ҳар биримиз у ерга бирма-бир кирамиз. Кимки пулга эҳтиёжмандроқ бўлса, бир ёки икки сўмдан қайтариб олиши мумкин. Илтимос, ғала-ғовур бўлмасин, биз миллионер эмасмиз. Кимга керак бўлмаса — олмасин. Аммо ким олгану ким олмагани номаълум бўлиб қолмаслиги учун у ерга ҳамма кириб чиқиши шарт. Бошқа таклифлар борми?

— Йўқ.

Пулни мусиқа хонасига олиб ўтишибди ва одамлар навбат билан у ерга кириб-чиқа бошлабди. Навбатнинг охирида Комариха экан. Кузьма унинг кўзлари олазарак бўлиб эшикни ёпганини кўриб қолибди. Бир вақт ичкаридан Комариханинг бақиргани эшитилибди.

Комариха чошиб чиқиб, одамларга телбаларча қарабди ва:

— Пул йўқ у ерда! Бир тийин ҳам! Мен бир сўмгина олмоқчийдим, холос, — дея бор овози билан шанғиллабди.

Залда кулги портлабди. Одамлар қоринларини ушлаб, ихраб, чийиллаб кулар, бармоқларини бигиз қилиб бир-бирига Комарихани кўрсатар эмиш. У эса оғзини очганча залнинг ўртасида туриб қолибди, кейин ўзиям кулиб юборибди. Кузьма ҳайрат ва қўрқув билан зални кузатибди; ҳеч балога тушунмай Марияга қараса, у ҳам қотиб-қотиб кулаётганмиш.

Кузьма уйғониб кетди ва кампирнинг овозини эшитди:

— Серёжа, грелкани бер, иссиқ сув тўлдириб келай.

Кампир грелкани кўксига босганча чиқиб кетди. Атроф сув куйгандек жим эди. Поезд филдиракларининг рельсларга урилиб тарақа-туруқ қилгани эшитиларди, холос. Атай қулоқ тutilмаса, бу овозни ҳам илғаб бўлмасди. Ойнадан худди шамолдан хира тортгандек кулрангсимон нур тушади, секингина чайқалиб кетаётган вагонда у ҳам ором топгандек ғира-шира кўзга ташланади. Йигит эса йирик муштумини иягига тираганча ухлаб ётибди.

Кампир грелканинг сувини чайқатиб қайтиб келади. Уни чолнинг ёпинчиғи тагига тикади. Чол оёғини узатиб яна қотиб ётаверади. Кузьмага пастдаги ойнадан улар кўриниб туради.

— Бугун оғримаяптими? — сўради кампир чолдан.

— Йўқ, бугун анча тузукман.

— Жуда яхши-да.

Чол билан кампир секин гаплашади, овозлари эшитилиб-эшитилмайди ҳам. Аммо уларнинг муносабатидаги меҳр-ғамхўрлик аниқ сезилиб туради. Уларнинг товуши сукунатни бузмайди, гўё чолу кампир унсиз ҳам бир-бирини тушунаётгандек. Кузьманинг уйқуси қочди, бироқ ўрнидан тургиси келмади. Бундай вақтда хаёл сурса ёки нима биландир машғул бўлсагина одам чалғиши мумкин. У кўзларини юмиб ётаверди. Пул билан боғлиқ бояги тушнинг таъбири нима бўлсайкан? Кузьма бу ҳақда ўйлашгайм қўрқарди. Тушга нималар кирмайди дейсиз! Ундан маъно қидириш ҳам керак эмасдир балки. Албатта, доим бир нарса ҳақида ўйлайверсанг, фикру хаёлинг фақат шу билан банд бўлса, тушингга ҳам киради-да. Барибир кўнгли ғаш, нотинч — бўлаётган ҳодисаларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқдек: шамол, чипта можаролари, бунинг устига туши ҳам. Наҳотки бирор чора топилмаса? Ҳаммаси беҳуда уриниш бўлса?

— Серёжа, — яна кампирнинг овози эшитилди. Ҳеч бўлмаса уларнинг гапига қулоқ солиб ётиб, ёмон хаёллардан чалғирман, дея Кузьманинг кўнгли таскин топади. — Серёжа, нима деб ўйлайсан, телеграммамиз етиб боргандир-а?

— Ҳа, аллақачон.

— Энди бизни кутишаётгандир.

Кампир самимият билан майин жилмаяди. Унинг кенг юзи янаям ёйилиб, катталашиб кетгандек туюлади. Бир оз юзи кулгидан ёришиб туради-да, бирдан яна жиддий тортиб қолади.

Кузьма Евгений Николаевичникига борган куннинг ўзидаёқ бир бола ундан хабар олиб келди:

— Евгений Николаевич айтдики, эртага туман марказига боролмас экан. Индинга бориб, ҳаммасини келишилгандек ҳал этиб келаркан.

— Майли, яхши, — деди Кузьма.

Ўша вақт Кузьманинг уйида Гордей ота бор эди. У печка яқинида — полда оёқларини чалиштириб ўтирарди. Бола кетгач:

— Кўп ваъда қилдим у сенга? — деб сўради.

— Юз сўм.

— Оббо, кўпроқ берсаям бўларди-ку, пули йўқ эмас, ахир.

— Бори шу деди.

— Ҳа, ишонавер унга! — минғирлади ота. — Йўқ эканми? Бу нима дегани! Жа ақлли-да касофат, жуда ҳам! Унчалик билимдон эмас-ку, лекин ўта айёр у — мен сенга айтиб қўяқолай. Биз эпполмаймиз бунақа ишларни, бирор ҳийла ишлатсак — дарров ошкор бўлиб қолади.

Евгений Николаевичга ўхшаганлар алдаса борми, у эмас худди ўзинг ёлғон гапиргандек, унинг олдида ноқулай аҳволга тушасан. Шу қадар, калласи зўрки, э-ҳе!

Кузьма индамади.

Гордей отанинг келганига бир ярим соатлардан ошиб кетса ҳамки у ўрнидан қўзғалай демасди. Кузьма борадиган жойи, қиладиган бир талай иши бўлатуриб, бунинг ўрнига чолнинг сафсатасини эшитиб ўтирар эди. Ота, мени ишдан қолдирыпсиз, деб айтиш ҳам ноқулай — хафа бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам Кузьма, чол гапира-гапира чарчайди ва кетади, деган ниятда индамай ўтирарди.

Гордей ота етмишлардан ошган бўлса-да, унчалик қари кўринмасди. Тўғри, кейинги йилларда негадир бир томонга эгилиб юрадиган бўлиб қолди, худди ўттиз йилдан буён дарёда судралиб юрган “Лейтенант Шмидт” деб аталувчи кемага ўхшаб. Шу сабабдан ҳам қишлоқ аҳли унга “Лейтенант Шмидт” деб лақаб қўйиб олган. Жуда эскилигиданми ёки бошқа сабаби борми, хуллас, урушдан кейин бу кеманинг ўнг борти янаям қийшайиб ўша ёни билан сувни суриб юрадиган бўлиб қолган. Кема бир неча бор таъмирланди ҳам, лекин уни асл ҳолига келтириб бўлмади. Қирғоқдаги қишлоқ аҳлининг кўзи ўрганган аҳволда — ўша-ўша қийшайганича у яна дарёда пайдо бўлди.

Бир ёнига эгилиб юриш Гордей отага унчалик қийин эмасди афтидан, негаки, у аввалгидек тетик-бардам эди. Чол кечаси устахонада қоровуллик қилар, кундузи бекорчиликдан қишлоқни айланиб юрар эди. Агар у полга чўккалаб олиб, чўнтагидан бамайлихотир орқа тешигигача қорайиб кетган эски трубкасини чиқарса борми, унинг узоқ ўтирмоқчи эканига шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Отанинг шошиладиган жойи йўқ. Қишлоқ чеккасидаги кичкинагина хароба бир кулбада ёлғиз яшайди, ўзининг каттакон ҳовлисини ўғлига ташлаб чиқиб кетган. Ўғлининг жанжали ҳеч аримайдиган каттагина оиласида эса чол кампири ўлгандан сўнг узоқ яшай олмади ва ўзининг таъбирича, “товуқ катагига” кўчиб ўта қолди. Кулба ростдан ҳам товуқ катагидек гап эди: ота ўзи супириб-сидиришга одатланмаган, узоқ қариндоши бўлган Комариха эса икки ойда ёки ойда бир келиб саннай-саннай уйни тозалар, кераксиз нарсаларни чиқариб ташлар эди. Ота буни сезмасди ҳам.

Қулайроқ жойлашиб олган Гордей ота бир оёғини узатиб унга тирсагини қўйди ва:

— Касофат, бахтга қарши менда ҳам пул йўқ, бўлмаса, бу кунларни кўрармидинг? — деди.

— Қўйсангиз-чи ота, — деб қўл силтади Кузьма. — Сизда пул нима қилсин — гапиришининг ҳам ҳожати йўқ!

— Ҳа, йўқ-да. Бўлганидами, бу ерда бош қотириб ўтирмасдик сен билан, ўзим бериб қўяқолардим, ҳа.

— Ўзим бир иложини топаман, — деди Кузьма чолнинг ёрдамига муҳтож эмаслигини билдириб қўйиш учун. — Бу ишга сизни аралаштириб нима қиламан?

Чол ранжидими, индамай қолди. Трубкасининг кулини тиззасига тушириб, пуфлаб ичини тозалади. Тамакини бош бармоғида ҳафсала билан эзғилаб, яна трубкасини тўлдира бошлади. Чол кетишни хаёлига ҳам келтирмасди. Тамакисини чекибоқ ҳафачиликни ҳам унутиб:

— Демак, Евгений Николаевичникига бордим, дегин? — дея яна гап бошлади.

— Ҳа бордим.

— Пули бўлатуриб, қизганибди-я сендан. Ёки ўзимга деб мен сўраб кўрсаммикан ундан?

— Керак эмас, ота. Айтдим-ку, ўзим топаман деб. Бу сизнинг эмас, менинг ташвишим. Яхшиси, уйингизга бориб дам олсангиз бўлармиди.

Бу гапдан чолнинг ростакамига жаҳли чиқиб кетди:

— Кузьма, сен худди ёш болага ўхшайсан. Нима, мен ўзим учун куйиб-пишяпманми? Мен бир умр пулсиз яшаганман — қолганиям ўтади шусиз. Менга пулнинг кераги йўқ. Тамаки ўзимда бор, бир кесим нон ҳам, трубкамини ёниб турган чўғ бўлса бас — ўт олдириб кетавераман. Мендек бир чолга пул борми, йўқми барибир. Шу пул деганини билсанг...

— Хўп, ота, хўп, — маъқуллаган бўлди Кузьма.

— Эгнимдаги мана бу эски-тускиларим умримнинг охиригача етади. Мабодо ичгим кеп қолса, шунақасини тайёрлайманки, э-ҳе, ўтдек куйдиради, спиртингдан асло қолишмайди. Умрим бино бўлиб неча марта қўлимда пул ушлаганман, биласанми? Бармоқ билан санаш мумкин. Болагимдан ҳамма ишни ўзим қилиб, меҳнат орқасида кун кўришга одагланганман. Керак бўлса стол ясайман, кигиз этик босаман. Очарчиликда — ўттиз учинчи йил шўр ерлардан ош тузи ҳам йиққанман. Ҳозир энди, ҳамма дўкон-дўкон дейдиган бўлиб қолди. Илгарилари йилда икки марта борса-борарди одамлар ўша дўконга, бўлмаса йўқ. Керакли нарсанинг ҳаммаси рўзгоридан чиқарди-да. Ушандаям кунимиз ўтган — ўлмаганмиз. Ҳозир-чи, пулинг бўлмаса бир қадам ҳам босолмайсан, йўлингдан адашиб қоласан. Одамлар қўл меҳнати нималигини унутиб қўйди — бўлмасам-чи, ҳамма нарса ҳозир у нозир, пул бўлса бас — дўкондан сотиб олиш мумкин, ахир. Янаям, худога шукурки, ҳеч бўлмаганда, қўли калта оилалар болалари меҳнат қилишга мажбур. Улар пулга эмас, ўз кучига ишонади. Нима деган гап ахир бу? Боқиманда бўлиб қолди ҳамма — каттаю кичик.

— Қизишиб кетдингиз-да, ота.

— Бор гапни айтяпман. Авваллари қишлоқда биров бировга пул эвазига ёрдамлашармиди ҳеч? Уй қурасанми, печками — бир хил аталарди бу — ҳашар. Уй эгасининг қўлбола арағи борми — кўярди, бўлмаса — йўқ, келаси сафар сен менга ёрдамга келасан — шу билан гап тамом. Энди-чи, ҳаммасига пул тўлашинг керак: томорқада ер ағдарса — ўн сўм, хашак олиб келиб берса — ўн сўм, сенга эмас, тескари қараб акса урсагина арзонроқ — бир сўм. Одамлар пул деб ишлайдиган, пул деб яшайдиган бўлиб қолди. Фақат фойдани кўзлайди ҳамма — уят эмасми бу, ахир?

— Бўлди, ота, бас қилақолинг энди, гапингизнинг охири кўринмайди ҳеч.

— Ҳа, мен ичимда борини тўкиб солдим. Нима, қари одам аҳмоқ деб ўйлайсанми? Ҳамма нарсага ақлим етади — сендан кўпроқ кўйлак йиртганман ҳар ҳолда, одамларнинг ҳам кўпини кўрганман.

Отанинг трубкаси аллақачон ўчиб қолган эди. Бирдан эсига тушиб, лабини чапиллатиб трубкасини чека бошлади, ҳузур қилгандек кўзларини юмиб олди. Кузьма ота энди кетар, деб ўйлади. Қош қорая бошлаган эди. Ҳовлидан сигирнинг кетма-кет зўр бериб “мў”лагани эшитилди. Соғиладиган вақти бўлган, аммо Мария тушдан кейин қаёққадир кетганича ҳали қайтмаган, сигир беҳуда “мў”лаб ётар эди.

— Хўш, қишлоқнинг юқори қисмидан бошласак, — Кўзларини очиб яна гапга тушди ота. — Кимдан пул сўрасанг бўлади, деб ҳалиям бош қотириб ётибман. У томонда кимда пул бор ўзи? Евгений Николаевичга бординг. Ў-ҳў, унга энди тега кўрма. Ўзи бир сассиқ

одам бўлса. Агар биров ёрдам сўрагудек бўлса борми — бир сўм бергунча нақд ўн думалайди, гўё пулга қўшиб жонини бераётгандек. Мана кўрасан, шу зикнализги охир-оқибат бошига етади унинг.

— Э, жин урсин уни, Евгений Николаевич деявериб тоза жонга тегдингиз-ку, — жаҳли чиқиб кетди Кузьманинг.

Гордей ота уни гўё эшитмагандек гапида давом этаверди:

— Петр Ларионов, э, унда пул қаёқдан келсин, ўзи содда, оми бир одам. Пули бўлганидами — ҳаммасини берарди у сенга, ҳа. Ҳаёт ўзи шунақа, Евгений Николаевич билан ёнма-ён Петька Ларионовдай одамлар ҳам яшайверади, ўртасидаги фарқ-чи — ер билан осмонча. Бир жойда туғилган, бир тилда гаплашади, аммо бундоғ ўйлаб қаралса, бир-бирига ғирт бегона. — Вазмин қиёфада бош чайқади ота. — Агрономга бор, десам, яқиндагина даволаниб қайтди ўзи, эҳтимол, анча-мунча чиқим қилгандир. Сўрасанг ҳам бўлар — оз-моз қолгандир балки. Яхшигина маош оларкан. Айтишларича, ойликни унга давлат тўларкан, колхоздан ҳам иш кунни ҳисобланаркан, шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Ундай бўлса боравер. Кўрасан, беради, қўли очиқ одам у. Бермаса, қўшниси Мишканикига кир. — Ота йўталгандек қисқа-қисқа “ў-ҳў”лаб қўйди. — У сенга бир дунё пул берса керак-да ўзиям! Уч йилга етадиган пулни олдиндан ичиб тугатган десам, ишонавер. Э-ҳе, бунақанги арақхўрни дунё кўрмаган! Яна кимдан пул сўраш мумкин? — дея гапни чўзгандан-чўзарди ота. — Билмадим Кузьма, кимни айтишга ҳам ҳайронман. Умунан олганда, одамлар ёмон яшамаётганга ўхшайди, аммо топган-тутгани еб-ичишга сарф бўлади-да. Орттириб бир-икки сўм йиғиб ҳам қўёлмайсан. Ҳаммада бола-чақа, ўзига яраша етишмовчилик бор. Ҳозир янаям ҳосил йиғиб-териб олинган, бошингга бу ташвиш айнан шундай вақтда тушганигаям шукур қил. Баҳор ойлари бўлганида нима қилардинг, уйма-уй юриб картошка йиғармидинг? Йиққан тақдирингда ҳам кимга сотардинг уни? Ана шунақа. Юз чақирим атрофни айланиб чиқ — ҳамманинг аҳволи шу эканига амин бўласан.

Чол Кузьманинг ўзи ҳам ваҳима билан ўйлаганлари ҳақида гапирар эди: қишлоқда камдан-кам одамда пул бор, ортиқчаси ҳеч кимда йўқ. Меҳнат кунларига ун берилади. Унни кимга ҳам сотиш мумкин? Бунинг устига арзимаган пул бўлади. Аммо Кузьма отанинг гапига қўшилиб, ҳа, иш чатоқ деёлмайди, бундай деб ўйлашга ҳатто ҳаққи ҳам йўқ унинг.

— Топамиз, ота, топамиз, — деди ниҳоят Кузьма.

— Топамиз, — истехзо билан унинг гапини такрорлади ота. — Биянинг думи тагида бор пул — ўша ердан изла.

— Одамларда пул бор.

— Қаёқдан ҳам бўлсин?

— Ҳар йили гоҳ сигир, гоҳ буқа боқиб колхозга топширадиган Степанидада пул йўқ дерсиз балки? Ҳеч бўлмаганда, минг сўмлар яширган пули бордир унинг.

— Степанидада, ҳар ҳолда, ростдан ҳам бордир.

— Борлиги аниқ. Механизаторларда ҳам бўлиши керак — йиғим-терим чоғи улар анча-мунча ишлаб олган, бунинг устига мукофот пуллари берилган.

— Қачон эди бу, ахир.

— Одамларда пул йўқ эмас, ота. Наҳотки, бутун қишлоқдан сўраб тополмасам? Наҳотки, одамлар менга ёрдам қилмаса? Бекор гап, ота, албатта ёрдам қилади.

— Мен сенга одамлар ёрдам қилмайди, демаяпман.

— Хўп, майли, — деди Кузьма ўз гапидан ўзи енгил тортиб. — Хуллас, ота, бир иложини қиламиз. Энди сиз қоровуллингизга борақолинг, мен ҳам бир айланиб келай. Қопчиқ олволаман-да, ўшанга солавераман топганимни. Нима қипти? Биридан оламану иккинчисининг уйига кириб боравераман. Кейин сизни қоровул қилиб қўяман — пулимни қўриқлайсиз.

— Э, сафсатабозсан-ей, сен, Кузьма, — деди кулгидан кўзлари қисилиб ота.

Ниҳоят чол кетиш тараддудига тушди: аввал, тиззалаб, кейин қўли билан ерни ушлаб ўрнидан туриб олди.

Эгилиб ўтирган ёнбошини уқаларкан Кузьмага:

— Хабар олгани келиб тураман, — деди.

— Бемалол келаверинг, ота. Темирни қўриқлагандан кўра пуларимни назорат қиласиз. Чекиш учун бировга трубкангизниям бериб турмайсиз-ку, ахир. Худди сиздек одам керак-да менга, — деди Кузьма.

— Ў-хў-хў-хў, — чолнинг кулгиси йўталга уланиб кетди.

Ёши элликларга етган одамнинг дўсти борми-йўқми, бир нарса дейиш қийин. Йиллар мобайнида неча бир тоифа одам дўст бўлмади дейсиз Кузьмага. Шу боисми яхши-ёмонни кўравериб ҳаётда хўб тобланди, яқин одамларига нисбатан ҳам вазмин, хотиржам бир муносабат пайдо бўлди унда. Улар бошқалардан кўра кўпроқ учрашишмас, ҳатто ўзаро сирлари ҳам йўқ эди. Аммо бирор муаммо чиқиб қолгудек бўлса, ҳар бири гўё ўзига ҳам ишонмагандек эҳтиёткорлик билан, керак вақтда ўзини тушунадиган ва ёрдам қиладиган яқин одами борлигини эслар эди.

Кечқурун Кузьма Василийнинг уйига борди. Урушдан сўнг улар полуторка юк машинасида бирга ишлаган эди. Бутун колхозда биттагина шу машина бўлиб, улар ҳам юк ортар, ҳам ҳайдовчилик қилар эди. Кузьма кейинроқ американча “студебеккер”га ўтган ва бу машина Василийнинг ўзига қолган эди. Буни қарангки, Василий машинани кўп йиллар давомида — бутунлай яроқсиз бўлиб қолгунича колхознинг югур-югур ишларига ҳайдаб юрди. Айни шу вақтда колхоз иккита янги ЗИС-150 машинасини олди ва уларни Кузьма билан Василийга берди. Василий бу машинани кўп ҳайдолмади ҳам. Негаки, ўшанда унинг кўзи оғриб юрган эди ва бахтга қарши текширув ҳам келиб қолди. Тиббий кўрикдан ўтказилгач, Василийга машина ҳайдашга рухсат берилмади. Шундай қилиб, у сўнгги тўрт йилдан буён сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилмоқда эди.

Қишлоқдаги ҳамма одамлар қатори улар ҳам деярли ҳар куни кўришишар эди. Бироқ йиллар ўтиши билан секин-аста бир-биридан узоқлаша борди. Учрашиб қолганд салом-алик қилишар, кейин у ёқ-бу ёқдан гаплашишар ва хайрлашишар эди. Аммо Кузьма Василий ўзимники-ку, деб ўйлар ва ҳеч нима билан алишиб бўлмайдиган бу ҳисни қалбининг тубида асрар эди. Василийни ўйлаганида хотиржам тортар ва ич-ичидан у ҳам мен ҳақимда шундай фикрдадир, дея умид қилар эди. Кузьма дўст сифатида ишонадиган яна бир одам колхоз раиси эди. Кузьма бошлиқ билан яқин ошна бўлиб олишга интилаётгандек туюлмай, дея ундан ўзини узоқроқ тортиб юрарди.

Кузьма келганида Василийнинг на хурсанд бўлгани ва на ҳайрон қолгани сезилмади. Индамай қўл чўзди, одатдагидек туриш-турмушидан ҳол сўради. Афтидан, камомад ҳақида эшитгану энди

ўзини қандай тутишини билолмай қийналяпти, оҳ-воҳ қилиб текин маслаҳат беришга ҳам у уста эмас. Жим ўтириб чекишди. Уларнинг олдига ошхонадан дам-бадам Василийнинг хотини чиқар, Кузьмага кўркув ва ачиниш билан қарар, аммо бирор гап эшитолмай қайтиб кириб кетар эди. Эр-хотин Кузьмадан гап сўрашга ботинмас, унинг ўзиям чурқ этмай ўтирар эди. Кузьма ўзини худди бегона бир қишлоқда кечаси адашган ва бу уйдан тунаб қолишга ижозат сўраган одамдек ҳис этар эди: ухлашга ҳали вақт эрта, бунинг устига, уй эгалари билан яхшироқ танишиб ҳам улгурмаган, шунинг учун гаплари қовушмай вақтни аранг ўтказётганга ўхшарди улар.

Кузьма улар билан хайрлашиб, эшик томон юрди. Василий кузатиб чиқди. Икки дўст дарвоза олдида туриб қолди. Бу учрашув қандайдир бемаврид бўлгани, энди уни тузатишнинг иложи йўқ эканини ҳар иккаласи ҳам ҳис этар ва бундан хижолат тортар эди.

— Вақтинг бўлганида келиб тур, Кузьма, — деди Василий.

— Келарман, — сўз берган бўлди Кузьма ҳам.

Ўшанда биринчи марта Кузьманинг хаёлига акаси келди. Қишлоқдан пул тополмаса, ҳеч қандай чораси қолмасагина иложсизликдан шаҳарга — Алексейнинг олдига бориши мумкин. Эшитишча, у ўзига тўқ яшармиш.

Кузьма акасининг уйига ҳеч қачон бормаган. Улар охирги марта етти йил аввал, отаси ўлганда кўришишган эди.

Куз — айни йиғим-терим авжига чиққан палла эди ўшанда. Телеграмма юбориб Алексейни чақирди. Қишлоқда у икки кунгина қолди, дафн маросими ўтгач, дарҳол жўнаб кетди. Алексей отасининг қирқ кунлигига келаман деган, ўшанда унга атаб барча қариндош-уруғларни чақириб шошилмай, маромида бир маросим ўтказамиз деб, Кузьма иккиси келишиб олган эди. Аммо негадир у маросимга келмаган ва икки ойлар ўтгач, хизмат сафарига бўлганим учун боролмадим, деб ёзиб юборган эди.

Аслида, Кузьма Алексейни кўп ҳам эслайвермасди. Отаси ёки онасини ўйлаганидагина бу дунёда ёлғиз эмаслиги, туғишган акаси ҳам борлиги ўз-ўзидан ёдига тушарди. Улар бир-биридан шу қадар узоқлашиб, бегоналашиб кетган эдики, ҳатто баъзан Кузьма Алексей ростдан ҳам борми ўзи, деб ўйлаб қолар, негадир, у ҳақда ўзига кимдир гапириб бергандек туюлар эди. Кейин яна анча вақтгача Алексей умуман хаёлига ҳам келмасди. Улар гўё бир қориндан талашиб тушган ака-ука эмас, фақат кўришиб қолганда ёки олис болаликда — бирга ўсган чоғларидагина ака-ука бўлгандек эди.

Уч йиллар илгари Мария шаҳар шифохонасига кўриниши керак бўлиб қолди. Шунда у икки кун Алексейникида тунаб қолган, уйга қайтганида эса яхшиси бегона бир жойда турсам бўларкан, деган эди. Алексей билан хотинининг бой-бадавлат турмуши тўғрисида Мария ҳеч бир ҳасадсиз, ҳайратсиз гапириб берган эди: “Телевизори ҳам, кир ювиш машинаси ҳам бор. Бироқ қаерга қарама, орқангдан кузатиб турган бўлишади. Бирор ножўя ҳаракат қилиб қўймасмикан, дегандек қадам боссанг, орқангдан юриб изингни артишади. Гап-сўзимиз ҳам унча қовушавермади, уларга биз бормизми, йўқмизми, барибир. Қайтиб мени акангникига олиб бораман, деб ўйлаб ҳам ўтирма”.

Ўтган йили Алексейнинг тенгдоши Михаил Медведов ҳам Кузьмадан унинг уй манзилини сўраб олган эди. Урушдан кейинги йиллар улар ФЗУда бирга ўқиган. Қишки мавсумда колхоздан Михаил бригадирлар курсига ўқишга юбориладиган бўлади. У шу баҳона



Алексейни ҳам кўриб келаман, деб ўйлайди. Михаил қайтганидан сўнг кўришиб қолганида Кузьма қизиқиб:

— Хўш, акамни кига бордингми? — деб сўради.

— Ҳа, бордим.

— Яхши юрган эканми?

— Юрибди, соғ-омон, фабрикада мастер бўлиб ишларкан, — дея мужмалгина жавоб қайтарди Михаил.

Орадан анча вақт ўтиб эса мастлигида арз қилиб қолди:

— Танишга-ку, таниди мени, аммо дўст дейишга ор қилди. Бир шиша ҳам қўймади ҳатто.

Хаёлидан шулар кечаркан, акам қишлоқдан бутунлай бегоналашиб кетган, шунинг учун уни бу ерга чақиришдан фойда йўқ, деган хулосага келди Кузьма. Яқинлари, танишлари қандай яшаяпти, уларни кўргиси келмаса, болалиги ўтган жойларни айланишни, кўнглида эски хотиралар жонланишини ўзи истамаса, нима ҳам дейсан? Шу сабабдан ҳамқишлоқлари билан гаплашиб, ҳеч бўлмаганда, бир вақтлар уни қичитқи ўт билан хўб савалаган Фёдор ота ёки ўзи ўтлоқдан кузатиб келадиган қизларнинг тақдири нима бўлганини билишнинг унга умуман қизиғи ҳам йўқ. Ич-ичидан Кузьма Алексейнинг бефарқлигидан хафа бўларди. Аммо бу ҳақда тезда унутиб ҳам юборарди.

Энди акасининг ўзи ҳамма нарсани англайдиган, фарқлайдиган ёшда, ахир. У аста-секин қишлоғини, демакки, болалигини ҳам унутган. Шу каби қишлоқ аҳли ҳам секин-аста қачонлардир бу ерда Алексей деган бола яшаганини унутиб юборган.

Тўғри, агар Кузьма ёрдам сўраб борса — акаси йўқ демайди, албатта. Нима қилганда ҳам туғишган жигари — қони бир. Алексейнинг пули борлиги аниқ. Кузьма уни тезда қайтаришини, узоғи билан икки ойларда, яъни колхоз унга қарз бериши билан пулни дарҳол жўнатиб юборишини тушунтиради. Нега шу олдинроқ хаёлига келмаган экан-а?

Кузьма уйдалигида Марияга таскин бериш мақсадида:

— Агар қишлоқдан етарли пулни йиғолмасам, Алексейга бораман, — деган эди.

— Бермайди у, — дея жавоб берганди Мария ҳам бир оздан сўнг.

Шунда Кузьманинг акасига бўлган умиди ҳам бир зумда пучга чиққан эди.

Кузьма ҳеч қачон пулга қизиқмаган, борми — яхши, йўқ бўлса ҳам на илож дер эди. Бундай муносабат, аввало, пулга доим эҳтиёж бўлганидан келиб чиққан. Тўғри, улар ҳеч вақт оч қолиб кетмаган, тўйиб еб-ичган: ҳатто ғалла ҳосили яхши бўлмаган йиллари ҳам Кузьма етарлича пул топар эди. Гўшт ва сут эса, табиийки, ўз рўзгоридан чиқарди. Пул эса... У меҳнат кунига бир ярим, икки сўмдан тўлайдиган колхозлар ҳам борлиги ҳақида эшитган ва бу рост эканига ишонар эди. Аммо улар яшайдиган тайгада дала ерлари ҳам худди кийимга солинган ямоқдек ҳар ер-ҳар ерда бўлиб, колхоздан ҳали ҳеч ким меҳнат кунига эллик тийиндан ортиқ олмаган эди. Сўнгги уч йил — уй қуриш учун қарз олганидан буён эса қишки йиллик ҳисоботда Кузьманинг қўлига арзимаган чойчақа тегарди, холос. Мариянинг дўконда ишлаб топгани асосан болаларга сарфланарди. Айниқса, оилада тўрт ўғил бўлса борми, уларга уст-бош етказиб беришнинг ўзи қийин. Янаям Мария учма-уч етказиб бўлса-да, болаларни бировдан кам қилмай тоза-озода кийинтирар эди. Катталарининг эғни-боши янги — уялмай, бемалол мактабга юбориш

мумкин, кичикиналари эса эскидан қолган одатга кўра акаларидан қолган кийимни кияверар эди.

Кузьма турмушидан нолимасди, уйида энг керакли бўлган нарсалар бор. Ҳеч ким яланғоч ёки ялангоёқ қолаётгани йўқ. Кузьма бировга ҳасад ҳам қилмасди. Ўзидан яхшироқ яшайдиганларга у ўзидан бўйи баланд одамга қандай қараса, худди шундай муносабатда бўлар эди. Улардек бўйчан эмас экан, бу оёқ учида юриш керак, дегани эмас-ку. Ахир ҳар кимнинг ўз йўли бор.

Кузьма одамлар қандай қилиб харажатлардан орттириб пул ҳам йиғишини тушунмас ва бу ҳақда бош ҳам қотирмаган эди. Пул у учун йиртиқ жойларни бутлашга керак бўладиган ямоқдек бир гап ёки эҳтиёж пайдо бўлганида — зарурият эди, холос. Тўғри, у ёғ ёки гўштни гамлаб қўйиш ҳақида ўйларди, бусиз иложи йўқ. Аммо пул жамғариш фикри унга галати, ҳазилдек туюлар, бунга у доим эътиборсизлик билан қарар эди. Кузьма бориға қаноат қилиб ўрганган эди.

Уларнинг қишлоқ почтасида омонат кассаси ҳам жойлашган эди. У ерда кўп йиллардан бери бир расм осиглиқ турарди: унда қишлоқликларга асло ўхшамайдиган, юзлари қизил бир эркак одамларга қараб ҳеч чарчамасдан: “Ақчадонни қўй, энди яхшиси, омонат дафтарчаси очтир”, дер эди. Кузьма ҳар гал почтага борганида бу расмга атай тикилиб қарарди. Расмдаги эркак эса унга эмас, бошқа ёққа боқиб тургандек туюлар эди. Кузьма майнавозчилик қилиб у тикилаётган тарафга ўтиб, унинг кўзига тик боқмоқчи бўлар, эркак эса ҳар сафар нигоҳини олиб қочар, қаергадир, бошқа ёқларга қарар эди. Бундан мамнун бўлган Кузьма яна йўлида хотиржам кетаверарди.

Мана, энди эса кутилмаганда шунча пулга эҳтиёжманд бўлиб ўтирибди. Кузьмани ваҳима босарди: нима сабабдан пул айнан уни танлади экан? Ахир шу вақтгача пул билан боғлиқ бирор муаммоси бўлмаган-ку. Балки айнан шу сабабдан бу кўргиликлар бошига тушгандир. Хоҳлайдими-йўқми, энди пул топиш ҳақида шунчаки хаёл суриб қўя қолмай, балки ҳамма вақт бош қотиришга мажбур. Биринчи бўлиб Евгений Николаевичникига борганининг сабаби ҳам унда доим пул бўлади, деб эшитар эди. Энди яна кимдан сўраши мумкин? Гордей ота айтмасдан турибоқ хаёлан бутун қишлоқни у бошидан бу бошигача айланиб чиқиб, уйига ҳеч вақосиз қайтган эди, ахир. Қишлоқда кимдир яхши яшаса, бошқа биров аранг кун кўрар, хуллас, ҳар ким ўз уйида ўз ташвиши билан овора, ҳар кимнинг ўзига яраша эҳтиёжи ва уни қоплашни кўзлаган мўлжали борлиги тайин эди.

Кузьма ҳатто хаёлан ҳам улардан пул сўрай олмас эди. У кимнингдир уйига кирган тақдирида ҳам қарз сўрамоқ тугул, гапира олмаслигини-да тасаввур этиб турарди. Уни кўриши биланоқ нима дардда юргани одамларга маълум бўларди. Улар ҳам индамас ва бу сукунат ҳар қандай гапдан кўра аниқроқ жавоб бўлар эди. Шундай экан, у хайрлашади ва секингина чиқиб кетади. Ҳар бир уйнинг эшигини тақиллатишдан ҳеч бир маъни йўқ, демак, пули бор деб ўйлаганлариникигагина киради. Аммо ҳеч ким пулини очик, кўзга кўриниб турадаган жойга қўйиб қўймайди. Негадир у доим яширилади: суваракларга емиш қилиб қандайдир тешикларга, эски нимчалар чўнтагига, жомадон тағларига-ей тиқиб қўйилади. Пул ёруғликни ёқтирмайди дейишади. Агар уй эгаларининг суратлари каби пул ҳам кўринадиган жойда очик-ойдин турса эди, Кузьма бу уйга кириш керакми-йўқми ўзи билар, қолаверса, ҳеч кимдан кўп ҳам сўрамас эди. Лекин пулини яшириб қўйган ҳам ёки умуман пули йўқ одамлар ҳам уни бир хил — фақат сукут билан қарши оларди. Сукутнинг

маъноси нима? Йўқчиликми ёки зиқналикми ёхуд унинг гамини тушунишни истамасликми — буниси Кузьмага қоронғу эди.

Шунга қарамай Кузьма, аслида, ҳаммаси бошқача бўлишига умид қиларди. Кимдир индамас, яна бошқаси эса унинг аҳволини тушунар ва: “Эллик сўмча бор шекилли, ёзда мотор оламиз, деб йиққан эдик. Майли олавер, ҳозир сен пулга кўпроқ эҳтиёжмансан” деб қолар. Дарвоқе, шундан кейин уй эгаси унга пул узатади ва у ҳам юпқагина, аммо тафтли пул дастасини қўлига олиб эътиборсиз бир тарзда чўнтагига солади. Шу билан иш тамом. Яна у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтираверишади, бироқ ҳеч қайсиси қайтиб пулдан оғиз очмайди.

Василийнинг олдида борганининг сабаби — нимагадир умид қилса бўладими-йўқми, шунга ишонч ҳосил қилмоқчи эди. Биринчи қадамданок ишим ўнгидан келсин, бошқалардан сўраганда ҳафсалам пир бўлмасин, деб ният қилган эди. Афсуски, бир иш чиқмади. Кузьма уйга қайтгач, қаерга бориш, кимдан пул сўрашга ҳайрону лол бўлиб дераза ёнидаги курсига ўтириб қолди. Шунда тасодифан акаси эсига тушди ва гўё нажот топилигандек енгил тортди.

Ҳамқишлоқларида оз-моз бўлса-да, пул борлигини Кузьма биларди. Яхши яшашни ким ҳам хоҳламайди дейсиз? Мотоцикл сотиб олишни орзу қилган одам эски-туски кийимда юрса-да, бир сўмни орттириб пул жамғаради. Шимининг ямоғи билан иши йўқ, тушида ҳам, ўнгидан ҳам мотоцикл ҳайдашни ўйлайди.

Кузьма ана шундай йиғилган пулга умид қилган эди. Мотоцикл ёки мотор олишга ҳали етмайди, шундай экан, ҳозирча бу пул ҳеч кимга фойдаси тегмай, ишлатилмай, шунчаки ётибди. Наҳотки одамлар уни Мариядан аяса? Қарзга бериб турмаса? Бундай бўлиши мумкин эмас, деб ўйларди Кузьма.

Шу пайт кимдир деразани тақиллатди.

— Ким? — дея ўрнидан турди Кузьма.

— Кузьма, бу ёққа қараб юбор, — деди ташқаридаги одам.

Мария ётоғидан югуриб чиқди, қўллари кўксига, қўрқувдан кўзларини катта-катта очиб:

— Ким экан? — деди.

— Овозидан Василийга ўхшайди. Нега бунча қўрқиб кетдинг?

— Билмасам.

Василий дарвоза олдида турарди. Қоронғи бўлса-да баланд бўйи, йирик гавдасидан уни қийналмай таниш мумкин эди.

— Нега уйга киравермадинг? — деб сўради Кузьма.

— Яхши бўлмади-да, — дея гап бошлади гўё уни эшитмагандек Василий. — Уйимга бордингу тузукроқ гаплашмадик ҳам. Ўзи нима иш билан борган эдинг?

— Ўзинг биларсан.

— Фаҳмлаётгандекман.

— Хуллас, шу гап. Яна нима ҳам дей? Сенда пул йўқлигиниям биламан, — деди Кузьма барибир ҳам нимагадир умид қилгандек.

— Тўғри, пулим йўқ. Хотинда йигирма сўмча бор эди, чоғи.

— Уйга кирмайсанми?

— Йўқ, уйда гаплашолмаймиз. Кел, шу ерда бир оз ўтирайлик.

Улар эшик олдидаги харракда ўтириб чекишди, зулматга тикилганча анча вақт сукут сақлашди. Бу — қўнгилни хира этувчи эмас, аксинча, ўринли бир сукунат эди. Кузьманинг уйдан кетаверишда — ўнг томонда гулхан ёқилган, ўша ёқдан бақир-чақир овозлар келар, клуб томондан ҳам бир-бир қаттиқ кулги эшитилар ва яна ҳаммаёқ сув куйгандек жимжит бўлиб қолар эди. Ҳали эрта бўлишига қарамай,

кун қисқаргани учун эрта қош қорая бошлаган, одамлар ҳали бунга кўникмаган бўлса-да, ҳамма уй-уйига кириб кетган, бора-бора шовқин-сурон, овозлар ҳам камаяр ва гоҳ-гоҳ эшитилиб қолар эди.

Тамаки чекиб бўлинди, деярли бир вақтда унинг қолдиғи оёқ остига ташланди. Ниҳоят, Кузьма бир кўзғалиб гап бошлади:

— Одам фалокат қайси томонидан келишини билмай яшайвераркан-да.

— Тўғри айтасан, — деди Василий.

— Кечагина бу ташвишлар йўқ эди.

— Эртага яна кимнингдир бошига тушади бу ташвиш. Балки бошқа бир қишлоқда бўлар. Бир қарасанг, яна айланиб биз томонларга келади — менгами, яна бошқа биронтасигами. Шундай вақтда бир-биримизга суянишимиз керак-да.

— Тўғри.

— Евгений Николаевич беради, биламан, яна ким бор-а, пул сўраса бўладиган?

— Ҳозирча хаёлимга ҳеч ким келмаяпти. Эртага Степанидага бориб кўрмоқчиман, эҳтимол, нафи тегиб қолар.

— Степанидагами? — Василий ишонқирамагандек бошини чайқаб қўйди, кейин: — Юр, ҳозирнинг ўзида борамиз, чўзиб ўтирмай. Икковлашиб босим ўтказамиз унга. Бригадамда ишлайди-ку, менинг олдимда йўқ дейишга уялар балки.

— Кетдик. Вақтни ўтказмайлик.

— Евгений Николаевич ҳақида кимдан эшитдинг? — деб сўради йўлда кетаётганларида Кузьма.

— Хотиним айтди. Евгений Николаевичнинг ўзи ким кўринганга гапириб юргандир, ҳойнаҳой. Мақтанмай бўладими — ахир, савоб иш қилмоқчи-ку!

— Мен энди худди космонавтдек машҳурман, — Кузьманинг ҳазили қандайдир маҳзун чиқди. — Қаерга бормай — танимаган одамнинг ўзи йўқ қишлоқда.

— Сен нима деб ўйловдинг? Ҳовлига чиқсанг ҳам энди у ёқ-бу ёғинга қара, эҳтиёт бўл — расмга тушириб юришмасин яна. Ҳазил ўз йўлига-ку, бутун қишлоқ энди пулингни санайди — мана кўрасан.

— Ҳозир Степанидага нима учун келганимизни айтишга ҳам ҳожат қолмайди. Эрталабдан бизни кутаётгандир ўзиям.

— Беркиниб ҳам улгургандир.

Улар йўлма-йўл қулиб кетишди. Василийнинг ёнида Кузьма анча енгил тортди, энди ғам-ташвиш ҳам оғир тошдек юрагини босиб турмай, бутун танаси бўйлаб ёйилиб кетгандек туюлар эди. Ҳарҳолда бунга чидаса бўларди. Бирор иш чиқишига умид кам бўлса-да, Кузьма Степаниданикидан Василий билан бирга чиқади, гаплашади, эртага нималар қилишни ҳам ўзаро маслаҳатлашиб олади. Шу хаёллар уни овулар, мудом миясида айланаётган ўйдан сал бўлса-да, чалгитар эди.

Степанида иккита оила бемалол яшаса бўладиган катта ҳовлида марҳум опасидан қолган ёдгор — жияни Галька билан турарди.

Галька ҳали ўн еттига тўлмаган бўлса-да, дуркун, Степанидадан бўйчан, гавдаси йирик қиз эди. Ўртасида ҳеч тотувлик йўқ, иккиси доим ит-мушук бўлиб юрарди. Уй торлик қилиб қолса, улар ҳовлига чиқиб шундай жанжал кўтарардики, бу бутун қишлоққа эшитилар, ҳатто қўшниларининг кучуклари думларини қисганича, у ёқ-бу ёққа аланглаб йўлнинг нариги бетига ўтиб кетар эди.

Кузьма билан Василий кириб келганида Степанида хурсанд бўлгандек тарадудланиб қолди. Аммо юзида булар нимага келган

экан, деган хавотирли ифода ҳам йўқ эмас эди. Бирдан табассуми ўз-ўзидан ғойиб бўлиб, юзини буткул саросима эгаллади. Степанида юзига ёлфондакам кулги югуртирди-ю, ҳадик билан уларнинг бир нима дейишини кута бошлади. Эркаклар уст кийимларини ечиб, келиб ёнма-ён ўтирди. Уларнинг овозини эшитган Галька ҳам хонасидан чиқди. Унинг жуда тор, калта кўйлагидан яланғоч, бақувват тиззалари кўриниб турарди.

— Бир нимадан қуруқ қолгандек югуриб чиқдингми! — дея Галькага дағдаға қила кетди Степанида. — Бир қаранглар-а, бу тенги йўқ соҳибжамолга. Узунроқ кўйлак кийса бўлармиди, эркакларга беҳаёлигини намоёйиш этмай.

— Гўёки улар ҳеч кўрмаган-да! — эринчоқлик билан тўнғиллади Галька.

— Ҳе, беҳаё кўзларинг қурсин сени!

— Ўзингни ҳаёли экан-да?

— Йўқол бу ердан.

Галька уларга кўз қисиб ичкарига кириб кетди.

— Адойи тамом қилди бу мени, — шикоятини бошлади Степанида. — Худойим ҳеч кимга кўрсатмасин бундай қизни. Худди қонимни ичади-я!

— Қонинг бормиди ўзи сени? — ичкаридан жавоб қайтарди Галька. — Томирингдаги қон эмас, ким билсин нима бало экан.

— Ана, эшитдингизми? Бунга гап гапириб барака топмайсан — ўнта жавоби тайёр туради. Ўнта гапингга мингта жавоби бор, ҳа. Сабрим яна қанчага етади, билмайман. Қариган чоғимда шу кўргилик ҳам бормиди менга.

— Қиладиган ишингиз бўлмагач — жанжаллашасизлар-да, — деди Василий. — Степанида бизга қуядиган ҳеч нарсанг йўқми, яхшиси, шундан гапирсанг-чи.

Степанида саросимадан кўзлари қисилиб:

— Жуда муғомбирсан-да, Василий! — деди.

— Бунинг нимаси муғомбирлик экан? Тўғриси айтдим-қўйдим. Кузьма билан йўлда келаётиб ўзимизча, бор умидимиз Степанидадан — бўлса, у охиргисиниям қуяди деган эдик.

— Эҳ, Василий яхши одамларга жонимни беришга ҳам тайёрман. Бор бўлса аяйманми? Шунинг учун ҳам олиб қўяман-да ўзи. Яхши одамлар келиб қолса-ю, қўйишга менда ҳеч вақо бўлмаса, уят-ку, ахир.

— Бу гапинг маъқул.

Степанида этагини кўтариб ертўлага тушиб кетди ва у ердан сурғучланган яшил шишани ертўлага яқинроқ жойда ўтирган Кузьмага узатди. У кўзини қисиб шишани ёруғликка тутиб кўрди.

— Шу-шу, — деди Степанида.

— Мана шундан бошлаш керак эди-да, — деди хурсанд бўлиб Василий, — сен бўлсанг Галька билан ади-бади айтишиб ўтирибсан.

— Э-э, гапирма уни менга.

Степанида шишани этаги билан артиб бўм-бўш стол устига қўйди ва газакка бирон нима топиб келиш учун омборга қараб кетди.

— Дарров пулдан гап очма, — дея огоҳлантирди Василий. — Кайфи ошишини кутамиз.

— Ўзинг айтасан-да энди.

Ичкаридан чиққан Галька, столдаги шишани кўриб:

— Ў-хў, холамни эритибсизлар-да! Ёмонсизлар! — деди.

— Илонсан сен, Галька! — деди жаҳл билан Василий. — Сенга

бирова гапирдими ўзи? Мен билан бу оҳангда гаплашишга ҳали ёшлик қиласан, билдингми?

— Буни қара-я! Бўлмаса, қандай оҳангда гаплашишни буюрадилар? Отам ёки онам билан гаплашгандекми?

— Сен билан гаплашишдан маъни борми ўзи! Бирон нимани тушунардингми?

— Ундай бўлса, гаплашма. Сенга кўзим учиб тургани ҳам йўқ. Мени хафа қилдинг! Нима мақсадда келганингизни билмайди деб ўйлайсанми?

— Секинроқ-э! — шивирлади Василий.

— Ҳа, кўрқиб кетдингми! Хавотир олма, айтмайман. Фақат ҳадеб жонимга тегаверма, тушундингми? Яхши муомала қилсангиз, сизларга ёрдамни тегиши мумкин. — Кузьмага қараб: — Мария холага ачинаман-да. — деди. Кейин Василийга ўгирилиб: — Ёшинг катта бўлгани учун менга танбеҳ беришим мумкин, деб ўйлайсанми? Ўз хотинингга бақир, менга бақирингга ҳаққинг йўқ, — деди шанғиллаб.

— Томоқ йиртишга жа уста экансан-ку, — деди ўзини босиб Василий.

— Ҳа, индамай эшитиб турадиганлардан эмасман мен.

— Бўлди қилинглари энди, — дея уларни тинчлантиришга уринди Кузьма.

Степанида келиб стол атрофида куймана бошлади. Эркакларни дастурхонга таклиф қилиб, меҳмон келганда айтиладиган гапларларни айта кетди:

— Ҳеч нарсаям йўқ эди — жуда уят бўлди-да! Келишингизни билганимда эди, тайёргарлигимни кўриб қўярдим, шошиб қолдим. Уят-э, уят...

— Сен Степанида, ҳеч хижолат бўлма. Бу газак бир ҳафталик маишатга ҳам етиб-ортади ахир, — деб кўйди Василий уни юпатиш учун.

— Кўнглим учун айтяпсан-да, Василий.

Учта қадаҳни тўлдириб, уриштириб, энди ичамиз деб туришганда, айни вақтини топгандек Гальяка ўртага суқилди:

— Менга қани?

Степанида жаҳдан титраб кетди, олдинга интилиб:

— Ҳалиям бўлса уни кушанда эмас, деб айтинг-чи менга! Ҳамминг ҳам қўлидан келавермайди бу! Олдин эмас, кейин эмас айни вақтида иштаҳа бўғишни билади. Вой-дод-ей бунинг дастидан. Қайси гуноҳим учун худойим менга бундай касофатни раво кўрди экан-а?

Гальяка ишшайганча яна бир қадаҳ олиб келиб Степаниданинг олдига кўйди. Ўзи униқини кўлига олди.

— Кўлингизни торт, ҳой лаънати шайтон. Кимга айтяпман, кўй жойига!

— Бунисига куйсанг — кўяман.

— Меҳмонлар олдида сен билан пачакилашиб ўтирмай, дейман-да, бўлмасами — туққан холангга қандай муомала қилишни ўргатиб қўярдим сенга.

— Ҳа, яна нима дейсан!

— Вой лаънати шайтон-ей! Вой лаънати! — Степанида қарғана-қарғана қадаҳни тўлдирди. Гальяка уни кўлига олиб Степаниданинг қадаҳидан яна озроқ куйиб, кейин уриштиргани узатди.

— Сенга эркаклар билан ичишга ҳали эрта эмасми? — деди чидаб турулмай Василий.

Галька кўзларини қисиб, Василийга маънодор қараб қўйди. Василий гапида давом этди:

— Ҳали она сути оғзингдан кетмай туриб ичаман дейсан. Эрта кун сендан нима кутиш мумкин ўзи?

— Шуни айт, — маъқуллай кетди Степанида. — Тукқан холангни бир тийинга олмас экансан, ҳеч бўлмаса, ақлли одамларнинг гапига кулоқ сол.

Галька Василийга қараб туриб:

— Маърузангни бас қилиб бу ердан даф бўл, — деди хотиржамгина. — Шундоғам ақлим жойида, тушундингми?

— Бу қандай муомала бўлди яна? — жаҳлдан қалтираб кетди Степанида. — У киминг бўлади — туғишган амакингмидики, бундай оҳангда гаплашасан! Нима бало, ақлдан озганмисан буткул?

— Жим бўлсин ўзи, йўқса, бир зумда фош қиламан уни.

Кузьма Галькани тинч қўй дегандек, стол тагидан тиззаси билан Василийни бир туртди.

— Қаердадир бир яхши йигит ўзига сиртмоқ тайёр турганидан беҳабар юрибди-да, — деди Василий ўзини тийиб туролмай. — Кимнингдир чекига тушади бу “бебаҳо бойлик” бир кун.

— Ҳар ҳолда сенинг эмас.

— Худо асрасин.

— Бояги қўйлагимда кўриб оғзингнинг суви келиб кетди-ю.

Кузьма гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб:

— Арақни шишага қайтариб қуйиб, сизларни эшитиб ўтира қолайлик энди, — деди.

Қадаҳлар бўшатилиди. Галька Кузьмага кўз қисиб Степанидага имо қилди. Кузьма секингина бош чайқаб қўйди. Галька қандай қилиб холасидан пул ундиришларини кўришга шошиларди. Вой заҳарли илон-ей! Ёрдам қиламан дейди-ю, заррачаям ақли йўқ, бола-да, бу калондимоғлиги билан ишни расво қилмасайди ҳали.

— Нега бугун клубга бормадинг, Галька? — дея дабдурустдан сўради Кузьма.

Галька чимирилиб:

— Нима, халақит беряпманми? Айтдим-ку, мен сиз томондаман, анави ҳадеб жонга тегавермаса бўлди, — деди Василийни кўрсатиб.

— Нима деяпти у? — бирдан хушёр тортди Степанида.

— Ҳа, бир гапирдим-да, — деди чўрт кесиб Галька.

Кузьма қотиб қолди. Галька билан гаплашишнинг ўзи хавfli эди. У вазият тақозосига кўра тадбир билан муомала қилиш лозимлигидан мутлақо беҳабар ёки холасига ортиқча мулозамат кўрсатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, уни худди товукдек ўтирган жойида таппа ушлаб патини юлиш керак, деб ҳисоблар эди. Кузьма қовоғини уйиб унга жим бўл дегандек ишора қилди. Галька унга тескари ўтирилиб олди.

— Хола, нега охиригача ичмаяпсан? — деди разм солиб қараркан унинг қадаҳига Галька. — Нима, бизни аҳмоқ қилмоқчимисан?

— Э йўқ, бунақаси кетмайди, — ўрнидан турди Василий. — Мезбон, бу нимаси? Қани ол-чи. Бундай қилиш ярамайди, ахир.

— Кўп ичолмайман, мазам қочиб қолади, — деди баҳона қилиб Степанида.

— Жуда ажойибсан-да, Степанида, мен ичмайман, демак сизлар ҳам бас қилишингиз керак, деганингми бу?

— Йўғ-ей Василий, бу нима деганинг? Мен ҳақимда шундай деб ўйлайсанми ҳали? Шуни қизғанаманми сизлардан? Нима учун қўйибман бўлмаса? Ичинг деб қўйганман-да.

— Сен ичмасанг, биз ҳам ичолмаймиз, мезбонсан ахир.  
— Ҳозир, мана, — дея Степанида шошилиб қадаҳни бўшатди. — Сен, Василий, тўғриси, мени хафа қилдинг. Энди фақат шу ҳақда ўйлаб юраман. Билсанг, яхши одамлардан боримни аямайман мен.

— Ҳа, кўрамиз, — деди Галька.

— Сен, заҳарли илон, нимани кўрмоқчисан яна?

Кузьма шоша-пиша:

— Кинога бормоқчи бўлган-у, пули йўқдир, эҳтимол, хуштори ҳам йўқдир ҳали, — деди.

— Э, бу сигирни киномеханиклар шундоғам текинга киргизади кинога. Бутун қишлоқ бунга хуштор-ку. Яхши одамни пули бўлса ҳам кинога қўймасликлари мумкин-у, лекин буни эмас. Баайни “Соҳибжамол Василиса” дейсиз — ҳатто у ҳам ип эшолмай қолади бунинг олдида! Шунинг учун киногайм бормайман мен, эл-юртдан уяламан.

Гальканинг бурун катаклари кенгайиб кетди, Кузьма унинг жаҳлини босишга уриниб:

— Келинлар, яна биттадан олайлик, — деди. — Галька, сенгайм қуяйми?

— Ҳа, холамга қасдма-қасдига ичаман — зиқналигидан ёрилиб ўлсин.

— Ҳаҳ, мараз! Ўлимимни кутяпти бу кўзи тўрт бўлиб. Мен-чи — мен тўққиз ёшидан она ўрнида боқибман бу ярамасни. Едирдим, ичирдим, катта қилдим, мана энди кўринлар, яхшилар. Уни деб нималар қилмадим дейсиз, аммо бир оғиз ширин сўзини эшитмадим шу вақтгача. Менга раҳмати шу бунинг!

Степанида йиғламсираб кўзёшларини артиш учун этагини қайтараётганида Кузьма:

— Кўйсанглари-чи шу гапларни энди, қани, Степанида, сен учун ичамиз, яна юз йил яшагину асло ғам кўрма, — деди.

— Юз йил яшаб нима қилдим, Кузьма? Тўғриси, жуда чарчадим, энди ўлсам ҳам армоним йўқ. Ишга ярамай қолдим, ахир, одамлар ишонмайди. Кўринишимдангина соғман, аслида, ичим тамом бўлган. Анави ҳозир гапимга куляпти, вақти келиб буни тушунар. Ҳа, тушуниб оласан, азизим, кулаверма кўп, — деди Степанида овози яна қатъийлашиб.

— Бу йил Степанида, сенга неча иш куни ёзилибди? — деб сўраб қолди Василий.

— Икки юз эллик кун.

— Йўғ-ей, шунча ишламагансан-ку, ахир.

— Тобим йўқ-да, Василий.

— Бригадиринг сифатида мендан хафа эмасмисан, деган маънода сўраяпман буни?

— Кўйсанг-чи, Василий, сендан нега хафа бўлай! Бошқа ким ҳам менга шунча маош тўларди дейсан? Сенга раҳмат.

— Уртача ҳисобинг етарли, энди сени мажлисга ҳам солиб юришмайди.

— Ҳа, тўғри, бундан кўнглим тўқ, энди биров мени безовта қилмайди ҳам. Ҳаммаси қарам эктирганинг шарофати билан бўлди. Худодан сени дуо қилиб чарчамайман билсанг, сен бўлсанг, арзимаган бир шишани қизғанади деб ўйлайсан. Эҳ, Василий, бу гап миянгга қаердан кеп қолди ўзи?

Василий:

— Степанида, биз нимага келганимизни биласанми? — деб сўради.



— Йў-ўқ. — Степанида хавотир билан Кузьмага ялт этиб қаради. — Шунчаки, ўтириб кетгани келгансиз, деб ўйловдим.

— Муғомбирлик қилишини-чи, буни, — деди ўйлаб ҳам ўтирмай Галька.

Василий уни силтаб ташлади:

— Жим бўл-э! Кунимиз сенга қолгани йўқ. — Кейин Степанидага қараб: — Тўғри, меҳмонга келдик деса ҳам бўлаверади. Аммо сенда бошқа ишимиз ҳам бор эди. Мариянинг дўконидан жуда катта камомад чиққан, эшитганмидинг?

— Эшитишга эшитдим, кимдир айтган эди.

— Уларга ёрдам қилмасанг бўлмайди, Степанида. Иш жуда жиддий: агар эрта ёки индин шу пул олиб бориб берилмаса, Мария қамалиб кетиши мумкин. Пул бўлса керак-а, сенда?

— Вой, менда пул қаердан келсин?

— Қарз бериб турақол, Степанида. Бутун қишлоқ номидан сўрайман. Шундай бўлиб қолди-да энди.

— Пулни тез қайтарамиз, — деди Кузьма ҳам. — Ҳисобот мажлисидан кейин колхоз менга қарз пули беради. Узоқ чўзмайман.

— Ана, эшитдингми, тез орада қайтаради, — деди Василий. — Уларга ишонсанг бўлади, қандай одамлигини ўзинг яхши биласан. Аямасан-а улардан, Степанида.

— Пулим бўлса, нима, бермасмидим мен?

Галька шанғиллади:

— Пули бор унинг, гапига ишонманглар! Бор-ку, ахир, хола! Нега алдаяпсан?

— Кўзинг билан кўрганмисан? Ёки санаганмисан бор бўлса? — ўрнидан туриб кетди Степанида.

— Кўрмаганман ҳам, санамаганман ҳам, аммо бор эканини аниқ биламан. Агар пулинг бўлмаганида, аллақачон осилиб ўлган бўлардинг ёки ўғрилиқ қилардинг. Сен қулоқсан — ёт унсур, ҳатто ундан баттарсан, сенга ўхшаганларни сургун қилиб юборсам кам ўзи!

— Бу гапларинг учун жавоб беришингга тўғри келади ҳали. Судда жавоб берасан, шундай қолдирмайман буни! — дея жаврай кетди титраб-қақшаб Степанида.

— Жуда кўрқиб кетдим-да! Ҳали кўрамиз, ким кимга жавоб беришини. Сен қулоқсан-қулоқ!

— Бас қилинглар-э! — бақирди Василий. Иккаласи ҳам жим бўлиб қолди. Бир оздан сўнг Василий секингина: — Ҳалиям бўлса Степанида, ўйлаб кўр, оз-моз йиққанинг бордир. У ёқ-бу ёғингга қараб кўр. Ўзингдан қолар гап йўқ, Мариянинг тўртта боласи бор, ахир.

— Бўлди, етар, Василий, — деди Кузьма.

Галька унга қараб йиғлаб юборди.

— Мария холага ачинаман, — деди у йиғи аралаш. Унинг қуйилиб келаётган кўзёшлари қизариб кетган катта юзидан оқиб бўйнига тушарди. Степанида ҳам энгашиб худди йиғлаётгандек этаги билан кўзларини ишқалади, йиғламсираган овозда:

— Марияни туғишганимдек кўраман. Ундан охирги чақамни ҳам аямаган бўлардим. Ахир менга қанча яхшилик қилган у, — деди.

Яна ҳамма жим бўлиб қолди. Степанида эгилиб, худди тугмани ишқалаб-ишқалаб ялтиллатаётгандек кўзини этаги билан қайта-қайта артар, энгашган чоғи стол тагидан эркакларни кузатар эди. У ҳиқиллаб йиғлаётгани ёки бир нималар деб гўлдираяптими, тушуниш қийин эди.

— Бас қил-э, Галька йиғини, — деди Василий. — Марияга аза очишга ҳали эрта.

— Алдаяпти-ку у, ахир, алдаяпти! — шанғиллади Галька яна. — Мен биламан ҳаммасини. Кўрарга кўзим йўқ уни.

— Шундайми? Унда, туёғингни шиқиллатиб қол бу ердан! — дея гапни илиб кетди Степанида. — Ачинмайман, заррачам. Менга деса, ҳозироқ жўнаб қол. Жуда бошимга чиқиб олдинг ўзи.

— Кета қолайлик, Василий, — деди Кузьма.

— Кетдик.

Улар кийиниб йўлга тушди. Степаниданинг кулбасида бақир-чақир баттар авжига чиққан, қишлоқнинг ҳар томонидан эса итлар акиллаб гўё уларга жавоб қайтарар эди. Йўлма-йўл Василий Степанидани бригаданидан ҳайдамасамми, дея таҳдид қилиб кетди. Кузьмага эса ҳеч нарсанинг фарқи қолмагандек эди. Степаниданикида ўтириб пул ҳақида гаплашилганда Мария билан болаларини ўйлаб Кузьманинг юрагида аламли оғриқ уйғонган эди. Энди эса гўё ҳамма нарсани унутган, камомад ҳам итларнинг ҳуришидек безарар туюларди унга. Нима бўлса бўлар. Кузьма айни пайтда ниҳоятда чарчагани ва қаттиқ уйкуси келаётганини ҳис этарди, холос. Бошқа ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ эди у учун.

— Эртага кирарман, — деди Василий уйи томон бурилаётиб.

— Яхши.

Кузьма ёлғиз қолди. У қишлоқнинг энг чеккасига — яхши ният билан қурган янги уйига қараб кетди. Деярли бутун қишлоқ уйқуда эди. Фақат итларгина тинмай галма-галдан акиллаб сукунатни бузарди. Одамлар ухлар экан, ғам-ташвишларини ҳам эртагача унутган, ҳамма нарса жой-жойида тўхтаган, ҳаракатсиз эди.

Кузьма уйига келасолиб ўринга чўзилди. Ҳеч нарсани ўйламасдан тезда қотиб ухлаб қолди.

Биринчи кун шу зайлда ўтди.

Тўхтовсиз олға интилаётган поезд чироқлари ҳам шамолда титраётгандек атрофга гира-шира ёғду таратиб кетарди. Бирдан ёруғлик йўқолади, ортидан ҳали бутунлай чўкиб улгурмаган ола-қуроқ қоронғилик кўзга ташланади. Сўнг яна олислардан бир шуъла кўринади, милт этадию ўчади. Бирданига икки ёки учта чироқ пайдо бўлиб, кичкинагина уйча, саржинланган ўтин ёки кўмирхонаси бўлган ҳовлининг ўзинигина ёритади. Бу манзара ҳам дарҳол кўздан ғойиб бўлиб ўрнини зулмат эгаллайди. Яна йўлингда чироқ пайдо бўлармикан, уйча чиқармикан — кутиб кетаверасан, негаки, шу билан ҳам овунасан.

Кузьма ётган жойида ойнадан ташқарига қараб кетарди. У ҳаракатсиз, худди деворга тикилгандек қоронғиликка қараб ётаверишдан жуда чарчади. Бошқа нима ҳам қилиш мумкин? Яхшиямки поезд тўхтамай кетмоқда, шаҳар борган сари яқинлашмоқда. Хуллас, йўлингда пайдо бўладиган чироқларни санаб ҳам хаёлни чалғитиш мумкин — бу ҳам зерикканда вақтни ўтказишнинг бир йўли.

Йигит ён томонига ўгирилиб ётди, тишларини ғижирлатди, пастда мудраб ётган кампир ҳам кўзларини очиб соатга қаради.

— Серёжа, — чақирди у секингина. — Турақол, Серёжа.

— Уйғоқман, — жавоб қилди чол. — Ўзим шундоғ ётибман-да.

— Дори ичадиган вақтинг бўлибди.

— Ундай бўлса, қани берақол.

— Қалай, оғримаяптими ҳозир?

— Йўқ, оғримаяпти.

Кузьма чалқанчасига ётиб олди; мана, энди ҳадеб ойнадан тикилавермай, чол-камбирнинг суҳбатига қулоқ солса ҳам бўлади. Уларнинг овозини эшитиб йигитнинг ҳам уйқуси қочди шекилли, яна ёнига ўгирилиб ётди, кейин дарров бошини кўтарди, қовоқларини солиб оёқларини осилтирганча ўтириб олди.

— Ў-хў, — деди йигит чолнинг стакандан нимадир ичаётганини кўриб. — Бизнинг бобой бошоғриғи қилаётган экан-да, зўр-ку.

— Сенинг фикру ёдинг фақат шунда, — деди босиқлик билан камбир. — Серёжа дори ичди, худо билади сувни сен нима деб ўйладинг?

— Ҳа нима, авваллари эҳтимол, бобой ҳам роса ичгандир.

— Йўқ, Серёжа ҳеч қачон кўп ичмаган. Ичишга-ку ичган, аммо уни ҳеч ҳам маст-аласт ҳолда кўрмаганман.

— Ҳа энди, кейинчалик ҳамма шундай деб айтади-да. Мен ҳам бобойнинг ёшига етсам, фақат квас ичардим, холос, деб юраман.

— Серёжа, ўзинг айт унга.

— Нима кераги бор, — деди ўйланиб туриб чол.

— Тўғри айтасан. Улар ниманиям тушунарди.

Бошқа вақт бўлганда борми, йигит табиийки, улар билан гап талашарди. Ҳозир тортишадиган аҳволда эмас. У инқиллаб, оҳ-воҳ қилиб, эҳтиёткорлик билан пастга тушди ва тан олиб деди:

— Бошим тарс ёрилиб кетай деяпти!

— Ёрилмай нима қилсин, азизим, ахир шунча қийнаганингдан кейин бу шўрликни, — деди камбир.

— Кимни қийнабман?

— Бошингни-да.

Йигит базўр илжайиб:

— Ажойибсиз-да, бошингни қийнадинг дейсизми? Хотиним қийнаб юбординг, деб мени эговлагани-эговлаган эди, сиз бўлсангиз, бошимни гапирасиз-а, — деди.

— Кимга ўхшаб қолдинг шу туришингда? Умуман одам сиёқинг йўқ.

— Бунинг йўлини топса бўлади, бувижон. Кузьма ҳойнаҳой кечаси бошоғриғи қандай бўлишини билса керак. Бундай азобга чидамоқдан кўра ўлмоқ осонроқ. — Йигит эгилиб пойабзалини аранг кийди ва камзулининг чўнтагига қўл тикди. — Ҳозир унга кишт-кишт деймиз, қарабсизки, ҳеч нарса кўрмагандек ҳаммаси жой-жойига тушади. Кейин хотиржам йўлда давом этавериш мумкин. Бошимдан кўп бор ўтган бу.

Йигит чиқиб кетди. Камбир унинг ортидан чуқур хўрсинганча бош чайқаб қолди. Кузьма ойнадан чолнинг камбирни кузатиб туриб мийиғида кулиб кўйганини кўрди.

— Нимага куляпсан Серёжа?

— Ўзим, шундоқ.

— Мен ниманидир нотўғри қиялманми?

— Йўқ ҳаммаси жойида. Хотиржам бўл.

— Бирор гап бўлса, айт менга.

— Албатта айтаман, биласан-ку ўзинг ҳам.

— Ҳа, тўғри.

Кузьмага уларнинг суҳбатини тинглаб ётиш мароқли туюларди. Аммо бир томондан бу қандайдир ноқулай ҳам эди. Гўё у билмаган ҳолда эру хотин ўртасидаги ўзаро гап-сўзга гувоҳ бўлиб қолгандек эди. Кузьма кўзларини юмиб, ўзини ухлаганга солади, охир-оқибат бунга ҳам тоқат қилиб бўлмай қолади. У ён томонига ўгирилиб олис-олисларни кузатиб ётгиси келади. Кузьма жойида худди ёш боладай

типирчилаб, кўзларини мажбуран юмиб ётади. Бир вақт эшик очилди. Кирган йигит эмас, проводник аёл экан.

— Чой ичасизларми?

— Серёжа, чой олиб келишди, — деди кампир.

— Ҳа беринг. Чой яхши-да.

Кузьма ҳам пастга тушди.

— Мен ҳам бир стакан ичам, — деди у.

— Албатта ичиш керак, — деди кампир. — Ўзим ҳам сизни уйғотсамми, деб турувдим энди.

Кичик стол атрофида ўтириб чой ичишди, кампир Кузьмани ўзи пиширган пишириқ билан сийлади. Юқорида — Кузьманинг йўл халтасида сало билан тухум бор эди. Уларни олиб қўйсамикан ёки... Албатта олиб ўртага қўйиш керак. Аммо Кузьма бунга барибир журъат қилолмади. Уларга бунинг салоси керак эканми? Зиёли одамлар бўлса, ахир. Худди кечагина турмуш қурган-у, бир-бирига ҳали тўймагандек муомала қилишини-чи буларнинг. Кампирнинг ўзи Кузьмага гапириб берди, улар кўп йилдан буён бирга яшар экан. Ҳозир Ленинградда яшайдиган ўлиникига кетишаётган экан. Аслида у ҳар йили ёзда ота-онасини кўргани ўзи келаркан. Бу йил эса хорижда хизмат сафарида бўлгани сабабли келолмабди. Кампир Кузьманинг ҳам қаерга кетаётганига қизиқди. У етти йилдан буён кўрмаган акамникига меҳмонга боряпман деди. Чол гапга аралашмас, аммо уларни диққат билан тинглаётгани кўриниб турарди. Кузьма улар билан ўтириб ҳеч зерикмади. Бунинг устига улардан тортинмади, аксинча, тезда чиқишиб кетди, айниқса, кампир билан. Негаки, у ҳам асли қишлоқдан бўлиб, қишлоқликларни жуда ҳурмат қилар экан.

Кампир Кузьмага одамларнинг ҳаммаси қишлоқдан чиққан, кимдир шаҳарга олдинроқ келиб қолган, кимдир кейин, буни биров билади, биров билишни ҳам истамайди, деб айтди. Кузьмага бу гап маъқул тушди, нима деркан дегандек чолга қаради. У индамади. Меҳроқибат, катталарни иззат қилиш, меҳнаткашлик ҳам қишлоқликларга хос хусусият экани ҳақида гапириб, кампирнинг ўзи ҳам чолига ўгирилди:

— Тўғрими, Серёжа? — деб сўради.

— Бўлиши мумкин.

Шу вақт йўлакдан йигитнинг овози эшитилди. У ичкарига кириб эшикни ёпгач ҳам хиргойи қилаверди:

Дунёдаги аёллар билан  
Қора денгизим менинг,  
Қора денгизим менинг.

— Бун қаранглар-а! Жуда зўр! — деди таъна билан бош чайқаб кампир. — Бундай кўшиқни қаердан ўргана қолдинг?

— Ҳа нима, ёмонми?

— Нимаси яхши экан?

— Қўйсангиз-чи, бувижон! Нимага тирғалишни билмай қолдингиз ўзи. Ёмон сўзи йўқ, боадаб бир кўшиқ. Концертда куйласа ҳам бўлаверади буни. — Йигит келиб Кузьманинг ёнига ўтирди ва бошини худди идишни чайқаетгандек қимирлатиб қўйди. — Деярли ўзига келди, — деди хурсанд бўлиб. — Сал-пал оғриб турибди-ю, ўтиб кетади. Боя, бувижон, менга нима дедингиз? Бошингни қийнавординг, дедингизми?

— Тўғрисиям шу-да. Ичкиликдан бошқасини билмай қолдинг. Пулни ҳам аямайсан ҳеч.

— Пул — нима ўзи, қўлнинг кири-да, топиладиган матоҳ бўлса.

— Пулниям беҳудага совурмаслик керак. Ўз-ўзидан келмайди-ку, ахир. Озмунча меҳнат қиласанми пул топаман деб. Кучингни сарфлайсан, соғлигинг кетади.

— Менда пул кўп. У мени яхши кўради, бувижон, ҳа. Пул дегани ҳам худди аёлдек гап: унга қанча кам эътибор берсанг, баттар сенга интилаверади. Бир тийиннинг устида титраб-қақшайдиганларда эса аксинча, пул бўлмайди.

— Нега бўлмас экан, улар пулни бекорга совурмаса, сенга ўхшаб ичкиликка сарфламаса?

— Шунақасига-да. Пул ҳам зиқна одамни билади — ундан қочади!

— Бунисини мен билмадим.

— Рост айтяпман. Билсангиз, бувижон, пул ҳам одамни одамдан фарқлар экан. Дейлик, хасис одам қийинчилик билан пул топса, менга ўхшаган содаларга у осонгина келаверади. Биз бир-биримизни яхши тушунамиз: мен пулни аяб-асраб ўтирмайман, у ҳам мендан ўзини олиб қочмайди. Хуллас, келади — кетади, кетади — келади. Агар мен уни ишлатмай, йиға бошласам борми, пул ҳам менинг ўзгариб қолганимни дарров сезади. Қарабсизки, ишим бирдан чаппа кетади: ёки касал бўламан, ёки тракторимни олиб қўйишади. Буни мен кўп бор синаб кўрганман.

— Қизиқ фалсафа экан-ку, — таъкидлайди чол. — Содда бўлсанг, пул сеники де.

— Йў-ўқ, нега энди? Ишлаш керак, албатта, — дея жиддий жавоб беради йигит. — Мен меҳнатдан қочмайман. Ойига икки юз эллик, уч юздан оламан, қишки мавсумда эса ёғоч судраб роппа-роса тўрт юзлаб топаман. Ҳаммаям мендек ишлай олмайди. Меҳнат қилмасанг пул қаёқда?

— Қаерда шунча пул тўланаркан-а? — деб сўради Кузьма ҳам қизиқиб.

— Бизда-да, ўрмон саноати хўжалигида. Механизаторларга яхши ҳақ тўланади.

— Бундан нима фойда? — деди кампир. — Барибир арақ ичиб тугатасан бор пулингни.

— Ҳа ичаман. Нима қипти? Қуни билан совуқда ишлайман ахир, чарчайман, ичмай бўладими? Ҳаётнинг қизиғи бўлармиди унда? Дам ҳам олишим керак-ку.

— Эҳтимол, хотининг ҳар куни кечқурун бир шиша қўйса керак-да сенга, а?

Йигит кулади.

— Нима, гашимга тегмоқчимисиз, бувижон? Шундай хотинга бор-йўғимни берган бўлардим-ку, ахир.

— Хотининг ҳам ичиб юришларингдан безор экан-да, демак?

— Ҳа-да, мени ҳеч тушунмайди. Энди фарқи йўқ бунинг. У билан орани очиқ қилдим.

— Орани очиқ қилдинг?

— Ҳа. Яқиндагина. Ажрашишимиз билан мен кетдим.

— Нега?

— Аҳмоқ хотин, мени тушунишни хоҳламайди. Сабаби шу. Кўрпасига қараб оёқ узатса-да, одам дегани. Э, қўйинг шуни гапирмайлик! — деди йигит бирдан тетиклашиб. — Нима, аёл каммиди бу дунёда?

— Аёлларнинг ҳеч қайсиси, билсанг, азизим, ичадиган эркакни ёқтирмайди. Ҳамма ҳам яхши яшасам дейди. Сен ичиб келган вақтинг ўжарлигингни кўрсатарсан, балки, жанжал ҳам кўтарарсан.

— Унақамас, ҳеч зиёним йўқ. Менга тегмаса бас, ётиб ухлаб қоламан. Кайфим борида минғир-синғир қилиб қўлимни қичитмаса бўлгани, ёқтирмайман-да. Эрталаб хоҳлаганича гапирсин, кўтараман, мастлигимда яхшиси, чурқ этмагани маъқул.

— Аёлни беҳурмат қилиш ҳам қишлоқдан чиққан одат, — деди чол кампирга қараб.

— Ундай эмас, Серёжа.

— Нима деяпсизлар? — деди уларнинг гапига тушунмай йигит.

— Серёжа аёллар қишлоқдагидан кўра шаҳарда кўпроқ ҳурмат-эйтиборга эга деяпти.

— Аёлларни жуда ҳурмат қилишнинг нима кераги бор экан ўзи? Кейин кўрасан, ҳурмат қилганинг сайин ҳаддини билмай, бошингга чиқиб олишини уни. Уларга ортиқча эрк бермай қаттиқ ушлаш керак. Сал ожизлигинг сезилса — тамом деявер. Сенга ақл ўргатишни бошлайди. Жонингдан тўйдирмагунча қўймайди.

— Сенга ҳеч бир аёл бундай қилолмаса кераг-ов, — деди ишонқирамай кампир.

— Мен — бошқа гап. Бўшанг, ювош эркакларни айтяпман, кўрадиганини кўради-да бундай хотиндан.

— Нима? Нималар деб валдираяпсан ўзи? Қаранглар бунинг даллоллигини! Ичган бу-ю, балога қолган хотини, — кампир бу гапни жаҳл билан айтяптими, ҳайрон қолибми, билиб бўлмайди. — Мана, энди тавбангга таяниб — ёлғиз яшайверасан.

— Нега ёлғиз бўларкан! Топволаман бошқасини.

— Сендек арақхўрга ким ҳам тегар эди?

— Бувижон! — дейди сезиларсиз бир таъна билан йигит. — Бир хуштак чалсам борми... Бу ёруғ оламда, бувижон, ёлғиз аёл дегани тикилиб ётибди. Улар ҳам тўрт кунлик дунёда одамдек яшасам дейди. Аёл зоти ожиз эмасми? Эркакларсиз яшолмайди улар. Мана мен, асли қишлоқликман, доим шаҳарга борганимда бирортасини илинтираман. Айтишларича, уларга пул берсанг бўлди экан, аслида бу бўлмагур гап. Балки инқилобгача шундай бўлгандир. Ҳозир аёллар ҳам ақли бўлиб қолган. Улар такаллуфни ёқтиради, тўғрими? Сурбетлик қилмай, қўнглини топсанг — олам гулистон.

— Хотининг сен билан ажрашиб жуда тўғри қилибди, — деди кампир.

— Нега ундай деяпсиз? — ҳайрон бўлди йигит. — Нима, мен уни алдабманми? Бу маъзур бўлмайдиган сабаб. Алдаган бир менми?!

— Ҳаммани ўз қаричинг билан ўлчама.

— Нималар деяпсиз бувижон? Менга бир китоб беришган эди, бир жойини ўқиб кўр деб. Ўша китобда, ким ёзгани ҳам эсимда йўқ ҳозир, ҳаётга қизиқиши йўқ, аҳмоқ одамларгина хотинига хиёнат қилмайди дебди ёзувчи. Нима? Тўғри-да! Битта хотин билан бир умр яшаб бўларканми. Зерикиб ўлади-ку, одам.

— Серёжа, эшитяпсанми нима деяпти у? — сўради кампир кулиб.

— Эшитяпман.

— Айтиб бер унга.

— Нима кераги бор?

— Йўқ, сен айтгин, аслидаям шундай бўлиши керак, деб ўйлаяпти у. Ҳеч нарсани билмайди-ку, ахир.

— Бу унинг иши.

— У нима тўғрисида гапиряпти, айта қолинг, отахон. Нима, ёки раво кўрмайсизми? — деди йигит ҳам.

— “У нима тўғрисида гапиряпти, айта қолинг, отахон”миш? — деди кампир йигитга киноя қилиб. — Мана чолим, кўз олдинда — тирик бир мисол сенга, умр бўйи бирон мартаям менга хиёнат қилмаган. Сен бўлса ҳаммани ўзингга ўхшатасан. Кўзингни каттароқ очиб қара бобонгга, умрингда бирорта вафодор эркакни кўрмаган бўлсанг агар.

Йигит чолга имо қилиб қўяди.

— Бувижон, мен ҳам хотинимнинг олдида унга хиёнат қилганимни тан олармидим, нима деб ўйлайсиз? — Шундай бўлса, нималар рўй бериб кетишини тасаввур этиб йигит хо-холаб қулади. — Роса ҳангома бўларди-да ўзиям, у мени...

Кампир кулганча унга тикилиб қолади. Юзидан табассуми аримай:

— Аммо чолим менга ростдан ҳам ҳеч хиёнат қилмаган. Нега ишонмайсан? — деди.

Йигит ҳам кулиб:

— Сиз қаерданам билардингиз, бувижон? — деди.

— Унга ишонаман.

— Ҳа-а... ишонасиз.

— Ўзинг айт, Серёжа. У ҳеч балони тушунмайди.

— Хўп, нега мен хотинимга хиёнат қилишим керак эди? — деб сўради чол йигитдан.

— Нега деганингиз нимаси?

— Хўш... нега?

— Ўзингиз яхши биларсиз. У менинг эмас, сизнинг аёлингиз, ахир.

— Сен хотинингга нега хиёнат қиласан?

— Қизиқ-да.

— Нимаси қизиқ?

Йигит мийғида қулади:

— Ҳаммаси қизиқ. Қандай аёл экани... ва умуман... ҳаммаси-да. Ахир аёллар ҳар хил бўлади.

— Серёжа фақат мени яхши кўрган, — деди кампир шунчаки. — Бошқаларга қизиқмаган ҳам.

Йигит ҳайратини яширолмай, худди хорижликка қарагандек чолга тикилиб қолди.

— Жуда ишониб кетдим-да, — деди бир оздан сўнг.

— Бу сенинг ишинг.

Ҳамма жим бўлиб қолди, йигит бошини чайқаганча гоҳ кампирга, гоҳ чолга қарарди. Бирдан Кузьмага кўзи тушиб:

— Ҳа, Кузьма, сен-чи, хотинингни ҳеч алдаганмисан? — деб сўради.

Кузьма бу ноўрин саволга кулиб қўя қолди. Суҳбат асносида у Марияни неча бора эсламади дейсиз. Шу билан бирга, унинг ўзига нечоғлиқ керак эканини ҳам чуқур ҳис этди. Унинг назарида, энди ҳаётларида бўлиб ўтган яхши-ёмон кунлардан гўё ном-нишон йўқдек, фақат ўзлари ёлғиз қолгану, янгитдан ҳаёт бошламоқчидек эди. Аммо Кузьма шунга амин эдики, у Мариясиз яшай олмайди. Одамлар нега бир-бирига шу қадар қаттиқ боғланиб қоларкан-а? Кузьма бунинг сабабини аниқлашга қанча уринмасин, ҳеч тагига етолмайди. Наҳотки, бу риштани маҳкам боғлаб турган фақат болалар бўлса? Йўқ, бундай эмас. Негаки, ҳозир чолу кампир йигит билан баҳслашётганида Кузьма болаларини деярли эсламади ҳам. Гўё улар узоқларда қолиб кетгандек.

Мария-чи, унинг тиззасида ҳамма гапни эшитиб ўтиргандек эди гўё. Кузьма ҳатто нафасини ҳам ҳис этарди унинг.

— Хўш, Кузьма, хотинингни алдаганмисан ҳеч? — деб сўради йигит яна.

Кузьма иқрор бўлди:

— Бир марта шунақа бўлувди.

— Ана кўрдингизми, Кузьма ҳам... — йигит нимадир демоқчи эди Кузьма унинг гапини бўлди:

— Шошмай тур, — деди. — Сен ўйлаганча бўлмаган бу. Урушгача бир аёл билан яшаганман, биз расмий никоҳдан ўтмаган эдик. Урушдан кейин Мариямга ўйландим. Аммо бир марта эски хотиралар сабаб биринчиси билан... У мени бир куни кечқурун кутиб турган экан-да ўзи...

Кампир Кузьмага ғамгин нигоҳ ташлаб:

— Мариянгиз буни билмагандир, а? — деб сўради.

— Билган, кетиб ҳам қолган эди. Ваъдалар бериб, уни қайтишга кўндирдим. Бу иш бошқа такрорланмади.

— Сиз-чи, бизга ишонасизми? — деб сўради кампир.

— Ишонаман. Сизга ўхшаганлар қишлоғимизда ҳам бор.

— Қишлоқда! — шанғиллади йигит. — У ерда бировдан гап яшириб бўларканми! Агар бирор эркак бегона аёлга бир бор қараб қўйса борми, шу заҳоти бутун қишлоққа дoston бўлади-ку бу. Кўрқади-да улар.

— Кўрқанидан эмас, — эътироз билдирди Кузьма. — У ерда эркак билан аёл бирга яшаш учун оила қуради.

— Мана, Серёжа иккимиз ҳам бир умр бирга яшадик, — деди кампир чолига қараб. — У қаерда бўлса, мен ҳам шу ерданман. Айрилиқда яшашга ҳам тўғри келган, аммо бу кўпга чўзилмас эди ҳеч. Мен усиз, у менсиз қийналиб қолардик. Шундай эмасми, Серёжа?

— Бу ҳақда гапиришнинг нима кераги бор?

— Ёшлигимиздаёқ шундай яшаймиз деб келишиб олганмиз, мана ҳалиям биргамиз. Ҳаётда ҳамма нарсани — шодликни ҳам, ғамни ҳам, ўлимни ҳам бирга қарши оламиз, дедик. — Кампир шошилмай секин гапирарди. — Мана энди Серёжанинг юраги хаста, меники эса бардам ҳали, аммо шу касаллик иккаламизга етиб-ортади.

— Сизлар, нима эди анави... баптистмисизлар нима бало? — деди ханг-манг бўлиб йигит.

— Қанақа баптист? — унинг гапидан кулиб юборди кампир. — Эшитяпсанми, Серёжа, бизни баптистгаям чиқариб қўйишди.

Поезд елгандан-елиб борар, шаҳар борган сари яқинлашар эди.

Иккинчи кун эрта тонгдан, болалар ҳали мактабга кетмай турибоқ Гордей ота кириб келди. Чоли тушмагур одатдагидек печка яқинига — ерга чўккалай қолди. Сўнг трубкасини ўт олдирди, уни оғзидан қўймай жим ўтираверди. Кузьма ҳам индамади. Каллаи саҳарлаб нимага келди экан — уйқуси қочганми, нима бало? Маслаҳатлари кимга керак унинг, бирор нафи бўлсайкан? Кузьма уйқудан турган пайти Марияга хотин-халаж олдида камомад ҳақида гапириб ҳадеб оҳ-воҳ қилаверма деган эди, Мариянинг жаҳли чиқиб:

— Ўргат, ўргатавер! Шунчалик ақлли бўп кетдимки, қандай яшаш кераклигини минг йил аввалдан биламан энди. Ҳамма ўргатишга уста, — деди.

Ҳозир нимагадир шу Кузьманинг эсига тушиб кетди.



Болалар мактабга кетиб, Мария уй ишлари билан банд бўлган вақт Кузьма:

— Ота, менда нима ишингиз бор эди? — деб сўради.

— Нима? — чол шошилиб қолди, ўрнидан турмоқчи бўлди. — Ҳалиги... шуни ол... — деб Кузьмага пул узатди. — Кеча ўғлимдан ўн беш сўм тилаб олувдим, мен нимаям қилардим буни...

— Керак эмас, ота.

— Қанақасига керак бўлмасин? — деди саросимага тушиб чол. — Бўлмаса, нимага олиб келдим буни. Сенга эканини айтмадим унга, хавотир олма.

Чолнинг қўлида букланган беш сўмликлар — олмаса-чи, деган ҳадик билан Кузьмага тикилиб турар эди. У пулни олди.

— Сен кўп ўйлаб ўтирма, — деди хурсанд бўлиб чол. — Пулинг бўлган вақтда берарсан. Қайтармасанг ҳам майли, мендек бир чол пулни нима қиларди? Ўзинг ўйлаб кўр.

У қетишга тараддулданди. Негадир бугун сира ўзига ўхшамасди.

— Ўтирсангиз-чи, ота.

— Йўқ, энди борақолай.

— Ота!

— Нима дейсан?

— Бошқа бундай қила кўрманг, керак эмас.

— Нега энди?

— Ўзим топаман. Сизга қолса, менга деб бутун қишлоқдан пул сўраб чиқасиз

— Майли. Сен хоҳламасанг, майли.

— Керак эмас, ота, ҳожати йўқ.

Ота кетгач тунов кунги бола — Евгений Николаевичнинг қўшниси келди.

— Евгений Николаевич ҳозир туманга кетяпти, кеқурун қайтар экан, шуни айтиб юборди, — деди бола.

Кузьма ундан:

— Менга қара, у ҳовлига чиқса ҳам шу ҳақда бутун қишлоққа айтиб чиқишни буюрмайдими сенга мабодо? — деб сўради.

Бола кула-кула чопиб кетди.

Бир вақт Василий келиб қолди, гапни чўзиб ўтирмай:

— Кийин, юр мен билан, — деди.

— Қаерга?

— Онамникига борамиз.

Кузьма Наталья холани анчадан буён кўрмаган эди. Унинг ётиб қолганига уч-тўрт йиллар бўлган. Бу кампирнинг бирор иш қилмай, ҳеч қаёққа шошилмай, бошқалар каби ўлимидан олдин тўшакка миҳланиб, кўргани келганларга нурсиз кўзларини тикиб ётишини, у ёндан бу ёнига қийналиб базўр ўгирилишини Кузьма тасаввур ҳам қилолмас эди. Унинг ўрнида бошқа ҳар қандай одам бўлса, ҳатто Кузьманинг ўзи учун ҳам буни табиий ҳол дейиш мумкинди. Фақат Наталья холанинг бундай ётишини ақлга сигдириб бўлмасди. Кузьма эсини танибдики, унинг бир дақиқа бўлсин, шунчаки ўтирганини эслолмайди. Худди мурвати бураб қўйилган темир одамдек тиниб-тинчимас, колхоз ишига ҳам, рўзғор юмушларига ҳам улгурар, бир йилда олти юз иш кунилаб ишлар, ёлғиз боши билан уч ўғилни (тўнғичи Василий эди) оёққа тургизган эди у. Уни меҳнаткаш дейишнинг ўзи камлик қиларди, негаки, қишлоқда меҳнатдан қочмайдиганлар кўп, аммо Наталья холага ўхшагани топилмас эди. У одамлардек қадам босиб эмас, учиб юрарди гўё. Ҳамқишлоқлари у кўчадан елиб ўтиб қолгудек бўлса ҳавас қилиб:

— Наталья хола, қаерга кетяпсиз? — деб сўрашни ёқтиришарди.

У йўл-йўлакай шошилиб жавоб қайтарарди:

— Қаерга бўлсаям шошилиш керак-да.

Бу гап маталга айланган ва қишлоқ аҳли тилида тез-тез айтиб юрилар, аммо Наталья холага мос тушганчалик ҳеч кимга мос келмас эди.

Одамлар Наталья хола пичан ғарамлашга жуда уста бўлгани ҳақида ҳали-ҳануз гапириб юришарди. У қилган ғарамларга ҳеч қандай об-ҳаво, ёғин-сочин таъсир қилмас, то қишгача чиримай, намланмай, қандай бўлса, шундайлигича тураверар эди. Бунинг устига денг, Наталья хола балиқ овлашда бирорта эркакдан қолишмасди. Куз кунлари у машғала билан балиқ овига чиқиб, қайиғида смола ёққанида, эркаклар сўкина-сўкина эшкакларини эшиб ундан узоқлашар эди.

Хуллас, у одамга ўхшаб қадам босиб юришга одатланолмай, охиروقибат каравоти олдигача базўр югуриб келган-у, йиқилган бўлса керак. Мана, энди меҳмонхонанинг бурчагидан тўсиб ажратилган кичкинагина хонада туну кун тўшакка миҳланиб ётибди — ўзини билмай, худ-бехуд бўлиб. Уни кўргани келган кампирлар турмуш қийинчиликларидан нолийди, дардини айтади. Умр бўйи улар билан суҳбатлашишга беш дақиқа бўлса-да вақт тополмаган Наталья хола энди бу кампирларнинг гап-сўзини тинглаб, маъқуллаб ётади.

Кузьма билан Василий кирганида кампир ухлаётган экан, уларни сезмади ҳам. Деразалардан бирини парда тўсиб турар, иккинчисининг бир қаноти ёпиқлиги учун ҳам хона ичи ғира-шира ёруғ эди. Шунинг учунми Кузьма Наталья холани дарров кўрмади.

— Она! — деб чақирди Василий.

У кўзларини очди, аммо ҳайрон бўлмади ҳам, гўё уларни кутиб ётгандек, тикилиб қаради:

— Василий кепти. Буниси — Кузьма. Сени кўрмаганимга ҳам кўп бўлди, Кузьма, — деди.

— Ҳа, анча бўлди, Наталья хола.

— Мени кўрай деб келдингми? Бетобман, кўргулик ҳолим ҳам қолмади.

Кампир ниҳоятда озиб-тўзиб кетган, овози ҳам заиф чиқар, қийналиб гапирар эди. Юзи ҳам кичрайиб қандайдир нурсиз бўлиб қолган. Гапирганда юзида ҳеч бир ҳаракат сезилмас, ҳатто лаблари ҳам қимирламас ва шу сабабли овоз ундан эмас, бошқа ёқдан келаётгандек туюлар эди.

— Ҳали унчалик қари эмасман. Етмишга ҳам кирмадим. Бошқалар юрибди ҳар ҳолда. Мен бўлса, мана ётиб қолдим, — кампир бир нималарни гапирар, уни узоқ тинглаб ўтиришга тўғри келар эди. Бундай вақтда одам ўзига бошқа бирон эрмак топсам дейди.

— Каттиқ оғрийдими? — деб сўради Кузьма.

— Умуман оғриқ йўғ-у, ўрнимдан туриб юра олмаяпман-да. Турсам — оёқларим ўзимга бўйсунмайди, мадорсизман.

— Оғриқ йўқ экан, жонимнинг ҳузури деб ётавермайсизми, Наталья хола. Югуравериб чарчагансиз, энди дам ҳам олинг-да.

— Эҳ Кузьма, сени қара-ю! Туриб юришга нима етсин! Мана, ёзда ўзим туриб, кўчаларга чиқиб юардим.

— Ушанда турган экансизми, демак, ҳали ҳам юриб кетасиз, ғам еманг.

— Йў-ўқ, энди туropolмайман, сезиб турибман буни. Борган сари кучдан қоляпман.

Василий уларнинг гапини бўлди:

— Она, сизда пул борми?

— Озгина бор эди. Лекин Василий, сенга бермайман уни. Ўзимда турсин.

— Берақолинг, она. Менга эмас, Кузьмага, Мария учун пул керак. Кимдан сўрашни ҳам билмаяпти у.

Наталья хола Кузьмага қаради, кўзлари пирпираб унга узоқ тикилиб қолди.

Кузьма индамай ўтирарди. Василий хонадан чиқиб, онаси билан яшайдиган опасига нималардир деди, кейин тезда қайтиб кирди.

— Бу пулни ўлимлигимга йиғиб қўйган эдим, — деди Наталья хола ниҳоят.

Кузьма ҳайрон бўлди:

— Нима, ўлганга ҳам пул керак бўладими ҳозир? Ахир ҳеч қачон бундай бўлмаган-ку.

— Йў-ўқ, — деди Наталья хола кўзларида заиф бир шуъла йилтираб. — Болаларимни қийнаб қўймай дейман. Шунинг учун дафн маросимим ҳам, маъракамларим ҳам ўз пулимга қилинсин деб пул йиққанман.

— Худди биз сизга маърака қилмайдигандек гапирасиз-а, — деб тўнғиллади Василий.

— Қилардингиз, биламан. Мен ўз пулимга қилишингизни, кўп одам келишини, мени узоқроқ ёд этишларини хоҳлайман-да. Ёмон одам эмасдим чоғи. Ҳамма ишни ўзим қилиб ўрганганман, ахир. Шунга бунисини ҳам ўзим қилай девдим-да, болам.

Тин оларкан у қимирламай, жим бўлиб қолди. Кузьма энди кетиш керак деб ўйлади ва Василийга қаради. Шу чоқ Наталья хола:

— Мария қаттиқ йиғлаяптими? — деб сўради.

— Йиғлаяпти.

— Сенга пулни берсам-у... ўлиб қолсам. Нима бўлади?

— Яна шу гапми, ойи, — деди Василий пешонаси тиришиб.

— Розилигимни бериб қўйган бўлсам, — деди айбдор одамдек Наталья хола. У ўлим тўғрисида гапирётган эди.

Кузьманинг эти жимирлаб кетди, ҳадик аралаш Наталья холага тикилди.

Ўлим доим, ҳар дақиқада инсон билан юзма-юз туради. Аммо Наталья холага келганда, ўлим ҳам юз ўгирдими, худди муқаддас зотга рўпара бўлгандек, уни бу дунё билан у дунёни чегаралаб турувчи бўсағада қолдириб ўтиб кетдими, бир нарса дейиш қийин. Наталья хола учун ортга йўл йўқ, олдинга юришга ҳам ҳали эрта; шу сабабдан у аро йўлда ҳар икки томонни кузатиб ётибди. Балки Наталья хола умр бўйи чопавериб ўлимини-да чалғитган, энди у ҳам етиб келолмаётганмикан, ким билсин.

Наталья хола қўли билан билинар-билинемас ишора қилиб каравот остини кўрсатди.

— Василий, ола қол, ўша ерда эди.

Василий каравот тагидан эски, тўзиган бир жомадонни чиқарди. Ичидан кичкина, қизил латтага тугилган бўғчани топди. Наталья хола бўғчани очди:

— Бу пулни анча йиллардан бери йиғётган эдим. Бериб туриш керак сенга. Мен имконим етганча сабр қиламан, аммо Кузьма, унчалик кечиктириб юборма. Мадорим қолмади ҳеч.

— Яхшиси, тезроқ соғайиб кетинг, Наталья хола, — деди Кузьма нима дейишини билмай.

Кампир индамади.

— Агар чидолмасам, ўлиб қолсам, пулни Василийга қайтарасан. Фақат дарҳол, шу шарт билан бераман сенга. Ўлсам, ўз пулим ўзимга ярасин, — деди бир оздан кейин.

— Бераман, Наталья хола.

Кампир:

— Дафн маросимида келарсан? — деб сўради.

Кузьма бу саволдан ўзини йўқотиб қўйди.

— Албатта кел, ичиб мени ёдга ол. Кўп одам бўлади, сен ҳам келгин.

Наталья хола тутиб турган пулга қўл узатаркан Кузьма уни гўё нариги дунёдан олаётгандек бўлди.

Кузьма Наталья холага Мария йиғлапти деб айтган бўлса-да, у энди йиғламай қўйган эди. Ҳатто гапирмасди ҳам. Бирон нарса сўралса, икки-уч оғиз сўз айтар ёки ўзини эшитмаганга солиб, индамай қўя қолар эди. Одатдагидек рўзғор ишларини қилиб юарди-ю, аммо ҳеч нарсани кўрмаётгандек эди. Гўё кимдир уни етаклаб юриб нима иш қилиш кераклигини айтиб тургандек. Кейин ўзини каравотга ташлаб қимирламай ётаверарди. Болалар келиб овқат сўраса, у яна ўрнидан турар ва ойпарастлардек уй ичида куйманиб юраверарди.

Болалар ҳам қандайдир ювош тортиб қолган, бақиршмас, бўлар-бўлмасга югуриб тўполон қилмас эди. Ота-онасининг ҳар бир гапини тинглар, энди нима бўлар экан деб кутар, бир-биридан қолмай доим бирга юрар, нимадандир ҳадиксирар эди. Онасининг олдига келиб тизилишиб турар, у эса болаларини кўрмас эди гўё.

Уй катта, янги бўлса-да, унда одам зоти яшамайдигандек бир сокинлик ҳукмрон эди.

Яхшиси, Кузьма уйга келмаса бўларкан. Наталья хола берган пулни кўрсатиб Мариюни хурсанд қилмоқчи эди. У пулга оддий қоғозга қарагандек бир кўз ташлади-ю, нари кетди. Кузьма унинг нимадир дейишини кутган эди, у гапирмади. Марияга ҳеч нарсанинг фарқи қолмади ўзи. Бунга Кузьма тушунарди. Тўғри, кеча — биринчи кун, кўрқув кучли эди. Шу сабабдан Мария қаттиқ ташвишга тушиб қолган, нукул йиғлар, мени кутқар дея Кузьмага ялинар эди. Бугун эса жонсиз ҳайкалга айланди-қолди. Тикилиб турадию ҳеч нарсани кўрмайди, эшитадию бирон ниманинг фарқига бормади. Афтидан, бу ишлар бутунлай бир ёқли бўлмагунча: уни олиб кетишмагунча ёхуд мана, ҳаммаси яхшилик билан тугади, дейилмагунча аҳвол шундай давом этади. Шундан кейингина у яна аввалгидек яшай бошлайди. Яна йиғлайди, ҳаёти изига тушиши билан унинг кўнгли ҳам аста-секин юмшай боради. Уни ҳам тушуниш керак.

Кузьма ортиқ чидай олмади, уйдан чиқиб кетди.

Ҳавонинг авзойи бузуқ, осмонни қора булут қоплаган. Жимжитлик ҳукм суради. Ён-атроф худди эгаси ташлаб кетилгандек кимсасиз, ҳувиллаб ётибди. Гўё бу ернинг соҳиби кўчиб кетган-у, ҳали бошқа бирорта одам кўчиб келмагандек. Ҳаво ҳам шунга монанд — на куз, на қишлигини билиб бўлади. Куз ҳавоси одамларнинг жонига теккан, қиш бўлса ҳали-бери келадиганга ўхшамайди. Бунга фурсат етмагани учун осмонга кўтарилишга журъат қилолмаётгандек уйларнинг мўрисидан билинар-билинемас тутун ўрлайди. Бекорчиликдан ҳатто итлар ҳам нима қилишни билмаётгандек тунд қиёфада қишлоқ бўйлаб изғиб юради. Болалар ташқарига чиқмайди, деразадангина қараб туради. Кўчалар бўм-бўш, қишлоқ ортида сўппайиб қолган саргардон ўрмонгина қорайиб кўринади, холос.

Одамлар ниманидир кутаётгандек. Байрамларни, шу баҳона кўнгил ёзишни кутарди улар, албатта. Янги иш ва ташвишлар даврини — қишни кутарди. Қиш ва байрамларга янада яқинлаштирадиган эртанги кунни кутарди. Бугунги кундан ҳамма безган-у, унинг тезроқ ўтишини истаётгандек гўё. Бу кун Кузьмагагина омад бахш этди, у ўша омаднинг давомини кутар ва бунга умидвор ҳам эди.

Кузьма энди кимдан пул сўраш мумкинлиги ҳақида бош қотирарди. Ўйлай-ўйлай миясига тайинли фикр келмади, уйга боришга юраги безиллаб идорага бош суқди.

Раис уни кўриб:

— Ҳўш, ишлар қалай? — деб сўради.

— Ёмон эмасдек.

— Анча-мунча йиғилиб қолгандир?

— Ҳозирча унча кўп эмас.

— Қанча — айта оласанми?

— Агар бугун Евгений Николаевич олиб келса икки юз элликка салгина етмайди.

— Бори шуми?

— Ҳозирча шу.

Раис столи устидаги қоғозларни тартибга соларди. Кўринишидан нимадандир норозилиги сезилиб турар, қовоғи солиқ, нукул уҳ тортар эди. Қўлидаги папкани ёпиб бир четга қўйиб, бошқасини олди, қоғоздан кўз узмай сўради:

— Қолганини қаердан оласан? Бирор мўлжалинг борми?

— Суриштириб юрибман, мана, — деди елка қисиб Кузьма.

Раис қоғозларига кўмилганча узоқ жим қолди. Кузьма унга халал бермай дея кетиш тарадудига тушган эди, раис:

— Утир!— деди бўйруқ оҳангида.

Кейин эса Кузьманинг бор-йўқлигини ҳам унутиб юборгандек ўз ишини қилаверди.

Кузьманинг хотирасида қирқ еттинчи йилнинг сентябрь ойи жонланди: ғалла айни етилган, йиғим-терим авжига чиққан палла. Шу вақтда денг, колхоз машиналардан фойдаланолмай қолса, ёқилғи йўқ эди. Раис ҳафтанинг деярли беш кунини туман марказида ўтказар, райкомдан МТСга чопар, рост-ёлгон ишлатиб, иложини қилиб ёқилғи ундирар эди. Бу машиналарнинг атиги икки кун юришига етарди. Об-ҳаво ҳам худди буюртма қилиб сўралгандек — осмонда булутдан асар ҳам йўқ эди. Шундоғ ҳам яхши ҳосил қилмаган буғдой бошоғидан тўкила бошлади. Айниқса, уруш даври ва ундан кейинги очарчилик йилларидаги қийинчиликлардан сўнг дон тўкилишига шунчаки қараб туриб бўлмасди. Одамлар яна кўлларига ўроқни олди, отларни кўшди, хуллас, шу тарзда ғалла ўрила бошланди. Уруш даврида нафақат одам, ҳатто отлар ҳам уч баробар қирилиб кетган бўлса, бу аҳволда қанча ҳам ғалла ўрилар эди дейсиз?

Ўша кунни иблиснинг ўзи бир баржани қирғоққа ҳайдаб келган эди, ҳойнаҳой. Хотинлардек гўштдор шкипер<sup>1</sup> иштонининг почаларини қайириб олиб кунни билан балиқ овлади. Кечқурун эса соҳил бўйида гулхан ёқиб балиқ шўрва пиширди. Яхши ёниши учун у шиша идишидаги бензиндан оловга сепарди. Раис ўша ерга — гулхан ёнига борди.

Улар тезда тил топишишди. Эрталаб одамлар қирғоққа икки бочка ёқилғини тушириб олгач, баржа жўнаб кетди. Ўша кунёқ трактор ёрдамида комбайн далага судраб борилди. Кузьма эса машинасида

<sup>1</sup> Ш к и п е р — савдо кемаси капитани.

ғаллани ташиди. Хуллас, шкипердан ёқилғи сотиб олинганини бутун қишлоқ билар, бунинг оқибати нима билан яқун топиши эса ёлғиз раисагина яхши аён эди.

Раисни ноябрнинг бошларида ҳибсга олишди, худди йиғим-теримни тугатишини кутиб тургандек. У байрамни уйда ўтказишга изн сўраган эди — рад жавоб беришди. Қишлоқ аҳлига ҳам бу байрам татимади. Аввалига раиснинг нега қамалганини билолмай ҳамма ҳайрон бўлди: ахир ёқилғини у ўғирлаб эмас, сотиб олган бўлса, бунинг устига, ўзига эмас, колхоз учун. Негаки МТСда ёқилғи йўқ эди, ғалла эса кутиб турмайди. Кейин одамларга тушунтиришди: ёқилғи давлатники бўлиб, аслида, уни сотишга шкипернинг, сотиб олишга раиснинг ҳаққи йўқ экан. Буни биров тушуниб, биров тушунмади. Колхоз мажлис ўтказиб, раис учун жон куйдириши керак бўлган уч вакилни тайинлади. Тўғри, улар қўлидан келганини қилди — неча бор туманга, бир марта вилоятга ҳам борди, ҳатто Москвагача ёзишди, аммо ҳеч нимага эришишолмади. Эҳтимол, бунинг раисга зиёни теккандир, негаки, у ўн беш йилга кесилиб кетди. Мана бунисига энди ҳайрон қолмай илож йўқ эди.

Раис эллик тўртинчи йили — амнистиядан кейин озодликка чиқди. Уни яна колхозга раҳбар этиб тайинламоқчи бўлишган эди — мумкин эмас экан, ахир судланган, партиядан ўчирилган. Бригадир бўлиб юрди. Беш йиллар аввал, қишлоқликлар вилоятга ёзиб унинг қайта такланишини сўрашгачина рухсат берилди. Бу орада қанча раис алмашди, ярим қишлоқ колхоздан чиқиб кетди. У эски лавозимига худди ўшандагидек кеч кузда, йиғим-теримдан сўнг чақирилди. Гўё ҳеч гап бўлмагандек, бу икки куз фасли ўртасида ўн йилдан ортиқ вақт ўтганини ҳисобга олмаганда, албатта.

Раис қоғоздан бош кўтариб, эшикка қараб қичқирди:

— Полина!

Бухгалтерияда ишлайдиган Полина югуриб кирди.

— Полина, қара-чи, мутахассисларимиз ойига қанча оларкан? Мени ҳам қўшиб ҳисоблаганда?

— Ҳаммаси бўлибми?

— Ҳа, ҳаммаси бўлиб.

— Буни шундоғам биламан: олти юз қирқ сўм.

Раис ўйланиб туриб, сўради:

— Ҳисобчи келмадими ҳали?

— Йўқ, у кечга томон келади.

— Ҳа майли, боравер. У ердан бирортасини айтиб юбор, олдимга кирсин.

— Кимни айтай?

— Маош оладиганларнинг ҳаммасини. Муҳим иш бор экан де, йўқса, бир-бирига солади. Уларни икки соат кутиб ўтиришга вақтим йўқ.

Кейин Кузьмага қараб:

— Сен ўтиравер, — деди.

Ва яна қоғозларини титкилай кетди.

Мутахассислар бирин-кетин кела бошлади.

Биринчи бўлиб яқиндагина даволанишдан қайтган агроном кириб келди. Унинг ошқозонидаги яра айна йиғим-терим авжига чиққан маҳал қаттиқ безовта қилиб, мазаси қочган, шундан кейин у сиҳатгоҳга жўнаб кетган эди.

У қишлоққа икки йиллар аввал қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан юборилган. Узоқ колхозга ўз ихтиёри билан келгани сабабли ҳам уни кўпчилик ҳурмат қиларди. Тўғри, бошида уни хушламайгина қарши олишган: раҳбар ловозимда ишлаган бўлса, доим кабинетда ўтирган, ким билсин, у билан қандай гаплашиш керак? Ёки агроном бўлиб келган-у, аслида, авваллари ҳар бир колхозга юбориладиган вакиллардан эмасмикан, деган гумонлар ҳам йўқ эмас эди. Кейинчалик агрономни кузатиб юриб бу хавотирлар ҳам унутилиб кетди: у ўз ишини сидқидилдан бажарар, ёз кунлари эрталабдан қора кечгача даладан бери келмас эди. Хуллас, тез орада у қишлоқнинг ўз одамига айланди-қолди.

Агроном саломлашиб савол назари билан раисга тикилди. Раис жавоб ўрнига:

— Ўтириб тур, озроқ кутайлик-чи, — деди.

Бир вақт молдўхтир келди. Қишлоқда жуда кўп йиллардан буён яшагани учунми, унинг мутахассис экани унча-мунча одамнинг эсида ҳам йўқ эди.

Кейин зоотехник — овози эркакларникидек йўғон, гавдаси йирик аёл келди. У вазмин, камгап эди. Аммо бундай овоз ва куч билан узоқ вақт индамай юриш мумкин эмасдек ва у, албатта, ҳозирнинг ўзида нимадир содир этиши тайиндек колхозда ундан ҳамма ҳайиқарди.

Фақат механик келмади. Раис бетоқатланиб эшикка қараб вайсай кетди:

— Қачон айтилган вақтда у дарров етиб келган ўзи! Ўн марта таклиф қилиш керакми, билмадим.

Ниҳоят, ҳали кўкрагидан институт нишонини ҳам ечмаган ёш йигит — механик ҳам пайдо бўлди. У бошқалар бу ерда ўтирганида, худди қаттиқ ишлаб ҳориган одамдек оғир қадам босиб келиб диван четига ўрнашди.

Мутахассислар бир томонда диванда, Кузьма эса ёлғиз ўзи уларнинг рўпарасида ўтирар эди.

Афтидан, раис ҳам улар билан ҳал этмоқчи бўлган иши осон эмаслигини энди англаб етган эди, гапни нимадан бошлашни билолмай тараддулланиб қолди. Буни сезгандек мутахассислар ҳам жим ўтирарди.

Ниҳоят раис гап бошлади:

— Хўш, сизларни бу ерга нима учун тўплаганимни айтай энди. Биласиз, эртага маош оладиган кунимиз. Агар кечқурун ҳисобчи пул олиб келса, сиз эртага уни олишингиз мумкин, албатта. Аммо бизда бир муаммо чиқиб қолди. — Раис бунинг қанчалик муҳим эканини ўтирганлар англасин, дея бир муддат тиң олди, кейин яна босиқ овозда, бир маромда гапида давом этди: — Ёзда, баҳорда ҳам биз бир неча марта маошингизни кечиктириб берган эдик. Ойликкача амал-тақал қилиб яшаган, йўлини топган эдингиз ўшанда. Аминманки, биз яна шундай имкон топа оламиз, пулни эса Кузьмага бериб турайлик, демоқчиман. Унинг бошига тушган савдодан ҳаммангизнинг хабарингиз бор. Уч кун ичида минг сўм топиши керак. Бундай вақтда биз ёрдам қилмасак, шунча пулни у қаердан ҳам олади? Ҳисобот мажлисидан кейин унга қарз пули бермоқчимиз-у, аммо буни кутишга вақт қани бизда? Кейин кеч бўлади-да. Биз бир кунимизни кўрамиз, ҳеч бало қилмас. Ана колхозчилар яшаяпти-ку. Хуллас, таклифим шу. Келинлар, бу муаммони ҳал қилайлик. Аммо айтиб қўяй, бунга ҳеч кимни мажбур қила олмаймиз.

Кузьманинг “дод” деб юборишига оз қолди:

— Бу нимаси, нима деган одам бўламан мен энди? Ҳеч бўлмаса, гап шу ҳақда бўлишини олдиндан айтиб, огоҳлантириб қўймасмидинг?

— Сендан ҳеч ким гап сўрамаяпти. Сўраганда — гапирасан, — деди раис унга қараб. — Хўш, ўртоқ мутахассислар, нима дейсиз бунга? Ҳеч ким чурқ этмади.

Кузьма улар томонга қарай олмасди ҳам. Номусдан ўзини гўё ойнадек шаффоф ҳис этар, одамда бўладиган барча ожиз ва беҳаё томонлари кўриниб тургандек ноқулай аҳволда қолган эди. Кузьма уларнинг олдида ҳукм қилинишини кутаётган жиноятчидек ўтирар, раҳм қилинишини хоҳлардимми ёки йўқми, айти пайтда бу ҳақда ўйлаёлмас эди. У фақат уялар — ёши бир жойга борган одамгина ҳис эта оладиган аччиқ ва аламли шармандалиқдан қочгани жой тополмас эди. Ҳозир (кейин нима бўлса бўлар, айти чоғда бунинг деярли фарқи йўқ) уларнинг ҳатто рад жавоб беришини истарди. Шундагина бировнинг олдида тили қисик бўлиб қолмайди, ўзини қарздор ҳис этмайди.

Шу вақт кимдир:

— Бериб туриш керак, албатта, — деб қолди.

— Ҳа, бериш керак, — қатъий овозда такрорлади раис. — Айтипман-ку, биз бир амаллаймиз, унинг эса бошқа чораси йўқ. Биладан, ҳаммангиз ҳам маошингизни нималаргадир мўлжал қилиб юргансиз. Ноябрьда бир йўлини топиб банкдан пулни олдинроқ олишга ҳаракат қиламиз. Гап шу. Хуллас, эртага фақат ҳужжатга имзо чекиб кетишингизга тўғри келади. Пулни Кузьмага берамиз. Кимнинг эътирози бўлса ҳозир айтсин.

— Розимиз, албатта! — жавоб қилди ҳамманинг номидан агроном. Бошқа ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Ундай бўлса, Кузьма, эрталаб келиб пулни оласан. Полина ҳаммаси бўлиб олти юз қирқ сўм деб айтди. Тўғри бу ҳам етмайди, аммо бори шу. Ҳисобчига ҳам айтиб қўяман.

— Мен тушунмадим, биз маошимизни тўлиғича унга беришга мажбурми? — деб қолди бир пайт ёнида турганларга қараб хавотир билан молдўхтир.

— Сен ҳеч нимага мажбур эмассан, — деди гаши келганини яширмай раис. — Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Бермайман десанг ҳам хоҳишинг — пулингни олавер. Нега боя индамаган эдинг? Биз ойлигимизни тўлиғича бермоқчимиз, сен ўзинг биласан. Гап шу.

— Мен ҳам розиман, албатта розиман, — деди шоша-пиша бош силкиб у.

— Яна ўйлаб кўр.

— Розиман, розиман.

— Менга ҳамма пулни беришингиз шарт эмас, — деди Кузьма раисга қараб ва ўрнидан турди. — Нима, мен катта йўлда турган қароқчиманми? Улар ҳам яшаши керак-ку, ахир! Маошнинг ҳаммасини мен олсам, улар нима қилади? Хўп, шундай ҳам экан, агар рози бўлсангиз, келинлар, мен ярмини олай, ярми ўзингизга қолсин. — Энди у мутахассисларга қараб гапира кетди: — Шундай қилсак-чи? Йўқса, бу нима деган гап, ахир? Демак сиз ишлаб...

Раис унинг гапини бўлди:

— Биз билан савдолашиб ўтирма. Берса — ол, урса — қоч, савдолашишнинг эса ҳеч кераги йўқ.

— Нима, бундан чиқди менда виждон дегани йўқ экан-да?



— Виждон ҳақидаги сафсатагни бошқаларга ўқи! Виждон дейди-я бу. Нима, сенингча бизда виждон йўқми? Виждон деб бош қотиргандан кўра, қолган пулни қаердан топаман, деб ўйласанг бўлармиди. Виждоннинг бори сенга берилган экан, бошқаларга қолмабди, ҳа. Пулни уйимга олиб келиб беришади, деб ўйлайсанми? Кутиб ўтиравер бўлмаса! Ана Степанидадан инсоф билан сўраган эдинг, хўш, қанча берди у сенга? — Раис жаҳл билан столи устидаги қоғоз солинган папкаларни у ердан олиб бу ерга ташлади. — Эртага келиб бор пулни оласан ёки Марияга қаттиқ нон ғамлайверишинг мумкин. Билгинг келаётган бўлса, пул менга ҳам зарур, аммо сенга беряпман, негаки, мен бир иложини қиламан, сен-чи, шуни олмасанг уйим куйди деявер. Бошқалар ҳам амаллайди, ғам ема. Сен виждонли бўлсанг, билиб қўй, бизда ҳам ундан оз-моз бор.

— Ахир мен...

— Бас. Гап тамом! Кетмоқчи бўлганларга жавоб.

Механик дарров кетди. Зоотехник ҳам ўрнидан турди, раисдан секингина ферма билан боғлиқ нималардир ҳақида сўради-да, эшик томон йўналди. Мол дўхтири ҳам атрофга аланглаб тез-тез юриб чиқиб кетди. Хонада уч киши: раис, агроном ва Кузьма қолди.

Кузьма аввалги жойига, агрономнинг рўпарасига ўтирди.

Оғир сукунат чўкди.

Ниҳоят, агроном ҳам жойидан қўзғалди, қўл бериб раис ҳамда Кузьма билан хайрлашди. Раисга имо қилиб Кузьмага:

— У бизни мажбурлаб кўндиргани йўқ. Сен хавотир олма. Тўғри қилди. Ҳеч тортинмай олавер пулни. Ўз пулим деб ҳисобла, — деди.

У дўстона бош ирғаб чиқиб кетди. Кузьманинг ҳам кетиш тарадудига тушганини кўриб раис:

— Мени кутиб тур, — деди унга.

Сўнг столи устидаги папкаларни ғаладонга ташлади, сейфни ёпган-ёпмаганини текширди ва кийина бошлади.

Қош қораяётган палла, икки-уч уй ойнасидангина хира ёғду кўзга ташланар, атроф деярли қоп-қоронғи эди. Бутун қишлоқ худди узоқлардан келиб дарё бўйига жойлашган-у, дам олиб яна аллақерларга йўл оладиган табордек ҳорғин мудраб ётарди.

Аслида эса қишлоқ аҳли айни дамда ухлаётгани йўқ. Ҳозир куннинг тунга алмашадиган оралиқ палласи. Бундай пайтда гўё ҳеч иш қилиб бўлмайдигандек. Борлиқ буткул зулматга бурканганидагина уйқуга ётгунча яна қандайдир юмушларни қилиш мумкин бўлади, ҳозир эса шунчаки кутмоқ керак — бу ана шундай бесамар ўтказиладиган вақт, деб ўйлайди одам, табиийки, ўзи қаттиқ чарчагани учунгина унга шундай туюлади.

Йўлма-йўл индамай кетишди, уйига етгандагина раис:

— Шошилмаётган бўлсанг, уйга кирайлик, — деди.

Раис эшик қулфини очиб, чироқни ёқди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. У очилган шишадан иккита стаканга яримлатиб қуйди, чўмичда сув олиб келди. Шишани кўрсатиб:

— Спирт, — деди.

— Қаердан топдинг бунини?

— Қачондан бери турибди. Баҳорда конга борганимда битта сотиб олгандим. Озроқ қолган эди шундан. Қани олдик. Мария учун, ёмон жойларга тушишдан асрасин уни.

Кузьманинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. У ичиб, ўша қўзғалай деб турган оғриқни спирт билан босгандек бўлди. Орқасидан сув ичиб, нафасини ростлаб олди. Ҳеч бир аламсиз, вазмин овозда:

— Мана энди иложи топилди, деявер. Катта ёрдам қилдинг менга, — деди.

— Анави ярамас Степанидага ҳали кўрсатиб қўяман. Янги йил бошлансин, — деди таҳдид билан раис.

— Балки, ростдан ҳам пули йўқдир.

— Э, нималар деяпсан? Мана яқинда, сентябрдагина сигири учун қанча тўладик унга! Нима пулни ейдими у? Ётибди-да бир жойда, латтага ўралган!

— Қўявер, унга тегма. Шунақа одам-да. Ўзи бермаса, қандай қилиб ҳам олсан?

— Бир сиқувга олай, ана шунда тушунади. Пул шунчаки ётибди, ҳеч бир наф келтирмай, йўқ, бергиси келмайди. Ундан кўра жойида ётаверсин, дейди-да. Энди аҳволига бир қара! Узиники бўлсаям, бориб бирон нарса сотиб ололмайди пулига. Одамлар кўради, ёлғони фош бўлади. Бир сўмлаб ишлатишига тўғри келади энди, бошқа нимаям қиларди. Узига ўзи жазо топибди. Бунинг устига, одамлар ишончидан ҳам айрилди. Ундан кўра шу пулни сенга берса бўлмасмиди. Йўқ, хасислиги йўл қўймайди бунга.

— Э, қуриб кетмайдими. Мен ўзи унга унчалик ҳам умид қилмаган эдим. Шу, мутахассисларнинг олдида ноқулай бўлди-да, кўнглим жуда гаш. Ахир шу маошни қанча кутишган. Энди бўлса мен олсам пулни. Мендан хафа бўлишаётгандир эҳтимол. Уларни мажбур қилдинг, табиийки, сендан ҳам норози бўлишган.

— Ҳечқиси йўқ, бир амаллашади. Хўп, дейлик, эртага сен агрономнинг олдига пул сўраб борсанг, бундай ўйлаб қаралса, ҳозир унинг ўзиям ростдан пулга эҳтиёжманд, балки у сенга озроқ бериб турарди. Лекин бунинг унчалик фойдаси тегмайди сенга, тўғрими? Ветеринар-ку, умуман бермасди. Негаки, ёлғиз бўлганда йўқ дейиш осон. Уларни атай бир ерга тўпладим. — Раис кулиб қўйди. — Мен биламан, кўпчиликнинг олдида шунчаки рад этиш қийин, ҳеч биримиз бошқаларга заиф томонларимиз ошкор бўлиб қолишини истамаймиз, ахир. Ёлғиз бўлсанг — кўпроқ ўз манфаатингни ўйлайсан, алдовингни биров билмайди, чунки гувоҳларсиз гаплашяпсан. Бу кўп синовдан ўтган усул.

— Ҳа, ростдан ҳам, — маъқуллади ҳайратланиб Кузьма.

— Бу ҳақиқат. Мен қамоқда ўтирганимда телбасифат, ғалати бир одам бор эди. У айнан шу ҳақда қалин дафтарни тўлдириб аллампалоларни ёзган. Ўша дафтарда ўйлаб чиқарилган, тўқилганлари ҳам кўп эди-ю, аммо шунисини аниқ эслайман, буни мен олдиндан билардим ўзи, ҳаётда кўп синаганман.

— Доим сендан бир гапни сўрамоқчи бўламан, — деди Кузьма. — Қамалганимда, биздан хафа бўлганмисан?

— Кимдан — сиздан?

— Мендан, дейлик, бошқа ҳамқишлоқларингдан. Ўша ёқилгидан ҳаммамиз фойдаланганмиз-у, жабрини фақат сен тортдинг. Ўз фойдангни ўйлаб қилмагансан-ку бу ишни.

— Сизлардан негаям хафа бўлардим? Бунга сиз айбдор эмассиз.

— Айбимиз бор-йўқлиги бу — қайси томондан олиб қарашга боғлиқ.

— Қўйсанг-чи, Кузьма, — деди қўл силтаб раис. — Бу ҳақда гапиришдан энди нима фойда?

Шиша тагида қолганини ҳам қуйиб ичишди. Раис хаёлга чўмиб қолди. У спирт таъсирида қизариб кетган, аини чоғда раҳбарга ҳам ўхшамасди: юзи қандайдир гўштдор бўлиб кўринар, доимий

қатъиятидан асар ҳам йўқ, кўзлари ғамгин боқар эди. Агар Кузьма унинг қанча ичганини кўрмаганида маст деб ўйлаши тайин эди.

— Сизлардан хафа бўлган-бўлмаганимни сўрадинг-а? — деди бир вақт раис тетик овозда ва Кузьмага қаради. — Албатта, бунга сизнинг ҳеч қандай дахлингиз йўқ. Эҳтимол, аввалига мен учун унчалик қайғурмаяпсиз, деган хаёлга боргандирман. Ўз манфаатимни кўзлаб эмас, колхоз учун қилдим-ку, буни ҳисобга олишади, колхоз қафолатнома ёзиб берса, мажбурий меҳнатга қўйишади, холос, деб ўйлаганман. Ахир менга шунинг ўзиям етарли бўларди. Судда кўраманки, иш менинг зиёнимга қараб кетяпти. Ана шундай, — деди раис ҳалигача буни тушунолмагандек. — Хафа ҳам бўлганман кейин бошқа нарсадан. Албатта, ёқилғи билан боғлиқ ишда менинг айбим бор эди, буни инкор қилмайман. Лекин яхшилаб ўйлаб кўрилса, айбдор ёлғиз мен эмас эдим-ку. Аслида, ёмон ниятда ҳам олмаганман-ку ўша ёқилғини. Зарурат мажбур этган: ғаллам далада тўкилиб ётган бўлса. Ёқилғи вақтида етказиб берилмаган экан, назорат яхши бўлмаган-да. Демак, юқоридагилардан ҳам кимдир айбдор бўлиб чиқади. Аммо ким ҳам айбни бўйнига оларди, ёлғиз менгина ҳукм қилиндим.

— Шуни айтяпман-да, мен ҳам.

— Мени қайта раисликка тайинламоқчи бўлишганда аввалига рад этдим. Кейин ўйлаб қарадим, кимга инжиқлик қилияпман мен ўзи? Колхозгами? Ахир кўргиликларимга колхоз сабабчи эмас-ку. Давлатгами? Шуниси етмай турувди ўзи... — Раис индамай қолди, сўнг қулиб, аммо қатъий оҳангда: — Ҳаётимнинг етти йили бекор кетди, шунисига қуяман, — деди.

Уйда Кузьмани Евгений Николаевич кутаётган экан.

— Узоқ қолиб кетдинг, Кузьма. Бу ерда ўтириб ўйладим: агар тоғ Муҳаммаднинг ёнига келмаса, Муҳаммаднинг ўзи унинг ёнига боради, деб.

— Кўп кутиб қолдингизми, Евгений Николаевич?

— Келганимга анча бўлди. Аммо узил-кесил ғалабани кутишга қарор қилдим. Мен ваъда қилдимми — бажарадиган одамман. Бугун омонат кассасига борсам, таъмир қилинади, шунга ёпиляпти деб қолишди. У ёққа бордим, бу ёққа бордим, гап шу — беролмаймиз, дейишди. Охири бошқарувчининг уйигача бордим. Яхшиямки, мени танийди. Беришди кейин. Омадинг бор экан, Кузьма.

— Қаранг-а, зўр бўлибди-ку!

— Ҳа, шундай. Ҳали-бери келавермаганингдан кейин, балки бекорга шунча жойга бориб, беҳудага шунча югургандирман, ўзи топгандир, деб ўйлаётган эдим. Аммо кетмай кутиб ўтиравердим. Ахир ваъда қилдим — энди охирагача гапимда тураман-да. Хафагарчилик бўлиб юрмасин ўртада яна, дедим.

— Қанақа хафагарчилик бўлиши мумкин, Евгений Николаевич! Раҳмат сизга.

— Демак, пул керак экан-да.

— Бўлмасам-чи, Евгений Николаевич.

— Ундай бўлса, ол. Мана, кам пул эмас, санаб ол.

Кузьма Евгений Николаевичнинг қўлидан бир боғлам пулни олиб чўнтагига солди.

— Нимасини санайман? Тўғри-ку.

— Майли, ўзинг биласан. Мен сени алдамайман. Сўз берган эдим — устидан чиқдим. Яримта қўясан-да энди.

— Гап бўлиши мумкин эмас, Евгений Николаевич.

— Э, йўқ, ҳазиллашяпман. Бу шунчаки йўлига айтиладиган гап. Кейинроқ ҳамма ишингиз изига тушиб кетгач, ичишга ҳам гал келади. Ҳозир мавриди эмас. Биламан, айти пайтда тийин ҳам сен учун қадрли. Инсоф ҳам керак-да. Бир-биримизга шундай холис ёрдам қилмоғимиз даркор, фақат фойдани кўзлайвермай...

— Сизни ташвишга қўйдим-да, Евгений Николаевич.

— Ҳечқиси йўқ. Сенга гина қилиб айтмаяпман. Қўлимдан келганини қилдим. Ўзимизникисан. Бошқа сафар сен менга ёрдам қиларсан. Одамлар билан яшагандан кейин одам бўлмоқ керак-да. Акс ҳолда ҳурматинг ҳам бўлмайди. Тўғри айтяпманми?

— Ҳа, гапингиз тўғри.

— Ана, кўрдинг! — Евгений Николаевич атрофга аланглади. — Нима, Мариянинг тоби йўқроқми?

Кузьма Мариянинг қаерда эканини билмасди, ҳар эҳтимолга қарши:

— Ҳа шунақа, — деди.

— Қаери оғрияпти?

— Боши.

— Ҳа, бу унчалик ваҳимали эмас, ўтиб кетади.

Остонага етганда Евгений Николаевич секингина:

— Хўш, колхоз қарз берарканми сенга? — деб сўради.

— Ваъда қилишди.

— Яхши. Қачон беришса — ўшанда қайтарарсан. Сени шоширмайман. Сенга ишонаман, биламан сенда қолиб кетмайди. Хўп, энди мен борай.

Мария каравотда ўтирар, тиззасига қирралари тўзиб кетган эски альбомни кўйиб олиб расмларни томоша қилар эди. Кузьма унинг ёнига келди, Мария ўзининг ўттиз йил аввалги расмига тикилганча хаёлга толган эди: йўғон ўрим сочи ўша вақтнинг урфига кўра елкаси оша ташлаб қўйилган, кулча юзлари дўмбоққина — келинмисан-келин. Ҳали бола туғмаган, ғам-ташвиш нелигини билмаган, йиғлаган бўлса ҳам арзимас баҳона-сабаб болаларча йиғлагандир. Ўша вақтда фақат исми, шу қишлоқда туғилиб-ўсганию кейин ҳам шу ерда яшайверишидан бошқа нима ҳам маълум эди унга? На уруш ҳақида, на болалари, на дўкону камомад тўғрисида биларди, ахир. Дунёда ғам-ғусса тортгани одам дегани камми, мен — кўзга ҳам ташланавермайдиган қишлоқи бир қизнинг бошига бундай фалокатлар тушмас, дея кўнглидан ўтказарди у. Ҳаётда кўзёш, ғам-алам, қийинчиликлар ҳам бўлиши мумкин-ку, деган ёмон хаёлларни эса иложи борича миясидан қувиб соларди. Энди бўлса ғам чекиб, ўзига — ўша ҳеч гапдан беҳабар қизга тикилиб ўтирибди, унга ҳаваси келяпти. Мана, кўз очиб-юмгунча у билан бир умрга видолашиш вақти ҳам етибди. Олдин ҳеч қачон бундай аҳволга тушмаган эди. Бугун мавриди келган экан — ўтириб шуни англадики, расмдаги қиздан асар ҳам қолмабди, ҳа, ҳеч нима — исмию хотираларидан бўлак. Бошқа ҳаммаси худди урушдагидек изсиз йўқолган. Эртага нима бўлади, бунга ўйлашнинг ўзи даҳшат.

Кузьма:

— Бугун ишим ўнгидан келди, бу ёғига арзимаган пул топиш қолди, — деди Марияга далда бериш мақсадида.

Мария чурқ этмади. Альбомни тоқчага қўйиб, хонадан чиқиб кетди. Кузьма унинг ортидан чиқмади. Каравотга ўтиргачгина ниҳоятда чарчаганини ҳис этди. Уни уйқу босарди.

Кимдир унга тикилиб тургандек туюлди — бошини кўтариб қараса Мария экан. У Кузьмага меҳмонхонадан гўё боя нима деганини эсламоқчи бўлаётгандек қараб турар эди. Кузьма меҳмонхонага ўтган эди, Мария ошхонага чиқиб кетди. Кузьма ошхонадан ҳам Мариянинг ўша гапни ҳеч эслаёлмаётгандек ўзини қузатаётганини ҳис қилди. Кузьма кутди, аммо Мария ҳеч нимани сўрамади.

Кузьма ечиниб ўринга ётди.

Иккинчи кун шу тариқа поёнига етди.

Бир вақтлар — ёш йигитлигидаёқ Кузьма шу нарсани англаб етган эди: ҳар бир кун шунчаки, ҳамма учун бир хил келмайди, у фақат бир одамга омад келтиради. Бу — унинг куни бўлади. Айтайлик, бирор одамнинг ҳеч омади кулмаса, бир-икки ой давомида у учун нуқул бегим кунлари бўлаверса, бундан ҳеч кўнгил чўкиши керак эмас, демак, ҳали унинг куни келмаган-у, аммо яқинлашиб қолган.

Кўзларини уйқу элитар экан, Кузьма шунга амин эди: бугунги кун айнан уники. Эрталаб омади бундай кулишини ҳатто орзу ҳам қилолмасди. Аввалига Гордей ота ўн беш сўм олиб келди, юз сўмдан кўпроқ Наталья хола берди. Кейин раис мутахассисларни йигиб пул ҳақида маслаҳатлашишди ва қарабсизки, бир дунё пул, эрталаб бориб олиш керак, холос. Уйга келса, Евгений Николаевич кутаётган экан, ваъда қилган юз сўмни бериб кетди. Бугун кун қандайдир туманли, ёқимсиз эди-ю, аммо у қанчалик омадли, баракали келганини-чи! Бунинг устига, айнаи вақтида, чунки Кузьманинг кўчага чиқиб дод деб юборишдан бошқа чораси қолмаган эди.

Кузьма бугунги кундан ҳам, одамлардан ҳам ёрдами, яхшилиги учун миннатдор, мамнун бўлиб хотиржам уйқуга кетди. У шу қадар бахтли эдики, ҳатто ўз куни ортда қолганини ҳам унутиб қотиб ухларди.

Ярим кечаси Кузьма йигитнинг овозидан уйғониб кетди.

— Кузьма! Ҳой Кузьма! Ухляяпсанми?

— Нима дейсан?

— Чекишдан бер. Шундай хумори тутяптики, ўлай деяпман, ўзимники қолмабди.

Кузьма ўрnidан туриб, девордаги сим тўрдан тамакисини пайпаслаб топди ва йигитга ирғитди. У эса:

— Қандай яхши. Чидолмасман деб ўйловдим, — деди хурсанд бўлиб.

Кузьманинг уйқуси қочди. У ҳам йигитнинг орқасидан пастга тушди. Шитирлаган овоздан кампир ҳам уйғониб кетди, аланглаб бошини кўтарди.

— Ухланг, ухлайверинг буви, бу — биз, — дея шивирлади йигит.

Улар йўлакка чиқди. Ҳеч кимса йўқ, мудроқ, гира-шира қоронғилик ҳукмрон. Тунги зулматни тўсиб турган ойнадаги пушти ранг пардалар билинар-билимас қимирлайди, гилам остидаги полнинг ҳам секин-секин тебранаётгани сезилади.

Вагон ойнаси ёнида рўпарама-рўпара туриб чекишади: йигит шошилиб, ҳузур қилиб, Кузьма эса одатича, хотиржамлик билан. Тутун йўлак бўйлаб вагон охиригача таралиб боради, у ерда айланиб кўздан йўқолади.

Йигит хумори қониб секин чека бошлади ва Кузьмага қараб:

— Сени уйғотганимга жаҳлинг чиқмадимми? — деди.

— Шунчаки кўзим илиниб-илинмай ётган эдим ўзи.

— Нега?

— Кундузи ухлаб олганимданми, билмадим. Етиб ҳам қолдим ҳисоб.

— Шунақа дегин. Мен маст бўлсам доим шу аҳвол — яхши ухлолмайман.

Кейин ён томонга кўз қирини ташлаб, ўзини бепарводек тутиб деди:

— Анави чол билан кампирни айтаман, жа ажойиб экан-а. Эътибор қилдингми?

— Ҳа, ажойиб.

— Улар ростдан шунақами ёки атай қилишяптими?

— Менимча, аслида шунақа. Одамлар ҳам ҳар хил бўлади-да.

— Серёжа, Серёжа деб эркалашини-чи. Қўйиб берса, бошини ҳам силайди-я. Чоли тушмагур ҳам индамайди, худди шундай бўлиши керакдек. Ўрнида мен бўлсам, уятдан ўлардим — яна одамларнинг кўз ўнгида-я.

— Улар ўзи шунақа чоғи.

— Умуман хиёнат қилмаганман, деб чол алдади.

— Ким билади дейсан? Балки ростдир. Назаримда алдамаяпти.

— Кампир-ку, унга ростдан ҳам ишонади. Кўриниб турибди. Пайқаддингми?

— Ҳа, гапинг тўғри.

— Ишонса, ўзи ҳам хиёнат қилмайди. Уруш тугагунча кутибди-я, қара. Ўзи бўладими!

Йигит чекишдан тўхтаб, лабини тишлаганча ўйланиб қолди.

Кейин:

— Бунинг учун нишон берса арзийди. Аёллар учун ана шундай махсус бир нишон ўйлаб топилганида эди.

Уларнинг овозини эшитган проводник аёл хонасидан чиқиб шу томонга кела бошлади. Келиб, индамай қараб тураверди.

— Чекапмиз, — деди йигит унга.

— Чекишга бошқа жой топилмадими?

— Шанғиллашни бошлама дарров. Қанақасизлар-а ўзи сизлар! Ана биз билан бир кампир кетяпти, умри бино бўлиб чолига бирон марта овоз кўтариб гапирмаган экан, билдинг, ўшандан ибрат олсанг бўлмайдими? Сизлар-чи, арзимаган нарсагаям акиллайверасиз. Мана қанақа булар! Нега авваллари аёллар бошқача бўлган экан-а?

— Ҳа, ҳақорат қилавер-чи...

— Ким сени ҳақорат қилипти ўзи? Сен билан нима ишим бор менинг! Шунчаки, тушунтирмақчиман, холос.

Ростдан ҳам у таҳқирлайдиган эмас, балки кўп қийналган одамнинг ранжиган, шикоятмуз оҳангида гапирар эди. Аёл ҳам ўйлаб кўриб нари кетди. Йигит иккинчи тамакини тутатиб, ўйчанлик билан деворга суяниб қолди. Бирдан шаҳаргача қанча қолганини сўраши кераклигини эслаб Кузьма проводник аёлнинг ортидан югурди. Яна уч соат юриларкан. Энди ётишнинг ҳам ҳожати йўқ. Кузьма шошилмасдан йигитнинг ёнига қайтиб келди.

Йигит қаерларгадир тикилганча Кузьмага:

— Умуман олганда, хотиним ёмон эмас эди. Турмушимиз бўлмади-да, — деди.

— Балки ўзинг айбдордирсан.

— Нима десам экан сенга, Кузьма? Тўғри, айбим бор десам ҳам бўлади, йўқ десам ҳам. Ичардим, рост. Бошқаси бўлганда бунга аллақачон кўникарди, яшаб кетардик. Ичадиган фақат менми? Хотинлар кўникади-ку, ахир. Шунчаки номига жаврайди-ю, яна ҳеч нима бўлмагандек бирга яшайверишади. Кўриб юрибман-ку, ахир. Бунинг эса бирдан жини кўзиб, гапидан қайтмаслигини кўрсатиб

қўймоқчи бўлдию кетди-қолди. Ҳар куни ичиб келаётган бўлсам, бошқа гап эди. Араққўр эмасман-ку. Шу, кайфиятга қараб, дўстлар билан бўп туради-да баъзан. Кўп пул топаман, ҳаммасига етади — араққа ҳам, оиламни боқишга ҳам. Мен ҳам, ҳали шунақами, дедим. — Бир оз тин олиб секинроқ гапира бошлади: — Аслида, ўзим аҳмоқман. Кўриб-билиб уйланишим керак эди. Бошқаси шу аҳволимда ҳам жон деган бўларди, бунга-чи, тўғри келмайман, кўнглидагидек эмасман-да.

— Болаларингиз борми ҳеч бўлмаса?

— Қизимиз бор. Тўрт яшар.

— Қайтади, шошма, ҳали кўрасан. Болани отасиз катта қилиш осон эканми?

— Билмайман, бир нарса деёлмайман. Олдин ҳам бир кетган эди. Кетиб қаерга борарди, деб ўйлагандим ўшанда. Қайтиб келишини, атай феълени кўрсатиб қўймоқчи бўлганини кўнглим сезган эди-да. Майли, хоҳлаган найрангингни кўрсатавер, деганман. Қайтишини қаердан билганман, ҳалигача буни тушунолмайман. Ўзим эса парвойим фалак, юраверганман. Келган қайтиб. Бу сафар кўнглим сезмади. Жиддийлиги кўриниб турибди. Бу ўзидан ҳам маълум эди.

— Олдига бориб гаплашмадингми?

— Қаёқда. Кетиши билан мен ҳам таътилга чиқиб, йўлланма олдим у янавордим. Сен қайсар бўлсанг, мени ҳам кўриб қўй, сендан ўтсам-ўтаманки асло қолишмайман, дедим.

— Ҳа-а.

Вагон ичи тинч, ҳамма уйқуда. Улар секин гаплашишар ва бу суҳбат ҳеч кимга халал бермас эди. Гўё бу ерга улар атай навбатчи қилиб қўйилгандек: ҳеч бўлмаса шу иккиси ухламай, ҳаёт ҳақида ўйлаб, суҳбат қурмаса, ҳамма бараварига гафлатда қолиши мумкин дегандек. Тунги сукунатни дам-бадам электровознинг чинқирган овози бузиб ўтарди-ю, яна атроф сув қуйгандек тинчиб қолади. Кейин эса яна поезд ўтмасмикан дея қулоқ солишга тўғри келади. Кечаси ҳар қандай овоз ёки ҳаракат гайриоддий туюлади, одамни хавотирга солади, кўрқув уйғотади. Эртанги кун шу қадар узоқ туюладикки, беихтиёр яна тонг отармикан, деб ўйлаб қоласан. Тун ва кун алмашинишидек абадий қонуният ҳам ўзгариб ҳаёт шу зулмат ичра мангу тўхтаб қолмасмикан, бунисиям номаълум, билолмай қийналасан. Ахир бу бўлмаган гап, деб ҳеч ким аниқ айта олмайди-ку.

Йигит гапида давом этади:

— Яна ўйланиб қоламан: бола билан ёлғиз ўзига ҳам осон эмас. Юриб-юриб, бир кун тушуниб етади ҳаммасини. Ҳали ёш, ҳаётда унча-мунчани кўрмаган. Жанжаллашиб қолганда аёллар эрсиз ҳам куним ўтади, деб ўйлайди. Ажрашгач... у эди-бу эди дейди, хуллас, оғзига келганини айтиб қарғаб юради. Кейинроқ яхшилаб ўйлаб кўргач ортга қайтмоқчи бўлади: эркаланади, кўнглингни овлайди. Инсон инсон билан тирик-да. Ёлғиз ўзи нимаям қила оларди? Чидолмайди, кўрамиз ҳали.

— Нега ёлғиз бўларкан? — деди атайлаб Кузьма ҳам. — Бирортасини топиб олар.

— Топиб кўрсин-чи, — деди жойида депсиниб йигит. — Ҳа, топиб бўпти! Нима, мен қараб турармидим? Иккисини ҳам соғ қўймасман.

— Ахир ажралишган бўлсангиз...

— У ҳолда, кўзимдан йироқ кетсин. Кейин хоҳлагани билан топишиб олаверсин. Ажрашган бўлсанг ҳам, хотинг билан бошқаси яшаса, ёқармиди? Танангдан бир парча гўштингни юлиб олгандек

гап бу ҳам. Қишлоғимизда ҳеч ким унинг ёнига яқинлашолмайди. Мени ҳамма билади. Бунга тоқат қилолмаслигим ҳам барчага маълум.

Йигит тамаки қолдиғини ахлат челагига ташламоқчи бўлиб оёғи билан унинг тепкисини босган эди — қопқоқ тарақлаб очилди-ю, яна ёпилиб қолди.

— Жин урсин! — дея сўкинди у.

Вагон кузатувчиси шовқинни эшитиб, эшикни очиб бир қаради-ю, кириб кетди. Купеда ҳам кимдир безовта бўлиб ўгирилиб ётди, афтидан, уйғониб кетиб яна ухлаб қолди. Поезд эса бир маромда тебраниб кетмоқда эди.

Йигит тамаки қолдиғини бармоғи билан эзаётган эди, гиламга тўкилди. Атрофга аланглади, кейин энгашганча гиламдаги тамаки юқини пуфлаб тозалади. Ахлат челакнинг қопқоғини секин кўтариб қўлидагини ташлади. Қовоғини уюганча яна жим бўлиб қолди.

Яна ўша сокинлик, осойишталик.

Шамол тиндими, йўқми — кўриб ҳам, эшитиб ҳам бўлмасди. Поезд қаерга кетяпти, ер жойида турибдими-йўқми, буни ҳам билишнинг иложи йўқ. Ухлаб ётганларга маза-да. Улар уйғонганида — тонг ёришган, эҳтимол, куюш ҳам чиққан бўлади. Куюшни кўргач одамнинг ҳам кўнгли қандайдир равшан тортиб хотиржам бўлади.

Кузьма хаёлга чўмди, мана, шаҳар ҳам яқин қолди. Қани эди, шундай кетаверса, кетаверса, олдинда ўзини нималар қутаётганини билмасдан — қаёқда дейсиз, тез орада манзилига етиб ҳам боради, ҳаммаси маълум ҳам бўлади.

Йигит бирдан сўраб қолди:

— Э, ким билсин, орқага қайтсаммикан? Аёл учун бирор нарсадан воз кечсанг борми, ана шунда кўравер у қанчалик хурсанд бўлишини. Қайтиб бориб тушунтирадими, бор гапни айтардим. Сен нима маслаҳат берасан, Кузьма?

— Билмасам, — деди секингина Кузьма. — Бу ўзинг ҳал этадиган масала.

— Тўғрику-я, биламан, бу ўзимгагина тааллуқли масала. — Йигит ҳаяжонланганидан ёш боладек бурнини тортиб-тортиб қўяди. — Яна ким билади дейсан... — То ўйлаб ўйига етгунча поезд уни узоқ-узоқларга олиб кетади. Ниҳоят, у бир қарорга келади: — Э-э, энди кеч. Йўлга чиқдимми, тамом — ортга қайтиш йўқ. Қайтиб келганимдан кейин бир гап бўлар. Бўлса-бўлар, бўлмаса-бўлмас — ундан бошқаси йўқ эканми. — Йигит гапини ҳазилга бурмоқчи бўлди: — Қайтсам пулни нима қиламан? Яна арақ ичишга тўғри келади-да. Ундан кўра саёхатга сарфлай қолай.

Кейин у иқроп бўлиб очигини айтиб қўя қолди:

— Ҳаммасига шу чол-кампир сабабчи. Уларни кўриб алланечук бўлиб, бирдан кўнглим юмшаб кетди. Ўзи кўнгилчан одамман. Шунақа бўлиб туғилганманми-ей. Баъзан кино кўраётганда таъсирчанроқ жойи чиқиб қолса кўзларимга ёш келади. Шу сабабдан дўстларим билан ёнма-ён ўтиришга ҳам юрагим зириллайди. Уят-да: улар кулиб ўтирса-ю, мен йиғлаб юбормай деб лабимни тишласам. Кўнглим аёлларникидек нозикми-ей, бир бало.

Поезд бирдан қичқириб тўхтаб бошлади. Проводник аёл қўлида фонарь билан шошилмай эшик олдида борди — демак, хавотирланадиган ҳеч гап йўқ, шунчаки навбатдаги бекат экан. Йигит пардани суриб қоронғиликка тикилиб қолди. Чироқларни кўриб:

— Бу ерларда ҳам одам яшайди, — деди.

Шаҳаргача жуда оз қолди.



Учинчи кун.

Кузьма кўнгли ёришиб уйғонди, ишлар ёмон кетмаяпти ҳар ҳолда. Болаларни мактабга ўзи уйғотди, уларнинг шоша-пиша кийинишини томоша қилиб туриб, ўзича пул топилганини айтсаммикан, хурсанд бўлиб қолишарди-да, деб ўйлади. Болалар нонуштага ўтиргач, одатдагидек, Мария уларга сут, Кузьма билан ўзига чой қуйди. Шунда Кузьма Витькага кўз қисиб унинг стаканига ишора қилди:

— Кел, алмашайлик.

Витька аввалига ҳайрон бўлди, кейин хурсандлигидан ирғишлай кетди:

— Майли, майли.

— Нима, сут йўқмиди бошқа — боланикини олмасанг! Ичсанг — куйиб бераман-ку ўзингга, — деди жаҳл билан Мария.

— Керак эмас.

Кузьма Мариядан заррачаям ранжимади, аксинча, унинг жаҳли чиққанидан кўнглида бир оз хотиржамлик пайдо бўлди. Жаҳли чиққан эканми, демак, хурсанд ҳам бўла олади. Шундай экан, тезда ўзига келиб қолишига ҳали умид қилиш мумкин. Стол атрофида Кузьма Витька билан тил бириктириб олгандек кўз уриштириб ўтирди. Хуллас, шу тариқа ишлар жойига тушаётганини Витькага билдириб қўймоқчи бўлди. У ҳам озми-кўпми буни тушунди. Мактабга ҳам сакраб-югуриб кетди.

Кузьма атроф бутунлай ёришиб кетишини кутиб ўтирди. Кейин шошилмай, аста-секин кийина бошлади. Кета туриб Марияга:

— Бориб пулни олиб келаман, — деди.

Мария индамади. Кузьмага унинг жавоб бериши эмас, фақат бу гапни эшитиб, кўнгли оз бўлса-да таскин топиши муҳим эди.

Ҳаво булутли, худди кечаги — Кузьма учун омадли келган кундек. Ҳойнаҳой бугун ҳам кечагидек баракали кун бўлади шекилли. Ҳозирча ишлар ёмон эмас. Босган ҳар қадамидан Кузьманинг танаси яйрар, бу унга хуш ёқар эди. Одатда, қачонки у пиёда юргиси келганида бу ҳолат такрорланиб турар, шу аснода у дам олар эди.

Кун қандайдир беқарор, худди ойнадек нозик, мўрт туюларди унга. Аслида ҳам шундай-ку, деб ўйлади у, на куз, на қишга ўхшайди, ҳар дақиқада кузнинг ўрнини қиш эгаллаши мумкин. Ажабланарлиси, ҳали бирон мартаям қор ёғмади. Энди эса ёғиши турган гап.

Идорага яқинлашиб қолганида Кузьмани орқадан механик йигит чақирди, етиб келиб у билан қўл бериб кўришди. Кузьма қандайдир ноқулайлик ҳис этди: нима бўлганда ҳам унинг пулини олгани боряпти. Бунинг нимасига хурсанд бўлсин? Одамнинг кўзига қарашга ҳам уялади одам.

Механик йигит:

— Кузьма, узр, албатта буни сўрашим тўғри эмас, биламан, лекин бошқа иложим ҳам йўқ. Байрамга бирга ўқиган дўстимни чақириб кўйган эдим, энди бўлса арақ олишга ҳам пул тополмаяпман.

— Мен бераман сенга, албатта! — деди хурсанд бўлиб Кузьма. — Узр сўраганинг нимаси, пул сеники бўлса. Ўз пулинг учун узр сўрашинг етмай турувди ўзи!

— Ҳа, иложи бўлса, йигирма сўмча берсанг. Қарз олиб турай десам, бу ерда деярли ҳеч кимни танимайман.

— Бераман, албатта. Гап бўлиши мумкин эмас!

Идорага киришгач, йигит мутахассислар ўтирган хонага ишора қилиб:

— Шу ерда бўламан, — деди.

Кузьма ҳисобчининг хонасига ўтди. Остонада уни кўрибоқ ҳисобчи, гўё анчадан буён кутаётгандек, стул суянчиғига ястаниб олди. Шу тарзда Кузьманинг олдига келишини кута бошлади. У ҳам бошқа ҳисобчилар каби синчиков ва хасис эди. Кузьма бирданига нимагадир пулни ололмаслиги ҳам мумкин эканини ҳеч ўйламаганини эслади; ахир, бу эҳтимолдан холи эмас-ку. Ҳисобчи пулни осонликча бермас, ҳаммани уч-тўрт марталаб келишга мажбур қиларди. Биринчи киришдаёқ ундан маошини ололган одам камдан-кам эди.

Кузьма ўзига ўзи ҳайрон қолди, кечадан буён, ҳатто бугун эрталабдан ҳам нима сабабдан пул оламан деб бунча қаттиқ ишонган экан-а?

Ҳисобчининг ёнига келганида эса ёмон гап эшитишига амин эди.

— Салом!

— Салом, — гердайиб Кузьманинг саломига алик олди ҳисобчи. — Келдингми?

— Келдим.

— Пул олмоқчимисан?

— Агар берсанг.

Кузьма ҳозир аҳволи қанчалик унга — ҳисобчига боғлиқ эканини англаб турарди. Буни ҳисобчи ҳам яхши билар ва уни хавотирга солиш учуноқ индамай ўтирар эди:

— Озгина нохушлик бўлиб қолди, — деди бир муддат ўтказиб. Гўё вақтни чўзиб ҳузурланаётгандек эди у. Сўнг яна қовоқ уюб: — Мен, энди бизнинг пулимизни ҳам сен олишингни билмаган эдим-да. Шунинг учун маошимни сарфлаб юбордим.

— Қанақасига?

— Пул қандай сарфланади — шунақасига. Дўконга кирдим, сенга ҳисоб беришим мумкин: қишга — хотинимга тужурка<sup>1</sup>, ўзимга пийма сотиб олдим.

Кузьма ниҳоят гап нимадалигини тушуниб, бош қимирлатди.

— Бошқаларники-чи? — деб сўради.

Ҳисобчи дарҳол жавоб беришни эп кўрмади чоғи, Кузьмани кузатиб бир оз жим ўтирди. Кейин жаҳл билан:

— Қолгани Полинанинг сейфида. Хужжатга ҳамма имзо чекмаган. Агар Полина масъулиятни зиммасига олса, бериб юбораверсин.

Кузьма Полинанинг ёнига келди. Ҳисобчи унинг орқасидан қичқирди:

— Ўзинг учун бир қоғозга кимдан қанча қарз эканингни ёзиб ол. Пулни олгач, қайтариш ҳам керак бўлади ҳали.

У Кузьмани дарров қўйиб юбораётганига, ўйлаб қўйган гапларини шунчалик тез айтиб бўлганига ачинаётгандек эди.

Полина пичирлади:

— Мен пулни бервораман, фақат сен дарҳол зоотехник билан ветеринарни топиб айт, кириб имзо чекиб кетишсин.

— Хўп.

Полина қоғоз пулларни чаққон-чаққон санай бошлади. Аммо барибир бунга узоқ вақт кетди, негаки, ҳаммаси бир ва уч сўмликлар эди. Яна бир қайта санади. Кузьма ҳеч бир қизиқишсиз, хавотирсиз Полинанинг қўлида пулнинг лип-лип ўтишини кузатиб турарди. Полина пулни унга узатаркан яна пичирлаб сўради:

— Етиб қоладими энди?

— Йўқ, яна анча-мунча керак бўлади.

<sup>1</sup> Калта камзул (*Тар.*)

Кузьма пулни чўнтақларига тикди. Қаппайган чўнтақларини кафти билан текислаган бўлди. Кейин бирдан ҳозирнинг ўзидаёқ механик йигитга йигирма сўм бериши кераклиги эсига тушди. Чўнтагининг энг юзасида турган уч сўмлик боғламни олиб, йигирма эмас, ўттиз сўм санади, негаки, учталикдан йигирма сўм бериб бўлмайди. Ҳисобчи ўз бурчагида уни совуққонлик, айни пайтда қизиқиш билан кузатиб ўтирарди. Кузьма ҳам ўчақишгандек токи ўзи ўгирилиб олмагунча унга тикилиб тураверди. Ҳисобчи ўч олмоқчи бўлиб:

— Ичиб қўйма яна, — деди.

— Бор-э, — дея бепарво қўл силтади Кузьма.

У мутахассислар хонасига кирди ва секингина худди пора бераётгандек механикнинг қўлига ўттиз сўмни қистирди. У ҳатто ўгирилмай:

— Ҳа, майли, — деб гўлдираб қўйди.

Йўлакда Кузьмага молдўхтирнинг хотини дуч келди. Аммо аёлнинг ўлжани таъқиб қилаётгандек оч ва совуқ нигоҳ билан тикилганини Кузьма пайқамади ҳам. У раиснинг олдига кирмоқчи эди-ю, одам бор экан, қайтиб эшикни ёпди. Ҳозир унга нима ҳам дерди? Яхшиси, уйга кета қолади.

Кун ҳали-ҳамон ўшандек булутли, ҳавонинг қовоғи очилмаган эди. У энди худди гижимланган, ҳар еридан елимланган эски шаффоф қоғозга ўхшар, бир пуфласа учиб кетадигандек туюларди. Аммо ҳозир на шамол эсар ва на уни пуфлаб қўювчи одам топилар эди. Атрофдан заиф овозлар эшитилар, нималардир гувуллаб-увуллаб — гўё ўша қоғоз куннинг деворлари шитирлар эди. Узоқ-узоқлар ғира-шира кўзга ташланарди. Бугун эҳтимол, ҳисобчининг куни бўлгандир, деган ўй ўтди Кузьманинг хаёлидан, чунки ҳавонинг авзойи унинг тумшайган башарасини эслатарди.

Чўнтагидаги пул Кузьманинг бемалол юришига халақит берарди. У қадамини секинлатди — ахир чўнтагида шунча пул бор, сочилиб кетса, нима бўлади? Аммо Кузьма хурсанд эмас эди — нимадир бўлган, қувончдан асар ҳам йўқ. У фақат пул зарурлигини биларди, холос. Пул топилганидан Кузьма ҳеч бир қониқиш ёки энгиллик туймади. Ҳозир унинг ягона истаги тезроқ пулни бирон жойга қўйиб, чўнтагини бўшатиш эди.

Уйга кира солиб Кузьма урушдан кейин Австралиядан олиб келган обакидан бўшаган катта идишга пулни жойлаштирди ва уни жавонга қўйгачгина энгил тортди. Ҳозир бутун қишлоқда шу идишда турганчалик кўп пул ҳеч кимда йўқ, деб ўйлади ўзига ўзи таскин бериб у. Қўлидан келганини қилди, икки кун ичида энди қолган пулни топиши керак. Қандай қилиб? Бунисини ҳали ўзи ҳам билмайди. Албатта иложини топади, шу билан ҳаммаси тугаши мумкин эмас, ахир. Минг сўм керак эканми, уни нима қилиб бўлмасин, топади. Фақатгина ҳозир ҳам, бугун ҳам эмас. Бугун у ҳеч кимдан пул сўрай олмайди, негаки, бунга ортиқ ҳоли қолмади. Дам олмаса бўлмайди энди.

Даҳлиздан қадам товуши эшитилди. Кузьма менга шундай туюляпти, энди ҳеч ким келмас, деб ўйлади. Молдўхтирнинг аёли кириб келганида эса бу қаердан пайдо бўлиб қолди дегандек ҳайрон бўлиб унга тикилди. Ва шундагина зоотехник билан ветеринарни топиб, улар ҳужжатга имзо чекиши лозимлигини айтмагани эсига тушди.

Ветеринарнинг хотини эшик олдида титраётган лабларини тишлаганча йиғлаб юборадигандек Кузьмага қараб турарди. У

хунуккина аёл эди. Негадир Кузьманинг доим унга раҳми келарди. Ветеринар хотини билан яхши яшамасди. Кузьма бунга биларди, оиласида тинчлик бўлмаган аёлнинг қиёфасини айнан унда кўрарди. Кузьма онгли равишда эмас, кўпроқ одатга кўра уни ичкарига таклиф қилди:

— Кел, киравер, нега эшик олдида турибсан.

Аёл жойидан қимирламади. Лаблари янада қаттиқроқ титраб:

— Биз қандай кун кўрамиз, Кузьма? Ўйладингми ҳеч? Нега бундай қиляпсан, ахир? — деди.

Кузьма аввалига у нима демоқчи бўлганини тушунмади, ҳаммасини англаб етгач, нима дейишини билолмай каловланиб қолди.

— Шу пулни биз бир ой кутгандик. — Аёлнинг овози ҳам титраб чиқди: — Эллик сўм қарзимиз бор кўчадан. Энди нима қиламиз?

Кузьма жавондан пул солинган идишни олиб келди. Уни стол устига ағдариб, олдин мутахассисларнинг маоши ёзилган қоғозни топди, кейин адашиб кетмаслик учун ҳафсала билан пулни санай бошлади. Ветеринарнинг хотини яқинроқ келди. Кузьма унга пулни бераётиб Марияга кўзи тушди. У бир зум тўхтаб, ошхонага ўтиб кетди. Кузьма худди Мариянинг пулларини ўғрилаётгандек ва ўғрилик устида қўлга тушгандек ўзидан уялиб, нафратланиб кетди.

Ветеринарнинг хотини ғойиб бўлди.

Кузьма қолган пулни идишга жойлаб уни яна жавонга, аввалгидек ичкарига эмас, юзароққа қўйди. Шунча пул бор экан, демак, яна кимдир сўраб келиши тайин.

Кутаверай-чи. Пулга эҳтиёжманд яна бирортаси келиб қолар.

Кузьма кута бошлади. Мария бир неча бор у ёқдан бу ёққа ўтди, уни кузатди, Кузьма эса қайрилиб ҳам қарамади.

У ҳамон кутарди.

Орадан бир соат ўтди, икки соат ўтди, Кузьма бетоқатлана бошлади, нега ҳеч ким келмаяпти-я? Даҳлизда яна қадам товушлари эшитилди. Кимдир келди чоғи, беҳуда кутмаган экан ҳарҳолда.

Эшик олдида бир қизча турарди, агрономнинг қизи. Кузьманинг кўнгли ғаш бўлди, нега мутахассислар ўзи келмай, хотини ёки болаларини жўнатяпти. Қизча пулни йўқотиб қўйса-чи? Бунга ким айбдор бўлади кейин?

— Салом, — деди журъатсизгина, кўз остидан қараб қизча.

— Салом, салом, — дея Кузьма пул солинган идишни олиб келиш учун ўрнидан турди. Яхшиямки, уни ичкарига тиқиб юбормай юзароққа қўйгани.

— Кузьма амаки, — деди у шоша-пиша. — Витькангизга айтиб қўйинг, энди орқамдан юрмасин.

— Нима? — Кузьма жойида тўхтаб қолди, узатилган қўли муаллақ қолди.

— Витькангизга айтинг, орқамдан юрмасин. Ҳамма бизни келин-куёв деб калака қиляпти. Болалар менга кун бермай қўйди, “Келин билан куёв, келин билан куёв” деб бақиравериб жонимга тегиб кетишди.

Кузьма ишонқирамагандек кулиб:

— Ие, шундай дейишадими? — деди.

— Ҳа. Нимага орқамдан юради ўзи? Неча марта айтаман орқамдан юрма деб, гап таъсир қилмайди унга. Бошқа қизнинг ортидан юрсин эди.

— Ҳе, ярамас! — деди кулгидан ўзини тўхтата олмай Кузьма. — Орқамдан қолмайди дегин?

— Шу-да. Менинг айбим йўқ, болалар бекорга мазах қилишяпти.

— Ҳали келсин, бўйнини узиб олмасамми уни! Ана шунда билади қизларнинг ортидан юриш қанақа бўлишини!

— Йўқ, сиз унга фақат айтсангиз бўлди. Шундоғам сизнинг гапингизни икки қилмаса керак.

— Айтаман. Албатта айтаман.

— Мен борай, — изн сўради қизча.

— Бора қол, хавотир олма: энди у сенга қарашга ҳам ботинолмайди. Мана кўрасан.

У миннатдорлик билдиргандек, бошини эгиб қўйди-да, чопиб кетди. Кузьма унинг ортидан кулганича қараб қолди, аммо ўзини қизча келгунча бўлган ўша совуқ, бемаъни ҳолат яна чулғаб олаётганини ҳис этди. У идишга кўз қирини ташлади-ю, яна жойига ўтириб қолди. Пулни санаб қўйиш керак. Лекин қимирлашга ҳоли йўқ; пул жуда кам қолган бўлса-чи? Бундан ёмони бўлмаса керак.

Ахир кечагина шу пулга ҳам умид йўқ эди-ку, дея ўзини овутомқчи бўлди. Ҳеч нафи бўлмади. Яхшиси, энди нима қилишни ўйлагани маъкул. Яна кимга бориб, кимдан пул сўраш мумкин?

Кейин бирдан ҳеч нарса ҳақида ўйламай қўйди, гўё мияси бўм-бўш бўлиб қолди. Идишга тикилиб ўтираверди — ўғри ҳам, ўғрилиқ ҳам бўлмайдиган жойга қўйилган қоровулга ўхшаб. Урнидан туриб у ёқ-бу ёққа юрди, чекди.

Болалар мактабдан келганида эса Кузьма Витькани нима учун кутаётганини эслашга қанча уринмасин, барибир эслай олмади.

Болалар ошхонада ёлғиз овқатланди: Кузьма ҳам, Мария ҳам овқатга чиқмади.

Уй ичи тинч, аммо бу ерда аллақандай беҳаловатлик ҳукмрон эди. Ҳамма уйда бўлса-да, уй қандайдир сокин ва ваҳимали эди.

Кечга томон майда қадам ташлаб, нафаси тикилганча Гордей ота кириб келди. У Кузьмани чақирди, бетоқат бўлиб хонани айланиб чиқди ва охири имлаб уни эшик томон бошлади. Даҳлизга чиққач, пичирлаб:

— Кузьма, билсанг агар, пул-мул деб ташвиш қилишинга ҳожат ҳам йўқ энди. Тушуняпсанми? Пулсиз ҳал қилса ҳам бўларкан бу муаммони, — деди.

— Яна нималарни ўйлаб топдингиз, ота? — деди Кузьма пешонаси тиришиб.

Гордей ота хурсандлигидан ҳи-ҳилаб гапида давом этди:

— Қанақасига ўйлаб топаман! Ота ўйлаб топмайди, аниқ билганини гапиради. Ҳозир сенга шундай бир гап айтаманки...

Кузьма индамай унга қулоқ солиб ўтирди.

— Хўш, гап бундай. Хуллас, бу ишни бир тийинсиз ҳал қилишинг мумкин. Сариқ чақаям сарфламайсан. Мариянга биров қўлини теккизолмайди. Қонунан ҳам тўғри бўлади. — Ота юзини Кузьманинг юзига тақагудек олиб келиб яна пичирлади: — Уни ҳомиладор қилсанг бўлгани, шунинг ўзи кифоя. Қонунда ёзиб қўйилган: ҳомиладорлар қамалмайди деб.

— Нималар деяпсиз, ота? — ўзини четга тортди Кузьма.

Ота янада қаттиқроқ гапириб, жон куйдира кетди:

— Ишончли бир одамдан эшитдим, алдамайди у. Ҳақиқат бу. Марияни ҳомиладор қил, нима қийинми шу, қани айт-чи?

— Кетинг-э бу ердан ота, қайтиб бу гапни гапирманг менга. Ҳе, сиздек маслаҳатчидан!

— Нега энди? — шошиб қолди ота.

Кузьма шартта ўгирилиб, уй томон юрди.

— Бўладиган гапни айтсам-у, сен кўрпани ўзингга тортасан! — дея шанғиллади ота. — Билганингни қил — мен айтадиганимни айтдим. Кейин мендан ўпкалаб юрма яна.

Кузьма обдон ўйлаб қараса, ростдан ҳам Гордей отанинг таклифида жон бор экан, бу унчалик бемаъни гап ҳам эмас. Қанийди шундай бўлса. Муаммо ҳал бўларди-қўярди. Тўғри, ҳомиладор аёлларга раҳм қилиниши, улар ҳукм этилмаслиги ҳақидаги гаплар Кузьманинг ҳам қулоғига чалинган эди. Нега бу эсига келмаган экан-а шу пайтгача. Эҳтимол, бу гапнинг рост-ёлғонлигини аниқ билмагани учундир. Олти оғиз еб-ичаётган оилада етинчиси ҳам оч қолмас, тўрт болани боқаётган эканми, демак, бешинчисига ҳам қурби келади. Фақат энди кечдир-ов. Олдинроқ билганидами. Шундай бўлса-да, Марияга бир лўқма ташлаб қўйиш керак. Йўқ, яхшиси, ҳеч нима демайди, негаки, Мария пул тополмаётган экан-да, деб ўйлайди, у ҳолда ҳаммаси томон деяверинг. Шусиз ҳам тирик мурдадек юрибди ўзи. Кузьманинг эса ови юрса ҳам дови юрмайпти. Нима қилсин энди? Эртага кимга борсин? Кимга ҳам ялиниб борардинг? Ўйлаб қараса пул сўрайдиган одамнинг ўзи йўқ. Балки ҳаммасига тупуриб, эрта тонгдан акасининг олдига жўнасами? Аммо унда пул бормикан ўзи? Берармикан у?

Бу қандай кўргилик бўлди.

Учинчи кун ҳам ниҳояланди. Поёнига етди — ер қаърига сингиб кетгандек, қани энди вақтни чўзишнинг иложи бўлса. Тафтишчининг келишига эса икки, нари борса уч кунгина қолди.

Кеч кирар-кирмас Кузьма ухлаб қолган эди, ярим тунда уй ичини ёритган машина чирогидан уйғониб кетди. Уйқуси қочди. Урнидан туриб дераза ёнига келиб ўтирди. Ойна ортида ўлик зулмат ҳукмрон. У бутун тирик жонзодни маҳв этган, гўё ундан ҳеч ким қочиб қутулолмайдигандек эди. Кўнглида уйғонаётган хавотирни босиш мақсадида Кузьма тортиб-тортиб чекар ва ростдан ҳам енгил тортар эди. Кечаси хаёл одамни ҳар ёққа олиб кетаверади — шу сабабдан ҳам кечаси ҳамма ухласа керак-да.

Кузьма ўрнига келиб ётди. Кейин ухлаб қолибди. Фаройиб бир туш кўрибди: у ўша — ўзини уйғотиб юборган машинада юриб Марияга деб пул йиғаётган эмиш. Машина худди билгандек пул олиш мумкин бўлган уй олдида тўхтар, Кузьма фақат деразани тақиллатиб, пулни олиб чиқинг, деб сўрар эмиш, холос. Олиб чиқиб беришгач эса машина яна йўлида давом этаверармиш.

У яна уйғониб кетди, ҳали ярим тун, зулмат бир оз бўлсин чекинмаган. Яна миясида турфа хаёллар айлана бошлади, айниқса, бир кўнгилсиз ўй ҳеч тинчлик бермай қўйди: бу ёруғ оламда (ҳатто ёруғ олам эмас, зулматда, гўё энди ҳеч қачон тонг ёришмайдигандек туюларди унга) ёлғиз қолиб кетса-чи!? Бирдан самолётнинг чийиллаган овози эшитилди, Худди у қулаб парча-парча бўлиб кетгандек борлиқни зириллатиб юборди. Кейин атроф тинчиди-қолди, яна сокинлик. Кузьма қандайдир товушлар эшитилармикан, дея қулоқ солди. Узоқ кутди, сас-садо йўқ. Аммо у энди ёлғиз эмаслигини биларди. Шу боис яхши нарсалар ҳақида ўйлаши мумкин энди. Лекин яна оғриқ мисол Мария ҳақидаги, пул ҳақидаги ўй-хаёллар юрагини зирқирата бошлади. Шунда бирдан охирига нажотдек акаси эсига тушди. Кузьма бир қарорга келди: эрта билан йўлга чиқади, шаҳарга — Алексейнинг олдига боради.

Тонг-саҳарлаб — ташқарида шамол куч билан деворларга урилаётган бир маҳалда Кузьма сафарга шошиларди. Шаҳарга кетяпман деганида, сўнгги уч-тўрт кун ичида тирик мурдага айланган Мария, аканг пул бермайди, дея кўнглида бор гапни айтди. Кузьма учун ортга йўл йўқ эди. Афтидан, Мария ёлғиз, ҳимоясиз қолишни ўйлаб қўрқиб кетгани учун ҳам аканг пул бермайди, деб қайта-қайта такрорларди, йиғларди. Бироқ Кузьма уни юпатиб ўтирмади — йиғлайверсин, бу тирик мурдадек судралиб юрганидан кўра минг марта яхшироқ.

Автобуста чиққач, Кузьма ойна томондаги ўриндиққа жойлашиб олиб, ташқарини кузатиб кетди — шамол, тўс-тўполон авжида. У буни табиий, бўлиши керак деб ҳисобларди. Ахир Мария билан Кузьманинг бошига шундай ташвиш тушганида об-ҳаво осойишта-сокин бўлиши мумкинми? Шамол кучайгандан кучая борди, аҳвол бундан баттар бўлмасмикан, деган ўй Кузьманинг кўнглига яна гулгула солди. Кун билан у тўс-тўполоннинг тўхташини кутди. Кутгани бўлмади: кўзини юмган ҳолда ҳам у шамолнинг ҳар ёнга зарб билан урилишини ҳис этиб турар, шамол зарбидан гўё ер ҳам азоб чекиб, инграётгандек туюларди унга.

Қош қорая бошлагачгина Кузьманинг кўнглида сал-пал хотиржамлик пайдо бўлди. Энди ташқарида аҳвол қандай экани, олдинда ўзини нималар қутаётганини у билмас ва бу ҳақда ўйлашни ҳам истамас эди. Ҳеч нима қилмаётганидан, поезд уни узоқларга олиб кетаётганидан кўнгли тўқ эди унинг. У дам оларди, аммо судланувчи ҳукм қилинишидан олдин қандай аҳволда бўлса, ўзини шундай ҳис этарди.

Кузьма поезд ҳеч ерда тўхтамай, ўзини узоқ-узоқларга олиб кетишини истарди. Аммо поезд уни дарров шаҳарга ҳам етказиб қўйди. Яна пул сўрашга мажбур эканини ўйлаб юраги увушди. Негаки, ҳозир бировдан пул сўрайдиган аҳволда эмас. У шаҳардан ҳайиқар, шу сабабдан бу ерга кўп келавермасди. Поезд тўхтаётганида у шамол ҳақида эслаб, жунжикиб кетди. Ҳаммасига шу сабабчи, деди ўзига-ўзи.

Кузьма поезддан тушди-ю, бир муддат жойида туриб қолди: ер узра қор, йирик-йирик, пахмоқ лайлакқор ёғар, ғира-шира тонг ёғдусида атроф оқариб кўринар эди.

Шамолдан ном-нишон йўқ. Ёғаётган қордек майин, ажиб бир сокинлик онда-сонда эшитилиб турган товушларни ҳам босиб кетар эди.

Кузьма худди қорни эзиб юборишдан қўрққандек, олдин юрган бировнинг изига тушиб олди-да, қатор-қатор рельсларни кесиб ўтиб вокзал томон кетди. У ҳали содир бўлажак савдонинг муқаррарлигини билар ва бу ҳақдаги аччиқ, аламли ўй унга тинчлик бермас эди. Ахир, бегонанинг эмас, туғишган акамнинг ёнига боряпман-ку, дея ўзига далда беришга уринар, аммо акаси — нажот ҳар дам хаёлидан олислаб кетаверар эди. Ҳатто таскинга ҳам ожиз омонат сўзларгина миясида айланарди. Шунда Кузьма қорни — оқликни, унинг айнан ҳозир ёғаётгани ҳам яхшилик аломати эканини ўйлай бошлади. Қишлоқда ҳам ёғаётгандир, Мария кўзлари илинждан порлаб, мўъжизага қарагандек қор ёғишини кузатиб ўтиргандир. Эҳтимол, у Кузьма аллақачон акасиникига етиб борган ва ака-ука аллақачон ўзаро келишиб олган — ана шундан сўнггина (бу ҳам яхшилик аломати-да), Мария беҳуда изтироб чекмасин учун қор ёға бошлаган, деб ўйлаётгандир. Айни чоғда у ҳар нарса деб хаёл қилиши мумкин.

Кузьма автобус бекатига қараб кетаркан, қўлида манзил ёзилган конверт, йўлма-йўл учраган одамдан акасиникига қандай боришни сўрар эди. У айтилган автобусга чиқиб олди. Якшанба эди, бунинг устига, эрта тонг бўлганиданми, одам кам. Кузьма шаҳарга ўз ихтиёри билан эмас, кимдир мажбуран олиб келгандек ўзини ниҳоятда ёлғиз ва адашиб қолган одам каби ҳис этарди. Бирдан ўзини олдинда кутаётган воқеалар олдида пул ҳақидаги гаплар арзимасдек туюлиб кетди. Одамларга боқди — улар ойнадан ташқарига қараб кетмоқда, биров унга эътибор ҳам бермаяпти. Кузьма яна ўзини қойиди: пулни деб шаҳарга жўнаш қаёқдан ҳам миясига келди, наҳотки қишлоқдан топиб бўлмасди шу қуриб кетгурни?

Кузьма автобусдан тушиб, қўлида манзил ёзилган қоғоз билан кўча бўйлаб кетарди. Кун ёришган, қор ҳалиям гупиллаб ёғиб ётибди, Кузьманинг боши, елкалари оппоқ, қор зарралари гоҳо кипригига ҳам кўниб, юришига халақит беради.

Ниҳоят, у акасининг уйини топди, бир оз тин олиш мақсадида тўхтаб, қўлидаги ҳўл бўлиб кетган хатжилдни чўнтагига тикди. Кафти билан юзларини артди-да, сўнгги қадамни босиб эшикка яқинлашди ва секингина уни тақиллатди. Мана, у етиб ҳам келди, бу ёғига ўзинг Раббим дегил, Мария!

Ҳозир эшик очилади.





Е. Э. БЕРТЕЛЬС

## Навоий асарларининг Овруподаги илк таржималари

**Ш**арқ ва Ғарб адабиёти ҳамда тилларини қиёсий ўрганиш авжига чиққан йилларда машҳур шарқшунос Т.Бенфей “Orient uni Occident” деб номланган даврий журнал чиқара бошлади. Бу нашр Шарқ ва Ғарб адабиёти, тилларини ҳамда маданий алоқаларини таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шунинг учун журнал сайёр сюжетлар деб аталадиган адабий ҳодисани ўрганиш ва унинг ғарб адабиётидаги ўхшаш сюжетларини излаб топишга асосий диққатини қаратди. Журналда эълон қилинган материалларнинг катта қисми ҳозирги кунда бир қадар эскириб, илмий қимматини йўқотиб бўлди. Шунга қарамадан бу тўпламларда бугунги шарқшунослар учун ҳам аҳамиятли жиҳатлар мавжуд.

Марказий Осиё адабиётлари тарихини ўрганишда Бенфейнинг ўзи 1866 йилда шу журналда эълон қилган кичик бир тадқиқот ниҳоятда муҳимдир. (Jg III, N, 2, s./257-288 бетлар).

У “Кўҳна христиан” форс романи: Сарандиб шоҳининг уч ўғли саргузаштлари”<sup>1</sup> деб номланади. Мақолада “Сарапдиб шоҳининг уч ёш ўғли саргузаштлари. Армани Христофорнинг форс тилидан итальян тилига таржимаси. Венециялик Микеле Трамезино томонидан 1557 йилда қайта ҳикоя қилинган” деб номланган ниҳоятда қимматли бир китоб ҳақида маълумот берилади. Мазкур китоб Овруполиклар томонидан илқ кутиб олинган бўлса керак, чунки 27 йилдан сўнг 1584 йилда у иккинчи марта қайта нашр этилади. Сўнгра у 1611, 1622 ва 1628 йилларда яна чоп этилган. Шу китоб немис тилига таржима қилинган ва муқовасига “Сарандиб шоҳи Жаъфар ва уч ўғли саргузаштларининг қизиқарли баёни, итальян тилидан немис тилига Базел шаҳри фуқароси Иоганн Ветцлер томонидан таржима қилинди. Базел шаҳрида 1583 йилда босилиб чиқди” деб ёзилган янги таржима матнига асос бўлган.

Немисча матн 16 йилдан сўнг 1599 йилда иккинчи бор чоп этилган, сўнгра 1630 ва 1723 йилларда Лейпциг шаҳрида қайта босилган.

1719 йилда китобнинг француз, 1766 йилда голланд тилидаги таржималари эълон қилинди. Шундай қилиб, 209 йил ичида бу китоб 11 марта қайта нашр этилди, жумладан 4 марта XVI асрда, 4 марта XVII асрда ва 3 марта XVIII асрда.

Шунингдек, китоб 1577 йилда Венецияда, 1828 йилда Туринда итальян тилида қайта нашр этилган, французча таржимаси Амстердамда, 1721 ва 1722 йилларда қайта чоп этилган. Инглиз тилида 1722 йилда босилиб чиққан. Шундай қилиб, китоб Оврупода 15 марта нашрдан чиққан. (Д.Браун изоҳи.) Бу даврда Оврупода китоб чиқариш яхши тараққий этмагани ва унинг сони ҳақида фикр юритсак, таржималар ва қайта чоп этишлар мазкур китоб овруполикларда ниҳоятда катта қизиқиш уйғотганини кўрсатади.

*Машҳур шарқшунос Е. Э. Бертельснинг мазкур мақоласи 1943 йилда Тошкентда ёзилган ва биринчи марта муаллифнинг «Навоий ва Жомий» номли йирик китобида (М., 1965) эълон қилинган.*

<sup>1</sup> Мақола журналнинг кўрсатилган сонидан тугалланмаган, унинг биринчи қисми чоп этилган, холос. Афсуски, мен ҳозир журналнинг кейинги сонларида роман охиригача эълон қилинган ёки қилинмагани ҳақида изоҳ бера олмайман (*Муаллиф изоҳи-таҳр.*).

Китоб муаллифи кимлигини аниқлаш мумкин эмас. Иловага қараганда, у табризлиқ армани экани маълум. Бу ҳолат шу жиҳатдан аҳамиятлики, илгари, ҳатто ҳозирги кунда ҳам Озарбайжонда “форс тили” деганда, бугунги форс тили эмас, балки озарбайжон тили тушунилади. Форс тили эса “Фарс дили” дейилади. Шунинг учун Христофор бу минтақа учун ишлатган *Lingua persiana* ибораси таржимага қайси тил асос бўлган деган саволга тўлиқ жавоб бера олмайди.

Христофорнинг асари икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Сарандиб шоҳи (Цейлоннинг қадимги номи) уч ўғлини ақлли доно, зукко қилиб тарбиялаш мақсадида уларни ўспиринлдик чоғида тажриба орттирсин деган ниятда саёҳатга юборгани ҳикоя қилинади. Улар Эронга келиб қоладилар. Йўлда кетаётиб туясини йўқотиб қўйган бир кишига дуч келадилар. Йўқолган туяни кўрмадингизми деган саволга шаҳзодалар туя оқсоқол эмасмиди, унинг бир томонига асал, иккинчи томонига мой ортилганмиди, туяга ҳомиладор аёл минган эмасмиди, деб сўрашди. Туянинг эгаси бундай аниқ саволларни фақат туяни кўрган одамларгина бериши мумкин деган фикрга келади, аммо шаҳзодалар туяни кўрмадик деб жавоб қайтардилар. Шунда у шаҳзодаларни ўғрилиқда айблади ва қозининг олдига олиб боради. Шундай қилиб, улар Баҳром Гўрнинг ҳузурига келиб қоладилар ва туяни нега шундай таърифлаганлари сабабини изоҳлаб берадилар. Уларнинг зукколигига қойил қолган Баҳром шаҳзодаларни саройда қабул қилади, бу ерда улар ўз қобилиятларини яна бир бор намойиш этадилар: мусаллас тайёрланган узум қабристонда ўсгани, қовурилган барра кўзичоқни ит эмизгани ва ниҳоят Баҳромнинг вазири унга қарши фитна уюшгирмоқчи эканини айтиб берадилар.

Бу эртақ Шарқда яхши маълум бўлиб, унинг турли кўринишлари мавжуд. Асарнинг французча таржимаси Вольтернинг “Задиг” асарига асос бўлган дейиш мумкин. Вольтер “Задиг”да юқоридаги вазиятни сақлаган ҳолда, фақат жумбоқ усулини ўзгартиради. Туя ўрнида қиролнинг оти ва қироличанинг кучуги тасвирланади. Бу ҳолатни “шарқ” усулини сақлаган ҳолда французча руҳни кучайтиришга интилиш билан изоҳлаш мумкин.

Марк Твеннинг “Том Соьер хорижда” асарида ҳам бу ҳикоя тўлиқ қайтарилди. Ҳикояда туя ва ва унинг хусусиятлари айнан тасвирланади. Албатта, М.Твен юқоридаги асар таржимасидан фойдаланган дея олмаймиз. Чунки ёзувчи бу новеллани “Минг бир кеча” таржималаридан олган бўлиши мумкин. У айнан қайси манбадан фойдаланганини махсус адабиётларсиз аниқлаб бўлмайди ва буни аниқлаш бизнинг вазифамизга кирмайди.

Асарнинг иккинчи қисмида Баҳром Гўр ҳақида ҳикоя қилинади. Шаҳзодалар ёрдамида у вазиридан қутулади ва уларни ўз хизматига қабул қилади. Айнан шу пайтда Баҳром ўзининг суюкли канизаги Дилоромни ҳайдаб юборган ва шу туфайли у ҳижрон азобида қийналиб, маъюслик дардига чалинган эди. Табиблар уни даволай олмайдилар. Шунда шаҳзодаларнинг маслаҳати билан унга еттига қаср қуриб берилади. Қасрларда у вақтини хурсандчилик билан ўтказиши лозим эди. Лекин бу ҳам ёрдам бермайди. Баҳром уйқусизлик дардига чалинганлиги сабабли кечалари ҳузурига турли мамлакатлардан келган сайёҳларни таклиф этишади, улар шоҳга эртақлар айтиб берадилар. Бу эртақларнинг мазмунини Бенфей тўлиқ келтирмайди. Фақатгина олтинчи эртақ насронийлик руҳида эканини, еттинчи эртақ эса қувғинда юрган Дилоромнинг саргузаштларини акс эттиришини баён қилади. Шундан кейин Баҳром сарсон-саргардонликда юрган ёрини тезда топади ва яна у билан бирга шод-хуррам яшай бошлайди.

Бундан Бенфей шундай хулоса чиқаради: асарнинг иккинчи қисми Низомий ёзган “Етти гўзал” достонининг ўзгинасидир. Фақатгина таржимон катта маҳорат билан достондаги ҳикоялар композициясини бир қолипга солган ва Низомийга хос шарқона шаклсизликни тузатган. “Бу нуқта, – деб ёзади Бенфей, – асарга фарб санъати композициясига хос фазилят бағишлайди”. Шундан кейин у иккинчи бир тахминни ҳам илгари суради: “Форсча манбада бу афсоналар Низомийдан кўра яхшироқ баён этилган”.

Бенфей Шарқ кўлэмалари орқали бу манбадинг асосини қидиришга уринмаган. Албатта, унга таъна қилишга бизда сабаб йўқ, чунки у даврдаги илмининг даражасига кўра бу манбаларни ўрганиш ундан жуда катта меҳнат талаб қиларди. Бугун биз Христофор фойдаланган манба ҳақида, аниқ тасаввурга эгамиз ва Бенфейнинг иккала тахмини ҳам нотўғри деб дадил айта оламиз.

Биринчи навбатда Бенфей асарнинг иккинчи қисмига катта аҳамият берган ҳолда биринчи қисмга анча юзаки ёндашади. Бироқ асарнинг биринчи қисми ҳам шарқона аслият билан чамбарчас боғланиб кетганини кўриш қийин эмас.

Христофор асл манба сифатида ҳинд-форс шоири Амир Хусравнинг “Хашт бихишт” (“Саккиз жаннат”) асарини олганига ҳеч қандай шубҳа йўқ ва биз кўйида буни кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Бу асар 3352 байтдан иборат бўлиб, адиб томонидан 701/1302-03 йилларда тугатилган ва шоир томонидан “Беш хазина” деб номланган “Хамса” туркумининг охиригидир. Бу маълумотларни адибнинг ўзи дoston охирида баён этган.

Амир Хусравнинг “Беш хазина”си Низомий дostonларига назира тарзида ёзилгани маълум. Шунинг учун “Хашт бехишт” асосида “Етти гўзал” дostonи туради. Лекин улар орасида маълум фарқлар ҳам мавжуд. Бизнингча, Амир Хусрав ўз асарига китобхонлар Низомий асари билан танишлигини назарда тутган ҳолда баъзи бир деталларга тўхталмайди. Анъанавий муқаддималардан сўнг у дарҳол Баҳром отасидан кейин тахтга ўтиргани ҳақидаги тасвирга ўтиб кетаверади. Бошқача айтганда, унинг ёшликдаги тарбияси, Яманга сафари ва салтанат тожини шерлар чангалидан олиб келиш воқеалари тушириб қолдирилади. Тахтни эгаллаган Баҳром давлат ишларини яхши вазирларига топшириб, ўзи кўнгилхушиликка берилиб кетади. Унинг суюкли канизаги Дилором (Низомийда Фитна) Чин мамлакатидандир. Баҳром уни ўзи билан овга олиб боради. Ов пайтида Баҳром шароб ичиб, қовурилган қулон гўштини ейди. Шундан кейин уларни ўлдиришга кўзи қиймай қолади, фақат тутиб, тамғалаб қўйиб юборадиган бўлади. Шунинг учун у Гўрхон лақабини олади.

Кунлардан бир кун у Дилором билан овга чиқиб, унинг кўз ўнгида маҳоратини кўрсатади, икки марта ўқ узиб, урғочи кийик билан эркак кийикни боғлаб қўяди.

Дилором уни мақташ ўрнига: “Бундан ҳам яхшироқ отиш мумкин эди” дейди. Фазабланган Баҳром: “Ундай бўлса ўша яхши отадиган одамнинг олдига жўна”, деб Дилоромни отдан тушириб, ёлғиз ташлаб кетади. Саҳрода бир ўзи қолган канизак узоқ сарсон-саргардонликдан сўнг хилват қишлоққа келиб қолади. Бу ерда одамлардан узлатда бир деҳқон яшар эди. У олим ва моҳир созанда бўлиб, барбад чалишда унга ҳеч қим тенг кела олмас эди.

У Дилоромни ўзига қиз қилиб олади. Ўзига туҳфа қилинган қимматбаҳо тошни харжлаб, Дилоромга кўшк қуриб беради, у ўша ерда яшайди. Унга турли илмларни ўргатади, айниқса мусиқадан пухта сабоқ беради. Дилором шундай маҳоратга эришадими, у куйлаганда ҳаттоки ёввойи ҳайвонлар ҳам лол қоладиган бўлади. Унинг доврўғи Баҳромга етади, унинг Дилором эканини билмай, деҳқондан шу кўшиқчини сотиб олишга жазм қилади. Баҳром ҳузурда Дилором кўшиқ куйлаб, саҳродаги ғизолларни чорлаб келтиради. Уларни ухлатиб қўяди ва яна уйғотиб қўйиб юборади.

Баҳром қойил қолади, аммо буни билдирмай: “Бундан ҳам каттароқ мўъжиза бор” дейди. Шунда Дилором: “Донолар санъатни мукамал эгаллайдилар, улар мендан яхши бўлсалар-да, Баҳромдан баланд эмаслар”, – деб жуда нозик жавоб қайтаради.

Уни таниб қолган шоҳ кечирим сўрайди ва саройга қайтариб олиб келади. Шоирнинг таъкидлашича, “Хаварнака”да Баҳромнинг Ямандаги саройи тасвирланган. Баҳром ўз кўнгилхушликларини яна давом эттиради. У сарой аҳлини тўхтовсиз овлар билан жуда қийнаб юборади. Шунда Яман беклари Нуъмон ва Мунзир уни овдан совутишга ҳаракат қиладилар. Шу мақсадда улар бутун дунёни излаб, етти гўзал қизни олиб келадилар.

Меъмор Шида улар учун етти хил рангда еттита сарой қуради. Бу саройлар оқ қаср, сариқ қаср, яшил қаср, гулгун қаср, нилуфар қаср, сандал тусли қаср деб аталар эди.

Баҳромни бу саройларга таклиф этадилар. Лол қолган Баҳром шикорни унутади. Кечалари гўзаллар унга навбатма-навбат эртақлар айтиб берадилар. Бу ердаги етти ҳикоя мазмунан Низомийнинг дostonи билан узвий боғлиқ бўлса-да, мазмунан мутлақо фарқли жиҳатларга эга.

Ҳикоялардан кейин Баҳромнинг ўлими ҳақидаги сўнгги қисса келади. Кунлардан бир кун Баҳром яна шикорга чиқади. У ниҳоятда катта, қора қулонга

<sup>1</sup> Б а р б а д – сознинг номи.

йўлиқади ва уни қувиб кетади. Отилган камон ўқлари қулонга тегмайди. Баҳромни ортидан эргаштирган қулон чуқур жарликда ғойиб бўлади, Баҳром эса оти билан ўпқонга тушиб кетади. Қанча қидирмасинлар уни топа олмайдилар, жарликдан қаттиқ зарба туфайли майда-майда бўлиб кетган отнинг суяклари топилади.

Асосий мақсадимиздан узоқлашмаслик учун биз барча ҳикояларни таҳлил қилиб ўтирмай, биринчи новелла мазмунига тўхталамиз.

Сарандибда илму фанни жуда севган шоҳ яшарди. Унинг уч ўғли бор эди. Шоҳ фарзандларига яхши билим беради, сўнг уларни синаб кўриш мақсадида ҳар бирига ўз тахтини таклиф қилади. Уччала ўғил ҳам таклифни рад этади. Шунда шоҳ ўғилларини саёҳатга жўнатади. Йўлда улар бир қора занжига дуч келадилар, у шаҳзодалардан туя кўрмадингизми деб сўрайди. Биринчи шаҳзода жавоб ўрнига: “Унинг бир кўзи кўр эмасмиди?”, – деб сўраса, иккинчи шаҳзода: “Унинг бир тиши бўлмаса керак-а?” деб, учинчиси эса: “Бир оёғи оқсоқ эмасмиди?”, деб сўрайдилар, Занжи бу таърифлардан ўз туясини танийди. Шаҳзодалар унга қайси томонга юриш кераклигини кўрсатадилар. Жазирама иссиқда толиққан шаҳзодалар катта бир дарахт тагида дам олишга тўхтайдилар. Йўқолган туяни топа олмаган занжи яна уларнинг олдига келади. Шаҳзодалар уни саволга тутадилар: “Унга ёғ ва асал ортилганмиди?”, “Унинг устида аёл бормиди?”, “У аёлнинг ой-куни яқин қолганмиди?”. Шунда занжи уларни ўғирликда айблайди ва шоҳ ҳузурига олиб боради. Шаҳзодалар оддий сайёҳ эканликлари ва ҳеч қандай туя кўрмаганликларини айтадилар. Ҳазабланган шоҳ уларни зиндонга ташлайди. Тонгда кимдир арқони дарахт шохига ўралиб қолган туяни олиб келиб қолади.

Туя устидаги аёл хўжайинни қаердан қидириш лозимлигини айтади. Шоҳ асирларни озод этиб, улардан узр сўрайди. Кейин ҳеч қачон кўрмаган туяни қандай қилиб тўғри таърифлай олганликлари сирини сўрайди. Шаҳзодалар: йўл ёқасидаги ўтларнинг фақат бир томони ейилган, демак, унинг бир кўзи кўр, туёқ изларига қараганда унинг бир оёғи оқсоқ эди; чайналган барглardan унинг бир тиши йўқлигини сезиш қийин эмас дейишади. Сўнг давом этиб, йўлнинг бир томонидан пашшалар, иккинчи томонида чумолилар кўп эди; демак, хуржуннинг бир томонида асал, иккинчи томонида ёғ бўлган ва у тўкилиб борган; туя тиз чўккан жойда аёл панжасининг ҳам изи қолган, демак, бу аёл тураётганида кўлига таянган, шундан унинг ҳомиладорлигини тусмол қилдик, деб жавоб қайтаришади.

Йигитларнинг зукколигига қойил қолган шоҳ уларни ўз хизматига олади. Кунлардан бир кун у шаҳзодаларга барра гўшт билан мусаллас жўнатиб юборади ва шаҳзодалар овқатланаётганда уларнинг суҳбатини хуфиёна тинглайди. Улардан бири: “Мусалласда одам қони бор; иккинчиси: “Кўзичоқ итни эмиб катга бўлган”, учинчиси: “Шоҳимиз ошпазнинг ўғли бўлса керак”, дейди. Шоҳ текширишга тушади. Мусаллас тайёрланган узум қабристонда ўсган экан. Чўпон узоқ қаршилик кўрсатгандан сўнг онасини бўри еб кетган кўзичоқни болалаган итга эмизганини тан олади. Шунда аламзада шоҳ онасининг ҳузурига бориб, отам ким эди деб сўрайди. Онаси хафа бўлади. Ҳазабланган шоҳ уни қистовга олади. Шунда она: “Кунлардан бир кун мен ухлаб ётган эдим, таом олиб келган ошпаз мени уйғотди. Уйқусираб турганимда эҳтирос ғолиб чиқди, биз қўшилдик ва сен дунёга келдинг”, деб иқрор бўлади. Лол қолган шоҳ шаҳзодаларнинг олдига бориб, улар бу воқеалардан қандай воқиф бўлганликларини сўрайди. Улар жавоб берадилар: “Мусаллас кайф ўрнига қайғуга солди; барра гўшти баданни қиздириб, сўлакни оқизди, демак, уни бирор махлук ёки ит эмизган; сиз суҳбатларда давлат ишларига қараганда таом ҳақида кўпроқ гапирасиз”. Шоҳ уларнинг ҳар бирига юз динордан туҳфа қилиб, уйларига жўнатиб юборади. Отаси уйга қайтган шаҳзодаларнинг тўнғичига сандал рангли тож, иккинчисига шу рангдаги қимматбаҳо чодир, учинчисига қора байроқ ҳада этади. Бу аббосийларнинг рамзий рангидир.

Христофор қайта ишлаган эртақ айнан шу афсонага асосланганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Деярли барча тафсилотлар мос келади, аммо бу ўринда икки мустасно бор:

1. Амир Хусравда номи тилга олинмаган шоҳ Баҳром Гўрга айланган. 2. Шоҳнинг келиб чиқишига эмас, балки вазирининг сотқинлигига урғу берилган. Хри-

стофор бу ўзгаришларни нима учун киритгани равшан кўриниб турибди. Ҳикоялар Баҳромнинг кейинги тақдири билан мустаҳкам боғланиши ва Баҳром шаҳзодаларни нега саройга олганини изоҳлаши лозим эди.

Албатта, биз Христофор эртақнинг бошқа нусхаларидан фойдаланган дейишимиз ҳам мумкин. Лекин, менинг фикримча, бундай эмас. Ўз олдига Баҳром ҳақидаги дostonни қайта ишлаб чиқиш вазифасини қўйган Христофор, табиийки “Нафт раукаг” нинг турли нусхаларига диққатини қаратган. Дostonнинг иккинчи қисмига доир манбалар ҳам аниқ. Канизак Дилоромнинг исми Амир Хусрав ёки Навоийни кўрсатиб турибди. Юқорида кўрганимиздек, Хусрав дostonларидаги ҳикоялар бир-бири билан узвий боғланган эмас. Фақат Навоийнинг “Сабъаи сайёр” идагина Баҳром еттинчи ҳикоя орқали канизаги тақдиридан хабардор бўлади ва уни излаб топади. Навоийнинг асари мавжуд бўлиб, ҳатто исмларигача бир-бирига мос тушиб турган ўринда Христофор асарга ўзича ўзгартириш киритган дейишга асос йўқ.

Яна бир жумбоқ мавжуд. Асарнинг иккинчи қисмидаги соф насроний руҳли ҳикояни қандай изоҳлаш керак? Афсуски, бу саволга ҳозир жавоб бериш қийин. Бенфей новеллаларнинг мазмунини баён қилмайди. Христофор Баҳром Гўр ҳақидаги дostonларнинг хоҳлаган нусхасидан фойдаланиши мумкин эди. Аммо унинг Низомийдан фойдаланганига ишониш қийин, чунки Низомий ижоди билан танишлиги ҳақида асарда ҳеч қандай гап йўқ. Навоийнинг олтинчи ҳикояси Муқбил ва Мудбир ҳақида. Ундаги ахлоқий майлларга Бенфей насронийлик белгиси сифатида қараган бўлиши мумкин. Бу ўринда бошқа тахмин ҳам мавжуд: Христофор манбалардаги ҳикоялар изчиллигини сақлаши шарт эмас эди. Агарда у олтинчи ҳикояга Навоийнинг Фаррух ва Ахий ҳақидаги новелласини қўйганда, бу Бенфей учун насронийлик руҳини эслатиши мумкин бўларди.

Бу масалаларни ҳозир ҳал этиш имкони йўқ. Христофорнинг 11 марта чоп этилган асарининг бирор нусхаси топилса, бу жумбоқ осон ечилади. Ҳозирча бир нарса аниқ: табризлик армени Христофор ўз асарини Баҳром ҳақидаги дostonга ўзига хос назира шаклида ёзган. Бу пайтда Навоий вафотидан бери жуда кўп вақт ўтмаган бўлиб, муаллифга “Хамса” яхши маълум эди. Буни ажабланидан жойи йўқ. Бутун Яқин Шарқ дунёсида Навоий дostonлари ниҳоятда машҳур эди. XVI асрда вафот этган озарбайжон шоири Фузулий Навоий асарларидан кенг баҳраманд бўлган, лирик асарларида ҳам, “Лайли ва Мажнун” дostonида ҳам Навоий ижодидан илҳомланган. Грузин шоири Цицишвилининг “Етти гўзал” дostonи ўз асосига кўра Низомий эмас, Навоий ижодига тақалишини профессор К.Кекелидзе кўрсатиб ўтган эди. Бу мавзу Б.Т.Руденко томонидан ёрқин исботлаб берилган.

Фикримизча, Христофор томонидан қайта ишланган Навоий дostonи, ҳали китоб босиш ишлари тараққий этмаган даврдаёқ овруполиклар онгини сеҳрлаб олган ва Овруподаги бешта йирик давлат ўқувчилари орасида кенг тарқалган эди.

Тўғри, армени ҳикоячиси Навоий номини тилга олмаган. Ўқувчи қайси Шарқ шоири асарини ўқиётганини билмаган, албатта. Лекин факт – фактлигича қолади – Навоий ижоди овруполик ўқувчи юрагига етиб борди ва уни мафтун қилди...

Бенфей илгари сурган тахминлардан иккинчиси тўғри эканини эътироф этмоқ лозим. Христофор эркин таржима қилган асарнинг асл матни бор эди, у ҳозир ҳам мавжуд. Фақат у, Бенфей айтганидек, форс тилида эмас, эски ўзбек тилида битилган эди...

Навоий асарларининг мукамал библиографияси ва ижодини ўрганиш тарихини яратиш пайтида Христофорнинг асарини ҳам эътиборда тутиш лозим. Саъдий “Гулистон”ининг таржимаси Оврупода XVII асрда амалга оширилганини эсласак, Навоийнинг “Сабъаи сайёр” дostonи Оврупода илк таржима этилган ва фарб ўқувчилари орасида катта шуҳрат қозонган Шарқ адабиёти намунаси бўлиб чиқади.

*Русчадан  
Улуғбек АБДУЛЛАЕВ  
таржимаси*

# Навоийни жаҳон билади

**Х**азрат Алишер Навоий меросининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрнини ҳаққоний баҳолаш учун энг аввало у яратган асарларнинг жаҳон тилларига қилинган таржималари тарихини синчиклаб ўрганиш лозим. Дарвоқе, ўтган асрда таниқли адабиётшунос олимлар Н.И.Конрад, Е.Э.Бертельс, В.М.Жирмунский, А.К.Боровков, В.Зоҳидов, Ҳ.Сулаймонов, Ф.Каримов, Н.Маллаев, А.Рустамов, А.Қаюмов тадқиқотларида Алишер Навоий меросининг жаҳоний шухрати ва ғарб шарқшунослигида ўрганилиш тарихи хусусида айрим маълумотлар берилгани маълум. Аммо шу пайтгача адиб асарларининг жаҳон тилларига қилинган таржималари ва талқинини кенг ёритувчи монографик тадқиқотлар яратилмади. Ушбу мақолада ҳазрат Навоий меросининг Францияда ўрганилиши ва француз тилига таржималари хусусида фикр юритамиз.

Тарихдан маълумки, XI–XIII асрлар давомида Ғарбий Европа насроний қироллари Рим папаси ҳомийлигида Шарқ мамлакатларига, ислом дунёсига тинимсиз саблиб юришлари уюштирганлар. Бу юришлар натижа бермагач, XIII–XIV асрлар мўғул босқинидан фойдаланган европалик насроний сайёҳлар, монах ва миссионерлар Марказий Осиё бўйлаб то Пекинга қадар катта ҳудудда эмин-эркин юришиб, христиан динини тарғиб қилганлар ва буюк аждодларимиз қаламига мансуб нодир китоб ва қўлёзмаларни ўзлари билан олиб кетганлар. Ниҳоят, XIV асрнинг сўнгги чорагида жаҳон майдонига чиққан соҳибқирон Амир Темур шижоати ва зафарли юришлари туфайли 1402 йилда Шарқ ва Ғарб иқлимида тотувлик ўрнатилди, насроний ва мусулмон дунёси ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Натижада ислом маданиятининг даҳолари бўлган Ибн Сино, Ибн Рушд, ал-Фарғоний, ал-Беруний, ал-Хораз-

мий ва антик дунё олимлари Платон, Гиппократ, Аристотел, Птолемей асарлари араб ва лотин тилларида ғарб оламига кириб борди. Европанинг Болония, Сорбонна, Кембриж, Оксфорд, Лейден каби йирик университетларида юқоридаги олимларнинг асарлари асосий дарслик тариқасида кенг ўрганила бошланди.

Қадим юнон ва рим ҳамда ислом маданияти таъсирида дастлаб XIV асрда Италияда, XV–XVII асрларда Испания, Франция, Англия ва Германия каби ғарб мамлакатларида Ренессанс (Уйғониш) маданияти юзага келди ва равнақ топди. Қолаверса, буюк Дантенинг “Илоҳий комедия”си, Макиавеллининг “Ҳукмдор”, Боккачонинг “Декамерон”, Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэл”, Сервантеснинг “Дон Кихот”, Марлонинг “Буюк Темур” сингари шоҳ асарларида шарқона мавзу ва фалсафа эътироф этилгани фикримизга асосдир. Энг муҳими, бу даврда дастлаб Франция ва Англияда шарқшунослик мактаблари юзага келди.

Масалан, Францияда қирол Людовик XIV (Қуёш қирол – М.Х) ва унинг бош вазири Колбер замонида илм-фан, адабиёт ва санъат жуда тараққий этди. Шахсан бош вазир Колбернинг ташаббуси билан Византия, Константинопол, Толедо, Севилия шаҳарларидаги бой кутубхоналар соғиб олиниб, Прижга келтирилди. Дастлаб Қироллик кутубхонаси, кейинчалик Миллий кутубхона номини олган бу масканда XVII асрнинг ўрталарида йирик шарқшунослик мактаби барпо этилди. Шу мактабнинг биринчи қалдирғочлари Бартоломе д’Ербело де Моленвиль (1625–1695) ва Франсуа де Бернье (1620–1688)лар бош вазир Колбер томонидан икки тарафга, биринчиси Византияга қадар, иккинчиси Ҳиндистонга қадар бўлган шарқ мамлакатларига сафарбар этилган эдилар. Бу сафар таассуротлари натижаси

ўлароқ, Бартоломе д'Ербелонинг "Шарқ кутубхонаси" ва Бернъенинг "Буёқ мўғулларнинг сўнги давлат тўнтарилиши тарихи" китоблари юзага келди.

Шарқ халқлари ҳаёти, тарихи ва маданиятини кенг ёритувчи Бартоломе д'Ербелонинг "Шарқ кутубхонаси" (La Bibliotheque orientale) қомусий китоби тез орада нафақат Францияда, балки бутун Европада шуҳрат қозонди. Мазкур қомусдаги Марказий Осиё халқлари, соҳибқирон Амир Темур ва унинг буёқ империяси, Шоҳрух ва Улуғбек давлати ҳақидаги мақолалар билан бир қаторда, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, Ибн Рушд каби буёқ шарқ алломалари ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган саҳифалар ўқувчини ўзига жалб этади. Қомусда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик сўймолари Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди хусусида ҳам илк маълумотлар бериб ўтилган эди. Масалан, китобнинг 99-саҳифасидаги "Алишер" ("Alicher") номли мақолада ҳазрат Навоий тўғрисида қуйидагича таъриф келтирилади: "Алишер, ёки Мир Алишер Навоий деб аташди. Бу ном "Али" ва "Шер" сўзларидан таркиб топгандир... Алишер Хуросонда вазир бўлиб жуда катта обрў-эътибор қозонган. У йирик олим ва ширинсухан шахс бўлган. Ҳирот шаҳрида ўзининг бой кутубхонасини яратган ва унга шогирди тарихчи Хондамирни мутасадди этиб тайинлаган".

Қомуснинг 661-саҳифасидаги "Навоий" ("Nevai") сарлавҳаси остида берилган мақолада ушбу сатрларни ўқиймиз: "Навоий, бу Низомиддин Мир Алишернинг тахаллуси бўлиб, Амир Темур авлодидан бўлган шахзода Мирзо Султон Хусайннинг вазири эди. Навоий ҳам туркийда, ҳам форсийда ажойиб шеърлар ёзган. Унинг "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Садди Искандарий" ва "Сабъаи сайёр" дostonлари бор. Бундан ташқари, у тўртта девон ёзиб қолдирган. Улар "Фаройиб-ус-сигар", "Наводир-ушшабоб", "Бадойи-ул-васат", "Фавоийид-ул-кибар" деб номланиб, болаларга, ўсмирларга, ўрта ёшдаги кишиларга ва кексаларга аталгандир. Навоий 906 ёки 912 ҳижрий йилида вафот этган".

Бу мақолада француз ўқувчиси илк даъфа ҳазрат Навоий "Хамса"сидаги

дostonларнинг, шоир қаламига мансуб тўртта девоннинг номи билан танишмоқда. Тўғри, Бартоломе д'Ербело мақоласида "Хамса"нинг биринчи дostonи "Ҳайрат-ул-аброр" ҳамда "Хазойин-ул-маоний" девонининг номлари тушириб қолдирилган. Шунингдек, олимнинг шоир девонлари ҳақида билдирган фикрлари ҳам бирёқлама айтилган. Шоир вафотини кўрсатувчи иккинчи сана ҳам тўғри келтирилган. Бу камчиликларни ҳисобга олмаганда, Бартоломе д'Ербело қомусидаги ушбу мақолалар Алишер Навоий ижоди билан француз жамоатчилигини XVII асрда илк таништирган манба сифатида қимматлидир.

XVIII асрга келиб, Фарбий Европа, жумладан Францияда филооориентализм (шарқни севиш ва ўрганиш — М.Х.) тамойили фан ва маданиятни феодализм тажовузи ва диний жаҳолатдан ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнади. Француз маърифатпарвар адиблари Монтеस्कье ўзининг "Форс мактублари", Волтер "Шарқ қиссалари", Дидро "Бевафо жавоҳирлар" каби асарларида шарқона сюжетларни асосий мактуб қилиб оладилар. Бу анъана, айниқса, Волтернинг фалсафий қиссаларида яққол кўзга ташланади. Масалан, шарқ фольклори, мифологияси ва адабиётини яхши билган ёзувчи, ўзининг "Задиг ёки тақдир" ("Zadig ou Destinee") қиссасидаги "Ит ва от" ("Le chien et le cheval") боби мазмунини табризлиқ Христофор Арманийнинг фарба машҳур бўлган "Сарандип подшоиси уч ўғлининг саргузаштлари" (1557) номли асаридан олгани ўша даврда илмий жамоатчиликка маълум бўлган. Қисса нашр қилингандан сўнг, ҳатто Волтернинг замондоши, танқидчи Фрерон адибни кўчирмачиликда айблаган ҳам эди. Шарқшунос Е.Э.Бертельснинг ёзишича, Христофор Арманий ҳам ўз китобига бу сюжетни Алишер Навоийнинг "Хамса"сига кирувчи "Сабъаи сайёр" дostonидаги ҳикоятдан эркин таржима қилиб олган экан (Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии. — М. — Л., 1948, с.79).

XVIII аср давомида тарихий манбаларни тўплаш ва шарқ мамлакатларидан олиб келинган ноёб қўлёзмаларнинг ортиб бориши Францияда шарқшунослик илмининг кейинги ривожига катта замин ҳозирлади. Аср

охирига келиб, Париж ғарб шарқшунослигининг марказларидан бирига айланади. 1795 йилда бу ерда “Шарқ жонли тиллари мактаби” (“L’Ecole des Langues vivantes orientales”) очилади. 1821 йилда “Осиё жамияти” (“La Societe asiatique”) ташкил топади. 1823 йилда шу жамиятнинг органи – “Осиё журнали” чоп этила бошлади. Бу даврда С. де Саси, А.Ж.Клопрот, Э.Катремер, А.Ремюзо, Ф.А.Белен каби шарқшунос олимлар туркий адабиёт намуналарини ўрганиш ва таржима қилиш билан машғул бўлдилар. Айниқса, улар ўзбек адабиётининг буюк намоёндалари ҳазрат Навоий ва шоҳ Бобур ижодини ўрганишга алоҳида эътибор бердилар. Масалан, таниқли шарқшунос олим Силвестр де Саси (1758–1838) тадқиқотларида Алишер Навоий меросини ўрганишга катта ўрин ажратади.

Алишер Навоий ижодини Францида тарғиб қилиш ва ўрганишга “Француз коллежи” (“College de France”) нинг профессори Этйен Катремер (1782–1857) катта ҳисса қўшди. Э.Катремер 1841 йил ўзининг “Шарқий турк адабиёти хрестоматияси” (“Chrestomathie en turk orientale”, . Paris, 1841) номли китобини нашр эттиради. Мазкур хрестоматиянинг жилдида қуйидаги ёзувларни ўқиймиз:

“Шарқий турк адабиёти хрестоматияси. Амир Алишер Навоий асарлари, султон Бобур эсдаликларидан парчалар”, “Меърожнома”, “Тазкират-улавлиё” ва “Бахтиёрнома” китобларидан олинган бобларни ўз ичига олади. Ундаги Алишер Навоий ҳаётига доир мақола, шунингдек, китобдаги грамматик, фалсафий ва бошқа изоҳлар Э.Катремер тарафидан ёзилган”.

XIX аср ўрталарига келиб, Алишер Навоий ижодини кенг қамровда тадқиқ қилиш, асарларини таржима ва таҳлил этиш, француз шарқшунослигида янгича босқичга кўтарилди. Бу йилларда француз шарқшуноси Франсуа-Алфон Белен (1817 – 1877) ҳазрат Навоий ижодини чуқур ўрганиб, йирик тадқиқотлар йиғади. Белен ёшлигидан Француз коллежи ва Шарқ жонли тиллар мактабида С.де Саси, Ж.Ж.Марсель, Э.Катремер каби олимлардан сабоқ олиб, форс, араб ва туркий тилларни ўрганади. У дастлаб қирол саройида таржимон, кейинчалик эса Франциянинг Қоҳирадаги элчихонасида таржимон-котиб, 1852 йилдан эса

Константинополдаги элчихонада таржимон-котиб вазифасида ишлайди. 1868 йилдан то умрининг охирига қадар шу элчихонанинг бош консули лавозимида хизмат қилади.

Франсуа Белен ўзининг Мисрга қилган саёҳати пайтида Навоий “Куллиёт” ини қўлга киритади. Мазкур “Куллиёт” 1649 йил (ҳижрий 1059 йил)да Машҳадда кўчирилган бўлиб, Беленнинг таъкидлашича, у Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган ва 1526 йил (ҳижрий 930–933) Ҳиротда кўчирилган нусхадек мукаммал бўлмаган. Белен Навоийнинг бу икки “Куллиёти” ҳамда Хондамир, Шарафиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Сом Мирзоларнинг Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган асарлари, шунингдек, С. де Саси, Э.Катремер, Ш.Шефер, Б. де Мейнар каби француз шарқшуносининг Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётига бағишланган илмий тадқиқотларига таяниб, адиб ижодини ўрганиш ва тадқиқ қилишга киришади.

1861 йил “Осиё журнали”нинг феврал-март ва апрел-май саналарида жаноб Беленнинг “Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар” (“Notice biographique et litteraires sur Mir Alicher Nevai”) номли биринчи тадқиқоти босилиб чиқади. Мазкур тадқиқот икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида агрофлича фикр юритилган. Иккинчи қисмида эса, мунаққид Навоий “Куллиёт”идаги “Мажолис-ун-нафоис” ва “Хамсат-ул-мутахаййирин” асарларидан парчалар келтириб, уларни француз тилига таржима қилади ва изоҳлар ёзади. Масалан, журналнинг 300–357-саҳифаларидан ўрин олган “Хамсат-ул-мутахаййирин”нинг французча таржимасига 150 дан ортиқ изоҳ ёзилган. Муаллифнинг таъкидлашича, у таржимани асарнинг Миллий кутубхонада сақланаётган қўлёзмасидан француз тилига ўгирган. Французча матни кўпроқ илмий услуб касб этади. Таржимон асардаги образли иборалар, мақол, матал ва ҳикматларни аслият мазмунига монанд ўгиришга ҳаракат қилган.

1868 йили “Осиё журнали”нинг XVII–XVIII жилдида Беленнинг “Шарқ донолари” рукнида Мир Алишер Навоийнинг фазилатлари, эстетик ва фалсафий қарашлари (“Caracteres,



maximes et pensees de Mir-Ali-Chir Nevai”) номли иккинчи тадқиқоти эълон қилинади. Тадқиқотнинг дастлабки саккиз саҳифаси “Маҳбуб-ул-қулуб” асари таҳлиliga бағишланган. Қолган эллик саҳифа мазкур китобнинг французча таржимаси ва унга ёзилган изоҳлардан иборат. Белен асарни тўлиқ таржима қилмаган, балки ўзига маъқул бобларнигина француз тилига ўгирган. Мазкур таржималарнинг асосий фазилати, уларга ёзилган 90 дан ортиқ изоҳда кўринади. Бу ерда ҳам таржима матни илмий услубга яқиндир.

Ф.А.Белен “Маҳбуб-ул-қулуб” асари устида олиб борган тадқиқотини яна давом эттиради ва 1872 йил турк олими Аҳмад Вофиқ афанди билан ҳамкорликда унинг матнини нашр қилдиради. Мазкур нашр ҳақида “Осиё журнали”нинг 1874 йил 3-жилдида профессор Паве де Куртейлнинг ижобий тақризи босилиб чиққан.

Француз олими юқоридаги тадқиқотларида Алишер Навоийнинг ўз замонасида тутган мавқеини, шоирлик маҳоратини тўғри баҳолаб, “Навоий туркий тилдан усталик билан фойдаланиб, унинг бойлигини фавқуллодда кенг кўламда намоиш этиш билан чинакамига ватанпарварлик намунасини кўрсатди”, деб ёзади. Бироқ, Белен Навоий ижодини, унинг шоҳ асари “Хамса”нинг ҳақиқий қимматини тўғри баҳолай олмади. Профессор Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, “икки нотўғри фикр Белен томонидан энгилелли баён қилинган эди: биринчиси, султон Ҳусайн ва Навоий ўртасидаги дўстликни ҳаддан ортиқ идеаллаштириб кўрсатилиши, иккинчиси, шоир ижодининг бутунлигича тақдирчилик тариқасида баҳоланишидир” (Е.Э.Бертельс. Навои. Опыт творческой биографии. — М., 1948. — с.48).

Дарвоқе, Беленнинг ёзишича “Навоий ўз даврининг етук олими ва шоири Хисрав Дехлавий, Низомий ҳамда Жомийларнинг таржимони эди. Уларга тақдир қилишдан (“imiter”), уларни бадиий ижодда раҳнамо деб билишдан фахрланарди”. (М. Belin. Notice biographique..., p.222). Белен тарафидан айtilган бу хато фикр, таниқли шарқшунос, профессор А.К.Боровков томонидан ҳам танқид қилинади (қаранг: А.К.Боровков. Изучение жизни и творчества Алишера Навои. //

Родоначальник узбекской литературы. Ташкент, 1940, с.19–20). Бу камчиликлардан қатъи назар, Белен тадқиқотлари Европа шарқшунослик илмида то XX аср ўрталарига қадар етакчи ўринни эгаллаб келди.

Ҳазрат Навоий меросини ўрганиш ўтган XX асрда ҳам француз шарқшуносларининг диққат-эътиборида бўлди. Масалан, 1900 йилда нашр этилган Ш.Шефернинг “Араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёмалар мажмуаси каталоги”да Алишер Навоий қаламига мансуб асарларнинг 16 та қўлёмалар нусхаси келтириб ўтилган (қаранг: Холбеков М. Парижнинг Миллий кутубхонасида сақланаётган шарқ қўлёмалари каталоги. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985.5-сон.) Э.Блошенинг “Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёмалар каталоги” (“Les enluminures de manuscrit orientaux de la Bibliotheque National. Paris” 1926) мақоласида эса адиб асарларининг 35 та қўлёмалар нусхаси тавсиф этилади. Э.Блоше ҳам Навоий ижодини баҳолашда Белен фикрига таяниб, адибни форс-тожик адабиётининг тақдирчиси, деган тўхтамга келади. Бу даврда ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан шарқшунос Люсьен Бува (1872–1942) ҳам жиддий шуғулланди. У 1902 йил Парижда бўлиб ўтган шарқшунослар анжуманида Навоийнинг “Муҳокамат-ул-луғатайн” асарининг янги топилган қўлёмаси хусусида маъруза қилди. 1926 йил “Осиё журнали”да унинг “Темурийлар даври маданияти ҳақида рисола” (“Essai sur la Civilisation timouride”) номли тадқиқоти босилиб чиқади. Люсьен Бува ушбу тадқиқотида темурийлар даври фани, маданияти, санъати ва адабиётига тўхталиб ўтаркан, бу даврда яшаб ижод этган форс-тожик ва туркигўй шоирлар ижодини ёритишга ҳам ҳаракат қилган. Масалан, ҳазрат Навоий Бува таърифида ҳам олий унвонлару мансабга интилмаган камтарин ҳамда ватанпарвар шахс қиёфасида талқин этилади. Шунингдек, шоир ўз устозлари Хисрав Дехлавий, Низомий Ганжавий ва Абдурахмон Жомийлар салоҳиятини ҳурмат қилгани, ўзининг “Мажолисун-нафоис” асарида улар ҳолига юкаск баҳо бериб ўтганлиги француз шарқшуносининг назаридан четда қолмаган. Афсуски, Бува ҳам ҳазрат Навоий ижодига, асарларининг гоёвий-

бадий қимматига тўғри баҳо беролмади. У Навоийнинг “Маҳбуб-улқулуб” асарини Носир Хисравнинг “Саодатнома”, “Лисон-ут-тайр”ни Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ-ут-тайр” асарларининг тақлиди ва таржимаси, “Ҳайрат-ул аброр”ни эса турли форсий манбалардан олинган мажмуадир, дея исботлашга уринди. Люсьен Бува ушбу рисоласини ҳеч ўзгаришсиз 1927 йилда нашр эттирган “Мўғул империяси” (“Histoire du monde. Tome VIII. L’Empire mongol. Paris, 1927”) номли монографиясига ҳам киритади. Академик В.В.Бартольд бу китобга ёзган тақризида, Буванинг Темур ва темурийлар сулоласи тарихини ёритишга илмий ёндошмаганини, фақат Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Навоий ва Бобур асарларигагина таяниб қолганини, оқибатда Султон Ҳусайн ҳукмронлиги ҳақида ҳам, Мир Алишер Навоий мероси хусусида ҳам маълум бир тўлақонли тасаввур бера олмаганини танқид қилиб ўтади (Қаранг: В.В.Бартольд. Сочинение. Том 9, с.557-560).

Француз адабиётшунослигида Алишер Навоий ижодига ҳаққоний баҳо ни машҳур адиб Луи Арагон (Louis Aragon — 1897–1982) бериб ўтди. У ўзининг 1955 йилда нашр қилинган “Совет адабиёти” (“Lettres sovietiques”) монографиясида собиқ Иттифоқ халқлари адабиёти хусусида фикр юритаркан, ҳар бир ёзувчи фаолиятини ўз халқи тарихи ва маданияти билан бевосита талқин қилишга уринади. Таниқли француз адабиётшуноси Жан Фревилль сўзи билан айтганда, Арагон “бу китоби билан французларга ҳали маълум бўлмаган бир қатор миллат ва элатлар маданиятига эшик очиб берган эди”. Масалан, китобнинг 95–97-бетларидан ўрин олган “Навоий” номли боб қўйидаги сатрлар билан бошланади: “Ўзбекистон ҳақида сўз юритганда — бу ўлканинг Алишер Навоий ватани экани беихтиёр ёдимизга тушади. Бугун бу Республика пахта макони, пойтахти Тошкент боғу-роғларга бурканган шаҳардир” (Л.Арагон. Навоий. Шарқ юлдузи, 1987.4-сон, М.Холбеков таржимаси).

Луи Арагон Навоий яшаган даврда Марказий Осиё ҳудудида ҳали темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилгани, Самарқанд ва Ҳирот каби шаҳарларда илм-фан тараққий этиб, шоир

улардан баҳраманд бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Арагон ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида аниқ маълумотларни келтираркан, ўз рисоласини ёзишда профессор Е.Э.Бертельс, М.Ойбек ва Гафур Ғулломнинг шоир ҳақидаги мақолаларидан фойдаланганини ҳам алоҳида таъкидлайди.

“Навоий, — деб ёзади Л.Арагон, — Саъдий ва Аттор шеърляти, айниқса, XXII асрда яшаб ижод қилган озарбайжон шоири Низомий Ганжавий изидан бориб, унинг “Хамса”си анъаналарини давом эттиради. Айнан шу ҳодиса француз ўрта аср адабиёти (Критйен де Труа) дан то ренессанс даври (Пйер Ронсар) гача бўлган адиблар ижодида ҳам кечган эди”. Арагон китобида Навоий ижоди ҳақидаги фикрини давом эттираркан, яна ёзади: “Навоий ўзининг “Фарҳод ва Ширин” дostonи мазмунини Низомийнинг “Хисрав ва Ширин” дostonи сюжетидан олади. Бироқ адиб уни ўз она тилида, яъни туркийда битлади. Туркий тилнинг нозик хислатларини унда намoён этади”. Рисола давомида муаллиф Навоийнинг соф туркийда оригинал асарлар яратганлигини яна бир қарра тасдиқлаш ва ўз ўқувчисига етказиш мақсадида “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги ушбу сатрлар билан бошланувчи шеърлий парчани французча таржимада келтириб ҳам ўтади:

Деёлмасманки Хисрав ёки Низомий,  
Ва ё назм аҳлининг сархайли Жомий...  
Moi je ne suis ni Khosrav, ni Nizami le sage,  
Ni le cheikh des poetes d’aujourd’hui, Djami...

Луи Арагон Навоий ҳазратларининг давлат арбоби, маданият ҳомийси сифатида муҳим тарихий хизматларини алоҳида таъкидлаган. Масалан, унинг вазирлик лавозимида эл-юрт фаровонлиги, халқ осойишталиги йўлидаги фаолиятига қўйидагича таъриф беради: “Навоий вазир лавозимида фуқаронинг истаги ва талабини қондиришга интилган халқпарвар шахс эди”.

Луи Арагон кейинчалик ҳам ўз ижодида шарқ халқлари адабиётига, жумладан, Низомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий ва Навоий ижодига ҳурмат билан қаради, айниқса, ўз шеърлятида шарқона анъаналардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Масалан, шоирнинг 1963 йилда босилиб чиққан “Мажнун Эльза” (“Le Fou d’Elsa.

Poemes”) мажмуасига кирган шеърларида шарқона поэтик тасвирнинг французча матн мазмунига нақадар уйғунлашиб кетганини кузатамиз. Арагон ушбу китобидаги лирик қаҳрамон Эльзани (рафикаси шоира Эльза Триоле. 1896–1970-М.Х) шарқ классиклари қаламига мансуб “Лайли ва Мажнун” дostonидаги Қайснинг севгилисидан Лайлига ўхшатаркан, уни ўз ишқига муносиб соҳибжамол-париваш қиёфасида тасвирлашга ҳаракат қилади.

Ҳазрат Навоий мероси билан француз ўқувчиларини яқиндан таништиришда XX аср француз қомусларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан. 1960–1964 йилларда чоп қилинган ўн жилдлик “Катта Ларусс қомуси” (Grand Larousse Encyclopedique)нинг еттинчи китобидаги “Навоий” (Мир-Али-Шер) номли мақолада шоирнинг ҳаёт йўли ва ижоди тўғри ёритилган. Бироқ қомусда келтирилган маълумотлар ўқувчига Навоий ижоди ҳақида тўлиқ тасаввур беролмайди. Сабаби, бу мақолада адиб меросининг асосини ташкил қилувчи “Хамса”га кирган дostonлар ва “Хазойин-ул-маоний” девони умуман тилга олинмаган.

Ўтган аср француз адабиётшунослигида яратилган нуфузли манбалардан бири ҳисобланган уч жилдлик “Адабиёт қомуси” (“Dictionnaire des litteratures”. -Paris, 1968) нинг иккинчи жилдидаги “Навоий (Али-Шер, 1540–1600)” мақоласи ҳам диққатимизни ўзига жалб этади. Мақолада куйидагиларни ўқиймиз: “Навоий туркий тилда “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларини, туркийгўй шоирлар таржимаи ҳолини ёритувчи “Мажолис-ун-нафоис” асарини ёзди. “Мезон-ул-авзон” асарида туркий тилда шеър битишнинг қонун-қоидалари хусусида баҳс юритади. Машхур “Муҳокамат-ул-луғатайн”да эса туркий тилнинг бебаҳо бойлиги ва ширинзабонлигини исботлаб берди”. Ушбу маълумотлардан кўринадики, “Адабиёт қомуси”даги бу мақола “Катта Ларусс луғати”даги қараганда шоир мероси ҳақида бирмунча кенг тасаввур беради. Бироқ, мақолада адибнинг таваллуд ва вафотини билдирувчи саналар нотўғри кўрсатилган. Шунингдек, шоир қаламига мансуб “Хамса”даги “Ҳайрат-ул-аброр”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonлари, “Хазойин-ул-

маоний” девони хусусида ҳеч нарса дейилмаган.

Яна бир эътиборли манба, бу таниқли француз олими ва шоири Ремон Кено муҳаррирлигида нашр қилинган икки жилдлик “Плеяда қомуси” (“Encyclopedie de la Pleiade. Histoire des Litteratures”. – Paris, 1956.) бўлиб, унинг биринчи жилдидаги М.Тальбо қаламига мансуб “Туркий халқлар адабиёти” бобида Алишер Навоий ижодига анча кенг ўрин берилган. М.Тальбо мақолани ёзишда ўз ватандошлари Ф.А.Белен ва Л.Бува тадқиқотларидан фойдалангани сезилиб туради. Чунки у келтирган маълумот ва таърифлар юқоридаги муаллифлар айтиб ўтган фикрларга жуда яқин. Мақолани ўқир эканмиз, ҳатто баъзи ўринларда муаллиф Л.Бува айтган нотўғри фикрларни ҳам тўғридан-тўғри кўчириб олганига шохид бўламиз. Бир ўринда у ёзади: “Навоий форсийда битилган диний-мистик асарларни таржима қилди ва уларга тақлидан асарлар ёзди. Масалан, “Маҳбуб-ул қулуб” асарини бунга мисол қилиб келтириш мумкин”. Мазкур мисоллар ўтган асрда ҳам айрим француз олимлари Навоий ижодини изчил ўрганиш ўрнига аввалги нотўғри фикрларни такрорлаш йўлидан борганлигини кўрсатади.

Ўтган асрнинг сўнги йилларида, франциялик ижодкорларнинг ҳазрат Навоий меросига, умуман, ўзбек шеърятига бўлган қизиқиши ортди. Шу ўринда Парижда чиқадиган эътиборли журналлардан бири “Action poetique” (“Шеърлий ҳаракат”) нинг саъй-ҳаракатларини таъкидлаб ўтиш жоиз. 1989–1990 йилларда ушбу журналнинг икки сони ўзбек шеърятига бағишланди. 1990 йилда эса “Ўзбек ғазали” (Actio poetique: Ghazale ouzbeks.-Paris, 1990, n121) сарлавҳаси остида махсус сони босилиб чиқди. Унда Хожа Аҳмад Ясавий, Лутфий, Ҳусайний, Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим, Огаҳий, Увайсий, Фазлий ва Маҳзуна каби мумтоз шоирларимиз ижодидан намуналар берилди. Ҳазратларни француз тилига истеъдодли шоир Жан-Пьер Бальф юксак маҳорат билан ўгирган. Масалан, ҳазрат Навоийнинг “Қаро кўзим” радифли ғазалининг биринчи тўртлигини таржима билан солиштирганимизда бунга амин бўламиз.

Француз шоири Жан-Пьер Бальф

ҳазрат Навоий шеърятидан ўгирган таржималарини алоҳида китоб қилиб, шоир таваллудининг 550 йиллик юбилейига совға сифатида чоп эттирди. Париждаги нуфузли нашриётлардан саналмиш “Ла диферанс” китоб уйи 1991 йилда Навоий шеърятини мажмуасини “Ғазаллар ва бошқа поэмалар” (Alicher Navoi. Gazels et autres poems.-Paris: Orphee/La Difference, 1991-127p.) номи остида чоп этди. Энг муҳими, тўплам матни икки тилда, яъни аслият (араб имлосида) ва французча таржималари билан ёнма-ён берилган. Бу француз ўқувчисига ҳазрат Навоий шеърятини бир пайтнинг ўзида ҳам аслида, ҳам таржимада ўқиш имконини яратган.

Франциялик олимлар ва ноширлар йирик қомусларда Алишер Навоийни тарғиб қилишга кенг ўрин бермоқдалар. Шу ўринда, франциялик таниқли тилшунос олим, ҳозирда Тошкентда-

ги Марказий Осиёни ўрганиш француз институтининг директори доктор Реми Дор жанобларининг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Доктор Рем Луи Базен, Жан-Поль Ру, Бакье-Граммонлар қаторида танилган, туркий тиллар бўйича йирик тадқиқотлар яратган олимдир. Унинг Ватанимизда яшаб, ўзбек тили ва маданияти тарихига бағишланган тадқиқотлар яратаётгани қувончлидир. Бевосита олим раҳбарлигида французча-ўзбекча ва ўзбекча-французча луғатлар нашр қилинди. У ҳазрат Навоий меросини, жумладан шоирнинг “Муфрадот” рисоласини чуқур таҳлил қилиб, муаммо жанрининг ечимига бағишланган “Алишер Навоий муаммолари” (Париж, 2006) номли тадқиқотини нашр эттирди. Олимнинг бу монографияси француз шарқшунослик илмининг катта ютуқларидан биридир.

*Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор*

# УЛУҒ ЗОТ НАЗДИДАГИ УЛУҒЛИК

**П**аҳлавон Муҳаммад XV аср Хуросонининг йирик маданият арбобларидан бири эди. Алишер Навоий бу гўзал инсоний фазилатларга эга, илғор фикрли шахс билан 40 йил мобайнида яқин дўст бўлган ва уни ўзининг улуғ мураббийси санаган. Айнан шунинг учун ҳам Навоий у ҳақда махсус «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарини яратган. Унда Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳаёти, ижоди ҳамда у билан Навоий ўртасидаги муносабатлар тўлиқ ёритилган.

Асар қаҳрамонининг исмига бекорга «Паҳлавон» сифати қўшилмаган. Чунки у куштигир, яъни машхур курашчи – полвон бўлган. Муҳаммад кичиклигида Паҳлавон Абусаиддан куштигирликни ўрганади. Шу даражага етадики, Навоийнинг таърифлашича, ўтган тўрт-беш юз, балки минг йилда ҳам бундай паҳлавон дунёга келиши амри маҳол. Паҳлавон Муҳаммад курашишдан ташқари, бошқа илмларни ҳам пухта ўзлаштиради. У мусиқа, куй-кўшиқ соҳасида ғоят кучли истеъдод эгаси эди.

Паҳлавон Муҳаммад Устод Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Шайх Сафой Самарқандий ва Хожа Юсуф Андижоний каби Ҳиротдаги машхур шоир, бастакор ва созандалар асарлари қабилда янги куйлар яратади. Навоийнинг ёзишича, Паҳлавон Муҳаммаднинг асарлари юқорида саналган бастакорларнинг мусиқаларидан ҳам яхшироқ чиққан, овози ҳам ғоят ёқимли ва гўзал бўлган.

Мусиқадан ташқари, Паҳлавон шеър ҳам ёзади. Асарларига «Куштигир» деб тахаллус қўяди. Навоий унинг шеърий байтларидан намуналар ҳам келтиради. Мана, бир мисол:

Гуфтамаш: «Дар олами ишқи ту корам бо ғам аст?»  
Гуфт хандон зери лаб: «Ғам нест, кори олам аст»

Таржимаси: «Унга, сенинг ишқинг оламида ишим ғамдан иборат бўлди, деб айтдим. У кулги аралаш мийиғида, ғам эмас, оламнинг иши, деди».

Паҳлавон Муҳаммад муаммо санъатида ҳам тенги йўқ эди. Бошқа муаммо айтадиганлар шунча ҳаракат билан бир байт ёки бир рубоийдан битта муаммо ҳосил қилса, Паҳлавон Муҳаммад баъзи устод шоирлар каби атайлаб муаммо ёзмаган бўлсалар ҳам, уларнинг шеърдан ўзи муаммо ҳосил қилар экан. Навоий бу фикрининг исботи сифатида Ҳофиз Шерозий шеърларидан Паҳлавон Муҳаммад зукколик билан ҳосил қилган муаммо жавобларини келтиради.

Бундан ташқари, асарда Паҳлавоннинг Навоийга юборган хатида ёзган рубоийсини ҳам ўқиймиз. Рубоийга жавоб қилиб Навоий ҳам рубоий битади, бироқ ўзини камтарлик юзасидан яшириб: «Баъзи мухлис ва муътақид ёронлари руқъаси жавобиде айтиб эрдиким...» – деб ўз рубоийсини келтиради.

Паҳлавон Муҳаммад Султоний дарёси ёнида бир лангар, яъни йўловчилар қўниб ўтадиган, дам оладиган жой барпо этади. Кунлардан бир кун Ҳусайн Бойқаро овдан қайтишда шу масканга кириб, ҳордиқ чиқаради. Бироқ Паҳлавон бу вақтда бошқа жойда бўлади. Меҳмондорчилик қилолмаганидан ўта хижолат чекиб, узн сўраш мақсадида бир қитъа битади:

Такъяи моро бигузашт аз чархи барин,  
По ба рӯ афканда соя сояи парвардигор,  
Гарчи гардун атласи худ кард пойандози шоҳ,  
Кош ман мебудаму то жони худ карди нисор.

Таржимаси: «Парвардигорнинг сояси бошпанамга ўз соясини солиб, унинг шарафини баланд осмондан ҳам юксалтириб юборди. Агарчи осмон ўз атласини шоҳга пояндоз қилган эса-да, кошки ўзим бор бўлсайдим, жонимни нисор қилардим».

Паҳлавон Муҳаммад шеърӣ санъатлар, аруз, қофия илмини жуда чуқур билган. Турли маснавий, қасида, ғазалларнинг кўпини ёддан айта олган. Илми нужум, яъни астрономия ва астрологияни шунчалик билардики, рожаӣи толеъ, яъни бизнинг тилимиз билан айтганда, мунажжимлар башоратномасини бита оларди, дейди муаллиф.

Яна тиббиёт илмини шунчалар пухта ўрганган эдики, кўпчиликни ўзи даволай оларди. Диний илмлардан бўлмиш фикҳ илми, яъни ислом ҳуқуқини ўша даврнинг кўпчилик фақиҳларидан яхшироқ биларди.

Навоийнинг таъкидлашича: «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло анга қобилият каромат қилиб эрди». (112-бет). Ҳақиқатан ҳам, бунчалик кўп қиррали, ҳар тарафлама истеъдодли шахслар, умуман, инсоният тарихида кам туғилади. Боз устига, асосий машғулоти жисмоний куч ишлатиш билан боғлиқ касб бўлган шахснинг мусиқа, назму нужумдан бунчалик бохабар бўлиши биз учун ғайритабиӣ ҳол туюлади. У эгаллаган касбларни санашнинг ўзи кифоя. Паҳлавон қандай ишни бошламасин, албатта, охиригача уни моҳирона бажарарди. Мурувват ва саховат бобида эса унга етадигани йўқ эди.

Замоннинг уламосидан оддий фуқаросигача, мансабдоридан султонзодасигача унинг суҳбатини олишга интиларди. Унинг давраси мисли Наврўз байрамидай гавжум эди.

Навоийнинг айтишича, Паҳлавон Муҳаммадни таърифлашда барча сўз усталарининг ҳам тили ожиз. Бу зот улуг шоирнинг энг яқин одамларидан эди. Қирқ йил давомида унинг яхши — ёмон кунида бирга бўлган.

Мамлакат золим шоҳ Султон Абусаидга ўтганда Ҳиротнинг кўпчилик зиёлилари, жумладан, ёш Алишер ҳам Машҳадга кўчиб кетади. Бу шаҳарда Навоийни мафосил касали, яъни бўғимларнинг зирқираб оғриши дарди безовта қилади. Шу вақтда Паҳлавон Муҳаммад ҳам у билан бирга, деярли ҳар куни аҳволидан хабар олиб турар эди. Шундай кунларнинг бирида, Навоий тузала бошлагач, бир шеър ёзади. Шеърнинг матлаъи қуйидагича:

Ҳар қаён боқсам, юзумга ул Куёшдин нур эрур,  
Ҳар сори қилсам назар, ул Ой манга манзур эрур

Етти байтдан иборат бу шеърни тугаллаганидан кейин Алишер уни ҳеч кимга кўрсатмай, чўнтагига солиб қўяди.

Паҳлавон Муҳаммад ўзаро суҳбат чоғида қутилмаганда айнан шу шеърни мақтаб-мақтаб ўқиб беради. Шеърнинг охирини:

Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,  
Йўқ ажаб, невчунким, хом этган киши ранжур эрур,

байтидаги «Навоий» сўзи ўрнига «Насимий» тахаллусини қўшиб ўқийди. Навоийнинг боши қотиб қолади. Қўлини чўнтагига солса, шеърини битган қоғоз жойида турибди. Бундан баттар ҳаяжонланиб, ҳайронлиги ортади.

Навоий Паҳлавондан бу шеърни қачон ёдлаганини сўраганда, у пинагини бузмай: «Ўн икки йил бўлди, Бобур мирзонинг саройида Насимийнинг бу шеъри севиб ўқиларди», — деб жавоб беради.

Эртаси куни Паҳлавон яна Навоийнинг олдига келади. Шоир суҳбатни яна шу мавзуга буради. Паҳлавон Муҳаммад худди кечагидек ўз сўзида туриб олади ва фикрини исботлаш мақсадида уч-тўрт куштигирни чақиради. Улар ҳам шеърни ёддан раvon ўқиб беришади. Навоий бу ҳолатни ўз тили билан: «...таажжуб устига таажжуб воқеъ бўлди» — деб тасвирлайди.

Аслида, бу қизиқарли воқеанинг нозик сири бор эди. Навоий ухлаб ётганида, Паҳлавоннинг кўзи унинг чўнтагидаги қоғозга тушади. Қоғозни билдирмай олиб ўқийди. Ундаги шеър янги ёзилганлигини сезади ва бошдан-охир ёдлаб олади. Сўнг қоғозни сездирмай жойига қўйиб қўяди. Кейин полвон — куштигирларга ҳам ёдлатади. Бу устоз-шоғирд ҳазили эди.

Бу ҳикоят халқ орасида жуда машҳур. У Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиги» асарида ҳам ҳикоя қилинган. Ёзувчи бу воқеани айнан шу асардан олган.

Демак, бу асар фақат Паҳлавон Муҳаммаднинг эмас, балки Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга ҳам хизмат қилади.

«Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»да асар қаҳрамонининг қандай вафот этгани ҳам ёритилган. Паҳлавон Муҳаммад хизматидаги кишилардан бири Навоийнинг олдига югуриб келиб, устозининг мазаси қочиб қолгани, ҳушидан кетиб йиқилганини айтади. Шоир зудлик билан замоннинг энг зўр табибларидан бўлмиш Мавлоно Абдулҳай ва Мавлоно Нуриддинларни юборади. Аммо вақт ўтган эди. Улар етиб боргунича, Паҳлавон Муҳаммад бандаликни бажо келтиради.

Бу воқеадан Ҳусайн Бойқаро ҳам қаттиқ изтироб чекиб, аччиқ-аччиқ йиғлайди. Навоий учун ҳам бу оғир айрилиқ эди. Чунки у 1492 – 1493 йиллари кетма-кет икки ҳомийси, пири, устози, дўстидан айрилади. Бир йил илгари Жомий оламдан ўтган эди. Бу гал ҳам бутун Ҳирот аза тутиб, фарёд чекади. Паҳлавонга Навоий икки пири вафотини боғлаб, таърих чиқаради:

Агар пурсад касе таърихи фавташ,  
Бигўям: «Баъди Махдумий ба як сол»

Таржимаси: «Агар кимда-ким вафоти тарихини сўраса, «Махдумдан кейин бир йил ўтгач», – деб айтаман».

Жомийдан уч йил бурун эса шоирнинг яна бир пири ва устози Саййид Ҳасан Ардашер боқий дунёга риҳлат қилган эди. Кетма-кет энг яқин дўстлари, ҳаммаслақларидан айрилиш Навоийга қаттиқ таъсир этади, ёлғизланиб қолади. Буюк мутафаккир шу уч маслақдоши, раҳнамоси, дўсти хотирасини абадийлаштириб, «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» ҳамда биз тўхталганимиз «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарларини битади. Шунинг учун булар дўстлар соғинчи, уларни қўмсаш, уларнинг тарихдаги ўрнини ёритиб бериш орқали қандайдир ички, яъни руҳий таскин топиш илинжи билан ёзилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Энг муҳими, «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби асарлардан Навоий ўз замондошларида қандай фазилатларни улуғлагани, маънавий баркамол инсонни айнан ҳаётнинг ўзидан қидиргани ва топганини билиб оламиз.

Мумтоз адабиётимизнинг бу каби намуналари бугун учун ҳам жуда аҳамиятли. Биз билан Паҳлавон Муҳаммадни беш асрдан кўпроқ вақт ажратиб турган бўлмасин, комил инсон, унинг юксак маънавиятига талаблар моҳиятан ҳозир ҳам ўша-ўша.

*Фаррухбек ОЛИМ*

*Таваллудининг 525 йиллигига*

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

## Фазаллар

\* \* \*

**Ф**урбатга солди чарх мени юз жафо била,  
Ёд айла мен ғарибни гоҳе дуо била.

Беҳад вафову меҳр санга кўрсатиб эрдим,  
Сен ҳам соғинғасен мени меҳру вафо била.

Чун қилди мени ул бути Чин зору мубтало,  
Ишим менинг қолибтурур эмди Худо била.

Кўрман фараҳни бир дам агар андин айрумен,  
Билман аламни бормен анинг бирла то била.

Ул сарвга карам қилибон еткур, эй сабо,  
Бобур ниёзини ер ўпуб хўб адо била.

\* \* \*

Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна,  
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.

Мен худ ул тифли парийвашга кўнгул бердим, вале  
Хонумоним ногаҳон бузилмағай бошдин яна.

Юз ямонлиғ кўруб андин телба бўлдунг, эй кўнгул,  
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Тош урар атфол мени, уйида фориг ул пари,  
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.

Оёғим етгунча Бобурдек кетар эрдим, нетай,  
Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна.

\* \* \*

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.



Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,  
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била ҳўй этмишам, нетай,  
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,  
Нечаким бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки мен  
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

\* \* \*

Оёгин ўпсам етишгай арш тоқиға бошим,  
Даст бергай давлатим, гар тутса илгим маҳвашим.

Кўймоғумдур этагинг кетсам илигдин ҳар неча,  
Бормоғумдур остонингдин, агар борса бошим.

Ўтти эл бўлмоғдин ул ёш, мен қариғум ишқида,  
Ўлганим яхши, бу навъ ар ўтса эллиқдин ёшим.

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошиға ёзғасиз,  
Токи бирдек бўлғай ул ой ишқида ичим, тошим.

Ёр ити, қичқирма, гар Бобур деса ҳолин санга,  
Найлайн, бу гурбат ичра сендин ўзга йўқ кишим.

\* \* \*

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,  
Не кун бўлғай висолингға мени дилхаста етгаймен.

Тараҳҳум юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен,  
Хуш улким, оразингни кўргамен, сўзунг эшитгаймен.

Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнулма маҳкам қил  
Ки, водийи фироқинг ичра кўрқарменки, йитгаймен.

Тараҳҳум қилмасанг, ё боқмай истиғно била ўтсанг,  
Тазарру қилгамен, ё йиғлағаймен, ўзга нетгаймен?

Муяссар бўлмаса бошимни кўймоқлик аёғиға,  
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен.

\* \* \*

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,  
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли бор,  
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,  
Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,  
То билинғай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.

Ғар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,  
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

\* \* \*

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр не бўлди?  
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:  
«Ул лутфи намоён қани, эй ёр, не бўлди?»

Юз кўрсатибон эл ичида лутф этар эрдинг,  
«Ул лутфи намоён қани, эй ёр, не бўлди?»

Жонимға даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,  
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Мундоқму эди аҳдки, Бобурни унуттунг,  
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?



# Таржима ва шеърий санъатлар

**Б**обур ўзбек адабий тилини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган мумтоз шоирдир. У барча асарларини содда, равон, ихчам тилда баён этишга интилган. Шоир, айниқса, ғазалларининг тили содда, тушунарли бўлишига ва чуқур мазмунли турли бадиий санъатлар орқали бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилган.

Маълумки, ҳикматли сўзлар, масал ва фразеологик бирикмаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — уларнинг мажозийлиги ва пурмаънолигидадир. Улар ихчам шаклга, ҳатто киноявий ифода тилига эга бўлиб, асар ғоясини образли ифодалаш имкониятини яратади. Шунинг учун уларни асл маъносида қўллаш таржимондан катта маҳорат ва билим талаб қилади.

«Кимки, бўлғай сен киби оламда дилдори анинг» матлаъи билан бошланувчи ғазал таржимасида худди ана шундай маҳорат ва билим намойишини кузатишимиз мумкин. Айниқса, бу ғазалнинг мақтаъи таржима билан солиштирилганда яққол намоён бўлади.

Аслият:

Борғай эрдим бош ила кўйига найлай, Бобуро,  
Ҳар қачон борсам эшигига, келур ори анинг.

Таржимаси:

Зачем, в слезах, я вновь и вновь стучусь в знакомые ворота?  
От слез Бабура никогда ее гордыня не смягчалась...

Р.Д.Моран таржима қилган бу ғазал мақтаъининг биринчи мисрасида қўлланган «бош ила бормоқ» иборасини рус тилида ифода қилиш мушкул, унинг муқобили гўё йўқдай. У сўзма-сўз таржима қилинса, аслият маъноси бузилади, рус ўқувчиси учун бу ибора ғализ туюлиши табиий. Лекин таржимон ошиқ — лирик қаҳрамоннинг маҳбуба даргоҳига кўз ёшларини тўкиб, қайта-қайта келганлиги маъносига алоҳида урғу беради, уни ўта таъсирчанликда тасвирлайди ва аслият бағридаги асл маънони рус китобхонига бутун жозибаси билан етказди.

Тажрибадан маълумки, мумтоз адабиёт намуналарини таржима қилиш ўта машаққатли ва мураккаб иш бўлиб, таржимондан катта маҳорат ва ижодий лаёқатни талаб қилади. Хусусан, сўз ўйинлари, шаклнинг маъно товланишларини, айниқса, шеърий асар таржимасида акс эттириш муайян мушкулотлар туғдириб, аксар ҳолларда таржимондан катта меҳнат ва қунтни тақозо этади. Масалан, «Бобурнома»да шундай рубоий бор:

Юз шукр де, Бобурки, кариму гаффор,  
Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр.  
Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат,  
Совуқ юзини кўрай десанг, Ғазни бор.

Рубоий Бобур ҳаётидаги реал воқеалар билан боғлиқ. Маълумки, у Ҳиндистонни эгаллагандан сўнг кўп яқин кишилари, беклар ва навкарлар бу ердаги ноқулай иқлим шароитига чидай олмай, у ерда қолишга рози бўлмаганлар. Улар орасида Бобурга кадрдон бўлган беклардан Хожа Калон ҳам бор эди. Кетар чоғида у «Агар эсон-омон Синд дарёсидан ўтиб олсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам, юзим қаро бўлсин», деган мазмунда байт ёзиб қолдиради.

Бобур гарчи Хожа Калоннинг кетишига рухсат берган ва уни Фазна ҳоқими этиб тайинлаган бўлса-да, лекин ундан қаттиқ ранжиган, хусусан, юқоридаги байт кўнглига оғир ботган эди.

Мазкур рубойи ана шу муносабат билан ёзилган. Фазни Афғонистоннинг қаҳратон совуқлари билан машҳур вилоят ҳисобланади. Бобур рубойида ана шунга ишора қилиб, «Ҳиндистоннинг иссиғига чидай олмай, совуқ ерни хоҳласанг Фазнига бор», дейди. Лекин бу шоирнинг асосий мақсади эмас, бу ерда яна бир маъно, тўғрироғи, пичинг ҳам бор. Юқорида айтганимиздек, Бобур Хожа Калонни Фазнига ҳоқим қилиб юборган эди. «Совуқ юзини кўрай десанг, Фазни бор» мисрасидаги «совуқ юзи» ибораси орқали Хожа Калонга ишора қилинади. Бобур шу тариқа дўстидан ранжиганлиги, кўнгли қолганлигини ифодалайди.

«Бобурнома»нинг русча таржима қилган М.Салье мазкур байт маъносини ҳатто насрий таржимада ҳам чиқара олмаган. Қаранг:

Если нет у тебя сил вынести жару  
И если захочешь увидеть лицо холода,  
То отправляйся в Газну.

Бу ўринда таржимон қўллаган «лицо холода» ибораси мисранинг биринчи маъносини ифодалайди, «совуқ юзи» иборасининг иккинчи, яъни инсон юзига нисбат берувчи маъноси («холодное лицо») таржимада акс этмаган. Натижада рубойининг бутун мазмуни, ундаги чиройли киноя ва муаллиф маҳорати русийзабон китобхонга мавҳум бўлиб қолган.

Худди шундай ҳоли Бобурнинг бошқа бир рубойи таржимасида ҳам кўриш мумкин. Бобур шундай ёзади:

Беқайдману хароби сийм эрмасмен,  
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.  
Кобулда иқомат этди Бобур дерсиз,  
Андоқ демангизки, муқим эрмасмен.

Таржимаси:

Бродягой стань, но не рабом домашнего хлама,  
Отдам и этот мир и тот за нищий угол я.  
Бродяжничество — не позор, и нищенство — не срам,  
Уйти куда глаза глядят — давно моя мечта.

Таржимон «Кобул» сўзини (талмеҳ санъати) тушириб қолдирган. «Муқим» сўзининг бу ўриндаги маъносига ҳам тўлиқ эътибор бермаган. Натижада Бобурнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ равишда ёзилган, аниқ мазмунга эга бўлган рубойи мазмуни таржимада мавҳумлашиб, ноаниқ бўлиб қолган. Гап шундаки, охирги мисрадаги «муқим» сўзи доимий деган маънони англатиш билан бир пайтда, Кобулда Бобурдан аввал ҳоқимлик қилган кишининг исми-ни ҳам билдиради.

«Андоқ демангизким, муқим эрмасмен» деганда Бобур ўзининг Кобулда муқим эмаслиги (доимий яшаб қолмаслиги)ни таъкидлаш билан бирга, Кобулнинг аввалги ҳоқимига ўхшамаслиги, ўз олдига буюк орзу ва эзгу мақсадлар кўйганлигига ҳам ишора қилади. Бунга ўхшаган нозик маънолар, сўз товланишлари фақат Бобур ижодида эмас, умуман, мумтоз санъаткорлар ижодида кўп учрайди ва уларни таржимада акс эттиришнинг ҳаммавақт ҳам иложи бўлавермайди.

Фикримизча, бундай ўринларда таржимонлар батафсил изоҳлар бериш тажрибасидан кенгроқ фойдаланишлари лозим. Юқоридаги икки рубойи таржимонлари ҳам уларда нозик сўз ўйинлари мавжудлигини кўрсатишлари ва буни таржимада тўлалигича акс эттириш қийинлигини айтиб, изоҳ беришлари зарур эди.

Умуман олганда, Бобур лирикаси таржималарида шеърӣй санъатларни қайта яратиш борасида бир қадар тўғри йўл тутилгани кўзга ташланади.

Масалан:

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди,  
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди.

Клятвы твои, твои обеты — где это всё,  
Ласки твои, любви приметы — где это всё.

Мазкур таржимани Л.М.Пенковский амалга оширган.

Аслиятда қўлланган тарсеъ санъатини Бобур охиригача давом эттирмайди. Шу боисдан русча таржимада ҳам мазкур талқин изчилликни талаб этмайди. Эътиборли томони, байтдаги барча сўзларнинг уйғунлашуви рус тилида ҳам сақланган. Бу ҳолат мутаржимнинг Шарқ мумтоз шеърӣятидаги ўзига хосликларни яхши эгаллаганидан далолат беради. У ғазалда қўлланган такрор санъатининг турли кўринишларини ҳам муваффақиятли қайта яратган.

Куйидаги мисолда эса бунинг аксини кўрамиз. Таржимон аслият матнини яхши ўзлаштирмаганлиги сабабли айрим қусурларга йўл қўйган:

Дўстлуқни гар тиларсан, айласанг исбот қил,  
Сухбатингга асру кўп муштоқдурман бот қил...

Ты хочешь дружбы — докажи: скорей приди ко мне,  
Я побеседовать с тобой хочу наедине.

Бу фард таржимаси Н.И.Гребнев қаламига мансуб. Унда баъзи хатоларга ҳам йўл қўйилганлиги кўриниб турибди. Аслиятдаги муболага (асру кўп) таржимада, биринчидан, ўз ифодасини топмаган, иккинчидан, мазмун мутлақо ўзгарган. Бу жиҳат асосий матннинг нозик сир-асрорларига эътиборсизлик билан қараш оқибатида юзага келган.

Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдим осуда,  
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Избавился от мира я: мне смертный сон послал творец  
Когда соскучитесь, друзья, я вам приснюсь, ваш друг — певец.

Аслиятда ийҳом (арабча гумонсираш) санъати қўлланган. Р.Д.Моран таржимасида эса мумтоз адабиёт анъанасига риоя этмаганлиги очиқ кўзга ташланмоқда. Таржимон «уйқу» сўзига сингдирилган мажозий маънони деярли рус китобхонига етказиб беролмаган.

Бундан ташқари, ушбу таржимада мазмунга ҳам биров путур етказилган. Аслиятда «мени истасангиз (соғинсангиз)» дейилади. Таржимада эса у «зериксангиз» («когда соскучитесь»)га айланиб кетган. Ҳолбуки, «соғиниш» билан «зерикиш» ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Куйидаги байт таржимасида эса ўша таржимоннинг ўзи аслият жозибасини ифодалашга муваффақ бўлганлигини кузатамиз:

Улки давроннинг аёғидан дамо-дам қон ютар,  
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми Жам била.

Когда ты вынужден из чаши судьбы лишь кровь глотать,  
Хоть осуши Джамшида чашу — услады не вернуть.

Бу ўринда Р.Д.Моран талқинда талмеҳ санъатини қайта тиклаш (Жоми жам — Джамшида чашу) билан кифояланмай, сўзнинг шаклий товланишларидан (чаша судбы — Джамшида чаша) ҳам ижодий фойдалангани ифода бадий талқинининг тўлаллигини таъминлаган.

Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,  
Хуш ул кишиким, айш ила ўтгай қишу ёзи.

Пришла весна — и снова степь, как райский сад, цветет,  
Кто наслаждался и зимой и летом, счастлив тот.

Бобур ижодининг мағзини ташкил этадиган мисралар мутаржим талқинида бир қадар эркин ифодаланган. Ёз — тажниси (фасл — дашт) тўғридан-тўғри тушунчалар (весна — степь) воситасида далилланган. «Жаннат киби» (ташбеҳ) таржима талқинида ҳам «как райский сад» (ўхшатиш) аслиятдаги мазмунни тўла очиб бермоқда. Аслиятдаги иккинчи мисра бошида келган «хуш ул кишиким» сўзлари ҳам рус тилида «счастлив тот» тарзида ўзининг яхши ифодасини топган. Натижада таржимон аслият мазмуни билан бирга унда қўлланилган санъатларни ҳам ўзига хос усулда қайта яратишга эришган ва сюжетнинг мазмундорлиги билан бир қаторда гўзал композиция ярата олган.

Бобур шеъриятида энг кўп қўлланиладиган бадиий санъатлардан бири ташбеҳдир. Мазкур тасвир воситасининг асосий ўзига хослиги эса шеър мазмунининг салмоғи ошиб, илгари сурилган асосий ғоя талқинининг ўзига хос гўзаллиги бирламчи ўринга чиқишида акс этади.

Қиёсланг:

Бобур ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,  
Бир навоийи рост қил мундоқ мақоминг борида.

Бабур ты, словно соловей, нашел приют у этой розы,  
Так пой же, если ты избрал себе пристанище такое.

Р.Д.Моран таржимасида қўлланилган мазкур санъат аслият моҳиятини тўла очиб берган. Мутаржим шоир талқинидаги ишорани тўғри илғаб, «булбул киби» сўзидаги ташбеҳни «как соловей» деб айнан қўллаган ва бу ташбеҳ туфайли таржима тўлақонли чиққан.

Бобур шеърларининг рус тилига қилинган таржималари таҳлили шуни кўрсатадики, таржима соҳасида катта тажриба орттирган истеъдодли шоирлар ҳам таржима назариясининг асосий қонуниятларига бефарқ қараса, аслиятни ифодалашда катта хатоларга йўл қўйиши мумкин. Таржимон тилни қанчалик яхши билса, аслиятни қанчалик чуқур ўзлаштира, таржима жараёнининг табиий қонуниятларига қанчалик риоя қилса, шунчалик яхши натижаларга эришади. Уз навбатида бу юсак таржималар ўзбек адабиётини тарғиб этишга хизмат қилиши билан бирга рус китобхонини Бобурдек жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган ижодкорнинг бадиий мероси билан яқиндан таништириш имкониятини беради.

*Тўлқин САЙДАЛИЕВ,  
филология фанлари номзоди*

# Аждодлар руҳи бизга мададкор

**Б**иринчи синфга бораётганимда бобом — таниқли мунаққид Озод Шарафиддинов менга “Сен Истиқлолнинг, донишманд халқ ва юртбошининг фарзандисан. Улуғ боболарингга муносиб бўл,” — деб оқ йўл тилаганлари ҳануз ёдимдан чиқмайди. Кейинчалик хат-саводим чиққач, у киши менга Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Абуллайс Самарқандий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди ҳақида содда тарзда ҳикоялар айтиб бера бошладилар. Мен нафасимни ичимга ютиб бу ҳикояларни эшитар, уларнинг мислсиз иродаси, шижоати, қахрамонона ҳаёти, жаҳонни лол қолдирган ижоди қалбимни осмон қадар юксак фаҳрга тўлдириб юборарди. Айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида бобом ҳикоясини тинглаганимдан сўнг “Қани эди, Бобур бобомни тушимда кўрсам, суҳбатлашсам, бугунги бахтли ҳаётимизни сўзлаб берсам, шунча қийналганларини унутиб, хурсанд бўлармидилар”, — деб хаёл суриб қолардим.

Ушанда эшитган ҳикоямга кўра, Андижонда Умаршайх Мирзо ва Қутлуғ Нигорхоним етти йил фарзанд қутишган экан. Қунлардан бир кун Умаршайх Мирзо овга чиқибди. Овда йўлбарс боласи туғилишини кўрибди. Ортга қайтаётганида чопарлар унга ўғиллик бўлганини айтишибди. Умаршайх Мирзо йўлбарс боласи билан бир кунда туғилганини ҳисобга олиб, фарзандига Бобур, яъни «йўлбарс» деб исм қўйибди. Бобомдан «Нега унга йўлбарс деб исм қўйишган», деб сўрасам, ўша замонлар оғир ва таҳликали бўлган. Юртни, халқни ҳимоя қиладиган йўлбарстабиат, қўрқмас, ботир йигит-қизлар кўпайсин, дейишган-да. Мана сенинг исминг Камола. Тинч-осойишта, файзли ва саодатли замоннинг эрка қизалоғисан. Шу боис олима бўлсан, камолга етсин дея сенга шу исмни қўйганмиз”, деб табассум қилган эдилар...

Йиллар ўтди, ўн икки ёшда эдим чамаси. Тарих музейида Шоҳ Бобурнинг сиймосини кўрдим. Унинг қалб тубларигача етиб борадиган нигоҳи ҳароратини ҳис этдим. Шунда олижаноб, мард, танги, сахий, буюк инсонлар ўлганларидан кейин ҳам суратлардан худди тирикдай тикила олишларини билдим.

Бу замонни нафий қилсам айб қилма, эй рафиқ,  
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Тўғриси, мана шу ғазални ўқигач, Бобур армонининг нақадар улканлигини, ёшлиги машаққат ва азобда ўтганлигини англадим. Ана шундай ғуссада, ватан соғинчи аламида яшаган бу улуғ зот асло ишончдан, орзу-умидларидан, эзгу интилишларидан воз кечмаган. Қийинчиликларни мардонавор енгиб, ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилган. Қолаверса, Ҳиндистонни забт этган ҳукмдорлардан фақатгина Бобур “дилбар шахс” деган эътирофга сазовор бўлгани бежиз эмас.

Айни пайтда мамлакатимизда ёшлар йили давом этмоқда. Яратувчилик, бунёдкорлик ҳисси билан яшаяпмиз. Ҳар бир кунимиз эминликда, ҳаловатда ўтмоқда. Истиқлол йилларида юртимиз жаннатмонанд манзилга айланди. Шаҳарларимиз, қишлоқларимизда ҳавас қилгулик ишлар амалга оширилди. Хусусан, биз ёшларга гўзал, бири-биридан зиёда имкониятлар совға этилди. Биз боболар ибратидан ибрат олиб, мустақиллигимизни ҳар томонлама ривожлантиришимиз, мамлакатимизни кучли ва нурафшон эртасини барпо этишга тийёр туришимиз керак. Шу маънода бизни буюк аждодларимизнинг руҳи қўллайдди, бугунги сурурли ва куёшли замонни қадрлашга, истиқлолимиз асосчиси ғояларига содиқ бўлишга даъват этади. Бинобарин, биз буни жуда чуқур англаймиз. Чунки биз Истиқлолнинг толеи ёруғ фарзандларимиз.

*Камола ШАРАФИДДИНОВА,  
академик лицей ўқувчиси*

# Соғинчлар гуллади — эрка чечаклар

*Ассам наволари*

НАВАКАНТА БАРУА

## АЙЛАНМА ҲАЛҚА ТАСМАСИ

**О**намнинг айланма ҳалқаларида  
Чилвирга яроқли тасма бор эди.  
Ғалтак ўсар ғалтак ўрамларида.  
Бу менга қоронғу сир-асрор эди.

Саватчада иплар, ғалтаклар, ўрам,  
Бўш ғалтаклар баланд тортар тобора.  
Бироқ мен айланма ҳалқали тасма  
Адоғин кўрмадим, кўрмадим сира.

Фақат у ўзгарди, ўзгарди андак,  
Буни ёзиб қўйдим хотирамга ҳам.  
Фақат у — айланма ҳалқа чилвири  
Бошқа жойга кириб кетибди, билсам...

Мен кўрдим яланғоч чилвир айланма  
Ҳалқа уммонида беармон сузди.  
Буни кўрган онам: «Эҳ, зерикарли!»  
Дегандай чилвирни тортди-ю, узди.

Энди бурилмайди айланма ҳалқа,  
Туғади ғалтакда балким эртаклар...  
Менга қоронғу сир-асрорлар тарқаб.  
Соғинчлар гуллади — эрка чечаклар.

---

Ҳиндистон хилма-хил маданият ва урф-одатлар мамлакатидир. Кўплаб штатлар қаторида мамлакатнинг шимоли-шарқида жойлашган Ассам штати алоҳида ажралиб туради. Афсоналар ва сир-асрорга тўла Ассам диёрида 27 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ассам асосий мулоқот тили бўлгани ҳолда бенгал тилида сўзлашувчилар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Ассамликлар келиб чиқиши жиҳатидан мўғул-тибетликлар, арий ва бирмаликларга бориб тақалади.

Ассам адабиёти, хусусан, ассам шеърияти бой ҳинд адабиётининг ажралмас бир қисмидир. Фусункор табиат, ҳаёт кувончлари ва ташвишлари, инсоний туйғулар, дарду алам, меҳру муҳаббат ижод аҳлини қалам тебратишга ундайди. Шоир аҳли ҳинд халқи наздида чин маънодаги ҳақ сўз ва ҳаққоният тимсолидир. Бар мақолда «Шоирлар Аллоҳнинг сўзини эшитарлироқ қилиб берувчи создир» дейилмиш. Ассамда Бипулжйоти Сайкиа, Ҳеманга Дутта, Нилмани Пхукан, Наваканта Баруа, Саид Абдул Ҳалим, Нилмони Пхукан, Самир, Нилим Кумар, Ҳирен Бхаттачария, Нирмал Прабха Бардоли, Кабин Пхукан, Ҳарекришна Дека каби улуг шоирлар бор. Ассам шеърияти инглиз тили орқали бизнинг диёримизгача етиб келди. Бу ишда ассамлик



Кириб бораяпман катта дафтарга,  
Биринчи бекатдан бошланди якун.  
Майли, дудуқлана-дудуқлана илк  
Шеъринг ўқи, ёруғ тонглар тингласин...

### ФАЛАСТИН

Улар уйимизни олдилар тортиб,  
Бизга уй қуришди қамоқхонадан.  
Елкамизга улкан юкларни ортиб,  
Биз ўлдирдик ғамни бу ғамхонада.

Сўнгра улар қамоқхона ичида  
Ерни текислашди, уруғ қадашди.  
Жўхори даласи қўллар кучидан  
Шундай товландики, кўзлар қамашди.

О, қўллар баландга урилди чўғдай,  
О, қўллар ер ютиб борар сизларни!  
Қўллар ўсаверди охири йўқдай,  
Шундай ўлдиришди улар бизларни...

### АЖИТ БАРУА

#### ДУНЁНИНГ АЙЛАНИБ БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Кел, қора, қора мурч ярғоғи,  
Гуллари тиниқ сув ичида.  
Сап-сарик холларнинг титроғи  
Қаҳрабо уруғлар учида.  
Бугдой даласида кезинар Нора...

Айланиб-айланиб бурилди дунё,  
Қачон кўзларимни ранглар ёритди?  
Бир зумлик ёмғирлар, ойда ҳам гўё  
Бу дунё айланди, думалоқ тортиди.

Ёзнинг ўртасида сап-сарик ёмғир,  
Кириб бордим яна сарик оролга.

---

моҳир шоир ва таржимон Кришна Дулал Баруанинг алоҳида хизмати бор. У кўплаб ассам шоирларининг шеърларини инглиз тилига таржима қилиб, уларнинг жаҳонга чиқишларида катта ҳисса қўшмоқда. Бир гуруҳ ўзбек шоирлари Кришна Баруа билан Деҳлидаги адабий фестивалда яқиндан танишган. Ассам шоирлари билан ғойибона танишув шоир ва ёзувчи, истеъдодли таржимон Праяг Сайкиа билан адабий алоқага киришилгач, янада кучайди. Праяг Сайкиа ўзбек шеърятини бирин-кетин Ассам штатида нашр этиладиган газета ва журналларда босиб чиқарди. Яқинда эса унинг таржимасида «Осиё оҳанглари» китоби ассам тилида босмадан чиқарилди ва Нагаон китоб байрамида тақдироти ўтказилди. Унда ўзбек шеърятининг турли авлодга мансуб 48 шоирининг шеърлари ўрин олган.

Ассам шеърятидан намуналар илк бор Аъзам Обидов таржимасида «Гулистон» журналида нашр этилди. Шоира Ойгул Суяндиқова ва Зухра Асқаровалар эса ассам шеърятидан бир гулдаста тайёрлаб, эътиборингизга ҳавола этмоқдалар.

Сариқ қуш учади, учар сариқ сир,  
Қайрилиб қараши ўхшар саволга.

Балиқнинг ақлими, нақлими, гоҳо  
Булутга айланар: «Бир кун учаман!»  
Сувнинг тубларидан отилар садо:  
«Кела қол, кела қол, сени қучаман!..»

Ёнгинамда эса ку-кулар какку,  
Бурилиб, ортига қараса қиз гар...  
Менда ҳам, қизда ҳам йўқолар уйқу,  
Ёқимли баҳор — бу, ҳаво муаттар!

## КЕШАВ МАҲАНТА

### МИНИНИНГ БАРГЛАРИ

Моҳир қўллар чаққондан-чаққон  
Япроқларни узиб ташлади.  
Қадди шамшод Мини кўзлари  
Энг афсунгар тунга ўхшайди.

Қалби нозик баргдай титрайди,  
Бу туйғуни неча-неча бор  
Кўринмас қўл узиб юлқиди,  
О, шафқатсиз, бераҳм, беор!

Гўзал Мини бойликни эмас,  
Суйди еллар шивирлашини.  
Фақат бир кун йўқотиб кўйди  
Япроқларнинг шитирлашини.

Деди: «Чизманг, майли, қоматим.  
Чизманг сочим, гавҳар тишларим.  
Фақат менга қайтариб беринг,  
Баргларимни, азиз тушларим!..»

Атрофига қаради маъюс,  
Вужудини ёндирди соғинч.  
Руҳи оташ, кўзларида нам.  
Барг мисоли тўкилар ўтинч...

## ҲАРЕКРИШНА ДЕКА

### ТОНГ ОТИШИ

Инларини ташлаб кетар чоғларда  
Қарғалар қағиллаб-қағиллаб толди.

Қақраган дарёлар сув кутаётиб,  
Бир кечада гўё кўздан йўқолди.

Синиб ётган ёғоч кўприк остига  
Аскарлар бирпасда беркиниб олди.

Баланд ердан сувга тушган оқсочлар  
Бу сирдан бир умр беҳабар қолди.

Қуёшда ярқираб сариқ қора хат  
Титранди, қоғозлар увишиб кетди.

Зулмат босиб келар эски уйларни.  
Бу ердан шамоллар шошилиб ўтди.

Баланд ерлик оқсоч қаҳ-қаҳ уради,  
Буни ҳалигача ҳеч ким билмайди.

Узун тун қон бўлди, қуёш тўсатдан  
Тонгга кириб келди, кейин билмадим...

## НИРМАЛ ПРАБҲА БАРДОЛИ

### ЁЛҒИЗЛИК

#### 1

Олислардан бошланар йўлим,  
Дунёни кезгувчи саёҳатчидай  
Кўз очиб юмгунча ўтади умр,  
Эмаклаб бораман, зулмат қаърига —  
Кўринар қарағай ёлғиз ва мағрур.

#### 2

Уй томон боқаман, дарпардаларим  
Минг хўрсиниқ билан пастга тортилар.  
Ёлғиз терак бўйлаб кета бошлайман,  
Уйим эса кўкка осилиб турар.

### ШЕЪРИЯТ

Ўрмонда кезинар соялар — яқин  
Дўстларим мисоли ё мени кутар.  
Осмонда учади фақат бир жуфт қуш  
Сояси хаёлга уриниб ўтар.

## ХИРЕН БХАТТАЧАРИЯ

### ИНСОН, ДАЛА, ТЕР ВА ҚОН

Юзтубан йиқилди одам қўлидан  
Тортиб олишганда азиз ерини.

Бу унумдор ерни пўлат омонда  
Ҳайдашди, экишди дон-жўхорини.

Сароб кўринади олдда сув бўлиб,  
Куп-куруқ ер фақат хаёлга тўлар.  
Куйганча қовжираб боради тупроқ,  
Толиқди дарёлар, ирмоқлар, кўллар.

Донлар сочилади. Боғлар, пайкаллар.  
Кечки пайт кўрага қўйлар бойланди.  
Сувсиз, қақраб, катта далада одам  
Терлари қоп-қора қонга айланди.

## ЎТИНЧ

Фаройиб — ажойиб дунёни  
Шеъримга тўлдирай дея ўтиндим.  
Баҳайбат яланғоч тана олдида  
Қоннинг ҳиди кетди, ўлим чекинди.

Бу таниш сўзларга йўқдай тоқатим,  
Озодлик тухфа эт пўлатдай, ҳали —  
Мукамаллик йўқдир шамширда асло,  
Ҳақиқий ҳаёт бер ўтли, долғали.

## БИРЕСВАР БАРУА

### ЛИЛЯНИНГ ТУШЛИГИ

Бармоқларим санайман бир-бир,  
Шошиб-шошиб чиза бошлайман.  
Бир кўришда дилимга асир  
Чехраларга назар ташлайман.  
Ёқимли сўз, ёқимли чехра...

Ким орзу қилади тўғноғичларни?  
Қоронғу хонада битилган рўйхат  
Катта ўрмон, барглар, шох, ёғочларни  
Ким бичар? Ким тикар? Бу қандай қисмат?  
Ёввойи табиат, ёввойи хилқат...

Кўчатдай экилган шеърларим билан  
Тутиб олишдим мени ё тушлар?  
Бузилган инининг сирлари билан  
Чирқирар, чирқирар бегона қушлар,  
Туртиниб кетаман, туртиниб...

Қандай ушлаб кетай — хаёл сарсари,  
Чодирдек қабрга кўмилар гўё  
Ёшлигим ўйлари, хотиралари.  
Чойга тушар булут, қуёш ва само.  
Хулласи, тушлик ҳам келмади...

## ЛУТФА ХОНУМ САЛИМА БЕГИМ

### ЧЎҚҚИ

Олисдан товланиб кўринар мағрур  
Севги чўққилари улуғвор, масрур.  
Тун ичида олов, кун ичра гулув,  
Чўққилардан синиб томчилайди сув.

## ЧЕНИ РАМ ГОГОЧ

### ЯШАЁТГАН ИЛДИЗЛАР

На қувонч, на қайғу, на афсус менда,  
На уйлар учрайди, на бир майсазор.  
Охири кўринмас томлар устида  
Ўққа учолмайди, ерга тушмас зор.

Мен қоқиб ташлаган қуруқ хас-чўплар  
Чуқур илдишларга қоқилиб кетар.  
Илдишларни тирнай-тирнай оёқлар  
Қонайди, қон илдиш тубига етар...

### МЕНИНГ ҚЎШИҒИМ

Мен шоирман, оддий ва содда,  
Зериктирар ширин сўзлар ҳам.  
Шунда сукут сақлар қабрлар  
Қайғусида, сукунатида  
Излайман ўзимга ўзимдек ҳамдам.

Бу ер менга таниш. Янги туғилган  
Ёки умри қисқа мадҳлар, кўшиқлар  
Мен билан қутлайди тунни тонггача,  
Ҳаётнинг серунум тупроқларида  
Кўшиқлар ўсади, кенгаяр уфқлар.

Қачондир уйғондим туннинг ёнида  
Сўзларни тингладим, нурлар куй йўллар.  
Мени кимдир севди, ким эшик ёпди,  
Кимдир деразани қаттиқ беркитди,  
Кўз ёшимни артди мулойим қўллар...

Қаршимда — долғали ҳаёт шитоби,  
Ўқийман тугамас ҳаёт китоби.

## АРКАНА ПУЖАРИ

\* \* \*

Эски филдиракнинг чуқур изида  
Оқ рангда киришни ёқтиради Вақт.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

109

Мен сени қандайин асрайин, қалбим,  
Қариб борар вужуд,  
Хира тортар кўз.  
Ой ҳам яширади ёруғ нурини...

Катта кун.  
Яланғоч боғларда яланғоч ёлғон,  
Улар ҳам хуш кўрар хуштак овозин.

Жоҳил ва тасқара қушлар, қарангки,  
Ёқтирар товуқнинг патиллашини.  
Туғилиб келмоқда янги оломон  
Ўша боғ ортида, дарахт ортида...

## АНУБҲАВ ГУЛАШ

### ТОШҚИН

Узоқ йиллар олдин  
Дарё тошқини  
Тилдан-тилга кўчди,  
Кўчди-ю, учди.

Мен ҳам эски кийимларимни  
Узундан-узун кун  
Бир ерга ирғитиб ташладим, чоғи...

Бугун кириб бордим сувнинг ичига,  
Кўчанинг бошида, бурилишида  
Менга қараб турар  
Омадсиз гуллар.

Ғазабланди довул,  
Жазава авжда...

## РАБИНДРА САРКАР

### ҚОТИЛЛИКДАН СЎНГ

Мен қачон чалғидим,  
Мен қандай илғадим?  
Билмадим, лекин...  
Мен сўнги бор тозаладим шаҳарни —  
Кимни олиб қолдим ўлимдан?  
Мени сотмади қон,  
Сотмади кўзлар.  
Фақат қўрқув, фақат хавотир.  
Бу — ненинг ҳосили,  
Ва кимлар сўзлар?

Боғда сокин суҳбат,  
Сокин хиёбон.

Ёнгинамдан ўтиб кетар  
Ўтган кунларим.  
Бурилишнинг туғилган куни —  
Ўлимдир! Осмон,  
Осмон, сени куйдирдими  
Сап-сарик ранглар...

Бу —  
Ҳеч ерда айтилмас қўшиқ.  
Тонгда чуғурлаган қушлар ҳам эмас.  
Тўғонлар ичида қалқди чехралар,  
Сув одамлар расмин чизибди, холос.  
Чорлайди ям-яшил дарахт хаёли,  
Йўлда янги-янги уйлар қурилар.  
Бошим узра учиб ўтди қора қуш,  
Гўё оғир туш —  
Ўлимнинг излари кўзга урилар...

Нарвонга чиқаман, кўриниб турар  
Қайдадир очилар қайсидир эшик.  
Кўрғошин конлар-у, кичик дарёлар  
Бўйидан мен билан учди хаёллар —  
Ўсди янги тоғлар, ўсди ниҳоллар.

## РАФИҚУЛ ҲУСАЙН

\* \* \*

Кичик шаҳарлар-у,  
Катта шаҳарлар  
Қабрларга тўлиб боради кулранг.  
Эшитилар моғор босган суяклар  
Фарёди — бурда нон сўрашар гўё...

Дубулға овози келади тиниқ,  
Шамол эса тинмай эсаверади.

Дарахтлар ҳам — ёлғиз,  
Қабрлар — ёлғиз.  
Сукунатни олиб ўтар ҳайқириб.

Қушлар чуғурлайди,  
Чуғурларида  
Силкиниб учади пўчоқлар, барглар.

Кичик шаҳарлар-у,  
Катта шаҳарлар  
Қабрларга тўлиб боради кулранг.

Ўлимнинг енгидан тўкила бошлар  
Асабий товушлар, асабий сўзлар.

Ҳомиладор аёл кўйлақларининг,  
Шамол этагидан эртақ сочилар.

## АНУПАМА БОСУМАТАРИЙ

### ШИЛЛИҚҚУРТЛАР

Ҳаммаёқ ағдар-тўнтар,  
Шиллиққуртларни тердим.  
Дон-дунлар сочилган,  
Поялар баравж.  
Уларга ёпишган шиллиққуртларни  
Бирма-бир тердим.  
Уларни қузатиб  
Даҳшатга тушдим.

Ғазабим қўзиди.  
Ғазабим босиб,  
Босиб шарбат ичдим,  
Ирғитиб ташладим бўш пўчоқларни.  
Ғичирлаган пол устида судралар  
Шиллиққурт,  
Шиллиққуртлар.  
Азобланиб кетдим, азоблар  
Шеърларимига кириб боради.

Эмаклайман соҳил бўйида,  
Ер ва сув сўзлайди.  
Илдизларга қарайман, улар  
Ўхшамайди бир-бирига.  
Сувга тўлқин расмини чиздим,  
Кўнглим хушладим.

Ғаройиб — ажойиб қўллар  
Баландга тортар мени.  
Шарбатни симирдим,  
Симирдим.  
Мени ташлаб кетди қабрлар.

Пўчоқлар вужудимда ғижирлар,  
Ғижирлаш — вужудимни,  
Юрагимни синдирди,  
Ғамгин тортиб кетаман, ғамгин...

## ПРАЯГ САЙКИА

### ЕЛКАДАГИ ҚАНОТЛАР

Кичик ўрмон, кичкина ўрмон,  
Бунда яшар исмсиз қочоқ.  
У кимлардан қочди,



Нелардан кечди?  
Телескопдан кўрар  
Уфқ охирин.  
Икки елкасига кўндирди қочоқ  
Иккита қанот.  
Учдими, учмади...  
У ўрмонда қолди,  
Шунга кўмилди.

Мени тингла,  
Кетар бўлсанг бир куни  
Қайтиб кел ўрмонга,  
Сайр айла тақрор.  
Уни тополмайсан,  
Руҳини изла  
Ҳали туғилмаган кенгликларда жим...

## БИПУЛЖЙОТИ САЙКИА

### ПАНА ЖОЙ

Қандай осон топиб олмоқ  
Сенинг пана жойингни.  
Сен ҳақдаги ҳар бир хабар  
Келиб тушар қўлимга,  
Кириб борар уйимга.  
Тўрт томонда тўртта девор,  
Баландлаб боради тол.

Қандай осон топиб олмоқ  
Сенинг пана жойингни.  
Сен ҳақдаги сўзлар — ёлғон,  
Йўлларни айланасан.  
Қадамингни зўрлаб-зўрлаб  
Олиб кирасан уйга,  
Унинг уйига...

*Инглиз тилидан  
Ойгул СУЮНДИҚОВА ва  
Зухра АСҚАРОВА таржималари*

Анри ТРУАЙЯ

# Ҳикоялар

## ОСМОН ФАРЗАНДИ

**А**натол Филатр 40 ёшли ғамгин бир одам эди. Унинг рангсиз оппоқ юзи қирра бурни туфайли янаям кўзга яққол ташланар, кўзлари чиройли, қарашлари ёқимли эди. Қирра бурни остида ажабтовур мўйлаби ҳам бор эди. Мана шу мўйлаби туфайли унга «Осмон фарзанди» деб лақаб қўйишганди. (Қадимда Хитой императорларини «Осмон фарзанди» деб аташарди).

Оилапарвар эр ва соф виждонли ота «Осмон фарзанди» дуч келган ишларни қилиб, зўрға ҳаёт кечирар, кунбўйи ҳориб, чарчаб топгани нимжон болаларини боқиш учун зўрға етарди. У болаларини боқиш учун дам ёмғирпўш чиқарувчи фирма вакили, дам очиқ ҳавода рангли ручкалар сотувчи, ёки магазинларда тунги қоровул бўлар, ёхуд шаҳар четига киностудияда умумий кўринишларда рол ижро этарди. Мана шу ўйнаётган кичкина роллари унга муваффақият келтиришига умид қиларди. Анатол Филатр экзотик қадимий кийимларни кийишни хушқўрар, кино сир-асрорларини жуда ёқтирар, айниқса, суратга тушиб бўлгандан сўнг лик тўла метрода «ҳамкасблари» билан орқага қайтиш унга роҳат бағишларди. У кинода дам Жанубий Америка элчи-хонасининг ҳурматли, соқов меҳмони бўлар, дам тутун билан тўлган Гавр метросининг доимий мижози, дам Волга дарёсининг жулдур кийимли, бақироқ кемачиси бўлиб суратга тушар эди. Ким бўлишидан қатъи назар, вазирми, безорими, бандаи бечорами, унда, энг аввало, рўзғор бошининг қиёфаси мужассам эди ва мана шу хислат унга юқори даражадаги ролларни ижро этишга монелик қилар эди.

Анатол Филатр ўзининг омадсизлигидан акаси олдида қаттиқ хижолатда эди. Чунки катта Филатр ундан кўра ақллироқ, уддабурон, айёр бўлмаса-да, ишлари гуллаб-яшнаган эди. Катта Филатр бўғма касалига мубтало бўлган, сўққабош эди. Ўзининг «Хаёлга толган бу-

*Французчадан  
Анвар АСҚАРОВ  
таржимаси*

Ҳозирги замон француз адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири Анри Труайя 1911 йилда Францияда таваллуд топган. Сорбонна университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Сена округининг префектурасида оз вақт ишлагач, ўзини бутунлай адабиётга бахшида этди. Биринчи романи «Елгон кун» 1935 йилда чоп этилди ва мукофотга сазовор бўлди. 1938 йилда яратилган «Ўргимчак» романи ҳам ака-ука Гонкурлар мукофотига лойиқ деб топилди, 1959 йили Франция Академиясига аъзо қилиб олинди.

1947 йилдан бошлаб Анри Труайя кўп жилдли романлар ёза бошлади. «Экиш ва йиғиш», «Эглетьерлар оиласи», «Умумий қабр» ва бошка асарлар шулар жумласидандир. Анри Труайя ижтимоий-маиший мавзуларда ҳам жуда кўп романлар, новеллалар ёзган. Ҳукмингизга ҳавола этилаётган ҳикоялар унинг «Кўк дафтарча» номли новеллалар тўпламидан олинди.

зоқча» фирмаси билан Франциянинг 27 департаментини сут, саригёғ ва пишлоқ билан таъминларди. Катта Филатр укаси Анатолни фирмасининг бирон-бир тармоғига директор қилиб олишга қурби етса-да, бир-бирлари билан 15 йилдан буён аразлашиб қолишгани бунга тўсқинлик қиларди. Акаси совға қилган кучукчани укаси бефарқ қолиб юк машинаси босиб кетгани сабабли икки оила ўртасида жанжал чиқиб, ака-укалар бир-бирлари билан юзқўрмас бўлиб кетишганди. Бу жанжал туфайли катта Филатр Анатолни мутлақо уйига келтирмас, кичик Филатр оиласи эса «Хаёлга толган бузоқча» фирмаси маҳсулотларини мутлақо истеъмол қилмасди.

«Осмон фарзанди» баъзида, айниқса, ишсиз юрган кунлари сут-ёғ фирмасидан жудо этган машъум жанжалдан афсусланар, лекин шундай бўлса ҳам мағрур, биринчи бўлиб бўйин эгишни ҳеч хоҳламас эди. Филатр хоним укани акаси билан ярашишини истаб, баъзида «Болаларнинг келажаги ҳақида ўйла!» — деб бақариб қоларди.

— Мен болаларимнинг бахти ҳақида ўйлаяпман, — деб жавоб берарди Анатоли.

— Уйда на вино, на пишлоқ, на шакар қолди...

— Аммо бизнинг виждонимиз тоза.

Бундай баландпарвоз гапларни Филатр хоним кўп марта эшитган бўлса-да, сўнгиси эсида қолди. Ушанда ноябр ойининг ёмғирли туниси эди.

Уша кеча кичик бир хонада тўрт фарзанди ва хотини уни кутишарди. Кун қайғули ўтди. Париждан унча узоқ бўлмаган, бир нечта студиялар жойлашган Жуанвилдаги бирорта студияда унга лойиқ иш топилмади, ҳар хил турдаги чангютгичлар ишлаб чиқарувчи Флекс корхонасида ҳам унинг хизматига талабгор чиқмади. Кетма-кет омадсизликдан эзилган, чўнтагида бор-йўғи 10 франк 50 сантим пул қолган, бунинг устига, электр энергия ходими уйидаги чироқни ўчириб қўймоқчи бўлаётган эди.

Аксига олиб эрталаб у хотини Матилдага:

— Менга ишонавер, бугун кечқурун менинг чўнтагимда, албатта анча-мунча пул бўлади, деган эди.

Кечқурун ҳам бўлди, лекин Анатолининг чўнтагида бир мири ҳам йўқ эди. Қайтанга ўзидаги 4 франк 75 сантимни ҳам сарфлаб қўйганди.

Анатоли Филатр нафасини ростлаш учун бир идора олдида тўхтади. Бу дафн этиш бюроси бўлиб, уни Анатолининг лицейдош ўртоғи Пилат бошқарарди. Улар Пуарье лицейида (Пол Пуарье — француз анатоми ва жарроҳи) бирга ўқишганди.

Пилат беташвиш, семиз ва безбет киши. У одатдагидек ўз бюросининг остонасида турар эди.

— Э, қалайсиз, Анатоли Филатр! Овлар яхши бўлдимиз? — деди у Филатни кўрган заҳоти. Пилат Осмон фарзандини менсимас, шунинг учун кесатиб уни сизлар, кўришганда эса менсимайгина учта бармоғини бериб қўя қоларди.

— Жин урсин! Ҳаммаси расво! — оғир тин олди Филатр.

У бойлиги-ю, туриш-турмуши сотилган тобутлар, қовланган гўрлар эвазига келган бу одамга совуқ назар ташлади. Табиатан таъсирчан Анатоли Филатр қаршисидаги бу гўрков бир пайтлар унинг синфдоши бўлганига ҳечам кўника олмас эди.

— Акангиз-чи, жаноб Филатр, у ҳали ҳам сут-ёғ корхонасининг бошқарувчисими? — сўради Филатр.

— Ҳа.

— Лекин, барибир «Юрак-крем» пирожнийси Сиз учун эмас-да, аттанг, — ҳиринглади Пилат.

Анатол Филатр оёғи остидаги кўлмак сувга тикилди. У Пилат сингари бой, нуфузли одамларга чап бериб, қочиб қолишга ботина олмас, жаноб Пилат нохуш суҳбатини тўхтатишга шошилмас, уни яна гапга солиш мақсадида эди:

— Ёмғир ёғяпти, идорамга киринг, исиниб оласиз, — деди у.

Анатол Филатр эҳтиёткорлик билан дафн этиш бюросига кирди ва кўрсатилган креслога оҳистагина чўкди. Креслога ўрнашиб ўтирмасданоқ Осмон фарзандининг хаёлига шу машъум креслода неча-неча бева қолган бахтсиз кишилар ва овутиб бўлмас етимчалар ўтиргани, тобут буюртма қилгани келди-ю, бутун бадани сесканиб кетди.

Пилатнинг идораси соддагина, озода, ғамнишин эди. Қабр устига қўйиладиган тошдек тўғри бурчакли стол хона ўртасида турар, Пилат томонидан ишланган ва лакланган тобутлар қатор қилиб пештахтага териб қўйилган эди. Жаноб Пилат мотам дунёсини соғлом вужуди ва бой шахси билан идора қиларди. У қўлларини мамнунлик билан бир-бирига ишқалаб, сокин овозда деди:

— Шундай қилиб, азизим, мен Сизга шикоят қилмайман, ишларим зўр. Секин-аста кетяпти. Ўтган куни учта биринчи даражали дафн бўлди, мана бугун иккита...

— Жуда зўр-ку! — деб қўйди Филатр уялибгина.

— Зўр, зўр! Зўр бўлганда қандоқ! Дафн бюросига ҳам худди бошқа ердагидек мижоз топиш керак! Мана қаранг, қаршимда рақибим Муий корхонаси, у икки ҳафтанинг бирини ишсизлик билан ўтказди. Нима учун?

— Нима учун? — қизиқсиниб сўради Анатол Филатр.

— Бу жуда оддий, унинг куни ўтса бас. Кечирасиз-у, олиб келинган мархумнинг у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, дафн этиш билангина шуғулланади, холос.

— Сиз-чи?

— Менми, мен бунга олдиндан тайёргарлик кўраман. Мижозларимни кузатиб юраман. Уларни ўзимга ипсиз боғлаб, асирга оламан, натижада менинг бюромга мутлақо боғланиб қолишади. Вафотидан кейин таналарини нима қилиш менинг ихтиёримда. Бир кун келади, ўлади, меросхўрлар маъмурий ҳужжат орқали билишадики, мархум палончи Жаноб ўз жасадини фақат Пилат дафн этишига ишонади ва шу ерда дафн қилишларини васият қилади. Кўрдингизми, азизим, бу бир дипломатия. Бу ихтирони, тафаккурни, уддабуронликни, истеъдодни талаб қилади...

— Истеъдодни?!

— Ҳа, ҳа, истеъдодни... Мана қаранг, агар бой бўлсангиз Сизни якшанбада карта ўйинига таклиф қилган бўлардим. Сиз билан ҳазил-мутойибадан сўнг жиддий суҳбатга ўтган бўлардик. Гап орасида инсон ҳаётининг чекланганлиги ва заиф мавжудод эканлиги ҳақида, ўз ўлимим ва Сизнинг ўлимингиз ҳақида кўп гапирган бўлардим. Сиз эса тақдирга тан бериб, мен айтган шартларга рози бўлардингиз... Мана шунақа гаплар, афсус, бой эмассиз-да!

У мириқиб қулди.

— Йўқ, мен бой эмасман, — деди Анатол Филатр нигоҳини яшириб, — мен бой эмасман. Мен Сизни қизиқтира олмайман...

Пилат ҳеч нима демади. У бечора Филатрга тикилди ва нигоҳи билан унинг бўйини, энини ўлчади. Пишиллаб нафас ола бошлади. Кўриниб турибдики, бу оғир гавдада бир янги ғоя туғилаётган эди.

— Мен Сизни қизиқтира олмайман, — такрорлади Анатол титроқ овоз билан.

— Йўқ, қизиқтирасиз, — қичқириб юборди Пилат. У бор кучи билан столга урди, Анато́л Филатр ўрнидан сакраб туриб кетди. — Ҳа, ҳа, — такрорлади Пилат. — Сиз мени қизиқтирасиз.

— Нима учун? — дудуқланди Осмон фарзанди.

— Чунки, Сизнинг аянчли вужудингиз замирида мен сут тўла кўлларни, сариқ ёғ тоғларини, сузма воҳаларини, пишлоқ баландликларини кўряпман. Мени тушунаёпсизми?

— Ҳеч нарса тушунмаяпман.

— Сизнинг акангиз бор-а?.. «Хаёлга толган бузоқча» фирмаси...

— Нима қилибди? Мен акам билан юз кўришмас бўлиб кетганман!

— Ўлгунча, мен Сизни айнан шу сўзни айтишга мажбур қилдим.

Кейин-чи?

— Кейин? Кейин, билмадим.

— Ўлимингиздан кейин акангиз сизнинг охириги васиятингизни бажарса керак? Унинг юраги тош бўлмаса керак, шундайми?!

— Йўғ-э, у унчалик ёмон эмас...

— Балли, Сиз билан расмий ҳужжатлар ёзиладиган қоғозга қуйидаги мазмунда хат расмийлаштирамиз: «Акамни менга қилган ёмонликларига қарамай, бир шарт билан уни кечираман. Шарт шуки, у ўлимимдан кейин Пилат фирмасида биринчи даражали дафн маросими ташкил этсин». Шу билан иш битади!

Анато́л Филатр жим қолиб, паришон ҳолда суҳбатдошига термулиб турарди.

— Лекин, лекин... мен бу спектаклдан ҳеч қандай наф кўрмаяпман...

— Ҳа, болакай-а, наф икки карра. Корхонамга биринчи даражали янги дафн маросими. Сиз учун...

— Ҳа, мен учун?

— Сиз учун, буни топиш унчалик қийин эмас, қаранг!

Пилат суҳбатдошининг нигоҳи остида бешта юз франкли пулни чўнтагидан чиқарди-да, уларни стол устига худди нодир нусхалар сингари ёйиб қўйди.

— Йўқ, — хўрсинди Филатр ва оғир тин олиб, ютиниб қўйди.

Пилат унга ўткир нигоҳини қадади.

— Бу ишни акам билан юзма-юз туриб қилсак яхши бўлмасмикин? — гўлдиради Анато́л.

— Акангиз бу қилмишингизни билмайди.

— Шунга айтаяпман-да. Мен бундай қилолмайман...

Филатр бу сўзларни айтишга айтди-ю, кўз ўнгида уйига қайтиши, оиласига ишининг юришмаганлигини ялиниб тушунтириши, хотинининг қаҳрли юзи, оч болаларнинг юракни тешиб юборувчи бақириклари, баққол юборган қарз қоғозлари ва шунга ўхшаш нарсалар келди.

— Балки акамни келишувимиз ҳақида хабардор қиларсиз? — деди Филатр.

— Аҳмоқгарчилик! У менга тўполон қилиб, наъма кўрсатсинми? Кейин Сизнинг васиятингизни тўла бекор қилдирсинми? Билиб қўйинг, тирикларнинг талаби ҳеч қачон бажарилмайди, лекин ўлганларники, албатта, бажарилади.

Анато́л Филатр қопқонга тушиб қолганди. Унинг софдил виждони билан оилавий бурчи ўртасида катта жанг кетарди. Қарама-қарши фикрлар қаддини букиб қўйди. У шу ерда, шу заҳотиёқ жон беришга рози эди.

Пилат хотиржамлик билан стол устидаги ёйилиб ётган пулларни йиғиб, қабиҳлик билан бахтсиз бечоранинг бурни остида ҳилпирата бошлади.

— Бу билан ҳамма нарсани сотиб олса бўлади, Филатр! Бу ҳақда ўйлаяпсизми?

Анатол Филатр кўнгли айниб, қустиси келаётганини сезди:

— Беринг, мен розиман.

Филатр пулларни ола солиб, шоша-пиша чўнтагига солди.

— Мана қалам, мана қоғоз, — деди Пилат ясама табассум билан, — Биз ўлим битимини расмийлаштирамиз. Сиз мен айтган гапларни васият қилиб ёзасиз. Бир нухасини ўзингиз оласиз, ҳалиги, ҳалиги, яхши замонлар келганда, уни топа олишсин. Албатта, мен ҳам бунинг бир нухасини сақлаб қўяман. Келинг, ёзинг: « Мен акамни кечираман...»

Анатол Филатр, бели букчайиб, калласини қуйи солганича Пилат айтган сўзларни ҳижжалаб такрорлаб ёза бошлади. «Мен... акамни... кечираман...»

У вақти-вақти билан тўхтаб қолар, чуқур хўрсинар, минғирлаб қўярди.

— Ҳарҳолда, ҳарҳолда....

Анатол Филатр кулбаи вайронаси эшигини янги ўғридек эҳтиёткорлик билан очди.

— Қаерларда юрибсан! Соат аллақачон саккиз бўлди, — уни қарши олди совуқ товуш.

— Ҳа, — деди Филатр, мен ҳам бекор юрганам йўқ.

У калласи худди сиркаланган одамникига ўхшаш беўхшов хотини Матилдани пешонасидан ўпиб қўйди. Тўполончи, нимжон тўрт бола эр-хотин атрофини ўраб олишди.

— Уйда ҳеч нарса йўқ, на пишлоқ, на вино, на... — дийдиёсини бошлади хотин.

— Матилда, Анатол Филатр ҳаётини гаровга қўяётганда ҳам ҳеч қачон ишончни йўқотиш керак эмас.

— Ҳа, бунақа ашулаларингни жуда кўп эшитганман...

— Мумкин эмас, мумкин эмас, — деб ҳазиллашди эри.

Лекин ич-ичидан ўзидан нафратланарди. Астагина алам билан чўнтагидан 500 франкни чиқарди ва стол устига ёйиб қўйди.

— Бир кунлик ютуқ бу! — деди у. Хотини ва болалари ёйиб қўйилган пуллар устида парвона бўлишарди.

— Буларни қаердан олдинг?

— Хизмат ҳақи..., яхши ўйин учун, — деди у алам билан.

— Жуда яхши, — қичқирди Матилда, — Филипп, бор вино олиб кел, Огуста, сен нон олиб кел, Тереза, сен эса колбаса олиб кел, Мартин, сен....

Ун дақиқа ичида буйруқлар кам-кўстсиз бажарилди. Кечки овқат қошиқ-санчқиларнинг тақур-туқури, хурсанд чакакларнинг ковша-ниши билан бошланди.

— Олинглар, энглар, ичинглар, кичкинтойларим, ичинглар, — такрорларди у кўзининг ёшларини зўрға тийиб.

— Сен-чи? — тўнғиллади Матилда, — сен энди анча ўрганиб қолгандирсан?

Анатол Филатр бир бўлак нонни оғзига олиб борди, лекин шу ондаёқ қандайдир нафрат бўғзидан бўғиб олди, гўё у табиат қонунига зид иш қилаётгандек эди.

Шу кундан бошлаб, Филатр ўзгача ҳаёт кечири бошлади. У ўзига Париж марказидаги Монмартрнинг тўнги кабарелар саҳнасида «башанг статист» ролини ўйнаш учун 25-йиллар услубидаги смокингни ижарага олди. Бир ҳафта давомида суратга тушди. Лекин, ҳар куни студиядан қайтаётганида «дафн этиш бюроси» эшиги олдидан ўтар эди.

Пилат эса ўз корхонаси остонасида туриб олиб, унга еб қўйгудек бўлиб тикиларди. Филатр бюро эшиги тўғрисида келганда, янада семирган, янада қип-қизариб кетган серсоқол мурдафуруш Пилат хурсанд жилмайиб сўради:

— Шундай қилиб, Филатр, аҳволларингиз қалай?

Бу ибора ўзгалар қулоғига мулоимгина эшитилиши мумкин, лекин Пилатнинг назарида бу ибора икки хил тушунчани англатар эди: бири қочириқ бўлса, иккинчиси гўёки «Қачон ўласиз? Тезроқ ўлинг, мен 500 франкимни қайтариб олай!» дегандек, даҳшатли буйруқ эди, Анатол Филатр уялиб, бошини эгганча, қуруқ йўталиб қўярди:

— Аҳволим яхши эмас... Томоғимда ҳар доим бир нарса бордек бўғинларим оғриydi.

— Бўғинларнинг оғриши бу ўлимга олиб келади, дегани эмас.

Анатол Филатр Пилат чўзган нам уч бармоқни сиқиб, қадди букилиб, дили вайрон йўлида давом этарди. Эртасига ҳам шу ерда, шу соатда ва шу аҳволда шу мудҳиш суҳбат яна бошланарди.

Осмон Фарзанди софдил қарз олувчилар тоифасидан бўлгани учун ўз қарзини тўлай олмаслигига ақли етарди. У ўз ўлимини майдалаб юборган, бахтга қарши ўлим ҳам кела қолмас эди. Кундан-кун унинг назарида Пилатнинг ҳазиллари сабрсизлик билан алмашди. Пилат қарзини пул билан тўлашни талаб қила бошлади. Анатол Филатр эса янги-янги узр ва баҳоналар топишга ҳаракат қиларди.

— Мен озгина қон аралаш тупурыпман, жаноб Пилат, нима учун экан-а? Ёки агар нафасингиз қисиб қолса, юрагингиз тўхтаб қолса, сиз нима қилган бўлар эдингиз ва ҳ.к.

— Мен, албатта, даволанган бўлар эдим. Лекин сиз, бу бошқа масала ...

Анатол Филатр худди Азроил қувгандек ундан қочиб кетарди. Эҳ, агар унинг 500 франк жамғармаси бўлганда эди, уни ўша заҳотиёқ шу лаънати Пилатга бериб қутулган бўлар эди!

Лекин бахтга қарши унда шунча пул йўқ. Қарздан қутулишдан бутунлай умидини узди. Унда яшашга хоҳиш қолмади. Ҳатто ўзи ҳақида ўтган замонда гапирадиган бўлиб қолди.

Янги йил арафасида Филатр «дафн этувчисидан» ташриф қоғозини олди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Жаноб Пилат Анатол Филатрга ўзини эслатиб қўяди».

Буниси жуда ортиб тушди. Пилат энди уйигача таъқиб қилиб кела бошлади, у ўртадаги ёпиқ эшикни очишга уриняпти. Пилат ҳақиқий башарасини кўрсатмоқда, у шунча вақт кутиб келди. Энди эса унга жасад керак. Даҳшатли махлуқ буни талаб қилишга тўла ҳақли! Чунки Филатр унга ўз танасини сотган! Анатол энди одам эмас, товар ёки савдо битимини тузиш учун бир сабабчи эди, холос. Унинг қалби-чи, унинг юраги-чи? Унинг софдиллиги-ю, ўзига хос хусусиятлари-чи? Буларнинг ҳаммаси тугаган эди. Жисм қанчалик катта бўлса, унинг ҳажми ҳам шунча катта бўлганидек, Пилат таклиф этган ноинсоний иш ўз натижасини кўрсатмоқда эди.

Анатол Филатр ташрифномани чўнтагига солди-да, икки қўли билан бошини чангаллади.

— Сени ким табриклабди? — сўради Матилда.

— Битта, битта... ҳарбийдаги дўстим, сен уни танимайсан...

Унинг боши айланиб кетди. Вақтлироқ ётиш учун бир баҳона топди. Лекин, кечаси билан киприклари юмилмади. У йўл қўйган хато, тубан кетиш уни тинч қўймасди. Энди у қандай бўлмасин, касал бўлиши,

ўлиши керак. Тишларини қисирлатиб, ўзида бу исканжадан озод қила оладиган касаллик қидира бошлади. Саҳарги соат тўртларга бориб, қулоғида қаттиқ шанғиллаш, оғзида чидаб бўлмас таъм сезди. Мана, ниҳоят ўлим остонасига келдим, деган юпатувчан умид билан уйқуга кетди. Тушида, қўлига қора қўлқоп кийган, кўзлари йиғлайвериб қизариб кетган, ўзи билан видолашиш учун келган Пилатни кўрди. Бу баҳайбат киши узун соқолларини силаб, ўкириб йиғлаётганмиш, ҳадеб такрорлар эмиш:

— Мен Сизни ҳурмат қиламан, Анатол Филатр, мен Сизни ҳурмат қиламан...

— Қўйинг, жаноб Пилат, мен Сизга ваъда бердимми, унинг устидан чиқаман... — дермиш юраги қувончдан ҳаприқиб. Кейин цилиндири қандайдир жаноб озғин Анатолнинг кўкрагига қимматбаҳо тошлардан қилинган олтин хочни тақиб қўйган эмиш.

— Матилда, мен мукофотландим!

У уйғониб кетди. Матилда босинқираётган эрининг елкасини силкитаётган эди.

Афсус, у ўрнидан турган заҳоти, орзуларининг барчаси сароб эканлигини тушунди. Касаллари тушининг сўнгги кўринишлари билан йўқ бўлиб кетди. Анатол яна ўзини енгил, тетик ҳис этди, ошқозон бўш, оғзидан тиш пастасининг хушбўй ҳиди келаётганлигини сезди.

— Мен аблаҳман! — деди у нафрат билан ойнага қараб туриб. Сўнгра ишига жўнаб кетди. У таъсирчан, қолаверса, интизомли эди. Ўша куни суратга олинаётган саҳна бир кўча бўлиб, унда нотаниш одамлар бифарқ ҳолда йўл четини кесиб ўтишлари керак эди. Филатр ҳам шу одамлар ичида, ҳақиқатан ҳам хотиржам кўринишга ҳаракат қиларди.

Белгиланган вақтда, кўчадаги йўловчиларни қаттиқ портлаш даҳшатга солиши ва улар биринчи қаватдаги хонанинг деразаси томон шошилишлари, у ерда бир ёш йигит ўз жонига қасд қилиши керак эди.

— Йўловчилар ўз жойларига ўтсин, — қичқирди режиссёр. — Қайтадан бошлаймиз!

Қайта суратга олинаётганда, Анатол Филатр ўз бошига бахт куши қўнаётганини сезди, чунки унга режиссёр муҳим топшириқ берди:

— Сиз навбатчи-дарбонсиз, бу ерга келиб, қаттиқ ачиниш билан: «Бечора, ўз жонига қасд қилди! Ўлимга пешвоз чиқди, чунки ўлим унга ҳа деганда келавермади», дейсиз. Бу жуда зарур! Энг асосийси ҳам шу!

«Ўлимга пешвоз чиқди, чунки ўлим унга келмади». Бу сўз Филатрни кун бўйи тарк этмади.

Студиядан чиқиб тўғри дорихонага кирди. У ердан каламушларни ўлдирадиган дори сотиб олди. Дорини чўнтагига солди-да, Парвардигор олдида Пилат билан орани очиб қилиб олишни ният қилиб қўйди. Энди қарзини узиш имконияти бор. У энди бошини мағрур кўтариб юра олади. Метрода унинг илтифотлари ва айни чоғда беғамлигидан одамлар ларзага тушаётганга ўхшарди.

У Пилат олдига боради-да, мағрур оҳангда, жаноб Пилат, эртага Сиз билан орамиз очиб бўлади, дейди. Шундай дейди-да, йўлини давом эттиради. Унинг ортидан эса семиз, жоҳил мавжудот анқайганича қолаверади.

Метро поезди бир силкиниб тўхтади. Оломон Филатрни тўла вагондан итариб, чиқазиб қўйди. У ҳар хил рангли афишалар ёпиштирилган йўлак бўйлаб юқорига кўтарилди.

Ҳаво тоза. Анатол Филатр залворли қадамлар билан асфальт йўлда секин-аста борарди. Эллик метр юргач, қаршисида қора ва кўк рангли Пилат идораси намоён бўлди. Пилат ўз жойида кўринмайди. Бир



неча дақиқага бирор ёққа чиққандир-да. Филатр бюро эшигини итариб, ичкарига киради-да, қичқиради: «Жаноб Пилат, эртага Сиз билан орамиз очиқ бўлади». Ичида бу жумлани ўзича бир неча марта такрорлаб, тили билан лабларини ялаб қўйди.

Яна бир неча қадам ва сўнг Анатол Филатр Пилатнинг дафн бюроси эшиги олдида бўлади. Лекин нега чироқлар ўчирилган? Нега темир панжара пастга туширилган? Нега жаноб Пилат кўринмапти? Хавотирланган Осмон фарзанди қадамини тезлатиб, магазин томон ўтди. Нимжон қўллари билан бошидаги ёгли кепкасини олди. Дафн этиш бюроси эшигига икки қаватли рамкага ёзилган эълонни ўқиди: «Мотам туфайли магазин берк». Чақмоқ урган одамдек кўзларини катта-катта очиб, ёзувга яқин келди. «Мотам туфайли дўкон берк». Оқ қоғозда мотам ҳарфлари аниқ ажралиб турарди. Анатол Филатр консиёрж<sup>1</sup> хонаси томон отилди.

— Қанақа мотам? Ким ўлди?

Худди тубсиз қора қудуқ остидан келгандек тантанавор овоз келди:

— Жаноб Пилат.

Филатрнинг назарида бутун дунё бу янгилик атрофида айланарди. Ўлим билан савдо битими тузмоқчи бўлган одам ҳам ўлибди-ку?! Ўлим ҳисобига ҳаёт кечираётган кимса ўлибди. Пилатнинг ўзи ҳам Пилатнинг мижози бўлибди-ку?!

Осмон фарзанди Пилатнинг уй ҳужжатларини, яъни ўлим, туғилиш, никоҳ гувоҳномаларини томоша қилиб турарди. Қизиқувчан қоровул унинг бошини қашиганини, вазмин қадамлар билан кўчани кесиб ўтаётганини ва Муий «Дафн этиш бюроси» томон кетаётганини кўрди.

Анатол Филатр дафн бюроси эшигини очди ва кўк мато ёпилган стол ортида ўтирган қора одам томон юра бошлади.

— Жаноб, — деди у, — Камина «Хаёлга толган бузоқча» фирмасининг хўжайини Филатрнинг укаси бўламан. Бир таклиф бор, агар шуни амалга оширсак, иккаламиз ҳам тенг фойда кўрардик. Менинг режам...

## ШУҲРАТ

Соланж Виоланс, таниқли адиба, кўзларини осмонга тикиб, даҳанини юқорига кўтариб, бурун катаklarини кенг очиб, худди охириги китобининг сўнгги бобидагидек, деди:

— Азизим, мен сени бутун аёллик назокатим билан севаман.

— Оҳ! Соло!— деб ўкирди унинг сонлари орасидаги одам.

У ёзувчи бўлмагани учун аёлнинг оддий ва мардона эҳтиросига ҳеч нарса қўшишни билмади.

Жак Бруйду оғзаки нутқининг заифлигидан унинг ошиғи олчи эди. Шу сабабли Соланж Виоланс икки киши учун гапириш шарафига эга эди.

— Сен!— қичқирди у, йигитнинг бошини ўзини машҳур қилган икки қўли орасига олиб, — менинг иш жойимдаги бу висол дамларининг қанчалик лаззатли эканлигини сезаяпсанми? Мана, сен ҳатто менинг заковатимнинг тўридасан, романларимнинг махфий, ишқий харамларидасан. Улар мени сендан рашк қилишади, гўзал махлуқ!

Уни худди муваффақият қозонган биринчи китоби «Хушбўй йўқотиш» дагидек орқасидан кучоқлади.

<sup>1</sup> К о н с и ё р ж — кўп қаватли уйлар йўлагига турувчи навбатчи шахс.

— А! Соло!—дея олди яна Бруйду.

Соланж пичирлаб, унинг лабларига бармоғини босди:

— Жим, шум фаришта, сенинг ниятингни тушундим! Сен гапирганигда, назаримда, бир оғиз қимирлаётган бўлади, лекин ундан таралаётган ниятни юрагим билан сезаман. Ол, мени кенг эркак кучоғинга! Уятчанглигимни эзиб ташла! Эркала, ғазабимни камайтир! Агар менинг хушёрлигимни буза олсанг, мен сендан миннатдор бўлар эдим!

— Ҳафтанинг охиридан олдинроқ эрингнинг қайтиб келмаслигига ишончинг комилми?— деб сўради Бруйду.

— Эрим? Менинг эрим борми? Йўқ, сен шу ерда экансан, у йўқ! У йўқ, чунки мен сени севаман! У йўқ, чунки биз бахтлимиз!

— У етти-ю ўн еттидаги поездда кетган эди-а, шундайми?

— Эҳтимол! Мен бу ҳақда ҳеч нарса билмайман! Билишни ҳам хоҳламайман! Менга у ҳақда саволлар берма! Менга жадваллар, айланма йўллар, статистик маълумотлар, ҳар хил солиқлар ва пиёдалар учун йўлакчалар борлиги ҳақида гапирма!

— Қандай чиройли гапирасан-а, Соло, мен сенга қараб завқланаман. Сен унга фурсатдан фойдаланиб, ҳеч қаерга чиқмасдан, келгуси китобинг устида ишлашинг ҳақида айтганмисан?

— Менинг келгуси китобим бу сенсан, қора куёшим, ипак нарвоним, кўш қанотим, кўз нурум ва ёшим!

— Оҳ, Соло! Сен мени мафтун қилаяпсан, — деб ингради Бруйду.

У завқ билан оппоқ ва дўмбоқ юзи хонанинг ним қоронғисида худди чироқ сингари ёниб турган бу гўзал мавжудотга тикилиб қолди.

“Минус” ўлчов аппаратлари фирмаси директорининг, яъни ўз хўжайинининг хотини билан қилаётган ишқий алоқасига ҳам, мана, олти ой бўлибди. Жак Бруйду бундай омадга ўзи ҳайрон қоларди. Албатта, у озғин, ўрта бўйли, қора сочли, бўйдоқ йигит эди. Лекин, номи ва сурати бутун Париж рўзномаларида босилган машҳур Соланж Виоланс муҳаббатини қозонишга ўртача хислатли одамники етарли бўлишини ҳечам тасаввур қилмаган эди. Бироқ иш Соланж ташкил этган аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва Шимолий Африка билан савдо алоқаларини ривожлантириш бўйича ўтказилган конференцияда осонгина ҳал бўлди. Ушанда хўжайиннинг хусусий меҳмонхонасида зиёфат берилган эди. Семиз Леон Виоланс ўзининг кичик котиби Бруйдуни байрамга таклиф этган эди. Кичик котиб ёзувчи аёлнинг гўзаллиги, лобарлиги, дилбарлиги олдида лол қолганди. Бруйдуга ўз орзуларини ширин ҳақиқатга айлантириш учун уч кунгина кифоя қилди. Мана, олти ойдан бери у орзуларидан ҳам кўпроқ ишқий саргузаштларни кўрди.

Семиз Виоланснинг Брюсселга, конгрессга кетиши айтилиши муддао бўлди, бунақа омад ҳеч келмаган эди.

— Ниҳоят, — деган эди Соланж, — биз жуда тўлиб кетган ҳирс, эҳтиросларимизни ўзга ва бизга муносиб жойларда қондириш имкониятига эгамиз.

У уй хизматкорларига рухсат бериб юборди. Биринчи бўсалар олиб бўлингандан сўнг, ҳирслар қондирилгандан сўнг, дилдаги гаплар айтилиб бўлгандан сўнг, аёл Бруйдуни эшилган хамирдан таом тайёрлайдиган қора хушбўй ҳид тарқатувчи хитой ресторанига ўхшаш ошхонасига етаклади. Ошхонага кириб, унинг гўзаллигидан лол қолган Бруйду қичқариб юборди:

— Худди “Бадан жозибаси”дагидек.

Аёл уни криветкалар ва помидор бўлаклари солинган идишлар орасидан олиб ўтди ва қути устига ўтқазиб, улфатлашишга чорлади.

— О, Соло, менинг қорним оч эмас.

— Жим бўлинг ва улфатчилик одобига бўйсунинг, коинот яйловининг қўпол одами!

— Соло! Соло!

— Сочиқни ёйинг, бўйнингизга тақинг, санчқини олинг ва севгини унутинг! Оҳ, қандай байрам, қандай байрам! Мен оёғимни ерга қўймасдан, рақсга тушгим келяпти, мисоли парилардек! Мен хоҳлаяпманки...

Бирдан у тўхтаб қолди, даҳшатдан даҳани осилиб, кўзлари тиниб, бурнининг учи оқариб кетди. Кимдир эшик қулфини калит билан очаётган эди. Эрининг оёқ товушлари сукунатни эгаллаб олди. Бу вазмин, аниқ қадамлар уй эгасининг қадамлари эди. Муҳитнинг кучсиз босими таъсирида аёл кўзи олдида хонадаги ҳамма нарсалар орқага юриб кетди. Ниҳоят, эшик очилди. Леон Виоланс ошиқ-маъшуқлар олдида худди жавон сингари пайдо бўлди.

Унинг бурни худди охиригача тортиб чиқарилганга ўхшарди, юзининг шиши шалвиллаган, мурдадек ранги ўчган, сариқ мўйлаби остидаги кўрқинчли оғиздан нафас чиқарарди. У муштини кўтарди, кейин гўё кераксиз колбаса халтаси сингари ўз белига қайтариб туширди.

— Нима қиляпсизлар бу ерда? — деди у.

— Леон,—минғирлади Соланж.

Аёл унинг бу важоҳатини ўзининг “Эркак қасоси” романида тасвирлаганини алам билан эслади.

— Сиз бу ерда нима қиляпсиз, Бруйду?— такрорлади Леон Виоланс, газабдан унинг овози бир парда кўтарилди.

Бруйду, суяксиз одамдек бўшашиб кетди, ранги оқариб, лабларини бир нималар деб, амаллаб қимирлатди. У бу даҳшатли саргузаштнинг поёнини кўз олдида келтирди: ҳозир стуллар қарсиллаб синади, идиш-оёқлар парча-парча бўлади ва дарз кетади. У шарманда бўлди, бу ҳам майли-я, лекин Соланжни умрбод йўқотди. Семиз Виоланс уни дуэлга ҳам чақириши мумкин, бу одам ҳамма нарсага қодир. Эсанкираб қолган Бруйду ўзининг севги йўлдошига тиланчи нигоҳи билан қаради. Кўрдикки, Соланж ҳам ундан баттар саросимада қолган. Унинг боши эгилган, нигоҳи сўлган, худди у хаёл дарёсига фарқ бўлгандек турарди.

— Хўш? Мен сизларга гапиряпман! — деб қаттиқ қичқирди Леон Виоланс.

Соланж титраб кетди. Яна бир неча сониялар, ундан кейин жавоб беришга жуда кеч бўлади! Лекин нима дейиш мумкин? Ёзувчи аёл ўзининг бутун ижодий салоҳиятини ёрдамга чақирди. Лекин унинг ҳикояларидаги қаҳрамон аёллар, баронесса Андингидан тортиб то кичик Сюзи Амбруазгача, лобар Элиана Боллидан ҳаракатчан Нана де Гратадагача унинг чақирувига жавоб беришмади. Бу жуда ҳам аҳмоқона аҳвол эди! Бу, машҳур Соланж Виоланс, ўз асарлари қаҳрамонлари бўлмиш қанчадан-қанча аёлларни турмуш чорраҳаларидан эсон-омон олиб ўтган, рашкчи эрлари билан яраштирган, асарда бироз кўриниб ўтувчи жуфтларни ҳар хил вазиятлардан соф олиб чиққан, наҳотки ўзини-ўзи ҳимоя қилиш учун, ўзини оқлаш учун ҳеч қандай баҳона топа олмаса? Одамлар бу аёл бутун ақл-заковатини китобга берибди-ю, лекин кундалик ҳаётда қўллаш учун ўзига ҳеч нарса қолдирмабди-да, дейишлари мумкин. Бу эси паст Бруйду нуқул енгидидаги тугмачаларни тортиб, асабингга тегаяпти. Бу семиз Леон бўлса, худди ичаксимон шарга ўхшаб, ўтаётган ҳар сония ичида шишиб борарди. Агар унга жавоб берилмаса, у албатта, ёрилиб кетади, бу аниқ. Вақтни ютиш учун у фулдиарди:

— Сен, сен Брюсселга кетмадингми? ...

Айнан шу гапни айтиш керак эмас эди. Бруйду башарасини бужмайтирди. Семиз Виолансининг энсаси қотди ва тўнғиллади:

— Мен сенга ҳисобот бермайман, мен уни сендан талаб қиламан. Битта телеграмма идорага келган экан... Буйруқни бекор қилиш... Лекин бу нима қилаяпти бу ерда?

— Ҳа, яхши, бу жуда оддий... дудуқланди Бруйду.

— Ҳа, ҳа, бу жуда оддий, деди Соланж.

— Сенингча, бу оддийми? — гўлдиреди Леон. Менинг уйимда, ясатилган стол устида ва ярим яланғоч хотиним олдида бу кимса нима қилаяпти?

— Эшит,— гап бошлади Соланж. — Жаноб Бруйду ўтиб кетаётган экан... ва, тўғриси, у ўтиб кетаётиб...

Виолансининг қошлари чимирилиб, шунчалик бир-бирига боғланиб кетдики, бурнининг томири билан туташиб, бир тутам бўлиб қолди. Кўзлари олайиб, худди шар сингари думалоқлашди. Оғзи қийшайиб, муштумлари ўз-ўзидан сиқилди.

— Хаёлинга нима келди, Леон? — қичқирди Соланж.— Эҳтиёт бўл, баъзибир шубҳалар туфайли аёл иффатини поймол қилиш инсофдан эмас. Эркаклик рашкини тўкиб солишнинг ҳам чегараси бор. Мен сендан ўзаро ҳурматни ва бир-биримизни тўғри тушунишни талаб қиламан. Жаноб Бруйду мени кўргани келгани рост...

— Яхшиям уни танир экансан, хурсандман...

— У мени кўргани келди, чунки... чунки...

— Ҳа, нима учун?—сўради Леон.

— Ҳай, майли, бу жуда нозик масала эди... Бир иш бор эди...

— Мен тушунмаяпман, менинг шахсий котибим билан сенинг ўртангда қандай иш бўлиши мумкин?

— Шундай ишки, шундай ишки...

Бруйдудан катта-катта тер томчилари чиқа бошлади. Соланж қипқизариб, сочлари тўзғиб, кўзларида ёш билан турарди. Виоланс эса тишларини гичирлатиб, сўкина бошлади:

— Шундай иш эдики... Мен буни сенга айтишим керакмасди... У мендан буни сенга айтмаслигимни ялиниб сўраган эди...

Бирдан Соланжнинг саросимали юзида малакларга хос табассум пайдо бўлди. У чуқур нафас олди ва ёқимли товуш билан деди:

— Сен ҳаммасини билишни хоҳлайсанми? Ҳа, майли! Бечора Бруйдугинам, мен унга бизнинг кичкинагина сиримизни ошкор этишга мажбурман.

Бруйду унинг нима айтмоқчи эканлигини билмай, жуда қўрқиб кетди, гўё унинг кўкрагида юраги пастга тушаётгандай бўлди.

— А?— дея олди у ёқимсиз товуш билан.

— Ҳа,—деди Соланж, — Бруйду менинг олдимга келди, чунки у бир романни ёзиб тугатибди, бирор нашриётга топшириш учун у менинг ёрдамимга муҳтож.

— Уффф! — нафас чиқарди Бруйду.

— Менинг қулоғимга нимани осаяпсан, а? —деди Виоланс нафрат билан.

— Фақат ҳақиқатни, азизим.

Виоланс дам хотинига, дам котибига, дам туфлисининг учига қарарди. Тўсатдан у хандон отиб кула бошлади.

— Буни қаранг-а! Буни қаранг!

— Кулишга ҳечам ҳожат йўқ, — деди Соланж. — Бруйдунинг романи эйтиборга молик, арзирли асар. Лекин бизнинг ёш муаллимиз

чуғурчиқ сингари камтар. Ҳатто қўлёмани менга ташлаб кетишни раво кўрмади. Яна, идора ишларини ташлаб, адабий иш билан машғул экан деб сенинг гумонсирашингни у хоҳламади.

— Қандай гоя!— кесатди Виоланс, мен онгсиз ҳайвон эмасман-ку!

— Мен ҳам унга шундай дедим, жоним. Барибир у хотиржам бўлаолмади. У мендан бизнинг кичкина адабий алоқамизни сендан сир тутишни ўтиниб сўраган эди. Мен эса сенинг йўқлигингдан фойдаланиб, романи ҳақида бафуржа гаплашиш учун уни бу ерга таклиф қилдим.

Леон Виоланс бундай тинчлантирувчи гапларни эшитгандан сўнг, ўзини эркалатишга қўйиб берди. Гумонлари, кўрқувлари тарқагандан сўнг, у ўз ҳолига қайтди ва унинг назарида ҳаёт янада лаззатлироқ бўлиб кетди. Юзига пушти ранг югурган, қарашлари тиниқлашган Леон қўли билан котибининг елкасини силаб деди:

— Вой ичидан пишган одам-ей! Вой муғомбир-ей! Демак, сиз ҳам адабиётга берилиб кетибсиз-да? Қандай касаллик! “Бруйду ёзувчи”, “Бруйду романист!” Кечиринг мени, бунга сира ўргана олмаяпман!

— Мен ҳам, жаноб Виоланс, — деди Бруйду.

Виоланс қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди, ҳатто оғзи қулоғигача етиб борди.

— Ҳазилкаш! Хотиним шуҳратига ҳавас қилдингизми? У сизга ўрناق бўлдимми? Ёки сизнинг бошингизни айлантириб, “китоб ёз” дедими?

— Э... йўқ... ҳа... ҳа, — дея олди Бруйду.

— Ҳа, хотиним жавобгарликни жуда яхши ҳис қилади, у масъулиятли аёл. Сизни бу ерга таклиф қилиб, нашриётчилар олдида сизга ёрдам беришга ваъда бериб, жуда яхши қилибди. Айтинг-чи, азизим, бу романингизнинг сарлавҳаси нима, у қандай номланади?

— Номими? Сарлавҳасими? — деди Бруйду тиззалари қалтираб.

— Ҳа, — деди Виоланс.

— Унинг номи “Иссиқлик доми”, — деди Соланж шошилиб.

— “Иссиқлик доми?” Лекин, азизим, бу уятсизлик-ку! — ҳиринглаб кулди Виоланс, “Иссиқлик доми!” Эҳ! Мен бир ўқиб чиқсам бўлар экан! Бу роман мени қиш кунларида роса иситса керак-а?! Менинг 20 ёшли, навқирон давримни эслатса керак! “Иссиқлик доми!”

Бруйду қийналиб кетди, унинг гапларига жилмайишга зўр бериб ҳаракат қиларди.

— Романнинг сюжети қанақа? — деб сўраб қолди Леон.

— Бу, — дудуқланди Бруйду, — сюжети жуда оддий. Гап бир аёл ва бир эркак ҳақида кетади.

— Улар бир-бирларини севишадими? — деди Виоланс.

— Ҳа!

— Жин урсин, жуда оригинал-ку бу, азизим!

— Қандай аниқлик! — ҳиринглади Леон.

— Бечора боланинг жиғига тегма, Леон, — деди Соланж. У жуда уятчан, уни уят пардалари, номус шокилалари, қизлик кўрқувлари бутунлай қамраб олган... Бу ёш муаллифни янги, жуда мўрт, жуда соф, мисоли қор конфети дейиш мумкин!

— Э-э-э, жуда зўр! — қичқириб юборди Виоланс. — Ишонаманки, “Қор конфети” бу оқшом биз билан овқатланиб, бизга мурувват кўрсатади. Ва биз унинг китоби учун ичамиз! Соланж, яна бир кишилик анжом қўй!

Виоланс овқат вақтида ўз кайфиятини кўтариш учун ўзини қабиҳларча тутди. У Бруйдунинг жиғига тегиб, романдаги ишқий кўринишлар унинг илҳомига қандай келишини сўради, шоирсифат вақт ўтказишидан нолиди ва уни 24 ёшида Франция Академиясига аъзо

бўлишини башорат қилди. Бруйду эса хўжайинининг ҳамла-хужумларини ойпараст сингари қабул қилиб олди. Ҳаяжон, саросима уни довдиратиб, дастурхоннинг четига олиб келиб қўйди. У на фикрлашни, на гапиришни, на санчқидан фойдаланишни билмай қолди. Уни қийналаётганлиги, саросимадалиги шундоқ кўзга ташланиб тургани учун, Соланж унга юракдан ачиниб, қараб-қараб қўярди. Столдан тураётиб у унга тез пичирлади:

— Эртага, ишдан кейин, мен сени “Абрико Вэр” кафесида кутаман.

\* \* \*

“Абрико Вэр» қаҳвахонаси ҳашаматли кўнгилочар жой бўлиб, унинг деворлари пўртаҳол рангида сувалган ва пастки қисми қизил ёғочдан таблетка сингари шакллар билан безалган эди. Унда-бунда шифт чуқурчаларига ўрнатилган лампочкалар хира ёруғлик таратиб, қаҳвахонага сирли тус бағишларди. Сеҳрли мусиқа орзу тўсиқлари узра оҳиста тараларди. Расмларга, ичимликларга ва байроқларга тўла бар дўкони-нинг тўрида баққол эриган метал сингари коктейлни чайқатарди.

Мазкур “Абрико Вэр” пинҳона учрашувчи севишганларнинг, боши-очиқ ёш хотинларнинг, соат ўн иккида ўрнидан турувчи сирли ўсмирларнинг, суюқоёқ аёлларнинг ва ёши улуғ жанобларнинг учрашув жойи эди. Бу кичик жамиятдан севги атри ва “илтифотли” фирибгарлик ҳиди уфуриб турарди. Тўр парда билан таниш юзини беркитиб олган Соланж Виоланс маъшуқига юзини буриб деди:

— Леон ҳеч нарсани сезмади, азизим. Лекин у сенинг китобингни ўқимоқчи. Мен унга “Иссиқлик доми” аллақачон Пацио нашриёти-нинг босмахонасида ва узоғи билан икки ойдан сўнг босиб чиқарилади, деб юбордим.

— Ахир у ҳали ёзилмади-ку, жоним Соло!

— Тўғри. Сен энди уни ёзишинг керак!

— Мен! — оҳ тортди Бруйду. — Мен ҳатто тижорат хатини тузишга қийналаман-у, сен бўлсанг...

Соланжнинг юзи қизарди ва кўпчиб кетди:

— Мени севасанми? — сўради у.

— Ҳа.

— Унда ёзиш керак.

— Нимани?

— “Иссиқлик доми”ни.

— Бу кулгили бўлади-ку!

— Мен сенга ёрдам бераман!

— Бу номини қаранг!

— Уни шароит бизга тўхфа этди.

— Яна икки ой муҳлатни қаранг!

— У бизнинг илҳомимизни қамчилайди!

Бруйду башарасини бужмайтириб:

— Қандай ишқал воқеа! Бунақаси бўлмаган! Ишни қаранг, ишни! — дея зорланди.

Соланж унга худди писка тиғи сингари ўткир нигоҳини қадади ва деди:

— Бечора жонзод! Шундай қилиб, мен сени кулгили аҳволдан қутқариш учун, иттифоқимизни, севгимизни сақлаб қолиш учун, хавф-хатардан нари бўлиш учун ҳаракат қилсам; шунақа ҳийла-найрангни ўйлаб топсам; унинг маккор савдолари остидан сени олиб

чиқсам-у, сен менга раҳмат айтиш ўрнига, нуқул “ишни қаранг, ишни. Бунақаси бўлмаган!” дейсан. Мен сени роман ёзувчи деб айтмаганимда, нима қилардинг-а?

Бруйду бошини ҳам қилиб деди:

— Майли, шундай бўла қолсин. Лекин ҳар ҳолда... мен бунақа ишни ҳеч қачон қилмаганман-да, мен...

Ёзувчи аёл қаҳрини бир илоҳий шафқат юмшатди.

— Тўғри, — деди у, бизнинг касбимизни бир-икки кун ичида ўрганиб бўлмайди ва қарға булбулнинг хонишини қилаолмайди. Лекин севги ажойиб мўъжизалар яратишга қодир. Китобнинг номини Леоннинг ғализ рашки учун атайлаб айтдим. Менинг миямда персонажлар қатор бўлиб, бирма-бир ўтишяпти; учрашув жойлари, чўмилиш соҳиллари, суҳбатларнинг турфа хиллари кўз олдимдан ўтаяпти. Мен кўраяпман, мен кўраяпман... Оҳ, қандай бахт! Бу китобни мен ёзаман. Аниқроғи, биз иккаламиз бирга ёзамиз. Сен уни имзолайсан. Роса хурмат-эҳтиромга эга бўласан, азизим Жак! Қоғоз ол. Яратиш иштиёқи юрагимда уч марта байрамонга бонг урди! Ёз: “Баҳорнинг мусаффо кунларининг бирида, баронесса Улетта...”

Вақти-вақти билан Жак Бруйду бирор фикр айтиб қолар, сўз ташлар ёки жумлани тўлдиришга ёрдам берар эди, буларнинг ҳаммаси ўша заҳотиёқ матнга киритилди.

— Севги сенга умид бағишляпти, — деди унга Соланж, мен сенинг сочларинг учида рақсга тушаётган илҳом учкунларини кўраяпман.

Ҳамкорлик кутилганидан ҳам сермахсул бўлиб чиқди. Ҳар куни Соланж ва унинг маъшуқи “Абрико Вэр”да учрашишар, ҳар куни яратилаётган асарга бир боб қўшишар, ҳар куни шундай фойдали ва ёқимли иш билан вақтлироқ шуғулланмаганликларига афсусланишар эди.

Ойнинг охирида асар ёзиб тугатилди. Иккинчи ойнинг охирида у Пацио нашриётида Бруйду имзоси ва Соланж Виоланс сўз бошиси билан пайдо бўлди.

Сўзбошида шундай жумла бор эди: “Мен кашф қилган бу ёш йигит...” Бруйду романнинг бир нухасини олий навли қоғоз устига дастхат ёзиб, катта Виолансга туҳфа этди. Леон Виоланс бутунлай хотинига ишонди:

— Туриб-туриб рашким учун кечирим сўрасаммикан, деб қоламан. Бруйдунинг ёзувчилигини қаердан билай...

— Агар эркаклар рашкчи бўлмасалар, аёллар қаердан ҳам гўзал бўлардилар! — деди Соланж.

Виоланс хотинининг юз-кўзларидан ўпди ва унга Купидон рамзи туширилган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган кулонни ўз севгисининг нақадар азизлигини исботлаш учун сотиб олди.

\* \* \*

Бу вақтда Жак Бруйду янги ташвишлар, ғам-ғуссалар ичида қолган эди. Ўз ихтиёрисиз бу ғалвага қўшилиб, асар ёзди ва чоп эттирди, энди биринчи китобини матбуот қандай қабул қилар экан деб ич-ичини ерди. У кўрқув билан тасаввур қиларди. Нотаниш кимсалар мақолаларда уни четга олиб, номини бузишар, кейин ерга уриб, ташлаб юборишарди. Жак уларнинг хабарларида ечинтирилган, ичи ағдарилган, текшириб кўрилган, ёндирилган ва қамчиланган ҳолда қоларди. Соланж билан ишқий алоқалари махфийлигидаги кўрқинчли тешик яқиндагина очилиб қолганини ҳис этди. Энди у оммага ўзининг сирлари, қизиқишлари, сўгаллари, француз тилидаги ха-

толари, қизларники сингари холи билан намойиш этилади. Энди у ўзига-ўзи тегишли эмас эди. У энди ҳамманики, уни “Ҳамма қўллар орасига қўйиш” мумкин. Соланж уни бу тушуниш қийин бўлган эраккача уялишдан хотиржам қилиш учун роса уринди. Шон-шуҳрат олиб келувчи истиқболли режалар билан, баланд мартабали одамлар билан таништиражагини айтиб, унинг бошини айлантирди. Лекин у телбаларча нуқул такрорларди: “Шунча бетда фоҳишалик! Шунча бетда...”

Биринчи мақолаларнинг пайдо бўлиши Бруйду учун жиддий мушт бўлди. Айтиш мумкинки, гўё Франциянинг ҳамма танқидчилари Бруйдуга қарши кампанияда олдиндан келишиб олганлар. Энг катта танқидчидан тортиб, охири газета ёзгувчисигача бир хил ғазабланиш ва васваса қичқириғини қилишарди: “Дидсиз ва палапартиш роман...”, “Тартибсиз, ақл-эсини йўқотган, шохсиз калла...”, “Аҳмоқ қандолатчининг услуги...”, “Персонажлар фанердан қилинган, қалбаки...” Ҳатто баъзи бири “қизил бензин қусиб” юборганини ёзган. Буниси ҳаддан ташқари ортиқча эди.

Бечора Бруйду барча ҳақоратларни жавобсиз қарши олди. Ҳар куни хат ташувчи унга устидан куладиган ва иззат-нафсига тегадиган янги хатлар ғарамини олиб келарди.

У ҳеч нарса сўрамаган эди. У бу асарни ёзишни хоҳламаган эди. У бу бақироқ журналистларнинг жиғига тегмаган эди. Нима учун унга ҳужум қилишмоқда? Нима учун уни мазах қилиб ташладилар? Намунча уни бахтсиз қилмасалар?! Кечалари у ёстиғини тишлаб, йиғлаб чиқарди. Хатто бу камситишлар соғлигига ҳам таъсир қилди, жигар оғриғи уни бир неча кун уйдан чиқмай ётишга мажбур этди.

Ишхонага қайтган куни, ҳамкасблари ҳамдардлик билдираётган чехралари билан уни ўраб олишди. Улардан бири деди: “Бечорагинам, мен сенинг асаринг ҳақида қаттиқ таъсирчан танқидни ўқидим. Наҳотки, одамлар шунчалик бешафқат бўлиб кетишган?!” Бошқаси деди: “Қачон сени тинч қўйишади? Одамлар фақат сен ҳақингда гапиришяпти, лекин нимага асосланиб? Очиғи, сен бир тахаллус танлашинг керак эди”.

Ҳаммадан ҳам семиз Виоланснинг қилиғи Бруйдуни қаттиқ ранжитди. У ўзини жаҳли чиққан одамдек кўрсатди, бу жаҳлни икки хил маънода тушуниш мумкин эди: биринчиси, гўё матбуот Бруйдуни бекорга бадном қилмоқда, иккинчиси, Бруйду қўлидан келмайдиган ишга қўл уриб, расво бўлди. Ҳақиқатда эса Виоланс котибининг муваффақиятсизлигидан жуда кўнгли тўлган эди. Бруйду назарида, у худди ликопчадаги сут олдида кейинги икки оёғи билан ўтирган мушук сингари ликилларди. Эрталаб идорага келиб ўз қурбонига ўта ҳасадли нигоҳини ташлади. Кейин Бруйдунинг ёнига келиб, уни елкасини қоқди, оталарча унинг ва камбағал ота-онасининг соғлиғини суриштирди. Бруйду бу сингари олдиндан тайёрланган саҳналардан чарчагани, фақат унинг саволлар билан қийнаш онларини кутиб турди. Ниҳоят, Виоланс ачиниш билан хўрсиниб, чўнтагидан эзилган бир газетани чиқазиб, уни тантанали суратда стол устига ташлади.

— Бунимен сизга олиб келдим, — деди овозига бефарқлик аломатини беришга қаттиқ ҳаракат қилиб. — Охири бетдаги мақолани ўқинг. — Кейин шинавандаларча қуйидаги иборани қўшиб қўйди: — Бу шармандалик, уят!

Бруйду газетани йиғиштириб олди ва мақола билан танишиб чиққунча Виоланснинг ўткир нигоҳини ҳис қилиб турди. Бу қарашлар йигитнинг уялишидан ва хафа бўлишидан завқ олиш учунгина унга қаратилганди.



Аслини олганда, Леон Виоланс нима учун бечора Бруйдунинг бошига тушган бу ишлардан хурсанд бўлаётганини ўзи ҳам билмас эди. Унда ўз котибидан қасд олиш нияти бор эди, лекин бундай қилолмасди, чунки у қасд қилишга арзирли бирор ножўя иш қилмаганди. У унинг устидан ғалаба нашидасини тотиб кўрди, ваҳоланки, улар ҳеч қаерда ва ҳеч бир ҳолатда бир-бировларига рақиб бўлмаганлар. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам бемаънилик, ҳам жозибали эди.

Бошида Соланж эрини ишонтиришга ҳаракат қилди. У матбуотнинг фикри нисбий аҳамиятга эга эканлигини, француз адабиётидаги нодир асарлар ҳам чоп этилаётган чоғда матбуотда роса саваланишини унга тушунтиришга ҳаракат қилди. Лекин Леон ҳеч нарса эшитишни хоҳламас эди. Секин-аста Соланж ҳам эрининг бемаъни фикрларига кўшила борди. Таҳлил қилинадиган бўлса, биринчидан, ёш Жак Бруйду ҳеч қачон роман ёзувчи бўлишига даъвогарлик қилмаган эди, иккинчидан, китобнинг катта қисмини Соланж ёзган ва тузатган, учинчидан, китоб магазинларидаги мағлубият йигитчанинг шахсий хислатларини камсита олмайди.

Бу вақтда Бруйду олдингидек ярқираб турган қаҳрамон эмас, балки нўноқ ёзувчи, ранжитилган инсон, сержаҳл кимса тимсолида юрарди ва унда яшаш учун ҳеч қандай хоҳиш йўқ эди. Ёзувчи аёл ёзмайдиган мухлисга эга бўлиш ҳуқуқига эга, лекин ёмон ёзадиган мухлисга эмас. Соланж ўзига ҳамкасб бўлиб қолган бу ўйнашига раҳм қилишдан ва айни чоғда уни ёмон кўришдан ўзини тия олмас эди. У унинг олдида ўзини маънавий тубан кетдим деб ўйларди, у ундан уяларди. Тўғриси, бу аёл яна кўп нарсаларга “сазовор” бўлган эди!

Бир куни газетада қандайдир парижлик адабий шарҳловчи Соланж Виоласнинг бу ўткинчи Бруйду асарига сўзбоши ёзиб беришгача тубанлашганига хайрон қолганлигини эътироф этиб мақола чоп эттирди. Соланж бундан шахсан ҳақоратланди. Унинг “Абрико Вэр”да Бруйду билан учрашуви бор эди. У учрашувга афт-башараси буришган ҳолда кеч келди.

— Мана буни ўқи! — деди титраган овозда.

Бруйду мақолага кўз югуртириб чиқди ва бошини кўтармасдан мингирлади:

— Бунинг учун менинг нима қилишимни хоҳлаяпсан?

— Жавоб битта! — пишиллади Соланж. Шундай қилиб, сенинг хатойинг туфайли энди менга хужум қилишмоқда, низо чиқаришмоқчи, мени жонимдан тўйдиришмоқчи, бекорчиликда ўтириб олиб, мени безор қилишмоқчи. Сен эса ўзингда илҳомнинг энг оддий учкунини ҳам топа олмаяпсан.

— Сен менинг китобимга фақат сўзбоши ёзиб бердинг.

— Тўппа-тўғри. Менинг сўзбошимсиз сенинг китобингни ҳеч қандай нашриётчи қабул қилмаган бўларди!

— Ҳа, яхши, менинг китобим босилиб чиқмаганда эди, ҳаммаси яхши бўлган бўлар эди, назаримда.

Соланж кўлларини қарсиллатиб бир-бирига урди, улардан қанотлар бир-бирига урилгандек тоза товуш чиқди.

— Ана холос! У ёқда менинг эрим-чи? Агар сенинг асаринг босилиб чиқмаганда, у нима деган бўларди? Бирлигимизни сақлаб қолиш учун, мендан сени жудо қилмасликларини учун, мен сен ёвуз одамга раҳнамолик қилишга рози бўлдим. Сен эса, мен сенга қилган фидойилигимни қабиҳларча камситаяпсан! Эҳ, сиз эркаклар, сизлар субутсиз кимсаларсизлар! Ўз-ўзингизни севишингиз шунчалик чўзилувчанки, унинг поёни йўқ! Агар мен билганимда эди...

- Агар сен билганингда нима бўларди?
- Йўқ ... ҳеч нарса, — деди Соланж ғазабдан аламини ичига ютиб. — Мен олдинга сени эзиш учун эмас, балки кейинги ишларимизнинг режасини тузиш учун келдим.
- Янами?! — деди башарасини буриштириб Бруйду.
- Ҳа! — қичқирди Соланж. — Мен севгимни, суюклигимни ва машҳур номимни таҳқирлашларига, мазах қилишларига йўл қўймайман. Сен бошлаган ишларга мен жавобгарликни олган эдим. Сен биринчи турни ютқиздинг. Энди кейингисини ютишинг керак..
- Бруйду киприкларини пирпиратиб, секин сўради:
- Бу билан нима демоқчисан, жоним?
- Бошқа бир китоб, бир асар, асар бўлгандаям нодир асар ёзиш керак, токи бизни қийнаётганларнинг чакаклари ўчсин...
- Бошқа бир асар?
- Ҳа, — деди Соланж. — Бу асарни сен ўзинг ёлғиз ёзасан.
- Лекин мен билмайман-ку, — деди Бруйду, ҳақиқий кўзёшлар қарашида қалқиб турарди.
- Ёки сен янги асар ёзасан, ёки мен бутунлай сенинг севги доирангдан ўчиб кетаман: танла, — деди Соланж.
- Бруйду янги китоб ёзишни танлади.

\* \* \*

Ўттиз етти кун ичида Бруйду янги сюжет топди. Ўттиз саккизинчи кун у асарни сюжетсиз ёзиш энг ақлли иш эканини англади. У иштиёқ билан ишга киришиб кетди, унинг асари ғайритабиий ва мароқли чиқиши керак. Оддий мантиққа ва синтаксиста риоя этмаган ҳолда, ми-ясига келган ҳамма нарсани ёзди. У аниқлик билан орфография ва пунктуация хатоларини бир жойга жамлади. У пойгачи отнинг ва ҳолсизликка чалинган микробнинг ўй-фикрларини галма-гал синчиклаб ўрганиб чиқди. У яратган эркак қаҳрамонлар ўн бетдан сўнг ўлишар, аёл қаҳрамонлар эса шароитга қараб ўз отларини ва териларининг рангини ўзгартиришарди. У шоир иборасида тунги тувак ичидаги нарсаларни ва аҳлатчи тилида онаси учун настарин гул тераётган қишлоқ қизини тасвирлади. Вақти-вақти билан ҳикояни, дори-дармон бўйича қилинган эълонни, ёки ашуланинг нақаротини, ёки тижорат хатини, ёки жамиятга қарши бўралаб сўкишни, ёки ўн иккита номаълум сонли тенгламани кўшиб кўйиш учун кўчириб ёзди. Ҳаммаси ҳаддан ташқари бемаъни, лекин ўта янги ва ўта шахсий бўлиб чиқди.

Бруйду матнни тўғридан-тўғри машинкада ёзарди. Унга илҳом париси ёрдам берарди.

Ҳаммадан ҳам қийини бу кўп томли роман ёзилишини тўхтатиш бўлди. Асардаги персонажлар етарли, гоёлар очилиб бўлган бўлса-да, Бруйду ҳеч ўзини тўхтата олмасди, ёзаверарди, ёзаверарди. Бу нарса ундан кучлироқ эди. Унда пайдо бўлаётган гоёлар оқиши лозим эди. Ниҳоят, бир кун у катта шиддат билан ишлаётган чоғида, нотўғри бир ҳаракат билан ёзув машинкасини синдириб қўйди. Бу синиш унга илоҳий жазо бўлиб кўринди. Асарни давом эттиришдан воз кечди. Матн бир жумланинг ўртасига келиб тўхтаган эди. Қайтанга шундай қолгани яхшироқ эмасми? Бруйду ручкани олди-да, қоғознинг охирига “тамом” деб ёзиб қўйди.

\* \* \*

Бруйду янги роман ёзишга ўн саккиз ой вақт сарфлади ва уни шундай номлади: “Ҳеч нима”. Бу камтарлик белгиси эди. Асарни Пацио нашриётига босиш учун таклиф қилди, бу эса содиқлик белгиси эди. У бу китобни “Француз адабиётининг беқиёс устаси Соланж Виолансга бағишлайман” деб чиқазди, буниси адабий миннатдорчилик белгиси бўлиб, ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Ҳамма тахминларга, олдиндан кўришларга қарши ўлароқ, матбуот биринчи газабларидан совиб, Бруйдунинг янги асарини ҳурмат билан кутиб олди. Баъзи бир танқидчилар китобни “нафис”, “яхши баён этилган”, “ўзига хос куч билан пуфланган” асар деб топдилар. Бир кекса журналист “Ҳеч нима”ни ҳатто “маданиятнинг мўъжаз гавҳари” деб таърифлаб юборди.

Биринчи мақолалардан бошлаб Бруйду юрагини умид тўлдириб бораётганини ҳис қилди. Албатта, гап вақтинча муваффақият ҳақида кетмаётган эди, бироқ, бу ҳаммаёқдаги мақтовлар ва бир қолип кўкка кўтаришлар жуда кучли баҳоланганди. Идорада унинг устидан ҳеч ким энди кулмай қўйди. Столи устига ҳеч ким энди газета олиб келиб ташламади. Дўстлар ундан бир неча жилдларга дастхат ёзиб беришини илтимос қилдилар.

Бруйду мақтанчоқлар тоифасига кирмас эди, лекин Леон Виоланс ва ҳамкасблари кўз ўнгида ўзининг олдинги обрўи тикланаётганлиги унга ҳам хуш ёқётган эди. Айниқса, шу кичик ғалаба орқали яна ўзининг Солосинининг алангали муҳаббатини ва соф ҳурмати-ни топа оламан деб орзу қиларди. “Ҳеч нима” босиб чиқарилган кунлари Соланж бир неча ҳафта жуда банд бўлди. Бруйду билан “Абрико Вэр” да учрашишга рози бўлганда, асарнинг китоб дўконлари пештахталаридан ўрин олганига деярли бир ой бўлган эди.

— Хўш, жонгинам? — деди Бруйду уни креслога ўтқаза туриб, — биринчи китобим туфайли сенга қўйилган айбларни ювдим десам бўладими энди?

Соланжнинг юзи ва лаблари ҳафсаласи пир бўлган одамникига ўхшарди, кўз қорачиқлари хаёл оғушида эди. У ақлли бошини оҳистагина қимирлатиб қўйди. Сўнгра деди:

— Танқид илтифотли бўлди, лекин бурунни баланд кўтариш керак эмас, азизим.

— Мен бурнимни кўтариш ҳақида ҳеч қачон ўйламаганман!

— Ҳа, ҳа, сизлар ҳаммангиз бир хилсизлар! Агар бир нотаниш ёлғондан сизларни мақтаб қўйса борми, сизлар худди қурол-аслаҳа сингари ялтираб қоласизлар. Қадингизни ғоз тутишга ҳаракат қиласиз, қошингиз кўтарилади, гилам устида гердайиб юрасизлар. Тўғриси, бу кулгили!..

— Нима демоқчисан, Соло!

— Мен демоқчиманки, асаринг ёқимли, гап йўқ. Лекин сенинг кичкинагина талтайган ғуруринг ўринсиз.

— Менда ғурур йўқ... ва мен талтайиб кетмадим...

— Сен шунга ишонаяпсанми!— кулгили нафрат билан бақириб юборди. — Ҳа, яхши! Ойнага бир қара-чи. Сен хурсандлигиндан ёрилиб кетай деяпсан. Роҳатдан бўғилиб қолай деяпсан. Сен... сен... ҳа, айтганча, “Ҳеч нима”да босма хатолар жуда кўп. 7-боб умуман яхши чиқмаган...

— Соло!

— Ундан ташқари, кеча мен Франция академиясининг аъзоси Августин Пиошни кўриб қолдим. У менга нима деди дегин: «Ҳеч

нима-ми? Бу асар бошқа номга муносиб эмас!» Бу гапни сенга айтганим учун узр. Лекин бу сенинг фойданга, кичкинтойим... Сенинг фойданга...

Бруйду Соланжнинг бундай газабланишидан ҳеч нарса тушунмас эди.

— Демак, сен “Ҳеч нима”ни худди “Иссиқлик доми” сингари муваффақиятсизликка учрашини кутган экансан-да?— деди у.

— Аҳмоқона саволарни берма,— деди Соланж. — Агар менинг жаҳлимни чиқармоқчи бўлсанг, буни дарров тан ол, мен бу ердан ортиқча сўзсиз кетаман. Жаноб мўл-қўлчиликдан шунчалик шишиб кетганки, у асари ҳақидаги танқидий фикрни кўтара олмаяпди. Жуда яхши! Жуда яхши! Бу жуда чиройли! О, ля, ля, ля.

Бруйду уни қучоқламоқчи бўлган эди, Соланж ундан ўзини олиб қочди ва унга қовоғини солиб, диққат билан тикилди ва деди:

— Кетишим керак.

Бруйду қуйган виноси олдида ёлғиз қолди ва аёл қалбининг сирлари устида хаёлга чўмди. Икки соат фикр қилгандан сўнг, Соланжнинг хатти-ҳаракатларини мутлақо тушунарсиз деб топди ва кейинчалик уни учрашувга таклиф қилишни ўйлаб уйига қайтди.

Лекин кейинги учрашувлар унга хоҳлаган тинчликни олиб келмади. Соланж баттар асабийлашган, сержаҳл, тажанг бўлиб қолганди. Энди у чиройли ибораларни ишлатмас эди. Уни қучоқлашга зўрга кўнарди. Бруйду унга эри ҳақида яхши гапларни ҳам гапириб кўрди, фойдасиз.

Орадан анча вақт ўтгач, Соланж бир асарини нашр эттирди, номи: “Индиго”, мазкур асар катта муваффақиятга эришди. Унинг расми деярли ҳаммаёққа ёпиштирилди, китоб дўконларида ва журналларда гиж-гиж эди. Унинг номи дунёвий суҳбатларда, ҳар бир мавзуда тилга олина бошлади. Ношири унга миннатдорчилик билдира бошлади. Одамлар Рэкаме мукофоти ҳайъатининг кейинги мажлисига фақат унинг номзоди ўтади дейишарди. Бу шуҳрат галабаси Соланжни анча юмшатди ва у ўйнашини нотўғри туртгани учун ўзини-ўзи койиди. Улар қайта учрашганларида Соланж уни оналарча эркалади ва маслаҳатлар берди. Бруйду хурсандчилик манбаининг қайта пайдо бўлганига ва энди умид билан яшаш имкониятига эга бўлганига худога шукрлар айтди.

\* \* \*

Рэкаме мукофоти ҳайъати фақат аёллардан иборат бўлиб, улар қирқ беш дақиқадан бери саҳнада баҳслашишарди. Соланж Виоланс эри билан хитой ресторанининг алоҳида хонасида телефон қўнғирогини кутиб ўтиришарди. Телефон орқали уларга ғалаба ҳақида хабар беришлари керак эди. Бу адабий курашда унинг жиддийроқ рақибни йўқ эди. Охирги овоз беришда “Индиго” деярли кўпчиликнинг овозини олган эди. Табрик мақолалари босмаҳоналарда тузилиб, тайёр ҳолда турар эди. Соланжнинг ношири оммавий сотув бўлишини олдиндан билиб, унинг романидан элик минг нусха қўшимча чоп эттирди. Семиз Виоланс эса “Максимс” ресторанида матбуот учун ва бахтсиз рақиблар учун банкет буюриб қўйган эди.

— Намунча чўзишади! — деди у. — Менинг асарим бир овоздан зўр деб топилганда, бу аёллар нимани баҳслашишмоқда ўзи?

— Улар аёллар-да, — деди Леон, — аёллар гап сотишни яхши кўришади. Улар қўрқаётганингдан мутлақо беҳабарлар.

— Мен қўрқмаяпман, — деди Соланж, — фақат бунинг тезроқ тугагини хоҳлаяпман.

— Сенинг фойданга ҳал бўлишига имоним комил. Сен ўшани оласан, ўзингнинг Рэкаме мукофотингни оласан...

— Билиб қўй, агар мен уни олмасам...

— Сенга барибир эмасми?!

— Буни қаранг...

У жилмайди. Жимжитлик анча давом этди. Соланж ойнада аъло даражада қилинган пардоз-андозини текшириб кўрди ва радио учун ёзиб, тайёрлаб қўйган баёнотини яна бир карра кўздан кечириб чиқди. Олқишларни, шовқин-суронларни, фототеле аппаратларининг чироқларини қўмсаш унинг юрагини жунбушга келтирди. Унинг томоғи қуриб қолди. Қўллари тутин сингари енгил бўлиб қолди. У, табрик чоғида у ўзимдан кетиб қоламан, деб ўйлади.

— Соат неча бўлди? — минғирлади у.

— Соат икки.

— Бу аёллар аҳмоқ, аҳмоқ! А, худойим-а, асаб томирларим таранглашмоқда! Мен йиқиламан, оҳ, ҳа! мен ўзимдан кетаман!

У киприкларини пирпиратиб, диванга юмшоқ булут сингари йиқилди.

— Иккидан ўн минут ўтди, — деди Виоланс.

Шу вақт телефон жиринглаб қолди.

— Худоба шукур-а! — қичқириб юборди Соланж.

Бир сакраб, у аппарат ёнида пайдо бўлди. Унинг асабий қўллари гўшакни эзғиларди. Оғзи гўшак микрофонига ёпишиб қолди.

— Алло! Алло? Нима? Баландроқ гапиринг...

Бирдан Виоланс хотинининг рангги ўчиб кетганини ва даҳани титраётганини кўрди.

— Ким? Ким ўзи? — нафаси бўғилиб сўради Соланж.

Тушунарсиз товуш гўё дунёнинг нариги четидан келарди.

— Алло! Алло! — бақирди Соланж. — Узиб қўйманг! Ким? Ким? Бру... Бруйди! Аҳ!

У гўшакни жойига илди ва Леон Виоланс олдида сочлари бузилган, терлаган, кўкиш қаҳр билан намоён бўлди ва мотам товуши билан деди:

— Мукофотни Бруйду олди!

— Ана, холос! — деди Виоланс, у ҳам китобини юборган эканми?

— Энди бунга ишониш керак, ваҳоланки, у менга бу ҳақда ҳеч қачон гапирмаган эди. Аҳ! Буни қара-я! Шундай обрўли мукофот нобоп асарга, шу “Ҳеч нима” га насиб этса!

— Кулоқ сол, азизам, — деди Виоланс, мукофотни сен олмаганинга ачинаяпман, албатта. Лекин Бруйдунинг асари нобоп, муваффақиятсиз чиққан асар эмас. Мен унинг биринчи китобини қанчалик ёмон кўрган бўлсам, иккинчи асари назаримда шунчалик мақтовга сазовор. Ҳақиқатгўй бўлайлик...

Ўткир қичқириқ унинг гапини бўлиб қўйди. Соланж боши узра ўзининг нимжон «қирувчи» муштини кўтариб:

— Ўчир, чакагингни ўчир! Сен мени даҳшатга солаяпсан! Бруйдунинг асари ириган адабиётнинг пушти! Ҳамма сенга шундай дейди! Мукофотга эга бўлиш учун ҳийла-найранг ишлатган! Эҳтимол, ҳайъат раисаси билан ётгандир!

— У 75 ёшда!

— Бу амалпараст нима қилса ҳам, мен таажубланмайман.

— Бруйду амалпарастми?

— Ўта кетган! Буни билмаслик учун одам сен каби кўр бўлиши керак! Оҳ, қандай уят! Қандай уят!

Соланж бир вақтлар бу зараркунанда ва айёр Бруйдуни қандай қилиб севиб қолганига ўзи ҳайрон бўлди. Энди унинг зиммасида шуҳратдан қонунсиз жудо этилган ёзувчи аёл тақдири ётади. Соланж азобларининг сабабчиси бўлган одамни тилка-пора қилиб ташлашга, уни уят ва номусга ғарқ этишга тайёр эканлигини ҳис қилди.

Леон ўзини қандай тутишини ҳам билмай, аросатда қолди. У пи-чирлаб деди:

— Жаҳлинг чиқмасин. Сен бошқа мукофотни оласан, азизам.

— Мен айнан шуни хоҳлаган эдим,—деди Соланж. — Бундан бошқа ҳеч қанақа мукофотни орзу қилмагандим. Лекин бу Бруйду! Уни кўргани кўзим йўқ! Уни кўргани кўзим йўқ!..

— Унчалик ёмон бола эмас-ку...

— Эҳтимол, сен уни қўллаб-қувватларсан ҳам ҳали?

— Нимага қўлламас эканман? Сенга ҳеч қачон ёмонлик қилмаган бир бечора шайтонваччани сен бекорга оёғинг билан топтаяпсан. Мен эса, унинг омадидан хурсанд бўлаяпман. Мукофот сенга насиб этмадими, демак, мен хоҳлайманки, мукофот эгаси у бўлсин...

— Мен эса, мукофот эгаси бошқа одам бўлишини, кимлигидан қатъи назар, бошқа одам бўлишини хоҳлардим, фақат уни эмас!

— Нима учун, Соланжим?

— Чунки у... у... Аҳ, Леон, қанчалик аҳмоқсан! Сен бу шаҳватпараст ва ичидан пишган махлуқни қўллаб-қувватлаб, менинг жаҳлимни чиқараяпсан. Буни тугатиш керак! Сен ҳозир ҳаммасини биласан! Ўзинг шуни хоҳладинг!

Соланж эрига нафрат нигоҳини отди ва бўғиқ товушда деди:

— У менинг ўйнашим!

— Нима? — қизариб кетди Леон.

— Бруйду менинг ўйнашим... Унинг китоби фақат баҳона эди... Уни...

Виоланс уни катта панжалари орасига олиб, суягини синдириш даражасида силталай бошлади. Соланж увилларди:

— Ҳаммаси вайрон бўлаяпти!.. Момақалдироқ!.. Чақмоқ!.. Айла-ниш!.. Шаршара!..

Сўнг у ҳушидан кетди.

\* \* \*

Эртасига Леон Виоланс Бруйдуни идорасига чақирди ва пекари<sup>1</sup> терисидан қилинган бир жуфт қўлқоп билан унинг юзига туширди, бу дуэль дегани эди.

Қарталар алмашилди, гувоҳлар шивирлашиб келишиб олишди ва дуэль тўппончаларда амалга ошириладиган бўлди. Бруйду думбасидан ўқ еб ярадор бўлди. Бу жанжал ҳам унга шуҳрат олиб келди. Яқинда у учинчи китобини чоп эттирди. Тез кунларда у Франция академиясига аъзо бўлармиш, деган миш-мишлар ҳам бор.

<sup>1</sup> П е к а р и — Америка ёввойи чўчқаси.

Хосе Ортега-и-Гассет

## Севги сеҳри

### ИШҚИЙ САРАЛАШ

#### I

#### Пинҳоний негизлар йўлида

**Я**қинда ўқиган маърузамда бошқа мавзулар қатори икки мулоҳазага ҳам эътибор қаратдим, уларнинг иккинчиси бевосита биринчисидан келиб чиқади. Биринчиси: индивидуал феъл-атворимиз на тасаввур ва ҳаётий тажриба, на ҳиссий мижозимизга эмас, балки беқарор, ҳавойи ва бошланғич алланарсага боғлиқ. Даставвал, табиатан атворимизга мойилликлар ва ёқтирмаслик тизими сингдирилган. Бунинг негизи барча учун муштарак ва бундан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг мазкур тизими бетақрор – шахсий, исталган паллада роо ва сонга зарбаларга қарши шай ҳолатда бўлади. Мойилликлар ва хуш кўрмасликларни шакллантирувчи юрагимиз – шахсиятимиз негизи. Теварак-атрофдаги нарса-ашёларни билиб улгурмасдан айни қалб ундови – даъвати тўфайли гоҳ ўннга, гоҳ сўлга қайрилиб, гоҳ у, гоҳ бу қадриятларни лозим кўрамыз. Кўнглимизга яқин-манзур қадриятлар мужассам нарса-ашёларга нисбатан сеҳргарлигимиз ҳам шундай, бироқ ҳиссиётларимизга таъсир қилмайдиган нарса-ашёларга бефарқлигимиз айни шу билан изоҳланади.

Ҳозир барча файласуфлар далиллар воситасида маъқуллаётган мазкур ғоя – фикрни, янглишмасам, ҳеч ким илгари сурмаган бошқа мулоҳаза билан тўлдирмоқчиман.

Атворимизга яқин кимса билан ўзаро ҳамжиҳатликда муайян қадриятлар оламига, иштиёқлар силсиласига кириб боришга интиламиз, бинобарин, унинг шахсияти негизию феъл-атворининг моҳияти – ўзагини кашф этишга зўр берамыз. Худди шундай муайян давр мазмун-моҳиятини англашга бел боғлаган тарихчи даставвал айни давр одамлари учун муҳим қадриятлар силсиласини ойдинлаштириши керак. Бошқа томондан муайян даврнинг ҳужжатларга муҳрланган воқеа-ҳодисалари, нутқ-маърузалари юзаки акс-садо, жумбоқ ва топишмоқ бўлиши мумкин, худди шундай яқин кишимизнинг хатти-ҳаракати, аъмолию эътирофларини ифодаловчи ботиний теранликдаги хуфиёна қадриятларни илғай олишимиз зарур. Кўнги тубидаги бу хислатлар башарти пинҳон сақлаб олиб юрганимиз учун, аниқроғи, улар бизни ҳаётнинг жин кўчалари бўйлаб бошлаб юргани боис, ўзимиз учун ҳам, жиддий маънода ҳақиқатдан ҳам армон, сир-синоат. Пойимиз остидаги бир қарич ерни кўриб бўлмаганидек, шахснинг кўнги қабрига назар ташлаш ҳам мушкул. Айни шундай ҳеч ким ўз нигоҳига ҳам қарай олмайди. Айни пайтда ёлғиз актёрнинг ғоят эзгу комедиясини ижро этишга талай куч-ғайрат сарфлаймыз. Кимнидир чалғитиш ниятида эмас, балки айни ўзимиздан иҳоталаниш мақсадида ўзимиз учун жуда жиддий маънода хислатлар ўйлаб топамиз. Ўзимизга нисбатан актёрлик-устомонлик қилиш асносида ижтимоий шарт-шароитлар ёхуд шахсий хоҳиш-иродамиздан келиб чиқувчи бемаъни-бачкана майл-истакларга таянган ҳолда сўзлаймыз ва фаолият юритамиз ва улар оний лаҳзада чинакам ҳаётийлик

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

ўрнини эгаллайди. Китобхон буни бевосита текшириб кўрса, ажабланиб, эҳтимол даҳшатга тушган ҳолда ишонч ҳосил қиладики, “ўзиники” ҳисоблаган тасаввурлар ва ҳис-туйғуларнинг кўпчилиги аслида ҳеч кимга мансуб эмас, зеро, улар бевосита қалбида юзага келмаган, аксинча, сайру саёҳат губори йўловчи эгнига ингани сингари бегоналардан илашган-ўзлаштирилган.

Шундай қилиб, эътирофию аъмоллари яқин кишимиз кўнгил сирларини аён қила олмайди. Биз хатти-ҳаракатларимиз ва сўз-эътирофларимиз билан узлуксиз найранг қиламиз. Қатор жиноятлар сабабли ўзига нисбатан аллақачон ҳукм чиқарган ёвуз кимса дафъатан олижаноблик қилиши ҳеч гап эмас, айни пайтда ҳамон ёвуз кимса бўлиб қолаверади. Нафақат хатти-ҳаракату аъмолларга ва эътирофларга, балки аҳамиятсиздай туюлган имо-ишораларга ҳам эътибор қаратиш керак. Улар ихтиёрийсизлиги боис майл-истакларимизнинг ҳаққоний мазмун-моҳиятини акс эттиради<sup>1</sup>.

Бундан қатъи назар айрим лаҳзалар, ҳолатларда одам буни англамасдан қалбидаги жуда кўп пинҳоний майл-хоҳишлару, аслиятини ошкор этади. Улардан бири — муҳаббатдир. Биз урғу берган инсоний тип ҳар биримизнинг қалбимиз тарҳига мисол бўла олади. **Муҳаббат — шахсиятимиз теранликларидан юксалувчи ва қалбимиз қаъридан дуру жавоҳирларни юзага олиб чиқувчи жўшқин ғайрат-шижоат. Яхшигина натуралист, дейлик, дур-жавоҳирларни синчиклаб ўрганиш асосида улар топилган денгиз тубини тасвирлай олади.**

Тажибадан аён бўлишича, олижаноб ўй-ниятли аёл кўра-била бадахлоқ ва кўпол эркакка мойиллик кўрсатади, дея эътироз билдиришлари мумкин. Уйлашимча, бунга ишонадиганлар ҳам оптик ёлғон қурбонлари ҳисобланади: улар ўзларига бегона мавзу хусусида мулоҳаза юритадилар, айни пайтда муҳаббат — ипақдай нозик ва нафис бўлиб, афзалликларини фақат яқиндан баҳолаш мумкин. Диққат-эътибор аксарият хомхаёл бўлиб чиқади. Ҳақиқий ва сохта муҳаббатнинг белги-нишонлари — олисдан қараганда — бир-бирига ўхшайди. Бундан қатъи назар, ҳақиқатдан ҳам диққат-эътибор жалб қилинган деб ҳисобласак, нима дейиш мумкин? Бинобарин, ёхуд эркак у даражада тубан эмас, ёки аёл биз тахмин қилган даражада олижаноб эмас.

Бу мулоҳазаларни суҳбатлар ёки дорилфунундаги маърузаларимда қайта-қайта айтганман (“фёъл-атвор” табиатиға оид мулоҳазалар билан бирга) ва ҳар гал ишонч ҳосил қилганманки, улар дастлаб норозилик ва зиддият келтириб чиқарган. Бу гоё ўз-ўзича ғазаблантирадиган ва зўрма-зўраки жиҳатларга эга бўлмагани боис — муҳаббат билан боғлиқ савдоларимиз чинакам аслиятимизнинг юзага чиқиши экани нима учун бизни ранжитиши керак? — айни шундай қаршилиқ кўрсатилиши эътирофларим тўғри эканини тасдиқлайди. Одам ўзини зайф, эътиборсиз қолдирган томон орқали дафъатан исканжага олингандай сезади. Ўзгалар учун ошқора, сир сақланмаган хислатларга асосланиб, биз ҳақимизда ҳукм чиқаришлари, шубҳасиз, ранжитади. Бизни олдиндан огоҳлантирмаганлари ғазаблантиради. Биз олдиндан огоҳлантирилган ҳолда гўё фотоаппарат объективи рўпарасида тартибга келтирилган, сараланган хислат-фазилатларимизга асосланиб, ҳукм-хулоса чиқаришларини истардик. Айни пайтда инсон кўнгли, фёъл-атворини ўрганувчи сездирмасдан, кутилмаганда, яқинлашишга интилади.

Хоҳиш-ироданинг ғайришуурийлигини инсон тўла-тўқис идора қила олганида эди, онгости сезгиларини ўрганиш ҳожати қолмасди. Бироқ ғайришуурийликни ирода муайян муддат тугиб тура олади, холос. Шахсиятимиз шаклланишида ўзбошимчилик-ғайриихтиёрийликнинг роли бутун ҳаёт давомида нолга тенг. Бизнинг “Мен” имиз иродамиз амалга оширувчи бошбошдоқликларни аранг маъқуллайди; дарвоқе, бошбошдоқликлар ҳақида эмас, балки фёъл-атворимизнинг ранг-баранглашуви ва такомиллашуви, индивидуаллигимизнинг тамал тоши руҳоният — тафаккур ва ирода — воситасида янгича қиёфа касб этиши хусусида гапириш лозим. Руҳиятимизнинг ҳайратланарли таъсир кучи муносиб эътироф этилиши керак. Лекин айни пайтда хомхаёлларга берилмаслик

<sup>1</sup> Имо-ишоралар, мимика, дастхат, кийинишнинг ўзига хосликлари сабабларига, яъни айни ҳолатлардаги хуфия сир-синоатларни кашф этиш хусусида «Ифодалиликнинг башарий феномени ҳақида»ги рисоламда баҳс юритганман.



ва у бирон-бир ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин, деган фикрга бормаслик зарур. Башарти унинг қўламлари бошқача бўлса, чинакам алмаштириш ҳақида гап бўлиши мумкин. Табиий ўй-ниятларига зид равишда ҳаёт кечирувчи кимса моҳиятан ёлғон-бўхтонга мойил бўлиши мумкин. Мен ўта самимий мунофиқлар ва муғамбирларни учратганман.

Замонавий психология инсон феъл-атвори қонуниятларини чуқур ўргангани сайин ирода ва умуман руҳоният яратувчи эмас, балки таҳрир қилувчи вазифани адо этиши шубҳасиз бўла борган. Онгости сезгисидан, теран ботиниятдан келиб чиқувчи спонтан, яъни у ёки бу ғайриихтирий турткини ирода юзага келтирмайди, аксинча, уни босади. Бундан келиб чиқишича, у салбий таъсирга эга. Башарти баъзан тескари таассурот ҳосил қилса, бунинг сабаби шуки, майл-истаклару иштиёқларимиз жамулжамида, одатда, улардан бири бошқаларини ортага тортиб, монелик кўрсатади. Айни шу монеликлар ирода воситасида бартараф этилади ва майл-иштиёқлар эркин ва тўла-тўқис юзага чиқади. Шундай қилиб, бизларнинг “шуни хоҳлайман” деган даъвомиз, хулоса қилганда, гарчи имкониятлари табиий жўшқинликни тийиб турадиган тўсиқ-ғовларни шунчаки очиб юборишдан иборат бўлса ҳам — фаол куч.

Ренессанс давридан ҳозирги пайтгача, дейлик, Декарт сингари ҳаётимизни онг бошқаради, дея ўйлаш ўтакетган янглиш фикр бўлиб, онг-тафаккур иродамиз тасарруфидаги шахсий “мен”имизнинг қирраларидан бири, холос. Инсон оқил ва эркин мавжудот деган эътироф баҳсли. Биз ҳақиқатдан ҳам ақл-идрок ва эркинликка эгамиз, лекин улар мавжудлигимизнинг фақат ҳарир қобиғи-пардаси, мавжудлигимиз эса ўз ҳолича оқилона ва эркин эмас. Ҳатто гоғларни ҳам онгости сезгисининг мавҳум теранликларидан тайёр ва шаклланган ҳолда оламиз. Безанган-бежалган ва ўз ролини ижро этишга тайёргарлик кўрган ҳолда сирли, антиқа парда ортидан чиқиб келувчи актёрлар каби истак-хоҳишларимиз ҳам ботиниятимиз бўсағасида шундай ҳолатда бўлади. Шу боис инсон онгли, мулоҳазагўйлик билан яшайди, деб эътироф қилиш театр — ёритилган сахнада ижро этиладиган пьеса дея ҳисоблаш сингари хато бўларди. Гап шундаки, биз иродамиз саъй-ҳаракатини жуда кам идора этиб, умуман иррационал яшаймиз ва мавжудлигимиз онглиликда юзага чиқиб, шахсий “мен”имизнинг хуфиёна теранликларидан бошланади. Шу боис психолог ғаввос каби теранликка шўнғиши, яқин кимсанинг сўз-ибораларию, хатти-ҳаракати ва фикр-мулоҳазалари тирбанд бўсагадан қуйироққа, теранликка кириб бора олиши зарур. Айни ўша теранликда диққатга молик маҳзан мавжуд. Тасавуридаги боғ орасидан васваса оғушида эгилиб-букилиб бораётган Гамлетга томошабиннинг кўзи тушса бас. Психолог Гамлет ролини ижро этаётган актёр кимлигини билиш учун уни сахна ичкарасида пардалару сахна безаклари нимқоронғилигида кутади.

У шахс ботинияти теранликларига йўл топиш учун туйнук-тирқишлар қидириши табиий. Бундай туйнуклардан бири — муҳаббат. Назокатлилик даъво қилаётган аёл бизни алдайман, дея беҳуда уринади. У аллакимни севганини биламиз. Мазкур кимса эса нодон, бетакаллуф, боз устига, бўйинбоғию “Роллс-Ройс”ининг ярақлашига маҳлиё.

## II

### Заррабин остида

Кўнгил кечинмаларимиз асил қиёфамизни рўй-рост намоён этишига оид ақидага қарши қатор эътирозлар билдирса бўлади. Гипотеза, яъни тахмин-фаразга узил-кесил чек кўядиган мулоҳазалар билдирилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бироқ мен эшитган фикр-мулоҳазалар ишонарли эмасдай, етарли асосланмагандай ва қиёмига етмагандай туюлади. Муҳаббат мойилликлари, иштиёқи психологияси ўта аҳамиятсиз ҳолатларда намоён бўлиши тамомила эътибордан четда қолади. Урганилаётган психологик муаммо қанчалик интим хусусиятга эга бўлса, унда айрим ҳолатлар шунча муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда муҳаббат эҳтиёжи ўта интим туйғулардан бири. Фақат «метафизик туйғу», яъни оламни радикал яхлит ва теран ҳис қилиш бундан ҳам кучлироқ интим хусусиятга эга.

У жамики саъй-ҳаракатларимиз негизини ташкил қилади. Гарчи ҳамиша якқол кўзга ташланмаса ҳам, бу хислат барчага хос. Бу кечинма-ҳиссиётлар воқеликнинг тўлақонлилигига нисбатан англамаган дастлабки аксил муносабатимизни, олам ва ҳаёт таъсирида ҳосил бўлган жонли таассуротларни ўз ичига олади. Тасаввурлар, фикр-мулоҳазалар ва истак-хоҳишлар аини шу дастлабки аксилмуносабатдан ўсиб чиқиб, аини ундан ранг-андоза олади. Муҳаббат майли мазкур табиий туйғу билан қатор ўхшашликларга эга бўлиб, аини туйғу бизга яқин кимсанинг ҳаёти нимага ва аини қай кимсага бахшида этилганини ҳамиша аниқ баён этади. Аини шу жиҳат диққатга сазовор: таржимаи ҳолини ташкил қилувчи ҳаётӣ далиллар эмас, балки ҳаётини тикадиган карта муҳим. Ироданинг дасти этиб бормайдиган шахсий «мен»имизнинг хуфиёна теранликларида у ёхуд бу ҳаёт тарҳи аввалбошдан чизилганини ҳар биримиз қайсидир маънода идрок этамиз. Бегоналар тажрибасию умумий мулоҳазалар ўртасида бўзчининг мокисидай югуриб-елишдан наф йўқ; қалбимиз қайсарлик ва қатъият билан белгиланган робита бўйлаб ва бутун олам тортишиш қонуниятига итоат қилган ҳолда санъат, сиёсий нафсоният, жисмоний лаззатланиш ёки мол-дунё атрофида чарх уриб айланади. Инсоннинг сохта ҳаёти бошдан-оёқ ҳақиқий тақдирига тубдан зид бўлиб, мунофиқликнинг фош этилиши ҳайратга солиши ҳеч гап эмас: тижоратчи аслида ўтакетган шаҳватпараст, ёзувчи эса сариқ чақага қиммат сиёсий манфаатпараст бўлиб чиқиши мумкин.

Рисоладагидек эркакка учраган аёлларнинг деярли барчаси унга манзур бўлади. Бу муҳаббат борасидаги саралаш кескинлигини, шубҳасиз, тасдиқлайди. «Маҳлиёлик» «севги-ошуфталик» билан чалкаштирилмаса, бас. Нигоҳи хушрўй рафторга тушгани ҳамоно ҳиссиёти жўшқин йигит дастлаб маҳлиё бўлади. Маҳлиёлик ғалаёни натижасида илк безовталиқ — унга ихтиёрсиз талпиниш содир бўлади. Бу шунчалик ғайриихтиёрий ва ғайришуурий муносабатки, ҳатто дин ҳам уни гуноҳ дея эътироф этишга журъат қилмаган. Бир пайтда Черков валломатлари беназир психолог-руҳшунос бўлишган; кейинги икки аср мобайнида бу хислат бой берилди. Хуллас, Черков «дастлабки маҳлиёлик»ни зукколик билан гуноҳдан покиза дея эътироф қилди. Аини пайтда эркакларнинг дуч келган аёлга кўнгли суст кетишини ҳам гуноҳдан холи дея овоза қилинган. Ўзга барча жиҳатлар — яхшию ёмон, иллату фазилат — бундай мойиллик билан бевосита боғлиқ экани черковга аён бўлган. Бироқ «дастлабки мойиллик-маҳлиёлик» ибораси мазкур ҳолатни тўла-тўқис ифодалай олмайди. Йигит кўзига чўғдай кўринган қизга ҳали ёлғиз фикран боғлиқ бўлиб, росмана ишқ дарди қалбига жўшқинлик бахш этиб улгурмагани боис, бу дастлабки мойиллик саналади.

Ҳақиқатдан ҳам эркаклар учун деярли ҳар бир аёлга мазкур юзаки мойиллик ёлғиз инстинкт даъвати бўлиб, ундан кейин ёхуд сукунат қарор топади, ёхуд инкор этилади. Туйғуларимизни хиёл безовта қилган сиймога нисбатан кўнглимизда ҳам мойиллик, иштиёқ пайдо бўлсагина бунга ижобий жавоб бериш мумкин. Мазкур кўнгил иштиёқи пайдо бўлгани ҳамоно қалбимиз меҳвари, сувайдоси бизга мудом бегона сиймога боғланади; ёхуд, бошқача айтганда, биз шахсий «мен»имизнинг юзаки сатҳида аллақандай оҳанрабо кучини пайқаш билан кифояланиб қолмасдан, аини ўша оҳанрабо томон бутун қалб қувватимизни сарфлаган ҳолда талпина бошлаймиз. Шундай қилиб, биз нафақат оҳанрабо тортиш кучини сезамиз, балки унга нисбатан қизиқиш, иштиёқ билдирамиз. Ҳар икки ҳолат ўртасидаги фарқ шундан иборатки, дастлабки ҳолатда майл-мойиллик билан кифояланамиз, иккинчисида эса ўз ихтиёримиз билан талпинамиз.

Аини шу қизиқиш-иштиёқ сон-саноксиз мойиллик-қизиқишлар орасида юзага келадиган муҳаббат бўлиб, мойиллик-қизиқишларнинг аксариятини инкор этиб, фақат биттасини танлайди. Инстинктлар орасида сараланиш рўй беради, натижада уларнинг аҳамияти таъкидланади ёхуд инкор этилади<sup>1</sup>. Муҳаббатга оид тасаввур-тушунчаларимизга муайян ойдинлик киритиш учун унда жинсий инстинкт тутган ролни ойдинлаштириш зарур. Эркакнинг аёлга

<sup>1</sup> Жинсий инстинкт саралаш қонидасига биноан юзага чиқиши Дарвиннинг буюк кашфиётларидан бўлган. Шундан келиб чиқиб, муҳаббатни яна ҳам қатъий ўзгача саралаш деб ҳисоблаш мумкин.

муҳаббати ёхуд, аксинча, аёлнинг эркакка муҳаббати шаҳвониятдан тамомила холи деб ҳисоблаш бамисоли муҳаббат — шаҳвоний майл-мойиллик эътирофи сингари учига чиққан бемаънилик. Уларни фарқловчи сон-саноксиз жиҳатлардан жуда жиддий қуйидаги далилни, хусусан инстинктни қондирувчи объектлар истаганча топилишию, айти пайтда муҳаббат чекланишу маҳдудликка интилиш эканини қайд этиш билан кифояланамиз. Бундай зиддиятли интилишлар маҳбубаси ишқи ўтида ёнаётган эркакнинг қолган аёлларнинг ҳусни жамолига бефарқлигида яққол намоён бўлади.

Шундай қилиб, муҳаббат моҳиятан — саралаш, танлаш. Башарти шахс ботинияти, қалби теранликлари, меҳвари-сувайдосида муҳаббат чечаги юз очар экан, айти пайтда бу борада саралаш-танлаш қоидаси ҳам бизнинг индивидуаллигимиз, яъни аслиятимиз негизини ташкил қилувчи жуда яширин ва эзгу ҳиссиётларимизнинг мазмун-моҳиятидир.

Муҳаббат билан боғлиқ майда-чуйдалар ҳам жуда катта аҳамиятга молик эканини юқорида қайд этдим. Инстинкт майл-мойилликлари, аксинча, кўламдор: уни умумий хусусиятлар домига тортади. У ҳолатда ҳам, бу ҳолатда ҳам оралиқ масофа анча катта, дейиш мумкин. Майл-иштиёқ пайдо қиладиган гўзаллик камдан-кам ҳолатларда муҳаббат сабабчиси бўладиган гўзалликка ўхшайди. Агар ошиқ ва ишқ дардидан беҳабар кимса гўзалликка оид, айти бир аёлнинг ҳусни жамоли хусусидаги фикрларини қиёсласалар, мулоҳазалардаги тафовут уларни ҳайратга солган бўларди. Муҳаббат нима эканидан беҳабар кимса гўзалликни таърифлашда чеҳрасио қадди қоматининг уйғунлигига эътибор бериб, гўзалликка оид ўта умумий фикрларни баён этади. Ошиқ учун эса бу умумий хислат-хусусиятлар, маҳбубасининг бир қарашдаёқ кўзга ташланадиган қиёфаси-рафтори — ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Башарти муғамбирлик қилмаса, кўз қорачиғининг ранг-туси, лабларининг бичими, овозининг жарангдорлиги сингари ўзаро ҳеч бир боғлиқ бўлмаган, юзаки қараганда бачкана, пароканда хислат-хусусиятларни гўзаллик деб атайди.

Кўнги кечинмалари ва маҳбубага маҳлиёлигини идрок қилиш асносида маҳбуб муҳаббатини айти шу фазилатлар яна ҳам кучайтираётганини эътироф этади. Илло, маҳбуба сиймосига тикилгани сайин маҳбуб кўнглидаги муҳаббат жўш уриб, туғёнга келишига шубҳа йўқ. Узлуксиз эътироф асносида муҳаббат қувватланади. (Муҳаббат якранг, маҳбубни ҳоли жонга қўймайди, соядай эргашаверади; ҳатто ўта оқилона воқеа-ҳодисалару панд-насихатлар такрори барчани бездиради, айти пайтда ҳар биримиз тинимсиз, узлуксиз муҳаббат даъвосини қилишдан асло чарчамаймиз. Ва аксинча, соядай эргашувчи ошиқ бефарқ маҳбубани энсасини қотириб қолмасдан, ғазаблантиради.)

Ўта аҳамиятсиз юз имо-ишоралари ҳам муҳаббат масаласида асосий ўринга эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз, чунки улар меҳримиз тушган сиймонинг моҳиятини ифодаловчи воситалар ҳисобланади.

Анчайин масофада ҳам кўзга чалинадиган бошқа бир гўзаллик типи — мустақил эстетик қимматга эга афсунгарона рафтор индивидуаллиқнинг айти шундай ифодаловчи хусусиятига эга. Айти пайтда мазкур афсунгарона гўзаллик жозибадор, дея ҳисоблаш янглиш фикр бўларди. Шундай бенуқсон гўзаллик соҳибаларига эркаклар камдан-кам меҳр қўйишларига неча бора ишонч ҳосил қилганман. Исталган жамятда шундай расмий фаришталар борки, уларни театрларда ёхуд сайлларда бамисоли тарихий обидалар сингари нуқиб кўрсатадилар; айти шундай олиймақом маликалар камдан-кам ҳолатларда эркакларда жўшқин эҳтиросни алангалата оладилар. Бу шу қадар бокира гўзаллики, аёлни санъат асари мақомига юксалтиради ва шу асно бизлардан йироқлаштиради. Бундай гўзалликдан ҳайратланадилар, яъни муайян масофада бўлишни тақозо қилувчи кечинмани ҳис этадилар, бироқ уни севмайдилар. Маълумки, муҳаббатни яқинлашув эҳтиёжисиз тасаввур қилиб бўлмайди, айти ҳолатда, бундай эҳтиёж, албатта, бўлмайди.

Олиймақом, бокира гўзаллик эмас, назаримда, муайян инсоний типга хос ҳайратланарли беғидирлик муҳаббатга замин бўлади. Ва аксинча: агар субъект-маҳбуб чинакам муҳаббат ўрнига сохта иштиёқмандлик-ҳавасмандлик риштаси билан боғланган бўлса, айрим нишонларга кўра тусмоллаб ҳис қилинадиган қовушмаганлик кўнглидаги туйғу асл муҳаббат эмаслигини аён қилади. Айти

пайта бокира гўзаллик нуқтаи назаридан рафтор-қиёфанинг қовушмаганлигию айрим нуқсонлар, башарти, меъёр доирасидан чиқмаса, муҳаббатга тўсиқ бўлмайди.

Муҳаббат психологиясининг нуқтадонлиги ва сезгир-хушёрлиги гўзаллик тимсоли ила ҳайбатли мрамор қоясидай эзиб қўйилган. Агар муайян йигит келишган, соҳибжамол қизга уйланаётганини айтсақ, ортиқ изоҳга ҳожат йўқдек туюлади, аслида эса ҳаммаси мавҳумлигича қолаверади. Шунга оид янглишиш илдизи Афлотун меросига бориб тақалади. (Оврупо тамаддунининг неча-неча қатлами антик фалсафанинг сеҳрли таъсири остида эканини тасаввур қилиш қийин. Афлотун, Арасту ва стоикларнинг фикр-мулоҳазаларини фақат ўта саводи ғовлаган кимсагина рўқач қилиб келтиради.)

Муҳаббат ва гўзалликни Афлотун уйғунлаштирган.

Ҳолбуки, гўзаллик унинг учун, ёлғиз жисмоний баркамолликнинг эмас, балки қадимий юнонистонлик учун қимматли хислатлар жамулжами шаклидаги баркамолликнинг ифодаси бўлган. Гўзаллик деганда устунлик тушунилган. Мазкур ўзига хос нуқтаи назар келгуси муҳаббат назариялари учун бошланғич нуқта, асил манба вазифасини ўтаган.

Муҳаббат, қиёфанинг бетакрорлигию яноқларнинг ол ранги билан, албатта, ҳайратланишдан иборат эмас; унинг моҳияти — бетакрор қиёфа-рафтори, овози ёхуд имо-ишоралари билан рамзий маънода аслиятини намоеън этган инсоний шахсият типи фикри-зикри билан йўғрилиш, уйғунлашишдан иборат.

Муҳаббат, Афлотун эътироф этганидек, *tiktein en to kalo*, яъни гўзалликда ўзликнинг намоеън бўлиши, акс этиши. Яратиш, келажакни вужудга келтириш. Гўзаллик — олиймақом ҳаёт. Муҳаббат наздимизда беназир туюлган ва муайян сиймода ифодаланган, акс этган муайян инсоний тип билан ботиний уйғунликни англади.

### III

#### Муҳаббат савдоларининг галма-галлиги

Эркаклар ҳаёти мобайнида, одатда, бир неча марта ишқ дардига мубтало бўлади. Шу боис маҳбуб у ёки бу даражада ҳал қилиши зарур амалий муммолар билан боғлиқ бир неча назарий масалалар пайдо бўлади. Мана уларнинг айримлари. Маҳбубаларни алмаштириш эркак феъл-атвори билан қанчалик уйғун ва бу олис, ёввойилик давридан мерос нуқсон, иллат эмасми? Мангу муҳаббатни ягона беғубор ва эргашса арзийдиган деб ҳисоблаш жоизмикан? Бу борада рисоладагидек эркак намунаи аёлдан фарқ қиладими?

Бундай қалгис саволларга жавоб беришга ошиқмайлик. Уларга алоҳида эътибор бермаганимиздан қатъи назар, камдан-кам эркаклар ягона маҳбуба билан кифояланмаслиги шубҳасиз эканини қайд этамиз. Токи мазкур туйғуни яхлит кўриб чиқишга келишган эканмиз, бирваракай рўй берадиган иштиёқмандлик, ҳавасмандлик ҳолатларини четга суриб, ёлғиз уларнинг алмашувига диққатни жалб этамиз.

Бундай далиллар инсоннинг асл моҳиятига оид биз илгари сурган талқинга зид эмасми? Китобхонга содда ҳақиқатни эслатишимиз жоиз: ишқий иштиёқмандликнинг икки типи бўлиши истисно эмас. Бир томондан, шундай бўладикки, эркак киши ҳаёти мобайнида бир неча аёлга меҳр қўяди, лекин уларнинг барчаси ягона аёл типига мансуб бўлади. Бунда ҳатто жисмоний қиёфа — рафторнинг ҳам аллақандай яқинлиги, ўхшашлиги кузатилади. Эркак киши бир неча аёл тимсолида, моҳиятан, муайян фазилатларга эга якка-ёлғиз аёлни севадиган бундай хуфиёна садоқат ҳолатлари жуда кенг тарқалган бўлиб, менинг талқинимни рўй-рост исботлайди.

Лекин аёл кўнглига яқин оладиган турли эркаклар ёки аёл бирин-кетин афзал биладиган эркаклар типини қатор ҳолатларда бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бинобарин, инсоннинг асл моҳияти муттасил ўзгарган дея тахмин қилишимиз ҳам мумкин. Асл моҳиятимизда шундай ўзгаришлар рўй берадими?

<sup>1</sup> Стоиклар — стоицизм — юнон фалсафасидаги оқимлардан бири.

Бу муаммо феъл-атвор назарияси учун, эҳтимол, улкан аҳамиятга эга. XIX асрнинг иккинчи ярмида инсон феъл-атворини ташқи муҳит шакллантиради, деб ҳисобланарди. Ҳаётий тажриба, шаклланадиган одатлар, атроф-муҳит таъсири, тақдир найранглари, саломатлик ҳолати — барча-барчаси феъл-атвор мазҳарида асорат қолдиради. Бинобарин, бу борада инсоннинг асл моҳияти ҳақида ҳам, ҳаётимиз воқеа-ҳодисалари арафасидаги ва унга боғлиқ бўлмаган муайян кўнгли ҳолатимиз ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас. Биз қадамларимиз остидан кўтарилган ғубор инган қор парчасига ўхшаймиз. Инсон шахсининг туб негизини тан олмайдиган мазкур мулоҳазалар тизимига кўра, туб ўзгаришлар муаммоси ҳам йўқ бўлмайди. Бу ўринда феъл-атвор сифатида талқин қилинаётган жиҳат узлуксиз ўзгаради: токи феъл-атворда бирон-бир хусусият шаклланар экан, айти шу асно дафъатан ғойиб бўлиши ҳам мумкин.

Бироқ жуда жиддий далиллар — уларни ҳозир баён этмайман — мени аксинча хулоса чиқаришга ундаётир, шунга биноан аксил ҳаракат — ботиниятдан ташқарига, ташқи оламга йўналганлик ҳаёт ҳақиқатига мос. Ташқи ҳолатлар билан муносабатга киришмасдан бирмунча аввал шахсиятимиз асосан шаклланиб улгуради ва гарчи борлиқ-муҳит унга муайян таъсир кўрсатса ҳам, ботиниятимиз кучлироқ аксил таъсир кўрсатади. Башарти, моҳиятимизни ташкил қилувчи “бошлангич” шахсиятимизга бегона бўлса, рўй бераётган воқеаларга эътибор бермаймиз. Бу борада ҳам туб-кескин ўзгаришларга оид масала бемаънилиқдан иборат, дея эътироз билдиришлари мумкин. Қандай туғилган бўлсак, дунёни шундай тарк этамиз.

Йўқ ва яна бир карра йўқ. Мазкур етарли даражада эгилувчан концепция воқеа-ҳодисаларнинг жамики оҳанжамасини инобатга олишни тақозо этади. Бу деярли билинмас ўзгаришлар ўртасидаги фарқни илғаш имконини беради, ва у ташқи хусусиятга эга воқеа-ҳодисалар индивидуалигимизга муҳрини босишию ташқи сабаблар таъсирига берилмайдиган, аксинча асл феъл-атворимизга таянувчи ботиний силжиш-илдамлашлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Башарти, ўзгариш деганда баркамоллик назарда тутилса, инсон феъл-атвори ўзгаради, деган фикрдаман. Ва бу камолот исталган танада бўлганидек, инсон табиатига хос унинг феъл-атвори сингари жуда бошлангич ботиний сабабиятлар билан белгиланади ва уларнинг тақозоси сифатида юзага чиқади. Китобхон таниш-билишлари феъл-атворидаги ўзгаришлар ғалати, қисман бемаъни, салкам ҳаёсиз тус олганини эътироф этади, бироқ қатор ҳолатларда бундай ўзгаришлар теран мазмун-моҳият ва қадр-қимматга эга тадрижий-тараққиётни сақлаб қолгани, бу эса уруғдан дастлаб ниҳол ўсиб чиқишию шох-шаббалари вақт ўтиши асносида япроқлар, гулларга бурканиши, улар эса мева беришини эслашга мажбур этади.

Мазкур эҳтимолый эътирозга жавоб бераман. Муайян тип одамлар, яъни феъл-атвори шаклланиб, қотиб бўлган кимсалар (асосан, мешчан, тор манфаатпараст каби ҳаётий куч-қувватга эга одамлар) камол топмайди. Улар мавжуд муҳаббат танловига ҳамиша оғишмай амал қилади. Бироқ безовта ва ҳотамона, чексиз қобилият ва Худо ёрлақанган феъл-атвор соҳиблари ҳам бор. Менимча, айти шу шахс типи меъёрий, рисоладагидек ҳисобланади. Бундай тип вакили ҳаёти мобайнида икки-уч ўзгаришга учрайди, булар ягона қалб доирасининг турли босқичларини ташкил этади. Одатий фикрлаш ва ҳис этиш тарзимиз билан боғлиқликда ва ҳатто яхлитликни бой бермаган ҳолда, феъл-атворимиз янги босқичга, навбатдаги камолот палласига қадам қўйганини дафъатан ҳис этамиз. Буни туб бурилиш деб биламан. Бундан кам ҳам, ортиқ ҳам эмас. Бу ҳолат аниқ ва ўта кескин тарзда “эврилиш” дея аталади: инсон дафъатан, ҳалокатли ўзгаришни бошдан кечиради. (Бу мураккаб муаммони батафсил баён этмаслигимга ижозат бергайсиз).

Бу икки ёҳуд уч босқичнинг ҳар бирида бизнинг чинакам аслият-моҳиятимиз ўз ўқи атрофида бир неча даражага гўё бурилади, Коинотнинг тамомила бошқа нуқтасига кўчиб ўтади ва шундан эътиборан тамомила ўзга юлдузлар туркумини мўлжаллаб илгариларай бошлайди.

Исталган рисоладагидек эркак теран муҳаббат туйғусига ҳаёти мобайнида икки уч марта мубтало бўлиши кутилмаган ҳолатми? Бу туйғунинг юзага келиши ҳар гал феъл-атвор камолотга юз тутишининг юқорида эслатилган босқичлари

билан бир даврга тўғри келиши-чи? Кўплаб муҳаббат майллари силсиласида ҳозиргина баён этилган фикрнинг шубҳасиз эътирофи кўзга ташланади. Ҳаётни янгича идрок қилиш янги типдаги аёлга майл-иштиёқни юзага келтиради. Бизга хос қадриятлар тизими у ёки бу даражада ўзгариши баробарида бошланғич эътимоғига содиқликни сақлаб қолган, — ва илгари биз эътибор бермаган, ҳатто пайқаманган фазилатлар дастлабки ўринга чиқади, эркак ҳамда унинг ҳаёт йўлида дуч келадиган аёллар ўртасида янгича кўнгил кечинмалари шаклланади.

Бу мулоҳазаларни фақат роман воситасида, ёрдамида эътироф этиш мумкин. Мен шундай асардан парча ўқиганман, — бироқ унинг нашр қилиниши даргумон, — унда эркак феъл-атворининг ишқий саргузаштлари кўзгуси орқали тасвирланган тадрижий камолотга юз тутиши муаммо сифатида талқин этилган. Муаллиф — бу ҳам эътиборга молик — ҳар қанча ўзгаришларга юз тулганидан қатъи назар, эркак феъл-атворининг асл қиёфаси аввалгидек қолганини, шунингдек, рўй берган ўзгаришларнинг муқаррарлиги ва мантиқийлигини айнаи бир хил қатъият билан исботлайди. Аёл тимсоли эса ҳар бир босқичда мазкур тадрижий камол топувчи ҳаётий куч-қувватнинг нур-зиёсини бамисоли прожекторлар ва кўзгулар таъсири остида атмосферанинг қалин қатламларида юзага келадиган фантомлар каби жамлайди ва бойитади.

### ЛУҚМА

Мазкур этюдлар «Эль соль» газетасида заруриятга кўра, бўғим-бўғим чувалчанлар сингари бўлиб-бўлиб чоп этиляпти. Натижада шахсан нотаниш испаниялик эркаклар ва аёллар билан танишяпман. Фикрларим рад этиши, баҳс қилиши ёки маъқуллашидан қатъи назар, бу мактублар оқими умид бахш этади. Шу даражада бандманки, адиб учун фойдали ва самарали мазкур мактубларнинг барчасига алоҳида-алоҳида жавоб ёзиш имконим йўқ. Келгусида мазкур сон-саноқсиз мактубларга ўқтин-ўқтин вақт ажратиб, таҳлил қилмоқчиман.

Дастлаб Қургубадан келган имзосиз хатни кўздан кечирайлик. Имзосиз мактуб йўллаганини ҳисобга олмаганда унинг муаллифи олиймақом мулоҳаза юритадигандек туюлди.

«Сизнинг «Эль Соль» газетасида давомли чоп этилаётган «Муҳаббатда танлаш» туркум мақолангизни ўқиб боряпман, умуман сизнинг назокатли ва бетакрор фикр-мулоҳазаларингиздан баҳраманд бўлиш учун қўлимга тушган ҳар бир асарингизни мутолаа қиламан. Ижодингизга хайрихоҳлигим мақолангиздаги, менимча, янгилиқ фикрни қайд этиш учун ҳуқуқ беради, деб ўйлайман.

Педро ўз бошпанасига қадам ранжида қилганидек, юздаги имо-ишоралар қўшнимининг ғафлатзада (айни пайтда бедор) ботиний оламига кириб бориш имконини беришига оид фикрга қўшиламан. Бу борада сиз билан шу даражада ҳамфикрмизки, ҳатто айнаи шу мавзуга қўл уриб, мен ҳам ўзига хос мақола чоп этдим.

Бироқ «маҳбубани танлашда эркак, севикли ёр танлашда эса аёл ўз шахсиятининг асл моҳиятини кашф этишига ва биз афзал билган инсон типи ҳар биримизнинг шахсий қалбимиз тарҳини белгилаб беришига» оид мулоҳазага, менимча, қўшилиб бўлмайди.

Боз устига мухлисларингиз орасида беихтиёр норозилик пайдо қилган мазкур ақида нафақат кузатувчининг синчков нигоҳи эгнингдаги кийим-бошни тамомила ечиб олганини ҳис этиш ҳақиқатдан ҳам ноқулай аҳволга солиши билангина эмас, билъакс нима учун эканини англамасдан бизлар қабул қила олмайдиган гоёнинг ғайришуурий қаршилик кўрсатишимиз натижасида келиб чиққан.

Муҳаббат (лирик жимжималарга эга ёхуд улардан холи эҳтиросли жўшқинлик) — ёлғиз феъл-аъмол тусини касб этишга эга, маълум маънода жамики ҳиссиётлар орасида асло «ўзгармайдиган» туйғу, чунки субъект билан чекланган-чегараланган, чунки айнаи субъект сиймодан баҳра олади ва унинг учун субъект ҳада қилганидан бўлак ҳаёт йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Маҳбуб жинсий майлни ҳис этган ҳолда, шубҳасиз, қарама-қарши жинс

вакилини танлайди ва ҳар бир маҳбуб танлаган маҳбубаси билан жисмоний қовушмоқни истади; бу борада юксак фазилатлар соҳибаси ҳисобланувчи аёл ўртамиёна эркакни хайрихоҳ туйғулар билан сийлайди ва аксинча.

Ошиқ-маҳбубни муҳаббат буюми воситасида эмас, балки муҳаббатига биноан билса бўлади. Афсунгар фонар ёки кинопроектор линиялар ва рангларни экранга йўлагандай, Дон Кихот Алансо Лоренсо, Нельсон эса Гамильтон хоним сиймоси қаршисида таъзим бажо келтириш учун зарур фазилатларни бахш этгандай, ҳар бир маҳбуб маҳбуба сиймосига қалб эҳтиёжига мос гўзаллик ва назокат бахш этган ҳолда бутун кўнгил салоҳияти билан севади.

Шу ўринда нуқта қўяман, чунки фикрларимни умуман баён этиб бўлдим, шу боис қимматли вақтингизни ортиқ олмоқчи эмасман».

Бу таклифлар учун самимий миннатдорчилик билдираман, гарчи яна ҳам батафсил бўлганда нур устига нур бўларди. Муҳаббатни шахвоний ҳиссиётдан иборат дея талқин қилишнинг ўзиёқ муаммони чалкаштиради. “Эль Соль” газетасида эълон қилинган “Стендалга хос муҳаббат талқини” сарлавҳали туркум мақолаларда бир нарсани бошқаси билан чалкаштириш хато эканини, янглишмасам, исботладим. Бу борада эркак сон-саноксиз аёлларга нисбатан у ёки бу даражада кучли жинсий майлни ҳис этиши, айна пайтда муҳаббати ҳар қанча беадад гўнча ёзганидан қатъи назар, санокли аёлларга бахшида этишини, ва, бинобарин, ҳар икки ишқий ҳолатни уйғунлаштириш нотўғри эканини эслашнинг ўзи кифоя. Бундан ташқари, менга мактуб йўлаган муҳлис «ҳар бир инсон бутун қалби билан севади» дея даъво қилади. Бу ҳолда муҳаббат «шахвоний эҳтиёж»дан бўлак ҳеч вақо бўлмайди. Ва башарти қалб жинсий инстинктга хос жамики зарурий жўшқинликлар бахш этса, у ҳолда, демак, бизлар оддий жинсий эҳтиёждан тубдан фарқланувчи психологик ҳолатга, яъни муҳаббат аталувчи туйғу-кечинмага дуч келамиз.

Бундай жиддий хусусиятни «лирик жимжимадорлик» деб аташ мақсадга мувофиқ экани даргумон. Биз «муҳаббат» ва «кўнгил тусаши» калималарига бахш этадиган турли мазмун-моҳиятни англаш учун Қуртуба узра парвоз қилаётган булутлар остида, соҳилда, чечаклар оғушида бир лаҳза хотиржам мулоҳаза юритиш кифоя. Оқилона фикрловчи қурдўбалик муҳаббат ва кўнгил майли ёки кўнгил султ кетиши калималари ўртасида ҳеч қандай муштараклик йўқ эканини дарҳол пайқайди, уларнинг бири гарчи иккинчисининг ҳосиласи эканидан қатъи назар: ниманики ёки кимники кўнгил тусаса, баъзида кейинчалик унга кўнгил қўядилар, севадилар; нимагаки кўнгил қўйсақ, севсақ, севганимиз туфайли уни кўнглимиз тусаши шубҳасиз.

Шундай даврлар ҳам бўлган — жумладан, «аламзада» Реми де Гурмон замонаси каби, — у кезларда муҳаббат ҳақида очиқ-ошқора овоза қилиш бемаъниликка йўйилган, чунки муҳаббат ёлғиз ҳиссиётнинг намоёниши сифатида талқин этилган. Шу асно инсон ҳаётида жинсий инстинкт ўрни очиқ-ошқора кучайтирилган. Айна шу ҳақоратомуз ва бемаъни психологик доктрина пайдо бўлган илк паллада — XVIII аср охирида — Бомарше «ташна бўлмасдан сув ичиш ва узлуксиз севги-муҳаббат — фақат шу хислат инсонни жонивордан фарқлайди» деганди. Шундай экан, у ҳолда йилда бир «севадиган» жонивор йилнинг ҳар тўрт фаслида севадиган мавжудотга айланиши учун унга яна нима этишмас экан? Жинсий инстинктнинг оддий намоён бўлишига алоқасиз барча нарсаларга ишончсизлик билан қаралса, муҳаббат масаласида шу қадар лоқайд жониворлар бу борада тийиқсиз жўшқинлик намоёниш қилувчи инсонга айланганини қандай изоҳлаш зарур. Шундай қилиб, жинсий инстинкт инсонда соф ҳолда учрамайди ва бу хислат камида тасаввурда шубҳасиз мавжуд эканини илғаш қийинчилик туғдирмайди.

Агар инсон жонли ва кенг қўламли тасаввур-хаёлотдан маҳрум бўлганда, унинг кўнглида шахвоний «муҳаббат» ҳар қадамда туғилган бўларди. Инстинкт сифатида талқин қилинувчи аксарият хислатларнинг унга даҳли йўқ. Аксинча, жониворлар ҳам бу хислатларга эга бўларди. Биз шахвоний ҳиссиёт атайдиган хислатнинг ўндан тўққиз улуши аслида ҳайратомуз тасаввур — таҳайюлотга бориб тақалади, бу хислат эса мутлақо инстинкт эмас, балки тамомила қарама-қарши — фазилат. Шу муносабат билан қуйидаги тахмин ўринли, яъни эркак ва аёл шахвонияти ўртасидаги барчага аён фарқ, одатда, «муҳаббат» масаласида

аёлнинг вазмин-босиқлигини эътироф этмаслигини тақозо қилиб, аёл тасаввурининг кучи эркак билан қиёслаганда кам мувофиқликка эга бўлади. Донишманд ва некбин табиат бу борада пухта иш тутган, яъни эркаклар сингари тасаввур-тахайюлга аёллар ҳам эга бўлганда, шаҳватпарастлик бутун дунёни қоплаб олган, оқибатда лаззатпарастликка боши билан шўнғиган инсоният аллақачон заволга юз тутган бўларди<sup>1</sup>.

Муҳаббат, моҳиятан, бор-йўғи жинсий инстинкт<sup>2</sup> экани омма онгига токи ўрнашиб қолган экан, бу янглиш фикрни рад этишга яна бир карра уриниш имкониятига эга бўлиш учун Курдўба олинган мактубга мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ деб биламан.

Имзосиз мактуб муаллифи фикрни яқунлар экан, «ошиқ-махбубни муҳаббат буюми воситасида эмас, балки муҳаббатига биноан билса бўлади» дея эътироф этади. Бунга қарши қисқача шундай дейиш мумкин: 1. Агар сеvgи туйғуси инсталланган бошқа туйғу-ҳиссиёт сингари пинҳона бўлса, ошиқ-махбубнинг муҳаббати ҳақида бирон-бир тасаввурга эга бўлиш мумкинми? Объект танлаш – айна шу сезиларли нигоҳ йўналиши уни фош этади. 2. Ошиқ-махбуб муҳаббатга бутун қалбини бахшида этса, мулоҳазакор китобхон гипертроф сексуаллик концепцияси билан биргаликда муҳаббат психологиясига қақшатқич зарба берган бошқа янглиш фикр-ғоя, хусусан – Стендалга хос муҳаббатнинг «кристалланиши»га мурожаат қилмайдими? Унинг асосий пафоси-руҳи шундаки, маҳбубанинг жамики фазилатлари тасаввур-тахайюлимиз уйдирмаси. Севиш-муҳаббат қўйиш – янглишиш, адашиш. Юқорида эслатилган туркум мақолаларда номunosиб кўқларга кўтарилаётган мазкур талқинни рад этишга алоҳида аҳамият беряпман. Уни инкор қилувчи фикрларимни иккига ажратиш мумкин. Биринчидан, одатий инсоний фаолият ошкора янглишишга асосланиши эҳтимолдан йироқ. Кўз ва кулоқ янглишгани каби муҳаббат баъзида адашади, хатога йўл қўяди. Бироқ бу ҳолатларнинг ҳар бирида янглишиш, хато қилиш эмас, балки нишонни бехато топа билиш меъёрий саналади. Иккинчидан, муҳаббат ҳаёлий ёки ҳаётий эканидан қатъи назар, ишончли-пухта ва баркамол сиймога талпинади. Унинг объекти ҳамиша бор, шай. Тасаввурдаги мазкур объект билан ҳаётий инсон-манзур-махбуба барча жиҳатдан уйғун бўлмаса ҳам уларнинг ўзаро яқинлашуви учун аллақандай асос ҳамиша бўлади, айна шу муштарак замин ўзга эмас, балки айна мазкур аёлни тасаввур қилишга мажбур этади.

#### IV

### Бизнинг “хатоларимиз”

Муҳаббатда табиий танлашга амал қилинади, чунки бу ҳар қандай онгли ва олдиндан мўлжалланган ўй-ниятга нисбатан амалий тусга эга. Бу эркин танлаш бўлмасдан, субъект феъл-атворининг муҳим ўзига хосликларига боғлиқ танлашдир. Бундай эътирофни, инсон ҳаётида тасодифнинг ва сўқир тасодифларнинг аҳамиятига ошиғич урғу беришга асосланувчи умрини яшаб бўлган инсоний концепция тарафдорлари, менимча, қабул қила олмайдилар.

Етмиш йил муқаддам ёхуд тахминан ўша даврдаги олимлар мазкур концепцияни қатъият билан эътироф этиб, ҳисоботсиз психология яратишга зўр бердилар. Одатга биноан, навбатдаги авлод тафаккурида уларнинг фикр-мулоҳазалари, қарашлари омма онгида қарор топди ва айна пайтда мазкур мавзунни янгича талқин этишга ҳар қандай уриниш омма онгида шаклланган эскича қарашлар қаршилигига дуч келаётир. Таклиф қилинадиган талқин ҳатто тўғри-нотўғри эканидан қатъи назар, тамомила қарама-қарши умумий фикр-мулоҳазалар йўсини билан тўқнашуви шубҳасиз. Мавжуд турмуш тарзимизни ташкил қилувчи воқеа-ҳодисаларнинг жамулжами бирон-бир мазмун-моҳиятдан

<sup>1</sup> Шаҳватпарастлик-лаззатпарастлик, адабиёт сингари инсониятнинг чинакам кашфиёти. Ҳар икки ҳолатда ҳам энг муҳими – таҳайюл-тасаввур. Психиатрлар шаҳватпарастликни нима учун ўз илдиз-негизлари, ўз қонунияти, ўз тадрижий тараққиёти ва ўз чегара-сарҳадларига эга адабий жанр – тур нуқтаи назаридан ўрганмайдилар?

<sup>2</sup> Инстинктлардан ташқари танада кўнгил-қалб инстинкти ҳам мавжудлигидан келиб чиқилганида, ишончим комилки, баҳс тамомила ўзгача тус олган бўларди.



маҳрум аллақандай тасодиф ва ўзгарувчан тақдирнинг қоришмасидан иборат деб ўйлашга барча кўникиб қолган.

Юқорида эслатилган ҳолатларнинг инсон ҳаётидаги мавқе-аҳамиятини чеклашга ва феъл-аъворнинг ўзига хослигига асосланувчи ички қонуниятларни юзага чиқариш йўлидаги ҳар қандай уриниш аввалбошдан рад этилади. Сохта-ёлгон-асоссиз тасаввурлар мажмуи — айни ҳолатда яқин кишимиз ёки шахсий «муҳаббат можаролари» — ақл-идрок, тафаккур йўлини дарҳол беркитади, фикр-мулоҳазаларни эшитишни ҳам, қолаверса, тушунишни ҳам истамайди. Бунга китобхон-муштариёларнинг муаллиф фикр-мулоҳазаларига беихтиёр ишончсизлик билан қарашларини ҳам қўшимча қилиш зарур. Мен олаётган мактубларнинг аксарияти шундай. Улар орасида шундай фикр, айниқса, кўп учрайди: башарти шахсиятимиз акс этувчи, яъни, шахсиятимиз ўзаро уйғун аёлни севганимизда, муҳаббат бошимизга бу қадар кўп савдолар солмаган бўларди. Бу шундай хулосага олиб келадикки, муҳтарам мухлисларим ошиқ-маҳбуб ва у танлаган объект уйғунлигига оид эътирофимни гўё шундан мантиқий келиб чиқиши керак бахт-саодат билан беихтиёр боғлайдилар.

Ҳолбуки, бу борада биринчи ҳолатнинг иккинчи ҳолатга ҳеч қандай алоқаси йўқ. «Асилзодалар» насли сингари — насли бузилишидан қатъи назар — ўзига ҳаддан ташқари бино қўйган одам айни шундай манмансираган аёлга меҳр қўйди, деб тахмин қилайлик. Бундай танлаш оқибатида улар, шубҳасиз, бахтсизликка учрайди. Муҳаббатдаги танлашни унинг оқибати билан чалкаштирмастик керак. Айни пайтда яна бир катта ғуруҳ эътирозларга жавоб бераман. Ошиқ-маҳбублар аксарият янглишади — севган сиймони тамомила бошқача тасаввур қиладилар-у, у эса аслида бутунлай бошқа кимса бўлиб чиқади, дея эътироф этадилар. Муҳаббат психологиясида деярли ҳар қадамда айни шу ашулани тингламаймизми? Айни шу жиҳатни диққат-марказида сақлаган ҳолда янглишиш-адашишни одатий ҳолат сифатида эътироф этишдан бўлак чорамиз қолмайди. Айни шу ўринда йўлимиз тармоқланади. Инсон ҳаёти энг нозик ва ҳаққоний кўринишларидан бирида — муҳаббат айни шундай хислат, — ўтакетган ва узлуксиз бемаънилик, мантиқсизлик ва янглишишдан иборат деган назарияга, токи ақлим жойида экан, икки дунёда ҳам қўшилмайман.

Одамзод кўзига ишониб алданиб қолганидек, баъзида шундай бўлишини инкор қиламан. Лекин бу ҳам оламни рисоладагидек идрок қилишимизнинг айни бир хил эканига шубҳа қолдирмайди. Лекин адашиш-янглишишни одатий ҳол сифатида талқин этишга уринсалар, бунга юзаки кузатишларга асосланувчи хатолик деб биламан. Назарда тутилаётган аксарият ҳолатларда хатолик йўқ — инсон аввалбошда қандай бўлса, шундай қолаверади, — бироқ кейинчалик феъл-аъворимиз ўзгаради, — айни шу ҳолатни биз янглишиш деб ҳисоблашга мойилмиз. Жумладан, мадридлик навнихол қиз кўринишидан қатъиятли манмансираган такаббурга кўнгил қўяди. Ноқулай шароитда ҳаминқадар кун кечирадиган бу ойимтилла айни ўша олифтанинг кўмаги билан ғарибона турмуш исканжасидан нажот топишни мўлжаллайди. Жамики илоҳийлик ва инсонийликка нафрат билан йўғрилган бу такаббурлик ва ҳукмфармолик унинг кўзларини кўр қилган. Ҳиссий жўшқинлик бундай инсоний типга бир қараганда шундай жозибдорлик бахш этадики, бирмунча мулоҳазакор шахслар айни хислатдан маҳрум. Улар — «енгилтак» кимсалар. Қиз енгилтакни севиб қолади, шундан кейин барчаси барбод бўлади. Ордан кўп ўтмай, куёв келиннинг зеб-зийнатларини ўғирлаб, жуфтакни ростлайди. Дугоналари «алданиб қолганини» айтиб, уни юпатишга беҳуда уринадилар; бироқ ҳаммаси шундай якун топишини, ишонарсиз кимсага кўнгил қўйганини у «аввалдан билган».

Ўйлашимча, мазкур сеҳрли туйғуга оид барча фарқланувчи фикр-мулоҳазалардан воз кечганимиз маъқул, чунки муҳаббат, айниқса бизнинг Пиреней ярим оролида бирмунча телбавор хусусиятга эга. Ниҳоят, масалага жиддий ёндошиш ва муайян чегараланган инсоний куч-қувватнинг нафис ришталарига дуч келган хоссани тиркашга чек қўйиш керак. Тез-тез содир бўладиган муҳаббат савдоларининг ягона сабаби «янглишиш» оқибати дея даъво қилишга ҳам барҳам берайлик. «Жисмоний уйғунлик» муҳаббат доя бўлиши ва айни бир хил қиёфа остида «хилма хил ва ҳатто қарама-қарши фазилат соҳиблари» яширингани боис хатога йўл қўйишимиз, бинобарин, ошиқ-маҳбуб

билан унинг севикли маҳбубаси ўртасида алоҳида яқинлик бўлиши мумкин эмас, деган фикрга Курдубалик имзосиз мактуб муаллифи қўшилганидан афсусдаман. Ҳолбуки, Аверроэснинг бу зукко ҳамюрти дастлабки мактубида инсоннинг имо-ишораларида ҳатто хуфиёна ботиний моҳияти, асл қиёфаси акс этишини эътироф этганди. Кўнгил-қалб-руҳ билан жисм-танани алоҳида-алоҳида ажратишдан иборат ўтган замонанинг навбатдаги буюк хомхаёлига қўшила олмаслигимни афсус-надомат ила маълум қиламан. Дуч келган инсон шахсиятига баҳо бериш асносида «ёлғиз» жисм-танасинигина кўрамиз, деган хулоса учига чиққан бемаънилик. Шундай экан, кейинчалик иродавий салоҳиятимиз билан, қолаверса, аллақандай ғаройиб усулда айни жисмоний қиёфага, аллақайлардан ахтариб топилган ботиний хислатларни бахш этамизми? Аслида, нафақат шундай бўлади; ҳатто қалбни тана-жисмдан айри тасаввур қила олганимизда ҳам бунинг учун ақл бовар қилмас фаҳм-фаросат талаб этилади. Наинки инсоний муносабатларда, балки ҳар қандай жонли мавжудот билан муомалада жисмоний қиёфани идрок қилиш асносида қалби-руҳонияти ва деярли айни ботиний олами ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Кучукнинг вангиллаши азобланаётганидан, арслоннинг қорачиғи йиртқичлигидан шаҳодат беради. Шу боис тош ёки механизмни жисмоний қиёфадан ҳаминша фарқлаймиз. Жисм-тана – жисмоний қиёфа бўлиб, қалб нури билан йўғрилган, айни шу тимсолда феъл-атвор яққол кўзга ташланади. Бегоналарнинг асл қиёфаси масаласида биз хатога йўқ қўядиган ва янглишадиган ҳолатлар эса, яна такрорлайман, одатий, рисоладагидек идрок этишимиз-қабул қилишимизнинг айнан бир хил эканини асло рад этмайди. Одамзод насли вақилига дуч келганимиз ҳамоно шахсиятининг асосий хусусиятларини илғаймиз. Табиий некбинлигимиз, салоҳиятимизга боғлиқ равишда тахминларимиз у ёхуд бу даражада аниқ бўлиши мумкин. Бусиз жамиятда инсоний ҳамжиҳатлик бўлиши арми маҳол. Ҳар бир имо-ишора-ю, ҳар бир сўзимиз суҳбатдошимизни ғазаблантирган бўларди. Ва қулоғи қар одам билан суҳбатлашиш асносида эшитиш қобилиятини ҳис этганимиз сингари андишасиз ва «назокат»сиз кимсага йўлиқиш баробарида инсон яқин ёру биродарлари билан рисоладагидек муомала қилиши кўнглимиздан кечади; бу беқиёс ҳиссиёт, чунки бегона кўнгил-қалбнинг назокатли ёхуд тошбағир эканини пайқаш имконини беради. Ёру биродарини «таърифлаш-таснифлаш» эса аксарият банди оғизлар учун мушкул муаммо. Бироқ бусиз ҳам барча-барчаси аён-ошкор бўлиши мумкин. «Таърифлаш-таснифлаш» – фикр-мулоҳазаларни тушунчалар билан ифодалашдан иборат, тушунчаларни шакллантириш қобилияти эса камдан кам одамларга насиб этувчи интеллектуал даражада таҳлилий уқувни тақозо этади. Сўз-калима-иборалар билан ифодаланувчи билим кузатиш билан кифояланувчи ҳолатга қиёсан бирмунча юқори босқич ҳисобланади; айни пайтда кузатиш ҳам ўзига хос билим. Қаршингиздаги нарса-ашёларни таърифлашга уриниб кўринг, ва сиз рўпарангиздаги ёрқин манзарага нисбатан «таърифингиз» қанчалар қашшоқлигидан ҳайратга тушасиз. Бундан қатъи назар, мазкур кузатишга асосланувчи билимларимиз нарса-ашёлар орасидан тўғри йўналиш-йўл топишга кўмалаклашади, жумладан, номсиз ранг-тусларни фарқлашда қўл келади. Яқин ёру биродарларимиз, айниқса, меҳримиз тушган сиймо маҳбубани идрок этишимиз ҳам мана шундай нозик хоссага эга.

Эркак аёлнинг «ташқи кўриниши-қиёфаси-чиройига» маҳлиё бўлади ва аксинча эканини такрорлаш ҳолати йўқ ва муайян вақт ўтгач, меҳримиз тушган маҳбуба феъл-атворини кашф этамиз. Ҳар икки жинснинг айрим вакиллари ташқи қиёфага мафтун-маҳлиё бўлишлари шубҳасиз; лекин бу уларнинг индивидуал ўзига ҳослигидан бошқа нарса эмас. Бундай танлаш ошиқ-маҳбубнинг ҳиссий феъл-атвори тақозоси. Қолаверса, бундай ҳолат биз ўйлаганга нисбатан кам учрайди. Айниқса, аёллар орасида. Шу боис аёллар феъл-атворини синчиклаб ўрганган одамлар эркакларнинг гўзаллигидан аёлларнинг ҳайратланиш қобилиятига шубҳа билан қарашади. Бу борада айнан қайси аёл типлари истисно эканини ҳатто олдиндан белгиласа бўлади. Биринчидан, эркакшоа аёллар; иккинчидан, фавқулодда қизгин жинсий ҳаёт кечирувчилар (фоҳишалар); учинчидан, меъерий жўшқин мижозга эга аёллар, улар етуклик палласига қадам қўяр экан, ранг-баранг жинсий алоқа тажрибасига эга бўлади;

тўртинчидан, психофизиологик хусусиятларига биноан «тийиқсиз-жўшқин миждоз» соҳибалари.

Бундай аёлларнинг тўртала типиди ҳам аллақандай муштараклик бўлиб, унинг негизиди эркаклар гўзаллигига қаршилиқ кўрсата олмаслик яширинган. Маълумки, эркак кўнглига нисбатан аёл қалби бирмунча яқдил-яхлитликка мойил; бошқача айтганда, эркакнинг кўнглидаги нисбатан аёл қалбиди парокандалик оз. Жумладан, эркаклар учун одатий жинсий қониқиш билан ҳайратланиш ёхуд топиниш ўртасидаги фарқ аёлларга унча хос эмас. Эркакка нисбатан аёл учун бири иккинчиси билан анча жиддий боғланган. Аёл ҳиссиёти назоратдан чиқиши ҳамда табиий ва мустақил намоён бўлиши учун аллақандай алоҳида ваз-қарсон зарур. Хуллас, мазкур аёл типларининг ҳар бири ғайриихтиёрий ҳиссиётларга ўзига хос мослашган. Дастлабки тип аёлларда ўзаро истисно қилувчи саъй-ҳаракатлар эрлик ибтидоси (аёлда эрлик ибтидоси — инсон психологиясининг энг қизиқарли муаммоларидан бўлиб, алоҳида эътибор талаб қилади) мавжудлиги туфайли яхлитликдан маҳрум феъл-атворининг ўзига хослигига бориб тақалади. Иккинчисиди — ғайриихтиёрийлик илдизи касб-ҳунар негизига таянади. Учинчи, тўла-тўқис рисоладагидек типди, бундай майл, ифодали қилиб айтганда, «аёл ҳиссиётлари йиллар мобайнида шаклланиши»нинг тақозоси. Гап шундаки, мазкур ҳиссиётлар жуда кеч назоратдан чиқади ва жинсий алоқа борасиди меъерий ва ранг-баранг узоқ ҳаёт кечирган аёлгина ўз ҳиссиётларига пардали қилиб эрк беради. Эрлик унсури учрамайдиган аёлнинг тасаввури, одатди, нисбатан қашшоқ-ғариб бўлади; умуман, аксарият аёлларнинг ифбатли, маъсума экани талай даражади айни шу хусусият билан изоҳланади.

## V

### Кундалиқ таъсир

Танлаш муҳаббат масаласиди, мен тасаввур қилгандек, ҳақиқатдан ҳам шундай жиддий аҳамияга эга бўлса, бу жиҳат айни пайтди инсоннинг яширин моҳияти мезони ва уни ўрганиш воситаси хизматини ўтайди. Бошқа томондан, инсон ҳаётига шундай қатъият билан кириб борадики, унга муайян тип одамларини киритган ҳолди бошқа барчани қувиб чиқаради. Шу асно ишқ-муҳаббат индивидуал инсоний қисматни яратади. Муҳаббат солномаларининг улкан таъсирини муносиб баҳолай олмаслигимизга ишончим комил. Гап шундаки, нари борса, гарчи анчайин драматик бўлса ҳам, ёлғиз ташқи таъсирларга — маҳбуб маҳбубаси учун содир этадиган жўмардликка ва аксинча «телбаликларга» эътибор берамиз. Башарти, бутунлай бўлмаганда ҳам ҳаётимизнинг аксарият қисми бундай телбаликлардан токи холи экан, мазкур таъсирнинг ҳақиқий кўламларини камайтиришга мойилмиз. Бироқ аслиди муҳаббат таъсири деярли сезиларсиз бўлади ва бу даставвал аёлнинг эркак ҳаётига таъсирига тааллуқли. Ишқ-муҳаббат одамларни шу қадар яқин ва баҳамжиҳат алоқадорлик билан чамбарчас боғлайдики, бундай яқинлик ортидаги ўзгаришлар кўзга чалинмайди, ҳолбуки мазкур ўзгаришлар учун улар ўзаро бурчли. Жувон-аёл фикру зикри гўё бутун атроф оламди ҳукмрон ҳар бир нарса-ашёди зухур этгани боис, айниқса, эҳтиросли таъсир кўрсатади. Уни на олдиндан билиб, на унга чап бериб бўлади. У бизнинг эҳтиёткорлигимиз туйнук-тирқишлари орқали сизиб киради ва об-ҳаво наботат оламига қандай таъсир кўрсатса, манзур-маҳбубага шундай таъсир қилади. Аёлга хос мавжудият-ҳаётийлик ҳисси суйқалувчан-тирғалувчан эмас, бироқ ботиниятимизга муттасил таъсир ўтказади ва пировард натижади унга, айниқса, хосу мос шакл-шамойил бахш этади.

Муҳаббат ич-ичдан келувчи танлов экани, назаримди, олиймақом фикр. Башарти, муайян шахс билан чегараланмасдан, мазкур фикрни у ёхуд бу даврнинг барча вакиллари — дейлик, муайян авлод вакилларига нисбатан татбиқ этсак, куйидаги хулоса келиб чиқади: жамоат, омма ҳақида сўз кетганда ҳамиша ёрқин ифодаланган индивидуал тафовутлар ғойиб бўлиб, ўртамиёна хулқ-атвор типиди устунлик касб этади; мазкур ҳолатди ҳам бу муҳаббат борасиди ўртамиёна тип бўлади. Бинобарин, ҳар бир авлод муайян эркак ва муайян аёл

типини афзал деб билади, ёхуд, ҳар икки жинс вакилларининг муайян гуруҳи намояндалари устун деб қаралади. Никоҳ — токи кенг тарқалган жинслараро муносабат шакли экан, бирон-бир муайян тип аёллари турмуш қуриш масаласида ҳар бир даврда, шубҳасиз, ҳеч қандай муаммога дуч келмайди.

Айрим инсон сингари ҳар бир авлод муҳаббат танловида ўз моҳиятини шу даражада намоян этадики, алоҳида диққат-этиборга молик аёллар типларининг тарихий алмашувига биноан башарият тадрижий тараққиётини ўрганса бўлади. Нафақат ҳар бир авлод, балки ҳар бир ирқ саралаш натижасида аёллар жозибаторлиги-оҳанрабоси типига эга бўлади, мазкур тип дафъатан эмас, балки узоқ асрлар мобайнида, аксарият эркаклар айна аёл типини афзал деб билиши натижасида юзага келади. Жумладан, испан аёли архитипининг ишончли-ишонарли эскиз — андоза-тарҳи-намунаси Пиреней яриморали аҳли қалбининг хуфиёна кунжаklarини хиёл ним ёритади, холос. Дарвоқе, француз, ёхуд, дейлик, славян аёли архитипи билан қиёсланганда, унинг қиёфаси анча равшан кўзга ташланган бўларди. Айна ҳолатда, қолаверса, умуман, нарса-ашёлари аҳли одам бирон бир сабабга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз-ўзидан вужудга келишига биноан қандай бўлсалар, айна шундай шакл-шамойилга эга, деган фикр соғлом ақлга зид. Нигоҳимиз ўнгидаги у ёхуд бу шакл-шамойилга эга нарса-ашёларнинг барча-барчаси муайян фаолият натижаси. Шу маънода *барча-барчаси яратилган*, бинобарин, муайян нарса-ашёдаги асоратлар асосида қандай куч билан яратилгани-нақш-дарж этилганини ҳамиша ойдинлаштиради бўлади. Мисгарнинг болгачаси жез ликопчада қандай из-асорат қолдирса, мамлакатимиз тарихи испан аёли қалбида, шундай из қолдирган.

Бироқ муайян авлод вакиллари ишқ-муҳаббатидеги майл-эҳтироснинг энг қизиги — уларнинг куч-қудрати сабаб-натижа оламида эканида. Чунки ҳар бир авлоднинг нафақат айна ҳаёти, балки келажаги ҳам қай бир аёл типини афзал деб қаралиши, эъзозланишига, шубҳасиз, боғлиқ. Эркак ҳаётнинг қай бир соҳаларида «хукмфармолик» қилмасин, унинг уй-хўжалик ишларига аёл ўқтин-ўқтин ва расмий тарзда бевосита аралашади. Уй-хонадон — кундалик, узлуксиз турмуш тақозоси, бу бири иккинчисидан эғизаклардай фарқланмайдиган дақиқалар силсиласи, сизу биз ҳар лаҳза нафас оладиган кундалик икир-чикирлардан иборат муҳит. Мазкур уй-хонадон-оилавий муҳитни она яратади ва фарзандларга сингади. Жўшқинлик ва феъл-атворидаги жамики тафовутлардан қатъи назар фарзандлар аслиятига шубҳасиз муҳр босадиган мазкур муҳитда вояга етадилар. Замонавий авлод афзал билиб эъзозловчи аёл тафаккурида ҳаёт-турмушга оид тасаввур-хулосадаги арзимаган ўзгариш, шундай аёллар таъсири остидаги хонадонлар тобора кўпайиб бораётганини алоҳида ҳисобга олганда, яқин ўттиз йил мобайнида фавқулодда тарихий силжиш-илдамлаш ясайди. Бу омил тарихан ҳал қилувчи аҳамиятга молик, деган нағивдан йироқман; бироқ ҳал қилувчи аҳамиятга молик омиллардан бири эканига шубҳам йўқ. *Замонамиз ёш-яланлари афзал билиб эъзозловчи асосий аёл типини ота авлод, айниқса, мойил типига нисбатан хиёл зиёда куч-қувватга эга дея тасаввур қилинг. Натижада айна бизга замондош ёш-яланлар бирмунча юксак тадбиркорлик ва дадил аҳду паймонлар, талаб-эҳтиёжлар негизиде умреузaronлик қиладилар. Миллатимиз кундалик ҳаётига хос маиший турмушда ўта аҳамиятсиз ўзгариш натижасида ҳам Испанияда фавқулодда буюк ўзгаришлар рўй бериши муқаррар.*

Исталган миллат-элат тарихида ўртача одамлар тоифаси, шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Фавқулодда истеъдодли шахслар, буюк сиймоларнинг ўз мамлақати ҳаётида ўчмас из қолдиришини асло рад қилмайман. Бирон бир миллат ҳаётини буюк сиймоларсиз тасаввур қилиш амри маҳол. Бироқ улар ҳар қанча доҳиёна фазилат ва хусусиятларга эга бўлмасин, тарихда тутган ўрни — тарихий аҳамияти — уларнинг ўрта бўғинга ёлғиз таъсирига, дейлик, қандай намуна вазифасини ўтишига боғлиқ. Гапнинг индаллосини айтганда, тарих — ўртамеёналик салтанати. «Башартият» сўзининг ёлғиз дастлабки ҳарфи йирик ҳарф билан ёзилади. Олиймақом даҳолик қудрати чексиз ўртамеёналикка урилиб, парчаланadi. Афтидан, дунё шундай яратилган: уни ўртамеёна инсон идора қилмоғи зарур. Айна шу боис ўрта бўғин даражаси-мақомини имкон борича юксалтириш лозим. Миллат-элатларни аслида доҳиёна шахслар эмас, балки ўрта бўғинга мансуб ададсиз кимсалар камолоти даражаси буюклик

мақомига юксалтиради. Оломонга намуна бўладиган ва уларнинг куч-қудратини юксалтирадиган доҳиёна истеъдод соҳибларисиз ўрта бўгин даражаси юксалмаслиги шубҳасиз. Бироқ буюк шахсларнинг аралашуви иккинчи даражали ва билвосита таъсир кучига эга. Тарихий воқеликнинг мазмун-моҳиятини бундай сиймолар ташкил қилмайди — қатор ҳолларда буюк шахслари бўлгани ҳолда, муайян миллат-элат слаймоқли тарихий аҳамият касб этмайди. Омма буюк шахсларига эргашиб, камолотга юз тутмаса, шубҳасиз, шундай аянчли ҳол рўй беради.

Тарихчилар яқин-яқингача ҳам ёлғиз фавқуллода, ҳайратланарли воқеа-ҳодислар билан шуғулланиб, буларнинг барчаси атиги латифаомуз, жуда нари борганда, иккиламчи аҳамиятга молик эканини ва кундалик турмуш, жамики фавқуллода ва ҳеч бир қолипга сиғмайдиган воқеа-ҳодисаларни ҳам ўз домига жо-бажо айловчи бепоён уммон тарихий воқелик-қадрият эканини пайқамаганликлари ажаблантиради.

Шундай қилиб, кундалик турмушда аёл асосий, ҳал қилувчи мавқе-мақомга эга бўлиб, мазкур одатий ҳаётни равшан ифодалайди. Эркакни жамики ғайриоддий ҳолатлар ром этади; башарти шундай ҳаёт кечирмаса ҳам у саргузаштлар ва эврилишлар, қалтис, фавқуллода, мушкул-мураккаб вазиятлар билан боғлиқ орзу-хаёллар оғушида яшайди. Унинг зидди-акси аёл эса кундалик, одатий турмушдан беқиёс ҳузурланади. Аёл азалий расм-русумлар оламига шу қадар чамбарчас боғланганки, бутун куч-ғайратини кечаги кун шукуҳини айнаи бугунги кунга бахш этишга сафарбар этади. Ошиқ эркак шошма-шошарлик билан чиқарган хулоса — *souvent femme varie*<sup>1</sup> — аёлнинг кўнглини мамнун этганидан қатъи назар, менга ҳаминша ўринсиз туюлади. Афсуски, бундай ошиқ-маҳбубнинг дунёқарашига ҳавас қилиб бўлмайди. Дейлик, дўппини ерга қўйиб, кузатувчи, зоолог нигоҳи билан синчиклаб назар ташланса бас, аёл асли қандай бўлса, шундай қолишга, расм-русумлар, тасаввурлари, ўй-ташвишлари доирасидан чиқмаслик тарафдори; умуман, барча-барчасига одатий тус беришга мойил экани ойдинлашади. Кучли ва заиф жинс вакиллари ўртасида мазкур масалада ҳамжиҳатликнинг мутлақо йўқлиги даҳшат: эркак аёлга якранг мавжудиятга қақшатқич зарба берувчи шоду хуррамлик, жазава, жозибдорлик тимсоли сифатида талпинади, аслида эса ички кийимларни ямаб-ясайдиган бахт-саодати кундалик одатий турмушдан иборат уй бекаси билан юзлашади. Бу шу қадар ҳаққи ростки, ҳар қанча ажабланмасин, этнографлар меҳнатни аёллар кашф этган, деган хулоса чиқаришган; бу хилма-хил тадбир-маросимлар, турли спорт беллашувларида куч-қувватни сўнгги томчисигача сафарбар этиш ва ранг-баранг товламачиликларга қасдма-қасд кундалик мажбурий машғулотлардан иборат меҳнат. Айнаи шу боис касб-ҳунар юзага келиши масаласида аёлларга таъзим бажо келтиришимиз зарур: дастлабки деҳқон ҳам, дастлабки ўсимликлар йиғувчи ҳам, дастлабки кулол ҳам — аёл. (Грегорио Мараньон «Жинс ва меҳнат» асарида мазкур содда ва рўй-рост ҳолатга эътибор бермагани фақат ажаблантиради.)

Кундалик одатий турмушни тарихнинг ҳал қилувчи кучи сифатида эътироф этарканмиз, этник жараёнларда аёл ибтидосининг фавқуллода аҳамиятини пайқамаслик ва халқимиз ўтмишда ва ҳозирги пайтда аёлларнинг айнан қайси типини афзал билгани билан алоҳида-астойдил қизиқмаслик қийин. Айнаи пайтда бу қизиқиш мен ўйлаган даражада қизгин-жиддий бўлмаслиги, хусусан, испан аёлининг феъл-атворидаги кўплаб хусусиятлар араблар таъсирию руҳонийга азбаройи эътиқоди билан уйғунликда талқин қилиниши мумкин. Бундай эътироф қанчалик тўғри эканини ҳозир ойдинлаштириш мавриди эмас. Дастлабки эътирозим шундан иборатки, испан аёли типини шаклланишида мазкур омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканини эътироф этиш асносида барча-барчасини ёлғиз эркак таъсирига боғлиқ қилиб қўямиз, аксил таъсир — аёлнинг эркакка ва халқ тарихига таъсири тамомила эътибордан четда қолади.

<sup>1</sup> Аёлнинг феъл-атвори беқарор, ўзгарувчан (*фр.*).

## VI

## Муҳаббат танлови

Биздан олдинги авлод қандай испан аёли типини афзал билган? Биз учун қайси бири афзал? Янги давр вакиллари қайси бирини танлайди? Бу нозик, мураккаб, қалтис масала, бинобарин, мулоҳаза эритишга арзийдиган масала шундай бўлиши зарур. Оппоқ қоғоз узра қалам тебратишга чоғланар эканмиз, корридада бўлгандек, хатарли, шиддатли, аёвсиз, қалтис таҳликали вазиятлар билан юзма-юз бўлмас эканмиз, бу ишга киришишдан не ҳожат? Боз устига, мазкур ҳолатда фавқуллодда муҳим муаммо хусусида гап кетаётир ва айни масала ҳамда унга ўхшаган айрим муаммолар тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборидан четда қолаётгани, шубҳасиз, ажаблантиради. Молиявий қонун ёки йўл қоидалари қизгин муҳокама қилинади ва айни пайтда ҳиссий фаолият — ҳис-туйғулар мажмуи ўрганилмайди, ҳолбуки замондошларнинг жамики мавжудияти айни ҳиссиётлар мисолида кафтдагидек яққол намоён бўлади. Айни замонда афзаллик берилган, имтиёзли аёл типига сиёсий амалиёт маълум маънода боғлиқ. 1910 йилдаги Испания парламенти билан ўша давр сиёсатдонлари хонадонини ишониб топширган аёл типини ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини идрок этмаслик соддалик бўларди. Бунга оид мулоҳазаларимнинг ўндан тўққиз улуши янглиш бўлажагини назарда тутган ҳолда, булар хусусида батафсил ёзишни истардим. Бироқ самимий янглишувини қурбон қилиш хусусияти — адиб ўз юртдошларига таклиф қила оладиган ягона фазилат. Бўлак барчаси — хиёбондаги митингбозлик ёхуд қаҳвахонадаги сафсатабозлик чоғидаги беҳуда алжирашдан, моҳиятан адиблик салоҳиятининг аҳамияти мезони ҳисобланувчи ақл-идроққа ҳеч қандай дахли бўлмаган қаҳрамонлик даъвосидан ортиқ ҳеч вақо эмас. (Ўн йилдирки, кўплаб испан адиблари сиёсат ниқоби остида гунгу карлик ҳуқуқини ёқлаб келяпти.) Лекин ҳозир Испанияда афзал ҳисобланувчи аёл типининг қиёфасини яратишга уринишдан олдин, — алоҳида тадқиқот мавзуи ҳисобланувчи муаммо, — муҳаббат танловига оид теран ҳулосали мулоҳазаларимни мантиқан яқунлашни истардим.

Муайян алоҳида индивид томонидан эмас, балки бутун бир авлод вакиллари томонидан қилинадиган муҳаббат танлови саралаш тусини касб этиб, Дарвин ғоялари — табиий танлаш назарияси, янги биологик шаклдаги мавжудотлар пайдо бўлишига замин яратувчи қудратли куч доирасига тушиб қоламиз. Инсоният тарихини ўрганиш учун бу ажойиб назариядан фойдалана олинмади: молхонада, яйловлару ўрмонзорларда татбиқ қилинди, холос. Ҳолбуки, мазкур ғоя тарихий концепция сифатида қайта талқин қилиниши учун арзимаган шарт тақозо қилинарди. Башарият тарихи — ботиний драма: қалба рўй беради. Ва айни шу хуфиёна саҳнга жинсий саралаш ғоясини татбиқ этиш керак. Эндиликда сир эмаски, инсонда мазкур саралаш танлаш тусини олиб, айни танлаш шахсият қалби туб-тубидан қайнаб чиқувчи яширин ниятлар натижасидир.

Шундай қилиб, Дарвин назариясининг битта бўғини кифоя қилмаётир, айни пайтда унинг бошқа бўғини — жинсий саралаш натижасида ғоят мослашувчанлар танлангани ва афзал ҳисобланганига оид эътироф — очиқдан-очиқ ортиқчалик қилади. Мослашувчанликка оид айни қатъий мулоҳаза мазкур ғояни ўта мавҳум ва бемаъни қилиб қўйган. Тана, айниқса, қачон осонгина мослашади? Бундан, бемор-хасталардан бўлак барча-барча мослашувчан деган фикр келиб чиқмайдами? Бошқа томондан, ҳеч ким тўла-тўқис мослаша олмайди, дея эътироф қилиб бўлмайдами? Мослашувчанлик қондасини мутлақо инкор қилмоқчи эмасман, бусиз биология фанини тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ кўмаклашувчи-ёрдамчи аҳамиятини маъқуллашдан олдин бу жараён Дарвин тахмин қилгандан ҳам мураккаб ва зиддиятли эканини эътироф этиш зарур. Илло, ҳаёт бошдан-охир мослашиш деганлар янглишади. Мослашиш ҳаётда ҳамisha муайян маънода мавжуд; лекин айни шу ҳаёт — дадил-жасоратли, мослаша олмайдиган, кўника олмайдиган, шу билан бирга қалтис вазиятлар билан айёрона тил бириктириб, приовард-натижада йўл топиб кетадиган шакллар билан ҳамон ҳайрон қилиб келяпти. Шу асно жамики тирик мавжудотни нафақат икки қарама-қарши нуқтаи назардан: ғаройиб ва тантиқ-инжиқ

мослашолмаслик ҳодисаси ҳамда моҳирона мослашаш механизми сифатида ўрганса бўлади, балки ўрганиш зарур. Умуман, ҳаёт ҳар бир жонли мавжудотга гўё ҳал қилиб бўлмайдиган муаммони бахш этади, кейинчалик эса топқирлик билан мазкур муаммони қойилмақом ҳал қилиш асносида ҳузурланади. Мавжудотлар оламни синчиқлаб кўздан кечирар эканмиз, мазкур аъмолларнинг барча-барчасини Табиат ҳазил-ҳузул билан айнан кимнинг олқиши қарсақлари остида илоҳий амри фармониға биноан адо этаётганини Коинот кенгликларидан беихтиёр излаб топгинг келади.

Башарият наслида жинсий саралашдан кўзланган чинакам ўй-ният бизларға маълум эмас. Фақат айрим хусусий ҳолатларни илғашимиз, шунингдек, айрим иложсиз саволлар беришимиз мумкин. Мана улардан бири. Аёл муайян даврда алоҳида мақомға эга эркакка қачон бўлмасин, лоақал бирон-бир эътибор берганми? Бу савол идрокимизда юзага келгани ҳамона унинг зиддиятли иккиёқламалилигини пайқаймиз: эркак нуқтаи назарига кўра, эркак билан аёл бир-биридан фарқ қилади. Улар ҳамиша бир-биридан фарқ қилганиға оид жиддий шубҳа-гумонлар мавжуд.

Очиқ-ойдин айтамикки: аёлни даҳолар ҳеч қачон қизиқтирган эмас, бироқ кутилмаган ҳолатлар учраб туради, яъни эркакнинг доҳиёна фазилати мутлақо даҳлсиз ҳислатлари билан қиёсланади. Тараққиёт ва инсоний қадр-қиммат учун аҳамиятли сифатида эркаклар, айниқса, қадрлайдиган фазилатларнинг аёл учун асло қизиғи йўқ. У ёхуд бу эркак буюк математик, буюк физик, буюк сиёсат арбоби экани аёл учун муайян қимматға эға деб бўладими? Узил-кесил жавоб: тамаддун юзага келишига равнақ топишиға хизмат қилувчи эркакларнинг қобилиятлари аёл учун ҳеч қандай қадр-қимматға эға эмас. Башарти, аёл меҳрини эркакларнинг қандай ҳислатлари қозона олади, деган масалани ойдинлаштиришға киришсак, булар инсон феъл-атворини баркамоллаштириш учун айтарли аҳамиятға эға бўлмаган, бинобарин эркакни деярли қизиқтирмайдиган ҳислатлар экани маълум бўлади. Даҳо, аёл нуқтаи назарига кўра, “эътибор беришға арзимайдиган эркак”, ва аксинча, бундай “эътиборға арзимайдиган эркак” сариқ чақаға ҳам арзимайди.

Ёстиқдош даҳо шахсиятиға аёл бефарқ қарашининг ишонарли мисоли — Наполеон. Саркарда ҳаётининг ҳатто ҳар дақиқаси маълум; ишқий саргузаштларининг тўла рўйхатиға эғамиз. Наполен жисмоний нуқсонлардан шикоят қилмаган. Хушбичимлиги, келишганлиги туфайли ёшлигида қотма ва чайир баҳодирни эслатган; кейинчалик қиёфаси шоҳона тугаллик, рафтори эса эркаклар гўзаллиги нуқтаи назаридан беназир жозиба касб этган. Жозибадор қиёфаси санъаткорлар — мўйқалам усталари, ҳайкалтарошлар, шоирларни ҳайратлантирган ва қалбига тугён солган; бинобарин, унинг жозибаси аёлларни ҳам мафтун-маҳлиё қилиши керак эди. Бироқ бундай бўлмаган: Наполеонни — ярим дунё ҳукмдорини бирон-бир аёл севмаган, дея эътироф этиш учун барча асослар бор; жаҳонгир билан ҳамнафаслик уларни безовта қилган, хавотирға солган, иззат-нафсини қондирган; пинҳона эса самимий Жозефина ошқора айтган тарзда мулоҳаза юритган. Навқирон генерал эҳтиросли муҳаббат оғушида дур-жавоҳирлар, жарақ-жарақ сармоляр, санъат асарлари, вилоятлар, тожларни хоки пойига поёндоз айлаган, Жозефина эса навбатдаги раққос билан оғиз-бурун ўпишиби хиёнат қилган, жаҳонгирнинг ҳадя-эҳсонларини қабул қилиш баробарида ажабланиб: “Il est droie, ce Bonaparte!”<sup>1</sup>, дея хитоб қилиш асносида барча франциялик креоллар сингари “р” ва “л” ҳарф-товушлариға алоҳида урғу берган<sup>2</sup>. Бахтиқаро буюк сиймоларға аёллар меҳри раво кўрилмагани алам қилади. Бундан аёллар даҳоликдан ирганади, деган хулоса келиб чиқади.

Бу борада қуйидагини назарда тутяпман: кўнгил савдоларида икки ҳолатни аниқ белгилаб олиш зарур, уларни чалкаштириш муҳаббат психологиясини бошдан охир чигаллаштиради. Аёл эркакка меҳр қўйиши учун (айни шундай аксинча жараён рўй бериши учун) дастлаб эътибор бериши зарур. Бу эътибор — муайян инсонға алоҳида қизиқиш билан қарашдан иборат бўлиб, натижада мазкур сиймо

<sup>1</sup> «Нақадар антиқа бу Бонапарт-а!» (фр.).

<sup>2</sup> Бонапарт билан Жозефина муносабатлари О.Обрининг “Наполеон ва Жозефина» (1927) романида батафсил баён этилган.

умумий даражадан ажратиб олинади ва маълум мақомга юксалади. Бундай хайрихоҳлик муҳаббат билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмас, бироқ унга бевосита замин яратади. Даставвал эътибор бермасдан, қизиқиш билдирмасдан севиш мумкин эмас, ҳолбуки мазкур хайрихоҳлик эътибор қаратишу қизиқиш даражасидан нари ўтмаслиги ҳолатлари ҳам учрайди. Эътибор-қизиқиш юзага келаётган-шаклланаётган ҳиссиёт учун қулай замин яратади, дарҳақиқат, айни шу замин муҳаббат ибтидоси хизматини ўтайди. Лекин мазкур ҳолатлар ўртасидаги фарқни илғай билиш жуда ҳам муҳим, чунки улар табиатан фарқ қилади. Талай психологик янглиш ҳолатлар “эътиборни жалб қилувчи” хислатлар чалкаштирилиши оқибати бўлиб, уларнинг шарофати билан муҳаббат сабаби хизматини ўтовчи хислатларга нисбатан маҳбуба имтиёзли мавқе касб этади. Жумладан, муайян сиймога бой бўлгани учун меҳр қўйишмайди, лекин бой-бадавлат бўлгани боис аёллар унга алоҳида хайрихоҳлик билан қарайди. Машҳур сиймолар айни фазилати боис аёллар диққат-эътиборини қозониш учун барча имкониятга эга; токи шундай сиймога меҳр қўймас экан, буни оқлаб ҳам, изоҳлаб ҳам бўлмайдигандай туюлади. Машҳур шахслар ҳаётида, одатда, шундай ҳолатлар содир бўлади. Айни пайтда буюк шахсни аёлнинг жини суймаслиги ҳам табиий. Аёл тасодифан ёки кўр-кўрона эмас, балки ўз асосларига таяниб, буюк шахсдан нафратланади.

Инсоният наслида рўй берувчи танлаш-саралаш нуқтаи назаридан мазкур ҳолат шуни англатадики, аёл кўнгил кечинмалари билан инсоният камолотига, нима бўлмасин, эркак ўйлаган даражада, хизмат қилмайди. Аёл, аксарият, айниқса, бетакрор эркак нуқтаи назаридан ёрқин шахсият соҳибларини бир четга суриб қўйиб, ошқора ўртамиёна кимсаларни танлайди. Узоқ умр кўриб, аёлларни узлуксиз кузатиш асносида уларнинг кўнгил кечинмаларига оид хомхаёлларни сақлаб қолиш мушкул. Ўртамиёна кимса билан ҳамнафасликда ўзини табиий муҳитдагидек эмин-эркин ҳис этишига ниҳоят амин бўлгач, аёлларнинг буюк сиймоларга ҳайрат назари билан қараши ортиқ чалғита олмайди.

Дастлабки хулосалар шундай; фақат алоҳида таъкидлайман: мазкур фикр-мулоҳазаларда аёл феъл-атвори мутлақо танқид қилинмайди. Яна бир карра такрорлайман: Яратганнинг пинҳона ўй-мақсадлари бизларга маълум эмас. Беназир сиймоларга нисбатан аёлларнинг бундай бефарқ-беписандлиги, эҳтимол, теран мантиқ-мазмундан холи эмасдир. Эҳтимол, тарихан унинг зиммасига эркак қалбини тугёнга солувчи ўзгаришлар ва жўшқинлик эҳтиёжига, асабий безовталиқка қарама-қарши вазминлаштирувчи, мувозанатга келтирувчи вазифа юклатилган бўлиши ҳам мумкин. Хуллас, агар масалага кенг қўламли ва қисман биологик рукурсдан назар ташлаб, шундай хулоса қилиш мумкин: аёл кўнгил тугёнларининг асосий мақсади — одамзод наслини ўртамиёна ораликда сақлаш, бетакрор сиймолар сараланишига монелик кўрсатиш ва инсон тангримонанд ёхуд фаришта даражасида юксалишига йўл қўймасликдан иборат.

*Хосе Ортега-и-Гассет. “Эстетика.  
Философия культуры” китобидан  
олинди.*

*Русчадан  
Абдуҳамид ПАРДАЕВ,  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси*



## Адабий жараённинг холис талқини

Мустақиллик даври адабиёти.

Фафур Фулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи.

Тошкент – 2006.

**Б**адий асарнинг баҳосини халқ беради, лекин асар замирида ётган фалсафа, маънавият, маърифатни очиб бериш, унинг ҳақиқий қимматини белгилаш адабиётшунос ва адабий танқидчи зиммасига тушади. Уларнинг холис таҳлили ўқувчи онгида давр, замон манзараси ҳақида яхлит тасаввур уйғотади, муаммо ва эврилишлардан огоҳ қилади, шунингдек, адибларнинг ҳаётдаги, сўз санъати оламидаги ўрнини англашимизга кўмак беради. Албатта, барча илмий ишлар бундай кувватга эга эмас. Лекин «Мустақиллик даври адабиёти» тадқиқоти шундай улкан салоҳиятга эга. У юртимизнинг забардаст адабиётшунос олимлари томонидан ёзилгани учун адабиётшунослик илмини анча юқори поғонага кўтарган.

Яна шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, мустақиллик даври адабиётининг асосий тамойилларини маълум даражада белгилаб берувчи ва яхлит умумлаштирувчи салмоқли тадқиқот шу пайтгача яратилмаган эди. Мазкур адабий-танқидий, илмий тўплам бу бўшлиқни тўлдиради ва кейинги излашлар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ана шу муҳим жиҳатига кўра ҳам етакчи адиб ва мунаққидлар қаламига мансуб “Мустақиллик адабиёти” тадқиқоти қатта аҳамият касб этади.

Китоб Ўзбекистон қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Адабиёт ва замон» мақоласи билан бошланади. Унда адиб жамият ҳаётидаги ўзгариш ва эврилишларнинг халқ маънавиятига, хусусан бадий адабиётга берган тухфасини таҳлил қилиш орқали мустақиллик моҳиятини очиб беради. Шоир адабиётнинг замонавийлиги ҳақида шундай ёзади: «Афсуски, эски давр мафкурасидан тепки еб, захага учраган онгимиз ханузгача замонавийликни маддоҳлик деб тушунади. Холбуки, замонавийлик ўзинг яшаб турган муҳитдан, олаётган тоза нафас, тоза

ҳаводир». Адиб замонавийлик моҳиятини ана шундай янгича нигоҳ билан таърифлайди. Айни замонда, шоир сиёсатни ижтимоий ҳаётда, адабиётда тутган ўрни хусусида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асари мисолида теран фикрлар билдиради. бу «Адабиёт сиёсатдан холи бўлиш керак» деб қаровчиларнинг фикрини ўзгариши турган гапдир.

Китобдан жой олган Ўзбекистон Қаҳрамони, катта олим, таржимон Озод Шарафиддиновнинг «Миллатни уйғотган адиб» ҳамда академик Матёқуб Қўшжоновнинг «Ёзувчи камолоти» мақолалари ҳам теран тадқиқотлардан ҳисобланади. Улардан биринчисида Ойбек ижоди янгича нигоҳ билан ёритилган бўлса, иккинчисида буюк Соҳибқирон Амир Темур сиймосининг ўзбек адабиётидаги аввалги ва ҳозирги талқини илмий умумлаштирилади.

Таниқли ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Маънавият, модернизм ва абсурд» мақоласи ҳам тўпламдаги жиддий тадқиқотлардан биридир. Ўзбек адабиётида мустақилликдан кейин модерн йўналишдаги асарларга эътибор кучайди, табиийки унга нисбатан турли-туман фикрлар ҳам пайдо бўлди. Айримлар бу йўналишни ҳозирги тафаккур тарзини белгилайди деб аънавий ижоддан устун қўйишса, бошқалар эса, тушкунлик кайфиятини ифодалайди, деб уни тамом инкор қилишга уринадилар. Мақолада Пиримқул Қодиров жуда кўп манбаларга суянган ҳолда модернизм оқимининг моҳиятини очиб бериб, бу қарашларга аниқлик киритади. Жумладан, у ирланд ёзувчиси Жеймс Жойсининг бу борадаги ютуқларини эътироф этиш билан бирга, уни ватандан, халқдан, диндан юз ўгиришини маънавий тушкунлик ва ёлғизлик азобига гирифтор бўлганлиги билан изоҳлайди. «Ўз халқини қадрламаган, ўз ватанини инкор этган, дахрийликка берилган одам тарихни,

бутун дунёни ва одамзодни ҳам қоралашга тушиб кетиши мумкин экан» деб ҳулоса чиқаради адиб. Дарҳақиқат, ҳаётдаги айрим ноҳуш ҳолатлар, баъзи кишилардаги шахсий иллатлар учун бутун жамиятни, бутун инсониятни қоралаш ақлдан эмас. Адиб ўзбек модерн шеърлари ва насрида кўриниб қолаётган нуқсонларни пухта таҳлил асосида чуқур исботлаб берадики, ёзувчининг бу ҳақли мулоҳазаларига биз ҳам қўшилаемиз.

Академик Бахтиёр Назаров «Истиқлол даври ўзбек шеърятининг манзаралари» мақоласида бугунги шеърят манзараларини чизар экан, кўламини кенгроқ олади. Яъни, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдан тортиб, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Сирожиддин Саййид, Тоҳир Қаҳҳор шеъригача тўхтайди. Энг муҳими, олим ҳозирги шоирлар истиқлолни қандай ҳис қилганлиги, ватан туйғусини қандай ифодалаганлигини, бу борадаги ўзига хослигини очиб беришга катта эътибор беради. Мақоланинг муҳим фазилатларидан бири шуки, унда адабиётимизнинг босиб ўтган йўли тўғри умумлаштирилган. Олим Зулфия опанинг «Хотирам синиқлари» достонидан:

Халқ ганжин юлмоққа чўзилган кўлга  
Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат, –

сатрларини келтиргач, шундай ёзади: «У яқин ўтмиш билан бирга ўз туйғулари, дунёқараши, босиб ўтган йўлни ҳам мардона таҳлил ва тафтиш этишга журъат топадики, бу ўша даврларда фаол ижод этиб, сўнг ҳаётини назардан ўтказган барча ижодкорларда кўзга кўринадиган хусусият эмас». Бу фикр тоталитар тузум шароитида яшаб ижод этган санъаткорларнинг асарларини бир хил мезонлар билан баҳолаб бўлмаслигини таъкидлаш жиҳатидан ҳам муҳимдир.

Адабиётшунос Наим Каримовнинг «Тарих ва адабий жараён» мақоласи мазкур масалани янгича ёритиш, талқин қилиши билан ажралиб туради. Наим Каримов марварид қидирган ғаввосдек, асардан фазилат қидиради ва топади, уни юзага чиқариб, инкор қилиб бўлмайдиган даражада асослайди. Бу нарса тарихий жараёнга бўлган муносабатда, «Қутлуғ қон» романида ҳамда тарихий мавзуда битилган «Ғазнавийлар» романлари бағрига сингдирилган яширин қатламларни, маънавиятни нозик дид билан чуқур очиб бериб, таҳлил имкониятларини кенгайтирганида кўринади. Мақоланинг ички қуввати ҳам шундадир.

Профессор Умарали Норматовнинг «Адабий таълимнинг янги даври» ма-

қоласида мактаб дарсликлари яратишдаги муаммолар, дуч келган қийинчиликларни ечишдаги машаққатлар ҳамда оқилона ечимлар кенг умумлаштирилиб берилади.

Филология фанлари доктори, санъатшунос Ҳафиз Абдусаматовнинг «Истиқлол ва драматургия» номли мақоласида ҳам кейинги йилларда яратилган драматик асарлар холис таҳлил қилинган.

Олим бугунги кунда театрларда ўйналаётган драмаларга кенг тўхтайди. Маълумки, айрим сахна асарларининг сюжети ҳаётдан узоқ, бачкана воқеалар асосига қурилгани сир эмас. Афсуски, уларнинг аксарияти Эркин Хушвақтов қаламига мансуб. Мунаққид бу драмаларнинг камчилигини кўрсатар экан, шундай ёзади: «... Э.Хушвақтовнинг айрим асарларини кўриб, ҳайрон бўлиб, ранжийди киши. Нима учун? Энг аввало, шуни айтиш керакки, муаллиф фольклор-этнография ниқоби остида, ҳаёт ҳақиқатидан, жамиятнинг долзарб муаммоларидан чекинган, шундай фантазиясини ишга солгандай бўлиб, ўзи хоҳлаган дидига мос тушган нарсаларни асарларига олиб кирган». Олим «Чимилдиқ», «Қаллиқ ўйин» драмалари таҳлили орқали танқидий фикрларни асослашга муваффақ бўлган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, олим Муҳаммад Али ўзининг «Тозариш йиллари» мақоласида бадиий адабиётнинг асосий вазифасига тўхталади, уни мустамлака замонидан кўйларга солинганини ҳозирги даврга қиёслаш воситасида бугунги адабиётнинг ёрқин манзараларини чизиб беради. Натижада бугунги кун адабиёти ҳақида яхлит тасаввур ҳосил бўлади.

Профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг «Англашнинг узун йўли» мақоласини чинакамига янгича қараш, янги тафаккур дейиш мумкин. Тўғри, унинг баъзи фикрлари, хусусан «Бадиий адабиётга фақат инсониятни саодатга элтиши лозим бўлган ҳодиса деб қараш бир ёқлама ва одамни камситадиган ёндашувдир. Гўё одамларга тўғри йўл қаерда эканлигини кўрсатадиган, уни саодатга элтадиган қандайдир ижодкор бордай. Ҳолбуки, дунёдаги чинакам истеъдод эгаларининг бирортаси тўғри йўл қаёқда эканлигини ўзгаларга кўрсатиш у ёқда турсин, ўзлари учун ҳам топа олмаганликларини айтиб келишади». Тўғри, бу фикрларда жон бор. Лекин ўқувчи асардаги дард, алам, изтиробларни, одамларнинг фожиасини ўқиганда ўзининг дарди енгиллашгани, қийнаб келган муаммоларга жавоб топгани, қалби бир қадар

поклангани, қолаверса, маънавий, руҳий жиҳатдан бойигани саодат сари қадам ташлаш эмасмикан? Ёки ёмонликларнинг оқибати таназзулга юз тутиш, қабоҳат эканлигини англаш туфайли ўзини шундай ишлардан тийишга интилиши, қалбида нафратдан кўра меҳр уйғониши, яхшиликка ҳавас, ёмонликдан ҳазар қилиш ҳам адабиётнинг буюк кучини кўрсатмайдими? Унга, муаллиф айтгандай, моҳиятни англаш орқали муяссар бўлинади. Ҳамма гап англашда. Демак, адабиёт ҳамisha саодатга етаклайди.

Мақолада бундай баҳсли ўринлар кўп. Лекин шунга қарамай, у қониқиш билан ўқилади. Бу ҳол фикр талқинининг янгилигидандир.

Тўпلامдан бугунги адабиётнинг бир қанча муаммолари, яъни ижод психологиясига, муҳаббат талқинига, замонавий ва тарихий наср масалаларига, шунингдек, А.Орипов, Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон шеърлари таҳ-

лилига, адабий танқидчилик ва унинг вазифаларига, Машраб ҳаётига бағишланган роман, модерн йуналишидаги қиссалар таҳлилига бағишланган назарий жиҳатдан бақувват тадқиқотлар ҳам жой олган. Улар олим ва шоирлар – И. Фафуров, С. Саййид, А.Ра-сулов, С.Содиқ, Отаули, О.Абдуллаев, С.Умиров, Б.Дўстқораев, Ҳ. Болтабоев, Н. Жаббор, Б. Карим, У. Ҳамдамларнинг қаламига мансубдир. Афсуски, бу ихчам тақризда уларнинг барчасига тўхташга имкон йўқ.

Хулоса шуки, мазкур китобда бугунги адабиётнинг ўзига хос фазилатлари, кечаги ижод намуналаридан фарқли жиҳатлари яхши очиб берилган, кўп муаммо ва масалалар холис ёритилган. У адабиётимизнингкамолотини яққол кўрсатиб беришга хизмат қилади, ўқувчи тасаввурини бойитади, уни мушоҳадага, баҳсга чорлайди. Тўпلامнинг адабиёт илмидаги ўрни ва аҳамияти шундадир.

*Ҳакимжон КАРИМОВ,  
филология фанлари  
доктори, профессор*



СОМДЕВ

# Достонлар уммони

ТЎРТИНЧИ КИТОБ

## НАРВАХНДАТТНИНГ ТУФИЛИШИ

БИРИНЧИ ДОЛФА

**Т**ўсиқларни бартараф этувчи зотга шарафлар бўлсин! У шалпанг қулоқларини шалоп-шулуп қилиб силкитганда, уларнинг зарбидан энг баланд тоғлар силжиб кетар эди ва бутун ер юзи, худди ўртасидан нусрат йўли ётқизилгандай, унга қарам бўлиб қолар эди.

Ватслар ҳукмдори шоҳ Удаян энди Каушамбҳида истиқомат қиларди ва етти иқлим устидан қозонган ғалабаси нашидасини сурарди, зеро, эндиликда ёруғ олам узра бир унинг шоҳона соябони кўлка ташлаб турарди. Салтанат борасидаги ташвишлар юкини Яугандхрайан ва Руманватга ишониб қўйганча, у беғам-беқайғу бахтиёрлик лаззатини тотмоқда эди ва Васантак жамиятида хузур қилиб яшашдан ўзга бирон юмуши қолмаганди. Уд торларини чертиб, у маликалар Васавдатта ва Падмаватий кўшиқларини тинглашдан олам-олам завқ оларди. У чертган уд созининг овози хонанда маликалар овозига шу қадар ҳамоҳанг жанангалар эдики, фақат торлар узра ўйнаётган бармоқларигина унинг соз чалаётганидан дарак берарди.

Оппоқ ой нурига кўмилган сарой томида Удаян шон-шавкатидан маст бўлганча, гўё душманлари бағридан оқаётган қондек тошқин ва жўшқин майи нобдан пайдар-пай нўш этар эди. Ишқ тангриси салтанати тахтига ўтқазииш маросими ўтказмоқчи бўлгандек, париваш қизлар олтин паймоналарда унга чўғдек товланувчи шаробдан сузиб берар эдилар. Ҳар иккала маликага эса шоҳ жаннат ҳиди бурқсиб турган оташин май манзират қилар, шоҳ манзиратидан миннатдор бўлган маликаларнинг гул-гул чеҳралари май мавжлари узра бир жуфт ҳилолдек жилва қилар эди. Шоҳ суюкли рафиқалари юзига қанча боқмасин, сира кўнгли қониқмасди — уларнинг хурлиқо рухсорларида рашк ё адоватдан ном-нишон кўринмас, эгма қошларини ҳар гал ноз билан қоққанларида шоҳнинг ишқ тўла юраги тўлганиб кетар эди. Лиммо-лим биллурий қадаҳлар териб қўйилган шоҳона зиёфатхона тонг кўёшининг нурларидан ял-ял ёнган оқ нилуфарли кўлга ўхшарди.

Тоғ-тоғ шикорбозларини ёнига олиб ва қўлида камон тутиб, шоҳ ўрмонга шикорга йўл олар эди, ўрмон ҳам худди шоҳ эғнидаги хизрий тусли либос каби зумуррад рангда товланарди. Ҳар пайкон йўллаганда қобонлар галаси типирчилаганча лойга қорилар эди, пайконлар эса зулмат қаърини тешган кўёш нурларидек тўғри мўлжалга бориб урарди. Охулар ортидан таъқиб қилганида шўрлик жониворларнинг ваҳимаси шоҳ яқинда забт этган Олам малоика<sup>1</sup>лари кўзидаги қўрқинччи эсга солиб юборарди. Ҳўкизларни ўлдирганида эса қонга бўялган замин бу ваҳший ҳайвонлар мугузи даҳшатидан халос қилгани учун

<sup>1</sup> Қадимги ҳинд бадий асарларида аёллар шундай сифат билан аталган.

Охири. Боши январ сониди.

шоҳдан миннатдор бўлган қизил нилуфарлар даласига менгзаб кетарди. Айниқса, улоқтирган ойболтаси арслонларнинг оғзидан кириб, баданидан тешиб чиққанида ва даҳшатли ўкирик билан улар ҳаётдан қўз юмганларида шоҳнинг севинчи ичига сиғмай кетарди. Гарчи тоғ оралиқларида у итларни пистирмага қўйиб қўйган ва йўлларга қопқонларни териб чиққан бўлса-да, у бир ўзи ва ўзининг қуроли билан ов қилишдан бошқача ҳузур қиларди.

Ана шундай кайф-сафо ва лаззатлар оғушида масту мустағриқ бўлиб турган бир паллада унинг ҳузурига донишманд Норад<sup>1</sup> қадам ранжида қилиб қолди. Донишманднинг вужудидан нур тараларди, у буюк шоҳ ва унинг наслига муҳаббати важдан ерга нозил бўлган энг йирик осмон чироғи — кўёшга ўхшарди. Шоҳ уни эҳтиром билан қарши олди, пойига тиз чўкиб, хокини кўзига сурди, бундан хурсанд бўлган Норад бир оз қадамини секинлатди-да, сўнг деди: «Қулоқ сол, эй ватслар ҳукмдори, мен сенга бир қисқа ривоятни сўзлаб бермоқчиман:

## ПАНДУ ҲИКОЯСИ

Бир замонлар сенинг ажлодинг, Панду исмли шоҳ яшар эди. Бу қудратли шоҳнинг худди сенга ўхшаб иккита хотини бор эди. Бирининг исми Кунтий, иккинчисиники Модарий эди. Баҳри муҳит белбоғдай боғлаб турган ёруғ оламни забт этиб, Панду бахтдан масрур ва мағрур эди, бироқ кунларнинг бирида азбаройи ов ишқига берилганидан ўрмонга қараб йўл олди. У ерда у пайкони билан Киндам исмли бир қаландарни отиб қўйди, Киндам оху қиёфасига кириб, ўз жуфти билан жимо қилиб турган эди. Ўзидан оху қиёфасини олиб ташлаб, қаландар жон талвасада Пандунинг дуойи бад қилди: «Сен мени енгилтаклигинг оқибатида ўлдирдинг, мен эса ўз ҳолим билан ўзим эдим, илоё сен ҳам бир кун келиб, хотининг кучоғида жон таслим қилгил!»

Қаландарнинг дуойи бадида қўрқиб, Панду шаҳвоний лаззатлар кетидан тушмай қўйди ва иккала хотинини олиб, тинч ўрмон ичига равона бўлди. Бироқ бир кун дуойи бад таъсири остида у хотини Модарий билан қовушиб қўйди ва ўша заҳоти ёруғ дунё билан видолашди.

Кўрдингми, эй шоҳ, шикор — бу ҳукмдорларнинг бошига битган бало. Ахир шикордан озмунча шоҳлар ҳалок бўлмадиларми? Улар ўзлари овлаган урғочи газоладай ўлиб кетавердилар. Тўғри-да, шикорнинг оқибати ҳеч яхши бўлган эмас, у бамисоли рақшас — девга ўхшайди, рақшасни биласан-ку, у ҳам ёвузларча қичқиради, фақат одам гўшти ейди, қаҳри қаттиқлиги, тундлиги билан танилган, сочлари тиккайган, тишлари сўйлоқ — пайкон учига ўхшайди. Шу боис шикордан ўзингни тий, бу ўтакетган бемаъни қилиқ. Ахир ўрмон ҳайвонлари учун ҳам, уларни ўлдирувчилар учун ҳам ўлим бирдек даҳшатли.

Сен эса улуг ишлар учун дунёга келгансан, шунинг учун ҳам мен сенинг ажлодларингни жуда қадрлайман. Билиб қўй: сен дунёга келадиган ўғлинг Ком<sup>2</sup>нинг тажассуми бўлмай. Бир вақтлар Рати<sup>3</sup> Жисмсиз (Ком) зотга жисмли тажассумни инъом этишини илтижо қилиб, Шива шаънига ҳамду санолар айтган эди. Бундан мамнун бўлган Шива Ратига икки оғиз сўз билан бир сирни маълум қилганди: ўғил кўришни истаган Гаурий маълум бир кунда ўзининг асл қиёфасида ерга нозил бўлади ва шундан кейин менга мурувват кўрсатиб, Комни дунёга келтиради. Шундай қилиб, бандалар ҳукмдори Девий ерда Чандмаҳасеннинг қизи Васавдатга бўлиб туғилади ва у сенинг завжаи бокиранг — малика бўлади. Энди, агар у маъбуд Шиванинг қўнглини олса, Комнинг тажассумида бир ўғил туғиб беради, барча видийаҳарлар устидан ҳукмдор бўлиш унинг толеига битилган».

Ҳар бир сўзи бутун дунёда олтин баробарида бўлган донишманд Нораднинг бу башорати аввал ёруғ оламни забт этиб порлаган, кейин эса кўпчилик нигоҳидан панада қолган шоҳни яна ер юзига қайтарди.

<sup>1</sup> Н о р а д — етти илоҳий донишмандлардан бири, Браҳманинг ўғли. Афсоналарда маъбудлар ва бандалар ўртасида воситачилик қилади.

<sup>2</sup> Ишқ тангриси.

<sup>3</sup> Комнинг хотини

У кетганидан кейин ватслар ҳукмдори ва Васавдатта ўғил кўриш иштиёқида бутун тунни орзулар огушида ўтказишди.

Эртасига дарборда турганида шоҳнинг ҳузурига Нитйодит деган бош дарбон келди-да, шундай деди: «Улуғ шоҳ, эшик олдида иккита боласи билан аллақандай браҳман аёл турибди, у ҳазрати олийлари билан кўришмоқ истайдир». Буни эшитиб, шоҳ аёлни ичкарига киритишини айтди ва бошдан-оёқ чангга беланган, озгин, рангида ранг қолмаган браҳман хотин пайдо бўлди. Мингямоқ қўйлаги баданини тўлиқ яширолмаганидан ерга киргудек бўлиб турган аёл, бамисоли Қайғу ва Қашшоқлик маъбудасидек, иккала боласини бағрига маҳкам босиб олганди. Шоҳга етти букилиб қуллуқ бажо келтиргач, аёл унга деди: «Мен таг-тугли браҳман авлодиданман, ҳозир эса кўриб турганингиздек, мана бундай ачинарли ҳолга тушиб қолдим. Худонинг инояти билан икки эгизак туғдим, аммо ейишга ҳеч вақом йўқ, шунинг учун кўкрагимда ҳам сут куриб қолган. Нажот истаб ҳузурингизга талпиниб келишдан бошқа чорам қолмади, шоҳим. Ахир, нажот истаб ҳузурингизга бош уриб келган бирон кимса йўқки, сиз ундан марҳаматингизни дариф тутган бўлсангиз. Менинг тақдирим сизнинг қўлингизда, олампаоҳ».

Хотиннинг гапларини эшитиб туриб, қўнгли шафқат ҳиссига тўлган шоҳ дарбонга буюрди: «Бу хотинни малика Васавдатта ҳузурига олиб бор. Бунга у қарасин». Ўша заҳотиёқ дарбон, мана бу браҳман хотинга савоб ишлар қилиш учун дунёга келганидек, уни малика ҳузурига бошлаб кетди. Браҳман хотинни шоҳ юборганини билиб, Васавдаттанинг қўнглида унга нисбатан ҳеч қандай шубҳа пайдо бўлмади. Гарчи иккита боласи бўлса ҳам бу хотиннинг қашшоқлигини кўриб, Васавдатта ўйланиб қолди: «Оҳ, Яратганнинг ишлари қанчалик адолатсиз-а! Шу пайтгача мен биргина ўғил фарзанднинг тирноғига зорман, унинг эса бир эмас, икки ўғли бор».

Фусл қилишга ҳозирланаётиб, шу гапларни қўнглидан ўтказиб турган малика канизақларига браҳман хотинни ювинтириб қўйишни ва у муҳтож бўлган ҳамма нарсани муҳайё қилишни буюрди. Канизақлар уни ювинтириб қўйгандан кейин унга кийимлар беришди ва тотли таомлар бериб овқатлантиришди. Бамисоли жазирамадан жингиртоб бўлган ер ёмғирдан кейин нафас олгандай, браҳман хотин енгил нафас олди. Хотин ҳордиғини чиқариб бўлгач, у билан зимдан яқинроқ танишиш ниятида малика Васавдатта деди: «Ҳой браҳман хотин, менга битта-яримта ривоят сўзлаб берсанг-чи». «Бўпти», — деб жавоб берди браҳман хотин ва ҳикоясини бошлади:

## ДЕВДАТТ ҲИКОЯСИ

«Бир замонлар Жайдатт деган кичикроқ шоҳ яшар эди. Худо унга бир ўғил ато этди ва чақалоққа Девдатт деб исм қўйди. Ўғил вояга етиб, уни уйлантириш вақти келганида, ўзига яраша фаҳм-фаросати бўлган шоҳ ўйлай бошлади: «Шоҳларнинг толеи ҳар кимнинг қўлида қўғирчоқдай ўйнайдиган жазман аёлдан фарқ қилмайди, савдогарларнинг толеи эса бошқа ҳеч ким тортиб ололмайдиган вафодор хотиндай собит. Шунинг учун унга савдогар оиласидан қиз олиб бераман, мусибат нималигини билмай яшайди, зеро, салтанатимга кўз тикканларнинг сон-саногии йўқ». Шундай қарорга келиб, шоҳ Паталипутра шахридан Васавдатт деган савдогарнинг қизига оғиз солди. Ўзининг насаби олийлигидан мағрур Васавдатт, гарчи олис мамлакатда яшаса-да, қизини шаҳзодага беришга рози бўлди. У куёвини шунчалик кўп бойлик билан сарафроз этдики, шаҳзодага отасининг бойлиги ҳеч нимадай кўриниб қолди. Шундан сўнг шоҳ Жайдатт бой савдогарнинг қизига уйланган ўғли билан бахтиёр умр сура бошлади.

Бирмунча вақт ўтгач, қизини соғинган савдогар Васавдатт қудасиникига меҳмон бўлиб келди ва уч-тўрт кун ўйнаб келарсан, деб қайтишда қизини ўзи билан бирга олиб олди. Шу орада кутилмаганда шоҳ Жайдатт оламдан ўтиб қолди ва унинг қариндош-уруғлари фитна кўзгаб, унинг тахтини эгаллаб олишди. Уларнинг олдида даҳшатга тушган Девдаттнинг онаси билдирмай ўғли билан бошқа мамлакатга қочиб кетди. Шунда қайғуга ботган она шаҳзодага қараб деди: «Биз Машриқ ҳукмдори, қудратли шаҳаншоҳнинг вассалларимиз. Унинг

хузурига бор, у сенга салтанатни қайтиб беради, ўғлим». Онасининг бу сўзларига жавобан шаҳзода деди: «Ёнида аёёнлари бўлмаган мендай сўққабош шаҳзоданинг гапини ким ҳам эшитарди?» Буни эшитиб, она яна унга қараб деди: «Унда қайнотанг хузурига бор, ундан пул сўра, ёнингла аёёнлар берсин, кейин ҳукмдор хузурига кира қол». Она ўғлини бир амаллаб шунга кўндирди ва охири ўғил йўлга тушди, қош қорайганда қайнотасининг уйига етиб келди. Бироқ отасининг ўлими ҳақида гапираётди йиғлаб юборишдан қўрқиб ва бахтини бой берганидан уялиб, у уйга шундай бемаҳалда, ярим тунда киришга юраги бетламади. Шунда у сал наридаги браҳманлар хонақосида қўнди.

Тўсатдан тунда у қайнотасининг уйдан қандайдир хотин арқонга осилиб тушаётганини кўриб қолди. Эғнида осмондаги чақноқ юлдузлардай қимматбаҳо тошлар қадаб безатилган либос, ҳаял ўтмай унинг ўз хотини эканини билиб қолди ва юраги муздай бўлди. Хотини эса уни кўрди-ю, лекин танимади, чунки шаҳзода озиб кетган, бунинг устига энгил-бошини қалиң чанг қоплаганди. «Кимсан?» — деб сўради хотини шаҳзодадан, шаҳзода эса: «Йўловчиман», — деб жавоб қайтарди. Шунда савдогарнинг қизи хонақоҳга кирди, шаҳзода эса нима гаплигини билиш мақсадида унинг ортидан кетди.

Хонақоҳда савдогарнинг қизи аллақандай бир эркакнинг олдига борди, нега бунча кеч қолдинг, деб эркак уни болохонадор қилиб сўқди ва бу ҳам етмагандай уч-тўрт тепки билан «сийлади» ҳам. Шунда бу ярамас жувон тепкилардан ҳирси икки баравар кучайиб, ҳалиги одамни ноз билан эркалай кетди ва у билан ишқий лаззатларга берилди.

Булар барини кўриб, доно шаҳзода ўйлай бошлади: «Ҳозир газаб қилишнинг мавриди эмас, менинг мақсадим бутунлай бошқа. Душманларга мўлжалланган шамширимни мана бу икки ярамасга: хотиним ва унинг ўйнашига қарши қандай яланғочлайман? Боз устига, гап бу ерда бевафо хотинимда ҳам эмас! Бошимга мусибат ёмғирини ёғдирган мудҳиш қисматим иши бу, менинг матонатимни синашдан завқ оляпти. Балки, бу ерда айб менинг ўзимда, номуносиб қизга уйланганимдир? Зеро, қарға какку уясида ётиб лаззат олармиди?»

Шундай хаёлларни дилидан кечириб, у хотини ва унинг ўйнашидан ғам чекмай қўйди. Зеро, ердаги хасдан ҳам хор бўлган аёллар юраги ғалаба иштиёқида ёнган шавкатли одамлар наздида нима бўлибди? Бу вақтда савдогарнинг қизи хушторини маҳкам қучганича оҳ-воҳ қилар экан, қулоғидаги кўплаб дур қадаб безатилган сирғаси ерга тушди. Аммо жувон буни пайқамади ва висол онлари тугагач, хуштори билан хайр-хўш қилиб, қайси йўлдан келган бўлса, ўша йўлдан уйига қайтиб кетди. Унинг хуфиёна ўйнаши ҳам тезгина аллақаяққа ғойиб бўлди ва бир ўзи қолган шаҳзода аста бориб сирғани ердан олди. Қимматбаҳо тошлардан сирға неча хилда товланиб чарақларди, азбаройи нурларнинг ўткирлигидан шаҳзода тушқунлик зулматини ёриб, йўқолган бахтини топиши учун Яратганнинг ўзи унга инъом этган чироқни қўлида ушлаб тургандай ҳис этди. Сирғанинг жуда қимматбаҳолигини ва шу тариқа излаб юрган нарсасини топганини кўриб, шаҳзода хонақоҳни тарк этди ва тўғри Каякубжга қараб йўл олди.

У ерда у сирғани юз минг олтин тангага гаровга қўйди, бунга фил ва отлар сотиб олди ва ҳукмдор хузурига равона бўлди. Ундан қўшин олиб, у душманларига қарши уруш очди, жанг қилиб, уларнинг абжағини чиқарди, ғалаба қозониб, онасининг бошини кўкка етказадиган ишни қилди — ўз аждодларидан мерос бўлиб келаётган салтанатни қайта қўлга киритди.

Кейин гаров қўйган сирғани сотиб олди-да, сирни фош этиш учун уни қайнотасига юборди. Қайнота сирғани олгач, унинг ўз қизиники эканига заррача шубҳаси қолмади ва қаттиқ изтиробга тушди. У сирғани қизига кўрсатди, қизи бир вақтлардаги яхши номини йўқотгани каби бу сирғани ҳам бутунлай йўқотдим деб юрар эди; сирғага кўзи тушиши ҳамон уни эри юборганини фаҳмлаб, дарҳол ҳаммаси эсига тушди: «Мен бу сирғани браҳманлар хонақосида йўқотган эдим, бу ўша, мен у ерда қандайдир йўловчини учратган тунда содир бўлганди. Ҳа, шубҳасиз, бу менинг юриш-туришимдан хабар олгани келган эрим эди. Мен уни танимагандим, у эса сирғамни олган», — деб ўйлади савдогарнинг қизи. Жувон шу гапларни дилидан ўтказди-ю, мудҳиш сири фош бўлганига бардош беролмай, юраги ёрилиб жон берди. Шунда савдогар

ота бу сирдан хабардор чўрисини сўроққа тутди, ундан ҳамма нарсасини билиб олгач, қизи учун қуймай қўя қолди. Шаҳзода эса салтанатни қайтариб олгач, ўзи нусрат ила асир олган ҳукмдорнинг қизига уйланди ва шундан кейин бахту тахти завол билмай, узоқ замонлар давру даврон сурди.

Ана шунақа, маликам: аёллар юраги гуноҳ чоғида олмосдай мустаҳкам бўлади, аммо ташвиш ва қўрқув қамраб олса, гулдай нозик бўлиб қолади. Тўғри, юраги пок ва саховатли, худо берган аёллар ҳам бўлади, улар бамисоли дур каби ўзлари билан ер юзига зеб бериб турадилар. Шоҳларнинг бахти худди оҳуга ўхшаб чопағон ва тутқич бермасдир. Фақат доноларгина уни мардликнинг мустаҳкам занжиринида тутиб тура оладилар. Шу боис, кимки муваффақият сари интилса, бошига оғир мусибат тушганда ҳам ўзини йўқотмай, руҳини туширмаслиги керак. Бунга мисол — менинг ўз тақдирим. Мен, маликам, бошига бемисл кулфат тушганда ҳам пок номимга доғ теккизмадим, мана шунинг мевасини тотаяпман — сиз билан учрашиш бахтига ноил бўлиб турибман».

Браҳман хотиннинг оғзидан бу ҳикояни эшитиб, малика Васавдатта унга ҳурмат кўзи билан қарай бошлади. «Бу хотин, шубҳасиз, яхши оиладан чиққан. Узининг покдомонлигига сўзамоллик билан шама қилиш санъати ва нутқининг пурмаънолиги унинг насабдор эканлигини айтиб турибди. Шоҳ ҳузуринида бўлганида ўзини оқилона тутганлиги ҳам шундан гувоҳлик беради», — деб дилидан ўтказди малика ва яна браҳман хотинга мурожаат қилди: «Айт-чи, сен кимнинг хотинисан ва бошингдан не савдолар ўтди?» — бунга жавобан браҳман хотин яна ҳикоя сўзлашга тутинди:

### ПИНГАЛИКА ҲИКОЯСИ

«Малв деган мамлакатда Агнидатт исмли бир браҳман яшарди, у қадр-қиммат ва сўзамоллик тажассуми эди. Ўзининг бутун бойлигини у ўз хоҳиши билан муҳтожларга улашар эди. Вақти-соати келиб, у икки ўғил кўрди, иккаласи ҳам оталарининг ўзгинаси эди. Каттасининг оти Шанкардатт, кичигиники эса Шантикар эди. Шулардан кичиги Шантикар азбаройи билимга ташна-лигидан ҳали мурғак болалигидаёқ она уйини тарк этди-да, эй малика олия, номаълум ёқларга бош олиб кетди. Иккинчиси, яъни тўнғичи эса менга, яъни браҳман Яжнядаттнинг қизига уйланди, у қурбонлиқларда иштирок этавериб, бойиб кетди.

Вақт ўта-ўта эримнинг отаси Агнидатт қартайди ва ёруғ дунёдан қоронғу дунёга рихлат қилди, орқасидан хотини ҳам ўша ёққа йўл олди. Шунда, қорнимда бола бўлса ҳам, эрим мени ташлаб кетди ва қадамжоларни зиёрат қилгани равона бўлди. У ёқда мусибатларга бардош беролмай, маъбуда Сарасватийга бағишланган оловда ўз жисмини қурбон қилди. Қайтаётганларида ҳамроҳлари буни менга ҳикоя қилиб беришганида мен ҳам эримга таъсиб қилиб, ўзимни оловга топширмоқчи бўлдим, бироқ ҳомиладорлигимни билган қариндош-уруғларим бунга йўл қўймадилар.

Кўп ўтмай ҳали жудолик гами кўнглимдан кетмай туриб, бирдан қароқчилар бостириб келди ва уйимизни ҳам, шоҳ инъом қилган еримизни ҳам шипшийдон қилиб кетди. Қолган-қутган кийимларимни олдим-да, номусим булғанишидан қўрқиб, уч нафар браҳман хотинига қўшилиб қочдим. Бутун мамлакат пароканда бўлиб кетгани боис, мен улар билан овлоқ бир жойга кетдим ва бир ой ит куни билан ўша ерда яшадим.

Сўнгра одамлардан ватслар ҳукмдори ер юзидаги жамики шўрпешоналар балоғардони эканини эшитиб, браҳман хотинлар билан бирга шу ёққа йўл олдим, йўл бўйи ишонган тоғим дилимдаги покдомонликка бўлган ишонч-этиқодим эди. Аҳиллик туфайли мени ташлаб кетмаган учала браҳман хотин билан бу ерга етиб келар-келмас бирданига иккита — эгизак фарзандли бўлдим. Шунча ғам, бегона юрт, қашшоқлик етмагандай, энди бошимда қўшалок бола! Ҳайҳот, асли Парвардигор қаршимда мусибатлар дарвозасини ланг очиб қўйган экан-да!

Ўғилларимни ўзим боқиб катта қилолмаслигимга кўзим етгач, мен аёлларнинг зийнати — уятни бир четга йиғиштириб қўйдим-да, — ахир беғуноҳ ва маъсум чақалоқларнинг азоб чекишига ким чидаб тура оларди! — садақа тилаб



ватслар ҳукмдори саройига қараб йўл олдим. Ул зотнинг амри фармонлари шарофати билан мен сиз билан кўришиш бахтига мушарраф бўлдим. Шундан кейингина мени таъқиб қилмай қўйди, гўё уларни биров эшикдан нари ҳайдаб юборгандай.

Бошимдан ўтганлари шулар. Исми Пингалика<sup>1</sup>, чунки болалигимдан қурбонлик гулханлари тугуни туфайли кўзларим қип-қизил бўлиб қолган. Мусофир юртига кетган қайним Шантикар эса... билмадим, ҳозир қаерларда юрибди экан, маликам».

Браҳман хотин ҳикоясини тугатгач ва малика унинг тагли-тугли оиладан келиб чиққанига амин бўлгач, у бироз ўйлаб турди-да, кейин бирдан қувноқ оҳангда деди: «Бизнинг уй қоҳинимиз бор, шу яқин-атрофда туради, исми Шанкар, у ҳам ўзга юртлик — мусофир. Мана, мени айтди дерсан, шу сенинг қайнинг бўлиб чиқади». Малика браҳман хотинга шундай деди-ю, браҳман хотин тун бўйи юлдуз санаб чиқди. Эрталаб малика Шантикарга одам юбориб, унинг асли қаерданлигини сўраттирди. Шантикар ўз оиласи ҳақида сўзлаб берган эди, малика тантанали сувратда уни браҳман хотин олдига бошлаб борди ва баланд овозда деди: «Мана акангнинг хотини, келинойинг!» Улар бир-бирини дарҳол таниди ва браҳман хотин унга ота-онаси ва акасининг ўлиб кетганини айтгач, Шантикар келинойисини уйига олиб кетди. Таомилга кўра, у ерда Шантикар ота-онаси ва акасини эслаб, аччиқ-аччиқ йиғлади, Пингалика ва иккала ўғилчани қўлидан келганча яхшилаб парвариш қила бошлади.

Малика олия Васавдатта эса ҳар иккала эгизакнинг вақти келиб бўлажак ўғлига уй қоҳинлари бўлиб қолишини айтди, каттасига Шантисом, кичигига эса Вайшвар деб исм қўйди, иккаласини ҳам етти пуштига етгулик бойликлар билан сарафроз қилди. Бу дунёдаги ҳар бир тирик одам бамисоли кўрдай олдинги туғилишларида содир этган қилмишлари ортидан эргашиб юради, шуларга яраша ажру мукофотлар олади ва унинг мардлиги шу мукофотлар зуҳуридир. Шу боис эгизаклар, оналари ва Шантикар бадавлат бўлишди ва бир-биридан ажрамай, Каушамбида муқим яшаб қолишди.

Орадан хийла вақт ўтгач, бир куни Васавдатта саройида кулолнинг хотинини учратиб қолди, аёл бу ерга ўзининг бешала ўғли билан кулолчилик буюмлари олиб келган экан. Шунда маликаи олия сал нарида кўриниб қолган Пингаликага қараб деди: «Буни қара, дугонажон, унинг беш ўғли бор экан, менда эса битта ҳам йўқ. Кулолнинг хотини бўлиб туриб у бахтли-ю, малика бўлиб туриб мен бахтсизман». Бунга жавобан Пингалика деди: «Қашшоқларнинг кўрган куни курсин, қашшоқлиги етмагандай, худо уларга қулоғигача гуноҳга ботган фарзандлар беради. Сиздек олийнасаб оналар кўрган фарзанд тақдирига аълоларнинг аълоси бўлиш ёзилган. Шунинг учун сабр қилинг, ҳадемай фарзанди бўласиз, худои қош-кўзни сизнинг ўзингиздан олгандай сулув, отасидай шафоатли йигит бўлиб етишгай, худо хоҳласа». Пингалика ана шундай сўзлар билан маликага тасалли берди, бироқ Васавдатта, қачон келар экан ўша мен ўғил фарзанд кўрадиган кун, дея чуқур ўйга толиб қолди.

Шу аснода ватслар ҳукмдори унинг қошида пайдо бўлди ва унинг юрагини қай дард кемираётганини англади: «Норад келган эди, агар сен Гиришнинг кўнглини овласанг, ўғил фарзанд кўражагингни башорат қилди, — деди шоҳ Васавдаттага. — Шунинг учун, азизам, Шивага чин дилдан ихлос қўйишга ҳаракат қилайлик — барча неъматлар билан сарафроз этгувчи олий зот улдир». Малика шу онданоқ риёзатга ружу қўйди. Унинг ортидан шоҳ ҳам, вазиралар ҳам, бутун мамлакат ҳам риёзатга ружу қўйди.

Эр-хотин уч кечаю уч кундуз рўза тутди, охири Вибху (Шиванинг сифати) уларга мурувват кўрсатди ва тушларида намоён бўлиб, шундай деди: «Етар! Сизлар Комнинг тажассуми бўлган ўғил фарзанд кўрасизлар. Менинг амрим билан у видҳадҳарлар ҳукмрони бўлғай». Бошида ой ўроғи кўтариб олган Тангри шу гапларни айтди-ю, бирдан ғойиб бўлди. Эр билан хотин эса уйғона солиб дилларида англаб бўлмас бир чуқур шодлик ҳис қилар эди, муор уларнинг таваллоларини Тангри эшитибди, ниятлари рўёбга чиқибди, биродлари ҳосил бўлибди! Субҳи содиқда ўринларидан туриб, улар тушлари ҳақидаги

<sup>1</sup> Қип-қизил, чўгдай дегани.

шириндан-ширин ҳикоя билан ўз фуқароларини хушнуд этдилар, сўнгра маликаи олия, онҳазрат, барча қариндош-уруғлар ва сарой аъёнлари биргаликда жашни айёмга шўнғиб кетишди ва рўзани итмомига етказишди.

Бир неча кундан кейин малика Васавдатнинг тушига сочи бошига турмакланган бир эркак киши кирди ва унга мева берди. Маликаи олия бу соҳиб каромат тушни ватслар ҳукмдорига айтиб берган эди, у хотини сингари севинчдан ўзини қўярга жой тополмай қолди ва суюниб кетган вазирлар уни биринкетин қутлай кетдилар. У бошига ҳилол ўроғи қўндирган маъбуд мева кўринишида унга ўғил ато этганини англади ва азалий орзусининг рўёбга чиқишини сабрсизлик билан кута бошлади.

Буюк Сомдевнинг «Достонлар уммони»даги «Нарваҳдатнинг туғилиши» китобининг биринчи долғаси ана шулардан иборат.

## ИККИНЧИ ДОЛҒА

Кўп ўтмай ватслар ҳукмдори қалбини олам-олам севинчга тўлдириб, Васавдатта ҳомиладор бўлди, унинг қорнидаги ўғил фарзанднинг ҳуснда ягоналигига шубҳа йўқ эди, чунки унда ишқ тангриси Ком тажассум топган эди-да. Маликаи олиянинг кўзлари тинмай жавдирар, гўзал рухсори заъфаронлашган эди, гўё унинг вужуди қаърига Комнинг ҳуснига маҳлиё бўлган ой чақалоқ қиёфасида кириб яширингандай. Васавдатта тахтга ўлтирганида ва унинг қимматбаҳо жавоҳирот билан безатилган ён суюнчиқларида унинг жамоли акс этганида гўё унинг ёнида ўз завжларига муҳаббат ила талпинган Рати ва Прити тургандек туюлиб кетарди. Уни қуршаб олган дугоналари видйадҳарларнинг бўлажак ҳукмдорларига хизмат қилгани келган, барча орзуларни рўёбга чиқарадиган афсунгарлик санъатига ўхшаб кўринар эдилар. Маликанинг учи қорайган гунчамонанд маммалари эса ҳали оламга келмаган ўғлининг тахтга ўлтириш маросими учун тайёрланган мўмиёи асил тўла хумчаларни эслатарди. У танобий ўртасидаги ҳашамдор тахтиравонда ётганида ва фаршида жавоҳиротнинг барча ранг ва туслари чарақлаб товланганида гўё ҳар ёнга миллионлаб дур доналарини сочганча сув келиб қуйилаётгандай, малика орзиқиб жутаётган ўғлоннинг забт этишидан даҳшатга тушаётгандай туюлар эди. Маликаи олия шоҳона аравасида ўтганида эса тахтиравоннинг жавоҳиротлар беағида акс этган чехраси унга қуллуқ бажо этгани фалакдан нозил бўлган Бахт маъбудасидек жилва берар эди.

Сехрли афсунлар кучини билган Васавдатта буюк афсунгарлар ҳақидаги ривоятларни тинглашни яхши кўрар эди ва ҳар доим бунга вақт ҳам, имкон ҳам тополар эди. У ухлаб ётганида олдига ширин кўшиқлар айтиб видйадҳарлар келар ва уни ўзлари билан осмони фалакка олиб кетар эдилар. Уйғонгач эса, у ўнгида ҳам ҳавода қувноқ ўйинлар ўйнагиси, осмондан туриб ердаги ҳодисаларни томоша қилгиси келарди. Маликаи улёнинг бу истагини туморлар, афсунлар ва бошқа жоду воситаларидан фойдаланиб, Яугандҳрайан бажо келтиришга муваффақ бўлар эди. Жоду ёрдамида Васавдатта кўнгли хоҳлаганича ҳавода парвоз қилар ва унинг кўзларини йиртиб-йиртиб томоша қилаётган шаҳар аҳли хотинларининг ҳайратдан оғзини ланг очиб қўяр эди.

Бир куни Васавдатта саройидаги ўз кўшикида турганида диёнатли видйадҳарлар ҳақида биронта ривоят тинглаш истаги юрагини ўртаб юборди. Шундай ривоятни маликаи улёнинг илтимоси билан Яугандҳрайан сўзлаб берадиган, бошқалар эса вужудлари қулоққа айланиб тинглайдиган бўлишди:

## ЖИМУТВАҲН ҲИКОЯСИ

«Анбиканинг отаси, Ҳимват деган буюк тоғ бор, — у бошқа тоғлар орасида тўнғичигина эмас, балки Гаурий<sup>1</sup> эрининг мураббийи ҳам эди. Видйадҳарлар маскани бўлган мана шу улкан тоғда видйадҳарлар ҳукмдори шоҳ Жимуткету яшар эди. Унинг саройида Калпаврикш деган дарахт бор эди, у аждодлардан

<sup>1</sup> А н б и к а ва Г а у р и й — Ҳимолайнинг қизи, маъбуда Парватийнинг номлари. Гаурийнинг эри — Ш и в а.

мерос бўлиб келмоқда эди ва дарахтнинг «Истакларни рўёбга чиқарувчи» номи унинг табиатига жуда мос ва хос эди. Бир куни шоҳ Жимуткету унинг боғида ўсиб турган илоҳий хоҳишлар дарахти олдига келди ва деди: «Биз доим сендан нимани хоҳласак олиб келганмиз. Менинг фарзандим йўқ, эй илоҳий дарахт, менга бир солиҳ фарзанд ато этгил». Шунда хоҳишлар дарахти жавоб берди: «Эй шоҳ, сен саҳийликда тенги йўқ, бутун жонли зотларнинг валинеъматини бўладиган ўғил кўргайсан ва у ўзининг олдинги туғилишларини эслаяжак». Буни эшитиб суюнган шоҳ хоҳишлар дарахтига эгилиб қуллуқ бажо келтирди ва бу хабар билан хотини, маликаи улёни севинтиришга ошиқди.

Ниҳоят, шоҳ ўғил кўрди, отаси унга Жимутваҳн деб исм қўйди. Асилзода Жимутваҳн вояга етганда, у билан бирга унга табиатан хос бўлган, борлиқ мавжудотга нисбатан хайрихоҳлик ҳам ривож топди. Маълум муддат ўтгач, унинг ўғил фарзандларга хос ҳурмат-эътиборидан мамнун ота уни ўзига меросхўр, яъни валиаҳд қилиб тайинлади.

Кунларнинг бирида отаси билан ёлғиз ўтирганида қалби одамларга меҳр туйғуси билан тўла Жимутваҳн деди: «Биламан, отажон, бу ёруғ оламда ҳамма нарса бир лаҳзада ҳалок бўлади, фақат буюк одамларнинг шонигина то қиёмат қойимгача собит қолгай. Бундай шонга эса бошқа жонли мавжудотларга сидқидилдан хизмат қилиш билан эришилади, руҳи тетик одамларда ҳаётдан ҳам кўпроқ қадрланадиган бошқа яна қандай фазилат бор? Ахир бойлик чақмоққа ўхшайди, одамлар кўзини қамаштиради ва бир карра чақнайди-да, ҳеч кимга фойда келтирмасдан номаълум ёққа гойиб бўлади. Агар биз ҳовлимизда ўсиб турган хоҳишлар дарахтидан бошқа жонлиларга яхшилик қилиш йўлида фойдалансак, бир кун келиб, унинг барча меваларини йиғиб-териб олишимиз муқаррар. Шу боис мен бундай қилмоқчиман, бу дарахт келтирадиган бойликлардан барча муҳтожларни қашшоқликдан қутқариб қолмоқчиман».

Жимутваҳн отасига ана шу сўзларни айтди ва унинг изни билан хоҳишлар дарахти олдида борди-да, шундай деди: «Эй илоҳий наботот! Сен доим биз нима деб келган бўлсак, шунга бажо этиб келаётгирсан. Бугун менинг сўнгги истагимни раво этишингни сўрайман сендан. Мана шу заминдаги барча раиятни, дўстим, қашшоқлик балосидан халос қил. Сен илтифот кўрсатиб бойиган одамлар ўла-ўлгунларича ҳақингга яхши дуолар айтарлар». Шунда саховатпеша ва олийҳиммат Жимутваҳннинг илтимоси билан хоҳишлар дарахти ерга мўл-кўл олтин ёмғири ёғдирди ва барча одамларнинг кўнгли шодлангандан-шодланди.

«Хоҳишлар дарахтини барча муҳтожларнинг эҳтиёжини қондиришга кўндира оладиган Жимутваҳндан ўзга яна бирор раҳмдил ва боинсоф Бодҳисатва<sup>1</sup> бормикан бу ёруғ оламда?» — ўшанда Жимутваҳннинг бемисл шон-шухратини унинг жасоратларидан ҳайратга тушган дунёдаги барча мамлакатлар ана шундай алқаган эдилар. Салтанат ўз ўғлони шонидан янада мустаҳкамланганини кўриб туриб, Жимутваҳннинг қариндош-уруғлари унга ҳасад қила бошладилар ва охири исён кўтардилар. Улар энди одамларга ўзини фидо қилувчи хоҳишлар дарахти йўқлигидан мамлакат олдинги қудратидан айрилди ва уни душманлар босиб олиши ҳеч гап эмас деган тўхтама келдилар.

Улар бир жойга тўпланиб, энди уруш бошлайлик деб туришганида Жимутваҳн отасига қараб деди: «Ҳаётингиз сув устидаги пуфакдан бошқа нарса эмас. Шамолда липиллаб турган алангадек беқарор ёруғ дунё лаззатлари бизга нега керак? Охири қариндошқушликка олиб борар экан, қайси ақли расо одам унга кўнгил қўяди? Отажон, мен ўз қариндош-уруғларим билан жанг қилмоқчи эмасман. Мен тожу тахтдан воз кечаман-да, бирон ўрмонга узлатга кетаман. Майли, мана шу пасткаш одамлар яшай қолишсин, мен ўз қариндош-уруғларимни қонга ботирмоқчи эмасман». Ўғли Жимутваҳннинг бу сўзларига отаси Жимуткету қатъий ва дангал деди: «Мен ҳам сен билан кетаман, ўғлим. Ёвқур йигит бўла туриб, тожу тахтдан ердаги бир хасдай ташлаб юборганинга, тўридан гўри яқин мендай бир кекса чолда унга иштиёқ бўлар эканми?» Отаси шу гапларни айтгач, унинг ниятидан суюнган Жимутваҳн отаси ва хотини билан бирга Малай тоғига қараб бош олиб кетди.

<sup>1</sup> Бўлажак Будда.

Тоғ жилғалари сандал дарахтлари орасидан шарқираб оқиб турган ўша сиддхлар мамлакатида тинч бир гўшага бориб жойлашди ва ўзини бутунлай отасини парвариш қилишга бағишлади. Кўп ўтмай у сиддхлар ҳукмдори Вишваснинг Митрвасу исмли ва ёруғ дунё ҳой-ҳавасларидан парҳез қилган ўғли билан дўст киришди. Кунларнинг бирида хилват бир жойда у Митрвасунинг синглисига дуч келиб қолди ва ғайб илмидан бохабар Жимутваҳн бу қиз тимсолида олдинги туғилишидаги ўз хотини қиёфасини таниди. Дуч келганларида уларнинг нигоҳлари тўқнашди ва катта овчилар тўрига илиниб қолган оҳудай юраклари типирчилаб кетди.

Орадан пича вақт ўтгач, ҳар учала оламда ҳурмати улуг Жимутваҳнникига кутилмаганда Митрвасу келиб қолди ва унга меҳр билан шундай деди: «Менинг Маляватий деган бир синглим бор. Мен уни сенга турмушга бермоқчиман. Илтимос, менинг бу истагимга йўқ дема». Унинг гапини эшитиб туриб, Жимутваҳн бундай жавоб қилди: «Эй шаҳзода, олдинги туғилишимда у менинг хотиним бўлган. Энди эса менинг дўстим, менинг иккинчи юрагим бўлиб қолдинг. Мен ўзимнинг аввалги туғилишларимни эслайман ва бу ҳаётимгача содир бўлган кечмишларни яхши биламан».

Бу сўзлардан кейин Митрвасу қўлларини қовуштириб, шошиб деди: «Унда олдинги туғилишинг ҳақида менга сўзлаб бер. Мен бунга жуда қизиқиб қолдим». Дўстининг илтимосига жавобан олийҳиммат Жимутваҳн унга олдинги туғилишидаги кечинмаларни ҳикоя қилиб берди:

### ЖИМУТВАҲН ҲИКОЯСИ

«Илгари мен видйадҳар эдим ва ҳавода яшардим. Бир куни Ҳимолай чўққиси устидан учиб ўтаётгандим. Шу пайтда пастда Ҳар Гаурий билан ишқий ўйинга берилиб ётган экан. Унинг хилватдаги кайф-сафосига халақит берганимдан ғазабланиб, у мени дуойи бад қилди: «Илоё бундан кейин оддий аёл бандадай дунёга келгайсан. Аммо борди-ю, видйадҳар аёлга уйлангудек бўлсанг, ўғлингни меросхўр қилиб, сен яна видйадҳарлар орасида дунёга келгайсан ва олдинги ҳаётингни эслаб юргайсан». Дуойи бад муддати қачон тугашини кўрсатиб, Шарв (Шиванинг сифати) жим бўлди ва кейин кўздан йўқолди. Бирмунча муддатдан кейин мен ерда савдогар оиласида туғилдим.

Мен Валабх шаҳридаги бир бой савдогарнинг ўғли эдим ва исмим Васудатт эди. Ўсиб, вояга етганимда отам менга мол олиб, бошқа мамлакатга тижорат ишларига боришимни айтди. Бир ўрмондан ўтаётганимда менга қароқчилар ҳужум қилишди, молларимни тортиб олишди, ўзимни кишанбанд қилиб, қишлоқларига, Чандик эҳромига олиб кетишди. Эҳром узра узун қизил шойи ялов ҳилпираб, юракка ваҳима соларди, у маъбудага қурбонлиққа келтириладиган жониворлар билан балойи нафсини қондирадиган Ажалнинг тилига ўхшарди. Мени ҳам қурбон қилишга тараддуд кўра бошлашди. Қароқчилар мени ўзлари билан олиб, сал нарида Девий шарафига ибодат қилиб ўлтирган ўзларининг Пулиндак исмли ҳукмдорлари олдига олиб боришди. Менга кўзи тушгани ҳамон, гарчи ўзи шабар<sup>1</sup> бўлса ҳам, бирданига юраги менга нисбатан хайрихоҳлик ҳиссига тўлди: борди-ю, ҳеч бир сабабсиз юрак меҳр билан кимгадир талпингудек бўлса, бу олдинги туғишлардаги дўстликнинг шарпаларидир. Шабарлар сардори мени ўлимдан халос этди ва Чандик шарафига ўтказилаётган маросимни охирига етказиб қўйиш учун ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр эди. Лекин шу он самодан садо келди: «Бундай қилма. Мен сендан розиман. Мендан ҳар қандай тилак тилашинг мумкин». Шунда суюниб кетган шабар деди: «Модомики, сен мендан рози экансан, менга бошқа эҳсоннинг кераги йўқ! Лекин барибир сендан бир нарса сўрайман: келгуси туғилишда ҳам мана бу савдогар менинг дўстим бўлиб қолсин». — «Шундай бўлажакдир!» — жавоб берди садо ва жим бўлиб қолди. Шабар эса менга кўп пул бериб, уйимга қўйиб юборди. Мен ажал комидан чиқиб, саёҳатдан қайтиб келганимда, бўлган воқеаларни эшитиб, отам элга катта зиёфат қилиб берди.

<sup>1</sup> Марказий Ҳиндистон вилоятларида яшовчи ҳозирги асур қабиласининг эски номи. Улар овчилик ва афсунгарликда шухрат топган.

Орадан бирмунча вақт ўтиб, мен шабарлар сардорини яна учратиб қолдим: карвонни талагани учун шоҳ амри билан уни тутиб олиб, Валабҳга келтиришган экан. Мен бетўхтов буни отамга бориб айтдим, отам эса шоҳга арз билан мурожаат қилди ва мен юз минг олтин танга эвазига уни қатл этилишдан сақлаб қолдим. Шу тарихда мен унинг яхшилигига ажиблик билан жавоб қайтардим, мени ўлимдан сақлаб қолганининг ҳиссасини тўлдирдим, мен ҳам уни уйимга олиб келдим ва то бизникидан туз-насибаси узилиб кетгунига қадар иззату ҳурмат ила хизматида бўлдим. Сўнг унга дўстона бир тарзда жавоб бердим ва шабарлар сардори ўз қишлоғига эсон-омон қайтиб кетди, юрагида эса менга нисбатан чуқур муҳаббат маҳкам ўрнашиб қолди. У мендан миннатдорлигини қай йўсинда адо этишни билмай боши қотарди, жавоҳирот ҳам, мушки анбар ҳам ва унинг бисотидаги бошқа бойликлар ҳам унга ғоятда арзимас буюмлар бўлиб кўринмоқда эди. Шунда камонини олиб, у фил овлагани Ҳимолай сари отланди. У мен учун мўъжизий дур топиш умидида эди, бундай дур, одатда, филларнинг мияси ичида бўларди. Тоғларда кезиб юриб, у катта бир қўлга дуч келди, унинг қирғоғида Шива эҳроми қад кўтариб турарди. Унинг ўзи каби дўстлари — қуёшга содиқ Кўл нилуфарлари ҳам уни дўстона қарши олди. Бу қўлга сув ичгани ёввойи филлар ҳам келади деган ўйда шабар камони билан бир хилват панада шай туриб олди.

Бироқ тўсатдан унинг кўзи ғоятда соҳибжамол бир қизга тушди. Тангри Ҳарга ибодат қилгани қиз бир арслонни миниб, қўл бўйидаги эҳром олдига келди. Шу туришида у қорли Ҳимолай ҳукмдорларининг яна бир қизига жуда-жуда ўхшаб кетарди: зеро, у ҳам дуркунлигида Шамбху (Шиванинг сифати)га сидқидилдан сиғинар эди.

Уни кўриб, ҳайратдан лол қолган шабар ўйлади: «Ким бу қиз? Агар оддий банда деса, қандай қилиб арслонни миниб юра олади? Агар маъбуда деса, менга ўхшаган оддий бандалар уни қандай кўра олади? У йўқ-бу йўқ, бу олдинги туғилишларимдаги хизматларимнинг зоҳирий тажассуми. Агар дўстимни шу қизга уйлантириб қўёлсам, унинг яхшиликлари учун энг муносиб жавобим шу бўлиб қоларди. Шу боис, кел, унинг олдига борай-да, ўзимга керакли гапларни унинг ўзидан билиб олай». Шундай хаёллар билан дўстим шабар ҳалиги қиз томон йўл олди.

Бу орада қиз арслондан тушди, арслон бориб сал наридаги сояда чўзилди, қиз эса қўл олдига бориб, нилуфар тера бошлади. Чуқур таъзим ила унга яқинлашиб келаётган нотаниш шабарга кўзи тушгани ҳамон қиз очиқ чеҳра билан ва дўстона тарзда унинг саломига алик олди. «Кимсиз ва одамзот оёғи етмайдиган бу юртларга қандай келиб қолдингиз?» — деб сўради қиз, шабар эса унга шундай деб жавоб берди: «Мен шабарлар сардориман, яккаю ягона паноҳкоримиз муҳтарам бибижонимиз Бҳавонийдир. Мен фил дурдонаси қидириб топгани бу ўрмонга келган эдим. Бироқ, сенга кўзим тушгани ҳамон, эй соҳибжамол илоҳа, менинг ҳаётимни сақлаб қолган, савдогарлар оқсоқолининг ўғли, дўстим, олижаноб Васудатт хотиримга келмиш. Чунки, эй ҳусни малоҳатда танҳо қиз, у ҳам сен каби дуркун ва сен каби гўзалликда ягона, у шундай бир илоҳий мунавварлик чашмасидурким, унга боққан ташнаком одамлар нигоҳи дучандон пурзиё бўлмай. Унга дўстлик, саховат, шафқат ва мардлик тимсолига олтин билагузуклар зеб бериб турган қўлини тутқазган қиз дунёдаги энг хужастафол қиздир. Шу боис, агар сенинг ҳусни таважжуҳинг унинг жамоли баркамоли билан пайваст бўлиб кетмас экан, мен Комнинг камон кўтариб юришига ҳайф дея бир умр алам оташида жизғинак бўлиб ўтгайман».

Миршикорга хос ана шундай сўзлар билан, бамисоли Комнинг афсунгарлик сеҳри билан ақлдан оздирган каби, ўша заҳотиёқ шабар қизнинг юрагини ғойибдан ишқ пайкони ила мажруҳ қилиб қўйди. Ишқ Тангрисидан илҳомланган қиз шабардан сўради: «Қани ўша дўстинг? Уни бу ерга олиб кел, ўз кўзим билан бир кўрай уни».

Бу сўзларни эшитган ҳамон шабар бажонидил рози бўлди ва муродимга етдим деган ўйда, келган йўлидан орқага елиб кетди. Қишлоқдаги уйига кириб, у минггача ҳаммол кўтариши мумкин бўлган миқдорда дур, мушки анбар ва бошқа жавоҳиротлардан олди-да, кейин менинг ҳузуримга равона бўлди. Уни дуч келганларнинг барчаси таъзим билан қарши олди, уйимизга кириб

келди ва юз минг олтин тангага баҳоланувчи совға-саломларини отамга топширди. Кун ҳам, тун ҳам шод-хуррамликда ўтди, охири қиз билан учрашгани ҳақида ҳаммасини ипидан-игнасигача сўзлаб беришга муваффақ бўлди. «Қани, кетдик қизнинг олдига», — деди шабарлар раҳнамоси ва тоқатсизликдан ер депсиб турган мени олди-да, шу тунийёқ уйимизни тарк этди.

Гарчи эрталаб мен ва шабарлар раҳнамосининг қаёққадир ғойиб бўлганимизни кўрган бўлса-да, отам бизнинг у билан дўстлигимизга қаттиқ ишонганидан кўпда парво қилмади.

Бу орада бор кучи билан шошаётган шабар мени қорди Ҳимолайга олиб келди ва йўл бўйи содиқ қулдек менга ғамхўрлик қилди. Ўша куни шом чоғи биз кўл бўйига келдик, унга тушиб чўмилдик, ширадор мевалардан тановул қилдик, кейин эса шу ерда, ўрмоннинг ўзида тунаб қолдик. Бу ўрмонда гулдор чирмовуқлар жуда мўл эди, чор-атрофдан димоққа хушбўй ифторлар келиб урилар, болариларнинг ёқимли визиллаши кулоққа мойдай ёқимли эшитиларди. Ўзидан нурли чанг чиқариб турган қизил чечаклар ёғдусида боларилар бамисоли осмондаги сонсиз юлдузлардек жимжима қиларди. Кўл сувидан чанқоғимизни мириқиб қондириб олганимиздан бугунги тун бамисоли бизга маъбуда Рати илтифот қилган осуда хобгоҳ каби туюлмоқда эди.

Эртаси куни кўл бўйига арслонни миниб ҳалиги қиз келди. У яқинлашиб келгани сайин паймонадек тўлган юрагим унга пешвоз чиққани интилар эди, ўнг кўзим эса қиз пайдо бўлиши биланоқ уни яхшилаб кўриб олгани жойида ўйнаб кетди<sup>1</sup>. Ёлдор арслон устида ўлтирган қошлари камон бу қиз менга куз булутлари қўйнида ором олаётган моҳитобонни эслатиб юборди. Ўзим ҳам билмайман, мен унга қараганимда нима учундир юрагимда бир вақтнинг ўзида турли туйғулар: ҳайрат ҳам, хоҳиш ҳам, қўрқув ҳам жўш уради.

Қиз арслондан тушди, гуллар терди ва кўлда ғусл қилиб олгач, соҳилдаги эҳромда истиқомат қилувчи маъбуд Ҳар ҳаққига ибодат қилгани тутинди. Ибодат тугагандан кейин қизнинг олдига дўстим шабар борди, таъзим қилди, ўзини эслатди ва қиз гул-гул очилиб қарши олгандан кейин деди: «Эй илоҳий нафосат тимсоли, сенга муносиб ёр бўлишга лойиқ дўстимни ҳузурингга бошлаб келмишман. Агар сен шунга рози бўлсанг, мен уни сенга кўрсатурман». — «Кўрсатинг», — жавоб берди қиз шабарнинг саволига ва шабар менинг олдига келди, сўнг мени ўзи билан олиб, қизнинг олдига бошлаб келди. Қиз менга кўзининг қири билан қараб қўйди ва унинг нигоҳларида ишқ аланга олди. Бутунлай Маданнинг ҳукмига бўйсунган ҳолда қиз шабарлар раҳнамосига қараб деди: «Дўстинг одамзот наслдан эмас экан, у, шубҳасиз, менинг устимдан кулгани атайлаб қўқдан нозил бўлган биронта маъбуд бўлиши керак. Ахир бандаси деган бунақа гўзал бўлиши мумкин эмас!»

Бу гапларни эшитиб, қизнинг шубҳасини тарқатиш ниятида мен сўз қотдим: «Сен бунга ишонавер, эй пари пайқар! Мен оддий бандаман. Қалби пок одам ёлғон гапирармиди? Мен Маҳодҳаннинг, Валабҳадаги савдогарлар оқсоқолининг ўғлиман, отам мени Маҳешвар<sup>2</sup> дан эҳсон сифатида тилаб олган. Ўғил кўриш орзусида у бошида ҳилол ўроғи бўлган Тангри кўнглини овлаш учун рўза тутган. Бундан мамнун бўлган Тангри унинг тушига кириб шундай деган: «Рўзани тўхтат! Сен қалби дунёдай кенг ўғил кўргайсан, оламдаги бундай гўзал сир ҳақида ортиқ гапиришга ҳожат йўқдир». Тангрининг сўзларини дилига жо қилиб, Маҳодҳан уйғонди, вақт-соати келиб, у ўғил кўрди, унга Васудатт деб исм қўйди. Ўша ўғил — менман. Бир куни мусофир юртига йўл олганимда Яратганнинг иродаси билан мана бу шабар менга дўст тутинди ва бошимга мусибат тушганида у ягона халоскорим бўлди. Ўзим ҳақимда қисқача таъриф мана шундан иборат».

Шундай деб мен жим бўлдим. Қиз ийманганидан юзини бир четга хиёл бурганча сўзланди: «Шундай эканини биламан. Бугун садоқатимдан мамнун бўлган тангри Ҳар тушимда менга қараб дерди: «Эрталаб сен ўз бегингга эга бўласан». Шу боис сен менинг эримсан, дўстинг эса менга оға бўлиб қолади». Мени шундай сўзлар дурдонаси билан шараф тожини бошимга кўндириб, қиз жим бўлди.

<sup>1</sup> Ҳиндларнинг одатича, ўнг кўзни қисиб қўйиш севгили ёр келганидан нишонандир.

<sup>2</sup> Шиванинг сифатларидан бири.

Сўнг биз маслаҳатлашдик ва мен қиз ва дўстим билан бирга уйга қайтишга ва таомил бўйича никоҳ тўйи маросимини ўтказишга қарор қилдим. Соҳибжамол қиз махсус ишора билан миниб ўрганиб қолган арслонини чақирди ва менга қараб деди: «Қани, арслонга мининг энди, хўжайин!» Мен ва дўстим шабар арслонга миндик, севгилимни эса мен тиззамга ўтқазиб олдим.

Шундай қилиб, истакларим рўёбга чиқиб, севгилим ва дўстим билан бирга арслонга миниб, мен уйга равона бўлдим. Йўлда барчамиз шабар пайкон узиб овлаб олган оху гўштини пишириб едик ва бирмунча вақтдан кейин Валабх шаҳрига етиб келдик. Севгилимни арслонга мингаштириб келганимдан шаҳар аҳли ҳайратдан донг қотиб қолди ва суюнчи олгани отамнинг хузурига чопди. Отам мени қарши олгани йўлимга чиқди ва мен ҳайвонлар шоҳи устидан тушиб, унинг пойига чўкканим ҳамон мени ҳайрат ва қувонч ила олқишлай кетди. Ҳусн бобида тенгсиз дилоромим ҳам отамнинг олдида етти букилиб таъзим қилганида, қайлигимнинг менга жуда муносиб умр йўлдоши бўлишига унинг кўзи етди-қўйди, отам севинчининг чек-чегараси йўқ эди. Отам бизни уйга олиб кирди, бошимиздан ўтганларни эринмай суриштирди, менга нисбатан дўстлик бурчини аъло даражада дўндиргани учун шабарлар раҳнамосини мақтади ва зўр базми жамшид қилиб берди.

Эртасига мунажжимларнинг фатвоси ва барча қариндош-уруғларнинг гувоҳлигида мен қизларнинг энг аълосига уйландим. Тўйда қайлигим миниб юрадиган арслон ҳам бўлди. Бирдан у меҳмонларнинг кўз ўнгида одамга айланса бўладими?! «Бу қанақа сир бўлди?» деб ҳамма ҳайратга тушиб бир-биридан сўрар эди, одамга айланган арслон эса илоҳий либос ва тақинчоқлар ичида савлат тўкиб, менга таъзим қилди-да, шундай деди: «Мен Читрангад исмли видйадҳар бўламан, мана бу қиз эса — менинг фарзандим. Унинг исми Мановатий, мен уни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Мен уни қўлимга олиб, ўрмон айланишни ёқтирдим ва бир куни айланиб юриб, Ганга бўйидан чиқиб қолдим, дарё соҳилида зоҳидларнинг кўплаб масканлари жойлашганди. Қаландарларнинг тинчини бузмай деб мен дарёнинг ўртасидан юриб борар эдим, нима бўлди-ю, тақдирнинг амри билан бўйнимдаги гулчамбар сувга тушиб кетди. Шу топ донишманд Норад пайдо бўлди, у сувнинг остида эди ва гулчамбар унинг елкасига бориб тушганидан дарғазаб бўлиб, мени дуойи бад қилди: «Мени таҳқирлаганинг учун, ярамас, арслонга айланиб қол. Ҳимолайга жўнагин-да, у ерда қизингни елкангда кўтариб юр. Қизинг бир бандаи ожизга турмушга чиқиб, унинг тўйини кўрганингдан кейингина дуойи бадим бўйингдан соқит бўлгай». Донишманднинг дуойи бади билан мен арслонга айланиб қолдим, Ҳимолайга бориб, маъбуд Ҳарнинг содиқ чўриси ҳисобланган қизимни елкамга миндириб юрдим. Кейин нима бўлганини — шабарнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳаммаси хайрли тугаганини — ўзинг биласан. Энди мен кетдим. Бахтли бўлинглар! Гарданамда дуои бад юки қолмаган». Шу сўзларни айтиб, видйадҳар ҳавога учиб кетди.

Бу ҳодисаларни кўриб, отам ҳангу манг бўлиб қолди. Сўнгра қарасаки, барча қариндош-уруғлару яқин-йироқлар хурсанд, ўзи ҳам менинг муборак никоҳимдан боши осмонда — юртга жуда дабдабали қилиб тўй берди. Шабарлар раҳнамосининг ақл бовар қилмас олийжаноблиги ҳақида сўз кетганда мана шу тўйда қуйидаги ҳаяжонли сўзларни айтмаган битта ҳам одам қолмади: «Дўсти учун ўз жонини қурбон қилишдан ҳам кўнгли тўлмаган чинакам дўстларнинг жасоратига қойил қолмай бўларканми!» Содир бўлган воқеалар ўша юрт подшосининг қулоғига бориб етганида, у ҳам шабарлар раҳнамосининг менга кўрсатган садоқатидан ёқа ушлади. Шу боис отам бир куни унга жавоҳиротлардан совға-саломлар инъом этганида, бундан кўнгли тоғдек кўтарилган шабар бутун ўрмон салтанатини ҳада қилиб юборди.

Шундан кейин барча истакларим рўёбга чиққанидан хушвақт ва димоғим чоғ бўлиб, хотиним Мановатий ва дўстим шабарлар сардори билан бирга отамникида қолдим. Шабарлар сардори биз билан бирга туришни маъқул кўрди, чунки ўз юртида сўққабош бўлиб яшаш энди унга малол келиб қолганди. Иккаламиз, яъни мен ва у, вақтни бир-биримизга тасалли бериш билан ўтказар эдик, чунки икковимизнинг ҳам ҳали қўлимиздан кўп ишлар келар эди, лекин охиригача дўндиролмадик-да, деб ўзимиздан ўзимиз ўкинар эдик.

Кўп ўтмай, Мановатий иккаламиз ўғиллик бўлдик. Ўғилчамиз бутун хонадонимиз юрагида ҳукм сурган тўй-томошаларни ўзида мужассам этган жонли тимсол эди. Унга Ҳиранйадатт деб исм қўйдик ва ўсиб вояга етгач ва ўқишни битиргач, рисоладагидай тўй қилиб уйланди. Унинг тўйини кўриб ва ўз ҳаётий бурчи ўталди деб ҳисоблаб, эндиликда нуруний чол бўлиб қолган отам ёруғ дунё билан видолашгани хотини билан Ганга бўйига отланди. Мен унинг ўлимидан маҳзун эдим, бироқ қариндош-уруғларим ўзимни қўлга олишга ундадилар ва мен бутун рўзғор ташвишларини зиммамга олдим. Ушанда менга икки нарса таскин берарди: Мановатийнинг ойдек чехрасини кўриш ва шабарлар раҳнамоси жамоасида бўлиш.

Солиҳ фарзанд, хотинимнинг фазилатидан фахрланиш ва дўстим билан иноқлик бахтидан масту мустағриқ ҳолда кунларим бир-бирини қувлаб кеча-верди. Лекин бир куни, қариб-қартайганимда кекса ёшим гўё соқолимдан тутамлаб, худди қил ўтмас ошнадек сўради: «Нега ҳалигача ўзингнинг уйингдасан, ўғлим?»<sup>1</sup> Шундан сўнг қўнғлимда бирданига совуқлик пайдо бўлди ва мен барча уй-рўзғор ташвишларини ўғлимнинг зиммасига ташладим-да, ўрмон сари равона бўлдим.

Шундан кейин хотиним ва азбаройи менга муҳаббати зўридан салтанатини рад этган шабарлар шоҳи билан биргаликда Каланжар<sup>2</sup> тоғига бош олиб кетдим. У ерга етиб боришим билан ўзимнинг олдинги туғилишим эсимга тушди, ўшанда мен видйадҳар эдим ва менга Шива таққан дуойи бад муддати тугаганини англадим. Ушанда бандалик жисмдан халос бўлишни истаб, мен бу ҳақда хотиним Мановатийга ва дўстим шабарлар раҳнамосига дил ёрдим. Мен дедим: «Илоё кейинги туғилишимда ҳам қисматимга шу хотиним ва шу дўстим битилган бўлсин; илоё олдинги туғилишимни эслаб юрай», — ва юрак-юракдан маъбуд Шанкарга таваллолар қилдим. Шу аснода жисмдан холи бўлиб, хотиним ва дўстим билан биргаликда Каланжар тоғи довонидан осмони фалакка ўқдай учиб кетдим.

Энди мен Жимутваҳн исми билан яна видйадҳарлар орасида дунёга келдим ва олдинги туғилишимни ҳозиргидай эслайман. Шабарлар сардори — бу сенсан, Митрвасу, Учкўз маъбуднинг марҳамати ила сиддҳлар шоҳи Вишвасунинг ўғли бўлиб дунёга келгансан. Хотиним видйадҳар Мановатий эса сенинг синглинг Маляватий бўлади. Кўрдингми, сен менинг олдинги дўстимсан, синглинг эса олдинги туғилишдаги менинг хотиним. Шу боис у тақдири илоҳийнинг ўзи томонидан менга хотин қилиб яратилган.

Лекин аввал борайлик-да, ҳаммасини ота-онамга сўзлаб берайлик. Борди-ю, улар ҳўп дейишса, сенинг истагинг раво бўлғай».

Жимутваҳннинг ҳикоясини мароқ билан тинглаб, Митрвасу кетди ва унинг ота-онасига ҳамма гапни айтиб берди. Ота-оналар унинг ниятини маъқул дейишди, шунда мамнун шаҳзода бу ҳақда ўзининг отаси ва онасига маълум қилди. У каби ота-онаси ҳам у ўйлаган ишнинг бароридан келганидан бахтли эдилар ва Митрвасу синглисининг тўйи тараддудларини кўришга оёғи олти, кўли етти бўлиб киришиб кетди. Таомилга кўра, ушбу тўйда Жимутваҳн сиддҳлар шоҳи қўлидан Маляватийни ўзига хотинликка қабул қилиб олди. Тўйга жуда кўп сиддҳлар келди, тўйда самовий қўшиқлар янгради ва видйадҳарлар хумордан чиққунча рақс тушдилар. Тўйдан кейин битмас-туганмас бойлик эгасига айланган Жимутваҳн хотини билан Маляа тоғида яшаб қолди.

Бир куни Жимутваҳн қайниси Митрвасу билан соҳилбўйи ўрмонзорини томоша қилгани баҳри муҳит қирғоғига йўл олди. Бирдан унинг кўзи нимадан-дир бесаранжом бўлган бир болага тушди, бола онасини ўзидан нарига итарар, она эса: «Оҳ, болам, болажоним!» деб хўнграб йиғлар эди. Боланинг ёнида жангчига ўхшаб кетадиган ҳамроҳи бор эди. Ҳамроҳи уни сал наридаги усти кенг ва баланд қоя олдига олиб борди-да, ўша ерда бир ўзини қолдирди. «Кимсан? Нима қилмоқчисан? Онанг нега «болам»лаб йиғляпти?» сўради Жимутваҳн ҳалиги кишидан, у эса мана бу ҳикояни сўзлаб берди:

<sup>1</sup> Ҳинду дини расми бўйича, киши кексайганида ўзининг эмас, кўпроқ худонинг даргоҳи гамини ейиши керак.

<sup>1</sup> Ҳозирги Калининград тоғи



## КАДРУ ВА ВИНАТА ҲИКОЯСИ

«Бир вақтлар Кашяпнинг икки хотини, Кадру билан Вината гаплашиб ўтириб, баҳслашиб қолди. Биринчиси, қуёшнинг отлари қора бўлади деса, иккинчиси, йўқ, оқ бўлади, деб туриб олди. Шунда улар ким ноҳақ бўлса, наригинининг чўриси бўлади, деб шарт боғлашади. Шунда Кадру кундошидан устун келиш ниятида ўғиллари — нагларнинг қуёш отларини заҳарли нафасларинг билан қорайтириб қўйинглар, деб пишитиб қўйди. Отлар қорайтирилгандан кейин уларни Кадру Винатага кўрсатди ва баҳсда айёрлик билан ғалаба қозониб, уни ўзига чўри қилиб олди. Дарҳақиқат, кундошларнинг бир-бирларини кўргани кўзи, отгани ўқи бўлмайди!

Воқеадан хабар топган Винатанинг ўғли Гаруд учиб келди ва иккала кундошни муросага келтиришга ҳаракат қилиб, Кадрунинг онасини чўриликдан халос қилишга кўндиришга ҳаракат қила бошлади. Бироқ Кадрунинг ўғиллари, наглар ўзаро маслаҳатлашиб, унга шундай дейишди: «Менга қара, Винатанинг дилбанди! Маъбудар баҳри муҳитни қув каби пиша бошладилар. Бизга ундан ҳосил бўлган қаймоқ — амритдан олиб кел ва эваз сифатида қўлимизга топшир: онангни ўшанда озодликка чиқарамиз. Ахир ботирликдан ҳеч ким сенинг олдинга тушолмайди-ку». Нагларнинг бу гапини эшитиб, Гаруд сут баҳри муҳитига йўл олди ва не-не жасорату матонатлар билан амрит қаймоғидан олиб келди. Унинг жасоратиға қойил қолган маъбуд Ҳарнинг ўзи шунда унга қараб деди: «Мен сендан мумнунман. Истаган тилагингни тила». «Наглар менинг озуқамга айлансин!» — деб юборди Винатанинг ўғли. Онасининг чўрига айланиб қолганидан қаттиқ ғазабланган Гаруд Ҳардан ана шундай тилак тилади ва Ҳар бунга рози бўлди. Гаруднинг амрит қаймоғидан олишга муваффақ бўлганини эшитиб, маъбуд Шакр (Индрнинг сифати) илтимос билан мурожаат қилди: «Эй қушлар шоҳи! Шундай қилгинки, нодон наглар амрит қаймоғининг мазасидан тота олмасинлар ва шунда мен улардан қаймоқни яна қайтариб оламан». «Яхши!» деб жавоб берди Гаруд Индрнинг сўзларига ва амрит қаймоғи тўла хурмани олди-да, Вишнунинг марҳамати билан яна-да кучкувватга тўлган ҳолда наглар хузурига равона бўлди.

Бусиз ҳам унинг қудратидан ўтакалари ёрилган наглар узоқдан Гаруднинг қичқирини эшитиб, донг қотиб қолдилар: «Мана, амрит қаймоғи олиб келдим. Буни олин-да, онамни ўз эркига қўйинглар. Борди-ю, юрагингиз дов бермаса, мен амрит қаймоғини сизлар учун қуш<sup>1</sup> майсаси ўриндигига қўйиб қўяман, ўзим эса сиз озод қилганингиз заҳоти онам билан биргаликда учиб кетаман. Шунда амрит қаймоғини ўзларинг билан бемалол баҳам кўраверасизлар». Наглар хўп дейишди ва Гаруд қаймоқли идишни муқаддас майса ўриндигига қўйиб қўйди, наглар эса унинг онасини озод этдилар.

Онасини чўриликдан халос қилиб, Гаруд учиб кетди. Бироқ ҳеч нарсадан хабари йўқ наглар амрит қаймоғини олишга энди чоғланишган ҳам эдики, уларга маъбуд Шакр ҳамла қилиб қолди. Унинг мўъжизавий қудрати таъсири остида наглар тош қотиб қолишди, Шакр эса майса ўриндиқда турган қаймоқли идишни аста кўтариб, жўнади. Алам қилганидан наглар амрит қаймоғидан тўкилган томчилари қолганига умид боғлаб, майсаларни ялаб-юлқай бошладилар. Бундан нафслари қониш ўрнига баттар ҳакалак отди, еб тўймаган ялаб тўярмиди деган нақл бекор айтилмаган-да. Зеро, очкўзларнинг қисматиға доим кулги-масхара бўлиш ёзилган.

Шу тариқа наглар амритдан бенасиб қолдилар ва шунда уларнинг ғаними Гаруд ўз ишини қила бошлади, яъни қайта ва қайта ташланиб, Ҳарнинг эҳсонига кўра уларни биттама-битта ейишга киришди. Гаруднинг ҳамласидан ерости салтанатиға наглар ҳам қирилаверди, қўрққанидан ҳатто бегуноҳларининг ҳам юраги тарс-тарс ёрилаверди, урғочилари эса туғолмай дунёдан кўз юмдилар.

Ерости салтанатиға Гарудга ҳар куни дуч келиб, илонлар ҳукмдори Васуки англадики, қайсидир шарофатли кунда нагларнинг бутун қабиласи битта қолмай қирилиб кетади. Шунда Гаруднинг қудратига ҳеч ким бас келолмаслиғига

<sup>1</sup> К у ш — бир хил ўсимлик, муқаддас саналади.

ақли етиб, у сулҳ тузишга қарор қилди ва унга шундай илтимос билан мурожаат этди: «Ҳар куни баҳри муҳит соҳилидаги қоя устига, эй қушлар шоҳи, емишингга биттадан нагни ютиб юбориб тураман. Бунинг эвазига сен ерости салтанатимизга дапқур-дапқур ҳамла қилишингни ва қирғинбарот этишингни тўхтатсан. Ахир наглар қабиласини битта қўймай қириб ташлашингга сабаб бўлувчи бирон жиддий ўч-ғаразинг йўқ-ку».

Васукининг бу сўзларига Гаруд маъқул деган ишора қилди ва ўшандан буён у Васуки бу ерга кунда биттадан нагни юбориб туради. Бу ерда ҳаддан ташқари катта миқдордаги наглар қирилиб кетганининг боиси шунда.

Мен нагман, исмим Шанкҳчуд, бугун ем бўлиш менинг навбатим. Шу боис подшоҳимизнинг буйруғи билан мени Гарудга қурбон қилгани мана шу қояга олиб келишган, онамнинг йиғлаши сабаби шунда».

Шанкҳчуд ҳикоясини эшитиб, Жимутвахннинг чеҳраси ғамгин тус олди ва унга юрак-юракдан ачиниб дедим: «Э воҳ, шоҳ Васуки гоят юраксиз: ўз фуқароларини ўз қўли билан душманларига ем қилиб берапти-я. Нима учун Гарудга аввал ўзини ем қилиб бермади? Йўқ, ўз наслининг қирилиб кетишига томошабин бўлиб қараб туришни ўзи тилаб олибди-ку. Гаруд-чи, нима жин урди? Кашиядай буюк зотнинг зурриёди бўла туриб, шунақа зулмлар ўйлаб топадимиз? Бундай улуғ зотлар кўнглига бу қадар бемаънилик қаёқдан келиб қолди экан-а — киши ўз жони учун шунақа разилликларга борадимиз? Аммо бугун ҳеч бўлмаганда битта сенинг жонингни Гаруддан қутқариб қоламан: мен унга ўзимни қурбон қиламан. Қайғураверма кўп, дўстим!» Бун эшитиб, Шанкҳчуднинг орияти қўзиб кетди ва деди: «Йўқ, йўқ, буюк баҳодир, бу ҳақда бошқа оғиз оча кўрманг! Ахир оддий шишани деб қимматбаҳо гавҳарни синдириш ақлданми? Буниси ҳам майли, мен мана шундай гуноҳим ҳақидаги миш-мишлар туфайли наслимнинг иснодга қолишини зинҳор истамайман». Жимутвахнни қайтариш учун қалби дарё наг ана шу сўзларни ирод этди. Кейин Гаруднинг келиш вақти яқинлашганини билиб, Шанкҳчуд соҳил бўйида жойлашган Шива эҳроми томон йўл олди, ўлимидан олдин Уманинг эри Говкарнга ибодат қилмоқчи бўлди.

У кетиши билан Жимутвахн азбаройи кўнглида раҳму шафқат туйғуси денгиздай тошиб, йигитчани қутқариш ва ўзини қурбон қилиш учун айни қулай пайт етганини англади. У жўртга зарур бир нарсани эсидан чиқаргандай Митрвасуни тезда уйга жўнатиб юборди.

Ўша асно яқинлашиб келаётган Гаруд қанотларидан пайдо бўлган шамол зарбаси ерни титратиб юборди, гўё ундан қушнинг қудратини кўрган чоғдаги ваҳима тўлқини юриб ўтгандек. Илонлар қушандаси ёнгинасида эканлигини англаган Жимутвахн раҳм-шафқат ҳиссига тўлганча қатлга ҳозирлибни қояга кўтарилди. Кўз очиб-юмгунча қоя узра Гаруд учиб келди. У ўткир тумшугини олийҳиммат ботирга санчди-да, ўзининг баҳайбат қанотлари билан бутун осмонни тўсиб, уни ўзи билан олиб жўнади. Жимутвахннинг аъзои баданидан қон тирқиради, бошини безаб турган биллур узилиб ерга тушди, бу орада Гаруд ботир билан тоғ чўққисига келиб кўнди ва уни емоққа чоғланди. Шу топ осмондан гуллар ёмғири қуйиб юборди, бунинг нима эканини англолмай, Гаруд гуллар ёмғирига жавдираб қараб қолди.

Шу орада Говкарнни зиёрат қилиб, Шанкҳчуд қатл қоясига қайтиб келди ва унинг сирти қип-қизил қонга бўялганини кўрди. «Э воҳ, бу жўмард инсон мени деб жонини қурбон қилибди-да. Гаруд уни қаёққа олиб кетдийкин? Дарҳол изидан тушмасам бўлмайди. Балки, ҳаракат қилсам топарман уни? — саховатпеша наг шуларни ўйлади-да, Жимутвахннинг қон томчилари бўйлаб юриб кетди. Гаруд олиб келган қурбонининг гўё ҳеч нима бўлмагандай мамнун ва қувноқ турганини кўриб, ейишни бас қилди ва ўйга толди: «Ҳойнаҳой, бу наг эмас, бошқа бир зот бўлса керак. Ахир мен уни еяётганимда, у ўзини ҳар ёққа уриш у ёқда турсин, аксинча, парво қилмаяпти, ҳатто суюнапти». Гаруднинг иккиланаётганини сезиб, гарчи ўлар ҳолатда бўлса ҳам, кўнглидаги гапни охирига етказиб қўйишга уриниб, унга деди: «Ҳой қушларнинг шоҳи! Менинг танамда ҳали гўшт ҳам бор, қон ҳам бор. Қорнинг тўймасдан туриб нега мени ейишдан тўхтаб қолдинг!» Бун эшитиб, ҳайрат денгизига чўмганча қушлар шоҳи ундан сўради: «Сен наг эмассан, эй саховатпеша зот; менга тўғриси

айт, ким бўласан?» — «Йўқ, мен нагман! Қани, бўл тезроқ, мени еб тугатсанг-чи! Мард одамлар бошлаган ишини охирига етказмай қўймайди», — деб жавоб берди унга Жимутваҳн. Бироқ шу топ Шанкҳчуд кўриниб қолди ва узоқдан қичқирди: «Йўқ, Гаруд, у наг эмас, сенинг нагинг мен бўламан! Уни қўйиб юбор! Наҳотки, сендай зот хато қилсанг?»

Бу сўзларни эшитиб, қушлар ҳукмдори қаттиқ ўйланиб қолди. Жимутваҳн эса ўз хоҳишини рўёбга чиқаролмаганидан юраги гуссага тўлди. Сўнгроқ Гаруд билмасдан сал бўлмаса видйадҳарлар султонини еб қўяёганини билиб, афсуснадоматлар билан пешонасига шап-шуп ура бошлади. «Эвоҳ, нима қилиб қўйдим мен ярамас-а! Тўғри йўлдан адашганлар ёвуз бўлиб қоладилар деганлари ҳаққол-рост экан. Бировларни деб ўз жонини қурбон қилишдан тоймаган ва ёлгончи дунёни сариқ чақага олмаган бу тенги йўқ ботир йигит ҳар қандай мақтовга сазовор», — шуларни кўнглидан ўтказар экан, Гаруд гуноҳини ювиш учун ўзини оловга ташлашга тайёр эди, бироқ шу топ Жимутваҳн сўз қотиб деди: «Эй қушлар шоҳи, нега бунчалик куюнмасанг! Агар гуноҳларингдан шунчалик қўрқар экансан, ҳозирдан бошлаб илон ейиш одатингни ташла. Олдин еганларинг учун ҳам тавба-тазаррулар қил. Мана шу йўл билан барча гуноҳларингдан фориг бўласан, қолган гаплар эса бир тийинга арзимамайди!»

Борлиқ мавжудот мушфиғи Гарудга шу сўзларни айтгандан кейин у елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил нафас олди ва Жимутваҳн нима деса, ҳаммасига ҳўп дейдиган бўлди. Бўлмаса-чи, кимсан Жимутваҳндай маслаҳатчи бўлади-ю, гапини ерда қолдириб бўларканми?

У ўша заҳоти амрит қаймоғидан келтиргани ва бадани тилкаланиб кетган Жимутваҳнга, нишона бўлиб қуруқ суяклари қолган илонларга қайта жон ато этгани осмонга йўл олди. Бироқ шу аснода Жимутваҳннинг вафодор хотинига кўнгли мойил маъбуда Гаурий пайдо бўлди ва самовий ноғораларнинг тантанавор гумбур-гумбури остида унинг яраларига ўзи амрит қаймоғидан малҳам қўйди. Шу билан Жимутваҳннинг тўрт мучаси соппа-соғ, сохт-сумбати аввалгидан ҳам чуст-дуруст бўлди. Вужуди қушдай енгил тортиб, ердан қаддини кўтарган ҳам эдики, Гаруд осмони фалақдан амрит қаймоғи кўтариб келиб қолди ва уни бутун денгиз соҳили бўйлаб сепиб юборди. Шундан кейин барча қурбон бўлган илонлар қайта тирилди. Соҳилбўйи ўрмонзорни азбаройи илон босиб кетганидан шундай хаёлга бориш мумкин эдики, гўё Вината ўғлининг таҳдидидан халос бўлган жамики ерости олами Жимутваҳнни зиёрат қилгани чиқиб келган.

Содир бўлган воқеалардан дарак топган барча қариндош-уруғлар ва яқин-йироқлар Жимутваҳнни қутлагани тўпланишди. Қариндош-уруғларидан ҳам унинг хотини ва ота-онаси қанчалик қувонишганини кўрсангиз эди! Офат саодатга айланганда қувонмай бўладими!

Жимутваҳн Шанкҳчуднинг ерости оламига равона бўлишига изн берди, бироқ унинг измисиз ҳам у ҳақдаги шов-шувлар ва шон-шуҳрати ҳар учала оламга ёйилиб улгурганди.

Сўнгра Жимутваҳннинг у билан тиш қайрашиб юрган Майанг бошчилигидаги қариндош-уруғлари Ҳимолай қизидан паноҳ тилаб, Гаруд ошиёнига боришди. У ерда видйадҳарларнинг зийнати тимсоли олдига қўрқа-писа яқинлашишди ва маъбудларнинг фаришталари теграсида гирдикапалак бўлиб турган Жимутваҳн оёғига йиқилишди. Уларнинг арз-долларини мустажоб билиб, олийжаноб Жимутваҳн Малйа тоғини тарк этди ва Ҳимолай этақларидаги ўз юрти сари равона бўлди. У ерда ота-онаси, Митрвасу ва Маляватий билан биргаликда бу ботир қаҳрамонимиз барча видйадҳарлар устидан ҳукмронлик қилиб, узоқ йиллар давру даврон сурди.

Хуллас, тақдирга ёзилган толе ҳар учала олам яшовчилари юрагида ўз жасоратлари билан ҳайрату ҳаяжон уйғотганларни ўзи изма-из қувиб келади».

Яугандҳрайан оғзидан бу ҳикояни эшитиб, юрагида кўтариб катта қилган ўғлининг толе қуёшини кўришга интиқ малика Васавдатта тўлқинланиб кетди. У бугунги кунни эри билан биргаликда ва видйадҳарларнинг бўлажак ҳукмдори, ўзларининг ўғиллари ҳақида суҳбатлашиб ўтказди. Улар тинглаган ривоят шундан дарак берар эди ва содиқларига мурувватли маъбудлар ҳукми вожиблигига Васавдатта қилча шак келтирмасди.

Буюк шоир Сомдевнинг «Достонлар уммони»даги «Нарвахдаттнинг туғилиши» китобининг иккинчи долғаси ана шулардан иборат.

### УЧИНЧИ ДОЛҒА

Эртасига Васавдаттанинг ҳузурига ўз вазирлари билан ватслар ҳукмдори ташриф буюрганида, маликаи олия дадил унга шундай деди: «Эй хожа, бўйимда бўлган кундан буён юрагимни бўлажак фарзандим борасидаги ташвишлар чулғаб олган. Уни ўйлайвериб, бугун тунда уйқум уйқудай бўлмади ва тушимда худди ўнгимдагидай бир одам олдимга келди. Ундан нур таралиб турарди, танасини қип-қизил чўғлар қоплаб олган, боши узра ой тобланиб турибди, қоп-қора сочларини бир ўрим қилиб олган, қўлида эса уч тишли паншаха тутган. У менга яқин келди-да, раҳми келгандек деди: «Жоним қизим! Болангни ўйлаб зинҳор ташвиш чекма. Уни мен қўриқлайман, зеро, уни сенга мен берганман. Энди эса бошқа бир гапни айтаман сенга. Сен менга ишонишинг керак. Эртага садақа тилаб саройга бир хотин келади. У эрини зўрлаб судраб келади-да, уни қарғай бошлайди. Бу хотин йўлдан озган. Ўз қариндош-уруғлари ёрдамида у эрини қатл эттирмоқчи. Унинг озидан нимаики гап чиқмасин, бари ғирт ёлғон. Сен, жоним қизим, ватслар ҳукмдорини бундан аввалроқ огоҳ қилиб қўймоғинг даркор, токи у туппа-тузук бир одамни мунофиқ хотин зулмидан халос этсин». Менга шундай ҳукм бериб, Буюк зот ғойиб бўлди, мен эса уйғониб кетдим ва қарасам тонг отиб қолибди».

Малика тушини айтиб берганида атрофдагилар ҳайрат ичида Шарвнинг мурувватпешалиги ҳақида сўзлай кетишди ва юраклари ҳовлиққанча кароматнинг рўёбга чиқишини кута бошлашди. Худди шу аснода бош дарбон кириб келди ва барча ғариб-ғураболар валинеъмати, ватслар ҳукмдорига деди: «Эй Тангри ёрлақанган зот, ҳузурингизга қандайдир аёл арз билан келмиш. У билан бирга қариндош-уруғлари, беш ўғли, тинмай қарғаётгани эри ҳам келган, эр шўрлик ер ёрилмаяпти-ю, ерга кириб кетмаяпти». Буни эшитиб, маликанинг туши ўнгидан келганидан бесаранжомланиб, шоҳ дарбонга ўша хотинни олиб киришни буюрди. Малика Васавдатта эса ўзида йўқ шод бўлди, чунки тушининг ҳаққонийлигига амин бўлганди ва ажойиб ўғил кўражагига ҳаммани ишонтирмоқда эди.

Ана, ҳамманинг кўзи дарбон ҳалиги хотинни киргизиб юборган эшикка қадалган. Ўзини атайлаб хокисор кўрсатиб, у рисоладагидек таъзим бажо келтирди ва уни малика билан биргаликда девонхонада кутиб турган шоҳга қараб деди: «Қаршингизда эрим турибди, у мен бечорани, ғариб бир хотинни боқмайди, энгимга кийим олиб бермайди, мен муҳтож бўлган ҳеч бир нарсдан ёлчитмайди, ҳолбуки менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ». Хотин шу сўзларни айтиб бўлар-бўлмас эри гапни илиб кетди: «Олампаноҳ, унинг гапларига ишонманг, чунки қариндош-уруғлари билан биргаликда у менинг ўлимимни истаяпти. Ҳолбуки, шу пайтгача унга нима керак бўлса, қош қайтармай ҳаммасини муҳайё қилиб келяпман. Ишонмасангиз, шоҳим, унинг холис қариндошларидан сўраб кўринг, ҳаммаси кундай равшан бўлади». Унинг бу гапларига шоҳ шундай жавоб қилди: «Бунга гувоҳ маликанинг тушига кирган уч тишли паншаха тутган маъбуд бўлади — бошқа гувоҳнинг бизга нима кераги бор? Мана бу хотин ва унинг қариндош-уруғлари жазога мустаҳқидир». Шоҳ ўз ҳукмини эълон қилгач, доно Яугандҳрайан сўз олди: «Шундай бўлса-да, ёруғ жаҳон ҳукмфармоси қуюшқонли иш тутмоғи афзалдир: гувоҳларнинг кўрсатмаларини тўпламоқ лозим. Акс ҳолда, маликаи улёнинг тушидан беҳабар раият қароримизни асло маъқулламагай». Унинг гапларини эшитиб ва уни эътироф этиб, шоҳ зудлик билан гувоҳларни олиб келишга фармон берди. Сўроқ қилинганда эса улар хотиннинг гаплари нотўғри эканлигини айтишди. Шунда шоҳ бу хотиннинг ўзининг ҳалол-поклиги билан танилган эрига қарши маккорона ёвузлик қилгани учун уни қариндош-уруғлари ва ўғиллари билан бирга ўз мамлакатидан ҳайдаб юборди. Унинг олижаноб эрини эса тинч-эмин озод қилди, унга чин дилдан хайрихоҳлик билдириб, яна уйланиб олиши учун кўп пул берди.

«Адашиб қолган одамни урғочи бўри тилка-пора қилиб ташлаганидай, золим ва заҳар хотин мусибатлар гирдобига тушиб қолган эрни тириклай етти қат ер тагига кўмади. Мехрибон, феъли кенг ва юраги тоза хотин жазирамада қолган одамни сояси билан ҳимоя қилган дарахтдай эрини қутқариб қолади, бундай хотин эракка унинг саховатпешалиги эвазига насиб этади», — содир бўлган воқеаларни фикр тарозисига солиб, буюк шоҳ шу сўзларни айтди; шу яқин-атрофда турган моҳир ровий Васантак эса қўшимча қилди: «Яна бир гап, эй дилию кўли очиқ шоҳ, нафрат ва муҳаббат ёруғ дунёда бандаларга олдинги туғилишлардан қолган таассуротлар таъсири остида пайдо бўлади. Шу баҳонада мен сизга битта ҳикоя сўзлаб бермоқчиман, илтимос, қулоқ берсинлар:

### СИНҲПАРАКРАМ ҲИКОЯСИ

Варанаси (Банорас) шаҳрида Викрамчанд деган бир шоҳ яшарди. Унинг Синҳпараграм деган суюкли бир хизматкори бўларди, жангларда ҳам, ошиқ ўйинида ҳам у доим омадёр эди. Синҳпараграм бадбашара ва бадфеъл бир хотинга уйланган эди, хотинининг исми Калаҳқорий<sup>1</sup> эди — исми жисмига монанд деган гап айнан шунга қараб айтилган бўлса, ажаб эмас.

Сахийқалб эр ҳар доим бор топган-тутганини — шоҳдан олган муқофоти борми, ошиқ ўйинида ютиб олгани борми — ҳаммасини келтириб унга берарди. Бироқ ноинсоф, калтабин хотин ўзининг учала ўғли билан эрини қон қақшатгани-қақшатган эди. «Бировларнинг уйида еб-ичиб, меш қорнингни тўйдириб келсан-да, бизга эса балони ҳам бермайсан», — хотин унга шангиллаб берарди ва ўғиллари билан шўрлик отани олиб итдай талар эди. Синҳпараграм овқатдан овқат, кийимдан кийим — ҳаммасини муҳайё қилиб қўярдию, бироқ шукур нималигини билмайдиган хотин баттар унинг қонини ичарди.

Охири хотинининг зуғумларига чидолмай, Синҳпараграм уйдан бош олиб чиқиб кетди ва Виндҳйа тоғида истиқомат қилувчи Маъбудани зиёрат қилгани равона бўлди. У ерга келиб, у емак-ичмакдан нафсини тийди ва шунда маъбуда унинг тушига кириб шундай деди: «Бас ўғлим, Варанаси шаҳрига қайт ва у ерда энг катта банян дарахтини топ. Унинг томирлари орасидаги тупроқни кавласанг, ўша ердан бир хазина чиқади. Бошқа жавоҳиротлар орасида унда зумурраддан ясалган бир товоқ учрайди — мовийлиги тепангдаги мусаффо осмондай, тоби эса исфаҳоний қиличдай. Ҳар гал унга назар ташлаганингда, сен кимнинг ўтмишини билмоқчи бўлсанг, ўша одамнинг олдинги ҳаёти худди китобдай акс этиб турганини кўрасан. Шу товоқдан сен ўзингнинг ҳам, хотинингнинг ҳам ўтмишдаги ҳаётларингни англаб ола оласан. Орттирган давлатингда эса еганинг олдингда, емаганинг ортингда бўлиб яшайсан, камбағаллик нималигини билмайсан».

Маъбуданинг шу сўзларидан кейин Синҳпараграм уйғониб кетди ва рўзасини тугатиб, тонг билан Варанасига равона бўлди. Қадрдон шаҳрига келиб, у банян дарахтини қидириб топди, унинг илдизлари остидан хазинани кавлаб чиқарди ва унинг ичида катта, қимматбаҳо товоқни кўрди. Ҳақиқатни билиш ниятида товоққа назар солди ва олдинги ҳаётида хотини даҳшатли айиқ, ўзи эса — арслон бўлганини билди. Шунда у олдинги ҳаётларидаги буюк адоват ҳисси юракларидан жой олгани боис турмушлари бузилиб кетганини англади; шунинг билан англагандан кейин эса у ғам-қайғу ва иккиланишни отиб улоқтирди. У тагин товоқ ёрдамида олдинги туғилишларида унинг ўзи каби мавжудотдан ўзга мавжудот бўлиб яшаган барча қизлардан кўлини ювиб, қўлтиғига суртди. Синҳпараграм иккинчи марта Синҳашри деган аёлга уйланди, олдинги туғилишида у арслон бўлган экан ва шу боисдан уни ўзига муносиб деб ҳисоблади. Калаҳқорийга салтанатидаги битта қишлоқни ажратиб бериб, Синҳпараграм кўлга кирган бойлиги ҳисобига янги хотини билан бирга ёшини яшаб, ошини ошади.

Кўрдингизми, буюк шоҳ, бу ерда, заминда, эрлар билан хотинлар ўртасидаги муҳаббат ҳам, нафрат ҳам олдинги туғилишларидаги таъсиротлардан пайдо бўлади».

<sup>1</sup> «Уришқоқ» дегани

Васантакдан бундай мароқли ҳикояни тинглаб, ватслар ҳукмдори ва Васавдатта ундан жуда хурсанд бўлишди.

Вақт шундай ўтиб бораверди, кундузи ҳам, кечаси ҳам шоҳ ўзининг ҳомиладор хотинининг моҳитобон чеҳрасидан бир зум кўз узолмасди. Бу орада шоҳ вазираи олдинма-кейин отага айланиб бормоқда эдилар ва уларнинг ўғиллари эса келажакда улуғ толедан дарак берувчи аломатларни ўзларида намоён қилмоқда эдилар. Энг аввал, вазири аъзам Яугандҳрайан ўғил кўрди ва унга Марубҳути деб исм қўйишди. Кейин Руманват ўғиллик бўлиб, уни Ҳаришиқх деб номлашди. Васантак кўрган ўғилнинг исми Тапантак бўлди. Ниҳоят, шоҳнинг Итйак лақабли доруғаси Нитйодат Гоумукх деган ўғил фарзанд кўрди.

«Улар ватслар ҳукмдори ўғлининг маслаҳатчилари бўлажаклар, унинг душманларини қон қақшатажаклар», — уларнинг туғилган кунлари шарафига берилган улкан муборак жашнда осмонда янграган кўзга кўринмас зот ана шундай каромат қилди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, ватслар ҳукмдори маликаи улё Васавдаттага ҳам тангри таоло кундай бир ўғил фарзанд ато этиши маълум бўлиб қолди. У эрли хотинлар яساتган ажойиб хобгоҳда ётар ва шамий деган дарахт шоҳлари унинг деразасига тангадай қуёш туширмас эди. Хобгоҳ турфа қуролларга лиқ тўла эди ва улардаги қадама тошларнинг тоби кўзни оларди, бу товланишлар бўлажак фарзанд қисмати учун хосиятли бўлиб, унинг бахти баркамоллигидан дарак берарди. Вазира турли афсунлар ва маросимлар ёрдамида хобгоҳни ҳар хил инс-жинслардан поклаш учун жон куйдираб эдилар, чунки у илоҳий оналар<sup>1</sup> ҳомийлиги остида бўлган ва инс-жинслар қиролмайдиган ўзига яраша бир қалъага айланганди. Ўша жойда ой-кунни етиб, Васавдатта ой деса ой, кун деса кун дегулик, мурғаккина жуссасидан тип-тиниқ ва мунаввар амрит — абадият суви раҳшаланиб турган ўғил туғди.

Чақалоқ олам юзини кўрар-кўрмас ўзининг тоби ила нафақат хобгоҳни, балки онасининг изтиробу азоблар зулмати қоплаб олган юрагини мўъжизавий зиёга тўлдирди. Бутун ҳарамни ҳаяжон чулғади ва у ердаги маҳрамлар оғзидан пайдар-пай отилиб чиқаётган муборак сўзлар ватслар ҳукмдори кулоғига яшин тезлигида етиб борди. Агар бу севинчли муждани боши кўкка етган шоҳ салтанатини уни олиб келганга инъом этмаган бўлса, бунинг бирдан-бир сабаби шундаки, анъанага хилоф иш тутишни истамаганди, буни зинҳор хасисликка йўйиб бўлмайди. Сабрсизликдан юраги қинидан чиқай деган бир алпозда ўша захоти ҳарамга кириб келди ва ниҳоят шоҳнинг орзуси ушалди — у ўз ўғлини кўрди.

Боланинг пастки лаби гул баргидек чўзинчоқ ва гулобий эди, жингалак сочлари янги униб чиққан майсага ўхшарди, кулча юзлари эса бамисоли толенинг ватслар салтанатига инъом этган нилуфар гулини эслатарди. Нозик оёқчаларида эса бамисоли ўзга шоҳлар кўрққанидан ўз тимсолларини чақалоққа ҳавола этиб, уларни тарк этган «соябон» ва «елпиғич» нишонлари кўзга ташланарди.

Шоҳнинг азбаройи севинчга тўлганидан катта-катта очилган кўзлари дув-дув ёш тўкарди, бамисоли улардан чақалоққа бўлган ота меҳри тошиб тўкилаётгандай; Яугандҳрайан бошчилигидаги барча вазира хандон ташлаб кулишар эди. Шу аснода осмондан кароматли сўзлар янгради: «Билиб қўй, эй фараҳманд шоҳ, дунёга келган ўғлинг Ком тангрисининг тажассумидир ва унинг исми Нарвахддатдир. Яқин келажакда у барча видйадҳар сардорларининг муршиди бўлиб етишғусидир ва бутун бир илоҳий давр — кали давомида салтанатни сергаклик билан бошқарғусидир». Шу сўзларни айтиб, овоз тинди. Ортидан осмони фалакни тўлдириб гуллар ёмғири ёғди ва самовий ноғоралар гумбури янгради.

Шоҳнинг севинчи ўн чандон ортди ва бутун юртга ош берди, асли тағзамирида маъбудлар бўлгани учун бу галги тўй шодиёналари олдида аввалгилари кўзга кўринмай кетди. Барча уйлардан кўк сари чолғу асбоблари навоси ўрлар, гўё видйадҳарларга уларнинг янги шоҳлари дунёга келганидан хабар

<sup>1</sup> Олий маъбудларнинг аёллар қисми ибтидосини ўзида намоён этувчи етти, саккиз ёки ўн олти нафар она маъбудалар кўзда тутилмоқда.

берар эди. Томларда шамолдан париллаб ҳилпираётган қирмизий яловлар бутун коинотни алвонранг жиља билан тўлдирмоқда эди. Ишқ тангриси жисмоний вужудга эга бўлганидан ўзларида йўқ қувнаётган самовий хурлар ерга нозил бўлган каби бири-биридан соҳибжамол аёллар чарх уриб рақс тушар эдилар. Шаҳар фуқаролари учун бойлик умумий насибага айланганди, чунки хушқисмат шоҳ барчага баб-бараварига янги энгил-бошлару бошдан-оёқ зеб-зийнатлар улашган эди. Масаррат кайфидан сармаст ҳукмдор ўз фуқаролари бошидан инъому эҳсонларни сочқи қилиб сочди, улардан ҳеч бирининг қўли куруқ қолмади — куригандан хазина куриди, холос. Гўё борлиқ оламдаги барча мамлакатларни ўзида гавдалантиргандек, вассал шоҳларнинг ҳарамларидан нозпарвар гўзаллар қайдасан Каушанбҳи деб оқиб келаверди. Уларнинг ортидан раққосалар тўдаси келарди, улар ўзлари билан беҳисоб совға-саломлар олиб келишарди, сара-сара жангчилар уларга ҳамроҳ, атрофларида уд ва даф овозлари бир дам тинмайди. Шаҳардаги ҳар бир ҳаракат — рақс, ҳар бир товуш — мусиқа, ҳар бир сўз — майи ноб тўла паймона каби туюлмоқда, ҳар бир юмуш эса саховатлилиги билан ажралиб турарди. Одамлар юзларини шингарфий тусда бўяб олган, шўбадабоз ва шоирлар кўчаларга жон киритган, бутун шаҳар улкан сайилгоҳ ва ўйингоҳга айланган эди. Бу жашни муборак сурункасига бир неча кун давом этди ва ҳар кун олдингисидан ҳашамдорроқ ва фусункорроқ бўлаверди. Барча шаҳар аҳли хумордан чиққач, барча орзулари битта қолмай ушалгачгина байрам шодиёналари ниҳоясига етди.

Вақт ўтиб борарди, янги чиққан ой каби митти шаҳзода катта бўлиб бораверди. Таомилга кўра, отаси унга Нарваҳдатт деб от қўйди — бу исм унга анча аввал Тангри таоло томонидан ваҳий қилинганди. Болакайнинг тетапоя бўлиб босган ҳар бир қадамини Удаян меҳр билан кузатарди, одим ташлаганида миттивойнинг бармоқларидаги бежирим, нафис тирноқлари садаф каби ялтираб кетарди; у дастлабки сўзларни талаффуз этганида гул гунчалари янглиғ нозик тишчаларини битта-битта санаш мумкин бўлар эди.

Бир сафар вазирлар аълоси шоҳ Удаян қалбини ром этган ёш зуррётларни олиб келди-да, уларни шаҳзодага таништирди. Яугандҳрайан биринчи бўлиб Марубхугини, кейин Руманват — Ҳаришиқҳни, Итйак — Гоумукҳни ва Васантак — Тапалтакни пешрав этди. Уй қоҳини Шантикар эса ўзининг эгизак жиянлари, Пингаликанинг ўғиллари — Шантисом ва Вайшварни олиб келди. Шу заҳоти осмони фалакдан илоҳий гул ёмғири кўйди ва бахту иқболдан дарак берувчи олқиш садолари янгради. Вазирларнинг барча олти ўглини шоҳ ва малика баб-баравар севинч ва эркалаш билан қарши олди. Улар болаликларидаёқ Нарваҳдаттнинг дўстларига айланиб бўлган эдилар. Гўё тақдирлари фолини қутлуғ қилгувчи валинеъматдек кўнгилларини биргина унга боғлаб, вазирзодалар мудом шаҳзодадан бир қадам нари кетмай, соядек эргашиб юрар эдилар.

Шу тариқа ватслар шоҳининг фараҳбахш кунлари битта-битта ўтаверди, фарзандининг нилуфардек покиза, мудом жилмайиб турувчи юзларини томоша қилиб тўймасди, ўзига содиқ шоҳлар «полвон»ни бирма-бир тиззаларига олиб эркалатар, болаларга хос шўхликлари орасида чучук тил билан алланималар деб чуғурлаганида диллари завқларга тўлиб кетар эди.

Буюк шоир Сомдевнинг «Достонлар уммони»даги «Нарваҳдаттнинг туғилиши» китобининг учинчи долғаси ана шулардан иборат.

«Нарваҳдаттнинг туғилиши» номли тўртинчи китоб тугади.

## БЕШИНЧИ КИТОБ

### ТЎРТ ҲУРИЛИҚО ҚИЗ

#### БИРИНЧИ ДОЛҒА

Хартумидан шингарф тусли бўёқ пуркаб, бутун ер юзини рангинлаштирувчи, ўз жилваси билан мусибатларга барҳам берувчи Филрухсор зот сизни балоқазолардан асрагай!

Яккаю ягона фарзандлари Нарваҳдаттни оқ ювиб-оқ тараб парвариш қилганча ватслар ҳукмдори ўз тан маҳрами билан ана шу тарика умргузаронлик қилар эди. Бир кунни шоҳнинг ўғлини қандай қилиб бало-қазолардан асраш устида ташвишланиб турганини кўриб, Яугандҳрайан ватслар шоҳига тик қараб деди: «Сиз шаҳзода борасида асло ташвиш қилманг. У Шиванинг инояти ила сизнинг хонадонингизда дунёга келмиш, келажакда видйадҳарлар раҳнамози бўлиш тақдирига ёзилган. Афсунгарлик билими ёрдамида бу ҳақда воқиф бўлган ҳозирги видйадҳарлар ҳукмдори ғазабга минган. Аммо бу манглайида яримой нишонаси бўлган Маъбудга ошкор бўлиб қолди ва у ганлар йўлбошчиси Стамбҳакни Нарваҳдатт посбонлигига тайинлади. У ўелингизни кўриқлаш учун кўзга кўринмасдан шу ерда мудом ҳозир у нозир. Бу ерга шошилиш қадам ранжида қилган донишманд Норад менга шуларни сўзлаб берди».

Вазири аъзам шоҳга шуларни ҳикоя қилар экан, осмони фалакдан ўзидан нур таратиб турган ва бошида нур чамбари бўлган, кўлида шамшир тугган ажибу ғариб эркак киши тушиб келди. У салом бериб таъзим қилди ва унга меҳмоннавозлик кўрсатиб, ватслар ҳукмдори қизиқсиниб сўради: «Кимсан? Бу ерга не иш билан келмишсан?»

«Мен бир вақтлар оддий одам эдим, ҳозир эса видйадҳарлар устидан ҳукмронлик қиламан ва исми Шактивегдир. Ўзимнинг тафаккур кучим билан билдимки, келажакда ўғлинг бизга ҳукмдор бўлар экан ва шу боисдан мен уни ўз кўзим билан кўргани бу ерга келдим». Бунга жавобан шоҳ Шактивегдан сўради: «Аввал менга айт-чи, биродар, қандай қилиб видйадҳар бўлади одам?» — бу саволга Шактивег куйидагича жавоб берди: «Эй шоҳ, кимки бу ёки олдинги туғилишида маъбуд Шанкарни рози қилган бўлса, у ўз мурувватини шу ерга раво кўради ва видйадҳарга айлантиради. Бунга турли йўллар билан эришиш мумкин — афсунгарлик дуоларини эгаллаб олиш йўли билан ҳам, Шамширни маҳорат билан ўйнатиш ёки қурбонлиқ учун гулчамбарни қойилмақом қилиб эшиш йўли билан ҳам. Мен сизга ўзимнинг қандай видйадҳар бўлганимни сўзлаб берай. Мана, эшитинг!» Шундай дея Шактивег эр-хотин Удаян ва Васавдаттага мана бундай ривоятни сўзлаб берди:

### ШАКТИВЕГ ҲИКОЯСИ

«Жуда қадимги замонларда Вардҳаманпур номли шаҳар ер юзининг зеби бўлган эди ва унда Паропкарин исмли мард шоҳ юрт сўрар эди. Нусратнишон бу шоҳнинг Канакпрабҳа исмли хотини бор эди, у, исмидан кўриниб турганидек, булутнинг эри чақмоққа ўхшарди. Вақти-соати билан улар бир қиз кўришди, у шу қадар чиройли эдики, гўё Парвардигор уни яратиш билан Лакшмийнинг гўзаллигини бир пулга чиқармоқчи бўлгандай. Қиз ҳамманинг кўзи олдида янги чиққан ойдек кун ўтиши билан тўлиб-етилиб бораверди ва отаси онасининг исмига уйқаш бўлсин деган ниятда унга Канакрекҳа деб от қўйди.

Ёш малика балоғат ёшига етганда, отаси хотини Канакпрабҳага қараб деди: «Қизимиз бўйга етиб қолди ва у бўйга етгани сайин уни турмушга чиқариш ташвиши юрагимга тинчлик бермаяпти. Чала айтилган кўшиқ қулоқнинг ғашига теккани каби турмушга чиқмаган қиз ҳам атрофдагиларнинг кўзига чўпдай қадалаверади. Борди-ю, уни тенги бўлмаганга турмушга берса, билмасдан туриб аҳмоққа таълим берган каби у на иззат-обрў, на қувонч келтиради. Қизимизни қайси шоҳга келин қилиб берсак экан? Қизимизни улар қадрлашармикин? Мана шу фикрлар на бедорлигимда, на уйқумда тинчлик беради менга!» Канакпрабҳа қулоқ солиб турди-да, кулиб қўйди: «Кошки қизимиз ҳам турмушга чиқишни ўйлаётган бўлса. Ана, бугун ҳам ўтириб олиб кўғирчоқ ўйнаётганди. Мен ундан сўрадим: «Қизалогим, қачон сенинг тўйингни кўраркинман-а?» У бўлса аразлаб деди: «Керак эмас, мени турмушга чиқаришнинг кераги йўқ. Ҳеч қачон турмушга чиқмайман. Сиздан айрилишни ҳаёлимга ҳам келтиролмайман. Шундай қиз бола бўлиб юрганим яхши. Бўлмаса бир йўлини қилиб, ўзимни ўзим ўлдирман». Шу гапларни айтгандан кейин юрак қолдими менда! Унинг олдида тўғри сизнинг қошингизга келдим, шоҳим. Қиз эшитишни ҳам хоҳламагандан кейин тўй ҳақида ўйлашга-да юрагинг дов бермай қоларкан!»



Хотинининг оғзидан бу гапларни эшитиб, шоҳ оёғи куйган товукдай питиллаб қолди ва чопа-чопа қизининг хобгоҳига бориб, унга шундай деди: «Ҳатто маъбуд ва девларнинг қизлари ҳам ўзларига куёв қидирадилар, баъзан ҳатто бунинг учун қон бериб-жон бериб қурашадилар ҳам. Жоним қизим, не сабабдан сен турмушга чиқишни рад этдинг?» Бундан Канакрекҳа бир нуқтага тикилиб, отасига жавоб берди: «Мен турмушга чиқишни истамайман, отажон. Бунинг нимасидан сиз бунча ташвишга тушаяпсиз?» Қизнинг сўзларига донишмандлар аълоси Паропқарин эътироз билдириб деди: «Қизни турмушга бермасликдан оғир гуноҳ йўқдир. Қизнинг ўзи ҳам ўзбилармонлик қилишга ҳақли эмас, у энг аввало ота-онасига, ундан кейин қариндош-уруғларига тобедир. Бу ёқдан қиз фарзанд туғилган заҳоти у ёқдан уни бировлар учун папалаб ўсдира бошлайдилар. Болалик даври ўтгандан кейин унинг эрсиз ота уйида яшашидан не маъно? Борди-ю, ота уйида қиз узоқ қолиб кетгудек бўлса, қариндош-уруғлари ва яқинлари ундан юз ўгирадилар, зеро, у энди ҳаромга айланади ва у танлаган йигитни ҳам ҳаром деб атайдилар».

Отаси астойдил уқдирганидан кейин Канакрекҳа унга юрагидаги эзгу ниятини очиб солди: «Борди-ю, отажон, Канакпурий деган шаҳарни бориб кўрган битта-яримга браҳман ё кшатрий (жангчилар тоифасига мансуб шахс) бўлса, мени ўшанга эрга беринг ва ўша менинг умр йўлдошим бўлиб қолсин. Бошқа ҳеч қандай одамга турмушга чиқмайман». Қиз сўзини тугатди-ю, шоҳ ўзича ўйлиниб қолди: «Лоақал эрга тегишга рози бўлди-ку, шунисига ҳам шукур. Аммо нима бўлганида ҳам хонадонимда жўн одам эмас, қандайдир маъбуда дунёга келган. Йўқса муштдайгина бола бўла туриб, дунёда Канакпурий деган шаҳар борлигини қаёқдан билсин». Орқасидан эса овозини чиқариб деди: «Бўпти, сен айтгандек бўла қолсин», сўнг у ердан кетди-да, ўзининг кундалик юмушларига тутинди. Эртасига аъёнларини тўплади-да, сўради: «Орангизда Канакпурий деган шаҳарни кўрган борми? Борди-ю, биронгангиз бу шаҳарни кўрган бўлсангиз, браҳманмисиз ё кшатриймисиз, бундан қатъи назар, қизим Канакрекҳани шунга бераман ва ўзимга меросхўр қилиб оламан».

Бир-бирларига қараб, аъёнлар унга шундай деб жавоб беришди, «Эй шоҳим, бундай шаҳарни кўриш у ёқда турсин, ҳатто эшитганимиз ҳам йўқ». Шунда шоҳ жарчини чорлади-да, унга қараб амр қилди: «Бўл, кўс ногорангни чалиб, шаҳарга жар сол: «Канакпурий деган шаҳарни кўрган борми? – де». Жарчи: «хўп, бўлади, шоҳим», – деди-да, чиқиб кетди.

Жарчи шаҳарда кўчама-кўча юриб, жар сола кетди: «Ҳой одамлар, эшитмадим деманглар! Орангизда браҳманми, кшатрийми, Канакпурий деган шаҳарни кўрган борми? Бор бўлса, шоҳ қизини шу одамга беради ва салтанатига меросхўр қилиб олади! Ҳо-ҳо-ҳо-о эшитмадим деманглар-о-ов!» Бироқ у шаҳарни шунча айланиб жар солса ҳам ҳамма жойда одамлар фақат ажабланиб, ҳайрон бўлар эди, холос. «И-е, жарчи айтаётган бу Канакпурий деган шаҳар қанақа шаҳар экан? На биз, на қарияларимиздан биронтамиз у ерда бўлмаганмиз ва бунақа шаҳарни эшитмаганмиз», – жарчининг сўзларини эшитиб, шаҳар аҳли бир-бирига шундай дерди, бироқ ичларидан, «ҳа, мен биламан шу шаҳарни», деган биронта ҳам одам чиқмади.

Бу орада жарчининг жари Балдевнинг ўғли браҳман Шактидевнинг ҳам қулоғига бориб етди. У ошиқ ўйинида омади қайтиб ютқазган ўйинчи эди ва шундай ўйлади: «Ошиқ ўйинида ютқазиб, шип-шийдон бўлдим, энди на ота уйига кироламан, на фоҳишахонага изимни боса оламан. Кўчада қолдим мен шўрлик. Қани, жарчига бу шаҳарда бўлганман деб кўрай-чи. Ахир ҳеч ким кўрмаган бўлгандан кейин мени ким текшириб ўтирибди? Қарабсанки, шоҳга куёв бўлиб ўтирибман-да!» Шундай қарорга келиб, у шоҳ мулозимлари олдига борди ва бу шаҳарни кўрганман деб ёлғонлади. Жарчилар ўзларида йўқ суюниб, ўша заҳоти йигитни оёғини ерга текизмай шоҳ ҳузурига олиб боришди. Шоҳ ҳузурида ҳам Шактидев бу шаҳарни кўрганман деб туриб олди – яланғоч сувдан тоймас деганлари ҳаққол-рост! Шоҳ эса уни текшириш учун қизига одам юборди, жарчидан бу хабарни эшитиб, қиз келди ва браҳмандан сўради: «Сен ростдан ҳам Канакпурийни кўрганмисан?» – «Кўрганман, – деб жавоб

<sup>1</sup> Ҳиндулар одатича, қиз бола 10–12 ёшгача турмушга чиқмаса, у ёғи гуноҳга қиради.

берди браҳман йигит. — Ўқиш баҳонасида бутун дунёни айланиб чиққанман». Қиз эса ундан яна суриштира бошлади: «Сен у ерга қандай қилиб бординг ва у қанақа шаҳар экан?» Йигит ҳеч иккиланмай бурро-бурро жавоб берди: «Мен бу ердан аввал Ҳарпур шаҳрига, ундан кейин Варанасига бордим, у ерда талай кун турганимдан кейин Паундрвардҳан деган шаҳарга келдим, у ердан эса Канакпурий деган ном билан шуҳрат топган шаҳарга етиб бордим. Жуда Худо берган шаҳар экан, одамлари саховатли экан, пойтахт Шақрга ўхшаб кетаркан, гўзаллигидан маъбудлар ҳам киприк қоқмай томоша қиларкан. У ерда барча билимларни сув қилиб ичганимдан кейин бу ерга қайтиб келдим. Мен ўша шаҳарга шу тариқа бориб қолганман ва у шунақа шаҳар». Алдоқчи Шақтидев ҳикоясини тугатгандан кейин Канакрекҳа унга қараб сўз қотди: «Ҳа, браҳман йигит, сенинг бу шаҳарни кўрганингга шубҳам қолмади, қани, яна бир такрорлачи, у ерга қайси йўл билан борган эдинг?» — Йигит унга яна ҳаммасини бир бошдан такрор айтиб берди. Шунда малика канизақларига йигитни олиб чиқишни амр қилди, у кетгач, қиз отаси қошига келди. Шоҳ ундан сўради: «Хўш, браҳманнинг гаплари ростми?» Бунга жавобан қиз отаси ва онасига қараб деди: «Гарчи сиз шоҳ бўлсангиз ҳам оқилона йўл тутмадингиз. Ахир муттаҳамлар оқ кўнгил одамларни доим чув тушириб юришларини билмайсизми? Бу браҳман мени лақиллатмоқчи бўлди. У ғирт ёлғончи экан, Канакпурийни тушида ҳам кўрмаган. Каззоблар қанақанги найранглар ишлатишмайди-я! Мен сизларга Шива ва Мадҳав ҳақида бир ривоятни сўзлаб берай, сизлар кулоқ солингизлар». Шундай деб малика ҳикоясини бошлади:

### ШИВА ВА МАДҲАВ ҲИКОЯСИ

«Ратнпур<sup>1</sup> деган шаҳар бор, уни бекорга шундай аташмаган, у барча шаҳарлар ичида аълоси ҳисобланган. У ерда Шива ва Мадҳав деган икки лўттибоз яшарди. Бу товламачилар ўзларига ўхшаган жамоа билан биргаликда турли ёлғон ва ўтриқлар ёрдамида савдогарлар тўплаган ҳазиналарни ўмариб узоқ вақтгача кун кечиришди. Бир кун илар мана бундай ҳийлани ўйлаб топишди: «Биз бу шаҳарни роса қийратдик. Юринглар, энди Ужжайн шаҳрига борайлик. Айтишларича, у ерда Шанкарсвамин деган ғоятда бой шоҳ роҳиби яшаркан. Унинг пулларини ўмарамиз-да, ишқнинг кўплаб усулларини билувчи соҳибжамол Малва нозларининг лаззатини сурамиз. Қошлари такаббурликдан баланд керилган бу хасис жонон қурбонлиқ тўловининг ярмини ўзига олиб қолар экан ва бу маймунзода фоҳиша Еттипаймона лақаби билан шуҳрат топган экан. Унинг ҳақиқмонанд гўзал қизи бор эмиш. Бошқа ҳазиналар қаторида биз уни ҳам қўлга киритамиз». Шундай қарорга келиб, Шива ва Мадҳав кимга нима тегишини келишиб олишди-да, галга солиб ўтирмай дарҳол йўлга тушишди.

Улар Ужжайн шаҳрига етиб келгач, Мадҳав шаҳзодларга ўхшаб кийиниб олди ва ёрдамчилари ҳамроҳлигида шаҳардан сал наридаги бир қишлоққа бориб кўнди. Ундан кўра айёрроқ бўлган Шива эса қаландар қиёфасида тўғри шаҳарга кириб борди ва Сипра дарёси бўйидаги ибодатхонада яшай бошлади. Унда қаландарларга нима жоиз бўлса, ҳаммаси бор эди — сопол идиш, куш деган муқаддас гиёҳ, садақа косаси, кийик териси ва ҳоказо. Тонг билан у аъзойи баданига қалин қилиб лой суртиб чиқиб, шу туришида у ҳозиргина ичи бадбўй ва шилимшиқ моддага тўла Авич деган дўзахи алимдан чиқиб келганга ўхшарди. Сипра сувида ғул қилаётганида ўзининг гуноҳлардан иборат ҳаётининг азобли меваларини олдиндан тотаётгандек, бошини сув остида узоқ тутиб турди. Ғулдан кейин эса қозикқа ўтиришга мустаҳиқ эканлигини намоиш қилмоқчидай юзини қуёшга тутиб ва гавдасини тордай таранг тортиб узоқ тик турди. Сўнг дуоларни замзама қилганча олдига куш гиёҳи ташлаб қўйилган илоҳ санамига яқинлашди ва ўзини тўрт чехрали Браҳма қиёфасига солгандай «Нилуфар» деб аталувчи шаклда чордона қуриб ўтириб олди. Жуда устомонлик билан бу қаллоб ўзича дарвешлар юрагидек беғубор гуллар билан Пурнинг Ғаними (Шива)га садақа сочқиси сочди. Ёлғондакам садақа расмини

<sup>1</sup> «Гавҳар шаҳар» дегани.

адо этиб, дуолар ўқишга киришган бўлди, куфр ишлари учун даҳшат солаётган азоблар ҳақида «ўйлар»га чўмди.

Эртаси куни қора кийик терисига ўраниб садақа йиққани шаҳарга йўл олди ва макр ва ҳийла тўла кўзлари билан чор атрофга олазарак қараганча кўчама-кўча изғий кетди. Қўлида ҳасса билан у узоқ юрди ва уч марта садақа олди — демакки уч карра гуноҳ қилди. Садақаларининг бир қисмини қарға-қузғунларга, бир қисмини ўткинчиларга бағишлаб юборди, риёкорлик билан қўлга киритган учинчи қисмини эса жиғилдонига паққос туширди. Кейин эса дуоларни минғирлаб, гуноҳларини санагандек тасбеҳ ўтира кетди. Одамлар бошига тушган мусибатлар устида хаёл сургандек, тунни ибодатхонада танҳо ўтказди.

Шу тариқа ҳар куни Шива хўжакўрсинга қаттиқ «риёзатлар» чекарди ва шу билан шаҳар аҳли эътиборини қозонарди. Қаерга борманг, қулоғингизга бир хил гап чалинади: «Э, нимасини айтасиз, нафси амморасини тийган буюк қаландар бу», — хуллас, ҳурмат ва ихлосини изҳор этгани ҳар тарафдан унинг ҳузурига одамлар оқиб кела бошлади.

Бу орада иккинчи ёлғончи, унинг шериги Мадҳав айғоқчилари ёрдамида ҳамма нарсадан огоҳ бўлиб, шаҳарга кириб келди. Овлоқдаги бир эҳромга жойлашиб, шаҳзода кийимида гусл қилгани Сипра соҳилига қараб кетди. Гусл қилиб бўлиб, ўзига ҳамроҳ бўлиб келганлар билан биргаликда илоҳ санами қаршисида минғирлаб дуолар ўқиётган Шивани кўриб қолди ва югуриб бориб ўзини унинг пойига ташлаб шундай деди: «Шунча кўп қадамжоларни айланиб юриб зиёрат қилган бўлсам ҳам бундай буюк қаландарни кўрмаганман!» Уни таниган Шива эса сир бой бермай, қандай ўтирган бўлса ўшандай ўлтираверди, жойидан қимир этмади, Мадҳав эса ўз жойига кетди.

Тун чўккач, улар учрашишди ва бирга ўлтириб еб-ичишди, энди нима қилиш кераклигини муҳокама қилишди. Тонг отарга яқин Шива яна ўз ибодатхонасига кетди, Мадҳав эса тонг бўзара бошлаши билан ўзининг ёлғончи ҳамроҳларидан бирига буюрди: «Мана бу кийимни ол-да, қоҳин Шанкарсвамининг олдига бор ва унга шундай де: «Шаҳзода Мадҳав қариндошлари таъқиби туфайли Дакшинпатҳидан қочишга мажбур бўлди. У бир неча бошқа азамат йигитлар ҳамроҳлигида ўзи билан отасининг бисотидан талай бойликни олиб бу ерга келган ва сизнинг султонингизга хизмат қилишни хоҳлайди. Эй шон-шухрат хазинаси, шаҳзода Мадҳав сизга оёғингизга бош уриш учун изн сўрайди». Шоҳ қоҳинига худди шу сўзларни айтишинг керак бўлади».

Мадҳав амр қилганидек, каззоб йўлга тушди, қўлида совға-саломлар билан қоҳин хобгоҳига келди-да, қулай пайтни топиб, қандай буюрилган бўлса, ўшандай қилиб битта-битта сўзларни териб ташлади ва совғаларни унга топширди. Совға деса ўзини томдан ташлайдиган қоҳин олиб келинган нарсани маҳкам чангаллаб олди ва келажакдаги совғаларни кўз олдига келтириб, меҳмоннинг барча гапларига лаққа ишонди. Очкўзлик балосини қутуртириш учун совғадан яхши восита бўлмас.

Элчи ҳамма ишни расамади билан Мадҳав айтганидек дўндиргандан кейин қулай пайт топиб, эртасига Мадҳавнинг ўзи шоҳ қоҳини ҳузурига йўл олди. Ўзининг келгани ҳақида хабар бериши учун ичкарига одам киритиб юборгач, унга гумашталари қуршовида сохта шаҳзода пешвоз чиқди. Унинг ўзи ҳам ва у билан бирга турганлар ҳам кўлларига ҳасса тутган зиёратчилар қиёфасида эди. Қоҳин унинг истиқболига чиқиб келди-да, мулойим оҳангда Мадҳавга салом берди. У билан бирга ўлтириб ва у ёқ-бу ёқдан гап сотиб, унинг изни билан Мадҳав ўз масканига қайтди. Эртасига ёлғончи совғаликка яна кийим-кечак юборди, кейин эса ўзи келди-да, қоҳинга қараб ушбу сўзларни ирод қилди:

«Бизлар наслимиз шаънини кўтариш учун хизмат қилмоқчимиз. Шу боис ёрдам тилаб ҳузурингизга бош уриб келдик. Кўнглимизда қилча ғараз йўқдир». Қоҳин эса яна совға-саломлар тамаида Мадҳавнинг илтимосига рози бўлди ва бу илтимосни шоҳга етказди. Шоҳ эса қоҳинга бўлган ҳурмати юзасидан жавоб берди: «Шундоқ бўла қолсин». Эртаси куни қоҳин Мадҳавни ва унинг шерикларини ўзи билан олиб олди-да, уларни ҳурмат-эҳтиром ила шоҳга таништирди. Шоҳ ҳам шаҳзода қиёфасидаги Мадҳавни кўриб, унга марҳамат кўргазди, хизматга олди ва маош тайинлади.

Кундузи Мадҳав шоҳ хизматида бўлиб, кечаси Шиванинг олдига борди-да, у билан маслаҳатлашди. Совға деса отасини ҳам сотишга тайёр қоҳин эса бу орада Мадҳавга шундай таклифни айтди: “Келиб менинг уйимда тура қол”. Шундан кейин у ўзининг одамлари билан қўлнинг уйида яшай бошлади. Шўрлик қоҳин бу билан ўз жонига қасд қилганини қаёқдан ҳам билсин. Иллизини сиқчон кемираётгани дарахтга қаёқдан ҳам аён бўлсин.

Бир куни каззоб бир кўзани олди-да, уни қоҳиннинг хазинасига қўйиб қўйди. Кўза бошдан-оёқ қалбаки жавоҳиротга лиммо-лим эди ва нима бўлди-ю, бир гал қоҳин уни сал очган эди, бир тутам гиёҳ билан молни алдаганларидай, қоҳиннинг балойи нафси ҳакалак отиб юборди. Қоҳиннинг ишончини бутунлай қозонган Мадҳав бир куни ўзини касалга солди, иштаҳам йўқ, овқат еёлмайпман, озиб, чўп бўлиб қолдим, деб касалидан шикоят қилди. Орадан бир неча кун ўтди, каззоблар ҳукмдори Мадҳав у ётган жойга оҳиста юриб келган қоҳинга заиф товушда шундай деди: “Эй браҳманларнинг сарвари, танимдан мадорим кетиб бўлди. Олдимга биронта тузукроқ браҳманни олиб келсангиз. Мен унга ўзимнинг ҳамма бойлигимни топширсам. Жони қил устида турган одамнинг кўзига олтин умуш кўринадими!”

Совға-саломдан танглайи кўтарилган қоҳин унга шундай деди: “Худди айтганингиздай бўлади!” Ундан миннатдор бўлган Мадҳав ўзини унинг оёғига ташлади. Қоҳин бир браҳманни бошлаб келди, бироқ нимаси биландир у Мадҳавнинг дидига ўлтирмади. Буни кўриб, ёнида турган собиқ каззоблардан биттаси деди: “Бундай ҳодисалар учун оддий браҳман кетмайди-да. Сипра соҳилида буюк зоҳид Шива истиқомат қилади. Менимча, ўша жуда мос келади”. Шунда Мадҳав қоҳинга ёлбориб деди: “Илтимос, мурувват қилинг, ҳазрат, ўшани олиб келинг... ҳойнаҳой, бизга керак бўлган одам худди ўша бўлади!” Қоҳин кетди-да, Шивани қидириб топди, қарасаки у қаттиқ риёзатга берилгандек қилт этмай ўлтирибди. Таомилга кўра қоҳин уни чапдан ўнгга қараб бир айланиб чиқди-да, одоб билан қаршисига ўлтирди. Шунда лўттибоз кўзларини оҳиста очди. Қоҳин унга таъзим қилиб туриб, деди: “Агар жаҳлингиз чиқмаса, ҳукмдор, сизга бир сўз айтишимга изн берсангиз”. Лабларини хиёл қимирлатиб, лўттибоз браҳман розилик билдирган бўлди ва қоҳин давом этди: “Бу ерда жанубий вилоятлик бир бой шаҳзода бор. Унинг исми Мадҳав. У оғир бетоб бўлиб қолди ва бутун бойлигини бировга бермоқчи. Агар сиз йўқ демасангиз, хазинасини сизга илинмоқчи бўлиб турибди. Хазинаси шу қадар бойки, унинг қийматини ҳеч ким ҳисоблай олмайди”. Сукут онтини бузиб, унга Шива шундай деб жавоб қилди: “Садақа билан кун кечирадиган қаландар шунча бойликни бошига урадими, ҳой браҳман?!”

Унинг бу гапига қоҳин эътироз билдириб деди: “Бундай деманг, оҳ браҳманларнинг пешвоси! Ёки ҳаёт босқичлари тартиб-низомидан беҳабармисиз? Шулардан энг олийси – кадхудо, яъни оила эгаси, рўзгорни тебратувчи, хотинли эркак, маъбудлар, аждодлар ва меҳмонларга нисбатан ўз бурчини сидқидилдан адо этувчи содиқ банда. Бойлик ёрдамида у ҳаётдаги уч мақсадга етишгай”.

“Мен қандай уйландим? – жавоб берди унга Шива. – Паст зотли қизни хотинликка ололмайман-ку”. Қоҳин бундоқ қарасаки, қаландарнинг уйланишга ҳам ва бойликка эга бўлишга ҳам кўнгли йўқ эмас, у мана шу ҳолатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди: “Менинг Винайсвамийни деган қизим бор, ҳусндан худо қисмаган, мени уни сизга хотинликка беришга тайёрман. Мадҳавдан сиз оладиган бойликни мен ўзим кўз қорачиғидай асрайман, сиз эса оилавий ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлинг”.

Шунда у ва Мадҳав ўйлаган нарсалар амалга ошаётганини тушуниб, Шива унга шундай деб жавоб берди: “Эй браҳман, ҳаммаси худди сиз ўйлагандек бўлади. Лекин мен бир қаландарман, олгинни ҳам, дурни ҳам яхши билмайман. Мен сен нима десанг, шуни қиламан. Майли, билганингни қил!” Бу гапдан суюниб кетган қоҳин деди: “Худди сиз айтгандек бўлади!” Шундан кейин лақма қоҳин сохта қаландарни уйига олиб борди. Гарчи исми яхшиликдан дарак бериб турса-да, хатарли меҳмонни уйига олиб келиб, қоҳин Мадҳавга ҳамма гапни айтиб берди ва Мадҳав жуда хурсанд бўлди. Сўнг қизини Шивага никоҳлаб берди, бу билан у минг машаққат билан ўстирган кўзининг оқу қорасини аҳмоқлик билан бой бергани қолди, холос.

Тўйдан кейин уч кун ўтгач, қоҳин Шивани сохта бемор хузурига олиб борди. Мадҳав Шивани очиқ чеҳра билан қарши олди: “Ақл бовар қилмас зафарларинг муборак бўлсин”, — ҳа, энди унинг бу сўзларида ёлғон йўқ эди. Кейин Мадҳав Шивага хазинадан келтирилган сохта тақинчоқлар ва қалбаки лаъл-ёкутлар билан лиммо-лим тўлдирилган хумни берди. Шива совғани қабул қилиб олди-да, ўша заҳоти уни қоҳинга ҳавола этди ва шундай деди: “Буни мен нима қилишни билмайман, сен эса бунақа ишларнинг пири бўлиб кетгансан!” Қоҳин очкўзлик билан хумни кучоқлаб олди-да, деди: “Ахир мен сизга олдин айтган эдим! Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин!”

Хотинининг хобгоҳига йўл олган Шивани дуолар қилиб, шоҳ қоҳини хумни ўзининг хазинасига олиб кетди. Мадҳав эса эртасига “тузалиб” кетди, гўё сахийлик билан инъом этилган давлат дардига малҳам бўлгандай. Қоҳин яна унинг хузурида пайдо бўлганида, Мадҳав уни муборакбод қилди: “Сенинг ҳалол хизматинг шарофати билан мен касалликдан халос бўлдим”. Шундан кейин қаерга бормасин, Шиванинг мўъжизавий қудратидан тўрт мучалим соппа-соғ бўлди, деб айтадиган бўлди ва энди у билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди.

Орадан бир неча кун ўтди ва Шива қоҳинга шундай таклифни айтди: “Қачонгача мен сеникида ташвиш-ғам билмай, нуқул ҳаловатда яшайман? Мендаги мана бу тақинчоқларни яхшигина пулга сотиб олсанг, нима қилибди? Майли, қанчага кучинг етса, шунчага ола қол”. Бундай таклифни эшитиб ва хазинани бебаҳо деб ўйлаб, қоҳин унга деди: “Бор барака!” — сўнг бор хазинасини Шивага берди. Битим пухта бўлсин деб тилхат ёзиб берди, у олган хазина унинг мол-мулкидан қимматроқ туришига у заррача шубҳа қилмаётганди. Бир-бирдан тилхат олиб, қоҳин ва Шива ўшандан бошлаб бўлак-бўлак турадиган бўлишди.

Қоҳиннинг бойликларидан фойдаланиб, Шива билан Мадҳав қандини ура бошлашди. Орадан талай вақт ўтди, пулга муккасидан кетган қоҳин тақинчоқлар ичидан битта билагузукни ажратиб олди ва уни пуллагани бозорга йўл олди. Жавоҳиротнинг сирларини чуқур биладиган савдогарлар ҳалиги билагузукни диққат билан кўздан кечиришди-да, дейишди: “Бу кимнинг иши? Лекин жудаям бошлаб ясашипти, гап йўқ! Гарчи билагузук минг хилда товланиб турса-да, унда ранг-баранг шиша бўлакларидан бошқа ҳеч вақо йўқ, шунақанги маҳорат билан қадашибдики, кўриб асил жавоҳиротдан фарқлаёлмайсан, киши”.

Қоҳиннинг ичида бир нима узилгандай бўлди, уйдаги бор тақинчоқларни кўтариб келди-да, уларни савдогарларга кўрсатди. Улар тақинчоқларни диққат билан, синчиқлаб қараб чиқишди ва уларнинг бари қалбаки эканини кўриб, шундай сўзларни айтишдики, қоҳинни нақ яшин ургандай бўлди. У тўғри Шиванинг олдига келди-да, унга шундай деди: “Ол жавоҳиротингни, бер пулларимни!” — “Пулларингни қаердан топаман? — уни қайтариб ташлади Шива. — Бари сарф бўлиб кетди. Орадан озмунча вақт ўтдим!” Шунда иккаласи бир-бирини сўкиб-сўзлаганча Мадҳав ҳамроҳлигида шоҳнинг хузурига келишди. Қоҳин шоҳга арз-дод қила кетди: “Эй карами кенг шоҳ, мана бу Шива мендай бир кўнгли тўғри одамнинг бутун бойлигини ўмарди, эвазига аллақандай қалбаки тақинчоқларни берди, кўринишидан асил жавоҳиротга ўхшагани билан бир уюм шишаю қумдан бошқа нарса эмас!”

Бунга жавобан Шива деди: “Шоҳим, ёш болалик вақтимдан бери қаландарларча яшаб келаяпман, у эса менга совға-саломларини тиқиштирди. Мен унга айтдим, жавоҳирот бобида ҳеч балони билмайман, тақинчоқларни ҳам сира ажратолмайман, деб, унга турли баҳоналар ҳам қилдим, олмаслик учун. У ўзи айтди менга, ҳаммасини ўзим яхши биламан, бу ёғидан сира ташвиш қилманг, деб. Охири мен олишга рози бўлдим, эвазига бисотимда нимаики бўлса, ҳаммасини унга бердим. Эй муборак талъатли шоҳ, олган ҳамма нарсага нархни унинг ўзи тайин қилди. Ўртада савдо битими тилхатлари ҳам бор, унга мен ҳам, у ҳам имзо чекканмиз. Энди бўлса, одил шоҳ, у сизнинг муборак ёрдамингизга таяниб хузурингизга келаётир”. Шива гапдан тўхташи ҳамон Мадҳав булбулдай сайраб кетди: “Сен менга ишонмай қўя қол, қоҳин. Бу ерда менинг ҳеч қандай аҳамиятим йўқ. Мен сендан ҳам, Шивадан ҳам ҳеч

нарса олганим йўқ. Аждодларим йиққан хазинани мен узоқ вақт асрадим ва уни хузуримга сен бошлаб келган хурматли бир браҳманга нисор қилдим. Борди-ю, тақинчоқлар ҳақиқатан ҳам на дур, на зар бўлиб, балки у бир уюм шишаю кумдан иборат бўлса, барибир менинг совғам фойда келтирган. Шу совға таъсир қилган, зеро, у чин дилдан меҳр қўйиб ясалган: ахир менинг оғир касалликдан фориг бўлиб кетганимни ҳамма билади-ку”. Бу гапларни ирод этар экан, Мадҳавнинг юзи қилча ўзгармади ва сўзини тугатганида эса шоҳ қулиб юборди, ортидан вазирлар хандон ташлашди, ҳукмдор мамнун эди, дарборда тўпланган барча ҳозиринлар кулги ва табассум билан бир-бирларига шундай дер эдилар: “Шива билан Мадҳав нимаики қилган бўлсалар, ҳаммасини қонуний қилганлар”. Бойлигидан маҳрум бўлган қоҳин эса шарманда бўлиб дарбордан чиқиб кетди. Зеро, барча мусибатларнинг сабабчиси ақлни хиралаштирган ғараз ва худбинлик эмасми!

Шива билан Мадҳав эса илоннинг ёғини ялаган муттаҳам, қаллоблар бўлишса ҳам шоҳнинг ялогини ялаб ва унинг мурувватларидан баҳраманд бўлиб узоқ яшашди. Балиқчилар тўр билан балиқ тутганларидек, каззоблар моки сингари тилдан йигирилиб чиқувчи минглаб ришталардан тўқилган макр тўри билан содда одамларни илинтириб юрадилар.

Ана шунақа, отажон, Канақпурийни кўрганман деб даъво қилаётган мана бу браҳман сизни алдаб, мени хотинликка олмоқчи бўлаётибди. Шу боис мени эрга беришда шошилманг. Ҳозирча қиз болалик вақтимдан фойдаланиб, ўйнаб-кулиб қолай, кейинроқ пешонамга нима ёзилган бўлса, шуни кўравераман-да”. Малика Канақрекча сўзини тугатиши ҳамон шоҳ Паропқарин эътироз билдириб деди: “Йўқ, қизим, ота уйида ҳаддан ташқари узоқ қолиб кетишинг яхши эмас, зеро, аҳмоқ одамларгина яхшиларни қоралаб, шундан роҳатланадилар. Одам юқори мартабага кўтарилиб борган сайин унга чапланадиган бўхтон ҳам шунча қуюқлашиб бораверади. Қулоқ сол, онам қизим, Ҳарсваминга нима бўлганини айтиб берай сенга:

### ҲАРСВАМИН ҲИКОЯСИ

Ганга бўйида жойлашган ва Кусумпур деб аталган шаҳарда муқаддас қадамжолар зиёратига йўл олган қаландар Ҳарсвамин яшарди. У садақа билан тирикчилик қилар, япроқлардан ўз қўли билан тиклаган чайлада дарё қирғоғида яшарди ва зоҳидликка шунчалик берилган эдики, одамлар орасида хурмати ошиб кетганди.

Бир куни бир воқеа рўй берди. У садақа тилагани чиққанида унга узоқдан кўзи тушган бир ҳасадгўй унинг ҳалоллигидан ғайрлиги келиб, одамларга деди: “Анови зоҳиднинг осийлигини биласизларми? Ахир у бу ердаги барча болаларни еб битиради-ку!” Буни эшитиб, бошқаси ҳам уни қўллади: “Тўғри, тўғри, мен ҳам одамлардан шундай деб эшитганман!” Шунда учинчиси гапни илиб кетди: “Худди шундай бўлган эди!” Шундай қилиб, яхши одамларнинг кўнглига ғулғула солиб, мудҳиш миш-миш ёйилди, бир у ерда, бир бу ерда қулоққа чалина-чалина бутун шаҳарда дув-дув гап бўлиб кетди. Ҳарсвамин болаларни ўғирлаб кетиб, ҳаммасини еб битиради деб, одамлар болаларини уйдан чиқармай қўйишди. Болаларнинг қирилишидан кайфи учган браҳманлар шаҳарга тўпланишди ва маслаҳатлашиб, Ҳарсваминни шаҳардан қувиб чиқаришга қарор қилдилар. “Ундан яхшилик кутиб бўлмайди, бир жаҳли чиқса бизни ҳам ямламай ютади”, — деб ўйлашди улар, бироқ кўрққанларидан буйруқларини махсус хабарчилар орқали унга етказишга келишдилар.

Хабарчилар боришди-да, узоқдан туриб унга қичқаришди: “Кет шаҳримиздан. Бизлар икки бор туғилганлармиз, шунга келишдик. Сенга айтадиган бошқа гапимиз йўқ!” — “Нима учун?” — қичқариб сўради ҳайрон бўлиб Ҳарсвамин. — “Нима учун бўларди? — яна қичқариб дейишди улар, — сен болаларимизни еб қўясан”. Уларнинг гапи қулоғига бориб етгач, Ҳарсвамин уларга яқинроқ боришга қарор қилди, улар эса зоҳиднинг яқинлашиб келаётганини кўриб, ўтакалари ёрилганча ҳар томонга қочиб қолишди. Дарҳақиқат, ғийбатларга ишонганнинг фаросати бўлмайди! Улар тепада туришарди, Ҳарсваминнинг чайласи эса пастда, сув бўйида жойлашганди. У ҳар бир браҳманни отини

айтиб чақира бошлади, кейин эса қичқариб деди: “Сизларни нима жин урди ўзи, ҳой браҳманлар? Кимнинг боласини ебман, нечта болани ебман? Ақлингизни йиғсангиз-чи!”

Буни эшитиб, браҳманлар ўйлаб қолишди: ҳақиқатан ҳам уларнинг болалари соппа-соғ, ўйнаб юришибди; улардан кейин бошқа одамлар ҳам бунга ишонч ҳосил қилдилар; шунда браҳманлар ва савдогарлар, бутун шаҳар аҳли шундай дея бошлашди: “Эҳ, ғирт тентак эканмиз, дуппа-дуруст одамни жоҳиллигимизга бориб одамхўрга чиқариб ўлтирибмиз-а! Ахир болаларимиз тирик-ку! Дарвоқе, уларни ейиш кимга зарур келибди?” Бутун шаҳарда ана шундай гаплар юрарди. Ҳарсвамин эса қуруқ тухматдан боши қутулгач, шаҳардан кетишга аҳд қилди. Одамларининг иймони суст, ҳар қандай мудҳиш миш-мишларга ишонаверадиган мамлакатда инсоф-диёнатли одамнинг яшашга қандай кўнгли бўлсин?! Шунда браҳманлар ва савдогарлар кетманг деб унинг оёғига йиқилишди ва Ҳарсвамин уларнинг илтимосларига рози бўлди.

Ана шунақа, аблаҳ одамлар кўпинча пок ҳаёти билан шуҳрат қозонган одамлар устига маломатлар ёғдирадилар. Агар аблаҳ одамларга жиндай қўйиб берсангиз ҳам улар худди оловга сепилган мойдай иш тутадилар. Менимча, жоним қизим, энди бўй қиз бўлиб юраверишинг дуруст эмас — қиз боланинг кўнгли бамисоли янги очилган гул, ёмонларнинг биргина оғиз ноҳўя гапидан осонгина лат ейди, агар гапимга кирсанг, бу билан юрагимдан дардни аритган бўлардинг”.

Аммо Канагрекҳа отасининг гапини бир қулоғи билан эшитиб, иккинчисидан чиқариб юбормоқда, айтганида туриб олмоқда эди, бинобарин шундай жавоб берди: “Ўша гапим — гап: Канакпурий шаҳрини ўз кўзи билан кўрган браҳман ёки кшатрий йигитни топишга фармон беринг, шунда мени ўша йигитга турмушга беришингиз мумкин”.

Шоҳ кўрдик, қизи ён берадиган эмас, унга куёв топишнинг бошқа ҳеч қандай йўли йўқлигига кўзи етгач, эртадан бошлаб яна мамлакатга келганлар сўраб-суриштирилсин ва бутун мамлакат бўйлаб кўс ноғоралар гумбури остида “Агар Канакпурийни кўрган браҳман ё кшатрий йигити бўлса, бу ҳақда бетўхтов хабар берсин, унга мен, яъни шоҳ ўз қизимни бераман, ўзини эса салтанат меросхўри қилиб оламан”, — дея жар солишни буюрди. Жарчилар ҳар куни шундай жар сола кетишди, бироқ Канакпурийни кўрдим деган одамдан номнишон кўринмасди.

Буюк шоир Сомдевнинг “Достонлар уммони”даги “Тўрт ҳурилиқо қиз” китобининг биринчи долғаси ана шулардан иборат.

## ИККИНЧИ ДОЛҒА

Бу борада бадбахт маликанинг таънасига дучор бўлган браҳманзода Шактидев ўзича ўйларди: “Канакпурийни кўрганман деб ёлғонладим, мени шармандаи шармисор этишди. Маликага етишиш учун Канакпурийни қидириб топаман. Майли, ҳаётдан жудо бўлай, аммо бу шаҳарни қидириб топмагунча қўймайман, қайтиб келиб шоҳ қизига уйланаман. Агар маликага етишолмасам, яшашимдан маъно не?”

Шундай қарорга келиб, Шактидев Вардҳаманпурдан чиқди-да, ҳайё-хув деб жануб томонга равона бўлди. Йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, охири Виндҳйа тоғларида ястанган ўрмонга етиб келди. У жазм қилган иши каби на боши ва на охири кўринадиган ўрмонга қадам урди. Шамолдан чайқалган чирмовуқнинг нафис япроқлари маҳлиё этса-да, жазирама куёш унинг баданини оловдай куйдирарди. Кундузи ҳам, кечаси ҳам арслонларнинг ва турли йиртқиқларнинг даҳшатли ўкирикларидан юраги ёрилган ғазолаларнинг аянчли чинқириқлари қулоғига чалинарди.

Ўзининг жазарамаси билан барча тирик мавжудотни куйдириб кул қилмоқчи бўлгандек бу кимсасиз жойларда ловуллаган куёш нурларини ҳеч нарса тўсиб қололмасди. Ташналик ва ҳар қадамда ажал пойлаган, узоқ йўлдан мадори қуриган танҳо йўловчимиз, мана, неча кундирки, ўрмон оралаб келаяпти. Ниҳоят, у муздек ва ширин суви қирғоққа чалоп-чулуп урилиб турган бир

кўлга дуч келди. Қийғос очилган қип-қизил нилуфар қоплаган, кушлар қаноти силкинишларидан мавжланган бу кўл чинданам кўлларнинг шоҳи эди. Шақтидев кўлга шўнғиди, ташналигини қондирди ва у ёқ-бу ёққа аланглаб, қирғоқда сершоҳ ва сермева дарахтлар соя ташлаб турган қаландарлар масканини кўрди. Ўша ерда ашваттҳа дарахти илдиэлари ёнида зоҳидликка ружу қўйган, Сурйатапас исмли жуда кекса донишманд ўлтирарди. Чаккаларида қумушранг толалар тўлқинланиб турарди, улардаги ҳар бир тугун унинг ҳаёти кечган йиллардан биттасини англатар эди, шундай тугунлардан унда юзтадан кўпроқ бор эди.

Донишмандга одоб билан салом бериб, Шақтидев унга яқинроқ борди, авлиё эса унинг саломига алик олиб, яхши сўзлар билан жавоб айтди ва ўрмон меваларидан унга манзират қилди. Кейин донишманд сўради: “Хўш, қаердан келаяпсану қаерга кетаяпсан?” — “Вардҳаманпур шаҳридан келаяпман, авлиё ота, ўзим эса Канакпурий шаҳрини қидириб кетаяпман. Излаб кетаяпман-у, аммо унга етиш учун қайси томонга қараб юришни билмайман. Балки, авлиё ота, сиз айтарсиз?” — деди Шақтидев. Донишманд унга айтди ҳам: “Ўғлим, менинг бу ерда ўлтирганимга бир юз саккиз йил бўлди. Аммо шу йиллар ичида бундай шаҳар номи бирон марта ҳам қулоғимга чалинган йўқ”. Шунда Шақтидев сўз қотди: “Афтидан, жаҳонгашталигим ўлимим билан ниҳоясига етадиган кўринади!” — шундай дея у ҳамма гапни оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берди. Авлиё унга маслаҳат солди: “Модомики, бу шаҳарни қидириб топмоққа азму қарор қилибсанми, мен айтганимдай иш тут. Бу ердан уч юз йोजан нарида Кампилйа юрти ёйилиб ётибди, ўша ерда Уттар тоғи қад кўтарган ва унда дарвешлар маскани бор. Ўша масканда акам Дирғхтапас истиқомат қилади. Ўшанинг олдида бор, шояд Канакпурий шаҳрини у билса”. Бу маслаҳатни қулоғига қуйиб олди-да, Шақтидев деди: “Хўп бўлади, авлиё ота!” Тунни донишманд ёнида ётиб ўтказди-да, каллаи саҳарлаб айтилган томонга равона бўлди. Юзлаб тўсиқлардан ўтиб, минглаб уқубатлар чекиб, Кампилйа юртидаги Уттар тоғига чиққунча кўп кунлар ўтди. У ерда Дирғхтапас деган авлиёни базўр қидириб топди, қаршисида таъзим бажо этди, авлиё уни очиқ чеҳра билан қарши олгандан кейин йигит уни малика ва Канакпурий шаҳри ҳақида воқиф этди. “Шу шаҳарни қидириб юрибман, — деди Шақтидев, — лекин унинг қаердалигини билмайман, онҳазрат! Мен ўша ерга бормасам бўлмайди, шундагина менинг орзум ушалади. Мени сизнинг ҳузурингизга донишманд Сурйатапас юбордилар!” Шақтидевинг бу гапига авлиё шундай жавоб берди: “Менинг ёшим фалон жойга бориб қолган ва турли эл-элатлардан кўплаб одамлар ҳузуримга келиб кетдилар, аммо уларнинг биронтаси оғзидан бундай шаҳар номини эшитмадим. Уни кўзим билан кўриш тўғрисида-ку гап бўлиши мумкин эмас. Билмадим, болажоним, бу ердан узоқларда бир орол бор — унга қандай боришни мен сенга айтаман. Ўша орол баҳри муҳитнинг ўртасида жойлашган ва номини Утстҳал дейишади. У ерда битмас-туганмас хазина эгаси, нишодлар ҳукмдори Сатйаврат яшайди. Ўша оролга дунёнинг турли мамлакатларидан одамлар келадилар, сен айтган шаҳарни ўша одамлар эшитган. Сен аввало Витанкпур деган шаҳарга бор, у баҳри муҳитнинг қирғоғида жойлашган, у ердан эса битта-яримта савдогар билан нишодлар оролига жўна, савдогар сени кемага бирга олиб чиқишини илтимос қиласан, албатта. Илоё мурад-мақсадинга етгил, қўзичоғим”. Бунга жавобан Шақтидев деди: “Бош устига, авлиё ота” ва донишманднинг изни ила ўша заҳотиёқ кулбани тарк этиб, йўлга тушди.

Вақт ўтаверди, у кўплаб мамлакатларни босиб ўтди, беҳисоб крош<sup>2</sup>ларни орта қолдирди ва охири Витанкпур шаҳрига етиб келди, у чинданам денгиз соҳилида узукка кўз қўйгандай ярашиб турарди. Ўша ерлик бир Самудрдат деган савдогар Утстҳал оролига сузишга тайёргарлик кўраётганидан дарак топди-да, ўша савдогар билан ўртоқ киришиб олди, сўнг у йигитни бирга олиб

<sup>1</sup> Б и р й о ж а н — 16 км.

<sup>2</sup> К р о ш — масофа ўлчови 3,5 км га тенг.



кетишга розилик билдиргач, унга кўшилиб, Шактидев бепоён денгиз кўйнига кириб кетди. Ҳали жуда ҳам узоққа кетиб улгурмай, бирдан рақшаслар ўкиригига ўхшаб қора булутлар бостириб келди, чирмовуқдай узун ва ингичка чақмоқ чақди. Кучли ғазабнок шамол туриб, ҳар қандай оғир нарсани ҳам пардай энгил қилиб юборди, ҳар қандай энгил нарсани ҳам кўрғошиндай ерга қапиштирди. Денгизда мисли кўрилмаган баланд тўлқинлар кўтарилиб, сувни шунақанги ҳар томонга ота бошладики, гўё қанот боғлаган тоғлар телбаларча рақс тушаётганга ўхшарди. Кема гоҳ осмонга тегай-тегай деб юқорига кўтарилар, гоҳ фойда ва зарар уммонидаги савдогардек денгиз тубига тушиб кетар эди. Гўё қандайдир жуда оғир бир нарса келиб урилгандай, кема кўз очиб-юмгунча парча-парча бўлиб кетди.

Тўлқинлар кемани мажақлаб ташлагандан кейин унинг хўжайини қандайдир тахтага ёпишиб олди ва қутурган денгизда сузиб юриб-юриб, ниҳоят бир бошқа кемага чиқиб олди. Шактидевни эса сувга йиқилиб тушганида улкан бир балиқ худди бир кичкина увоқдай ютиб юборди. Балиқ тақдир тақозоси билан чексиз баҳри муҳитда сузиб юра-юра Утстхал ороли яқинига бориб қолди, у ерда нишодлар шоҳи Сатйавратга қарашли балиқчиларнинг тўрига илинди. Тоғдай балиқни улар ўз ҳукмдорлари олдига судраб келишди. Сатйаврат балиқни кўрди-ю, ичиди нима бор экан деб қизиқиб қолди ва қорнини ёришни буюрди. Балиқнинг қорнини ёрган эдилар, бир вақт унинг ичидан Шактидев чиқиб келди, балиқ қорнида саёҳат қилганидан у бутунлай ҳанг-манг бўлиб қолган эди.

Шоҳ ёш Шактидевга ҳайрат билан қаради, йигитча эса одоб билан унга салом берди, шоҳ ундан сўради: «Кимсан? Балиқ қорнига қачон ва қандай кириб қолдинг? Бошингдан ўтганларни сўзлаб бер». Бунга Шактидев шундай жавоб берди: «Мен браҳманман, исмим Шактидев, ўзим Вардҳаманпур шаҳрида дунёга келганман. Мен Канакури деган шаҳарни қидириб чиққан эдим. Унинг қаердалигини эса билмайман, уни излаб анчадан бери жаҳонгашталиқ қилиб, сарсон-саргардон бўлиб юрибман. Донишманд Дирғтапас менга бу шаҳарни Ут-стхал оролида истиқомат қилувчи нишодлар шоҳи Сатйаврат билиши мумкин деб айтди. Мен шу шоҳ ҳузурига йўл олдим, бироқ йўлда кема ҳалокатга учради, агар балиқ ютиб юбормаганида, мен баҳри муҳит тагига чўкиб кетган бўлар эдим. Мана, сизнинг рўпарангизда турганим боиси шунда». Шактидев гапини тугатди ва нишодлар шоҳи сўз бошлади: «Мен — Сатйавратман, бу эса — ўша сен қидирган орол. Бироқ сен қидириб чиққан ва топиб олмоқчи бўлган шаҳар ҳақида биладиган биронта одамни учратмаганман, кўплаб оролларга саёҳат қилиб борган бўлсам-да, ҳатто мен ҳам кўрмаганман бундай шаҳарни. Лекин бир вақтлар қулоғимга ер юзининг нариги чеккасида шунга ўхшаган бир шаҳар бор деган гап киргандай эди». Бу хабардан Шактидев маънос тортди қолганини кўриб, Сатйаврат унга яна кулиб сўзланди: «Хафа бўлма, браҳманзода, бугун шу ерда қол, эрталаб эса сенинг мақсадга етишувинг ҳақида бафуржа ўйлаб кўрармиз». Нишодлар шоҳи яхши сўзлар билан Шактидевга шу тариқа таскин-тасалли берди ва йигитча браҳманларга мўлжалланган ибодатхонага кетди, у ерда уни очиқ чеҳра ва дўстона қарши олишди. Ибодатхонада таом тайёрлаш билан шуғулланадиган Вишнудатт исмли бир браҳман яшарди. Шактидев шу билан суҳбат қурди, унга бошидан ўтганларни, ўзи, отаси, онаси, мамлакати ҳақида ҳамма нарсани ҳикоя қилиб берди. У сўзини тугатиши билан севинчдан кўз ёшлари жилғадай оқиб, Вишнудатт унга шундай деди: «Э Худо, бу қандай бахт! Сен амакимнинг ўғли, қариндошим экансан-ку! Жуда олдин, болалик пайтимда мен бу мамлакатга келиб қолганман. Ҳозирча шу ерда яшаб тур, мана, мени айтди дерсан, бу ерга бошқа мамлакатлардан келадиган савдогарларнинг ҳикояларидан билиб оласан ўша шаҳарни». Вишнудатт Шактидевга ана шундай маслаҳат берди ва ўз оиласи ҳақида ҳикоя қилиб, қандай ёрдам керак бўлса сўрайвер, мен тайёрман, деди. Бундан руҳланган Шактидев шунгача чеккан азобларни эсидан чиқарди. Мусофир юртида қариндошингни учратиш сувсиз саҳрода обиҳаёт тўла кўза топиб олган билан тенг!

Энди Шактидев ўйлаган орзуси рўёбга чиқадигандек бўлиб кўрина бошлади. Тунда кўзига уйқу келмади, фақат қандай қилиб ўша шаҳарни топсам экан, деган ўйлар билан тонг орттирди. Ёнида ётган Вишнудатт эса уни чалғитиш учун мана бундай ҳикояни сўзлаб берди:

## АШОҚДАТТ ВА РАКШАСЛАР ҲУКМДОРИ КАПАЛАПҲЎТ ҲИКОЯСИ

Бу воқеа жуда қадим замонларда бўлиб ўтган. Калинда соҳилидаги бир қишлоқда шоҳ иноятига ноил бўлган Гўвиндсвамин деган машхур бир браҳман яшарди. Вақти-соати билан у иккита ўғил кўрди, бирига Ашқодатт ва иккинчисига Вижайдатт деб исм кўйди. Улар бир-бирига икки томчи сувдай ўхшарди ва турли фазилатларга эга эди. Бу қишлоққа қаттиқ очарчилик балоси ёпирилиб келди ва шунда Гўвиндсвамин хотинига қараб деди: «Қурғоқчиликдан қишлоғимиз ҳалок бўляпти. Дўстларим ва қариндош-уруғларимнинг қийналаётганига чидаб туролмапман. Кел, бисотимизда борини — мол-мулкимизни ҳам, озуқамизни ҳам уларга улашайлик-да, ўзимиз бу ердан бош олиб кетайлик. Оила-поиламиз билан Варанасига борамиз-да, ўша ерда яшаб қоламиз». Хотин рози бўлди ва у бор қўр-қутларини тарқатиб бўлгандан кейин, Гўвиндсвамин хотини, ўғиллари ва хизматкорлари билан қишлоқни тарк этди. Яқинларининг азоб чекишига виждонли одамлар чидаб туролмадилар!

Йўлда улар паҳмоқ сочлари кулдан сарғайган, Шиванинг ўзига ўхшаб, бўйнига калла суяклари шодасини таққан, манглайини ой ўроғи безаб турган қаландар-капаликка дуч келишди. Гўвиндсвамин унга яқин борди ва йигитлар олдида қандай яхши ва ёмон ишлар турганидан воқиф этишини сўради. «Уларнинг ҳар иккаласини фаравонлик кутмоқда, аммо кичик браҳман Вижайдаттни сен билан айрилиқ кутмоқда, лекин иккинчи браҳман ўспирин Ашқодатт туфайли сизлар яна дийдор кўришасизлар». Гўвиндсваминнинг кароматгўй қаландардан билган бор-йўқ гаплар шулар бўлди, унга чуқур таъзим қилди-да, бахт ва бахтсизлик ҳақидаги ўйларга кўмилганча йўлига қараб кетди. Улар Варанасигача етиб боришди ва кундузни маъбуда Чандикий ибодатхонасида ўтказишди, маъбуда номига ихлос ила қурбонлиқлар қилишди ва бошқа майда-чуйда удумларни адо этишди.

Кеч тушиши билан Гўвиндсвамин ва барча оила аъзолари улкан банйан дарахти тагида жойлашди, дарахт теварагида бошқа мамлакатлардан келган кўплаб зиёратчилар бор эди. Тун чўкканда эса япроқ ва йўсинлардан ўзларига тўшақ қилиб, зиёратчилар ухлагани ётишди, узоқ йўл юриб келганидан улар тез ва қаттиқ уйқуга кетишди. Ярим тунда Гўвиндсваминнинг кичик ўғли Вижайдатт уйғониб кетди. У гоҳ безгакдан қалт-қалт титрар, гоҳ иссиқдан бўғилиб қийналарди. Гўё уруғ-аймоқлари билан олдиндаги айрилиқдан кўрққандай талвасага тушиб, ўзини ҳар ёққа урар, баданидаги ҳамма туклар тиккайган эди. Безгакка чидаёлмай у отасини уйғотиб деди: «Отажон, гоҳ иссиқдан бўғилиб кетаяпман, гоҳ безгак жонимни суғуриб олаяпти. Ўтин олиб келиб, исинишим учун гулхан ёқинг. Исинмасам, тун бўйи уйқум келмайди». Унинг касаллигидан кайфи учиб кетган Гўвиндсвамин ўғлига деди: «Шу паллада оловни қаердан топаман, болам?»

«Ҳов анави липиллаб кўринаётган олов эмасми? Юринг, ўша ёққа борайлик, бўлмаса баданим қақшаб кетаяпти. Қани, ота, қўлимдан ушланг-да, мени ўша ёққа олиб боринг!» Отаси уни қайтармоқчи бўлди: «Нималар деясан? Бу кўринган шуълалар қабристондаги, ўликлар ёқиладиган гулхан ёруғлари-ку. Турли жин-алвастилар уймалашиб ётган ерга бориб бўларканми, болам?» Бироқ отасининг меҳр тўла сўзларини эшитиб, ўғил кулди. Вижайдатт мардонавор тусда эътироз билдирди: «Жин-ажиналарингизнинг қўлидан нияям келарди? Ёки мени кўрқади деб ўйляпсизми? Қўрқманг, олиб бораверинг мени!»

Гарчи ўғил болалигига бориб нима дейётганини ўзи билмаса ҳам ота уни қабристонга олиб боришдан ўзга чораси қолмади. Исиниш учун улар гулханга жуда яқин боришди, олов тилларини чўзар, тутуни осмонга ўрлар, худди одамхўр рақшасларнинг энг олий маъбудасига ўхшаб, юракка ваҳима соларди.

Бирмунча муддатдан сўнг Вижайдатт отасидан сўради: «Оловнинг ичида ётган анави юмалоқ нарса нима?» — «Бу, ўғлим, гулханда одам бош суяги ёняпти», тушунтирди ота. Шунда болакай ловиллаб турган бош суягини тутди-да, уни шунақанги куч билан урдик, суяк пақ этиб ёрилиб кетди. Мия қатиги ҳар томонга сачради ва унинг бир бўлаги Вижайдаттнинг оғзига келиб тушди, гўё дафн гулхани уни тунги жин-алвастилар қавмига мансуб билгандай. Бола одам мияси таъминини тотиб кўргани ҳамон у сочлари патила-патила, сўйлоқ

тишлари хунук тиржайган, қўлида эса арра тишли ўткир қилич тутган рақшас давга айланди-қўйди.

У бош суягини қўлига олди-да, ичидан мия қатигини ҳўриллатиб ичди ва дафн гулхани тиллари мурда суягини ялагани каби тили билан чаноқ ичини ялаб-юлқаб қўйди. Бош суягини бир четга улоқтириб, энди у ўзининг падаари бузруквори Гўвиндсваминни ўлдиришга чоғланиб ташланган ҳам эдики, бирдан қабристон узра ҳайқириқ янгради: «Ҳой чаноқлар ғоратгари Капалапхўт, отангни ўлдирма!» Шу тариқа Капалапхўт, яъни чаноқлар ғоратгари номини олиб, у отасини қолдирди-да, рақшасларга хос тарзда кўздан ғойиб бўлди. Шунда Гўвиндсвамин худога нолалар қилиб, инграб-синграганча деди: «Оҳ, ўғлим! Оҳ фариштагинам! Э-воҳ, Вижайдаттдан ажралиб қолдим!» Шундан сўнг Чандикий эҳромига қайтиб келди. Эрталаб у хотини билан тўнғич ўғли Ашокдаттга ҳаммасини айтиб берди. Ота-онаси кўшилиб, Ашокдатт ҳам озмунча куйиб-ёнмади, бошларига тушган бу мусибат очиқ ҳавода яшин урган билан баробар бўлди.

Бир куни маъбудага сиғингани бир бой савдогар ўша эҳромга келди ва ғамандуҳга ботган Гўвиндсваминни кўрди. Савдогарнинг исми Самудратт эди. У браҳманнинг олдига борди, тасалли берди ва оила-поиласи билан уни уйига олиб бориб жойлади, ғул қилиш, овқат пишириш ва шунга ўхшаган таратдудлар учун нимаики керак бўлса, ҳаммасини бадастур муҳайё қилиб қўйди. Зеро, бошига мусибат тушганида буюк қалб эгаларининг кўнглини кўтармоқ катта савобдир. Гўвиндсвамин билан хотинига далда бераётган ягона ишонч — бу қаландарнинг сизлар яна дийдор кўришасизлар деган каромати эди.

Шундан бери улар Варанасида туроқ бўлиб қолишди ва савдогарнинг илтимоси билан унинг уйида умргузаронлик қила бошлашди. Браҳманнинг тўнғич ўғли Ашокдатт боладан йигитга айланди, ўқиб-ўрганди, муштумбозлик санъатини эгаллади. Вақти билан у бу санъатда шунақанги маҳоратга эришдики, ер юзида унга бас келадигани топилмасди. Бир гал диний айём вақтида уюштирилган бир мусобақада жанубий мамлакатлардан донг қозонган бир муштумбоз келди ва Варанаси шоҳи Прапапмукутнинг кўзи ўнгида ҳамма муштумбозларни бир чўқишда қочираверди.

Шунда Ашокдаттнинг маҳорати ҳақида кўп эшитган шоҳ унга одам юборди, мана шу ботир билан олишувга чиқишини тайинлади. Жанублик ботир Ашокдаттнинг кўксига мушт тушириб жангни бошлади, бироқ Ашокдатт ҳам ана шундай бир зарба берган эди, жанублик ботир гумбурлаб ерга қулади. Унинг йиқилганини олқишлаган томошабинларнинг ҳайқиригидан осмон ларзага келди: «Қойил! Яшшавор!» Севинганидан шоҳ Ашокдаттнинг олдига келди-да, бошидан дур-гавҳарлар сочди. Шундан буён полвон йигитни шоҳ тез-тез йўқлаб турадиган бўлди, кундан-кунга йигитнинг бойлиги ортиб бораверди, зеро, унинг жасоратини қадрлаб, шоҳ Ашокдатт учун ўз хазинаси эшигини ланг очиб қўйганди-да.

Ой ўн тўрт кунлик бўлганда Шивани зиёрат қилгани шоҳ шаҳардан анча олис жойга борди. У зиёратини ниҳоясига етказди, тунда уйига қайтаётиб, қабристон ёнидан ўтиб қолди ва ўша ёқдан қулоғига бир кишининг овози чалинди: «Ҳой ҳукмдор! Уч кундирки, ёмон кўрганидан қози мени жўрттага ўлимга маҳкум этди. Уч кундирки, қозикда ўтириб азоб тортмоқдаман. Мен бадбахтни жон қурмагур сира тарк этмаяпти, чанқоқлик азобидан қийналаяпман. Сув бер менга, ҳой худо ярлақагур!»

Шоҳнинг раҳми келди ва ўз қариби Ашокдаттга қараб деди: «Ҳой браҳманзода, айт, унга сув беришсин». — «Шундай тунда у ёққа ким ҳам борарди? Мен ўзим бораман», — шу сўзларни айтди-да, Ашокдатт сув олиб овоз келган томонга кетди. Шоҳ кутиб ўтирмай саройга йўл олди, ботир Ашокдатт эса зим-зиё тун қўйнида қабристонга дадил кириб борди. Қабристон дарҳақиқат қаро тун салтанати эди: фақат унда-бундагина ёниб битаётган дафн гулханларининг чўғлари милтилларди, ҳамма жойда шоқоллар тишлаб тортган гўшт нимталари сочилиб ётарди, чарх уриб кўрқинчли рақсга тушаётган қабристон алвастилари — веталлар чапақлари эшитиларди. Ашокдатт баланд овозда қичқирди: «Ҳукмдордан ким сув сўраган эди?» Шу топ аллақажандир жавоб қулоғига чалинди: «Мен сўраган эдим». Ашокдатт овоз келадиган яқиндаги гулхан олдига борди ва у

ерда қозикқа ўтқазилган кимгадир кўзи тушди, қозик ёнида эса ҳуснда тенгсиз, қадди шамшод ва тақинчоқларга кўмилган, ойнинг қоронги ярмида ўзини дафн гулханига ташлашга тайёр сўнгги тун монанд бир аёл йиғлаб ўлтирарди, зеро ой ўроғи, ҳукмдор, фалақдан ғойиб бўлганди. «Кимсан, ҳой аёл ва нега бу ерда кўз ёши қилиб ўлтирибсан?» — мурожаат қилди унга Ашокдатт ва аёл жавоб берди: «Мен мана бу қозикқа ўтқазилган шўрлик банданинг хотиниман, бу ерда эримнинг ортидан ўзимни гулханга ташлаш учун ўлтирибман. Мана, уч кундирки, қачон эрим жон бераркин деб шу ерда кутаяпман. У нуқул сув сўрайди, мен унга сув келтирдим, лекин қани менинг бўйим унга етса, оғажон!» Аёлнинг гапига жавобан ботир Ашокдатт шундай деб жавоб берди: «Шоҳ мени сувга юборганди, мана, мен сув олиб келдим. Устимга чиқ-да, эрингнинг оғзига сув тут. Бир мартагина эркак баданига дахл қилиш аёл учун гуноҳ ҳисобланмайди, хусусан мусибат чоғида бу жоиз ҳисобланади». Аёл рози бўлди, сувни олди ва Ашокдатт эгилиб, қозик остида чўнқайгандан кейин иккала оёғи билан босиб аёл унинг устига чиқди. Бирдан Ашокдатт устига ва ерга қон томчилари тушаётганини пайқайди, у кўзларини кўтариб қараганда нимани кўрди денг: аёл пичоқ билан шўрлик эркакнинг гўшtidан кесиб-кесиб олиб еяпти. Бу аёл эмас, алвасти эканини англаб, ғазаб билан йигит уни ерга ағдарди ва тутишга ҳаракат қилиб, жингирлаган позеблар безаб турган оёғидан ушлаб олди. Аёл эса шартта оёғини тортиб олди-да, афсуслари ёрдамида осмонга кўтарилиб кўздан ғойиб бўлди. Ашокдаттнинг кўлида эса унинг оёғидан юлиб олган, қимматбаҳо тошлар қадалган позеб қолганди. Позебга қарар экан, у дастлаб кўринганида қанчалик фусункор бўлганию, энди қанчалик жирканч туюлиб қолганини ўйлади. Бадкор одамлар билан дўстлашганда ҳар доим шунақа бўлади. Ашокдатт ҳам ҳайратланар, ҳам афсусланар, ҳам қутулганидан севинар эди. Кейин у қабристондан чиқиб, уйига кетди, позебни ҳам ўзи билан олиб олганди, эрталаб эса ғул қилиб, шоҳ хобгоҳига йўл олди.

«Қозикда ўлтирган одамга сув бердингми?» — деб сўради ундан шоҳ. Ашокдатт «бердим» деб жавоб берди ва шоҳга позебни кўрсатди. «Қаердан олдинг уни?» — ҳайрон бўлиб сўради шоҳ, шунда ботир унга ўзининг тунги саргузаштларини гапириб берди. Йигитнинг бошқаларда бўлмаган бемисл жасоратига тан бериб, шоҳ ғоятда хурсанд бўлди, ҳолбуки, бусиз ҳам Ашокдаттнинг ҳайратомуз ишлари ҳақида яхши биларди. Шоҳ позебни олди, маликаи олия қошига борди, унга позебни берди-да, бу қимматбаҳо буюмнинг қандай қилиб қўлга киритилгани ҳақидаги мароқли ҳикояни сўзлаб берди. Позебни хўп айланттириб кўриб ва унинг қимматлигини айтиб, маликаи олия Ашокдаттни мақтади.

Шунда шоҳ маликаи олияга қараб деди: «Насл-насаби ва заковати, ҳаққонийлиги ва кўркамлиги борасида Ашокдаттга тенг келадигани йўқ, агар у қизимиз Маданлекхага куёв бўлса, ёмон бўлмасди деб ўйлайман. Куёвни омонат бўлган бойлигига қараб эмас, унинг фазилатига қараб баҳолаш керак. Мен қизимизни шу йигитга бериб қўя қолсак дейман». Эрининг гапларини диққат билан эшитиб туриб, малика ҳам шундай деди: «Дарҳақиқат, шу йигит қизимизга куёв бўлишга жуда муносиб. Бу ёғини сўрасангиз, бегим, боғда юрганида қизимизнинг кўзи унга тушиб, қизимизнинг юрагидан уриб қўйган экан. Шундан бери Маданлекха сал одамови бўлиб қолган, на бировнинг ўзи ёқади, на сўзи. Мен буни унинг дугонасидан билиб қолдим. Бунинг устига тонг-азонда тушимга бир фаришта қиз кирди-да, менга қараб шундай деди: «Жоним, қизинг Маданлекхани Ашокдаттдан бошқа ҳеч кимга эрга берма, зеро, олдинги туғилишида у шу йигитнинг хотини бўлган эди». Эрта билан уйғониб кетдим-да, тушимни айтиб, қизимнинг кўнглини хотиржам қилмоқчи бўлдим. Бугун эса сизнинг ўзингиз ҳам худди шу гапни айтиб турибсиз. Келинг, илоё бугундан бошлаб улар дарахт ва чирмовуқдай бир-бири билан чирмашиб кетсин».

Хотинининг сўзларидан шоҳнинг боши осмонга етди, тўй учун барча ҳозирлик кўрилди, Ашокдаттни чақирди-да, қизини унга никоҳлаб берди. Шоҳ қизи ва браҳман йигитнинг бир-бирига қовушиши хосиятли келди, бойлик билан эзгуликнинг бир-бирига жо бўлиши ҳар икковининг толеини очди.

Нима бўлди-ю, бир куни маликаи олия позебни эрига кўрсатиб туриб, шундай деди: «Ашокдатт келтирган бу позеб тоқлик қилиб қолаяпти, эй ҳукмдор, шунинг жуфтини ясаб беришларини амр этинг». Шоҳ заргарни, жилвир-

ловчини ва бошқа усталарни хузурига чорлади-да, амр этди: «Мана шу буюмнинг жуфтини ясанглар!» Улар позебни айлангириб кўриб-кўриб туриб, шундай дейишди: «Эй подшоҳи олам, бу позебнинг жуфтини ясаш қўлимиздан келмайди. Буни ясаш бандасига буюрмаган, бу илоҳий позеб. Унинг тошлари ҳам ер юзида топилмайди. Биринчи позеб қаердан топилган бўлса, иккинчисини ҳам ўша ердан топиш керак».

Шоҳнинг кўнгли чўкди, маликанинг ҳам юзидан чиройи қочди, буни шу ерда турган Ашокдатт кўриб турарди, ўша заҳоти ҳозиржавоблик билан деди: «Бу позебнинг жуфтини ўзим топиб бераман». Бу беҳуда ишга қўл уриб нима қиласан, дея шоҳ уни қайтаришга ҳаракат қилди, бироқ Ашокдатт бир сўзли эди, оғзидан чиқдимиди, бажармай қўймасди, позебни олди-да, яна қабристонга борди. Ой ўн тўрт кунлик бўлганда яна мурдалар куйдириладиган жойга келиб турди. Қабристонда тутун осмонга ўрлар, ўрмондаги дарахт шохларига бири бошидан, бири елкасидан осиб ташланган юзлаб ўликларга чирмовукдай эшилиб ўраларди. Лекин позебни юлқиб олиб қолган ҳалиги хотин йўқ эди, уни авраб чақириб учун бир йўл ўйлаб топди: дарахтдан бир ўликни ечиб олди-да, уни у ёқдан-бу ёққа судраб юрганча гўштфурушларга ўхшаб қичқира кетди: «Кеп қолинг, ёғлиқ гўшт бор, кеп қолинг!» — «Ҳой яхши одам, гўштингиздан беринг!» шу топдаёқ узоқдан қандайдир бир аёл қичқирди. «Мана, бораяпман», — овоз берди йигит ва ўша томонга юрди. Яқин бориб қараса, бир фариштасифат гўзал аёл тахтда ўлтирибди, ён-ёғини кўзни оладиган тақинчоқларга кўмилган бошқа аёллар қуршаб олган. Сувсиз чўлда нилуфарни кўриш қанчалик гайриоддий туолса, йигитнинг бу ерда пайдо бўлиши ҳам шунчалик таажжубли эди. Аёл уни имлаб чақирди, йигит унга яқин борди ва деди: «Мана, одам гўшти сотаман, олинг». — «Гўштининг баҳоси қанақа, яхши йигит?» — сўради ундан илоҳий сувратли аёл. Шунда Ашокдатт қўлида ушлаб турган позебни унга кўрсатди ва деди: «Ким менга мана шундай буюмни берса, мен ҳам гўштимни ўшанга бераман». Бунга жавобан аёл деди: «Менда худди шунақа позеб бор. Буни ҳам сен мендан олган эдинг-ку. Мен ўша қозиққа ўтқазилган эркак ёнида ўлтирган хотинман, лекин ҳозир юзимни ўзгартириб олганман, шунинг учун сен мени танимадинг. Борди-ю, айтганимни қилсанг, сотадиган гўштининг эвазига мана шунга тенг келадиган позеб бераман». Ботир унинг сўзини эшитиб деди: «Нима десанг, сўзсиз бажо этурман». Шунда аёл ўзининг юрагидаги эзгу тилакни баён этди: «Эй барно йигит, баланд Ҳимолай тоғларида Тригҳантх деган шаҳар бор, у ерда Ламбжихва деган рақшасларнинг ўктам ва диловар ҳукмдори яшайди. Мен шунинг хотиниман. Менинг исмим Видйудшиққа, юзимни хоҳлаганча ўзгартира оламан. Қиз фарзанд кўрганымда, эрим кудратли ҳукмдоримиз Капалапхўтнинг кўзи олдида жангда ҳалок бўлди. Эримнинг шавкатига қойил қолган ҳукмдор менга ўзининг шаҳрини инъом этди ва ҳозир мен шу шаҳарда қизим билан бахтли яшаётирман. Лекин қизим бўй етиб қолган, энди унга муносиб куёв топишни ўйлаяпман.

Ой ўн тўрт кунлик бўлганда мен тасодифан шу ерга келиб қолган эдим, қарасам йўлдан шоҳ билан бирга сен ўтиб кетаётирсан, кўнглимдан: «Мана шу йигит қизимга жуда куёвбоп экан, уни ўзимга иситиб олсам, қалай бўларкан?» — деган ўй ўтди. Шунини ўйлаб туриб, қозиққа ўтқазилладиган одамнинг товуши билан мен сув келтиринглар, деб қичқирдим ва алдаб сени қабристон ичкарасига олиб кирдим. Бироқ афсунгарлик билан бино бўлган на мендаги гўзаллик, на ширин-шакар сўзлар сени лоақал бир лаҳза аврашга қор қилди. Шунда сени яна авраш учун позебимдан бир пойини сенда қолдирдим, мана, шунинг орқасидан мен сени тагин кўриб турибман. Модомики, шундай экан, кетдик, бизникига борамиз. У ерда қизимни кўриб бир оғзинг очилсин, позебнинг жуфтини ҳам оласан».

Тун соҳибаси сўзини тугатди. Ботир у билан боришга рози бўлди ва афсун кучи билан иккаласи бирга-бирга чексиз фалақдан аёлнинг шаҳри томон парвоз қилиб кетди.

Ҳимолайнинг баланд чўққиларидан бирида йигит олтиндай товланиб турган шаҳарни кўрди, гўё осмон гумбазини сайр қила-қила толиққан куёш баркаши тоққа келиб қўнгандай. У ерда йигит рақшаслар ҳукмдори Видйутирабхўнинг қизига уйланди, гўё қиз унинг барча саъй-ҳаракатларига муваффақият-

ли хотима ясагандек бўлди. Ашокдатт суюкли ёри билан бахтиёр умр сура бошлади, қайнонаси уларнинг тепасида доим гиргиттон. Бир куни йигит қайнонасига қараб шундай деди: «Энди менга позебни беринг. Мен Варанасига қайтишим керак, чунки мен шоҳга позебнинг жуфтани олиб келиб бераман деб ўз оғзим билан ваъда қилгандим».

Қайнона унга позебнинг жуфтани берди, қизининг сепи ҳисобидан олтин нилуфар ҳам ҳада этди. Ботир позеб билан нилуфарни олди-да, яна қайтиб келишини айтиб, йўлга тушди. Яна қайнона афсун ёрдамида уни осмони фаллакка олиб чиқиб кетди, бир қабристонга етиб, дарахт тагига келиб қўнғач, қайнона деди: «Мен ой ҳар гал ўн тўрт кунлик бўлганда шу ерга келаман. Ўша куни тун чоғида қай соатда келмагин, мени банийан дарахти тагидан топасан».

«Яхши», — деб жавоб берди Ашокдатт унинг сўзларига ва миннатдорлик билдириб қадрон гўшасига қайтди. Кичик ўғилларидан айрилиб, адоий тамом бўлган ота-она катта ўғилларининг узоқ қолиб кетганидан қон ютиб, балки бу ўғлимиздан ҳам айрилиб қолдик, деб ўлтиришган эди. Кутилмаганда унинг пайдо бўлганини кўриб, улар ўзларида йўқ суюнишди. Йигитнинг қайтиб келганидан дарак топгани ҳамон шоҳ ҳам етиб келди. Азбаройи севинганидан шоҳ Ашокдаттни маҳкам бағрига босди, хузурланганидан баданидаги туклар найзадай тиккайди. Ашокдатт шоҳ билан бирга саройга кириб келди, бутун сарой хушнуд оёққа қалқди, илоҳий маҳорат ила ясалган позебнинг жуфтани шоҳ қўлига топширди, ҳар иккала позеб йигитнинг матонати шарафига мадҳия ўқигандек сеҳрли овозда жаранглр эди. Йигит олтин нилуфарни ҳам шоҳга тортиқ қилди ва у шоҳ хазинасининг тожига айланди. Маъбуда Лакшмий қўлидаги нилуфардан бу заррача ўзга эмасди.

Шоҳ ва маликаи олия Ашокдаттнинг саргузаштлари қиссасини мароқ билан тинглашди, йигит ҳам бошидан кечирганларини оқизмай-томизмай шавқ билан ҳикоя қилди. Куёвларидан қўнғиллари тўқ бўлган шоҳ ва маликаи олия позебнинг иккинчи жуфтани олиб, севинч билан шундай дейишди: «Ҳайратдан ақлимиз лол қолди-ку, куёвжон, сен бошингдан кечганларни ҳикоя қила-япсан-у, ишоншимизни ҳам, ишонмаслигимизни ҳам билмаяпмиз! Мақтовга сазовор шуҳрат ўзи қўлга кирмайди!»

Байрам туфайли саройни тўлдирган мусиқа ва қўшиқ садолари Ашокдаттнинг ажойиб фазилатларини тараннум этаётгандек эди.

Эртасига шоҳ улар учун барпо этилган меҳробда нилуфарни ажойиб гулдонга солиб қўйди. Кумуш гулдон ва олтин нилуфар бир-бирига шунчалик ярашиб турар эдики, шоҳ ва Ашокдаттда тажассум топган шон ва матонат тимсолига ўхшарди. Буни кўриб, кўзлари Шива маъбудига ихлос ва тақво билан тўлган шоҳ деди: «Оҳ, мана бу нилуфарга мана бу олий шон гулдон қандай мос келди-я! Бамисоли Шиванинг кундан оқарган боши узра баланд чиғаноққа солинган унинг қизғиш малла сочлари турмаклар қўйилгандай. Мана шундай иккинчи бир нилуфарни яна бир гулдонга солиб, ёнига жуфтлаб қўйсам деган истак пайдо бўлди дилимда!» Шоҳнинг шу сўзларига Ашокдатт ҳозиржавоблик билан шундай деди: «Сиз учун, эй хужастафол шоҳ, иккинчи нилуфарни ҳам албатта олиб келаман!» — «Ҳадеб ўзингни хатарга уравеининг яхши эмас! Керак эмас менга бошқа нилуфар!» — эътироз билдирди шоҳ ботирга. Аммо Ашокдатт иккинчи нилуфарни қўлга киритишга жуда-жуда бетоқат бўла бошлади.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин ойнанинг яна ўн тўрт кунлик тўлин вақти етиб келди. Ботирнинг нилуфарни қўлга киритиш иштиёқидан ваҳимага тушгандек, қуёш бунгача само қўли узра тинчгина юзиб келаётган олтин нилуфарли чехрасини Мағриб тоғи ортига тезгина яшира қолди. Қуёш беркингач, зум ўтмай ҳаммаёқни зулматнинг тим қора алвастилари босди, улар гўё оқшом шафағидан яллиғланган чўғдай қизил вужудни ямламай ютишга ошиқаетгандек эди; ер юзини тун чодир қоплади, ҳар жой-ҳар жойда рақшаслар ҳукмдори — туннинг жирканч жағидаги тишлардек учқунлар милтилларди.

Шу соатда Ашокдатт малика хобгоҳини тарк этди, қабристонга йўл олди ва ҳалиги банийан дарахти олдига келди. Банийаннинг осилиб турган илдиэлари олдида у қайнонаси — рақшас хотинни кўрди, қайнона уни қувонч билан қарши олди. Ботир тагин унинг масканида хотини унинг йўлига қўзи тўрт бўлиб ўтирган Ҳимолай чўққиси сари парвоз қилди. Хотини билан бирмунча

вақт бирга бўлгандан кейин у қайнонадан сўради: «Менга қаердан бўлса ҳам яна битта олтин нилуфар топиб беринг!» — Қайнонаси рад этиб деди: «Яна бир олтин нилуфарни қаердан топиб берай? Нилуфарлар ҳукмдоримиз Капалапхўтнинг кўлида ўсади. Фақат ўша ерда ўсади олтин нилуфарлар. Сенга берган ҳалиги нилуфарни эримга меҳри баландлигидан Капалапхўт менга ҳадя этганди». Бунга жавобан Ашокдатт унга деди: «Сиз мени ўша кўлга олиб боринг, олтин нилуфарни ўзим узиб оламан». — «Чучварани хом санабсан! Қутурган рақшаслар кўриқлайди бу кўлни», — ботирни қайтармоқчи бўлди қайнона, бироқ ботир ўша-ўша оёғини тираб туриб олди. Охири йигитга ён беришдан бошқа чораси қолмади аёлнинг. Ашокдаттни ўша ерга олиб борди, узоқдан тоғ водийсида ётган кўлни кўрсатди. Узун-узун пояларда қийғос очилган нилуфарлар кўлни қоплаб олганди, улар бамисоли қуёш нурларининг аксига ўхшарди. Ашокдатт кўлга яқин борди ва энди нилуфарларни битта-битта уза бошлаган эдики, унинг устига тунги балолар, рақшаслар ҳар томондан бостириб кела бошлашди, қиличини яланғочлаб, ботир биттасини жойида саранжом қилди, бошқасини ҳайдаб юборди. Омон қолганлари Капалапхўт ҳузурига учишди ва содир бўлган воқеадан уни воқиф этишди. Ҳукмдор рақшас ғазабга минди, ўзи кўл томон шошиб жўнади ва ўғирланган нилуфарларни тутиб турган Ашокдаттни кўрди. «Ие, бу акам Ашокдатт-ку, бу ерга қандай шамол учириб келди экан?» — ўша заҳоти ҳайрат билан деди у, қуролни бир четга олоқтирди-да, кўзида филт-филт ёш билан Ашокдатт томон югурди, унинг оёғига йиқилди ва деди: «Мен укангиз Вижайдаттман, икковимиз ҳам браҳманлар аълоси Гўвиндсвамнинг дилбандларимиз. Жуда кўп вақтлардан бери худо уриб, мен рақшас бўлиб юрибман, бош суякни уриб ёрганим учун отим Капалапхўт бўлиб қолган. Сизга кўзим тушиши билан ўзимнинг браҳманлик хислатимни эсладим, рақшас қиёфаси, юрагимни қамраб олган ёлғон йўқолди». Бу сўзларни эшитиб, Ашокдатт укасини бағрига маҳкам босди, унинг рақшас қиёфасида бўлгандаги гуноҳдан булганган танасини гўё кўз ёшлари билан ювди.

Ўша лаҳзада осмондан видйадҳарлар мураббийи Пражнйапти-каушик тушиб келди ва ака-укаларга қараб деди: «Ҳар икковингиз ҳам видйадҳарларсиз, қарғиш олганингиз учун мана шундай манфур ҳолатда юрибсизлар. Энди қарғиш касофати тугади: яна видйадҳарларга хос бўлган афсунгарлик билимларини эгалланглар ва уйга боринглар — қариндош-уруғлар билан дийдор кўришинглар». Шундай деб у ака-укаларга афсунгарлик билимларини қайтиб берди-да, ўзи осмонга учиб кетди. Қайтадан донолик фазилати ила мусаллам бўлган ака-ука видйадҳарлар олтин нилуфарларни олдилар-да, осмон йўлидан Ҳимолай чўққиси томон учиб кетишди. Ашокдатт хотини — рақшас қизи олдига борди, у ҳам видйадҳарга айланди, чунки уни эзиб келган тавқи лаънатдан халос бўлган эди. Ака-укалар уни ўзлари билан олдилар-да, осмондан қайдасан Варанаси деб йўлга тушдилар. У ерда эса фироқ ўтида куйиб тамом бўлган ота-оналари учун фарзандларнинг пайдо бўлиши бир нафасда дардан асар қолдирмайдиган мўъжизавий малҳам — амрит каби таъсир қилди. Фақат ота-оналари учун эмас, бутун шаҳар аҳолиси учун уларнинг омон-эсон қайтиб келиши бамисоли онадан қайта пок-беғубор бўлиб туғилган билан тенг эди.

Ота Вижайдаттни узоқ вақт кучоғидан қўйиб юбормади, кенжа ўғли билан дийдор кўришув гўё унинг учун ушалган орзусининг тажассуси эди. Воқеадан хабар топиб, Ашокдаттнинг қайнотаси шоҳ Пратапмукутнинг ўзи суюнганидан ўша ёққа шошилди. Шоҳнинг эркатойи, Ашокдаттнинг хотини сабрсизлик билан кутаётгани учун пойтахтга шошилди ва шаҳарга катта тантана билан кириб борди. У шоҳга бир талай олтин нилуфар тортиқ этди ва бундан Пратапмукутнинг боши кўкларга етди, зеро, у тилаганидан неча баробар кўп нилуфарга эга бўлган эди-да.

Барча йиғилганлар ҳузурда Гўвиндсвамин шунда ҳайрат ва қизиқиш ила Вижайдаттдан сўради: «Қани ўғлим, сен рақшасга айланиб қолганингдан кейин нималарни бошдан кечирдинг, айтиб бер-чи?» Вижайдатт ҳикоя қила бошлади: «Шўхлигим вадиданми ё шум тақдирим тақозоси биланми, бош косасини уриб ёрганимда оғзимга бир бўлак мия тушиб қолди, ана шундан рақшасга айландим, ақлу ҳушим гумроҳлик кўчасини ихтиёр қилди. Мени Капалапхўт

деб аташди, ўзлари билан олиб кетишди ва мен ўшаларнинг бири бўлиб қолдим. Мени ўзларининг ҳукмдорлари ҳузурига олиб киришди, мен унга ёқиб қолдим ва у вақти-мавриди келиб, мени ўз қўшинларига саркарда қилиб қўйди. Ғазаб майидан мастона ҳолда у бир куни гандҳарвлар устига бостириб борди ва жангда душманлар қўлида ҳалок бўлди. Шунда унинг фуқаролари менинг ҳукмдор бўлишимга розилик билдиришди, мен уларнинг пойтахтида ўлтириб, рақшаслар салтанати ишларини юргиза бошладим. Ўша ерда нима бўлди-ю, олтин нилуфар излаб юрган қалби дарё акам Ашокдатт билан кўришдим-у, рақшаслик балосидан халос топдим. Тавқи лаънатдан қутулиб, олдинги афсунгарлик билимларимизга қай тариқа эга бўлганимиз ҳақида, ана, акам гапириб бера қолсин!» Вижайдатт сўзини ана шундай тугатди ва нима бўлганини ҳамма билиб қўйиши учун сўз навбатини Ашокдатт олди: «Бизлар олдин видйадҳар бўлган вақтимизда осмондан туриб биз авлиё Галавнинг маконида Ганга дарёсида унинг қизлари қандай чўмилаётганини кўриб қолдик. Шундай бўлдики, биз ҳам, қизлар ҳам бир-биримизга эҳтирос билан интилар эдик, бироқ биз улар билан пана-панада учрашиб юрганимизда илоҳий ғайб ёрдамида уларнинг ота-оналари бундан воқиф бўлишади ва ғазаб ичида иккаламизни қарғашади. «Сиз, осий бандалар, энди одамлар дунёсида туғилгайсизлар, олдинда сизларни ғаройиб саргузаштларга бой айрилиқ кутиб турибди. Бироқ агар одамлар оёғи етмайдиган олис ўлкада бир-бирингизни таний олсангиз, афсунгарлик сирлари устозидан яна асил ҳолатингизга қайтасиз, тавқи лаънатдан халос бўласиз, яна видйадҳарларга айланасиз ва қариндош-уруғларингиз билан дийдор кўришасиз». Ҳаммаси ана шундай бўлди ҳам. Каромат қилинганидек, икковимиз ҳам ерда туғилдик, бизлар қандай ажрашиб кетганимиз эса ўзларингизга аён. Энди эса қайнонамнинг қудрати туфайли мен олтин нилуфарга кетиб, рақшаслар пойтахтига бориб тушганимда у ерда укамни кўриб қолдим. Ўша ерда видйадҳарлар мураббийи Пражняпти-каушиқдан афсунгарлик билимини олдик, яна видйадҳарга айланиб, бу ёққа чопдик. Тавқи лаънат амали тугагани шарофати билан ҳаёлатдан халос бўлган Ашокдатт отаси, онаси ва шоҳ қизи, яъни ўз хотинига сўзлаб берган ғаройибдан-ғаройиб саргузаштлари ҳақидаги қиссани охирига етказди. Улар ҳам шоҳ донолигига эш бўлиб, унинг ўзидек видйадҳарларга айландилар. Шоҳ билан хўшлашиб, Ашокдатт ота-онаси, иккала хотини ва укаси билан бирга самовий йўлдан ўз ҳукмдорлари саройига қараб йўл олди. Ҳукмдорга кўзи тушиши билан у изн сўраб яна аввалгидек Ашоквег, укаси эса Вижайвег деб атала бошланди. Шундан кейин қариндош-уруғлари ва яқин дўстлари ҳамроҳлигида ёш видйадҳарлар ажойиб Гўвиндукт тоғидаги ўз турар-жойларига йўл олишди.

Варанасининг ҳукмдори, шоҳ Пратапмукут эса содир бўлган воқеалардан таажжубга тушиб, эҳромида иккинчи гулдонга Ашокдатт олиб келган олтин нилуфарни солиб қўйди. Бошқа олтин нилуфарлар билан у Шива эҳромини безади, бу билан Учкўз ихлосини намоён этган бўлди. Ашокдатт қизини бериб, оға-инилари билан қариндош тутинганини Пратапмукут ўзи учун буюк шараф деб билди.

Шу тариқа қандайдир сабаблар билан илоҳий мавжудотлар одамлар орасида туғилиб қоладилар, бироқ ўзларидаги саховат ва мардоналик туфайли улар ҳатто энг қийин ҳолларда ҳам ғалаба қозонадилар.

Шу боис, эй адлу инсоф уммони, сизда ато этилган илоҳийлик сизнинг эзгу мақсадингизга эришувингизга ёрдам бергай. Жўмард одамлар энг қийин ғалабаларга эришишда ҳайратомуз ғайратлар кўрсатадилар, бу билан ўз сийратларидаги фазилатни ошкор этадилар, холос.

Сизнинг суйган маликангиз Канақрекҳа, ҳойнаҳой, илоҳий қиз. Йўқса, Канақпурийни кўрган одамга турмушга чиқишни у нега бу қадар хоҳлаб қолади?»

Шу тариқа Вишнудатт тун чоғи танҳо қолиб, мароқини қисса билан Шактидевга тасали берди, у эса Канақпурийни кўришга бутун вужуди билан талпиниб турса-да, бир оз ўзини босди ва тонг отишини сабр билан кута бошлади.

Буюк шоир Сомдевнинг «Достонлар уммони»даги «Тўрт ҳурилиқо қиз» китобининг иккинчи долғаси ана шулардан иборат.



## УЧИНЧИ ДОЛҒА

Мана, ўша Утстхал оролига тонг саҳарда Шактидевнинг олдига балиқчилар хукмдори Сатйаврат келди. Сал олдин берган ваъдасига мувофиқ, у Шактидевга деди: «Сенинг орзунга етишувинг йўлини ўйлаб кўйдим, брахманзода. Баҳри муҳитнинг қоқ ўртасида ажойиб бир орол бор, уни Ратнкут дейдилар. У ерда хукмдор Ҳарнинг турар жойи, эҳроми бор. Ўша ерга ҳар гал ашадҳ ойининг ўн иккинчи кунда кўплаб тўсиқларни енгиб, барча ороллардан маъбудга қурбонлиқ қилгани одамлар келар эди. Балки ўшаларнинг ичида Канакпурийда бўлган битта-яримта одам келиб қолса ҳам, ажаб эмас. Қани бўл, ўша ёққа борамиз, зеро, бу кунга кўп қолгани йўқ». Сатйаврат унга шундай маслаҳат берди, Шактидев розилик билдириб, ҳозирлик кўра бошлади ва Вишнудатт йўлга деб унинг учун нимаики кунт билан тайёрлаб қўйган бўлса, ҳаммасини олиб олди.

Сатйаврат жиҳозлаган кемага чиқиб, улар билан бирга Шактидев ҳам чексиз баҳри муҳит бўйлаб йўлга тушди. Улар балиқларга мўл, бутун-бутун оролларга ўхшаб кетгучи барча ғайриоддий нарсалар макони баҳри муҳитнинг долғалари оша олға кетиб борар эдилар. Бир вақт Шактидев кема тумшугида турган Сатйавратдан сўради: «Узоқдан кўриниб турган нарса нима? Баҳри муҳит сувлари ўртасида қушлар қоплаган тоғ сингари ҳайбатли нарсани кўраяпсанми?» Сатйаврат унга жавоб берди: «Эй ҳурматли зот, бу ват деган дарахт, айтишларича, унинг тагида даҳшатли ўпқон бор эмиш, биз шу ўпқондан ўтиб олишимиз керак, зеро, унга илгинлардан биронтаси омон қолмаган экан». У шу сўзларни айтиб турганида уларнинг кемалари оқимга тушиб қолди ва шиддат билан айни ўша дарахт томонга сузиб кетди. Буни кўриб, Сатйаврат Шактидевга қичқирди: «Оҳ брахманзода, ажалимиз етди, қаранг, кемамиз шиддат билан ўша дарахт томонга сузиб кетаяпти, уни тўхтатиб қолиш асло кўлимиздан келмайди! Тўғри даҳшатли ўпқонга кириб кетяпмиз, ҳа, бизни ажал ўз қомига тортиб кетаётибди, тақдири азалнинг иродасидан қутулиб бўлмас экан. Мен-ку, ўлимдан кўрқмайман! Ахир жисм абадий эмас. Афсус, сизнинг орзунгиз ушалишига ёрдам беролмадим. Фақат кема тезлигини биров секинлатишим мумкин, сиз эса дарахт шохидан тутиб қолишга ҳаракат қилинг. Агар чўкмай қолсангиз, иш сизники. Ахир тақдир ўйинларининг ёки тўлқинлар қилиғини биров олдиндан айта оладими?!» Шунда буюк қалбли Сатйаврат кемани дарахт яқинидан ўтадиган қилиб бурди. Шактидев ўқдай отилди-да, баҳри муҳит қирғоғидан тутиб қолгандай, йўғон бир шохдан тутиб қолди. Дўстига жонфидалик билан ёрдам берган Сатйаврат эса ўз кемасида ўпқоннинг нақ оғзига бориб қолганди.

Шактидев орзуси ушалишига умид қилган каби дарахт шохларидан маҳкам ушлаб турарди, шохлар устига жойлашиброқ ўтириб олди-да, алам билан ўйлай бошлади: «Канакпурий шаҳрини кўролмадим, бу ҳам етмагандай балиқчилар шоҳининг бевақт ўлиб кетишига сабабчи бўлдим. Тақдир ҳаммани оёғи билан топтаб, янчиб ташлайди, ҳеч ким тақдирга ёзганидан қочиб қутулолмайди». У шундай хаёлларга берилиб ўтирар экан, кун ҳам ўтди, кеч тушди, ҳар ёқдан дарахтга баҳайбат қушлар учиб кела бошлади. Қушларнинг қағиллашидан дарахт гувиллаб кетди, уларнинг қанотларидан пайдо бўлган шамолдан эса баҳри муҳитда ўркач-ўркач тўлқинлар кўтарилди. Қушлар шохларга кўниб, жойлашиб олди, япроқлар орасида яшириниб ётган Шактидев уларнинг бир-бири билан одамзод тилида гапирётганини эшитди. Ҳар бири кун бўйи нималар кўргани ҳақида сўзларди — бир қуш бир янги орол ҳақида гапирди, бошқаси янги шаҳар ҳақида, учинчиси эса илгари ҳеч ким кўрмаган мамлакат ҳақида. Қушлар ичида энг кексаси шундай деб қолди: «Ўлжа излаб бугун мен Канакпурийга бордим. Эртага эрталаб яна ўша ёққа учиб кетаман — роса овбоп жой экан. Олис мамлакатларга чарчаб учиб бориш мен чолга зарил келибдими?» Унинг сўзлари Шактидевга қутилмаганда бостириб келган обиҳаёт — амритдай таъсир қилди, у тинчланиб, ўйлай бошлади: «Мана, тақдир тақозоси билан Канакпурийнинг дарагини эшитдим, у ёққа бориш учун эса шу қушдан фойдаланаман — у ўзининг баҳайбат гавдасида мени ўша ёққа олиб боради». Шундай қарорга келиб, у қуш уйқуга кетиши билан унинг устига чиқиб олди ва иккала қаноти ораллиғида жойлашди. Тонг отгач эса қушлар ҳар томонга учиб

кетди, гўё тақдир иродасига у ҳам дахлдордек бу куш ҳам ҳавога кўтарилди. Куш уни сезмади, Шақтидев унинг елкасида учиб кетаверди. Ҳаял ўтмай куш ўлжа топиш умидида Канакпурийга ҳам етиб келди.

Шаҳар боғларидан бирида Шақтидев кушнинг устидан тушиб олди ва боғ ичига шўнғиди. Бироздан сўнг унинг кўзи гул териб юрган икки қизга тушди. Йигит дарҳол ўшаларга яқин бориб сўради: «Бу қандай мамлакат ва сизлар кимсизлар, яхши қизлар?» Тўсатдан пайдо бўлган йигитни кўриб, қизлар ҳайрон бўлишди, кейин жавоб беришди: «Бу Канакпурий шаҳри, унда видйадҳарлар яшайди, мана бу боғ эса видйадҳар маликаси Чандрпрабҳаники, биз шу боғнинг боғбонларимиз, маликамизга гуллар тераяпмиз». Шунда йигит қизлардан сўради: «Сизлар менга ўша маликангизни кўрсатмайсизми?» — «Бўпти, кўрсатамиз, — жавоб беришди қизлар ва йигитни шоҳ саройига олиб боришди. Йигит саройга кирди, саройнинг устунлари лаълдан, деворлари олтиндан эди, гўё саройга дунёдаги жамики хазиналар тўплаб кўйилгандай. Унга кўзлари тушиши биланок Чандрпрабҳанинг канизаклари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлганини — саройга одам боласининг қадами етганини хабар қилишди. Малика дарбонга уни дарҳол хузурига келтиришларини буюрди. Шақтидев кириб келди ва маликага қаради. Ё Парвардигор, шунақа ҳам гўзал, шунақа ҳам мафтункор зотлар бўлар экан-да! Тангрининг қудратига қойил қолмай илож йўқ! Малика асил дуру гавҳарлар билан зийнатланган тахтдан кўтарилди, йигитнинг меҳмонлик иззатини ўрнига қўйиш учун «Хуш кўрдик!» деди. Меҳмон ўлтиргандан кейин малика Чандрпрабҳа ундан кимлиги, қаердан келганлиги ва одамзод қадами етмас бу жойларга қандай келиб қолганлиги ҳақида сўради, Шақтидев ҳам қаерданлигини, қандай оиладанлигини сўзлаб берди, исмини айтди, бу ерга Канакпурий шаҳрини кўргани келганлигини ва бу билан малика Канакрекҳанинг қўлини сўрашга эришишини батафсил баён этди.

Барчасидан бохабар бўлгач, Чандрпрабҳа хиёл ўйга толди, чуқур хўрсинди, йигитнинг кўзига тик қараб деди: «Қулоқ сол гапларимга, эй хужастафеъл йигит. Бу мамлакатни видйадҳарлар ҳукмдори Шашиқҳанд сўрайди. У тўрт қиз кўрган. Тўнғичи — менман. Кейингимизнинг исми Чандрарекҳа, ундан кейингимизники Шаширекҳа, энг кенжамизники эса Шашипрабҳадир. Вақти-соати билан биз тўртовлон қиз ота уйида юриб бўй етдик. Бир куни сингилларим чўмилгани Мандакини дарёси қирғоғига боришди. Ёш қизлар эмасми, шўхлик қилиб улар қаландар Агрйапатага сув сепга бошлашган. Қаландар шунча «қўйинглар, бас қилинглари» деб ялинса ҳам улар шўхликларини қўймаганлар. Шунда қаландар ғазабга минган ва уччаласини ҳам дуойибад қилган: «Ҳой ярамас қизлар, ҳаммангиз кейинги сафар ерда одам қавмида дунёга келинглари, илойим!» деган. Бу гап отамнинг қулоғига бориб етган, югуриб келиб, дуойи бадини қайтариб олишини сўраб, қаландарга роса ялинган; охири шунга эришганки, Агрйапатага ҳар бир қиз учун дуойи бад муддатини белгилаб берган ва улар учун ўлим пайтида афсунгарлик билими билан бирга ўтмишдаги туғилиш ҳақидаги хотирани ҳам сақлаб қолган. Шундан сўнг қизлар ўзларининг илоҳий қиёфаларини тарк этиб, оддий бандалар оламига келиб қолганлар, отам эса ушбу шаҳарни менга топшириб, тоққа, ўрмондаги масканига чекланди. Бир куни тушимга Анбика кирди, у мендан гина қилиб деди: «Ҳой қизим, сенинг эринг одам наслидан бўлмай!» Шундан кейин мен барча видйадҳар куёвлардан этак силкиб қўйганман, ҳозиргача турмушга чиқмаганман. Ҳозир сен мўъжиза билан бу даргоҳга келиб қолибсан, хушрўй юз-андоминг менга ёқиб қолди, сенга ерга чиқишга бажонидил розиман. Шу боис ой ўн тўрт кунлик тўлин бўлганида улугвор Ришабҳ тоғига бораман-да, отамдан изн сўрайман. У ерга ҳар йили шу куни дунёнинг барча мамлакатларидан видйадҳарлар аълолари тўпланади. Мен ҳам ўша жойга бораман, отамнинг розилигини оламану, гирра изимга қайтаман. Ўшанда мени ўзинга хотин қилиб оласан. Сен эса шу ерда мени кутиб турасан». — Чандрпрабҳа унга шу гапларни айтди ва видйадҳарлар одатига кўра Шақтидевни минг турли лаззатлардан баҳраманд қила бошлади. Азбаройи бу лаззатлардан хузур қилганидан йигит ўзини ўрмондаги ёнғиндан куя бошлаган ва бирдан обихаёт тўла кўл учраб, ўзини шунга ташлаган одамдай бахтли ҳис қилмоқда эди.

Ҳаш-паш дегунча оининг ўн тўртинчи куни ҳам етиб келди ва Чандрпрабҳа Шақтидевга шундай сўзлар билан мурожаат қилди: «Бугун отам билан

кўришгани кетаяпман, бутун аркони давлат ҳам мен билан бирга кетади. Сен эса бир ўзинг қолиб, шу икки кунни зерикмай ўтказишга ҳаракат қил. Лекин айтиб қўй, ҳар қандай ҳолда ҳам саройдан юқорига қадам изини қилмайсан!» Малика йигитга шундай деди, йигит рози бўлди, Чандрапрабҳа жўнаб кетди.

Шактидев бир ўзи қолди, эрмак учун у бир ҳашаматли хобгоҳдан бошқасига ўтиб, саройда кезина бошлади, кезиниб юрар экан, «Нега видйадҳар қизи мени юқорига чиқишимни ман этиб кетди?» деган ўй миясида уймалашаверди, қизиқиши ортаверди. Охири сабри чидамай, юқорига чиқиб кетди, зеро, одамнинг юраги доим ман этилган нарсага интилади! Юқорига чиқиб қараса, ўта махфий, дурлар билан безатилган ва аёллар учун мўлжалланган чодирни кўрди, бориб, биринчисининг четини қайириб, ичкарига кирди. У ерда қимматбаҳо жавоҳиротлар қадаб зийнатланган тахтда кимдир ётганини кўрди. Чойшабни олиб ташлади ва не кўз билан кўрсинки, шоҳ Паропкариннинг соҳибжамол қизи экан. «Бу қандай сир бўлди?» — ўйлади йигит. — Ё бу қиз абадий уйқуда ухлаб ётибди, ёки мен афсунгарлик сеҳрига мубтало бўлганман. Уни деб шунча йўлларни босиб келсам-у, у бўлса бу ерда нафас олмай ётса! Ҳе йўқ, унинг ҳуснига гард ҳам қўнмаган! Эҳтимол, бу Яратганнинг синовидир, мени атайлаб сароблар тўрига чирмаб ташлагандир?!»

Шундай ўйлар билан у биринчи чодирдан чиқди-да, навбати билан кейингиларига ҳам кирди. Худди биринчи чодирда бўлганидай, қолган иккаласида ҳам биттадан гўзал қиз ухла ётарди. Қаттиқ ҳайратга чўмиб, Шактидев у ердан чиқди-да, томнинг қиррасига ўтирди, қараса, пастда қудуқ ёнида эгарига дурлар қадаб зийнатланган бир бедов от турибди. Отни яқинроқдан кўрмоқчи бўлиб, пастга тушди-да, унга яқинлашди. Яқин-атрофда отнинг эгаси кўринмасди, Шактидев отни минмоқчи бўлиб, оёғини узангига қўйган ҳам эдики, от уни бир тепиб, ҳалиги қудуққа учуриб юборди.

Қудуқдан учиб ўтиб, Шактидев ўзини унинг нариги учида, Вардҳаманпур шаҳридаги ўз томорқасида кўрди, буни кўриб ва ёнида Чандрапрабҳа йўқлигини билиб, узиб ташланган нилуфардек она тупроғига йиқилди. «Вардҳаманпур қаердау, видйадҳарлар шаҳри қаерда? Бошимда не савдолар кечаётибди ўзи? Ёки сеҳр-жодулар мени ўзининг кўринмас тўрлари билан ўраб олдим? Во ҳасрато! Мен шўрликни ким бунчалик маймундай ўйнатапти? Олдинда яна не кўргиликлар қараб турибди?» — ана шундай ғамгин ўйларга ботганча маҳзун Шактидев киндик қони тўкилган уйга қайтиб келди ва отаси бошқа қариндош-уруғлари қарамоғида қолиб яшай бошлади. Жарчининг кўс ноғораси туфайли қандай сарсон-саргардон бўлганлари ҳақида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмади.

Эртасига нима бўлиб ҳам уйдан ташқарига чиқди ва жарчининг овози қулоғига чалинди, у шундай деб жар солар эди: «Браҳман ёки кшатрийзодалардан ким Канакпурий шаҳрини кўрган бўлса, шоҳ ўшанга қизини беради ва уни ўзига валиаҳд қилиб олади! Ҳов-в эшитмадим деманглар!» Шактидев жарчилар олдига югуриб борди-да, яна ўша гапни айтди: «Мен кўрганман Канакпурий шаҳрини!» Уни бетўхтов шоҳ ҳузурига олиб боришди, шоҳ эса уни кўриши биланок ҳафсаласи пир бўлди, яна алдагани келдингми, деб ўшқуриб берди. Бироқ Шактидев дадил туриб деди: «Агар ёлғон сўз айтсам, агар ўша шаҳарни кўрмаган бўлсам, менга ўлим жазоси беринг! Майли, Канакпурий қанақалигини маликанинг ўзи сўрасин мендан». Шоҳ ўз мулозимларини дарҳол қизига юборди. Малика келди, Шактидевни кўрди ва отасига деди: «Ота, у яна қулогимизга лағмон илмоқчи!» Шактидев унинг сўзига эътироз билдириб, деди: «Тўғри айтаяпманми, ёлғон айтаяпманми, нима бўлганда ҳам, эй шоҳ қизи, дилимдаги иштибоҳни ўзинг бир ёқлик қил: ахир Канакпурийда, чодир ичидаги тахтда нафас олмай ётган сен ўзинг эмасмидинг? Энди сени бу ерда, ўз олдимда тирик ва соппа-соғ кўриб турганим сири нимада?» Шу сўзлардан кейин Канакрехқа унинг ҳақиқатан ҳам Канакпурийда бўлганини англади ва отасига деди: «Чиндан ҳам у Канакпурийни кўрибди, модомики, у ўша ерда бўлган экан, мен унга хотин бўлмай иложим йўқ. У менинг қолган учала синглимни ҳам хотин қилиб олади ва ўша шаҳарда видйадҳарлар устидан ҳукронлик қилади. Энди мен ўзимнинг асл қиёфамга қайтмоқчиман ва Канакпурийга кетмоқчиман. Фақат авлиё қарғиши туфайли сизнинг хонадонингизда туғилиб қолган эдим, муҳтарам зот. «Канакпурийда жисмингни оддий инсон

боласи кўрган заҳотиёқ сенинг бандалар ичида яшаш муддатинг тугайди, сенга кўринган ўша банда сенга эр ҳам бўлиб қолади», — қаландарнинг менга қарата айтган дуойи бадининг охири ана шундай тугарди. Гарчи мен инсон қиёфасида юрсам-да, лекин олдинги туғилишимни эслайман ва афсунгарлик билимига эгаман. Шу боис яна видйадҳарлар олдига қайтиб бориш учун энди мен бу ердан кетаман». Шу сўзлардан кейин малика одамзод танасини тарк этди-ю, ғойиб бўлди. Шунда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган талотўп бошланди, шоҳ саройини Шактидевнинг уввос тортиб йиғлаган овози тутди — у озмунча меҳнат-машаққат тортмадими, аммо унга на Чандрапрабха насиб этди ва на Канагрекха.

Эзгу орзуси рўёбга чиқмаганидан ғуссага тўлганча Шактидев ўзини койиб саройдан чиқиб кетар экан, бирдан ўйлаб қолди: «Ие, ахир Канагрекха мен ўйлаган нарса бўлмай қолмайди демаганмиди? Нега элбурутдан ич-этимни еяпман? Ахир астойдил йиғласа, сўқир кўздан ёш чиқар, сабр таги олтин дейдилар-ку! Аввал қайси йўлдан борган бўлсам, яна ўша йўлдан Канакпурийга бораман. Балки тақдир мени яна қўллаб юборар?

Шундай ўйларни ўйлаб, ўша зумдаёқ Шактидев шаҳридан чиқиб кетди. Зеро, ўз қарорларида маҳкам одамлар мақсадларига етмагунларича кўймадилар!

У йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди, охири яна ўша баҳри муҳит соҳилида жойлашган Витанкпур шаҳрига етиб келди. У ерда Шактидев бирга сузиб кетган ва кемази ҳалокатга учраган ўша савдогарни учратди. «Ҳа, бу ўша, денгизга кулаб тушган Самудраттнинг ўзи, — ўйлади Шактидев. — У қандай омон қолди экан? Фирт мўжиза-ку! Бу ёғи менинг ўзим ҳам бир мўжизадан далолатман-ку!»

Шактидев унинг олдига борди, савдогар браҳманзодани таниди ва азбаройи қаттиқ севинганидан йиғлаб, маҳкам кучоқлади, сўнг уйига олиб борди ва қуоқ меҳмон қилди, еб-ичиб олганларидан кейин суриштира кетди: «Кема мажақланиб кетгандан кейин қандай жон сақлаб қолдинг?» Шактидев кейин нималар бўлган бўлса, ҳаммасини ҳикоя қилиб берди, балиқ ютиб юбориб, Утстхал оролига борганларига қолмади — ҳаммасини айтди. Ўз навбатида у савдогардан ҳам бошидан нелар ўтганини сўради: «Қани, гапиринг энди, баҳри муҳитдан қандай чиқиб олдингиз?!»

Бунга жавобан савдогар шу гапларни айтди: «Ўпқонга кулаб тушгандан кейин мен бир тахтага ёпишиб олдим ва уч кечаю уч кундуз тўлқинлар оша сузиб юрдим. Бахтимга сал наридан бир кема ўтиб қолди, ундаги одамлар менинг ёрдам сўраб қичқираётганимни кўришди ва кемага тортиб чиқаришди. Кемага чиққач, у ерда олис ороллар сафаридан уйга қайтаётган отамни кўрдим. У мени дарров таниди ва кучоқлаб олди, бошимдан ўтганларни суриштирди, мен эса қисматим бадлигидан ўпкам тўлиб йиғлай-йиғлай бошимдан ўтганларни ҳикоя қилиб бердим: «Сира қайтиб келавермаганингдан кейин, ота, ўзим савдо ишларини юргизишга қарор қилдим. Бошқа бир оролга сузиб бордим ва нима бўлдию, кемам ҳалокатга учради. Шу кунгача мени баҳри муҳит тўлқинлари кўтариб юрди, бироқ бахтимга сизлар мени сувдан тортиб олдиларингиз». Ҳикоямни тугатишим билан отам деди: «Нима учун ўзингни ўтга-чўққа ураве-расан? Бойлигим худо уриб ётибди-ку, ўғлим. Ана қара, кемани тўлдириб олтин олиб келяпман!» Отам менга шундай тасалли берди ва тез орада кемада сузиб, қадрдон уйимиз Витанкпурга келдик. Мана шундай кунларни бошдан ўтказгандан бери шу ерда истиқомат қилаяпман». Савдогарнинг бошидан ўтганларни тинглаб туриб, Шактидев дам олди, тунни шу ерда ўтказди, эртасига савдогарга қараб шундай деди: «Муҳтарам савдогар, мен яна Утстхал оролига бормасам бўлмайди. У ерга қандай борилади, шунга айтоласизми?» Савдогар жавоб берди: «Мен ҳозир бир жойда ўтириб қолганман, аммо хизматкорларим ҳадемай йўлга чиқади. Сен шулар билан кемага ўлтир-да, ўша ёққа бор, хўпми?» Савдогар қандай маслаҳат берган бўлса, Шактидев худди шундай қилди, улар билан бирга Утстхал оролига етиб олди. Улар қирғоққа келиб тушишганида, Шактидевнинг мясига бир гап келди: «Модомики, қариндошимиз Вишну-датт шу шаҳарда турар экан, албатта уларнинг ибодатхонасида кўноқ бўламан!» Браҳманзода бозордан ўтиб кетаётган балиқчилар ҳукмдори Сатйавратнинг ўғилларини учратиб қолди, улар буни таниб, сўрашди: «Ҳой браҳманзода, ўтган

сафар сен отамиз билан Канакупурийга сузиб кетган эдинг-ку, бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг?»

Шақтидев уларга тўлқин уларнинг кемасини писта пўчоғидай ирғитиб юборгани, оталарининг ўпқонга тушиб қолгани ва сув қаърига кириб кетганини сўзлаб берди. Бу гапларни эшитиб, Сатйавратнинг ўғиллари қаттиқ ғазабланишди ва хизматкорларига буюришди: «Боғланг мана бу ёвузни, у отамизни ўлдирган. Икки киши кемада сузган, кема ўпқонга тушган, биттаси ўпқонга кириб, биттаси бу ерда соғ-саломат юрган бўлса — ким ишонади бу гапга? Эртага тонг билан бу йигитчани, отамизнинг қотилини жонивор ўрнида Чандикка қурбон қилиб юборамиз». Балиқчилар ҳукмдорининг ўғиллари хизматкорлар билан биргаликда Шақтидевени боғлашди, кўс-ноғора гумбур-гумбури остида Чандик эҳромига олиб келишди. Чандик эҳроми муттасил жонли мавжудотларни ямлаб, бамисоли олдинга чиққан сўйлоқ тишли жағларини тиржайтириб турган ажал қомига ўхшарди.

Арқон билан чандиб боғланган Шақтидевени қамаб қўйишди, тун чўккач, ҳаёти қил устида турганидан ваҳимага тушиб, У Чандикка таввалло қилди: «Эй мунглиқ бандалар паноҳқори, севикли ёрини қидириб, олис юртларга йўл олган, ҳеч бир гуноҳсиз мана бу телбалар қўлига тушиб қолган бу нотавон ошиқнинг жонига ўзинг ора кирсанг-чи. Ахир бутун олам халосқори, дайғайларнинг кушандаси сен ўзинг эмасми? Тонгда уфқдан чарақлаб чиқиб келган кўёш эмас, аслида сенинг жамолинг-ку!» У Чандикка ана шундай илтижолар қилди, кейин жуда қийинчилик билан уйқуга кетди, тушида гўё эҳром ичидан қандайдир илоҳий сиёқли қиз чиқиб келгандай ва бамисоли тасалли берган каби унга шундай мурожаат қилгандай бўлди: «Сенга ҳеч нима бўлмайди! Балиқчилар шоҳи ўғилларининг Биндумати деган сингиллари бор. Эрталаб бу қиз сени кўрганида, шу йигитга турмушга чиқаринглар деб илтимос қилади. Сен рози бўлишинг керак, зеро, сени фақат у қутқара олади. Бунинг устига у балиқчи қизи эмас, гарданида тавқи лаънати бўлган илоҳий қиздир».

Эрталаб уйқудан уйғониши билан эҳромга балиқчи қиз кириб келди, қизни кўриб йигитнинг кўзлари севинчга тўлди. Қиз унинг олдига келиб, исмини айтди ва шундай деди: «Мен сени у ердан озод қиламан, лекин сен менинг истагимни бажаришинг керак бўлади. Менга уйлан». Балиқчи қиз шундай деди-ю, Шақтидев кўрган тушини эслади, у суюниб кетди ва дарҳол рози бўлди. Қиз уни озод қилди ва тўйлари бўлиб ўтди, бинобарин, Анбика тушида каромат қилганидай, ака-укалар опа-сингилларининг истагини адо этишга рози бўлишди.

Шундай қилиб, Шақтидев илоҳий соҳибжамол Биндумати билан ўша ерда умргузаронлик қила бошлади, қиз савоб ишлар эвазига қўлга кирган муваффақият тажассумининг ўзгинаси эди. Бир куни иккаласи томда ўлтиришарди. Бир вақт Шақтидевининг кўзи бошида мол гўшти кўтариб келаётган бир чандалга тушди ва хотинидан сўради: «Менга айт-чи, сарвқомат дилбарим, ҳар учала оламда табаррук сигир гўштини ейдиган қандай ёвуз одамлар бор?»

Бунга Биндумати шундай жавоб берди: «Нимасини айтасиз, бегим! Бу мисли йўқ гуноҳ. Мана, мени олинг, арзимаган гуноҳим туфайли балиқчи оиласида дунёга келдим, бу тавқи лаънатдан қачон қутуламан — бу худога аён». «Менга айтиб бер-чи, жонгинам, кимсан, ва нима учун балиқчи оиласида туғилгансан?» Йигит уни узоқ кисталанг қилди, охири қиз унга шундай деди: «Бўпти, мен сенга ҳикоя қилиб берганим бўлсин, фақат менга сўз беринг, бегим, мен сиздан нимани илтимос қилсам, сиз шуни адо этасиз». «Адо этганим бўлсин!» — онт ичди Шақтидев, шунда Биндумати аввал ўз илтимосини баён этди: «Бу оролда сиз иккинчи хотинга уйланасиз ва у кўп ўтмай сиздан ҳомиладор бўлади. Ҳомила саккиз ойлик бўлганида, сиз унинг қорнини ёришингиз керак, бундан сиз заррача жирканмаслигингиз лозим». Хотинидан бундай сўзларни эшитиб, Шақтидев ҳайратдан оғзини очиб қолди., бундай қилолмаслигини, қўрқинини айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, Биндумати уни тўхтатиб, гапида давом этди:

«Нима сабабдан сиз бундай қилишингиз лозим ва нима учун мен балиқчи оиласида туғилганман — энди барини бир бошдан айтиб бераман, сиз қулоқ солинг. Бир вақтлар мен видйадҳар эдим, бироқ бир қарғиш сабабли оддий бандалар қатори туғилиб қолдим. Гап шундаки, видйадҳарлик вақтимда уд

чолғуси торини улаш учун тишим билан тишлашимга тўғри келди, торлар мол ичагидан қилингани учун мен тубанликка маҳкум этилиб қолдим, чунки сиз бир жисмидан бир заррасини оғзимга олган эдим-да. Мана шу сабабдан мен балиқчилар орасида дунёга келдим».

Қиз Шактидевга шуларни ҳикоя қилар экан, унинг олдига оғаларидан бири яқин келди ва сўради: «Тур ўрнингдан, кўплаб одамларнинг бошига етган қобон шу ёққа қараб келяпти».

Бу гапни эшитиши ҳамон Шактидев лип этиб томдан тушди, қурол олди, сапчиб отга минди, қобон томонга от кўйди-да, унга ҳамла қилди. Қобон яраланди, жон сақлаш ниятида ўз ғорига кириб кетди. Шактидев унинг изидан тушди ва йиртқичнинг ортидан ғорга шўнғиди. Қараса, ичкарида бошпана ва серсоя боғ, боғда ҳусну жамоли ойни хижолатга солган бир қиз — гўё у ўрмон илоҳасию эҳтиром ила йигитни қарши олиши учун пешвоз чиқиб келаётгандай.

Шактидев қиздан сўради: «Кимсан, ҳой толеи порлоқ қиз? Нимадан ташвишдасан?» Юзлари гулгун, сочлари тўлқин қиз шундай жавоб берди: «Ёруғ оламда Жануб мамлакатининг ҳукмдори, шоҳ Чандвикрам яшайди, мен эса унинг суюкли қизи Биндурекҳа бўламан. Кўзлари ёниб турувчи қандайдир ёвуз дайта мени ота уйдан ўғирлаб, бу ерга олиб келди. Қобон қиёфасига кириб, гўшт қидириб, бу ердан чиқиб кетади. Бугун эса нима бўлиб ҳам қандайдир ботир найза билан уни яралади ва тақдир тақозоси билан бу ерга судралиб келиб, жон берди. У менинг қизлигимга тажовуз қилмади, мен омон қолдим, энди эса бу ердан кетаяпман».

«Нимадан бунча қалтираяпсан?» — сўради ундан Шактидев. — Қобонни найза уриб яралаган мен бўламан, малика!» «Сиз ўзингиз ким бўласиз?» — сўради шунда қиз. «Мен браҳманзодаман, исмим Шактидев!» — «Унда менга тан маҳрам бўлиш ато этилган зот сиз экансиз-да!» — деди қиз унга. Шунда йигит қизга деди: «Шундай бўлиши ҳам керак!» — ва ҳар иккаласи ғордан ташқарига чиқди. Улар Шактидевининг уйига келгач, ҳамма гапни Биндуматига сўзлаб беришди ва унинг розилиги билан Шактидев Биндурекҳага уйланди.

Шактидев иккала хотини билан аҳил-иноқ турмуш кечири бошлади, вақти-соати билан Биндурекҳанинг ҳам бўйида бўлди. Шундан кейин орадан саккиз ой ўтар-ўтмас Биндумати Шактидевининг олдига келди-да, сўз қотди: «Менга бир нарсани ваъда қилган эдингиз, эсингиздадир? Мана, иккинчи хотинингизнинг ҳомиласи саккиз ойлик бўлди. Унинг олдига боринг-да, қорнини ёринг. Ваъда қилинган нарсани бажаришда зинҳор жирканманг». Хотини гапини тугатди. Шактидев эса юраги муҳаббат ва шафқат ҳиссига тўлган кўйи ваъдасидан тонолмай тек туриб қолди.

Минг хил хаёлда йигит Биндумати ҳузуридан чиқиб, Биндурекҳа истиқболига йўл олди, Биндурекҳа бегини ҳаддан ташқари ғамгин ҳолда кўриб, деди: «Сизнинг нимадан бу қаҳар қайғуга кўмилиб турганингизни биламан. Биндумати сизга менинг қорнимни ёришни буюрган. Энди шуни қилмасангиз бўлмайди. Бу ерда ҳеч қандай бағритошлик йўқ ва сизни ҳеч нарса тўхтатиб қололмайди ҳам!»

Қулоқ солинг, бегим, браҳман Девдатт ва яқшлар ҳукмдорининг қизи ҳақида сизга бир ривоят сўзлаб бераман.

## ДЕВДАТТ ҲИКОЯСИ

Бир замонлар Камбук шаҳрида Ҳаридатт исмли бир браҳман яшарди. Унинг егани олдида, емагани кетида эди. У Девдатт деган ўғил кўрди, болакай ёшлигидан барча билимларни сув қилиб ичди, сал нарига бориб эса ошиқ ўйинига ружу қўйди. Бир кун эгнидаги охирги кийимигача қиморда ютқазиб, уйга боришга юраги дов бермай, ташландиқ бир эҳромга кирди. Қараса, у ерда Жалпад деган буюк қаландар тоат қилиб ўтирган экан. Дарров одоб билан таъзим қилиб, Девдатт қаландарнинг олдига борди, қаландар эса тоатини тўхтатиб, ширин сўзлар билан унинг саломига алик олди. Сўнг у Девдаттдан нега шахтинг паст деб сўради, Девдатт хафалиги боисини айтар экан, бисотидаги бор нарсасини ошиқ ўйинида бой берганини сўзлаб берди. Шунда буюк қаландар унга шундай деди: «Ўғлим, ер юзида барча омадсизларга ёрдам берадиган пулнинг ўзи йўқ. Агар бу мушкулотингдан фориг бўлай десанг, мен айтган

нарсани қилишинг керак бўлади. Видйадҳарларга тенг келиш учун мен нимаики иш қилсам, сен ҳам шуни қил; ўғитларимга кулоқ сол, шундагина бошинга тушган балодан халос топгайсан».

Дарвешнинг гапларига рози бўлиб, Девдатт деди: «Бош устига, пирим!» Сўнг шу ерда қолишга азму қарор этди.

Тун оғиб, тонг отганида қаландар қабристонга борди ва ват деган дарахт остида гуруч ва қатиқдан қурбонлиқ расмини адо этди, кейин эса қурбонлиқ нарсаларни жануб ва шимол, ғарб ва шарқ томонга қараб сепди-да, ёнида турган Девдаттга деди: «Ана шунақа, Девдатт, ҳар кун шунақа қурбонлиқ қилишинг керак ва ҳар гал бу расмни ниҳоясига етказганингдан кейин айтасан: «Ушбу қурбонлиғимни қабул айла, эй Видйутпрабҳа!». Икковимизнинг ҳам ишимиз бароридан келишига заррача шубҳа қилмайман». Шу сўзлардан кейин Девдаттни эргаштириб, у ўз ошиёни томон йўл олди.

Шундан бери Девдатт мутгасил дарахт тагига келадиган ва барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда қурбонлиқ расмини адо этадиган бўлди. Бир кун у қурбонлиғини тугатган ҳам эдики, дарахт танаси ёрилиб, унинг рўбарўсида илоҳий бир қиз пайдо бўлди. Қиз унга деди: «Бу ёққа келинг! Сизни шоҳ онамиз чорлаётирлар!» Йигит у билан дарахт танаси ичига кирди ва рангоранг тошлар билан музайян этилган гўзал саройни кўрди. У ердаги тахтиравонда ҳусни таърифга сизмас бир аёл ёнбошлаб ётарди.

Девдаттнинг хаёлидан яшин тезлигида шундай ўй кечди: «Бу соҳибжамол аёл чиндан ҳам муваффақиятимиз тимсолидир!» Шу аснода меҳмонни кутиб олиш учун аёл тахтиравондан турди, қўл ва оёқларига зеб бериб турган биллагузуклар мисоли салом бергандек жиринглаб кетди. Йигитга яқин келиб, аёл деди: «Эй етук инсон, мен — Видйутпрабҳаман, якшлар ҳукмдори Ратнваршнинг қизиман. Буюк зоҳид Жалпад ўз ихлоси билан мени ғоят мамнун этмиш. Нимани кўнглингга келтирсанг, у кўз очиб-юмгунча бажо қилади. Сен менинг ҳаётим ҳукмрони бўл, зеро, сенга кўзим тушиши ҳамон юрагимда сенга нисбатан ишқ олови гуриллаб ёнди. Менга уйлан». Девдатт деди: «Бош устига!» — дарҳол тўй-томоша бошланиб, улар никоҳдан ўтишди.

Аёл Девдаттни бирмунча муддат ўз даргоҳида ушлаб турди, бироқ аёлнинг бўйида бўлгач, Девдатт қаландарни кўргани борди ва унга бўлиб ўтган гапларни кўрқа-писа ҳикоя қилиб берди. Шунда ўз кўнглида ўйлаб юрган ишларнинг бароридан келишига интиқ ҳолда зоҳид йигитга деди: «Сен ҳамма ишни рисоладагидай адо этибсан, болажоним. Лекин энди сен ўша якш хотинининг олдига боргин-да, қорнини ёр, ичидаги гумонани дарҳол менга олиб кел». Қаландар шу сўзларни Девдаттга уқдириб айтгач, яна гапимдан қилча чиқмагин, дея эслатиб ҳам қўйди. Девдатт яна тан маҳрамининг олдига борди. У келди-да, ишни нимадан бошлашини билмай, тумшайиб туриб қолди. Шундан якш хотинининг ўзи гап бошлади: «Кўриб турибман, азизим, дилинг афғор, хаёлинг паришон. Бунинг сабаби менга аён — Жалпад қорнимни ёриб, ичимдаги гумонани олиб кел деб буюрган сенга. Қандай буюрилган бўлса, шундай қил, йўқса, бунинг ўзим қилишимга тўғри келади. Бунда бир сир бор!» Аёл унга шундай деб турган бўлса-да, Девдатт ботинолмади, шунда аёлнинг ўзи қорнини ёрди-да, гумонани суғуриб, уни Девдаттга узатди ва шундай деди: «Ушла бунинг, видйадҳар бўламан деган одам бунинг ейиши керак. Мен ўзим видйадҳарлар қавмиданман. Мана шу гумона менинг тавқи лаънатимга ниҳоя ясайди, зеро, мен ўзимнинг олдинги туғилишимни эсга олдим. Энди мен ўз уйимга кетаман, лекин биз албатта юз кўришгаймиз». Видйутпрабҳа шу сўзларни айттар-айтмас аллақайққа ғойиб бўлди. Девдатт эса бешбаттар қайғуга ботиб, Жалпаднинг ҳузурига йўл олди ва ишларининг бароридан келишига ёрдам берувчи гумонани унга ҳавола қилди. Зеро, олийжаноб одамлар ҳатто мусибат онларида ҳам ўзларидан кўра кўпроқ бошқаларни ўйлайди.

Гумона гўштини қовуриб, буюк зоҳид шу гўштнинг бир қисмини Шивага қурбонлиқ келтириш мақсадида Девдаттни ўрмонга юборди. Браҳманзода топшириқни бажарди, қайтиб келди ва кўрдикки, то у бориб келгунича қаландар гўштнинг қолган қисмини битта қўймай паққос уриб бўлибди. Бироқ у Жалпадга: «Нега ҳамма гўштни бир ўзингиз еб қўйдингиз?» — деб писанда қилгунча ҳам бўлмай айёр зоҳид видйадҳарга айланди-да, осмонга учиб кетди, фақат

чексиз осмонда худди қиличга ўшаб ялтироқ кўк чизиқ кўриниб қолди, холос. Девдатт ўйланиб қолди: «Оббо падарингга лаънат-ей! Роса тузлаб кетди-ку мени бу ярамас зоҳид. Дарҳақиқат, ёғочнинг бўшини қурт ейди деганлари рост. Энди ундан қандай қилиб алаимни олсам экан? Ҳа, бунинг учун мен видйадҳарга айланиш воситасини топишим керак! Лекин бу ерда ўликлар пири ветални мамнун этишдан ўзга чора йўқдир!»

Шуларни хаёлидан кечириб туриб, у ўша куни шомда аждодлар макони қабристонга борди ва ўша ерда ветални чорлаб, одам гўштидан қурбонлиқ расмини бажарди. Бироқ қурбонлиқдан кўнгли тўлмаганиданми, ҳарқалай ветал пайдо бўлмади, унинг кўнглини олиш учун Девдатт ўз баданидан бир миқдор гўшт кесиб олишга мажбур бўлди.

Ўша заҳоти ветал ҳозир бўлди ва шавкатли ўғлонга қараб деди: «Сен ўз жасурлигинг билан мени хурсанд этдинг, энди тўхта, энди бошқа ҳеч нарса қилмасанг ҳам бўлаверади! Сен ниманики хоҳласанг, қош қайтармай адо этурман!» Шунда ботир йигит веталга қараб деди: «Мени алдаб кетган Жалпад ҳозир қаерда турган бўлса, ўша ерга олиб бориб қўй». — «Бўпти», — деди ветал ва уни елкасига миндирди-да, ўша заҳоти осмони фалакка кўтарилди ва уни видйадҳарлар мамлакатига олиб кетди.

У ерга бориб, Девдатт нималарни кўрди денг: Жалпад муҳташам саройда яшайпти экан, жавоҳиротлардан ял-ял ёнган тахтда кўр тўкиб ўтирар экан, видйадҳарлар устидан ҳукмронлик қилиб, шундан маст-аласт экан ва Видйут-прабҳани унинг норозилигига қарамай, ўзига хотин қилиб олмоқчи бўлиб турган экан. Девдатт ветал билан бирга ёлғончи Жалпад томон ташланганини кўриб, Видйутпрабҳанинг кўзлари ойдиндан нур олган чакор куши кўзларидай чарақлаб кетди. Зоҳид эса ердан чиқдимиди, осмондан тушдимиди, тўсатдан пайдо бўлган Девдаттни кўриб, нақ ўтакаси ёрилаёзди, қўлидан қиличини тушириб юборди-да, тахтдан ерга ағдарилиб тушди. Девдатт қилични ердан олди, аммо Жалпадни ўлдирмади. Зеро, олийҳиммат одамлар ҳар доим мағлубларга мурувватли бўладилар! У ҳатто Жалпаднинг жонини олмоққа шайланган ветални тўхтатиб қолди: «Бу мунофиқни қилич билан чопиб ўлдириб одам нима барака топарди! Уни қайта ерга тушириб юбор, ибодатхонасига борсин, яна бўйнига бош суяклар шодасини илиб, капалик фарзларини адо этиб юраверсин!»

Девдатт шу гапларни айтиб бўлиши ҳамон осмондан Шарв (Шива)нинг хотини Парватий нозил бўлди-да, мулоим овозда браҳманзодага қараб деди: «Ажойиб жасоратинг билан мени ғоятда мамнун қилдинг, браҳманзода, бундай жасоратни мен илгари ҳеч қачон ва ҳеч қаерда кўрмаган эдим. Бугундан бошлаб видйадҳарлар салтанатини сен бошқар, мен уни сенга инъом этгум!» Шу сўзларни айтиб, Девдаттга видйадҳарлар ҳикматини жо этди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Ветал эса Жалпадни ерга равона айлади, у илгари қандай бўлса, шундайлигича қолаверди. Дарҳақиқат, ноҳақ қўлга киритилган бойлик ҳеч кимга буюрмайди. Девдатт билан Видйутпрабҳа эса видйадҳарлар салтанатига эга бўлиб, муроду мақсадларига етдилар».

Ширинзабон Биндурекҳа ўз турмуш ўртоғига ана шу ривоятни сўзлаб берди-да, қўшимча қилиб деди: «Кўрдингизми, бу дунёда нималар бўлмайди. Менда ҳам худди шу гап. Биндумати қандай буюрган бўлса, худди шундай қилинг, қорнимни ёринг, бало-қазоларни бир ёқлик қиладиган гумонани олинг».

Бироқ Биндурекҳа ҳар қанча ундамасин, барибир Шақтидев гуноҳ қилиб қўймасмиканман деган иштибоҳдан қутулолмай турарди. Шунда осмондан бир овоз келди: «Ҳой Шақтидев, ҳеч кўркмай унинг қорнини ёр, гумонани бўйнидан қисимлаб ушла, шунда у қўлингда шамширга айлангай!» Илоҳий овозни эшитиб, ўша заҳоти у Биндурекҳанинг қорнини ёрди, гумонани бўйнидан қисимлаб ушлади ва суғуриб олди, бундоқ қарасаки, қўлида чақалоқ эмас, қулинг ўргилсин шамшир турибди. Шу ишни қилиб бўлгач, Шақтидев билими ўз-ўзидан орғиб бораётганини ҳис этди ва ўзининг видйадҳарга айланганини сезди. Биндурекҳа эса кўзга кўринмайдиган бўлиб қолди. Шунда Шақтидев ўзининг асли балиқчи қизи бўлган хотини олдига борди ва кечирмишларини битта қўймай гапириб берди.

Хотини деди: «Ҳа, эржон! Бизлар видйадҳар қизларимиз, аммо учаламиз



ҳам тавқи лаънат билан Канақпурийдан қувилганмиз. Ичимиздан биттамиз, Канақрекҳа Вардҳаманпурда дунёга келган. Дуойи бад амали унда қандай анжом топганини ўзингиз кўрдингиз. У қадрдон шахрига қайтиб келди. Мен опа-сингиллардан учинчисиман. Дуойи бад амали менда ҳам саранжом бўлиш вақти келиб қолди. Бугун мен баданларимиз — видйадҳарлик жисмларимиз сақланаётган суюкли шахримизга қайтаман. Тўнғич опам Чандрапрабҳа аллақачон ўша ерда. Сеҳрли шамширингизни олиб, ўша ёққа ёрдамга шошилинг. У ерда биз тўрттала опа-сингил сизга хотин бўлғаймиз, ўрмонда саргардон юрган отажонимиз эса сизга ўз тахтини топширғай ва сиз шаҳарда ҳукмронлик қила бошлайсиз». Биндумати ўзи ҳақда муфассал сўзлаб бергандан кейин Шактидев унга шундай жавоб берди: «Бош устига!» — ва хотини билан бирга фалакдаги йўлдан шонли Канақпурий томон учиб кетди.

Илгари у саройдаги учала чодирда кўрган ҳалиги таналарга жон киритган эди, зеро, уларнинг руҳлари ўзларига қайтиб кирганди — Канақрекҳага ҳам, бошқа сингилларига ҳам. Шактидев учала маҳбубасини ҳам тўрт мучаси соппасоғ, тетик ва дуркун кўриб турарди. Кейин эса тўртинчи маҳбубаси, опа-сингилларнинг энг каттаси келди, узоқ айрилиқдан соғиниб маъюсланган кўзларида бахт нишонлари жимир-жимир қилиб кўринмоқда эди.

Унинг келганидан боши кўкка етган канизақлари ўз юмушлари билан бўлиб кетганида Чандрапрабҳа Шактидев билан хобгоҳга ўтди-да, эрига қараб шундай деди: «Эй толеи улуғ бегим, сиз Вардҳаманпурда кўрган малика Канақрекҳа бор-ку, ўша менинг синглим Чандрарекҳа бўлади. Сиз илгари Утетҳал оролида тўй қилиб уйланган балиқчилар ҳукмдорининг қизи Бандумати бор-ку, у синглим Шаширекҳа бўлади, дайтйа ўғирлаб кетгандан кейин сизга хотин бўлган малика Биндурекҳа бор-ку, ўша менинг кенжа синглим Шашипрабҳа бўлади. Энди, юринг, отамнинг хузурларига борайлик, улар барчамизни сизга никоҳлаб берадилар.

Шундай қилиб доно Чандрапрабҳанинг сўзи билан бамисоли гул пайконли маъбуд Ком ҳукм қилган каби, Шактидев тўрттала опа-сингил билан уларнинг оталари хузурига шошилишч йўл олди. Рўпарасида бош эгиб таъзим қилиб турган қизлардан содир бўлган барча кечмишларни тинглаб, самодан келган гайб овози ҳукми ила уларни Шактидевга тан маҳрамликка берди, унинг ўзини эса Канақпурийга шоҳ қилиб қўйди, ўзидаги бор давлату сарват, илму ҳикматни унга ҳавола этди, уни видйадҳарлар забонида айтиладиган Шактивег исми билан сарафроз қилди. «Сени ҳеч ким енголмайди, бинобарин, сен енгилмас кучга эгалурсан. Аммо сен ватслар ҳукмдорининг ўғли, бизнинг бўлажак олий ҳукмдоримиз Нарвахдатт қошида бош эгмоғинг лозим бўлади». Ана шундай насиҳатларни бериб, видйадҳарларнинг қудратли ҳукмдори Шашиқҳанд ўз пойтахти ва сарзаминни тарк этиб, дарвешлик маскани сари чекилди. Шактидев эса шоҳ бўлгач, хотинлари билан бирга жамики видйадҳарлар салтанатининг ялови — Канақпурийга кириб келди.

Шундан буён Шактивег унга ғамзали нигоҳлар билан қараб тўймайдиган тўрттала хотини ила зарҳал нақшу нигорлари кўзни қамаштирувчи олийшон эҳромлари бўлган Канақпурийда давру даврон суриб келяпти, шаршараларига олиб тушадиган зиналари дуру гавҳарлар ва яна неча турлик жавоҳиротлар қадаб музайян этилган дилкушо боғларда сайр қилиб, кўнгил очади.

Узининг завқиб ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб, Шактивег ватслар ҳукмдорига бош эгиб таъзим қилди-да, шундай деди: «Эй ватслар ҳукмдори, эй ой сулоласининг гултожи! Мен сизга айтсам, фарзанди аржумандингиз, бизнинг бўлажак ҳукмдоримизни бирров ажзи ниёз қилиш истагида эрдим! Шаҳарлар ғоратгари маъбуд Шива иноятю муруввати ила одамзоддан видйадҳарга айландим. Энди эса бўлажак салтанат эгаси билан кўришаман-да, шоҳим, қадрдон гўшамга равона бўлғайман. Унга ҳар доим ва ҳамма нарсада бахту омад ёр бўлғай!»

Шу сўзларни ирод қилиб, Шактивег одоб билан қўлларини туширди ва кетиш учун ижозат олганидан кейин ватслар ҳукмдорига, маликаларга, валиаҳдларга ва вазирларга бахти баркамол тилаб, афсун кучи ила кўкка парвоз қилди.

Буюк шоир Сомдевинг «Достонлар уммони»даги «Тўрт ҳурилик қиз» китобининг учинчи долғаси ана шулардан иборат.

«Тўрт ҳурилик қиз» номли бешинчи китоб тугади.

*Тамом.*

## ТАРИХ БИЛАН БЎЙЛАШГАН АСАР

Қадимги ҳинд адабиётига мансуб шундай асарлар борки, улар жаҳон адабиёти ганжинасидаги дурри ятимлар ҳисобланади. «Маҳобҳорат», «Панчатантра», «Ҳитупадеш»лар чинакамига олис мозийдан бугунги кунимизгача етиб келган энг нодир осори атиқалар ҳисобланади. Улар дунёнинг жуда кўплаб тилларига таржима қилинган, бутун-бутун халқлар адабиётларига ўз таъсирини кўрсатган ва кўрсатмоқда.

XI асрнинг II ярмида яшаб ижод қилган машҳур ҳинд шоири Сомдев (туғилган ва вафот этган йили номаълум) 18 китобдан иборат «Достонлар баҳри муҳити» («Катҳа сарит сагар») номли улкан достон муаллифидир. Ушбу достон ҳинд адабиётининг дурдоналаридан бири саналади. Яратилиш даври ва мазмунига қараб уни Ҳиндистон тарихи билан бўйлашган асар деб аташ мумкин. Унда ўша давр ҳинд жамияти ҳаёти истиора йўли билан тасвирланади, ноҳақликлар фош этилади, инсонийлик, яхши хулқ-атвор, гўзал ахлоқ-одоб тарғиб этилади. Мазкур достон ҳикоя ичида ҳикоя усулида яратилган.

Гунадҳйа номли шоир яратган «Брихаткатҳа» асари Сомдевнинг китобига анча тўлиқ ҳолда киритилган. Айни шундан бошлаб ҳинд бадиий адабиёти том маънода ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилди.

Асарда шоҳ Удаяннинг ажойиб ва гаройиб саргузаштлари баён этилади, ҳар битта ҳикоя унинг ичига янги бир ҳикояни киритишга баҳона бўлади.

Сомдев асарида маъбуд-маъбудалар, ярим маъбуд ва фаришталар билан реал, тарихий шахслар ҳам тилга олингани ўзгача аҳамият касб этади. Масалан, қадимги Ҳиндистонда яшаган машҳур грамматика илми билимдони Панини, жайн динига мансуб шоир Пушпаданта ва грамматика олими Катаян бўлиб, унинг грамма-тикага оид «Катантра» номли асари ҳозир ҳам аҳамиятни йўқотган эмас. Турли грамматик оқимлар орасидаги ҳамда халқ тиллари ва уларда яратилган адабиётлар тақдири атрофида курашлар ҳам реал тасвирланган.

Асарнинг айрим жойларида турли ғоялар — табиатга моддионлик нуқтаи

назаридан қараш ва турли диний талқинда ҳаёл аралаш тарзда баён этилгандек кўринади-ю, аммо муаллиф қўллаган асосий ғояга хизмат қилган. Масалан, ҳозирги Ҳиндистоннинг асосий дини бўлмиш ҳиндуизм (унинг намояндаси маъбуд Шива) билан браҳманизм дини (унинг вакили маъбуд Индра) ва аллақачон унутилиб кетган маъбуд-маъбудаларнинг тўқнашуви фикримизга далил бўла олади.

Асли 18 китобдан иборат мазкур асарда инсонлар ва асурларнинг маъбудларга қарши биргаликдаги кураши тасвирланади. Бунда инсон ақл-заковатининг нақадар қудратли куч экани яққол ўз ифодасини топган.

Асар салкам минг йил олдин яратилиб, унда ўша давр руҳи акс этган. Асарда ўша пайтда мавжуд бўлган турлитуман динлар, уларга мансуб маъбуд-маъбудалар, кўп ҳудудликка асосланган динларнинг айрим ғоялари, жумладан, «руҳнинг кўчиши», «қайта туғилиш» (таносух) каби ҳолатлар ҳам учрайдики, буни табиий ҳол деб қарамоқ лозим. Қадимги Ҳиндистондаги маъбуд-маъбудалар, яъни худолар бошқа эътиқод вакиллариининг тушунчаларидан тубдан фарқ қилади — маъбуд-маъбудалар инсоний фазилатларга эга, турмуш қуради, фарзанд кўради ва ҳоказо. Буларнинг барчасига ҳинд фалсафаси, диний тасаввурлар маҳсули деб қарамоқ бу ҳодисани тўғри тушунган ҳолда асар бадииятини идрок қилмоқ, таносухга боғлиқ лавҳаларга танқидий ёндашмоқ лозим деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон адабиёти дурдоналаридан бўлмиш Сомдевнинг мазкур асари ҳам — инсонпарварлик, инсон ақл-заковатининг ҳар нарсдан устунлигини тараннум этувчи бадиий обида сифатида яшаб келаётганининг боиси шунда.

Жаҳон маданиятларининг бир-бирига яқинлашув жараёнлари учун кенг имкониятлар яратилган ҳозирги кунда ўқувчилар ҳам буни маданий ҳодиса сифатида эътироф этишларига шубҳа йўқ, албатта. Зеро, ҳар қандай асарнинг асосий қиммати унинг ўзида ибратли фазилатларни мужассам қила олганлигидадир.

*Ансориiddин ИБРОҲИМОВ,  
филология фанлари  
номзоди, доцент*

**Ярослав ГАШЕК****Ҳажвий ҳикоялар****ДУРБИНДА КЎРИНГАН ХОТИНЛАР**

**М**ен Либерато Виноттининг Юқори Больцанодаги меҳмонхонаси айвонига чиқиб, бу йил синьор Либерато Виноттининг ишлари қалай экан деб ўйлаб ўтирардим, модомики дарҳол бир шиша шароб кўтарганча олдимга югуриб чиққан ва мени “зоти олийлари” деб атаётган экан, ишлари унча яхши бўлмаса керак. Яна тагин учоёқ синчга ўрнатилган дурбинини яқин сурди-да, бирмунча очик чеҳра билан, уни Грюнбах дарасига тўғрилаб қўганини, мен энди бемалол Ауингер тегирмонини қўра олишим мумкинлигини тушунтирди. Очигини айтсам, тегирмоннинг ҳеч бир қизиқ жойи йўқ эди, у Грюнбах дарасининг манзарасини тўсиб турарди.

Ўзим ҳар доим менга хизмат қилмоқчи бўлган одамларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини қадрлайман, шунга қўра ҳеч нима кўринмаётган йўналишда дурбинга бир қараб қўйиб, ҳа, синьор Винотти, тўғри айтибсиз, деб унинг навозишига ташаккур билдирдим.

— О, зоти олийлари, сиз бутунлай бошқача одамсиз, бошқаларга ўхшамайсиз. Бай-бай-бай, ўтган кунни Олмониядан Галлус Ризенгубер деган бақ-бақалоқ бир киши келиб, тоза тинкамизни қуритди, — деб қўйди меҳмонхона эгаси кула-кула. — У ҳам шу айвонда ўтирганди, мен унга дурбинни суриб қўйганимни биламан, менга ҳеч қандай дурбиннинг кераги йўқ, бу ерларни кўравериб тўйиб кетганман, дея шундай қичқириб бердики, нима қилишимни билмай довдираб қолдим. “Йўқотинг кўз олдимдан бунини! Бўлмаса синдириб ташлайман!” — дея бақирди. У бу ерга соат ўнда келади, унча дурбинни йиғиштириб қўйиш керак. Бизнинг шогирд-официантимиз ул жанобнинг кайфияти йўқлигини билмаган экан, мен йўқлигимда унинг олдида дурбинни суриб қўйибди. Жаноб Ризенгубер дурбинни айвондан молхона томига улоқтиришига сал қопти, икки сайёҳ югуриб келиб қўлидан аранг юлқиб олишипти. Шу қилиғини эътиборга олмаса, ўзи жуда яхши ижарачи, эртадан кечгача айвонда ҳам, ресторанда ҳам, ётоғида ҳам овқат егани еган, соат сайин официантга: “Жоним, ошпазларингизга буюртма бериб қўйинг, менга чиройли

---

Чех ёзувчиси Ярослав Гашек (1883 — 1923) бор-йўғи эллик йил умр кўрди. Биринчи жаҳон урушининг ва Россиядаги фуқаролар урушининг бутун даҳшатларига гувоҳ бўлди ва тўрт китобдан иборат “Шоввоз аскар Швейкнинг саргузаштлари” асарини ёзиб, жаҳон ҳажвий насрининг шоҳ асарларидан бирини яратди.

Ярослав Гашек ўқитувчи оиласида туғилган, Прагада тижорат билим юртини тамомлаган ва бирмунча вақт банкларда ишлаган эди. Кейин Чехия ва бошқа мамлакатларни кезди.

1900 йиллардан бошлаб матбуот саҳифаларида қатнаша бошлади. Йўл очерклари, турмуш икир-чикирлари ҳақида ҳикоялар ва жажжи юморлар ёзди. Борган сари ижтимоий-сиёсий ҳаёт воқеалари ҳақида кўпроқ ҳажвий ҳикоялар ёза бошлади. “Суд қилина-ётган қотил” (1907), “Кондаги ҳалокат” (1908), “Штепан Брихнинг хизматдаги жаҳду жадаллари” (1911) каби асарлари шулар жумласидандир. Биринчи жаҳон урушидан олдин ҳарбий қисмлардаги адолатсизликлар ҳақида “Шоввоз аскар Швейк ва бошқа ғаройиб воқеалар” китоби (1912) босилиб чиққанди.

қилиб бифштекс тайёрлаб қўйишсин; хонамга чиройли қилиб қуймоқ олиб чиқишсин”, деб қўнғироқ қилади. Шу айвонда, айнан шу ерда ярим кечагача бир шиша винони майдалаб ичиб ўтиради ва маъюс қўшиқлар айтади, ошхонадаги ошпаз хотинлар эшитганда эзилиб йиғлашади. Тун бўйи хонада юриб чиқади, хўрсинишлари ҳатто ҳовлига ҳам эшитилади. Баъзан эрталаб соат учдан телефон қилишни бошлайди, меҳмонхона ходимаси келганда қўлчасини чимчиламайди, фақат: “Айтинг-чи, қизалоғим, менга бифштекс ёки қуймоқ обкела оласизми?” деб сўрайди холос.

Ия, ия, соат тўққиздан қирқ беш дақиқа ўтибди-ку, дурбинни тезроқ олиб кетиш керак, бўлмаса яна жанжал кўтаради.

Дарвоқе, синьор Либерато Виноттининг жанжалдан қутулиб қолишга урингани бекор кетди, у зинада бақалоқ жаноб билан тўқнашиб қолди.

– Бу қанақаси-а, бу қандай аблахлик! – Менга у жанобнинг дағдағаси эшитилди. – Қачон қарасанг – дурбин, бир зум тинчлик йўқ!

Жаноб Галлус Ризенгубер бурнини торта-торта айвонга кўтарилди ва менга ҳамдардлик билдирди:

– Ишончим комилки, сизга ҳам шу ифлос матоҳини тикиштиришган, тўғрими?

У қаттиқ хўрсиниб, менинг столим ёнига ўтирди ва пастга, ҳовлининг бошқа чеккасига тикилиб қаради.

– Сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз, ҳовлида жўжаларнинг чирқиллаб юришлари шундай чиройли, шундай ажойиб эдики... Чирқиллашлари шу ергача эшитилиб турарди, энди бу ўтмишга айланди. Мен ҳамма жўжаларни еб битказдим, улар эса янгиларини боқишмаяпти. Шуюм ижарачига ғамхўрлик бўлди-ю! Э, нимасини айтасиз, уларга қўйиб берсангиз сизни, дараларини мақтаб тўйғазмоқчи бўлишади – бу уларнинг Эйснек дараси эмиш, яна тагин аллақандай Абтаутал ва Мармолад деган жойлари ҳам бор, шу ердан кўринармиш.

Жўжа егингиз келса, жўжалари йўқ. Хўрозлари ҳам йўқ, униям еб қўйдим, товуклари ҳам йўқ. Шундай қилиб, улар сизни фақат Мармолад ва Абтаутал билан билан боқмоқчи бўлишади. Нимагаям тўй саёҳатига шу ерга келдим! Бу ерда хотиним ҳам йўқ.

Униям еб қўйдингизми, деб юборишимга сал қолди, аммо у олисдаги ибодатхона минорасига шундай ғамгин бўлиб қарадики, унга ачиниш кетдим.

– Бу ерда курка боқишганда зўр бўларди, – дея хўрсинди у. – Яхши куркани бир нима деса бўлади, унинг олдида жўжа нима, бамисоли бир чумчуқдай гап. Аммо бу ерда фойдали курка ўрнига, назаримда, муз парчаси боқишадими-е... Олдинига улар тоғларини мақтаб жонга тегишади, ана ундан кейин, ул-бул егингиз борми, деб сўрашади. Аҳмоқона қоидалар! Менга камроқ тоғ, кўпроқ жўжа керак. Эвоҳ, бу тўй саёҳати қип-қизил бахтсизлик бўлди!

У гапира-гапира бир шиша шаробни ичиб битказди ва қовурма чўчка кабобни уришга киришди.

– Бутун Юқори Болцанодан топилган сўнги чўчка бу, – деб қўйди у маъюслик билан. – Ақл-идрок билан мол боқишни билмайди булар, фақат нима ўсса, дарҳол ўшани Мераного юборишади. У ерда эса даволанаётган беморлар нима беришса, ўшани еяверишади. Ана қоида-ю, мана қоида, нима дейишни

Гашек 1915 йилда Австрия-Венгрия армиясига жалб қилинди (у пайтларда Чехия шу давлатга қарам эди.) Шу йили русларга асир тушди. Ҳарбий асирлар лагеридан Киевда нашр этилаётган “Чехослован” газетасига мақола ва ҳажвий ҳикоялар юбориб турди. Россиядаги Феврал инқилобни қутлаб қарши олди, Октябрь инқилобни дастлаб қабул қилмади, аммо кейин – 1918 – 1920 йилларда шўроларга хизматда бўлди, қизил армия таркибида масъул вазифаларда ишлади. 1920 йилда ватанига қайтгач, ўша хизматлари ҳақида туркум ҳикоя-хотиралар ёзди. Уларда армия ҳаётини бўямай-бежамай ҳаққоний манзараларда ёзиб қолдирди. Уруш пайтидаги барча тартибсизликлар, халқнинг бошига тушган қора кунлар, мусибатларни бир оз юморли, бироз ҳажвий оҳангларда акс эттирган бу ҳикоялари ҳозир ҳам ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан ўқилади.

Ярослав Гашек булардан ташқари, саноғи мингга етувчи турли юмористик ва ҳажвий ҳикояларнинг ҳам муаллифидир. Унинг икки ҳикояси эътиборингизга ҳавола қилинаётир.

ҳам билмайсан. Шўринг қурғур мамлакат! Ҳатто ҳеч қаерда ромштекс ҳам буюртма қилолмайсан. Яқинда мен каптар қийма хоҳлагандим, нақ Инсбрукка боришга тўғри келди, у бу ердан бир юз йигирма километр. Мен икки кронадан тўлаб, тўрттасини едим, йўлҳақиға олтмиш крона сарфладим, менга бирмунча қимматга тушгани кўриниб турипти. Бу ерлик италян қизлар каптарни ўлдиришга қўрқишади, ахир, уни қип-қизил қилиб қовурилса, жуда чиройли чиқади-ку! Йўқ, бу тўй саёҳатини ўлгунимча унутмайман... Ҳа, менга битта қуймоқ тайёрласангиз бўлади. — Чўчқа кабобдан кейин ҳеч нима керакмасми, деб қизиққан официантга шундай деб жавоб берди. — Ёки, майли, иккита қилақолинг, биттаси малина мурабболи, иккинчиси ўрик мурабболи бўлсин.

— Хотиним оқ ўрикли мураббони ҳаммасидан кўпроқ яхши кўрарди, — кўшимча қилди маъюслик билан, — мен ҳам яхши кўраман. Дарвоқе, мурабболар бу ерда айтарлик яхши эмас... Мурабболарнинг энг зўрини биз Пассауда едик, мана мен энди бемазасини еб ўтирибман, бир ўзим хор бўлиб... Агар хўп десангиз, мен сизга бир бўлак Трамин пишлоғидан чақиртирай-да, бошимга тушган бахтсизлик тарихини айтиб берай. Трамин пишлоғини бемалол еса бўлади, лекин Швейцариядаги Майен-фелдда бундан яхшироқ пишлоқ еганман. Аммо сизга бир маслаҳатим: агар Левик йўналишидаги Пелцга бориб қолсангиз, хушёр бўлинг, сизни Алп ўтлоқларига, қандайдир сувга тўла Лалдо Назза деган жойга, у ердан товоқсойнинг чиройли манзараси кўринади, деб даъват қила бошлайдилар. Гап шундаки, у ерда сизга, албатта, ўзларининг горгонзола деган отқулоққа ўхшаган бир ўтларини тиқиштиришади. Пишлоққа эса Алп ўтлари эмас, чабрец деган бир тошчўп кўшишади. У чабрец деган жонивор қаёққа қарасанг ўша ерда тиқилиб ўсиб ётади, уларни кўравериб жининг кўзигани етмагандай, яна ошқозонингни ҳам ивирситиши керак! Пелц горгонзоласидан қорнинг шишиб кетган бир пайтда Лалдо Наззанинг мовий сувларидан лаззатланиб бўларканми? Эвоҳ, қаёқдана тўй саёҳати хаёлимизга келди-я! Уни айтиб беришдан олдин сизни огоҳлантириб қўяй: туб ерли одамлар қанчалик мақташмасин, эшак гўштидан қилинган колбасаларига ишонманг. Яқинда мен синаш учун саккизтасини еб кўрган эдим, кейин ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим. Кейин чўчқа гўшти ва мурабболи куймоқни ҳам зўрға оғзимга олдим. Мен бу тўй саёҳати қандай қилиб маъюс саёҳатга айланганини қисқача қилиб тушунтиришдан олдин шуни ҳам айтиб қўйишим лозимки, Алтонда менинг қаҳва дўконим бор. Турган гапки, сизни қаҳва навлари қизиқтирмайди, шунинг учун дарҳол гапни идорадан бошлай. Ҳозир ҳамма ёзув-чизувни бир йигитча олиб боради, илгари бу ишни Индржишка қиларди. Бу қиз жуда чиройли бошқарарди ишни, аммо мени, ўз бошлиғини кўришга тоқати йўқ эди. Мен бақ-бақалоқман, у эса келишган, тиниқ қиз эди. Ҳамма суяклари кўриниб турарди. Аммо мени унинг нигоҳлари сеҳрлади. Мен унга эътибор бермасликка ҳаракат қилдим ва идорада пайдо бўлганимда ҳар гал эсанкираб қолаётганини пайқадим. У тишларини ғижирлатар, кўзларини ола-кула қиларди ва, биласизми, муҳтарам жаноб, бу ҳол менинг жонимни чиқарарди. Ҳа, жонимни чиқарарди, кейин бутунлай издан чиқдим. Бир куни ишдан кейин уни тутиб қолдим ва: “Ойимтилла Индржишка, мен сизни ишдан бўшатаман”, — дедим унга. У бўзариб кетди ва: «Нима учун», — деб сўради. “Чунки мен сизга уйланаман”, — деб жавоб бердим имкон қадар кўполлик билан, шундай қилиб унга ёқмоқчи эдим... У шундай қўрқиб кетдики, ҳиқичоғи тутиб: “Мен хизматингизга тайёрман, пан бошлиқ”, — дея гўлдиради. Кейин мен унинг бармоғига никоҳ узугини тақиб қўйдим. Кейинчалик у, сизга қўрққанимдан эрга текканман, деб айтди, аммо мен, мен эса бахтли эдим. Бизни бирга кўрганлар ўзини кулгидан тиёлмасди: мен бочкадай эдим, у худди чўпга ўхшарди. Тасаввур қилинг-а: унинг оғирлиги роппа-роса қирқ килограмм эди! Тўй саёҳатига тоғларни танладик, биз ахир денгиз бўйида яшардик, тоғлар наздимизда бир фаройибот бўлиб кўринарди. Сўнг тоғларда унинг шоирона қалби ўзини кўрсатиб қолди, Швейцарияда у кетма-кет ҳар бир шалолалар этагида — Драубургдами ёки Эбердорфдами соатлаб нигоҳ қадаб ўтира оларди. Сумкасида эса бир бўлак қолбаса ҳам бўлмасди. “Азизим, етар энди шунча қараганинг” десам, нима деб жавоб қайтарарди, денг. Мен “табиатни ҳис қилмайдиган ва англамайдиган беадаб-бетамиз мечкай”

эканман. Бир куни қаердадир Залцбург яқинида у мендан жуда қаттиқ жирканишини айтди. Бу шундай бўлди: унинг айтишича, харсангтошлар орасидан бир жилғача шилдираб чопиб чиққанмиш ва шу чопганча даралар бўйлаб оқиб кетипти. Мен ўтлар устига ётиб: “Э, ўргилдим чопағон жилғангдан, қаёққа оқса оқавермайдими” деган хаёлга бордим. Бу орада у чечаклар териб, гулдаста олиб келди. Қарасам — тергани гуллаган жамбил экан. Қиймаланган чўчқа биқинини жамбилли салат билан тотиб кўрганмисиз ҳеч? Емаганмисиз? У ҳам емаган экан. Мен унга бу жуда зўр бўлишини айтган эдим, бирдан қутуриб кетса бўладими? Шундай нозик мавжудотнинг бундай қутуриб кетиши даҳшатли эди. Қари денгизчи кема дарғаси билан қандай сўкишинини кўрганмисиз, мана энди бу нозик аёлнинг ўшандоқ сўкинишларини тасаввур қилинг! Бу ҳатто ундан ҳам ошиб тушарди! Ана шундан кейин у қийиндан қийин сайрларни ўйлаб топа бошлади, бир куни ҳатто мени аллақандай музтоққа судради.

Гап шу ерга келганда у официантга:

— Ҳа, айтинг, менга бифштекс пиширишин! — дея луқма ташлаб қўйдим, қиссасини келган жойидан давом эттирди: — Азизим, бундан буюғи нақ босириқ тушга ўхшаб кетди. Мени арқон билан боғлаб, жарликлар оша судраб кетишди, Алп яйловларида эса сутдан бошқа нарса йўқ, фақат сут, сут... Менинг жаҳлим қирққа чиқиб кетди, Губеролмада бир тирик сигирни сотиб олдим, чўпонлар уни пишириб беришди. Шунда унинг қандай шовқин кўтарганини кўрсангиз эди. У бўйинлари кўнғироқли бу сигирларни кўриб, роса завқланган эди ва менинг қилмишимни унинг ҳиссиётларини таҳқирлаш деб ҳисоблади.

У қилиб, бу қилиб то Валлершпитцга судралиб бордик. У ерда мен, энди бу тоққа чиқмайман, дея баёнот бердим. “Яхши,— деди у,— у ҳолда мен меҳмонхонадаги бошқа аҳллар билан бораман”.

Меҳмонхона шу ердагидай айвонли, бутун Валлершпитц кўриниб турарди, у ерда ҳам дурбин бор эди. У тоғларга кетганлар эса икки нафар мажор ва бир инглиз хотиндан иборат эди. Мен хотиним билан хайрлашиб қолдим, туш вақти эса зерика бошладим. Дурбиннинг олдига бориб, уни тоғларга тўғриладим. Валлершпитц олдимда кафтдек кўриниб турарди. Мен ҳатто қоялар орасида капалаклар қандай учиб юрганини ҳам кўра билдим. Анчагача хотинимни ва у билан бирга кетган одамларни топа олмадим. Кейин меҳмонхона эгасини ва официантни чақириб олдим ва нима кўраётганларини яширмай айтасизлар деб қасам ичирдим. “Зоти олийлари,— деди меҳмонхона эгаси,— муҳтарама хотинингизни ва бир мажор кишини кўряпман, айнан ўпишиб турган пайтлари экан, иккинчи мажор эса инглиз хотинни ўпяпти. Зап томошабоп, қаранг, маза қиласиз”. Кейин дурбинга официант қаради ва: “Улар ҳалиям ўпишяпти, зоти олийлари”, — деди.

Мен нима қилганимни айтайми? Дурбинни синдириб ташладим ва тинмай ича бошладим, у аблаҳ мажорлар қайтиб келишганда мен ўлиқдай ухлаб қолгандим. Эрталаб улар ғойиб бўлишди. Кейин инглиз хотин ҳам... Мен дурбин ҳақини тўладим, хотинимни бекатга обориб, дўконингга қимирламай ўтир, деб уйга жўнатиб юбордим. Хотиним йиғлади, у яна Купфейн манзарасини ҳам кўраман деб орзулаб юрган экан. Жанжалдан кейинги гапини қаранг! “Бекор айтибсан, — дедим гапини бўлиб,— бу мажорлар билан ўзингни қандай тутиш кераклигини олдиндан ўйлашинг керак эди”.

Мана энди мен ёлғизман, сўққабошман, бир ўзим бу Алп тоғларида тўй саёҳатини давом эттиряпман. Мен бир эмас, тўртта дурбинни синдириб ташладим ва алам билан итальянларни ғажияпман.

Ниҳоят, официантга ўгирилиб, соғинчга тўла паст овоз билан беморларга ўхшаб:

— Менга яна битта бифштекс олиб келинг! — деб қўйди.

## ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДА ХИЁНАТ

Жиблажибон жанобларининг ўнг оёғида битта тирноқ етишмас эди, шу боисдан кўринишига жиддий тус бериб ғоз турмоқчи бўлган чоғларида бир оз ноқулайлик ҳис қилар эди. Аммо бугун ўз инида илк тухумча пайдо бўлганини кўриб жуда қаттиқ суюниб кетди.

Унинг хушбичим хотинчаси ҳам, гарчи уйида бундай ноёб нарсани биринчи кўриши бўлса-да, шодлигининг чек-чегараси йўқ эди, бу худди тушга ўхшайди, деб қўйди у, сўнг ишонасанми, кўзим бир неча дақиқа сал-пал илинган эди, уйфонгимда мана шу сарғиш тусли ғаройибдан-ғаройиб думалоқ нарсага кўзим тушди, у инимизга тўшалган сершира майин майсалар орасида бир бўлакча бўлиб товланарди, дея инонтирди. Эр-хотиннинг қиладиган ишлари йўқ бўлгани учун, ҳар куни галма-галдан тухум босиб вақтларини ўтказишарди.

Устларида қорақайин бутуқлари шовуллар, қойилмақом япроқлари шилдираб турган бақувват дарахтлар орасида уларнинг танлаган дарахти яккаю ягона эди. Инлари унчалик катта бўлмаса ҳам, ҳар қалай катта маҳорат билан тўқилган, қорақайиннинг қир учида эди. Пастдан қараган одам кўрмас, япроқлар тўсиб турарди. Ёзлари томоша қилиб тўйишмасди.

Улар, албатта, бошқа, каттароқ инларни ҳам кўришганди; масалан, қўшнилари қизиштиштон ҳар гал улар билан кўришганда, “бизнинг инимиз бошқаларниқига солиштирганда нақ саройнинг ўзи!” деб мақтанарди.

Лекин булар ўзларининг ҳалол меҳнат билан қурган шинам инчаларини яхши кўришарди – қизиштиштон эса ўзгаларнинг ётоғини эгаллаган, бойўғелининг бу дунёда есир қолган ёлғиз қизи, ёшгина бойқуш бечоранинг инига кириб олганини ким билмайди, дейсиз. “Шафқатсиз ва безбет бўлганим учун эмас, бойқушнинг ола кўзларини ёмон кўрганим учун шундай қилдим,” – деб ўзини оқларди қизиштиштон.

Қолаверса, қушларнинг ҳеч бири уни қораламасди – ҳаммалари ҳам бичими хунук ёш бойқушни хуш кўришмасди, устига-устак унинг ота-онаси тузоққа илинган эди...

Айтишларича, у каламуш овлар экан.

Бойқуш бечора уй-жойи эгалланганини пайқаб, ёнидаги бир шохга ўтириб, патларини ҳурпайтирди, човутларини керди, кейин уйқусираб кўзларини пирпиратди. Сўнгра тонг ота бошлагани сабабли, алам оғушида уйқуга кетди; шундай ҳурпайган қўйи кунни ухлаб ўтказди. Оқшом тушганда унинг уйғонишини кутиб ётган қушларнинг чинқироқ овозлари остида учиб кетди.

Бойқуш, бошқалар ўзини кўрганда дарғазаб бўлишларидан бениҳоя хафа бўларди. Кейин бутун ўрмон бўйлаб, бойқуш бир куни кечаси ўрмончининг болохонасига учиб кирган экан, ўрмончи уни тутиб олибди, деган овоза тарқалди. Бу гапни эшитган қизиштиштон, мен илгаритдан унинг кўзларини кўрсам жиним кўзирди, деб ҳаммаёқда мақтаниб юрди.

Умуман унинг ғалати томонлари кўп эди – бирда индамас, “ичимдагини топ” бўлиб қолар, бирда ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ кулаверарди. Уни тентак деб ҳисоблашарди.

Унинг яна бир ёмон одати шу эдики, гўё ҳақ гапни айтаётгандай, афтига жиддий тус бериб, бошқаларни ғийбат қиларди.

Бир куни жиблажибон уни энг яқин кўшним деб, хотини тухум қўйгани, энди ўзи ҳам тухум босаётгани ҳақида ўртоқлашиб қолди. Шунда қизиштиштон тухумга назар ташлаб, жиблажибонни бир чеккага чақирди.

– Азизим, – бошлади қизиштиштон, – кўзимга тухуминглр жуда катта кўрингандай бўлди. Гумонларим нимага асосланганини айтолмайман. Майли, кейин маълум бўлади. Агар ўзингизда ҳам шубҳа уйғонса, менга суянаверинг, мен ҳаммасини охиригача билиб бераман. Бошингизни тик тутинг, азизим, айтган сўзларимни ҳозирча унутинг, аҳтимол ўйлаганларим хомхаёлдир – яна билмадим.

Руҳан тушкун бир аҳволда жиблажибон инига қайтди ва боши қотиб тухумга ўтирди. Кайфияти шу қадар қаттиқ бузилгандики, хотини ўрнини олишга келганида, ўта қўполлик билан тарсиллади:

– Қаёқларда изғиб юрибсан, мени вақти ошиб-тошиб ётибди деб ўйлапсанми? Бугун ишим тиқилиб ётибди, дарёнинг нарёғидаги бир эманни тозалаш керак, ичи тўла бузоқбоши эмиш.

Бу дағалликдан хотини йиғлаб юборди, у бўлса жаҳл билан тумшуғини бир такиллатди-да, учиб кетди. Бутун йўл бўйи нега тухумимиз бошқа жиблажибонларнинг одатий тухумидан катта, дея ўйлаб кетди.

Йўлда у навқирон бир қайин ёнида тутилиб қолди ва қишлоқ болалари тилган ярасидан тизиллаб оқаётган янги сувидан тўйгунча ичиб, бутунлай кайфи ошиб қолди ва уйига қинғир-қийшиқ учиб борди, инига кириши билан хотинини чўқий бошлади ва тухумингни ҳам чўқиб ёриб ташлайман дея дўқ урди.

— Қасам ич, — деди кайfli овози титраб тантана билан, — ҳеч ким билан донлашиб юрмаганман, тухум — ўзимизники, де! Умумий ютуғимиз, деб қасам ич, агар шундай деб ифодалаш мумкин бўлса!

Хотин иккала қаноти билан қасам ичди, шундан кейин у тинчиди. Уйқуга кетганда эса, тушида хотини қораялоқ билан бирга ўрмон бўйлаб учиб юрганмиш.

Эрта билан уйғонганда у ўз тушидан уялди, бутун ҳафта давомида қўйдаи ювош бўлиб юрди, қизилиштонга эса:

— Кўрамиз, тухумдан нима чиқаркин, — деб қўйди.

Бир ҳафтадан кейин жўжа тухумни очиб чиқди. Шундай бир чиройли жишки, қуриган заҳоти тумшугини тинимсиз катта-катта оча бошлади. Биринчи кун унчалик кўп еди-ичди, деб бўлмайд-ю, аммо иккинчи кун — кўпроқ, учинчи кун жуда кўп еб-ича бошлади.

— Кириг, болаамизга бир қаранг, кириг, марҳамат, — дея таклиф қилди ҳадиксираб қолган жиблажибон қизилиштонни, — у шу қадар кўп еб-ичадики, уни боқишга кучимиз етмай қоляпти.

Кичкина мечкайни кўрган қизилиштон маънодор қилиб бошини чайқаб қўйди.

— Бир ҳафта кутайлик-чи, — деди у жиблажибонга, — ўшанда мен сизга бир нарсa дейишим мумкин... ҳозирча бир нарсани ёдда тутинг, аммо олдин ҳеч қаёққа кетмай ўтиринглар, худо кўрсатмасин, йиқилиб тушса... бола жиблажибоннинг кўриниши бўлакчароқ.

Ўша куни хотини оиланиг янги азбоси оғзини каппа-каппа очишларини тўхтаиб тезроқ ухлай қолсин, дея унга тинмай алла айтаркан, жиблажибон:

— Ўчир овозингни, ҳайвон! — дея тўнгиллади.

Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин ақлдан озаёзган жиблажибон қизилиштондан:

— Бу найновга нима дейсиз энди, — дея сўради, — бўйи мендан бир бош ўсиб кетди-ку!

— Жаноб кўшни, — дея жиддий сўз бошлади қизилиштон, — бу жиблажибон эмас, бу қандайдир бошқа нарсa. Ҳм... сизнинг хотинингиз ким биландир... Бу ахир бутунлай бошқа қуш, сизга ўхшамаган...

Ўша куни жиблажибон умуман уйига келмади, эртасига эса жўжа янада катталашганини кўриб бўлари бўлди.

— Аблаҳ, ифлос, — хотинига ташланди у, — ким билан дон олишдинг, қандай ақл бовар қилмайдиган бадбашара билан илакишдинг? Мен ҳаммасини биламан, — ҳамма эрлар ишлатадиган ҳунарни ишга солди.

Хотин ҳеч нима бўлмаган, деб қасам ичди. Эр шундай қутуриб кетдики, индан қулаб тушди ва ҳеч қачон қайтиб келмаслик учун учиб кетди.

Энди у бизнинг боғимизда ўтирипти; қанчадан-қанча бошқа қушлар келиб бизнинг инимизга ҳам какку тухум ташлаб кетган, биз ҳам эр-хотин галмагал тухум босиб, какку боласини очганмиз, ахир каккулар бегона инларга тухум ташлаб кетади, — дея унга бор гапларни айтишди.

Бизнинг жиблажибонимиз эса, булар бари сизлар тўқиб чиқарган аҳмоқона эртақ, дейди ва:

— Мени қармоққа илинтиролмайсиз. Ким билади, хотиним каккунинг эри билан дон олишгандир! — дея хитоб қилади.

*Русчадан  
Миразиз АЪЗАМ  
таржималари*